





High

Дурсуной Содиқова

Бахт қаерда...



TOSHKENT
«O'ZBEKISTON»

2013

84(59)6-938.ағад.


УЎК: 821.512.133-1

КБК $\frac{87.7}{C-75}$ - *Ишқа*

Масъул муҳаррир
Ҳикоят Маҳмудова

Ю 422.72/4
2.81

ISBN 978-9943-28-021-2



© «O'ZBEKISTON» НМИУ, 2013



МУАЛЛИФДАН

Бу жилдда «Нозик савол», «Бахт қаерда?», «Умр биттадир», «Бугунги эркаклар», «Сабаб ва натижа» рисоалари жамланган. Яъни, қатор йиллар давомида «7x7», «Бекажон» газеталари ва телевидениеда мухлислар билан олиб борилган савол-жавоблар тўпламидан иборат. Сухбатлар асосан оила илми, шахс маънавияти мавзусида. Аёнки, жони оғриб, боши қотиб турган одам нажот излаб бировга мурожаат қилади. Бундай пайтда у борини тўкиб солади. Одамларни тинглаб, рухият катламларига кирар эканман, маънавият, ҳазрати Навоийнинг тили билан айтганда, одамийлик тарбиясининг ғоят долзарблиги, бу борада чала ишларимиз ҳали кўп эканлигининг гувоҳи бўламан.

Оилавий ажримларнинг катта қисмини зиёлилар, ўзига тўқ оилалар ташкил этишига нима дейсиз? Уларнинг умр сарфлаб ўқиганлари, ҳунар ўрганганларида не маъно? Ахир, инсон билимни ҳаётини мазмунли ва тўқис қилиш учун тўпламайдими? Оиласи бузилди деган гап, у синди деган гап! Турмушинг бузилмаган тақдирда ҳам жуфтинг, ё қайнона, ё онанг-отанг, қайнсингил ё уканг, фарзандинг чаённинг ишини қилиб турса, сенга дунё татийдими? Юрагинг абгор бўлса, бутун гапириб, бутун иш қила оласанми? Оила аъзоларига, уни ўраб турган ёру биродарларига силайи раҳм кўрсатмаган, уларни авайламаган

одамдан ҳеч қачон ватанпарвар чиқмайди, у ҳеч қачон катта, эзгу ишларга қодир бўлмайди!

Хулоса шуки, дунёни билишдан олдин инсон инсончиликни, яъни ўзини ўрганиши, нимага қодиру нимани кўтара олмаслигини билиши, бахту бахтсизлик унинг қўллаган амалларига боғлиқ эканлигини уқиб олиши шарт экан.

Инсонга яшаш учун берилган ҳамма неъматларни таниш ва ундан лаззатланиш ҳам илм эканлиги, неъматларнинг буюги инсон ва уни авайлаш, асраш билимларнинг онаси эканлигини ёшларга астойдил ўргатиш зарур экан. «Муроса илми» деган фан ҳам бўлиши керакка ўхшайди.

Одамийлик – ҳосиятли қолип. Инсонни нафс, кибр, худбинлик балосидан асраб туради. Одамийлик, яъни маънавият сабоқлари синфдан ташқарида ёки маълум синфлардагина эмас, ёки оммавий тадбир тарзидагина эмас, узлуксиз олиб борилиши ва у асосий фанлардан олдинда туриши керак.

Ки номим Андижонийдир!

Савол:

Турсуной опа, «Андижон» деса юзингизда қуёш балқийди, шахрингизни мунча яхши кўрмасангиз?

Жавоб:

Инсоннинг қўлу оёғи боғлиқ эмас, ҳамма нарсадан воз кечиши, қанот ёзиб учиб, хоҳлаган томонига кўчиб кетиши мумкин. Борган жойларида тиллога кўмилиб, азизлик тахтигача кўтарилиши мумкин. Аммо, аммо унинг юрагида унга бўйсунмайдиган алланима бор: у алланиманинг оти йўқ, уни фақат туйиш мумкин. У кўкрагининг энг чуқур жойида жойлашган. Унинг борлигини фақат роҳатланганда ва оғриганда сезиб қоласан. Балки у жон парчасидир, йўқ, назаримда, у жон риштаси, у жон ипи! Сен қанча узок кетсанг, у ип каттиқроқ тортилаваради, ичингдаги оғриқ кучаяверади. Бу риштанинг боши бир нуқтага: сен йўқдан бор бўлган, киндик конинг тўкилган жойга боғланган. У жой сахроми, саксовулзорми, тошлокми, боғми, бундан қатъи назар, ўша томонга эгилаверасан. Унга қараб юрган саринг жонингнинг оғриғи пасаяди, жисминг ором ола бошлайди. У жой сен учун Ҳаво, Обиҳаёт! Сен у ерда Қуёшни танигансан, Ойни топгансан. У ерда биринчи бор Онангнинг ҳидини туйгансан, Нонни еб кўргансан. У ер сенинг дастлабки куртак туккан жойинг, ғунчага айланган боғинг! У сенинг ҳамма туйғуларингга исм берган жой! У сенинг онангни-да берган Бош онанг Ватандир! Тингла, устухонларингнинг қатларигача етказиб овоз бераётган, ҳарорати узатилаётган бу Ватандир, бу Вата-а-н!

Андижон — ўша менинг жон ипим боғланган замин. У чиройлими, кенгми, торми, бойми ё каму кўстликми? Буни тарозуга солиб кўрмаганман. Аммо аниқ биладиганим: Андижон — бу мендаги жон! Андижон Андижонда эмас, менда яшайди! Мен ўз лошимни эмас, ботинимда ҳам, зоҳиримда ҳам Андижонни ортмоқлаб ўтаётганим аниқ!

*Андижонда хонумоним ва номим Андижонийдир,
Бу феълим ичра не яхши-ёмоним Андижонийдир.
Бу эл менга ого-сингил, ёру сирдошу ҳомийдир,
Чиним шул, қолғони ёлгон, не топдим бари
фонийдир,
Мени шу ерда бор этдинг, ўларда шунда ўлдиргил!*

Мен Андижоннинг афзалликларидан, ҳамюртларимнинг ютуқларидан ғурурланишга, очиғини айтсам, андиша қиламан. Мен шу туришимда бу маконга, бу баҳоси йўқ одамларга ярашиб турибманми ё йўқ, дея мулзам тортаман. Андижоннинг тарих зарварақларига қараб пешонамни тер босади: ҳазрати Бобур юзта тахтдан ортик кўрган макон бу! Адабиётда Нодира, ҳаётда Умархондан сўнг умрининг охиригача аёл боши билан Қўқон тахтини бошқарган Моҳларойимни дунёга берган замин бу! Ўзбек адабиётида ўхшаши йўқ ва ҳар бири алоҳида назмий фасл ярата билган Абдулҳамид Чўлпон, Муҳаммад Юсуфларга она бўлган Андижон бу! Ўхў-ў-ў, бу юртнинг таржимаи ҳолига яна канчадан-канча дурдона исмлар битилган!... Бундай жойда яшашнинг юки оғир, бу жойни «меники» дейишдан аввал худодан бу ерга муносиб бўлишни сўра! Ва бир умр унинг тарҳини тоза тутишга қасам ич! Агар шундай

кила олмасанг, яхшиси, дунёга келма! Ҳар сафар «андижонликман» деганимда шу хитоб, шу бурч елкамдан эзиб туради.

Аммо дуоларнинг ижобат бўлишига ич-ичимдан ишонаман. «Зот суриш» деган гап бор! «Отлар ўрнини тойлар босади» деган нақл бор! Энг бепарво андижонликнинг қонида ҳам оталар васияти, авлодимизнинг феълү атворлари яшаётганига умид қиламан. Ва қуйидаги сатрлар билан андижонликларнинг андижонлик эканликларини тезда-тезда эслатиб тургим келаверади:

Халқим ўзин сенсираб, ориятни сизлаган,
Ҳар юмушнинг энг оғир, энг баландин кўзлаган.
Гапни ҳам бўлакламай улгуржасин сўзлаган,
Аммо ўзи бир сўздан бор бўлган ё музлаган,
Сўзнинг баҳоси бизда бамисоли жончадир,
Гар дўст бўлсанг, топиб де – феъллар
андижончадир!

Отам дерди: болам, бил, кимки тоза ниятдир,
Кўнгли очиқлик унга одат, хусусиятдир,
Остонаси юмшоқлик қонингда ирсиятдир,
Уч кун меҳмон келмаса, анжонликка уятдир,
Ўзни ерга, меҳмонни кўзга қўйиб ўтганмиз,
Бу қарз, ҳам фарздир, чунки Андижонда битганмиз!

Ногоҳ кимдир қўша-қўш мошинларга беркинса,
Остонаси тиллодан кошинларга беркинса,
Икки қўллаб емакдан тўймадим деб ўкинса,
Мавқе учун эмаклаб, пасткашларча юкинса,
Дейман: зотинг ким эди, ҳой сен – доннинг оласи?!
Ўлганда ҳам мард ўлган Андижоннинг боласи!



Ҳамма нарса пиятга боғлиқдир. Бир фуқаро, бир она, қалам тутган бир ижодкор сифатида Бош ватан — Ўзбекистонимизнинг дунёдаги энг нуфузли мамлакатлар қаторида бўлишини, унинг бағрида ўхшаши йўқ Андижон деган вилоятнинг барқарор туришини ва унга очик юз, феъли мард, гапи, лафзи бутун элнинг ҳамиша ёр бўлишини тилайман. Ва яна тилайманки, фарзандларимиз Андижонга биздан кўра ярашиқлироқ бўлсинлар.

Асосий тарбиячи ким?

Савол:

Турмуш ўртоғим қизимизни кўп тергайди. Ҳар бир иши (кийиниши, муомаласи, ўқиши)дан айб топиб, кўп уришади. Қизим отасидан ётсираб қолган. Ҳатто «дадам келгунларича мен ухлаб қолсайдим», деган гапларни ҳам айтяпти. Дадасига айтсам, «қиз болага каттик турмаса бўлмайди», дейди. Қизим энди 12 ёшда, бу унинг рухиятига ёмон таъсир қилмасмикин, деб ўйлаб қолдим. Қиз ва ота муносабатлари қандай бўлиши керак?

Жавоб:

Одатда ўғил онага, қиз отага қалбан интилиб туради. Бу илоҳий ришта. Фарзандларнинг рўзғор тутгунгача бўлган даври ота, она ва боланинг бир-бирларига тўйиб, дийдорлашиб қоладиган ғанимат пайтидир. Нега десангиз, ўғил уйлангач, она тоғлар ортида қолиб кетди деяверинг. Рўзғорлик ўғил аёлини, бола-чакасини дарров ўйлаб, онасини шошилмайроқ ўйлайдиган бўлиб қолади. Бу инсончиликда кўникиш керак бўлган табиий ҳолат. Она ўз жонидан ясаган боласининг хидига, жамолига тўйиб-тўйиб олишлиги учун Тангри атоғи



Ўғилни то уйлангунча онасига интилтириб, атрофида айланадиган қилиб қўяди. Бу биз, аёлларга, Худонинг раҳмидир.

Эътибор берганмисиз, қиз турмушга чиққунча эмас, рўзгорлик бўлгандан кейин онаси билан жуда яқинлашади. Ўғилни аёли, бола-чакаси чалғитиши мумкин, аммо қиз болани куёви ҳам, боласи ҳам, умуман дунёда ҳеч бир нарса ота-онасидан кечтиролмайди, айнитолмайди. Қиз бола ҳар қандай шароитда онасини эслашга, онасига нимадир илинишга ва унинг дийдорига етишишга интилади ва кўришишга ноимконлар ичра имкон топади. Унинг тили «болам»лаб турса-да, юраги «онам»лаб яшайди. Бу ҳолатни Аллоҳ ясайди. Чунки оналикнинг бекатларида қиз болага ўз онасидан бошқа йўлчи юлдуз, одил маслаҳатчи йўқ.

Қиз боланинг турмушга чиққунча отасига талпиниши ҳам илоҳий. Чунки кейинчалик ота қизи учун дарвозадан ташқарида бўлиб қолади, орага масофа тушади. Ота ўз уйида қизига тўйиб қолгани ғанимат. Унга оталик муҳаббати ва илтифотларини илинишлари ғанимат! Қиз учун ҳам отасининг ёнбошида ўтириб, унинг ҳидларини олиб қолгани ғанимат! Сабаби, у ёғига ҳаёт уларни жуда кам учраштиради.

Менинг назаримда, фақат бизда эмас, ҳамма миллатларда ҳам асосий тарбия оналар зиммасидадир, оталар уларга ёрдамчидирлар. Тарбия ишини аёллар зиммасига қўйгани учун ҳам, Аллоҳ аёлларни нафис, жозибали, овозларини ҳам майин, феълларини мулойим, муросасоз, руҳан хушёр ва тарбия ишида топқир қилиб яратган. Болаларнинг кўзлари ҳам, ўзлари ҳам зерикмаслиги



ва талпиниб туришлари учун аёлларни ёкимтой ясади. Улар болаларига ёкиб олиб, сўнгра мураккабдан-мураккаб яшаш илмини фарзандларининг жисми-жонига жойлаб борадилар. Шунинг учун тарбия борасида эркаклар оналарни босиб ўтмасинлар. Мактубда эслатилаётган эркак қизини тарбияламаяпти, аксинча, уни синдирияпти. Ўзи тирик туриб қизига оталик бахтини беролмаяпти. Қаранг, етимлар отамлаб йиғлайдилар, бу қиз эса тирик отасини кўрмаслик учун ухлаб қолишни орзуламоқда! Бу тарбия эмас, бу зулм! Агар аёлининг ақли ноқис бўлса, бошқа гап. Агар аёли ёки ўзи ўтмишда енгилтак ўтиб, қизи ўзларига ўхшаб қолишидан хавотир олаётган бўлса, бошқа гап. Аммо савол бергич ойимнинг гаплари аклу фаросатга тўлиб турибди. Бундай аёли бор эркак керакли маслаҳатни бериб, ўзи четда турмоғи, қизи билан аёли орқали муомала қилмоғи керак. Ўзбекчиликда қиз билан ота ўртасида парда бўлиши шарт! Ахлоққа доир гапларни ота ҳеч қачон қизининг бетига қараб айтмайди! Нима учун?! Чунки оиланинг шаънини сақлаш, ҳамма ҳар томонга йўрғалаб кетмаслиги, болалар чўчиб, андиша қилиб туришлари учун отанинг баҳосини ошириш керак, бунинг учун ота оилада ҳадеганда мунозарага киришиб, аймоқи бўлиб қолмаслиги лозим. Токи, у сўзини узок ўйлаб ва ўлчаб айтсин, токи, унинг бир гапини бир неча йил эслаб юрсинлар. Қолаверса, отасининг рўпарасида пасту баланд гапларни эшитиб бети қотган қиз, кун келиб турмуш ўртоғининг юзига ҳам тап тортмай хоҳлаган гапини айтадиган бўлиб қолиши мумкин.

Одам қиёфасидаги махлук

Савол:

Эрим ичади. Унга ҳеч нарсанинг, ҳатто икки боласининг ҳам қизиғи йўқ. Ажрашиб кетай десам, туманда номи чиққан оиланинг фарзандиман. Эримнинг на орзу-хаваси, на интилиши бор. Топган гапи: «Отанг пул берсин, иш топиб берсин». Улар бир неча бор иш ҳам топиб беришди, ўн кун ишлаб-ишламай беш-олти жойдан ҳайдалди. Отамнинг олдида ҳам уятлиман. Мени бесабр деб ўйламанг, бошим қотган. Болаларнинг отасиз ўсишини истамайман, балки инсоф кириб қолар...

Жавоб:

Қизим, ичкиликка бу қадар берилиш – ярим рухий касал дегани. «Отангга айт, пул берсин» деган гапни соғ эркак айтмайди. Соғ бўлса ҳам эрлик орияти, шаънини йўқотгани айтади! Хўп, отанг иш топиб берибди, агар ақли айнимаган бўлгандайди, биринчи мартадаёқ ўша ишга ёпишиб олган, ўзини қарздор сезган ва яхши ишлаб қайнотасининг олдида ўзини оқлаб олган бўларди. У шу туришида ялоғига овқат солиб беришларини кутиб ётган мушук! Ундан болаларинг қандай фойда, қандай маъни, қандай роҳат олади?! Дунёда чумчуқнинг ҳам ини бузилмасин. Дарвоқе, бу ота боласининг оғзига ҳеч йўқ чумчуқчалик дон соляптими?

Унинг инсофга киришидан умид қиялсан. Баракалла! Уни тўғри йўлга солиш сенга, менга қийин, аммо Яратган учун ҳеч гап эмас, иншооллоҳ. Лекин ҳозирча бу манзарани давом эттираверинг маъкул эмас. У билан сулҳни узиш керак. Отангникига



сигмасанг, ижарага бўлса-да чикиб кетиш лозим. «Ичкиликни ташлаб, тайинли ишли бўлгунингча бирга яшаймиз», демоқ лозим. Шунда ҳам қаерга борсанг, изингдан судралиб бориб итлик қилаверадиган бўлса, судга бериб ажралишингни айт. Борди-ю, ўшанда ҳам ўнгламаса, Аллоҳга таваккал қилиб, унинг бахридан кеч!

Агар у тавба қилиб ичкиликни ташласа-ю, аммо юзсизга, яъни оталик қарзларини ҳис қилмайдиган тирик товонга айланиб олса, барибир у пасткашнинг бетига қарама! Болаларинг хамиятсиз отанинг рўпарасида ўсгандан кўра, виждонли онанинг қўлидан нон еб улғайгани маъқулроқ. Агар у бемор бўлганида, бирор фалокатга учраб ўзини ўнглолмай қийналганида, сабр қилсанг, ёрдам берсанг, асраб қолсанг ярашар эди. Сурункали ичадиган киши одам қиёфасидаги махлукдир, ундан нари туриш фалокатдан нари туришдай гап.

Мен бу маслаҳатни эрингга касд қилиб айтаётганим йўқ. Бу кетишда ўзинг қаттиқ беморликка учраб қолишинг, отасининг ҳар кунги можаролари ичра болалар гўдаклигиданок синиши ёки кўзлари ўрганиб, улғайганларида унинг қилмишларини такрорлаб қўйишлари мумкин. Бу энг ёмон кўргилик.

Тўнингни тескари кийиб ол!

Савол:

Икки марта операция бўлганман. Эрим билан тенгма-тенг ишлардим. Хозир ҳам ўзимни аямайман, аммо аввалгидай эмас, кучим етмай қолди.

Эрим эса, сен ишламаяпсан, менга керак эмассан, деяпти. Оилани бокиш эркакнинг вазифаси эмасми?!

Жавоб:

Эрингнинг тошбағир бўлиб кетишига ўзинг сабабчисан. Икки марта операция бўлишинг ҳам сенга Аллохнинг жазоси! Эринг бир марта, уч марта, ҳа, бор ана, ўн марта жонингни қийнаб ишлаганингни кўриб туриб, пинагини бузмай, сенга ачинмай турдими, дарҳол хушёр тортишинг керак эди. Бу мени темир деб ўйлаяпти шекилли, имконларим чекланган эканини сездириб қўйишим керак, дейишинг керак эди. Жон сеники, уни асраш ҳам сенинг вазифанг. Жуфтинг бундай нозийрак, тўнка табиат экан, ҳастингнинг бошиданок озгина чарчашинг билан сездиришинг, «минг чиранмай, аёллигим билиниб қоляпти, нима бўлганда ҳам эркак аёлдан бақувват-да», кабилидаги гапларни едириб боришинг шарт эди. У сени, хотиним менга жонини беришга ҳам тайёр, у менсиз яшолмайди, деб қолибди. Ҳам хотинлик, ҳам қуллик бойвачча сезяпти экан ўзини! Қурбақани ҳам боссалар «вақ» этади, сен инсонлик қадрингни хор қилгунларича қараб турганинг учун Аллох сени шундай жазолаб турибди.

Эрингни инсофга келтириш мумкин. Харакат яна сендан бўлиши лозим. У сендан яна қулчиликни талаб қиладиган бўлса, уни хайратларда қолдириб, «сизнинг менга керагингиз йўқ» деган гапни айт. Ўзингни ўзинг боқа олишингни, сенинг ўлик-тиригингга унинг бир тийини ҳам керак эмаслигини, энди ўзингни астойдил даволашга аҳд қилганингни жиддий тушунтир. Ҳовлингдан

кетма. Уйингни бошқа қилиб ол. Отасининг хизматига болаларингни солиб қўй. Болаларинг бўлмаса, ўзини ўзига қўйиб бер, бир пайтава-сига ўралашсин! Қарз саломингни бер, саволла-рига иддаосиз жавоб бериб ўтавер, аммо усиз бемалол яшай олишингни кўрсат! Ана ўшанда нима бўлишини кўрасан! Унинг ўтлаб кетиши-дан, бошқасини топиб олишидан вахимага туш-ма. Фойда келтирмасанг, менга керак эмассан, дейдиган эрнинг боридан йўғи яхшироқ! Қани, ўша талабини бошқа хотинга ўтказиб кўрсин-чи! Ўзингга чиройли қараб, жонинг қийналмайдиган даражада тирикчилинигни қилиб юравер. Аммо бир тийин ҳам илинма! Сўраса ҳам берма! Мана кўрасан, у хушёр тортади. Аммо «кел, бирга яшайлик» дейишигаёқ дархол кўнма. Бу ҳолатни оддий араз деб билмасин. Ундан мутлақо аж-раб кетишингга уни ишонтир. Тўнингни тескари кийиб туриб ол: уч ой, олти ой, хатто бир йил бўлса ҳам майли! Ёлғизлик, маҳрамсиз қолиш унинг суяк-суягидан ўтсин! Ярашсанг ҳам, яна бир марта хурматсизлик кўрадиган бўлсам, суд орқали ажрашаман деб шарт қўй! (Агар никоҳинг бўлса!) Бу ҳам тарбиянинг бир йўли. Ҳаёт учун курашиш деганлари шу.

Бош иллат эркакларда!

Савол:

Бугунги кунда аёллар тўй-маъракаларда ортик-ча хою хавасларга берилиб кетиб эрларини танг аҳволга солмоқдалар, оила ҳам бундан зарар кўр-моқда. Бундайларни йўлга солса бўладими?

Жавоб:

Шухратпарастлик — ақлсизлик нишонаси. Насихатга юрадиган инсон асли яхши, фақат хомлиги, тажрибасизлиги учун хатога йўл қўядиган одамдир. У ёшига-ёш қўшилган сари камчиликларини тўғрилаб боради. Аммо асли ақлсиз бўлса, уни йўлга солиш ғоят оғир. Бундайларни фақат кўркитибгина тизгинда ушлаш мумкин. Ўғлоним, «аёллар эрларини қийин аҳволга солиб қўймоқдалар» дебсан. Сен аёлларни қўй! Бу масалада бош иллат эркакларда! Агар билсанг, ким хотини туфайли қийин аҳволда қолган бўлса, у лақма ва ландовур эркак. У эр бўлишни ва хотин тутишни билмаган илмсиз эркак!

Ўғлоним, гапимни ўзингга айта қолай: оиланг иқтисодини орқага кетишини била туриб, аёлинг нима деса ижро қилаверасанми? Билиб турибсан, у доно эмас. Ахир, эр-хотиннинг елкасида жуфтининг хатосини тузатиш, тўғри йўл кўрсатиш деган вазифа ҳам бор-ку! Аёлинг шанғилласа, ўзиникини маъқуллайверса, бўйнингни кисиб, пусиб қолаверасанми? Ақллига бир ишора етади, ақлсизга эса дағдаға керак. Овозингни сал кўтарсанг ўчади-қолади! Аёлингни хатодан тўхтатиш учун овоз кўтаришга ҳам ярамасанг, рўзғор тутиб нима қиласан?!

Ўғлонларим, бир маслаҳатимни яширин эшитинг: аёлимга ёқиб яшай десангиз, унинг илтимос ва таклифларига дарҳол хўп деманг. «Қани, бир ўйлаб кўрай», денг. Жавобини куттириброк айтинг. Сўровлари бари безарар, тўғри бўлса-да, ора-орада инкор ҳам қилинг. Бу, тарбия учун жуда зарур. Токи у сизнинг жавобингизни энти-



киб кутсин. Бу биринчидан, аёлингиз қошида сизнинг обрўингизни оширади. Қолаверса, аёлингиз илтимосларини ўйлаброк айтадиган бўлади.

Шу ҳақиқатга ишонингки, айтганини тахт қилаверсангиз, бориб-бориб аёлингиз сиздан кўнгилсиз бўлишгача етади. Бошқача айтганда, аёлингиз учун сизнинг қизигингиз қолмайди! Инсон руҳияти шунақа, таажжубланарли!

Бахтли бўлгинг келяптими?

Савол:

Яқинда турмушга чиқаман. Бахтли бўлишнинг қоидалари борми?

Жавоб:

Ёзилмаган, аммо билишинг шарт бўлган қоидалар бор!

– Отангинг уйида омонатсан, ҳақиқий уйинг – тушган жойинг. Остонасини ўлиб кириб борасан. Билиб қўй, бу уйда хунук нарса йўқ, ёмон одам ҳам йўқ! Айбини яширишга ва тузатишга тинмай уринасан. «Пешонамга шу ер битибдими, демак, мен шу хонадонга муносибман», деб ўзингни баҳолайсан.

– Ўзинг яйрашинг ва сени севишлари учун меҳнатдан қочмайсан. Уйингда ҳамма нарсанинг ўз жойи бўлсин ва ҳамма нарсанг жойида ялтираб турсин! Кир тўплама, тушганини тушган юванер! ПОКИЗАЛИК, ПОКИЗАЛИК ВА ЯНА ПОКИЗАЛИК!!! Билиб қўй, онажоним, бахт кир жойда тўхтамайди!

– Тилингни ямлаб ютиб юборсанг ҳам майли. Ҳеч қачон савол берма, сўралмаган нарсани айтма!

Ҳеч қачон ҳеч кимга гап қайтарма! Одамларнинг фақат фазилатларини айт, ёмонлама! Ҳеч кимнинг дилини офритма! Ажримгача борган оилаларнинг ярмидан кўпи аёлларнинг тили туфайли барбод бўлади!

– «Меники», «Менга қани?» деган сўзларни ишлатма. Ҳамма борада НАФСИНГНИ ТИЙ! Библиб қўй, нафс бало келтиради. Дунёдаги жами бахтсизликлар нафс туфайлидир.

– Ҳеч кимни ёмон кўрма! Қасдланма! Бахиллик қилма!

– Ёлғон ишлатма, ёлғон – ҳаром! Уйингни касофат босади!

– Жуфтингга ҳеч қачон «севаман» деб айтма, қизинг кетади!

– Уйингдаги ва қўлингдаги бор имконларингни кўра бил, улардан севина бил ва тинмай Аллоҳга шукр айт! Буни юракдан қил, бўлмаса, янги мукофотларини бермай туради.

– Сен боргач, жуфтингнинг фазилатлари орта бориши керак, бу атрофга сезилсин! Шунга эришки, сен келгач, у оила аъзоларига аввалгидан эътиборлироқ бўлиб қолсин. Илоҳо омин, сенга Яратган қулоғи очик виждон берсин, шу ишларни бажаришга қодир бўлгин.

Ихлос улғайишга етаклайди

Савол:

Аёл киши оилада, ишда укувли ва тадбиркор бўлиши учун нима қилиши керак?

Жавоб:

– Бунинг учун аввало яхши ондан туғилгани керак! Муҳими, ҳамма ҳаракатида ИХЛОСЛИК билан

лозим. Хар бир ишда астойдил бўлсанг, йўлингни Аллоҳ очади. Кучни ҳам, имконни ҳам ўзи узатиб туради.

– Бир ишни охирига етказмагунча тинчимаслик ҳам ихлоснинг бир кўриниши.

– Атрофдагиларнинг, ибратлиларнинг хатти-ҳаракатларини жониқиб кузатиш ва ўрганиш керак.

– Ҳеч қачон ўзингдан қониқма!

Инсоннинг фожиаси нимада?

Савол:

Инсоннинг фожиаси нимада?

Жавоб:

Шукр қилмаслиги ва бесабрлигида.

Барибир хатар бор!

Савол:

«Онасини кўриб қизини ол» мақолига қандай қарайсиз? Бизда бунинг тескарисини бўлган. Гап-сўз бўлган аёлнинг кизини олган эдик. Тўрт бо-лалари бўлди, ўғил уйлантирди. Бирор ёмон ҳолат бўлмади, ҳаммамиз ундан розимиз.

Жавоб:

Пулингиз ҳалол экан ёки кимнингдир бу қиз учун астойдил қилган дуолари бор, ёки кизнинг ўзи покиза ниятли, Худога ёққан банда бўлиши мумкин. Ёки унинг онаси охириги даврда астойдил тавбага ўтган бўлиши ҳам мумкин, Аллоҳ кечир-гувчидир. Аммо барибир хатар бор. Ота-онадаги иллат касрига болалар қолиши бор гап. Шунинг

учун хушёр қайнанг. Набирада бўлмаса, чеварада ўша енгил табиат бош кўтариб қолиши мумкин. «Олдин уловингни бовла, сўнг Аллоҳга таваккал қил», дейилади ҳадисда. Бундай оилада назорат, тарбия қаттиқроқ олиб борилиши шарт.

Яхшиликни куйдирадиган бало

Савол:

Кўпларга яхшилик қилганман. Аммо яхшиликим қайтмаган, аксинча, тухмату ифволарга куним қолди. Яхшилик қилишда давом этдим, бандалардан қайтмаса ҳам, Аллоҳдан қайтди: оғир касалликдан қутулиб қолдим. Одамларга яхшиликка яхшилик қайтариш кераклигини насиҳат қилсангиз.

Жавоб:

Яхшилик нима ўзи? Бировларни мамнун ва Аллоҳни рози қилиш учун қилинадиган ҳолис хизматни яхшилик деймиз. Ва унинг савоби кўпдир, яъни икки дунёлигингиз мукофотланади. Сиз қайтимини кутмаган яхшиликларингиз эвазига касалликдан фориғ бўлгансиз. Қайтими кутиладиган бўлса, унинг номи «қарз бериш» бўлади. Ҳолис хизматга қараганда унинг савоби озрок. Унинг устига, хизматингизнинг қайтимини кутиб туриб, отини яхшилик қўйишингиз нотўғри. Бу миннатнинг ўзи! Ҳамма яхшиликларингизни куйдириб ташлайдиган мана шу миннат! Тухмату ифволарга ўша феълингиз учун учрагансиз. Миннатнинг жавоби қандай оғирлигини кўрдингизми? Бировга яхшиликни умидвор бўлмай, ўзингиз яйрашингиз учун қилсангиз, Аллоҳнинг марҳаматлари ичида қоласиз. Аммо ёдингизда бўлсин, бу дунёнинг

қоидаси шундай: холис мурувватни бир томонга қиласиз, жавоби эса бошқа томондан келади.

Ўзинг ўзингга халоскорсан

Савол:

Қашқадарёнинг тоғли қишлоғиданман. Отамнинг «қиз бола ўқиб шаҳар олиб берармиди?» деган гаплари қулоғимда акс садо бериб туради. Ўқигим бор эди. Ҳозир уч фарзандим бор, турмуш ўртоғим бевақт қазо қилди. Моддий жиҳатдан жуда қийналдим. Ҳолатдан қандай чиқиб кетишни билмаяпман.

Жавоб:

Онажоним, ҳамма нарсанинг иложи бор, фақат бошинг омон бўлсин. Ва Худони эсингдан чиқарма! Ҳалол юриб, ҳалол туриб, уч боланг борлигига севиниб, ўзингнинг соғлигинг, бошпананг, кўнгил сўрайдиганларинг борлиги учун юракдан шукр айт! Кўзингдан ёш тўкма, бировга хасрат айтма. Ёрдам сўраб бировларга юкинма. Чунки бу кунлар сенга синов. Ҳали уч болангнинг орқасидан маликалардай кун кўрасан, хали сенга ҳавас қилиб юришади, иншооллох! Ҳар бир ҳолат Аллохдан. Муаммони берган Худо ечимини ҳам беради. Фақат каллангни ишлат ва меҳнатдан қочма. Каштани ёки чеварликни, ҳеч йўқ кўрпача қавишни ўрган. Мен танийдиган бир келинчак икки болали бўлганда ҳамшираликка ўқиди, шу билан тирикчилик қилиб юрди. Кейин бахтсиз ходиса туфайли ногирон бўлиб, кўчага чиқолмай қолди. У барибир бўш келмади, кўшчиларга сомса, турли пишириклар пишириб бериб рўзғор теб-



ратди. Мехнатнинг уяти йўқ, бировнинг сигирини соғиб ё полизига қарашиб ҳам пул топиш мумкин. Тиланчиликдан, бузуқликдан ё қўлимдан ҳеч нарса келмайди-да, деб ғафлат босиб ўтиришдан Худо сақласин! Ўша уят! Ўзингни ҳадеб бировларга солиштираверма, аксинча, атрофга синчиклаб қара, аҳволи сендан бир неча барабар ёмонлар ҳам бор! Билиб қўй, «нега фалончилар зўр яшайди, мен эса бундоқ» дейишнинг билан қўлингдаги бир нарсангни олиб қўяди ёки муаммоларингни кўпайтиради, эҳтиёт бўл! Сабрли ва изланувчан бўлсанг, ўзингни қандай тутганингни Аллоҳ кўриб туради ва ҳисобини олиб туради. Бировга олдин, бировга кейин, қаердан биламиз, балки атрофингдаги сен ҳавас қилаётган бугунги ўзига тўқлар, кун келиб, болаларинг қошига ишлари тушиб келадиган пайтлар бўлар!

Гап ўқиган-ўқимаганликда эмас, дипломлик бўлмаганингга кўп куйинаверма, ҳамма ўқимишли ҳам омадли эмас. Инсон ўз ниятининг поклигига, сабрига, шукрига, меҳнатдан қочмаслигига қараб бахтга муяссар бўлади. Мен билган яна бир аёл ҳаракатни ҳовлисидаги мажнунтолдан сават тўқишдан бошлади. Бугунга келиб у талай шогирдлар тайёрлаб, ўнлаб мамлакатларга мажнунтолдан тўқилган мебелларини экспорт қиладиган катта пулдорга айланиб кетди. Бир неча танловлар ғолиби бўлди. Ахир қишлоғингда битта бўлса ҳам сават ясайдиган бордир-ку ахир! Ишни ҳеч йўқ ўшанга шогирд тушишдан бошла. Бахтли кунларингда кўришини насиб этсин!

Онасининг онаси ким?

Савол:

Бир йилдан бери келин танлаймиз. Ўғлим ик-каламизнинг тинкамиз қуриди. Бу ишда нималарга кўпроқ эътибор берайлик?

Жавоб:

Ойим, сиз ҳозир қил устидаги жараённи бошингиздан кечиряпсиз. Ўзингизни босиб, совуққонлик билан иш юритинг. Келин уйингизда инқилобий бурилиш ясайди. Конидаги тўксон фоиз наслий унсурларини (генини) олиб келиб, набирангизнинг томирига қуяди. Яхши наслдан бўлса-ку майли, акси бўлса, ота-бувангизнинг руҳини қақшатиб қўясиз. Орага бола тушгач, оркага қайтиш йўк, наслингиз айнигандан-айниб кетаверади. Сизлар ҳозир, асосан, келин бўлгичнинг қадду қомати, оиласининг аҳволотига эътибор беряпсиз, холос! Бу сизни адаштиради.

– Мутлақо нотанишдан ҳаргиз қуда тутманг. Болалигидан билиб юрадиган кадрдонингиз, узоқроқ қариндошингиз, синашта жамоадошингиз бўлса беҳавотир бўласиз.

– Аввало, онасини кўринг, кейин кизини. Иложи бўлса, онасининг онасини ҳам суриштинг. Онаси ёмон – ҳаммаси ёмон!

– Ёшига югурманг, қўлидан нималар келишига қаранг. Бир неча ҳунари бўлса яна яхши. Сиз унинг пулига зор эмассиз, ҳунаrlарини умр бўйи ишлатмаслиги ҳам мумкин. Аммо заҳмат билан бир нарсани ўрганган одамнинг иродаси, сабри тобланган бўлади, ақлига-ақл қўшилган бўлади. Ҳар нарсага сакраб ўйнамайди. Қолаверса, бун



хаёт деб қўйибдилар, бошга нималар тушмайди дейсиз! Ўғлингизнинг омади чопмай қолган пайтда аёлининг ҳунари рўзғорни тортиб туради.

– Куда тараф сиздан бой бўлмасин. Баланд охурдан ем еб катта бўлган келиннинг иддаосини кўтариш зарурми сизга? Уйда кўрмагани сиз-никига келиб кўрсин. Келин-куёв тиришиб, тир-машиб юриб мукамалликка караб юрсинлар. Энг ширин хаёт шу.

Куёв сотиб олинадими?

Савол:

Ўғлимни уйлантиряпман. Аммо у келин томоннинг мебелларини қабул қилмайман деяпти. Миннат қилади деб дераза пардаларини ҳам инкор қилмоқчи. У тўғри йўл тутяптими?

Жавоб:

Келмаган келинни миннат қилади деб ёмон ниятга бориш яхши эмас. Аммо ўғлингизнинг мебелни инкор қилиши яхши! Бу ўғилболача қарор! Сизнинг саволингиз баҳона бопқа ота-оналарга ҳам айтадиганимни айтиб олай. Қиз узатишдаги бугунги ишларимиз қуюшқонга сиғмайдиган, Аллоҳ норози бўладиган даражага етди. Қизини бағридан юлиб, қудалар хизматига умрбод бериб қўяётгани етмай, куёв рўзғорини тўқис таъминлаш куёв томонга мулозаматми, пора беришми, кибрми, шухратпарастликми, тушунмайсиз. Келин билан бирга шунча юкнинг кириб келишидан аслида қудалар, айникса, куёв хижолат бўлиши керак. Ахир, азият чекиб рўзғор тиклаш эркакнинг қарзи, бурчи эмасми? Нима учун айнан қиз бола



эрлик бўлиш учун энг кўп пул сарфлаши керак? Бу куёвни сотиб олишми? Бу бетийиқ ишни дунёда биздан бошқа ҳеч ким қилмаса керак! Жонини парчалаб болага айлантиргани учун, ота-онасидан кечиб, бегона бир уйнинг чироғига айланиб ўтгани учун мен қиз зотини ўғил боладан юксакроққа қўяман, нима десангиз денг!

Ўғлингиз мебелларни келин миннат қилади деб эмас, эрлик ориятидан келиб чиқиб инкор қилиши керак. Ўз қўллари, ақллари билан оила тиклаб, бир нарсани роса орзулаб, унга қийналиб етиб яшаганларнинг рўзғори мустаҳкам бўлади. Чунки улар шу тарзда сабрга, қаноатга, қийинчиликларга чидашга ўрганадилар. Азият чекиб бир нарсага эришиш йўлида бир-бирларига суяниб, бир-бирларига мухаббатлари тушиб боради.

Агар келиннинг катта сеп билан кириб келиши қудаларни қувонтирса, билингки, уларнинг шайтон билан ҳамтовоқлиги шу! Бу обрўпарастлик, бу нақд шуҳратпарастлик! Ота-она шу балога йўлиқса, боласининг ини бузилиши ёки ғурбатхонага айланиши аниқ. Огоҳ бўлинг, ичингиздаги «болангга сарфла, сен кўрмаганни боланг кўрсин, сепини фалончиларникидан ҳам зўр қилиб бер, қудаларнинг оғзини очиб қўй», деган овоз сизнинг эмас, шайтоннинг овозидир! Эътибор беринг, баландпарвозлар, жаранг-журунлар билан турмуш қурганларнинг хаяжонлари, куёв-келиндик файзлари ажабтовур камрок, энг ачинарлиси, уларнинг пойига қўйилган молу дунёдан кўзлари яйраб кетмайди, сиз кутгандай қувонмайдилар. Шукрона деган нарса йўқ! Хайрат йўқ! Бамисо-



ли улар ота-оналарининг кафтларида ўтирибдилар: атрофга лоқайдгина, зерикибгина қарайдилар, донлари тайёр, сувлари тайёр. Хоҳласалар сочадилар, хоҳласалар тўкадилар. Халқнинг: «Бели оғримаганнинг нон ейишига боқ», деган нақлининг маъниси шу. Ҳозиргилар шунинг учун осон ажрашадилар. Бир-бирларидан осон кўнгил узадилар. Балки фарзандларингиз зўр инсонлар бўлар эди, аммо шайтоний хоҳишларингиз билан сиз уларни бедард қилиб қўйдингиз. Бундай натижани ҳаргиз кутмаган эдингиз, тўғрими, бу якунни сизга Аллоҳ тўғрилади.

Келин томонни йирик сарфларга рўбарў қилмаслик дегани, келинчакнинг умуман сепи бўлмасин деган гап эмас. Янги рўзғорга янги кийимлар, янги буюмлар, янги кўрпа-тўшаклар билан кириб бориш ота-бувамиздан қолган удум, ўзимизга хослигимиз. Қиз бола туғилган кунидан бошлаб сандикқа мол тушади. Буни ўғлингизга тушунтиринг, парда-сардаларга аралашмасин.

Ўзингизга бир гап: тўйдап кейинги бировлар еб, бировлар ичиб кетадиган, эҳсонга қирмайдиган борди-келдиларни сиз ҳам қисқартирсангиз, қудангиз ҳам шунга кўнса, «беш» баҳоли ота-оналар бўлардингиз.

Юраги қулфланган ўғил

Савол:

Ўғлим бир кизни яхши кўради. Ўшанга уйланоқчи. Қиз ўта замонавий. Уни ўзимнинг оиламга мослаштиришим учун нима қилишим керак?

Жавоб:

Бу жавобни ўғлингиз билан бирга ўқинг. Аввало, ўғлингиз нима учун оилангизга мутлако тўғри келмайдиган тутумли қизни танлади? Хўп, танласа танлабди дейлик. Нима учун уни сизга ёқадиган кўринишда юришга кўндирмаяпти? Қолаверса, жуфт топиш – бу умр савдоси, шундай улкан режага нима учун сизни аралаштирмади? Мени кечиринг-у, ўғлингизнинг бу туришидан бахтсизликнинг ҳиди келяпти. Онасининг кўнглини овлолмаган, ҳар бир ишда онасининг розилигини олмаган ўғилга Яратган яхши хотин буюрмайди. Ҳатто «билганингни қилавер» дейдиган калта ўй онага ҳам бир сидра: «Онажон, аввал сиз кўринг, сизга ёққан, сизнинг кўнглингиз чопган қизга уйланаман», дейдиган ўғил муродига етадиган фарзанддир.

«Ўта замонавий» деганингиз, чоки ситилай-ситилай деб турган шим, бели очик, эркакларнинг майкасидан ҳам очикроқ майка кийган кўринишни назарда тутяпсизми? Ҳеч кимдан уялмайман, атрофдагиларнинг ҳаммаси аҳмоқ, мен ақллиман дейдиган қизгина шундай кийинади. У кўча тўла эркак ва не уятли давралардан уялмаган, биргина сиздан уялармиди?! У шу туришида оила заҳматларига, аёлликнинг, оналикнинг азиятларига дош бера оладими? У ё хизматкор ёллаб, овқат қилдириб, бола боктиради, ё ўзингизни хизматкор ўрнида ишлатади!

Қиз боланинг феълидаги, ўзидаги гўзалликлар қанча пардали бўлса, баҳоси ўшанча баланд бўлади. Бундай очик-сочик юрадиган қизга фақат энгилтак, никоҳнинг муқаддаслигини билмайдиган,



юрагида Худоси йўк, келажакда хотин олиб, хотин қўйиб юрадиган йигитларгина уйланиши мумкин. Наҳот ўғлингиз ўшандайлардан бўлса? Агар ундайлардан бўлмаса, яхшилигини исбот қилсин: тездан, тўйгача у қизни рисолага туширсин. Сизнинг кўнглингиз тўладиган ҳолатга келтирсин. Агар у қизнинг асли яхши бўлса, ўғлингизга муҳаббати рост бўлса, шу маслаҳатга кўнади. Агар унинг нияти фақат эрга тегиб, юзини очиб олиш бўлса, билинг, болангизга қопқон қўйилган!

Борди-ю, ўғлингиз бизнинг гапларимизни ўқиб туриб ҳам, «бу опа бекор айтибди, бу қиз шу туришида менга ёқади, сиз ҳам ёқтиришга мажбурсиз» ёки бўлмаса, «бу қизни ўзгартириш қўлимдан келмайди» дейдиган бўлса, пешонангиздан кўрасиз. Отасининг ёки сизнинг каттагина гуноҳларингиз борки, Аллоҳ жазо ўрнида бу боланинг аклини, дилини кулфлаб қўйган. Шу болангиз орқали сизга кўргилик бор. Чунки Яратган сизни қуйдириб туриб, хатоларингизни ювади. Тишингизни тишингизга қўйиб чидайсиз ва астойдил тавба қиласиз — тўғри йўлни Аллоҳ дилингизга ўзи солади.

Ким ўғлини келинидан қизғонади?

Савол:

Келиндан ўғлини қизғонадиган аёлларга муносабатингиз?

Жавоб:

Рухий касалликлар шифохоналарида беморлиги авж олган, яъни атрофдагиларга ва ўзига хатар келтириши мумкин бўлганларгина ётиб даволанадилар. Аммо ишонаверинг, ўзларини соғ деб билади-



ган ўнлаб, юзлаб руҳий касаллар борки, туппа-тузук касбу кор юритиб, туппа-тузук кўринишларда ота-она, куда-анда, қўшни-қариндош бўлиб орамизда яшаб юрадилар.

Ўз ўғлининг жуфтига ўзини кундош мақомида тутадиган оналар битта-иккита эмаслигини ўйлаб юрагингиз увишади! Келин-куёв ётган уйнинг даҳлизига кириб ухлайдиган ёки деразасининг тагида гап пойлаб чиқадиган, ёки ёшларнинг хобхонасига тикка бостириб кираверади, ёки ўғлини ярим кечада чакириб, ўзини касалга солиб, ҳали оёғимни уқалаб қўй, ҳали дори суртиб қўй дейдиган аёллар (мен уларни «оналар» дегим келмаяпти!) соғ эмас, руҳий хасталардир! Буларга биз гап едиrolмаймиз, чунки улар аклан ноқис ва умрларининг охиригача шу алфозда ўтиб кетадилар. Уларга учраганлар факат чидайдилар ва юмшоқ йўлини излаб, ўзларини муҳофаза қилишга мажбурлар. Чунки элда «жиннини жинни десанг, терак бўйи сакрайди», деган гап бор, бу бежиз эмас.

Биз бу суҳбатда соғ оналар билан гаплашмоқчимиз. Мухтарам аёл, суюкли жуфт, суюкли она бўлган мўъжиза ойим, сени худо шундоқ баланд яратиб қўйибди, унинг устига дуркун ўғлонлар беришга яроқли этиб сийлабди, бунинг шукрини қил! Атрофга қара, бу мақомга эришолмаганлар қанча! Фарзандсизлар, ўғилсизлар қанча! Ўғил-қизи бўлиб, аммо уларнинг роҳатини кўрмай ўтиб кетганлар ёки ҳеч нарса кўнглига сиғмай бемор ётганлар қанча! Тўйлар қилиб, келин олиб ва ўзинг соғ бўлиб турган ҳолатингдан



маза қилмаётган бўлсанг, келинингдан ўғлингни қизғангиг келиб турган бўлса, сен ҳам соғ эмасан, сен ёмон одамсан! Бундайлар тирик юраве-
радилар, одамчасига сўзлаб, одамчасига ўтириб-
туриб яшайверадилар, аммо бу гўзал дунёни ба-
мисоли қалампирдай қабул қиладилар ва ҳаётдан
буришиб, тиришиб, вижимланиб ўтиб кетадилар!

Биз, инсонлар, Аллоҳ яратган махлуқотлардан биримиз. Албатта, андак жониворлик унсурла-
римиз бор, масалан, қизғаниш шунинг биттаси!
Аммо бошқа жонзотлардан фарқимиз шуки, биз-
га бебаҳо тортик – тафаккур ва беназир руҳий
бойлик берилган. Бу буюк имкон ва имтиёздир.
Тафаккур билан биз танамиздаги ўша жонивор-
лик унсурларини ва шайтоннинг турфа васва-
саларини енгиб, шарифлик мақомига интилиб
борамиз. Хўш, руҳий бойлик нима? Бу биров-
ларга яхшилик қилиб яйраш, бировларнинг сен-
га қилган яхшилигидан яйраш, гўзалликни та-
ниш, гўзаллик яратишга интилиш, қўлингдаги ва
йўлингдаги неъматлар учун тинмай шукр айтиш,
Яратгanning олдида ўзингни ҳамisha қарздор ҳис
қилиш, андиша ва уят туйғулари ... сени ос-
монларга кўтарадиган, етмиш икки томирингни
яйратадиган илоҳий тортиқлардир. Ўғлини ке-
линидан қизғанаётган ойим, сени ана шундай
илоҳий гўзалликлар ичра кўргим келади. Сени
илмли, ақлли, уйли-жойли, ўғилли, келинли
қилгунча Аллоҳнинг қанчадан-қанча неъматлари
сарф бўлди, сени исроф жазоларидан қутқаргим
келади! Сени махлуқий ҳаракатлардан асрагим,
эл назаридан қолишдан сақлагим келади. Аёл

бўлиб дунёга келишнинг ўзи бир қаҳрамонлик, оналик мақомига эришиш кўлинг билан дунё яратишдай гап! Шундай улуғ мақомот кайда-ю, ўлжасини бошқалардан қизғаниб, ириллаб турган жонзот қаёқда?! Сен ҳеч қачон инсонлик тахтингдан тушма! Ва ҳеч қачон оналик бахтидан кечма!

Сен жуфтингни ёмон кўрмайсан!

Савол:

Мени эрим яхши кўриб олган, ёқтирмай тегдим. Тўрт фарзандим бор. Ишлайман. Беҳуда рашкдан тўйдим. Сиз матбуотдаги чиқишларингизда эркакни уйдан бездирсанг, бошқасига бурилиб кетиши мумкин дедингиз. Уйдан безиган аёл бошқасини ёқтириб қолса-чи? Буни мен ҳамма аёллар учун сўрадим.

Жавоб:

Онам қизим, «ҳамма аёллар учун сўрадим» дема! Ҳамма аёл ҳам бундай савол бермайди. Мазкур жавобни сенга фикрдош бўлганлар ҳам ўқисин, деган ниятда ёзмоқдаман.

Феълингда ажабтовур совуққонликни кўриб хайратландим. Сезиб турибман, сен аслида ақлли қизсан. Фақат ғуруринг баландроқ. Ғурур ижобий фазилят, аммо керагидан ортиб кетса кибрга айланади. Ора-орада сен қабилар учраб туради. Масалан, эрга тегишга ор қиладиган қизлар, кўнгли борлигини жуфтига сездиришга бўйни ёр бермайдиган аёл ва худди шундай эркаклар ҳам бўлади. Жуфти учун ёки ёқтирган инсони учун қилган яхшилигини ҳадеганда ошкор қилавермайдиган, ўта сабрли, ортиқча тортинчоқлар ҳам бўлади.



Сенга келсак, хар доим хам дилингадини тилинга чиқаравермайсан. Чиқаргинг келади, аммо қайсарлигинг бунга йўл қўймайди. «Мени эрим яхши кўриб олган, ёқтирмай тегдим» дейишингда кибр, каттазанглик кўпчиб турибди. Жуфтинг ўз вақтида сенга каттик харидор бўлган кўринади. Ўзинга бино қўйишинга сабаб бўлган нарса шу. Лекин у барибир сенга озгина бўлса ҳам ёққан. Йўкса, индамай тегиб кетмасдинг. Сен қўймайсан-ку, бўйнингдан боғлаб олиб кетавергани! Ёки жонинг ўнтамас-ку, биттасини унга садақа қилгани!

Балки, сен ёқтириш туйғуси қандай бўлишини ажратолмагандирсан. Қолаверса, рўзғорга қадам қўяётган инсонда жуфтини ёқтириш, унга интилиш туйғуси биринчи ўринда турмайди. Аксинча, ҳаяжон, иккиланиш, «Бутун умримни шу одамга фидо қиялпманми, бу менинг сўнгги қароримми, танловим тўғри бўлдики ё йўк?» деган кўрқувли туйғулар вужудини хомталаш қилиб туради. Сен туйғуларингни саралай билмагансан, аслида, сенда ёқтириш ҳисси сезиларли бўлганки, ҳўп деб юборганингни билмай қолгансан. Жуфтингни ҳақиқий ёқтирмаганинга узоғи билан биринчи боланг туғилганидаёқ нуқта қўярдинг. Агар сени боғлаб турган илоҳий ришталар бўлмаганда эди, тўрт боланинг онаси бўлгунча бу ҳовлида ўралашиб юрмасдинг! Сен **ТЕНГИНИ ТОПГАН, УЙИДАН ТИНГАН** аёлсан, фақат буни ўз оти билан айтгинг келмаяпти! Ёки шундай деб айтишни билмаяпсан.

Тахмин қиялпман, сен ҳамиша бир қошингни тоқчага қўйиб, эрингни ўзинга муносиб кўрмагандай тутасан, унга ёзилмайсан, очилмайсан! Тўрт болали бўлгунча ҳам хайкалдай қотиб

тураверсанг, унинг хаёли бузилмасинми, кўнглига ҳар бало келмасинми? Рашк қилмасинми? У ҳам инсон, уни инсондай кўришларини хоҳламайдими? Унинг ҳам бир мартагина бериладиган умри ўтиб боряпти, ахир! Нега уни ўзингга чидашга мажбур қиляпсан? Оила жўжа кўпайтирадиган инкубатордан фарк қилиши керакми, йўқми? Эру аёлнинг бир-бирига инсоний эҳтироми, ҳамдардлиги, ҳамдиллиги қани?

Яна: у нима учун рашк қилади? У қачон гумондор бўлди? Бир этак боланг, шунча йилги рўзғоринг, тирик жуфтинг туриб фикрингда, ниятингда хато кетаётган бўлмагин тагин?! Шубҳали хатти-ҳаракатлар содир этиб қўймагин! Бу турмушинг пешонангдаги ёзиғингдир! Хаётдан олишинг керак бўлган насибанг шу! Бу илохий тақдир ва унда илохий хосият бор. Унга кўнмасдан, унга ўзингни иситмасдан бошқа иложинг йўқ! Эрингдан фазилат қидира бошлаган заҳотинг Аллоҳ меҳрингга меҳр қўшади, уйингда баҳор бошланиб кетади, ишонавер!

Онам кизим, ҳозир айтадиган гапларимни астойдил эшитгил. Эркак кишининг бир заифлиги бор. У алдамайди, аммо осон алданади. Ўзи ёлғон гапирмаслиги мумкин, аммо ёлғонга тезгина ишонади. Деярли ҳамма эркакнинг иқлими шундай. Бу Аллоҳдан ва бу ерда унинг Ўзигагина маълум бир сир бўлиши керак. Шундай экан, «жуфтим менга фалон ваъдани берган» ёки «у менсиз яшолмайди» деб хотиржам бўлма. Онам раҳматли уйига бепарворок ёш-ялангларга: «Эркак кишининг бетида туки бор-а, хушёр уй тутгин!» деб қўйгувчи эдилар. Бу эр тоифаси вақти келса,



кимнингдир таъсири билан сенга бўлган муносабатини батамом ўзгартириши, тўнини тескари кийиб олиши ҳам мумкин деганидир.

Эркакнинг яна бир феъли бор: у ўз аёлига хиёнат қилган тақдирда ҳам, ҳеч қачон хотинимни қўйиб юбориб мана шунга уйланаман деган фикрда бўлмайди. Вақтинчалик шу йўлни тутяпман-да, деб туради. Ва ичида хотинидан каттиқ хижолат ҳам бўлади. Боласидан кечиб юбориш деган нарса эса калласига келмайди ҳам! Шу жараёни бошидан кечираётган эркакларга хужум эмас, аксинча, ёрдам керак. Ёрдамингиз – бу сизнинг сабрингиздир. Ўзи ёпиб, ўзи ўчгунча қўйиб беринг. Бундай пайтда энг зўр ишлайдиган – шайтон! У сизни тинмай гиж-гижлаб, кистовга олади. Шу ҳолатда ўзини боса олган аёл – сара аёл! Оналик ва бекалик бурчларини эр дардидан юқори қўя олган, бетайин эрнинг айбини ёпиб, оиласидаги ҳаётни бир маромда олиб кета олган аёл зоти тоза, зоти тамизли аёл! Эрнинг ёқасидан олиб, етти козига ошно қилиб, етти маҳаллага айюҳаннос солиб, ўзини ҳам, бошқаларни ҳам касал қиладиган аёллар эркакларни уйдан бутунлай кетишига сабаб бўладилар. Кетиш нияти бўлмаган эркак ҳам жонидан тўйгач, халоват бор жойни излайди. Кўчадан топилган аёллар мана шунақа пайтда ўз фойдаларига ишлаб қоладилар: хотини талаб, жанжалнинг ичида қолган эркакларга ёлғон ширин сўзлари, ёлғон раҳмдилликлари, ёлғондан ҳолига айланишлари билан паноҳ бўладилар. Ва эркакнинг кўзига энг яхши аёл бўлиб кўринишга эришадилар. «Дунёда мана бунақа аёллар ҳам бор экан-ку», дейди лакма эркак унинг тўрига



тушгач. Сен эса ўзинг ясаган шовқиннинг ичида жуфтингни қандай бой бериб қўйганингни билмай қоласан!

Дарвоқе, гапингга қараганда жуфтинг сенга хиёнат қилмаган. Фақат ундан сенинг ичинг чикмаяпти, холос. Худо кўрсатмасин, агар у хиёнат қилганда эди! Эринг шу туриши, шу афти, жами яхши-ёмон томонлари билан сенга нақадар керак эканлигини бирданига билиб қолардинг! Ва ҳозирги ҳамма майда-чуйда гапларингни қайтиб олиб, тавбага ўтган бўлардинг.

Жуфтлар нима учун бир-бирларининг хиёнатларини кўтаролмай ёниб кетадилар, нега даҳшатли жазавага тушадилар? Чунки она бўлиш, ота бўлиш ва уларнинг ўртасида фарзанд деган неъматнинг туришини ўзи буюк боғлиқлик, буюк уюшмадир. Бошқа ҳамма ёқтиришлар фаслий ва нима деб номланса номланаверсин, фақат ўша илоҳий боғлиқликнинг номи МУҲАББАТдир! Унга лойик бўлишга уринганлар умр бўйи бахтли яшайдилар. Аммо ўзини у ёққа ташлаб, бу ёққа ташлаб, шайтон етовидан кетганлар обдан дайийдилар ва охири руҳий ҳаловатни кўчадан тополмай яна ўз инларига қайтадилар.

Эр ёки аёл оилага мутлако номуносиб деган ҳукм бўлди ва ўртага ажрим тушди, дейлик. Улар ҳаётларини қайта қурадилар ҳам, аммо барибир бутун бўлолмайдилар! Қалбан ногиронлик энди умрларининг охиригача бирга кетаверади. Боиси Аллоҳ гувоҳликка ўтди, уларга никоҳ ўқилди. Ана ўша дақиқадан бошлаб эру аёл бир дарахтга айланади ва ажралгудай бўлсалар, шу дарахт тенг иккига бўлинди, деб ҳисоблайверинг.

«Уйидан безиган аёл бошқасини топиб кетсачи?» деб сўраяпсан-у ичингда: «Йўк, бундай бўлиши мумкин эмас», деб турибсан. Аллоҳнинг борлигига ишонганки аёл, айниқса болали бўлса, бундай йўл тутолмайди. Муқаддас никоҳ унинг тизгинини ушлаб туради. Иймонсиз аёлгина ўз никоҳига хиёнат қилиши мумкин. Эркакларга зино мумкину бизга йўкми, деб даъво қилмоқчи бўласан! Уларга ҳам мумкин эмас, у ҳаром тутум! Аммо Тангри аёл зотига ўзини тута билиш қувватини кўпроқ берган. У бандаларининг раҳмини еб шундай қилган. Агар аёл зинокаш бўлса, касри болаларига урмасин деб ҳам, Аллоҳ оналарни болаларининг юзини, кўзини босиб ўтолмайдиган қилиб қўйган. Бола кўтарган, бола эмизган, болага овқат тайёрлаган, бола эркалатганки аёлнинг жисми-жони, амаллари, ниятлари пок бўлмаса, боласининг бахтсизлигини ўз қўли билан ясаб қўяди. Оналарнинг қўли кирланса, болалар кирланади, қарабсизки, жамият кирланади, замонга путур етади.

Оналик бу аёлларни гуноҳлардан асрайдиган муҳофаза деворидир, бизни шундай мақомга эриштиргани учун Яратганга минг шукрлар бўлсин! Онажоним, сен хомтама бўлма, ҳозир-ку боланг тўртта экан, битта боланг бўлган тақдирда ҳам кўнгил кўчасига кира олмайсан, кирсанг-да яйрай олмайсан! Кўзингга болангнинг кўзи кўриनावеради! Ўзингни оклаш учун эрга кўнгилсизлик, иқтисодий қийналиб қолганинг ёки эринг юриб кетгани учун қасд қилганингни пеш қилаверасан, аммо бу даъволарингнинг ҳаммаси бекор! Агар бу ишга қўл ур-



ган бўлсанг, бу зотингдаги чатоқлик, бу шахвоний нафс! Бундан тезда тийилиш ва тавбага ўтиш керак, йўқса атрофингдаги жами яқинларингнинг бахту омадларига қирғинбарот келтирасан!

Рўзғорда эру аёлнинг бир-бирини сурункали яхши кўриб яшаши мумкин эмас. Оила тебратиш муаммолар, мунозаралар, каму кўстлар майдонида умргузаронлик қилиш дегани. Ўзингни йўниб, андавалаб, жуфтингга мосланиб, унга кўниб яшашни бўйнингга олсанг, бахт сеники! Бунинг эса иложи бор. Сен хошиш билдирсанг бўлди, Аллохнинг ўзи ёрдамга келади. Бир ҳадисда: «Агар эру аёл бир-бирига меҳр-муҳаббат назари билан караса, агар эр аёлининг кўлидан тутса, гуноҳлари бармоқлари орасидан тўкилиб кетур», дейилган. Агар қирпи жуфтингни юмшоғим дея билсанг, кўнғиз умр йўлдошингни оппоғим деб овуна билсанг, бунинг эвазига сенга жаннат ваъда қилинаётир. Эсингда бўлсин, бизга нима берилган бўлса, бу – тақдир. Ва Яратган ҳисоб-китобда асло адашмайди.

Эркаксифат аёллар қачон тугайди?

Савол:

Дангаса, ишёқмас ўғилларга нима деган бўлардингиз?

Жавоб:

Аввало, шу ўғлонларнинг нима сабабли дангаса бўлиб қолганлиги ҳақида гапирайлик.

Сиз ўғлингиздан хафа бўлишдан олдин эрингизни қора курсига ўтқазинг. Ҳақиқат шуки, бола ота-онанинг айтганини эмас, қилганини қилади.



Отаси дангасанинг боласи ҳам дангаса бўлиши аниқ. Камдан-кам инсонларгина болаларидан андиша қилиб, ўзларини мажбурлаб рисолага соладилар. Анча-мунча эркаклар уйимда ҳам эркин бўлолмайманми деган алфозда иш тутадилар. Болаларнинг кўз ўнгида ароқ ичадилар, хотин урадилар, овзиларидан боди кириб, шоди чиқади. Қўйхонани аёли тозаласа ҳам, аёли пақирлаб сув ташиб турган бўлса ҳам, ҳатто кўз ўнгида уй оқлай бошласа ҳам виждони жимир этмайди, соколларини кирпичдай ўстириб, овқатни еб, пишиллаганча телевизор кўриб ўтираверадилар. Оила деган тўрт девор ичида хоҳлайсизми, хоҳламайсизми, болалар эрталабдан кечгача бизни кузатадилар. Отанинг аҳволи бу бўлса, уни кўриб катта бўлган бола ким бўлсин?

Дангаса, оқбилак ўғиллар яна қандай бино бўладилар? Разм солинг, бундайлар кўпроқ бой оилалардан чиқади. Боласига кетмон, белкурак тутқазишни орийат биладиган, хунармандларга шогирд қилиб беришни ўзига эп кўрмайдиган, беш кадам мактабга ҳам боласи учун машинани кўндаланг қилиб кўядиганлар истаганингизча бор. Пул бор-ку, дейдилар улар. Давримизда яйраб қолишсин-да, дейишади. Аммо пулдор ота-онани бораб қўйган эмас, пулнинг ўзи ҳам бир келиб, бир кетиб турадиган нарса. Эркак деган зот эса оиланинг кўрғони, обиҳаёти, жавобгари! Таги дақ этиб ерга текканда ота, онаси йўқ бўлса ёки уларнинг ҳам кўли аллақачон куриб бўлган бўлса, бола-чақаси ейман деб турса, хотини нажот сўраб унга мўлтираб турса, нима қилади у? Дазмол тузатиш ҳам пул, эшикни гичирламай



ёпиладиган қилиш ҳам пул! Тирик жонга тинмай дори керак, йўлкира керак, улар ҳам пул, пул! Отаси яратган имкониятлар тугагач, беҳунар қўли, эгилиб-букилишга яроксиз бели, вақтида қийналиб илм олмаган бўм-бўш калласи билан сўппайиб ўзи қолади! Юқорида айтдик, эркак оила учун бош жавобгар! Хўш, нима қила олади у? Деразанинг синган кўзини сола олмаса, бир михни жойини топиб қоқа олмаса, ҳамма жўмрақлар синиб, сув окиб ётса, тузатишга қўли йўқ, уста олиб келай деса, пули йўқ! Ана ўшанда болачақанинг олдида беобрў бўлишни кўринг, эрини хурмат қилмайдиган аёллар қўлини пахса қилиб эрига ўдавайлайдиган бўлиб қолади. Эркакшода аёллар қайдан келади, деб ғавғо кўтарамиз. Бир пайтлар бир мухбир менга: «Турсуной опа, эркаксифат аёллар кўпайиб кетаётганидан ташвишга тушмайсизми?» деб савол берганда, «кўнглинг тўқ бўлсин, болам, хотинсифат эркакларинг тугаган куни эркаксифат аёллар ҳам тугайди», деб жавоб бергандим. Кўп хонадонларда эрлари эпполмаган ишларни аёлларнинг ўзлари расталаб қўядилар. Ана энди хотиннинг олдида иккичи боладай бурун тортиб туришни кўринг! Бундай эр қандай ғоз туради, қандай амри фармон беради, қандай қилиб ўзининг гапини ўтказади? Қарабсизки, бу ночорлик чидамасликка олиб келади. Алам устида ичишга, чекишга ўтади. Қиморга, товламачиликка берилади. Оғир ҳолатдан чиқиш учун ҳаром, ҳалолни аралаштиради. Бунинг касофати биринчи бўлиб яна унинг оиласига уради, натижада рўзғори сочилиб кетади. Мутасадди ташкилотларнинг ўрганиб чиқишича, никоҳ ажримларининг



энг кўпи ўзига тўк, бой оилаларга тегишли экан. Эилаб-сеплаб яшайдиган оилаларда ажрим кам бўларкан. Чунки улар тириклик учун курашиб, жонларини қийнаб, ақлларини зўр бериб ишлатиб, қўллари билан яратиб яшайдилар. Ўзи бир нарсани яратган инсон тежаб-тергашни ҳам билади. Қийналиб топгани учун молни ҳам, одамни ҳам кадрлайдиган, аяйдиган бўлади. Хунарымандлар одми яшайдилар, аммо бойваччалардай мамнун яшайдилар. Чунки уларга бу қониқиш туйғусини Яратганнинг ўзи бериб қўйган. Ким пешона тери билан ҳалол пул топибди — у Аллохни рози қилибди, уни Ўзи ярлақайди!

Бўлсин, бўлсин, дунёда йигит кишининг қўли кадоқли бўлсин! Кўчада тулпор миниб юрадим, хаттоки хусусий самолёти бўладими, аммо уйга ибратли ота, эпли-шудли эр бўлиб кириб келсин. У оиланинг ҳамма саволларига ечим бўлсин. У қўлга олса, тешалар шеър айтиб, арралар хониш қилсин. Бу холдан фахрланган аёли унга термилиб тўймасин, қизлари дадамиз ҳамма нарсани биладиган олим деб билсинлар, ўғиллари ёнбошидан кетмай ҳақиқий отаўғил бўлишни орзуласинлар.

Йигитларжон, йигитнинг йигитлиги фақат пулу бола-чақа топиш эмас! У рўзгор учун ҳалоскор бўлсин. Ўзига буюрилган юмушларни аёлига юклаб қўйган эркак биздан эмас! Аёлининг пулига юкинадиган, аёлининг топганини беҳижолат қабул қиладиган эркак биздан эмас! Дунёда камбағалликка, касал боқишга, хунук эрга ёки эрларнинг айрим хурмача қилиқларига чидаш мумкин, аммо куч-қуввати жойида туриб фақат овқатнинг яхшисини еб ётаверадиган дангаса эр-

какка чидашнинг асло иложи йўқ! У тирикликда ўликдир! Ўликларнинг-ку зиёни йўқ, ишёқмас эркак эса зараркунанданинг ўзи: ўзи оиланинг баданига тушган кана, унинг устига болаларнинг тарбиясини бузади, қолаверса, бу хонадонга фаришта, файз, баракот ораламай кўяди.

Йигитларжон, ўил бўлиб туғилганингизга яраша ўғиллик сиёкингиз бўлсин, яъники ҳамиша енгингиз шимарилган, белбоғингиз маҳкам боғланган бўлсин! Атрофингизда сизга она, рафика, опа-сингил, қиз бўлиб турган аёллар сиз учун хижолатли бўлмасинлар. Сиз туфайли эл олдида ер чизиб қолмасинлар!

Нега турмушга чиқдинг?

Савол:

Оилада нега фақат келин иш қилавериши керак?

Жавоб:

Бу саволни унча-мунчага уялмайдиган, қолаверса, дангаса одам беряпти ёки кибрли, ўзига ёққан-ёқмаганларга мулозамат қилгиси келмаётган, тўғрироғи, тушган жойидаги одамларни менсимайроқ турган келин бераётир. Агар тез муолажа қилинмаса, у кўнгилдагидай оила тутолмайди, у билан яшайдиганларга жабр бўлиб қолиши мумкин.

Хўш, савол бераётган хоним, менга айт-чи, сен нима учун турмушга чиқдинг? Чунки чиқмасликнинг иложи йўқ, қиз бола, ҳатто у биттагина фарзанд бўлса ҳам, бўйига етгач, ота-она-

синикида ортиқчадай туюла бошлайди. Ёшига ёш қўшилган сари бетокатлик билан уни узатишга ошиқадилар, шундаймасми? Демак, сен узатилишинг шарт, яъни ўзга жойдан ватанли бўлиш бошингда бор нарса. Ватан — бу бошпана, ватан — тинадиган, ором оладиган, ҳеч ким жойингдан жилдиролмайдиган, хоҳлаган ишингни яйраб қиладиган, охирги йўлга кетгунингча ўз-ўзингни бўлган ўлан тўшагинг! Четдан келган сен қизга шундай имтиёзни бериб қўйганлари, жонларидан бўлган қизларини атрофга тарқатиб юбориб, уйлари абадийга сенга бўшатиб бераётганлари учун ҳам, юрак-юрагингдан чиқариб бу даргоҳнинг хизматини қилсанг ярашмабдими? Бу — бир!

Кўнглинг чолиб-чопмай турса ҳам, рўзвор тутдинг, нега? Чунки инсон боласига яшаш учун битта хамрох зарур, бу илохий тақдир! Чунки онанг йўлда қолади, отанг йўлда қолади. Қувватинг ҳам эскирадиган нарса. Бола-чақанг ҳам суягинггача шилиб, томиринггача қуришиб, сўнг ўзи билан ўзи бўлиб кетадиган ширин душман. Шайтон бор, у тинмай сенга эргашади, чалғитмоқчи бўлади, у ёлғиз одамни тез енгади, умр йўлдошинг эса сенга туну кун тайёр қўриқчидир. Сен бу уйга келгунингча бу йигитнинг боши онасининг бағрида эди. Онаси уни кунда бир хидларди, ёнига ўтказиб овқат едирар, унга кунда ўн бор термулар эди. Сен эт билан тирнокни абадийга ажратдинг. Бу сен учун ютуқ, она учун оғриқли айрилишдир. Куёвинг энди уйидагиларга деярли терс ўгирилиб сенга юзланди, ота-онангнинг ўрнини боса оладиган меҳрибонинг, боқувчинг, ўрни келса тарбия-



чинг, кечирувчинг, овутувчингга айланди. Шундок жуфтга ва уни сенга тутказиб қўйганларга хизмат қилишга оғринишга уялмайсанми? Жуфтингга қанча эътиборли бўлсанг, у ҳам сенга шунча эгилади. Уни қанча меҳр ва меҳнатинг билан эритсанг, шунча яйраб яшайсан! Демак, аёллик ишларини ким ихлос билан жой-жойига қўйибди, ўзи ўшанча ютибди! Бу – икки!

Хўш, ойим, нега турмушга чиқдинг? Чунки яшаш учун инсонга ҳаво керак, сув керак, нон керак. Ундан кейин эса, албатта зурриёт керак! Тўлақонли яшаш шу! Сен оналик мақомига эришиш учун, султон хоним бўлиш учун турмушга чиқдинг! Сен она бўлдинг. Сен Яратганнинг хоҳиши билан ўзингдан янги одам яратиш қудратига эга бўлдинг. Болангга жонингни ҳам беришга рози-сан, тўғрими? Гоҳида болангнинг дийдори дунё баҳосидан ҳам қимматга ўхшаб кетади, тўғрими? Болангни ҳар бағрингга босганингда симобдай эриб кетасан ва бундай маза заминий эмаслиги, кўкдан тушаётган тафт эканлигини етмиш икки томиринг билан туйиб турасан, шундай эмасми? Номард болам, ўшандай пайтларда бу лаззатни онангнинг уйидан эмас, жуфтингнинг хонадонидан топаётганинг ёдингда турсин! Бу роҳатни сенга фақат шу остона бераётгани учун, дархол унинг ёмону яхши-сидан бир айланиб, ўргилиб қўй! «Нега келин иш қилавериши керак» эмиш! Сен боланг яшайдиган, боланг улғаядиган жойга оро бермай, хизматини қилмай қаернинг хизматини қилишинг керак? Бу уйдан қимматроқ нарса йўқ сенга! Худодан тилаб олган неъматларинг шу ерда, ахир! Худди шу



ернинг ҳар бир бурчагини, ҳар бир одамини сева-сева, қўлинг олти, оёғинг етти бўлиб ишларини қилмасанг армонда кетмайсанми? Бу — уч!

Ҳой қиз, сен қайси «иш»ни малол оляпсан ўзи? Овқат қилишми, тозаликка қарашми, жуфтингнию болангни покиза кийинтиришми? Хўш, бу юмушларни қўлингдан олсак, сенга нима қолади? Пардоз-андозу оёғингни чалмаштириб телевизор кўришми? Унда сен учун япашнинг қизиғи қолмайди, болам! Аёл мазали овқат қилиб яйрайди, уйини яраклатиб енгил тортади, кайнона-қайноталарини хурсанд қилиб семиради, жуфтининг кўнглини олиб умрлари узаяди!

Келиннинг меҳнати унинг қулчилиги эмас, бахт пойдеворини қуришдаги тадбиркорлигидир. Қолаверса, келин қўшинининг ишини қилаётгани йўқ, бу ўзининг уйи: тозалаган гиламининг бир четида ўзи ўтиради, пиширган таомидан ўзи ҳам маза қилиб ейди, ховлиси тоза бўлса, боласининг диди яхшиланади, уйдагиларнинг кўнглини олса, уни ёмон кўрадиган одам бўлмайди, енгил нафас олиб, бемалол яшайди.

Билиб қўй, болам, дунёда аёлнинг қўли тегинмаган гўзаллик йўқ. Уйни бахтхонага айлантиришда асосий муаллиф ҳам аёл бўлади. Бундай бекиёс мақомга эса аёл фақат меҳнати билан эришади. Эрли, уйли, рўзғорли бўлганинг ҳаққи, гурил-лаб турган ёшлигинг, билагингда димиқиб ётган ғайратинг билан умрингни чаманзорга айлантириб юбормайсанми, онажон!

Икки дунёси куяётган ўғил

Савол:

Акам ёлғиз ўғил. Ота-онам билан келиша олмай, хотинини олиб чиқиб кетди. Энди судга бериб ҳақини талашмоқчи, шу инсофданми?

Жавоб:

Болажон, сен натижани кўриб турибсан, холос. Сабабини йигирма-йигирма беш йилнинг у ёридан сўрайсан. Қайтар дунё бу! Ҳозир дархол қамчини қўлга олиб акангни ура кетиш мумкин эмас. Аканг шу туришида ота-онанг томонидан нотўғри пиширилган бўтқа! У ҳозир ўзининг нотўғрилигини унча билавермайди. Тўғрироғи, у бундай ишлар ёмон ва уятли эканлиги уқтирилмай, сингдирилмай катта қилинган. У шўрлик ўзи ота бўлиб, пешонаси қонагандагина эси кириб, ичи билан йиғлаб қолади!

Кўчат ерга қадалгандан бошлаб, яхши мева қилишлиги, кераксиз шохлар чиқармаслиги ёки бошқа дарахтларнинг ўсишига ҳалақит бермаслиги учун боғбон уни тинмай кесиб, ростлаб туради. Ота-она ҳам боғбондир. Яхши боғбон бўлиш бир томондан банданинг Яратган олдидаги масъулияти, иккинчи томондан фақат ўзининг фойдаси — яхши ҳосил кўтаришнинг йўлидир. Фарзандлар — бизнинг меваларимиз. Қандай сифатда бўлишидан қатъи назар, индамай ейишга мажбурмиз. «Ўзинг пиширган ош» дейилади буни халқда.

Ота-онангнинг хатоси қуйидагича бўлган: акангга ё меҳрни хаддан ошириб юборганлар, яъни ўзларини исроф қилганлар (ахир, улар ҳам



Аллоҳнинг неъматин!), ё аксинча, меҳр изҳорини билмай, болани ардоққа зор қилганлар, натижада ота-онасига кўнгли исимай ўсган. Ёки ўзлари бобонг ва момоларингга номехрибон бўлганлар, эвазига Аллоҳ фарзандларини улардан совитиб қўйган, ёки лукмаларингизга ҳаром аралашган. Аканг инсофга келиши учун, у билан олишиб ўтирмай, ота-онанг дархол ўз амалларини таҳлил қилишлари, қайси ишлари хато бўлганини топишлари ва тан олишлари ва тавба қилишлари зарур. Яратганга узр айтишни савоб ишлари билан изҳор қилишлари керак. Айт, қизим, ота-онанг кимларгадир нисбатан қотиб қолган бўйинларини эгсинлар, кибрдан тушсинлар, тилларини тийсинлар..., нима қилсалар қилсинлар — вазиятни юмшатсинлар! Йўқса, ҳозирги ҳол улар учун дўзах ўти билан тенг.

Ёлғиз ўғил ота-онасини ташлаб чиқиб кетаётган бўлса, ёнида йўрғалаб кетаётган келин бола! Жуфтинг уйидагилардан тўйган бўлса, ўзи чиқиб кетиши керак эди. Сен нега қўшилиб олдинг? Нега олиб қолишга, ота-онаси билан келиштиришга ҳаракат қилмадинг? Демак, уларни ёмон кўраётган ўғиллари эмас, асосан, сенсан! Чиқиб кетиш ғавғосини бошлаган ҳам, эрингга газ берган, агар чиқиб кетмаса портлаш даражасига олиб келган ҳам сен бўласан! «Мана бу даҳшатли ўғил ота-онасини судга беришгача борган», деган тавқилаънатни бу эркакнинг бўйнига осаётган ҳам нақд ўзинг! Бу билан сендан кейинги авлодларингни ҳам қора тахтага ёзиб кетгувчи ўзингсан, уқдингми, болам?! Одамлар нега



бесфарзанд бўлишдан кўрқадилар? Кексайганда ёлғиз қолмаслик учун. Биттагина ўғил чиқиб кетса, уларнинг фарзандлик бўлгани қайга борди?! Сенинг гапингга кириб, ёши улуг ота-онани ташлаб кетаётган лакма эринг уларнинг жанозасига ҳам келмай кўявериши мумкин. Бу дегани, ўғли бор туриб ўлиги эгасиз қолди, деган гап! Уни тукқанлардан, боққанлардан воз кечган ўғилнинг атрофидаги ҳамма нарсага касофати уришини биласанми! Болаларингни худо уриб қўйишидан кўрқмайсанми?

Хўш, эринг ота-онасини судга бериб ховлини бўлиб олмоқчими? Бу бола учун ота ховлида бошпана нақд, яъни унинг бу ерга ўлиги ҳам, тириги ҳам сиғиб кетаверади. Суд ажратиб берадиган нарса, асосан, сенга керак, яъни эр бахона жойлик бўлиб олмоқчисан, шундай, а? Демак, қайнона-қайнотангни судга бердираётган сен! Кўзимга қара: бу мақсадингни амалга оширгач, шу заминда яшамоқчимисан? Агар бошқа планетага кўчиб кетсанг, билмадим. Аммо бу заминнинг бирор қарич ери сени кўтариб туrolмайди. Ота-онадан кечиб, улуш талашган ўғилнинг бахтини, омадини, ризқини, болаларининг равнақини ер ютади, қизим! Сенга шундай ҳаёт керакми?

Балки мен адашаётгандирман. Сен бегуноҳ, жуфтинг ҳақиқатда аҳмоқдир. Умр йўлдоши сифатида бирга чиқиб кетишдан бошқа чоранг қолмагандир. Лекин бу юздан бир ҳолатда содир бўлиши мумкин. Юқоридаги гапларни эса менга мактуб йўлламаган бўлса ҳам, аммо эрларини онасидан ажратиб олиб чиқиб кетишни ор-



зулаганлар эшитиб қўйсин, деб айтдим. Илоҳим, уларни ғафлат босиб, бу оғир гуноҳга қўл уриб қўймасинлар.

Савол бергувчи қизим, мен учун уйинг қоронғи ўрмон. Балки ота-онангнинг феъл-атвори чидаб бўлмайдиган даражада бўлиши мумкин. Ўшандай ҳолатда ҳам улардан кечиб кетиб бўлмайди, айникса, уларни қозихоналарда судраб юриб бўлмайди. Қўлинг куйса енгинг билан беркитганинг каби, улар дунёдан кетгунча чидашларинг, уларга имкон қадар дори бўлишларинг, обрўларини сақлаб қолишларинг керак. Чунки улардан қарзларинг ғоятда кўп. Бизнинг улушимизга қандай кўргуликлар тушса, асосан, ота-онамиз ва яқинларимизга бўлган муносабатларимиз туфайлидир. Бировларнинг ҳаётларига зимдан назар солинг, уйдаги гапни ташқарига олиб чиқмаслик учун тош келса кемириб, сув келса симириб яшаб борадилар. Бундай фарзанди солихлар орамизда юзлаб, минглаб учрайди. Ана ўшаларнинг болалари ўсиб-унадилар, ана ўшалар ниятларига етадилар.

Қизим, акангга индамадим. Аммо у ҳамма гапларимни эшитиб турибди. Бу ерда шайтонлик қилаётган асосан келинойинг. Аканг эса шайтоннинг тузоғига илинган лаққа гўшт! Аёлларининг фитнаси билан ота-онаси ва жигарларидан совиған эркакнинг икки дунёси ўт ичрадир, буни аканг эшитиб қўйсин!

Ёлғизлик банда учун эмас

Савол:

Турсуной опа, умр йўлдошим эрта вафот этди, мен икки ўғлимни ўн бир йил давомида ёлғиз ўстирдим. Бу ёлғизлик мени жуда чарчатди. Опа-жон, қандай маслаҳат берган бўлардингиз?

Жавоб:

Сени тушундим, онажон. Сен меҳнатдан, пул топиш захматидан, болаларнинг қорнини тўй-ғазишдан чарчаганинг йўқ. Сен ўзинг билан ўзинг гаплашишдан, ўзингни юпатиш, ўзингга сабр тилаш, руҳингни ёлғиз ўзинг тиккалашдан чарчадинг. Ёшинг нари борса қиркдадир. Сен тугул эллик, олтмиш, ҳатто етмиш ёшли одамнинг ёлғиз қолиши ҳам ғарибликдир. Киши ёши улғайган сари одамга зор бўлиб боради. Умр бўйи камгап ўтган одам ҳам бу ёшда суҳбатдош излайди, кўнглидагиларни тўққиси ёки шунчаки ёнида уни тинглайдиган кишиси бўлишини истайди.

Сирасини айтганда, умрнинг ярмидан бошлаб чиқар эшик кўриниб қоларкан. Кунинг ўтган сари унга яқинлашаётганингни сезиб турасан. Бу юрагингни увуштиради, хоҳласанг-хоҳламасанг, босиб ўтган йўлингга қараб туриб ўзингни суд қилишлар бошланади. Мана шундай пайтларда суянишга, қўлидан тутиб дадилланишга шерик керак! Малҳам керак, маҳрам керак!

Фарзандларнинг саноғи ўнта бўлса ҳам аҳамияти йўқ. Марҳабо Каримова айтганидай, «ўғлинг ўрлаб ўрга кетади, қизинг қирлаб қирга», ҳаммаси ининига тарқаб, қайтиб чиқмайдиган бўлиб сингиб



кетади, дунё деган шийпоннинг ўртасида тўрт томонингдан елвизак уриб ўзинг коласан. «Дадамнинг ёки онамнинг атрофида шунча фарзанд турибмизку, турмуш қуришининг нима кераги бор», дейдиган ўғил-киз тошини терсин. Қани, айтсин-чи, отаси ёки онаси оғриб колса, ҳеч йўқ бир ой бола-чақасини ташлаб, олдиларидан жилмай, бошини босиб, дори-дармонини ичириб ўтира оладими? Ўз вақтида монелик қилиб онасининг умрини тул ўтказиб юборган, катта бўлгач, бу хатолари учун ёнларини ўйиб яшаётганлар қанча! Ёлғизлик фақат Аллоҳга ярашади. Эркагу аёлни жуфтга эҳтиёжманд қилиб яратган ҳам Ўзи! Ота-онанг, жигарларинг, болаларинг, ҳатто йўқотган ёшлигинг, ўпирилган руҳиятингнинг ўрнини тўлдира оладиган фақат жуфтинг, умр йўлдошингдир.

Ойим, лойиқ, қобил одам чиқса, албатта, турмуш қур. Сен бу таклифни ботинан маъқулласангда, зоҳиран каттиқ андишада турасан. Аёлчиликда ўзига харидор излашлик йўқ. Жигарларингга хушёрлик берсин, болаларингга ақлли йўл кўрсатувчиларни рўпара қилсин. Сен албатта турмуш қуришга журъат қил, фақат бамаслаҳат, хўпми?!

Аслинг муҳофазангдир!

Савол:

Қизларнинг ўта европача кийинишига қандай қарайсиз?

Жавоб:

Хавотир олма, ўғлим, жаҳлинг ҳам чиқмасин. Бу дунёда ким қандай тутум тутса, кўтарган



хирмони ҳам шунга монанд бўлади. Атрофдаги одамларнинг кўзига ботмаслик керак. Ҳамманинг ҳукуки ўзида, аммо ким жамиятнинг кайфиятини бузадиган, умуминсоний одобни дарз кеткизадиган бўлса, унинг учун ёзилмаган бир жазо бор – назардан қолиш! Назардан қолган одам умр бўйи ўсмайди, унмайди, бу – бир!

Ундай модапарастлар дастидан миллий кадриятларимиз емирилиб бораверса-чи, деб ҳам ташвишланма. Аввало, фазл саналмайдиган, бошқача айтганда, бепарда модаларнинг умри узок бўлмайди. Мода бот-бот кўтариладиган чанг-тўзонга ўхшайди: тез келиб, тез босилади, бу – икки! Қандай ўйлайсан, модани тез кучдан қолдирадиган нарсани нима? Яратганга минг шукрки, бу сенинг аслинг, зотингдир! Бу – уч!

Сени минг ёмонга қўшсинлар, телевизор, дисклар орқали узлуксиз зарарли томошалар кўрсатсинлар, барибир булбулни қарғага айлантисинлар! Чунки сенинг ирсиятнинг бутун вужудингга, ҳатто руҳиятигга ҳам пойлоқчилик қилади. Бегона нарсани ичингга йўлатмайди, ҳамма таъсир тошга сув сепгандай бўлаверади. Тўғрироғи, конингга ёт нарсани ўзлигинг қабул қилмайди. Елим олмайдиган жойга бир нарсани зўрлаб ёпиштирсанг, уч-тўрт кун ўтмай тушиб кетгани каби, беш-олти йилдан кейин модапараст одам бугунги юришлари учун қаттиқ хижолат чекиб, ўзини ўзи суд қила бошлайди.

Бу замин, шоир айтганидай, отажоним Шарқ! Хар биримизнинг зуволамиз уялиш ва андишадан қорилган. Замондошингнинг очиқ-сочик юришидан изтироб чекяпсанми, ишонавер, сенинг бола-

чақангдан бундай бети каттиқлар асло чикмайди. Ёмон микроблар сенинг болангга юкмайди, чунки унинг асли тоза, иммунитети бакувват. Модага берилиб назардан қолаётганлар ҳам бизникилар, уларга инсоф сўрайлик, илоҳим, ўз йўлларини ўзлари боғламасинлар.

Синовга яроқли бўлингиз!

Савол:

Уч йил бўлди, фарзанд кўрмаяпмиз. Ҳаётим яхши. Рўзгоримни йўқотиб қўйишдан қўрқаман, қандай йўл тутай?

Жавоб:

Менинг онам етти йил фарзанд кўрмаганлар. Сўнг тўққиз болали бўлганлар. Аввало, ниятинг яхши бўлсин. Онам жонларидан ўтиб кетганда, «туғмас деган номдан қутулсам бўлди, бола кўрсам бўлди, ўлиб қолса ҳам майли», деб юборган эканлар! Бунинг учун умр бўйи армон қилиб, йиғлаб, бўзлаб ўтдилар, негаки, олти фарзандларини ерга берганлар.

Инсоннинг бошига тушган яхши кун ҳам, ёмон кун ҳам синов. Хар бир ҳаракатинг кузатилади: сабринг ҳам, бегоҳатлигинг ҳам! Ўзингни тутишингга қараб улуш берилади. Яратган ҳаммамизнинг ёнимизда: У берган ҳамма нарсага юракларингни тўлдириб, тинмай шукр айт, чиройли ниятлар, дуолар қил. Ибодатнинг энг чиройлиги бировларни миннатдор қилиб, дуосини олиш. Болажон, инсонга берилган қўл, оёқ, кўз, ақл, куч-қувват ҳам бойлик. Бу имкониятларни фаол ишлатмаётган бўлсанг, у туриб қолган мол ҳисобланади. Ал-



батта, унинг устидан ҳам закот лозим бўлади. Сенинг кишиларга қиладиган узлуксиз яхшилигинг закотингдир. Фийсабилилло бировларга ҳиммат кўрсат, қайтимини кутма. Ҳеч кимнинг дилини оғритма. Яхшилаб ўйлаб кўр, ҳеч кимдан қарзинг йўқми, ҳеч ким сендан умидвормасми? Жуфтлик, фарзандлик, келинлик, жигарлик вазифаларинг-ни жойида бажаряпсанми? Рўзғорда покизамисан? Касбу корингда ҳалолмисан? Агар шу ишларинг кўнгилдагидай бўлса, фарзандни сенга бермай кимга беради, болажоним! Фақат ихлос билан даволанишни канда қилма. Қилдай умид бўлса ҳам ҳаракат қилинг, икковингиз ҳам Яратганинг синовида турибсиз. У ёнига Аллоҳ кўрсатган йўлдан бораверасизлар. Тинмай сўранинг ва умид қилингиз, болам!

Онамдан кейинги онам келинимдир!

Савол:

Қайнона ва келин муносабатларига тўхталсангиз.

Жавоб:

Бу дунёда уйига югурмайдиган одам йўқ. Эси бору эси йўқ, бою камбағал, созу носозларнинг бари уй, ватан деб аталган бошпанасига талпинаверади. У балки бир қападир, балки қасрдир – бунинг аҳамияти йўқ, унинг учун ором макони шу! Инсоннинг ўша ерда тинчи бўлсин! Уни тушунадиган, уни кечирадиган одамлари шу ерда бўлсин!

Уйнинг обу ҳавосини яратадиган келинчилик ва қайноначиликдир. Бу муносабатларнинг ўзи бир дунё. Хонадонларнинг шу дунёси тинч бўлмаса,

бу маконда ҳеч ким соғ яшолмайди, инсофни ана ўша икки тоифага берсин!

Келиннинг: «Қайнонам онамга ўхшамаяпти, нимага у айбимни топаверади, ишени қилиб қўяялман-ку, нега у раҳмат демайди, эримдан бошқа ҳаммасини ёмон кўрялман», дейдиганидан учратмасин-да, илоҳим! Келин кўёвникига ватанлик бўлгани, шу ерда умрбод қолгани келади. Демак, шу жойнинг оддий тошидан тиллосигача кўзига суртиши керак. Бу уй унга ёкиши учун, тўғрироғи, агар қониқиб яшайдиган шароитни хоҳласа, аввало, ўзи ҳаракатга тушиши шарт. Бу ернинг хунугини чиройли, ёмонини яхши қилиш учун астойдил киришиши, ҳар бир нуктасига ўзини сарфлаши, меҳрини, ихлосини тўкиши лозим. Унинг дастхати қўйилмаган юмуш, ечимига аралашиб, хисса қўшмаган бирор муаммо, ундан нафланмаган бирор оила аъзоси бўлмаслиги керак, унинг диди, таклифи оиладаги жами янгилик, ўзгаришларда кўриниб турсин. Ўшандагина «бу келин шу ерга жойлашибди», деган тўхтамга келиш мумкин! Шундай келингина барака топади.

Қайнона ҳам эшикдан кириб келаётган келинни бадгумонлик билан «бу қиз яхшимикин, ё фалончининг келинига ўхшаб қуйдирармикин» демасдан, «халоскорим келди, белимга қувват бўладиганим шу, қизларимдан кўрмаганимни шу кизимдан кўраман», деб кутиб олиши керак. Ўргилай, қайноналар, орамиздаги эллик ёшга кирганимиз ҳам умрининг ярмини яшаб бўлган одам. Қувватимиз аввалгидаймас, журъатларимиз, шиддатларимиз аввалгидаймас. Мана шу «келин» деган мўъжизага ишимиз тушиши аниқ. Унга: «Мен-



га иссиқ чой дамлаб берадиганим, куни келса, бошимни босиб турадиганим, кизим етиб келгунча оёғимни укалайдиганим – шу келиним! Боламнинг оркасидан келган болам, онамнинг ўрнига келган онам, ҳаддим сиғадиганим: ўғлимга, қизимга айтолмайдиган гапларимни кўтарадиганим», деб қарасаккина ҳамма ғуборимиз тарқаб кетади.

Келинлар ялпи сифат белгиси билан келмайди. Аммо уларнинг ҳаммаси биздан камида икки баравар ёш ва боламизнинг оркасидан унинг умрини, бахтиши тўлдиргани келди. Яхшиланишига, пишишига ёрдам беришимиз шарт, бу бизнинг бурчимиз! Ўғлимизнинг тинчи учун ҳам шундай қилишимиз керак.

Гапнинг очиги, нима учундир онага ўғил фарзанд қимматроққа ўхшаб туюлаверади. Қизларимни эл қатори, элга ўхшаб улғайтиргандирман, аммо ўғилларимни юрагимнинг ўртасида ўстиргандайман! Уларни бешикка эмас, кўз қорачиғимга белаб катта қилганманми дейман-да! Жоним қаеримда бўлса, ўғлонларим ўша еримга жойлашиб олгандай! Она учун ўғил фарзанд шундай қиммат туради. Шундай бахоси йўқ давлатимизни етти ёт бегона келиннинг қўлига умрбодга топшириб юбориш оғриқли бўлиши табиий. Аммо ўзимизни келинга исита билсак, келин ҳам инсофли, меҳрли бўлиб бизни ёқтиришга ҳаракат қилса, бундан гўзал иш борми?! Бир болам иккита бўлиб бағримга бош қўйса, мендан бойваччаси қолмайди-ку дунёда! Қизимга илинмаганимни илиниб мен турсам, кизим қилмаган оқибатларни келиним қилиб турса, рўзғорим жаннатга айланиб кетмайдими?!

Хулоса шуки, қайнона келиннинг онасига айлансагина келин унинг жонига бола бўлиб киради. Хамма аёл ўзини шугинага кўндирсин, ҳаммамиз шу улуғликка етишайлик!

Яраштирувчи бўл

Савол:

Қайнукам менга жуда меҳрибон эди. Уйланганидан кейин бунинг акси бўлиб қолди, яъни мени тобора ёмон кўриб боряпти. Мен тушунмай қолдим!

Жавоб:

Бунинг сабаби овсинчилик, болам! Забардаст эркак зотининг битта заифлиги бор: аёлининг таъсирига тез берилади. Бу нараса биз, аёлларни, хушёр этиши керак. Ишонаверинг, эркакларнинг бу феъли ҳеч қачон ўнгланмайди. Яхшиси, эр билан гаплашаётганда тилимизга эҳтиёт бўлайлик. Эркаклар бу ортиқча соддаликлари ва гўлликлари билан қайнона-келин ва овсинларнинг орасини бузиб қўяётганлари, оға-иниларидан нари кетаётганларини ўзлари билмай қоладилар.

Келиннинг оилада эридан бошқа яқин кишиси йўқ. Эрига гап ташиганда тўксон фоиз ўринда унинг ёмон нияти бўлмайди, умр йўлдошимга дил тўқяпман, холос, деб ўйлайди. Сиқилаётганини, анови овсини пичинг қилгани, қайнонасига ҳеч ёқолмаётгани, хулласи, кайфиятини нима бузаётган бўлса, шағал мошинадай тўкиб солади. Жуфти буни хоҳлаб-хоҳламай эшитиши, ҳатто аёлини сўкиб-силтаб ташлаши, бу масалаларнинг бирортасига аралашмаслиги мумкин. Аммо унинг



кўнгил дафтари аёли туфайли кир бўлиб бўлди, шу боис, онасига хўмраяди, акасига дўнғиллайди, келинойисига гапирмай кўяди. Аёлининг гаплари кўпаяверса, унинг бу қилиқлари ҳам орта бо-ради! Муқаддас китобларимизда кечирилмайдиган гуноҳларнинг биттаси кишилар орасига нифок со-лишдир, дейилади. Эркакларнинг қулоғини кулф-лаб кўйишнинг иложи йўқ, шунинг учун келинлар тилларини тийганлари маъқул.

Келин ойим, қайнукангнинг муомаласи ёмонлаш-ганини жуфтингга билдирма, аксинча, бу ҳолатни юмшатишга ҳаракат қил. Овсинингга ёқадиган ишлар қил, токи у сени яхши кўриб қолсин. Ҳадялар бер, кўлидан ишини ол! Қарабсанки, кўп ўтмай унинг эри ҳам сенга илжайиб турибди-да!

Келинларнинг айби билан оға-инилар бир-биридан йироқлашса, билиб қўй, бу келинларнинг болалари келажакда батамом юзкўрмас бўлиб ке-тадилар. Бузғунчи онанинг етиштирадиган меваси бузғунчи боладир.

Гуноҳ – бошқаларнинг зиёнига қилган амалла-рингдир! Билки, у тўғри бориб болангнинг йўлини тўсади. Савоб – бу ўзгаларни асраш, ўзингга раво кўрганни уларга ҳам илинишдир. Ана шу савоб-дан қолма, у ҳали туғилмаган болангнинг бахтига пойдевор кўяжакдир.

Ана шу савобга эга бўлай десанг ва яйраб яшай десанг, борган жойингдаги урушганларни яраштир, яхшисини ошир, ёмонини яшир, унисини бунга макта, бунисини унга макта. Нима қилсанг ҳам, атрофингдагиларни бир-бирига исит. Мана шу ишларнинг умрингнинг охиригача сени фало-

катлардан, муаммолардан, нохуш тасодифлардан саклайди ёки қалтис ҳолатлардан ҳар гал бутун оилангни эсон-омон олиб чиқиб кетади.

Гўристонлар гапира олмайди!

Савол:

«Битта ота ўнта болани эплайди, аммо ўнта бола битта отани эпполмайди», деган нақлга муносабатингиз.

Жавоб:

Бунда гап қорин тўйдириш эмас, кўнгил олиш маъносида деб тушуниш керак. Бола баҳор фаслида яшайди, ота эса қиш фаслида турибди. Уларнинг бир-бирига араллашиб яшаши қийин. Боланинг қиликлари отага, отанинг муомаласи болага эриш туюлаверади.

Ўғлоним, отангнинг шу туриши билан ҳисоблаш. Сендан пул сўрагиси келаверса айблама, гапи майдаллашиб бораётган бўлса ҳам айблама, демак, унинг ўша нуқталари эскиряпти экан. Овқатларга инжиқ бўлиб қолса сиқилма, «эртангисини албатта сиз айтгандай қиламиз» де. «Малол келяпманми?» деса, «йўқ, дадажон, ҳамма гапингиз кўзимга сурма» де, оғриётган юрагингни муштинг билан босда, чида, яна чида. Ҳамма истагига «хўп бўлади» де! Дейишга куч топ!

Билиб қўй, сен ҳаётга кириб келяпсан, отанг эса чиқиб кетяпти. Яна неча йилгина яшайди, Худо билади. Уни шу кунгача қай даражада рози қилолдинг, ўзингга аён. Улгуриб қолишинг керак. Отанг ўтиб кетгандан кейин юзлаб мол сўйсанг ҳам юрагинг ёзилмайди, болам. Болажо-

ним, қабристонлар гапирмайди, гўрлар розиман деган гапни айтолмайди. Ота-онанинг розиликларига уларнинг тириклигида эришиб қол. Уларнинг истак-хоҳишларини ҳамма заруратларингдан ҳам зарурроқ бил, улар учун астойдил уринишларингни кўриб туришсин! Агар ўзингни шундай тутолсанг, биринчидан, Аллоҳ мушкулларингга ечим беради. Қолаверса, кейинчалик улар учун қилган ҳаракатларингни эслаб ўзинг ёзиласан, маза қиласан, болам!

Бахт қаерда...

Савол:

Ўғлим ёши ўзидан катта кизни севиб қолибди. Ўшанга уйланмоқчи, нима қилай?

Жавоб:

Менинг бу жавобимни ўзи жуфт танлаб, уйланиш режасини ўзи тузаётган бошқа ўғлонлар ҳам эшитиб қўйсинлар.

Ўғлоним, аввало, бир савол берай: сен қандай қилиб бор бўлиб қолдинг? Бу севадиган юракни, бу севиладиган кош, кўз, қадду комагни қаердан олдинг? Ниманинг ҳисобига ўсдинг, бу ақл, дид, фаросат сенга қаердан келди? Осмондан шу ҳолатда тушдингми ё куни кеча завод дастгоҳидан тайёр маҳсулот бўлиб чиқдингми? Жавоб бер, нега тилинг тутиляпти? Чунки бунақа савол бўлишини мутлақо ўйламагансан.

Хом ўғлим, эшит: сен агар йигирмага кирган бўлсанг, ота-онангнинг йигирма йиллик умрини, асабини, чиройини емириш ҳисобига, ўзлари емаганларини сенга едиришлари, ўзлари киймаганла-



рини сенга кийдиришлари ҳисобига, жами топганларини ўзларига сарфламай сенинг оёғинг остига сочиб қўйишлари ҳисобига бор бўлиб турибсан! Сен уларнинг ўзларидан кечишлари, навкирон умрларини эллик, олтмиш ёшга алмаштиришлари, бу дунёдан чиқар эшикка яқинлашиб қолишлари ҳисобига улғаяпсан, яшаяпсан! Улардан қарзинг бўйингдан ҳам баланд турибди. Сен улардан оларингни обдан олдинг, энди бериш навбати сенга! Улар сендан ҳеч нарса умид қилмайдилар, фақат кўнгиллари, кайфиятлари билан ҳисоблашсанг бўлди! Мана шунга ярасанг бўлди. Шугинани ҳам эплай олмайсанми?

Номард бола, сен учун хонумонидан кечиб қўйган ота-онанг сенинг кимга уйланишингга бефарқ қарармиди, сенга ёмон одамни танлармиди! Сен умрбодга шерик танлайсан-у, устига-устак, ота-онангнинг пулига уйланасан-у, танлаганингни ота-онангнинг уйига олиб келасан-у, улар билан маслаҳат қилмайсанми? Уятинг қани, болам? Улар тирик туриб, уларнинг улкан тажрибаси туриб, хотин танлашни ким қўйибди сенга? Агар чечанлигинг рост бўлганида ўзингдан каттани танлармидинг? Тўғри, муҳаббатда ёшга қаралмайди, миллатига, бой, камбағалига қаралмайди, шу ерда туриб, хоҳласанг, Африқодаги кизни сев! Аммо ишқ бошқа, рўзғор бошқа! Муҳаббатнинг ватани юрак, уни ўша ерга кўм! Оила деганлари минг марта тарозуга солиб тузиладиган уюшма. У ерда эр-хотин бир-бирларини ялаб-юлкаб ўтирмайдилар. Рўзғор азиятхона, захматхона, имтиҳонхонадир! Жуфтликка шунга ярайдиганини танлаш лозим.



Оилада ҳусн, бойлик эмас, зотнинг қандайлиги иш беради! Худди шунинг учун ҳам турмуш қуришда катталарнинг фикри, маслаҳатисиз иш тутиш мумкин эмас. Оилавий тинчликни, бахтни тиласанг, аввало, ота-онангнинг розилигини ол! Уларнинг розилигисиз сенга фаровонлик йўқ, ҳаловат йўқ! Агар бу борада қайсарлик қилсанг, барибир айтган одамим билан яшайман десанг, яшай қол! Аммо Яратганнинг бир ишига чидашингга тўғри келади: у ўз бандаларини бировлардан, айниқса, фарзандидан азият чекишини истамайди! Сен ўзингча «севганинг»га эришган бўласан, аммо бир йил ўтмай худо юрагингдаги «муҳаббат» деганингни сўндиради. Қарабсанки, жуфтингнинг сенга қизиғи қолмагандай туюла бошлайди. «Нега билмабман-а, унча зўр эмас экан-у», деган ўйда қоласан. «Мен адашдим» дейсан, «бу муҳаббат эмас экан» дейсан, аммо поезд кетиб бўлган бўлади. «Ўзим пиширган ош, чидайман-да», дейсан ва ҳаётингдан коникмай дунёдан ўтиб кетасан. Аслида, у киз яхши, бахтли янаш учун яроқли бўлиши ҳам мумкин, аммо сени совитган Аллоҳдир. Чунки сен ота-онангни норози қилиб уйландинг. Уларнинг дили оғриган жойда бахт йўқ, болам! Сендан рози бўлсалар қўлингдаги кесак ҳам олтинга айлангусидир, бунга ишон ва шу йўлни тут.

Хола она ўрнидадир

Савол:

Опамдан қолган уч ўғилни вояга етказиб, уйлаб, жойладим. Бу болаларга мен боламдек ҳақдорманми?

Жавоб:

Бир эмас, уч болани, устига-устак, ўғил болаларни вояга етказмоқнинг ўзи бўлмайди! Бунинг учун жонинг темирга айланиши керак. Лекин Аллох сизни меҳрибон сайлаб, уларнинг камоли учун сабабчи қилибди, шу билан бирга, сизга чексиз савобни ҳам бериб қўйибди. Бу ишларга яраганингиз, топармон-тутармон бўлганингиз ҳам худодан! Тинмай шукр келтиринг ва жами меҳнатларингизга рози бўлинг. «Мен улардан ҳақдорманми?» деган гапни дилингиздан ҳам, тилингиздан ҳам дарҳол чиқариб ташланг! Бу шунча мардлик қилган одамнинг гапи эмас. Бу – ҳамма савобингизни ювиб кетадиган нотўғрилиқ! Миннат қилувчиларгина шундай сўйлайдилар. Ҳадиси шарифда: «Хола она ўрнидадир», дейилган. Оналар эса фарзандларидан ҳеч қачон қайтим кутмайдилар.

Ўргилай сиздан, ишонинг, ҳамма ишингизни Ўзи кўриб, ҳисоб-китобини Ўзи тўғрилаб турибди: яхшилаб қаранг, етимларнинг бошини слаганингиз учун Унинг чексиз марҳаматлари сизга тинмай келиб турибди ва мана кўрасиз, умрингизнинг поёнигача азиз бўлиб ўтасиз, иншооллох! Фақат шайтонга қулоқ солиб қўйманг, миннатни оғзингизга олманг, ниятингизни тўғриланг. Сизга жавоб болалардан эмас, бошқа томонлардан келади.

Бахт ва армон

Савол:

Бахт ва армон хақида фикрингиз?

Жавоб:

Биласанми, юрагининг кўзи юмук одамлар, унга берилган имкониятларни, унга аталган гўзалликларни таний олмайдиган нотавонлар армон қилади. Лапашанг, умри бандаларидан сўраш ва кутиш билан ўтадиган, ҳеч нарсадан кўнгли тўлмайдиган ношукр одам армон қилаверади. Қани, айт-чи:

- Онанг тирик турса армон бўладими?
- Ўз ватанингда урушсиз, тўфонсиз, фалокатларсиз яшаб туриб армон қиласанми?
- Сов-саломат туришингга армон ярашадими?
- Тилинг сайраб турса, еганинг ҳазм бўлиб, баданинг яйраб турса армон нечун? Тездан «армон» деган сўзни луғатингдан олиб ташла! Бориға шукр қил, йўғини орзула ва интил! Меҳнатинг, ҳаракатинг билан яратиб, камингни тўлдириб гуриллаб яшайвер!

Бахт нима?

Бу – атрофингда сен маза қиладиган одамларнинг борлиги!

Бахт бу – ўзинг қилаётган ишлардан қониқишинг!

Сени севсалар, сен кимнидир севсанг – бахт!

Етишолмаган кишингни юрагингда авайлаб, айрилиқни умрбод ардоқлаб ўтиш – бахт!

Жуфтлик, фарзандлик бўлишинг – бахт!

Агар улар бўлмаса, яхши касбу кор ҳам бахт!

Агар у ҳам бўлмаса, сени тушунадиган кишиларнинг борлиги бахт!

Ақлингнинг ишлаб туриши – бахт! Ва ҳоказо...
Бундок ўйлаб қарасанг, дунёда бахтсиз одам
йўқ, фақатгина қўлингдаги нақдларингни тани-
шинг керак, холос. Демак, ўз имкониятларини
кўра билиш ва ундан фойдаланиш ҳам бахтдир.

Ортиқча куйиш – хатарли!

Савол:

Яқинда ўғлимиз вафот этди. Ўзимизга келол-
маяпмиз. Бизга насиҳат қилинг.

Жавоб:

Абу Абдуллоҳнинг тўрт ўғли бор экан. У саёҳат
ихтиёр этибди ва ўн яшарли боласини ёнига олиб
сафарга чиқибди. Йўлда от тепиб қўйиб, ўғли
нобуд бўлади. Устига-устак, битта бармоғи яра
бўлиб қорасонга айланади. Бир шаҳарга етганда
оёғини кестиришга мажбур бўлади. У ўғилсиз ва
бир оёқсиз ҳолда уйига қайтади. Аёли еру кўкни
додга тўлдирар эмиш. Шунда Абу Абдуллоҳ:
«Болалар Аллоҳнинг моли, уларни қачон бериб,
қачон олишини Ўзи билади, Унинг ишига ара-
лаша олмаймиз. Қолаверса, кимдир ўғилга зор,
кимдир ҳатто бир тирноққа етолмай ўтяпти. Биз-
га эса бир эмас, тўрт ўғилни бериб қўйди. Аммо
биз бунга қанчалик шукр айтдик? Бу мукофот-
ларга яраша Ўзига астойдил ҳамду санолар изҳор
қила билдикми? У бизга берарини: ризку рўз,
умр, фарзанд, жигарбанд, дўст деган неъматлар-
ни атрофимизга уюб қўйди. Шунча тортиқни ин-
дамай қабул қиламиз-у, ўзи берганидан биттасини
ўзи қайтиб олса, исён кўтарамизми?» деган экан.



Турган гапки, сиз ҳам Яратганнинг мукофотлари ичидасиз. Бошқа фарзандингиз ҳам бўлса керак. Жуфтингиз омон. Оёк-қўлингиз соғ, кариндошларингиз ўровидасиз, шундайми? Хоҳласангиз, яна тукқудай ёшдасиз, шундай, а? Хўш, буларнинг шукронаси қани? Шунча нарсани сизга бермаслиги ҳам мумкин эди, тўғрими? Шунча бойлик қўлингизда туриб, нега дод соласиз?! Бу борада сабр ва кўнишдан бошқа нарсага ҳаддимиз сизмайди. Ортиқча саннаб йиғлаш, ичга солиб касал бўлиш ношукрлик ҳисобланади. Аллоҳнинг ғазабини келтирсангиз, берган неъматларимни кўрмаяпти шекилли, ана бунисини ҳам олиб қўяйчи, деб юбормасин яна! Ўзингизни бир жойга тўпланг. Бор имтиёз ва имкониятларингизни кунда бирма-бир сананг ва шукрини қилинг! Бори билан қувонинг ва уларни ҳам ғанимат билинг, эшитяписизми, қўлингиздаги ва ёнингиздаги ҳамма нарсани ғанимат билинг! Бошга тушган ҳолатларга ортиқча куйиш – хатарли, айланай!

Қиёмат қарз

Савол:

Турмуш ўртоғим машина оламан деб пул йиққан эди. Қайнонам киз чиқараман деб пулларни олиб қўйди. Бизга машина жуда керак эди. Қайнонамнинг иши тўғрими?

Жавоб:

Онажоним, турмуш ўртоғинг умрининг охиригача жигарлари учун жавобгардир. Камини тўлдиради, ямоғини ямаб, узилганини улайди. Бу эркак жигарнинг елкасига Аллоҳ қўйган қарз.

Бу қондошлик, қориндошлик қарзи! Бу қиёмат қарз! Қайнотанг пул топишдан тўхтагандир, қайнонангнинг бели нозик тортиб қолгандирки, ўғлининг қўлига қараб қолишибди. Кексайган одам фарзандига суянмай кимга суянади?

Жуфтинг машина оламан деган тақдирда ҳам «синглингиз бўйига етиб қолди, аввал уни чиқариб, сўнг режа тузинг», дейиш сенинг вазифанг эди! Сен эса «бизга машина жуда керак эди», деб иддао қиляпсан. Келинлар огох бўлсинларки, эрларнинг елкасини жигарлик қарзи эзиб тураверади. Жуфтингни гуноҳга етаклама! Чунки у гуноҳнинг касри бутун умрингга уради. Этагингдаги болангнинг эртага сенинг ёшингга етишини ўйла: сен-ку, бутун бошли тўй ҳақида гапиряпсан, бунинг жавоби оғирроқ келади, кун келиб ўзингнинг келиннинг ёки фарзандинг, тўйни қўй, «ота-онамнинг қорнини фақат мен боқаманми, анови боласи ҳам боксин», деган даҳшатли гапни айтади. Ҳатто, сенинг борлигингни малол ола бошлайди. Бундан Ўзи асрасин!

Шароитинг менга қоронғу. Агар қайнонанг бой-бадавлат бўлиб, тўй қилишга қодир туриб, атойти сенинг машиналик бўлишингни хоҳламаётган бўлса хафа бўлишинг мумкин. Унда унинг гуноҳи ўзини тутати. Аммо ўшанда ҳам эр-хотин иккаланг бош эгиб бориб, «синглимизнинг қайси камини қилиб берайлик?» дейишларинг шарт! Ва имкониятинг кўтарганини қилишинг бурчингдир. Эвазига болаларинг вояга етганда Аллоҳ сени ҳеч кимга мухтож қилмай, қўлингга ҳамма имкониятни тутқазиб қўяди, иншооллоҳ!

5— Т. Содиқова, 4-жилд

Аслингни асра!

Савол:

Тўйларда келин-куёвнинг оврупоча ўтириб-туришлари, ўртага тушиб пул қистиришларига нима дейсиз?

Жавоб:

Қишлоқнинг кизи умрида киймаган енги йўк кўйлакларни кийиб, тумонат одамнинг ўртасида юзини очиб ўтиришига нима дейсиз! Эркаклар ёппасига арок ичиб ўтиради. Ичган одам ўзини юз фоиз назорат кила олади, деб ким кафолат беради? Уларнинг ичида суқи йўк, ҳасади йўк, беҳаёси йўк деб ким айта олади? Тўй чиллахона бўлса! Ширакайф кўзлар кузатиб турган келинни мен кир бўлиб қолган келин деб ўйлайман. Очигини айтганда, файзу фасохатга тўла миллий тўйларимизнинг йўқолиб кетишидан кўрқаман. Келин билан куёвнинг тўйнинг тўрисида чиқиб ўтириб олишлари бизнинг одобдан эмас! Қизлар базми алоҳида, куёв базм алоҳида бўлиши керак, келин билан куёв чимилдикдагина кўришиши лозим! Яна уларнинг ўртага тушволиб ўйинга тушишига нима дейсиз? Бу ҳам етмагандай, яқиндан бери катта шаҳарларимизда тўйи бўлаётган киз билан йигитнинг оврупоча вальсга тушиши ҳам русумга кира бошлапти. Маънавият бобидаги устуворлигимиз бизнинг шарқона одобимиздир. Мана шу одоб бизнинг нақдимиз, бойлигимиздир! Ўз наслига муҳаббатли одам бу бойликни оёғости қилмайди.

Келин кўйлакларни айтмайсизми! Қайси асрдаги қайси момомиз кийибди бу кўйлакни? Уни

кийиб кимнинг руhini шод қияпмиз? Ўрмондан кеча чиққан ибтидоий жамоамимизки, бировлардан қўйлак кийишни ўргансак! Дунёдаги турфа миллатлар каби наслу насабимиз тайинли халқмиз. Худога шукр, беназир миллий тилимиз, адабиётимиз, санъатимиз, миллий таомларимиз, турмуш тутумларимиз бор! Шунча мустақил бойликка эга бўлган халқ умрида бир марта бўладиган тўйида қўйлак тополмай қолибдими? Миллатлар бири-биридан, аввало, кўриниши ва кийиниши билан фарқ қилади, авлодимизга ўхшаб кийинишдан номус қилиб қолдикми ҳали?! Бу миллий ғурурнинг сусти кетишидир. Бу кизларини шундай кийинтираётган ота-оналарнинг бефарқлиги, ўз аждодига бўлган ҳурматсизлигидир.

Бизнинг одатимизда «қизим келинчак бўлса» деб, тўйда ва чимилдикда кийиладиган қўйлакни йиллаб режа қиладилар, мато танлайдилар, қўли ҳалол бўлган чеварга ишонадилар, ҳар бир чокига дуо билан ип тортадилар ва тўйдан кейин уни умрбод табарруқ қилиб сақлайдилар! Турфа остона, турфа бадандан қайтган ижара кийимдан наҳотки на она, на киз сесканмаса? Таъбимиз шу қадар қирланиб кетдими? Яна бу сарқит қўйлакни битта қўйнинг пулига ижарага оладилар. Пул ҳам Аллоҳнинг неъматидир. Бу исроф ёкангиздан тутмайди деб ўйлайсизми? Ахир шу биттагина қўйга ошина олмай уйланомай юрган йигитлар бор!

Бизнинг тиллақош, зебигардонларимиз, сикма бел турфа камзилу пешматларимиз, дўппиларимизни кийса қизларимиз ойланиб, қуёпланиб кетади! Аслида, шу масалада хотин-қизлар қўмиталарида ҳам сустилик кўриняпти: бутун республика бўйича келин

кўйлакларнинг кўргазма-кўриклари ўтказилиши керак. Омманинг эътиборини тортадиган тадбирларни узлуксиз ташкиллаштириш лозим. Фақат ёддан чиқмасинки, либослар бошдан-оёқ оппоқ рангда бўлиши шарт!

Хулласи, тўй ҳамманинг диққатини тортадиган оммавий нарсас. Тўй ички ва ташқи маданиятимизни намойиш қиладиган сахна. Биз ҳар бир ҳаракатимиз билан миллатнинг номидан гапираётганимиз эсимизда турсин. Миллатнинг обрўси ҳар биттамызга тааллуқли эканлигини ёдлаб юрайлик. Тоза зотларгина, болаларимнинг мушуқуллари осон бўлсин, менинг шарофатим билан уларнинг йўли очилсин, деган кишиларгина наслларининг аслини сақлагувчи бўладилар. Илоҳим, бизни ўшаларнинг каторида қилгин!

Биз ўзимиз киммиз?

Савол:

Турсуной опа, нега тўйларимизни танқид қиляпсиз, ахир, инсон пулни болаларининг тўйига атаб йиғади-да!

Жавоб:

Қани, айтинг-чи, тўйингизда икки юз эмас, минг кишига ош бердингиз. Хўш, бу билан уйингиздаги бир беморингиз тузалиб ё ўғлингизнинг ақлига ақл қўшилиб қолдими? Қизингизга уч уйни тўлатиб жиҳозлаб бердингиз. Бу билан қизингиз гўзаллашиб қолдими? Ё омонат дафтарчангизга пул тушдими? Ё куёвингиз бунинг учун сизга умрбод миннатдорчилик билдириб ўтишга тилхат ёзиб бердими? Йўқса айтинг, нима мақсадда бундай қилдингиз?



Куёв томондан сўрайлик-чи: келинингиз бутун бошли универмагни кўчириб келса индамаяпсиз, ё у буюмларнинг ярмини сизга бўлиб берадими? Унинг кўрпа-тўшаклари, тилло тақинчоқларини битта-битта сотиб ейсизми? Ё тўйда таркатган латта-путталарингиз бир куни қоронғу гўрингизни ёруғ қилиб берадими? Йўқса, нега борди-келдини кўпайтиряпсиз, мақсад нима?! Мақсадингиз аниқ ва шайтоний: сизга шуҳрат керак! Бу ҳам НАФС!!! Нафсга ружу қўйган одам худони унутади! Қудадан кўпроқ нарса ундиришни, қудага ўзининг кимлигини кўрсатиб қўйишни хоҳлаган одам – (Аллоҳ кечирсин!) худосиз одам!

Менга савол бераётган иним! Сиз пулни болангиз учун эмас, болангизнинг тўйида ўзингизни кўрсатиш учун йиққансиз! Қолаверса, агар сиз қийналиб пул топганингизда эди, ҳалол меҳнат қилганингизда эди, тўй баҳона пулни ҳавога сочмас эдингиз! Қўкка согурилаётган пул Аллоҳга хуш келмаган даромаддир!

Агар ҳалол меҳнат қилган бўлсангиз, топганингизни болангизга сарфлашни ният қилган бўлсангиз, қиздир, ўғилдир, аввало унга ИЛМ беринг! Ундан ҳам аввал уларнинг соғлигини текширтиринг, жисми жонини соғломлаштиринг. Спортга беринг, бўйини ўстиринг, мушакларини пишитинг (айниқса, қиз болани!). Қиз боланинг иши оғир, вазифаси буюк: у рўзғор бошқаради, бола тарбиялайди. Унинг ақли, дунёқараши бутун бўлса, ўзи соғ бўлсагина болаларига нимадир бера олади. Қизларингизни китобхон қилинг. Ўзингиз бош бўлиб кутубхоналарга етакланг! Қулфи дили очилсин. Қалби гўзалланисин. Йўқса,



ундан тўнка табиат болалар яралади. Пулингиз кўпайса, махсус марказларда, ўқитувчилар таклиф қилиб, фанларни кўшимча ўқиттиринг. Географияни, тарихни, биологияни, тилни, адабиётни яхши билса ёмонми? Ўғлонларингизни камида бешта ҳунарга ўргатинг (ўқиши ўз йўлига!). Эркак оила бошлиғи, ҳар эҳтимолга қарши бир нарсадан бир нарса ясашни, яратишни, ниманидир тузатишни, ҳеч йўқ деҳқончиликни ва ё қассобчиликни билиб қўйсин, куни келганда бола-чақасининг, аёлининг олдида ноилож, мўлтираб қолмайди. Эркак учун хотинининг топганини еб ётишдай шармандалик йўқ! Бундай оиланинг фарзандлари ҳам тўлақонли бўлолмайди.

Аллоҳ ўзи яратган неъматларнинг ичида энг гўзали деб инсонни тайинлади. Унга «инсони шариф» дея унвон берди. Одамзод шу таърифга лойиқ бўлиши лозим. Сизу бизни оталик, оналик мартабасига кўтарди. Бунинг эвазига елкамизга бир фарз вазифани юклади: бу бола тарбиясидир. Ҳар биримиз ўрнимизга ўзимиздан кучлироқ, ўзимиздан тамизлироқ фарзандларни қўйиб кетишимиз шарт! Умримизни шу дастурга бўйсундиришимиз шарт! Хўш, бу иш қўлимиздан келадими? Дарвоқе, биз ўзимиз киммиз? Болаларимиз биздан нимани ўрганяпти? Пулингизни тўйингизда сочишдан аввал ана шу саволларимга жавоб беринг, иним!

Одам эмас, бўшлиқ!

Савол:

Тўйларнинг серчиким бўлишига фақат аёллар сабабчи, шунга нима дейсиз?

Жавоб:

Аёллар сабабчи бўлаётгани балки тўғридир. Лекин ўша уйда сиз ҳам яшайсиз-ку, жаноби эркак! Ҳадеганда «мен йигит кишиман!» дея кўкракка уриб туриш сизнинг феълингиз-ку! Қани ўша кескирлигингиз? Эрнинг сўзи ўтмай қолган уй уйми? Аёлингиз нотўғри ўйлаётган бўлса, унинг нотўғрилигини билиб туриб ҳам қўшилиб кетаверасизми? Аёлингиз билан болангиз топармон-тутармон бўлганда ҳам, биринчи маслаҳат овози сизда бўлиши керак. Оиланинг бошлиғи деган отингиз бор, ўрнингиз қани, овозингиз қани, ОРИНГИЗ қани, ахир!

Қолаверса, эркак сушт кетган жойда ҳам аёл олдинга ўтади. Рўзгорини, аёлини ўз ҳолига ташлаб қўйган, ичувчи, лақиллаб бекор юрувчи, ваъдабоз, болаларининг кўнглига йўл тополмаган, еб, кекиришдан бошқага ярамайдиган эркакни сушт эркак дейилади. Шундай одам бўлиб чиқманг тагин! Бундай зотдан ақлли гап чиқадими? Шунинг учун ҳам аёлингиз сизни босиб ўтишга мажбур бўлган. Бу хунук амалга сиз туфайли қўл урди. Жуфти маслаҳатга ярамагач, калласи қай макомга йўрғалатса, йўрғалайверади-да!

Оилада ўз овозини йўқотган эркакни йигитчиликни қўлдан бой берган одам дейилади, одам шаклидаги бўшлиқ дейилади! Бундай одамнинг боридан йўғи яхши!

Жазо

Савол:

Нега оилавий ажримлар кўп?

Жавоб:

Бу Аллоҳнинг жазоси! Келинлар кўнгилдагидай эмас, қайноналар худбин, куёвлар такасалтанг, қайноталар кар ва гунг, қайнагачи ва қайн-сингиллар тажовузкор! Нега? Нега? Жавоб: Яратган атои уларни шу кўйга солиб қўйди. Чунки улар бир-бирларига ўта зулм қилувчилардир! Яъни: ўғлонлар ота-онанинг тайёр уйи, тайёр пулига уялмай уйланмоқда. Бу ҳам етмагандай, келин эллик йилга етадиган мол-мулк олиб келса, ор қилмай қабул қилмоқда! Устига-устак, куёв чақирдию байрамлик сарполарига ошкора умидворлик билдирмоқда! Ўғил кўрсалар, келин томонга суннат тўйининг милён-милён сўмлик талабларини қўймоқда! Келин эса бу подшо йигитга хизматкор – унинг ўтидан кириб, кулидан чиқиб, ўзининг қорни тўймаса ҳам, уни ва унга тегишлиларни едириб, ичириш билан банд! Бу куёв болага: «Ҳой, тўхта, сен кимсанки, шу қадар мукофотларга сазовор бўлсанг?!» дейдиган одам йўқ! Ишининг тайини йўқ, топишининг тайини йўқ, ундан хатто ўзининг ота-онаси ҳам рози эмас, аммо ўзига қўйган биноси терак бўйи! Шу нотавонлиги билан худодан бахт сўрашга унинг қандай хаки бор?

Хўв, оти йигит бўлган зот! Агар шу номинг рост бўлса, ота-онангнинг қўлига жарақ-жарақ пул тутқазиб, «мана бунга яйраб еб-ичинг, укаларим-

нинг камини килинг, девор-дармиённи тузатинг» демадинг-а, тўғрироғи, дея олмадинг! Тўйдан олдин куда томонга: «Мен ола хуржунни бўйнимга оляпман. Уддасидан ўтган хотин олади. Нима учун менинг рўзгоримни қайнона-қайнотам қилиб бериши керак? Сеп дегани эви билан-да, уйимизнинг кам-кўстини ишлаб, топиб, ўзимиз қиламиз», дейишга ярамадинг! Қиз томон ташийверди, сен эса очофатлик билан қабул қилавердинг! Бу билан сен уларга зулм қилдинг, зулм! Сенинг йигитлик виждонинг ухлаб қолди! Кимки уйланишдан моддий умидворлиги бўлса, хотинининг соясида тирикчилигини тиклаб олмоқчи бўлса, Аллоҳ уни жазолайди: биринчи навбатда, уни рўзгоридан со-витади. Аёлини ёкимсиз кўрсатади. Хотини юклаб келган ашёлар ҳам уни қувонтирмай қўяди, хулласи, ҳаётини издан чиқаради!

Нега оилалардан файз кетди? Нега қайноналар келин олиб яйрамаяпти? Нега келинларнинг норозилиги кўп? Чунки улар худодан кўркмай, бандалардан уялмай қўйдилар. Қиз томон пул исроф қилишдан тўхтамайди, унинг жони Аллоҳнинг омонати, аммо қарз олиб бўлса-да, бу қарзларни узаман деб, ошқозонини яра босиб, юраги санчадиган бўлиб қолса-да, мактов олишга уриниб ётади. Ўғилнинг онаси кудасидан кирим келиб турса илжаяди, йўқса, бамисоли жайра! Келинни кўз очиргани қўймайди, ўқ отаверади!

Келин эса жами эрнинг уруғини ўзига душман туйади, ҳар нарсадан жанжал ясайди, отаси қилиб берган нарсаларни пеш қилгани-қилган. Эрини ота-онасидан этни тирноқдан ажратгандай ажратиб олиб кетгиси бор ва ҳоказо нохушликлар!



Аслида, улар бундай ёмон одам эмас эдилар. Улар нафсга ружу қўйгач, ўзларига берилган неъматларни увол кила бошлагач, бир-бирларини аяшни унутгач, Яратган уларни шу ҳолга тушириб қўйди. Дилу йўлларини қулфлади, дўзахни уйининг ичидан чиқариб қўйди. Ҳаммасининг юраги сиқилган, ишларида чалкашлик, бир-бирини ёмон кўрган... ва шу тарзда нечтаси ажрашиб ҳам кетяпти. Шундай хадис бор: «Бошингизга нима келса, қўлингиздан кетган амаллар туфайлидир». Жазодан ҳеч ким қочиб қутулмайди.

Янги йил остонасидаги дуолар

Оилангиз ҳеч ким сизни синдириб қўймайдиган, жонингиз аяладиган, ором топадиган ягона кўрғонингиз бўлсин.

Оилангиз жуфтингизнинг хатосини сиз кечириб, сизни у кечириб яшайдиган, каму кўстингиз билан севиладиган жойингиз, муаммолар ҳал бўладиган хожатбарор маконингизга айлансин.

Отангиз борми? Онангиз ҳаётми? Фарзандликка шошилинг! Икки дунё саодатига эришмоқни истасангиз, уларни рози қилинг. Сизнинг яшашингиз учун умрбод иқлим яратадиган ана ўша розилиқдир, умрингизни аёзларга қўйманг, уларнинг ғанимат ва жуда қиммат дуоларини олишга улгуринг!

Кечираётган ҳар бир кунингиз хосиятли: азоби-га дод солманг, сиз кимдан куйиб турган бўлсангиз, у гуноҳларингизни оляпти, гуноҳлардан фориғ бўлаётганингиз учун шукр қилинг, ёмон бўлса-да,



гунохингизни оладиган болангиз ёки кимдирингиз борлигига чандон шукр қилинг.

Яратган тафаккурингиз дилингизнинг кўзини очсин: сизга керак бўлаётган ҳамма нарсани атрофингизга тўплаб, пойингизга тўшаб қўяётгани учун ҳар сонияда шукрлар айтинг! Бу дунёдан кўчиб кетганлар қанча! Тириклар рўйхатидан ўчиб кетганлар қанча! Сиз эса яшаяпсиз, сиз борсиз, ахир, нега йиғлаб юриб раҳматлар айтмайсиз?!

Ёнингизда аёлингиз турибди. У билан ким сабаб бўлиб, қандай топишган бўлсангиз ҳам, ёдингизда бўлсин, уни сизга худо қўшган. У фақат сизнинг исмингизу жисмингизга, яхши-ёмон кунларингизга занжирбанд бўлиб ўтиб бормоқда. У сизнинг маҳрамингиз: обод бўлиши ҳам, барбод бўлиши ҳам сизга боғлиқ. Болангизни бир бор суйганда, унга икки бора эътибор бериб қўйинг! Ҳеч йўқ ичингизда: «ёмон бўлсаям шу аёлимнинг умрини бергин», деб тилаб қўйинг!

Фарзандларингиз отам бор, онам бор деб турибдилар. Илоҳим, отаси бордай яйрасинлар, онаси бордай кўринсинлар. Ичиб келиб изтиробга солманг, дайдиб юриб хижолатга қўйманг уларни!

Онамисиз, ишакдай юмшаб туринг: овозларингиздан яйрасинлар. Тилингизни ёмон гаплардан тийиб қўйинг: кўчаларда юрганга ҳам гапларингизга хумор бўлсинлар. Уларга чиройли кўринишларда юзланинг: хидингиздан, кўринишингиздан маза қилсинлар. Чиройли таомлар пишириб беринг, умр бўйи соғиниб ўтсинлар.

Беклар ва бегойимлар, болаларнинг кўнглини ўстирадиган гаплар айта олинг. Фарзандлар ота-оналаридан ҳурмат кўрсаларгина ўзгаларга ҳурмат



кўрсата олади. Зурриётли бўлгач, ҳамма масалада тўппа-тўғри йўл тутишга мажбур эканлигингиз доим ёдингизда турсин. Куш инида кўрганини қилади. Қолаверса, ота-онанинг касрига болалар қолиши ҳам бор.

Қўшниларингизнинг дуосини олинг, уларга муруватлар қилинг, сизни кўрганда кўзларида меҳр гуллайдиган бўлсин.

Яхши ота, яхши она, оқибатли жигар, жигардай қўшни бўлиш учун аввало, унга яраш керак, азизим! Бунинг учун зарурдан нозарурни ажрата билмоқ шарт! Ўзингиз ҳам Аллохнинг неъматини эканлигингиз ёдингизда турсин. Вақтида овқатланинг, вақтида ухланг, вақтида қўшиқ эшитиб юракларингизга ором беринг, гулу гулзорларни томоша қилиб нигоҳларингизни яйратинг. Дилни яйратадиган одамларнинг суҳбатида бўлинг, китоблар ўқинг, ғуборларингиз кетади, айланай!

Фарзандларингиз солих бўлсин!

Аёлларингиз бир айланиб ипакдай халим бўлиб қолсинлар!

Эркакларимиз юксак йигитлик макомига эришсинлар. Гаплари ҳам, ишлари ҳам бирдай бутун бўлсин. Ҳаммамиз Яратганнинг паноҳида бўлайлик!

Болангиз биттами?

Савол:

Биттагина ўғлимиз бор. Унинг айтганини бажо келтирамиз. Бунинг кейинчалик зиёни бўлмайдими?

Жавоб:

Юрагингиз ёмон нарсани сезиб турибди, азизим, шунинг учун ҳам савол беряпсиз.



Болангиз ҳали ёш, ҳозирча ақли етилмаган. Бу ёр нима деса узрли, аммо сизнинг ақлингиз қаерда қолди? Болам хурсанд бўлсин деб, хомни, пишиқни, мумкину мумкин бўлмаган нарсани едиравермайсиз-ку, ошқозони кўтармаслигини биласиз, тўғрими? Боланинг маънавий дунёсини ундан-да нозик деб билиш лозим. Совға-саломни кўнайтириш, кўнглидаги ишни ижро қилиш билан ота-оналикни қотирыпман, деб ўйлаяпсизми? Йўқ, сиз ўзингиз билмаган ҳолда атрофга ўз имкониятларингизни кўз-кўз қияпсиз, холос! Ҳадяни ҳаддан оширсангиз ҳам, мактовни кўпайтириб юбурсангиз ҳам, назоратни сусайтирсангиз ёки уни орттириб юбурсангиз ҳам боланинг феъли бузилади. Боласи кўплар биридан роҳат кўрмаса, биридан кўради. Сизни биттагина боладан қуйиб қолишдан худо асрасин.

Сиз болангизга истаган нарсасини тайёр қилиб берапсиз, аммо у эртага аёлидан ҳам, қўни-қўшни, дўст-биродарлари, фарзандлари, қўл остида ишловчиларидан, ҳатто жамиятдан ҳам худди шундай муносабат кута бошлайди. Сиздан бошқа ким унга «ма сенга, ма сенга» дейди? Унинг иддаосига сиздан бошқа ким чидайди! Биз болани улғайтириб қудуққа ташламаймиз-ку, у жамият билан яшайди-ку! Жамиятнинг эса темир қонун-қоидалари бор, унга бўйсунмагани четга суриб ташлайди.

Қолаверса, сизни болангизга боғлаб қўйибдими? Боғлаб қўймаган тақдирда ҳам, унинг айтганини тайёр қилаверишга умрбод ярайман деб ўйлаяпсизми? Биласизми, сиз болангизни эмас, унинг нафсини улғайтиряпсиз! У ҳозир фақат истеъмолчи бўлиб қоляпти: бу мурувватларнинг



эвазига ота-онамга нима беряпман деган туйғу, шукр қилиш, раҳмат айтиш деган нарсa йўқ унда! Чунки у пул қандай қийналиб топилишини, буюм ниманинг эвазига келишини билмайди! Имоним комилки, сиз ҳали унинг қўлини совуқ сувга урдирмагансиз. Бундайлар бир куни одамларни босиб кетаверадиған худбинга айланадилар! Биринчи зарбага ўзингиз учрайсиз. Ишқ-мурувват ҳам неъмат, уни керагидан ортиқ бағишлаб юборсангиз уволига қоласиз!

Кўп боладан кўра ёлғиз болани тарбиялаш оғир ва масъулияти кучли. Болалар кўп бўлса, хотиржамроқ бўламиз. Чунки улар бирини бири етаклайди, бирини бири тўлдиради. Сизнинг болангиз эса минг синовнинг ичида бир ўзи туриши керак. У шу кетишида очлик-тўқлик, омаду омадсизликларга дош бера оладими? Сиздан кейин ёлғизгина борингизнинг яшнаб кетишига кўзингиз стадами? Шундай экан, унинг ўзини пишитинг. Атрофга қаранг, одамлар фарзандларини нимага кўндираётган бўлса, сиз ҳам уни шунга кўндиринг. Ўнта хоҳишининг биттасини бажаринг. Тирикчилик йўлларингизни (фақат у ҳалол бўлсин!) унга таништириб боринг. Азиятларингиз, муаммоларингиздан хабардор бўлиб борсин. Ўзингиздаги заиф томонларни ва шунинг учун чекаётган афсусларингизни унга очиқ-ойдин айтинг, бу билан болангизни ўша хатолардан муҳофаза қилган бўласиз. Ота-она бўлгач, ўзингизни қаттиқ назорат қилинг, гуноҳлардан тийилинг! Болалар биздан кейин, асосан, бизни такрорлайдилар. Гуноҳларимизнинг касофатига ҳам улар қоладилар.



Пулдор бўлсангиз ҳам, амалдор бўлсангиз ҳам, болангиз ўн ёшдан ошган бўлса, хунаrmандларга шогирдликка беришдан орият қилманг. Ўғил боланинг ҳеч йўқ икки-уч хунари бўлиши шарт! Дипломли ҳам бўлсин, аммо диплом эгасини мавсумий таъминлайди, хунар эса доимий боқувчидир. Тугамайдиган ризқ манбаидир. Колаверса, хунар ўрганган одам вақтнинг, пулнинг, жоннинг қадрига етадиган бўлади, хунаrmанддан номард чиқмайди, элда азиз, бола-чақасининг олдида юзи ёруғ бўлади. Ўғлингизни ўз қўлингиз билан бу макомга йўллаб қўйиш қандай бахт!

Пойгакни макон тутинг!

Савол:

Турмуш ўртоғим билан мени кайнона-қайнотам уйдан ҳайдаб чиқаришган эди. Мана бир фарзандлик ҳам бўлдик. Кечирим сўраб борсак ҳам кечиришмаяпти. Нима қилайлик?

Жавоб:

Икки ёши улуғ одам бежиз бундай тўхтамга келмаган. Бекордан-бекорга икковингизни қўшиб ҳайдамайди ҳам! Демак, пиёла тўлган. Иккалангиздан биттангиз бурчларингизни яхши бажармагансиз, иккинчингиз эса жуфтингизнинг номаъқул ишларини маъқуллаб тургансиз ёки бетараф бўлгансиз. Эслаб қолинг:

Агар ўғил осмондаги ойга уйланган бўлса ҳам, ота-онани биринчи ўрида кўриши шарт! Бу фарз бурчидан четлашса (ҳозир сиз бошингиздан кечираётган каби), худо унинг тинчини олиб қўяди.

Келин бола, сиз келин бўлиб бўм-бўш жойга эмас, шаклланганига камида йигирма беш-ўттиз



йил бўлган, ўз қонун-қоидалари, ўз подшоси, ўз вазирига эга бўлган тайинли хонадонга келдингиз. Биринчи вазифангиз шу шароитга мослашиш, оила аъзоларининг кўзига ва кўнглига ботмайгина уларнинг тўпига қўшилиб олишдир. Бу ердаги ҳамма нарсага, хатто жуфтингизга ҳам оиладагиларнинг ҳаммаси барабар ҳақдор! Чунки бу хонадонни шу даражада тиклагунча улар бир-бирларига обдан яхшиликлар ўтказиб, бир-бирлари учун фидо бўлишга тайёр яшаганлар. Уларнинг орасига раҳна солиш эт билан тирноқни ажратишдай оғриқ беради.

Шуни билиб қўйингки, келин бола, сиз, аввало, бу уйнинг равнақиға маънан, жисмонан ва кези келса, моддиян ўз хиссангизни қўшиб, уларга ёкиб, маълум бир мавкеға эға бўлиб олинг. Унгача эса тортиниброк, бир четдарок, сизға сўз берилмаса ҳам мошхўрдаға қатиқ бўлмайрок турасиз! Эшикдан кирибок эрнию эрнинг оиласини монополия қилиб, ўз ҳукмларингизни ўтказмоқчи бўлсангиз, болангиз бешта бўлса ҳам, Яратган сизни яйратмайди. Ҳозир қайнона-қайнотангиз сиздан норози, уларнинг розилиғи бўлмагунча сиз унмай, ўсмай судралаверасиз.

Овозингиздаги гинани йиғиштиринг! Тезде отдан тушинг! Эрнинг уйидагилар билан баҳсға киришилмайди. Айблари кўчаға овоза қилинмайди. Катталар нима деса, «хўп бўлади»ни канда қилманг. Самимият билан дарҳол «хўп бўлади» дея олинг, ижросини имкониятингизға қараб адо этаверасиз.

Кечирмаслик фазилат эмас, аммо катталарнинг кечирмай туришларини кичиклар айбға йўймай

тургани маъкул. Аслида, катта хомлик қилгансиз. Жаҳл устида «чиқиб кет» деса, чиқиб кетаверасизми? Эрталаб хайдаса, пешиндан кейин келиб ўтириб олмайсизми? «Бизнинг ота-онамиз шу ерда, қаёққа борамиз?» демайсизми. «Келингиз кетса кетар, мен сизларсиз яшай олмайман», деб останага михланиб олмайдими анови ўрил?! «Набирангизни сизнинг дуоларингиз билан ўсишини хоҳлаймиз», деб болангизни рўбарўларига ўтказиб қўймайсизми? Ўзингиз кўринмасангиз ҳам ҳайит, арафаларда тугунчалар киритмайсизми, таомлар пишириб ўғлидан бериб юбормайсизми? Иссиқлик узатилаверса, ҳар қандай муз ҳам эрийди, болажон!

Фақат улар малол олган хатоларни қайта такорламанг!

Ниятингизни яхши қилинг!

Келин бола, инсонни уйнинг тўрисиغا Аллоҳ олиб чиқади, унгача бошингизни эгиб, пойгакни макон тутинг. Бу – илм, қадр топиш илмидир.

Кимга ишонса бўлади?

Савол:

Ёшлик пайтингиздаги аёллар дунёқараши, юриш-туриши билан бугунги аёлларнинг фарқи борми?

Жавоб:

Сўзингиздан билинди, дилингиз недандир тўлмай турибди. Дунёнинг ишлари шунақа. Эркин Воҳидовнинг бир асарида: «Катталардан оқибат кетди, ёшларда ҳаё қолмади..., охирги мамонт ҳам кеча ўлди», дея, армонларини чўкич билан



қояга битган экан аждодларимиз», деган сатрлар-
ни ўқиган эдим. Кўнгил тўлмаслик инсонга хос
наrsa, қолаверса, ҳамма даврда ҳам қайдадир ни-
мадир мувозанатдан чиқиб туради. Замонпарвар-
лар эса уни рисолага солишга урингани-уринган...

Аслида, инсон янада яхшиланиш учун янги-
ликлар сари интилади. Мулоҳазали одам маса-
ланинг маъзига қарайди, енгил ўйлиги шаклига
махлиё бўлади. Масалан, сен олма эдинг, янгилик
яратаман деб, нокка пайванд қилсалар, индамай
уланиб кетаверсанг! Атиргул эдинг, карнайгулга
уласалар, чирмашиб кетаверсанг, отинг қоладими,
эртами-кеч зотинг қоладими сенинг?! Яратганнинг
хар бир неъматини ўз таровати, тоти ва мантиқини
асраши фарз! Бир хил ранг кўзни тиндиргани
учун, олам ва одамлар ранго-ранг яратилгандир.

1968 йилда келин бўлдим. Ёйилган сепимга
қараб, андак ўксидим. Боиси, дўппим тўрттагина
эди, холос. У даврларда ўзига тинч оиладан
тушганларнинг меҳроби тепаси дўппига тўлиб
кетар эди. Водийда келинлар боласи иккита-уч-
та бўлгунча дўппи кийишар, дўппи ҳеч кимга
ярашмай қолмасди. Сочларини гоҳ майда, гоҳ
иккита ўриб, гоҳ бошларига чамбарак қилишиб,
ял-ял ёниб юришар эди. Келинларнинг баҳоси
баланди узун сочлиги эди. Ўрим-ўрим кокиллари
белларига чирмашиб, этакларида тўлқиндай мавж
урган кизлар, келинлар бугунги кунда нафақат
йигитларнинг, бизнинг ҳам армонимиздир. Атроф-
га қарасангиз, айникса, пойтахтда, кизининг, она-
сининг, ҳатто бувисининг ҳам сочи қирқилган.
Худди жазолангандай, яхшию ёмон сочлар бари
кесиб ирғитилган! Кўринишидан келин билан қиз

болани асло ажратолмайсиз. Қани ахир, ўзбекча ҳусн, ўзбекча зеболаниш?!

Раҳматли Абдулла Қаҳҳорда: «Гуржистонда маданият тарихига оид бўлса, ўлган отнинг тақасини ҳам гиламнинг тепасига илиб қўядилар», деган гап бор эди. Ёшларга айтар сўзим шу, миллий анъаналаримизни авайлаган, ундан фахрланган фарзанддангина умид, миллатни ўшаларга ишонса бўлади.

Мен бу дардга қачон йўлиқдим?

Савол:

Воизлик бу сиздаги истеъдодми ёки изланишларингиз натижасими?

Жавоб:

Ваъз айтиш дардида китоб титиб, ёзиб, ўчириб-чишиб, жонимни қийнаган жойим йўқ. Воиз бўламан деган ниятим ҳам бўлмаган. Ўз отимни «воиз» ҳам қўйганим йўқ. Аммо кабутар осмонда чарх уриб қандай маза қилса, сувда сузаётганингдаги, чанқаб туриб оғзингга сув олганингдаги роҳат қандай бўлса, минбарда мен шундай лаззатланаман!

Ҳар бир йиғинга келишдан аввал тингловчиларнинг ёшини, касбини, қизиқишларини ҳисобга олган ҳолда бирсидра хаёлан тадорик кўраман. Аммо ичкарида мавзу бутунлай ўзгариб кетиши мумкин. Минбар бамисоли аудиториянинг томири, дардини пайпаслаб топасиз-у мавзунини шунга қаратасиз.

Мўъжиза бор, мен бунга ишонаман. Минбар менга куч беради, фикратим шиддат билан ишлай



бошлайди. Гоҳида хаёлимда йўқ сўзларни тилим айтаётганини эшитиб қоламан. «Ё тавба, ичимда шунақа гап ҳам бор эканми, эсимдан чиқмасдан ёзиб олишим керак эди-да», деб қоламан! Куни кеча бир йиғинда айтган сўзимдан ўзим хануз таъсирланиб юрибман. Мана эшитинг: «Сўз – буюк неъмат. У инсоннинг она сути етолмаган хужайраларига етиб боради, унга она сути беролмаган кувватни бера олади». Бу гапим ўзимга жуда ёкиб кетди...

Ёшлигимдан ёнимдагиларга ниманидир ҳикоя қилишни, уларнинг юз-кўзларидаги ўзгаришни маза қилиб томоша қилишни ҳаят севардим, воизлик менинг қизиқишим, изланишларим эмас, кўнглимга Аллоҳ солган бир эҳтиёж – ҳар гал сўзим кимгадир сингса, битта ишим битгандай енгиллайвераман. Ҳеч билолмайман, воизлик нима ўзи ва у дард нима учун менга илашди?...

Ўзимдан кўнглим тўлмади

Савол:

Ҳамма орзуингизга эришдингизми?

Жавоб:

Худоим менга кутганимдан ҳам зиёдроқ неъматлар берди. Аввало, бошпанам тайин бўлди. (Эвоҳким, ота-онамнинг ярим умри ижарада ўтган эди!) Тану жоним соғ яшадим. Тоза авлодга фарзанд бўлдим. Яхши умр йўлдош, бир жуфт қиз, бир жуфт ўғлон берди. Атрофимни ўғил-қиз набираларга тўлдирди. Тилимнинг тагига бир най ато этдики, унинг шарофати билан элга андак танилдим. Билиб-билмай ёздим, шукр, писанд этди-

лар. Бу мартабалар учун, юрагимнинг дукурлари саноғида шукрлар бўлсин! Минг шукр, миллион шукр!

Аммо орзуларимдан қарзларим кўпроқ бўлди. Қобирғамнинг остида ҳамиша юрагим қонаб ётади: онамни олий кийинтиролмадим, қўйлар сўйиб еди-ролмадим. «Нариги қирғоғи кўринмайдиган сувларни кўрсам», дея юраги оқарди, кўрсатолмадим...

Дадажоним жуда сокин, жуда жим эди. Мен дадамнинг гоҳ фарзанд доғида, гоҳ йўқчилик дардида мустар бўлиб яшаганларини кўриб катта бўлдим. Дадам нималарни орзу қилган экан-а, деб ўйлайман ҳар сафар. Юрагига қиролмадим, дилидагини билолмадим. Укаларимнинг ва ўғлонларимнинг камолини кўрганини кўриб яйролмадим! Тўйларимнинг тўриси отамсиз ғариб бўлди, онамсиз йиғлаб турди. Дунёда минг турли муаттар хид бўлса, ўшанинг 999 таси отанг билан онангнинг бағрида экан, мен унга тўймадим, тўя олмадим. Бу хуморнинг, бу зорликнинг тобора катталашиб бораётганини айтмайсизми! Эвоҳ, эвоҳ!...

Мен умримда кўп ибратли, аёлмисан аёл дегудай ойимларни учратдим. Уларга юракдан ҳавас қилдим, аммо ўзимдан асло кўнглим тўлмади! Жуфтимга маромига етказиб хизмат қилолмадим. Гоҳ вақтим етмади, гоҳ укувим.

Болаларимдан қарзим кўп. Бегоналарнинг болаларига уқтирган кўп яхши гапларимдан ўзимникилар бенасиб бўлдилар. Уларнинг олдида хатоларим ҳам бисёр! Уларнинг имкон-иктидорларини юз очишига етарли жонбозлик кўрсатолмадим. Менинг хомлигим, тажрибасизлигим касрига бо-

лаларим озор чеккан пайтлар ҳам бўлди, кечира олсалар кечирарлар балки...

Яна бир ширин армоним бор: дуторни бидратиб чалишни орзу қилгандим, бўлмади!

Яна кўп хунарларни эгаллагим бор эди, афсус, олтишдан ошиб қўйибман!

Ҳар кимни отаси боқсин!

Савол:

Аёлларнинг оилани асрашдаги масъулияти ҳақида суҳбатингизни ўқидим. Эркакнинг оила тебратишдаги асосий вазифаси нимада деб ўйлайсиз?

Жавоб:

«Эркак оилада бош рахбардир», дейилади Ҳадиси шарифда. Демак, оилага жавобгарлик унинг елкасига қўйилаётган илоҳий вазифа. Бу ўринда, «бу ишни аёл эплолмайдим» ёки «ҳамма эркак ҳам бунга қодирми», деган иддаолар ўринсиз. Чунки бу ҳадиснинг замирида Яратганнинг ўзигагина аён ҳикмат бордир.

Аслида эру аёлнинг асосий вазифаси — бири-бирини тўлдириш. «Мен эркакманми, демак, ҳамма гапим тўғри, аёл зоти борки, ҳаммасининг сочи узун, ақли калта», дейдиган одам худобехабардир. Тамизли аёл борки, ўзини пойгакка олиб, эркаги хом бўлса-да тўрга ўтқазиш, айбларини хаспўшлаш, ландавур бўлса тетиклантириш, камбағалини бой қилиш, хунугига чирой бериш, хулласи, бир шоира синглим айтгандай, «яхши хотин кал эрини маҳаллага бош қилади» қабилида жуфти учун бўлишиб, тиришиб-тирмашиб яшаб боради. Бу масъулиятни унинг кўнглига худо со-



лади. Турмуш қурадиган қизларимизнинг кулоғига ҳам шу ўгитларни астойдил қуямиз.

Ҳадис: «Оилага мана шу зот раҳбардир», дея таъкидламоқда. Эркак оилада боқувчи, қўриқчи, қўл остидагиларнинг соғлигини сақловчи, кайфиятини кўтарувчи, орияти, шаънини ҳимоя қилувчидир. Ҳақнинг бу ҳукмига эркаклар ихлос билан кўнмоқлари ва ижросига астойдил киришмоқлари жоиз. Агар кимки ўз бурчига ихлос билан қараса, Яратгanning ўзи унинг ақлига ақл, кучига куч қўшаверади. Аёлларнинг ўз эркакларини оилада доимо раҳбар мақомида туришини нақадар хоҳлашларини билсангиз эди!

«Мен раҳбарман» дейишдан аввал эркак ўша маъни, ўша шаклга эга бўлиши шарт! Раҳбар эркак ўзини нафсдан тияди, шайтоннинг йўлидан, дангасаликдан тияди. Эпсизликдан уяладиган бўлади, ҳаракатга тушиб қолади. Чунки унга термилиб турибдилар, чунки ундан умидланиб турибдилар! Бу унга куч беради, ғайрат беради. Мана шунинг оти имоний уйғонишдир! Бола ана шундай одамнинг қўлидан лукма ейиши, шу ризқдан суяги котиши керак! Яратган оилада ота раҳбар бўлсин дедими, бунда бир гап бор, отанинг топгани билангина озиқланган бола қобил бўлиши мумкин! Чунки боланинг етмиш икки томири отанинг раҳнамолигида улғайишни сўраб туради!

Аёлга аёллик вазифаларининг ўзи етарли, агар оилага раҳбарликни ҳам ўз зиммасига оладиган бўлса, унда синиш, зўриқиш юзага келади. Бу мувозанат бузилди дегани, аёл бошқа вазифаларини чала бажара бошлади, бундан бошқалар зиён кўра бошлади дегани. Онасининг қўлидан



дон еб катта бўлган бола рисоладагидай инсон бўлолмаслиги мумкин! Чунки у эркакнинг ўрнини ҳам тўлғазаман деб хомталаш бўлган шикаста жондан озуқаланди. Шунинг учун ҳам Аллох фарзанд таъминотини отанинг зиммасига қўймоқда. Бу жиддий огохлантиришдир. Оиланинг сифати ва мустаҳкамлигини сақлаш учун эркаклар раҳбарликни уддалашлари шарт!

Аёл бошқариш ҳам илм

Савол:

Гапга кирмайдиган аёлни қандай йўлга солиш мумкин?

Жавоб:

Айтинг, айтинг, аёлингизнинг қалб қулоғи очик бўлсин, гап сингийдиган бўлсин. Шундай зотлар бўладики, минг ўқитинг, минг насиҳат қилинг, тошга сув сепгандай фойдасиздир. Билингки, бундай жуфт сизга ё жазо, ё имтиҳон ўрнида берилади. Сиз ё онангиз, отангизни каттиқ ранжитган жойингиз бор. Ё ишингиз, ё гапингизда ёлғон бор – одамларга зарарингиз тегяпти, ё ношукр-сиз. Демак, аёлингизнинг бу феъли сизнинг иш ҳақингиздир. Чидашдан бошқа иложингиз йўқ. Мабодо турмушингизни янгилаган тақдирингизда ҳам, ҳолатингиз баттар бўлса бўладики, яхшиланмайди. Чунки сиз айнан шундай тақдирга лойиқсиз! Агар гуноҳлардан тийила бошласангиз, аёлингиз ҳам яхши томонга ўзгара бошлайди.

Яхши биласизки, ёш болага ҳам жойини, кайфиятини топиб гап едирилмаса, ё сапчийдиган бўлиб қолади, ё сизни бутунлай эшитмай қўяди.



Аёлингизга эркаклигингизни пеш килиб, муттасил иш буюриб, талаб устига талаб қўяверсангиз, унга зулм қилган бўласиз. Сабрни қудук атаган тарзимизда ҳам унинг бир куни тўлиши бор. Аввал обдан ўйланг, аёлингизга айтаётган таклифингиз ўринлими, ундан бир нималарни талаб қилишдан олдин ўзингиз уйдаги ўғилболача юмушларни қотириб қўйяпсизми, айтаётган ишингизга аёлингиз жисмонан қодирми, ё «аёл кишининг қирқта жони бор, бажармаганингни кўраман!» қабилида иш тутяпсизми? Агар шундай бўлса, сиз жуда арзон йигитсиз! Сизнинг бу туришингизга яхши аёл ҳайф! Шуни билингки, жуфтингиз сизнинг қўлингизга ўтгач, ота-онаси ва жигарбандларининг ҳимоясидан чиқади, сизнинг тасаруфингизга ўтади. Унга паноҳ бўлишни никоҳ куниёқ бўйингизга олгансиз. Бурчингизни унутиб қўйсангиз ҳам Аллоҳ сизни мана шу тарзда жазолаши, яъни хотиндан ёлчитмай қўйиши мумкин.

Аёл бошқариш ҳам илмдир. Жуфтингиздан бир нарсани илтимос қилдингизми, тил келиб бирор иш тайинладингизми, ҳушёр туришингиз лозим, яъни у сизнинг феълингиз, таъбингизни тушуниб олгунча, ҳар эҳтимолга қарши, ижросини изчиллик билан кузатишингиз, текширишингиз ва жойида талаб қилишингиз керак эди. Аёлнинг бошида мингта иш, доим зарурига югуради. Бундай пайтда сизнинг сусткашлигингиз, кўнглингиз тўлмаган ишга қўл силтаб кетаверишингиз унга қўл келади. Қарабсизки, сиз оила раҳбари деган мақомга ярашмай қоласиз, аёлингиз эса эрни писанд қилмайдиган тарбиясиз аёлга айланади. Агар бошиданок гапингиз ерда



қолса, дархол қадрингизни билишингизни, каттик хафа бўлишингиз мумкинлигини сездирганингизда бошқача бўлар эди. Хонимингиз кўнглингизни олишни биринчи ўринга қўйган, қолган ҳамма ишларини нарига сурган бўларди. Қолаверса, сиз ҳам жуфтингизга муроса илмидан сабоқ берган бўлардингиз, савоб устига савоб бўлар эди. Эру аёл бир-бири учун халоскор, керак ва тирак ва жойи келса, бир-бирига мураббийдир.

Эркакнинг бахти нимада?

Савол:

Мен қашқадарёликман. Бундан йигирма икки йил аввал топармон-тутармон йигит эдим. Бахтсиз ходиса туфайли ногиронлик нафақасига чиқишга мажбур бўлдим. Газета ва журналларда ногирон эрларига қарашни истамаётган аёллар хақида ўқиб, ўз аёлимдан миннатдорлигим ортгандан-ортиб боради. Қўлимдан келса унга хайкал қўярдим. Мана неча йилдирки, атрофимда парвона. Даволаттираман деб мени пойтахтга олиб келди. Қўлидан келганча тижорат билан шуғулланади. Рўзғорни ҳам тебратяпти, қизимиз институтда ўқияпти. Бахтли оила бўлса бизчалик бўлар. Опажон, менинг аёлим Раънохонга ўхшаган сабрли, меҳнаткаш, уйим-жойим дейдиган аёлларга энг чиройли тилакларингизни билдирсангиз.

Жавоб:

Менинг дуоларимсиз ҳам Раънохоннинг яхши кунлари хали жуда кўп бўлади, иншооллох! Сизга қилган хизматлари учун бир мукофотланса, сизнинг розилигингиз, дуоларингиз унга ўн баравар



кўпроқ мукофот келтиради. Аҳволотингиздан но-
лимай, «биз бахтли яшаяпмиз» деб қувонишингиз,
аёлингизни алқаб, эъзозлаб туришингиз яхши ин-
сонлигингиздан далолат. Худо хайрингизни берсин.
Аёл бу дунё одамларидан кўп нарсасўрамайди,
ўзини бахтли ҳис қилиши учун, унга шугина
қадрланиш етади, айланай!

Эркагу аёллар ичида курмаклари бисёр. Аммо
жуфтига сабр, ихлос ва фидойилик билан муно-
сабатда бўлишда аёл зотига тенглашадигани йўқ.
Қолаверса, Яратган аёлларни бошданок ройиш ва
қаноатли қилиб яратган. Қайси эркак худо қўшган
бундай ёстикдоши, рўзғордошини беҳурмат қила
бошласа, бу унинг билимсизлиги, инсончилик, бан-
дачиликнинг қарзу фарзларини билмаслигидандир.

Эл ўртасига тушгандан кейин турли-туман та-
рих ва турфа муаммоларга дуч келар экансиз.
Сурати одаму, аммо ўзи одамийликдан йироқ
бўлган кимсалар қадамида учрайди. Ва ёшингизга
ёш қўшилиб, улғайган сарингиз одамларга баҳо
беришда серхавотир бўлиб қоларкансиз. Мана,
ҳозир ҳам кўнглимга келяпти: сиз соғ бўлиб, аё-
лингиз ногирон бўлганида, у кўрсатганчалик сабр
ва садоқатда бўла олармидингиз?

Чўнтагида тўрт танга пули кўпайса, дарҳол
янги хотин олгиси келадиганлар қанча! Андижон
телевидениеси орқали маънавийат соатларини олиб
бораман. Бот-бот келиб турадиган мана бу тарзда-
ги хатларни ўқиб кўринг: «Менинг оилам яхши,
аёлим кўнглимдагидай, фарзандларим бор, ҳамма
нарсам етарли. Аммо Аллоҳ розилиги учун яна
битта уйлансам бўлармикин?» Бундай тиниб-тин-
чиш мақомига етгани учун бу эркак Аллоҳга туну



кун рахмат айтса, шукр келтирса ярашмабдими? У бу даражага чиққунча онаси қанча дуо қилди, аёли қанча тиланди экан?! Худо шу аҳли аёлининг ризки учун ҳам уни бойитиб қўйган бўлса-чи? Бу эркакнинг пул топишга, бола боқишга етган акли бир нарсага етмай турибди: унинг яна уйланиши хотинига қувонч келтирадими, ризки қийилган болалар бундай отасидан рози бўладими? Бировнинг кўз ёшларини оқизиб туриб, у Аллоҳга ёқаман деб ўйлайдими?!

Яна бир хат келяпти: «Мен оиламни тахтиндириб қўйганман, аммо ичаман. Хўш, ичсам нима бўлипти, яшаш учун ҳамма нарсани мухайё қилиб қўйдим-ку!» Кўрдингизми, шу қадар маънан камбағаллик, бу қадар бўм-бўшлик бўладими? Тилло товоқда ош еб, олтин кавуш кийиб юрган билан инсон бахтли бўлиб қоладими?! Ишонинг, саратон касалига учраган аёл ҳам, хатто фарзандидан жудо бўлган аёл ҳам ичувчининг аёличалик сиқилмайди, тўкилмайди! Қозонингда бутун қўй қайнаб турибди дейлик, аммо эринг кўзларига қон тўлиб, одам киёфасидаги махлукка айланиб сенга даф қилиб турса! Оғзидан чиқаётган ёқимсиз гаплардан ҳамма ин-инига кириб кетса! Ундан тарқалаётган ёқимсиз ҳидга ёнида туриб бўлмаса! Ёки болаларнинг олдида уни ўликдай судраб олиб кирсалар, шоҳона овқатинг сенга қандай хазм бўлсину устингдаги кимхобларинг кўнглингга қандай сиғсин?... Эркакларнинг ичида бундайлари оз дейсизми!

Яна бир мисол: ўзи доктор. Аёли ўзидан кўра ўткирроқ доктор. Йўлларига ётволиб юриб, соядай эргашиб юриб уйланган. Ҳаммаёғи тоза, овқати



жойида, кийими раста. Аммо кунда бир баҳона топади-ю, ҳеч йўқ «нега индамайсан?» иддаоси билан хотинини савалашга тушади. Оғзи-бурнини қон қилишдан бошлаб, бўғишгача боради. «Онангга айтсанг, қўшнига айтсанг, ўлдираман» деган дағдағасини айтмайсизми? Аёл бечора худди шундай қилади, ҳеч кимга чурқ этмайди. Бу эркак жувон-маргни руҳий касал десангиз, чип-чиройли ишлаб келади, одамлар билан ақлли муомалада бўлади. Соғ десангиз, папирос чекиш қандай хумор қилса ва бир кунда неча марта чеккиси келса, ўшанча марта аёлини ураверади. Боласи туғилгандан бери энди бешикни ҳам тепадиган, бола йиғлагудай бўлса, «тинчлик борми бу уйда ё йўқ» дея, болани ҳам шапалоқлаб юборяпти экан! Хўш, йигитлар-жон, бунга нима дейсиз? Бу эркакни билмадим-у, аммо хотини бу туришда яқинда жинни бўлади ёки тузалмайдиган бир касалга рўбарў бўлади. Унинг туғиб берган болалари-чи, соғ бўлади дейсизми?... Эҳ-ҳе, неча-неча юзлаб занжирли эшиклар, пардалари зич ёпилган деразалар ортида не-не аёллар шу тарзда тош тишлаб ўтиб борадилар. «Мен эркак одамман ва менинг айтганимча яшайсан!» Мана шу шиорни пеш қилганки эркакни худо урган деяверинг! Бу ёруғ дунёга келиб, вояга етиб, рўзгор деган салтанатга, жуфт деган канотга, фарзанд деган мукофотга эга бўлиб, лаззат олишни, маза қилишни фақат ароқ ичишда, хотин уришда, болаларни қўрқитишда, ота-онани зир титратишда деб биладиган одамдай бахтсиз одам борми дунёда! Бу ақлдан Мосуво бўлишдир!

Укажон, хатингиз баҳона бўлиб, дардимни тўкиб солдим. Йигитнинг бахти нимада? Каминг-

ни тўлдириб, кўксингни ўстирадиган гап топиб, сен ором оладиган мухит яратиб, дардингни кўзи билан тушуниб, ўзингни ҳам кўз устига кўйиб юрадиган аёл билан яшап энг олий бахтдир. Сиз шунга етишибсиз, сиз ногиронмассиз, худо бутунлик берган деб сизни айтадилар!

Фарзанд — ширин душман

Савол:

Кўшнимнинг ота-онаси жуда яхши одамлар. Улар кўпларга яхшиликлар килишган, бу ҳақда кўп эшитганмиз. Уларнинг етти фарзанди бор. Уларнинг ичида фақат кўшним дуруст яшайди. Қолганлари эса бири ичувчи, бири жонига қасд қилган, бири турмуши билан ажраган, бири эса узок юртга кетиб, дом-дараксиз йўқ. Кўшним жигарлари учун бир куйса, фарзандларининг гамида адо бўлаётган ота-онасига ўн куяди. Яхши одамлардан ҳам мана шундай ноқобиллар бино бўлиши мумкинми?

Жавоб:

Фарзандни ширин душман деймиз. Бу — ҳақиқат! Уни минг рози бўлиб, жонингдан узиб ясайсан. Унга борингни: хусну чиройинг, кучқувватинг, пулу молингни едириб улғайтирасан. У катта бўлиб олади-да, сен ерга кўмилганингдан кейин жами хатоларингни очиб ташлайди. Тўғри-рови, орқангда колаётган бола эмас, яхши-ёмон ишларингга қўйилган жонли ҳайкалингдир. Сен ўз гуноҳларингни бир бало қилиб хаспўшлаб, енгинг ичида сақлаб ўтдинг. Аммо Аллоҳ ҳамма яширин нарсани кўргувчи ва ҳисобга олгувчидир



ва тавбага келавермасанг, шарманда килгувчи ҳам Ўзидир. Биз – замин, болалар бизнинг меваларимиздир. Уларнинг илдизи қайси тупроқдан озиқа олса, ўша ернинг мазасини беради. Умримизнинг каймоғини бола-чақага сарфлаймиз, «бу дунёда бола-чақа учун юрибмиз-да», деймиз. Ўша юрган йўлимиздаги жами ошкор ва пинҳон хатоларимиз, гуноҳларимиз боламизнинг зиёнига ишлайверади. Кўриб турибсизки, Аллоҳ болаларимизнинг бахти ё бахтсизлигини бизнинг қўлимиз билан тўкиттиради.

Кўшнингизнинг ота-онаси сиз айтганчалик яхши одамлар эмас (Аллоҳ уларни кечирсин!). Ё уларнинг ўз ота-оналаридан ўтиб келаётган, ювилмаётган гуноҳлари бор ёки тиллари билан диллари бошқа, ёки улар «хамма ишим тўғри» дейдиган, кийин тавба қиладиган кибрли одамлар, ёки болаларининг лукмасига пинҳона харом аралаштирганлар, шунинг учун ҳам Аллоҳ уларни ошкора жазога тўғрилаб турибди. Ҳозир уларнинг болалари учун куяётганига эмас, аксинча болалари уларнинг касрига қолаётгани учун кўпроқ ачиниш керак. Аммо Яратган ғоят адолатли, уларнинг савоб ишлари эвазига мана бир фарзандини (сизнинг қўшнингизни) бахту тахтли қилибди.

Сен болангга яхши уй, яхши мансаб, қўша-қўша дипломлар бера олишинг мумкин, ҳатто бошига шуҳрат тожини кийдиришга ҳам муяссар бўлишинг мумкин. Аммо қисмати, бахтини ясолмайсан! У сендан ташқарида содир бўлади. У Яратганнинг иши!

Бундай мисоллар бизни хушёр сайлаши керак. Ташқаридан чиройли, ибратли кўриниш – у



шакл! Инсоннинг қалби мазмуни чиройли бўлсин, яъни у гувоҳ йўқ жойда гуноҳдан тийилсин, бировларга малолини тўхтатсин, ҳаромдан парҳез қилсин, ота-онаси, жигарлари, қўни-қўшнилари ва оиласи олдидаги қарзларини вақтида узиб турсин! Тавбаларини тинмай яхши ишлари оркали изҳор қилсин. Ана ўшандагина оғизга татийдиган мева-лар беради. Ўшандагина фарзандлар биздан рози бўладилар.

Ўз «бахти»ни ясаган эркак

Савол:

Менинг иккита аёлим бор. Мен дастлаб ота-онам айтганига уйландим. Кейин яхши кўриб уйландим. Ҳамма рози. Инсоннинг бахтли бўлиши ўзига боғлиқ-ку, бахтли бўлолмайсан дейишингиз хато эмасми?

Жавоб:

Ўғлоним, «бахтли бўлолмайсан» дейишимнинг тўғрилигини мен эмас, айнан сиз умр бўйи исботлаб борасиз. Жавобга шошилибсиз. Дарвоқе, чуқурроқ ўйлаш имконингиз бўлганда устма-уст уйланармидингиз! Оилангизда ўзини «бахтли» санаётган фақат сиз. Эртақлардаги подшолардай кўрингингиз бор. Икки ёнингизда икки аёл, кўзингиз қувоняпти, уларни боқишга пулингиз бемалол етиб турганидан ғурурдасиз!

Онанингиз учун биттага, кўнглингиз учун яна биттага уйланибсиз. Одамзод кавушмидики, хоҳласанг, уйли, кўчали дея рўпарангга териб қўйгани на зериксанг алмаштиравергани! Сизчалик пул топган дунёда йўқми? Кўринганга кўнгли сушт кетади-



ганлар истаганингизча топилади. Аммо нима учун ҳамма ёппасига сиз қилган ишни қилмаяпти? Чунки улар атрофни кузатяптилар ва кўряптилар – бу йўлни тутганларнинг ҳеч бири бахтли эмас! Кимки қўшхотинли бўлса, афти одам, юраги зардобга тўлиб бораверади. Иродаси мустаҳкамлар ўзи пиширган ош бўлгани учун дардини ютиб, сир бой бермай яшайди. Тез ёниб, тез куядиганлари умрининг поёнига етолмай инфаркт бўлади. Калласи заиф ишлайдигани эса нима учун торайиб, синиб бораётгани ва унинг учун дунё тобора қайғули кўринаётганининг сабабини билолмай ўтиб кетади. Уларни эса бу кунга Аллоҳ рўбарў қилади.

«Хамма рози, хамма хурсанд», деяпсиз. Аммо кўзимга тик қарай олмай сўзлаяпсиз. Чунки бу гапнинг ёлғонлигини борган сари ўзингиз ҳам ҳис қилиб боряпсиз. Ота-онангиз йиллаб пул тўплаб, уй солиб, сарпо йиғиб, тўй қилиб, дуо олиб сизни уйлантирса-ю, «уларнинг бу иши хато бўлган, шунинг учун янгитдан уйланмоқчиман» дейишингиз уларга обрў келтирди деб ўйлайсизми? Улар топган келинни ёкимсизга чиқариб, ғўр бошингиз билан хотин савдосига аралашганингизда ота-онангиз илжайиб, чапак чалиб турмагандир. Сизга уларнинг факат афти кўринади, холос, афсусдан ва номусдан юраклари дув тўкилганини сиз нота-вон қандай ҳам билардингиз!

«Сен кўнглимдагидай эмассан, устингга яхши кўрган аёлимга уйланмоқчиман», деганингизда аёлингиз тош котмадими? Кўзига ёш келмадими? Баҳорлари кузга айланиб кетмадими? Фақат руҳий касал одамгина бу ҳолатга бефарқ қарайди. Йўқ, нотўғри айтдим, кундошлик ўртага

тушганда, ақлдан юз фоиз озган аёл ҳам бу ҳолатни илғайди ва унинг рашк қилиш ва қу-йиш туйғулари ҳушёрлашади. Аёл зоти учун энг даҳшатли кўргулик эрининг унинг устига уйлани-шидир. Уни боқаётганингиз, жавобини бермага-нингиз, ундан бола ортаётгани билан бу аёл бахт-ли деб ўйлайсизми? Унинг жим туришини, исён кўтармаётганини розилик деб билипсизми? Сиз унинг шу жимлигидан кўрқинг! Ёқангиздан олма-ётганидан кўрқинг! Аёлингиз ва ота-онангизнинг изҳор қилинмаётган бу ўксинишлари тўпланиб-тўпланиб динамитга айланади ва бир куни хону-монингизни кўкка совуради!

Қолаверса, яхши кўрган аёлингиз, яъни сиз-нинг асосий эътиборингиз, меҳрингизни қозониб турган аёлингизни ҳам бахтли яшаяпти деб ўйлайсизми? Унинг кўзи кулиб турса ҳам юраги доим тескари уриб туради: «Бош хотини нима фитна тайёрлаяпти экан, эрим мени ташлаб, унга кетиб қолмасмикин», деган хавотир унинг ич-этини еб туради. Ҳаётини ҳамиша омонат сезади. Бу туйғуни ундан қува олмайсиз, чунки бу без-овталиқни унга Аллоҳ бериб қўяди. Сабаби, у би-ровнинг кўз ёшлари устига тўшак солиб ўтирибди!

Энг қийналган жон ўзингизники бўлади: ҳозир-ку, икки хотинни сиёсат билан бошқариб турасиз. Бора-бора моддиятингиз тугайверса, сиёсатингиз ҳам ўтмаслашиб қолади. Икки аёлнинг жанг май-донида хомталаш бўлиб якка ўзингиз қоласиз. Атрофдагилар оиласининг равнаки, болаларининг келажаги ҳақида чиройли режалар тузиб, эру хо-тин ширин фаолиятлар олиб бораётган бир пайтда, ёшингиз бир жойга борганда эл олдида, фарзанд-

лар олдида шарманда бўлиб, қўш хотинга таланиб турсангиз роҳатланасизми? Сизнинг «ўз қўлингиз билан яратган бахт»ингиз шуми?

Ёшлигингиз қарсиллаб турганда бу ғавғоларни кўтаришингиз мумкин. Аммо ишнинг каттаси болаларингиз улғайгач бошланади. Битта ота, битта онадан бўлган болаларга агар зийрак турмасангиз, «Фалон опамни мендан аъло кўрасиз, фалон акамга ҳадяни кўп берасиз», деган норизоликлар қадамига бўлиб туради. Энди икки кундошнинг болаларини тасаввур қилиб кўринг. Рисоладаги оиланинг болалари, «отамнинг уйга ташими кам бўлиб қолди, ишлари юришмаяпти, шекилли», деб ўйлайди. Қўшхотинлининг боласига эса дарҳол: «Дадам бизга оз илиниб, кўпроғини анови хотинининг болаларига беряптими», деган фикр келади. Қарабсизки, сиз бор-йўқ жойларда бир-бирига хўрозқараш қила бошлайдилар. Хотинларингизни куч билан тинчитиб ўтдингиз, аммо болаларга келганда эпполмай қоласиз. Болаларингизнинг дилида сизга нисбатан фарзандлик меҳридан кўра гинаси, талаби кўпроқ бўлади. Чунки уларнинг зуваласи оналарининг нафратига, кўз ёшларига қорилган. Бу сиз ясаган «бахт»! Энг ёмони, бу бир мартагина бериладиган умрда сиз фарзандларингиз билан яйролмай, болалар эса отаси бор бўла туриб ёзилолмай ўтиб кетадилар. Қолаверса, бу болалар сизнинг қўлингиздан дон егани учун, зотга тортиши, сиздан кўра кўпроқ қовунтуширишлари мумкин! Куни кеча биров хикоя қиляпти. Бир одам оиласи туриб, яна биттаси билан ҳам яшар экан. Кун келиб қизини узатибди. Кўп ўтмай, куёв боласи: «Отангизнинг ҳам аёли иккита экан-ку, мен

хам шу йўлни тутсам, нима дейсиз», деган таклифни айтибди. Қандай ўйлайсиз, сизнинг қизингиз ҳам бундай тақдирга аёлингиз каби «хурсандчилик билан» рози бўлармикин? Қолаверса, қизингизни ўтмас молга чиқарсалар, сиз хотиржам қараб тура оласизми?

Якун: қўшхотинликни ҳеч ким ҳавас қилмасин! Агар ким ҳавас қилса, бахтдан умидвор бўлмасин!

Шаърий никоҳни «боши очик аёлларга силаи раҳм» деб даъво қилинмасин! Шаҳвоний баднафс эркак ва шу тоифадаги аёллар учун бу бир никоб, холос! Атрофга разм солайлик, ахир, юртга ёв бостириб келиб, кирғинбарот бўлмаётган бўлса, очарчилик, қаҳатчилик бўлмаса, эркак зоти тугаб кетмаётган бўлса! Шошилиш ва субутсиз бу топишувлар дастидан тирик етимлар ва чорасиз аёллар кўпайиб бораётган бўлса! Бу никоҳлар шаърий эмас! Шариат бундай кўрликни кечирмайди! Бу шайтоннинг йўлига кириб, эр дарди, хотин дардига йўлиқиш, холос! Бундайлар болаларининг ва ўзларининг эртанги кунларини пароканда қилмасинлар, тезроқ тавбага келсинлар. Биз ҳам уларга инсоф сўрайлик!

Ўзингизни етаклай оласизми?

Савол:

Тақдирим ўз қўлимдами ёки Аллоҳ томонидан битилганми?

Жавоб:

Элда: «Бандаси тадбир қилади, Аллоҳ тақдир қилади», деган гап бор. Сиз бу саволнинг жавобини билиб туриб бераётган бўлишингиз ҳам мумкин.

Майли, хайрли гапни қайта-қайта эслаб туришга нима етсин. Мақсадга эришиш ишқибозлиги билан гоҳо одоб, гоҳо инсоф чегарасидан чиқиб бўлса-да иш битириб, асоратини Аллоҳга тўнкашлар бор экан, хотиржам бўлолмаймиз.

Кулоғимизга: «Шу одамга иккинчи рўзғор бўлиб яшаш пешонамда бор экан», «Худо бизга камбағалликни раво кўрди» ёки «Худо ишимни ҳеч илгари қилмади», деган нолишлар эшитилади. Бу яшаш илмини билмаслик, билишни истамасликдир, яъники бу инсоннинг ақлу дили қулф эканлигидан далолатдир. Бундайларнинг борар масканлари ва эришадиганлари жазодир. Ақалли чумчукка эътибор беринг: мумкин нарсани ейди, хавфли жойдан қочади. Фақат инсонгина ҳадеганда ўзининг зарарига қараб юради. Ахир, бизга «тарбия» деган яшаш қуроли бериб қўйилибди. Аллоҳ муқаддас китобларни яратиб қўйибди, ота-она, устоз-мураббийларни рўбарў этиб, қадамига илму маърифат масканларини очиб қўйибди. Улар тўғри яшаш ва бахтли бўлиш йўлларини кўрсатиб, кулоғимизга узлуксиз қуйиб турибди. Сўзни англай бошлаганимиздан бери «бу мумкин», «бу мумкин эмас» деган хитобларни эшитиб борамиз. Аммо эшитиб, билиб туриб ҳам гуноҳлар содир этаверамиз! Эвазига жазо олишга тўғри келганда, «худо яхши кўрган бандасига ғам, кўргулик берар экан», дея юзсизлик ҳам қиламиз, жазоланиб туриб ҳам кибрдан тушмаймиз!

Банда борки, барини Аллоҳ яхши кўриши рост. Аммо У адолатли ва одил. Сизга мурувватлар илинади, лекин содир этган гуноҳларингиз йўлни тўсиб туради. У гуноҳларингизни ювишга тушади.



Гуноҳлардан эса фақат жазо олиш йўли билангина фориғ бўлиш мумкин. Демак, сизнинг жазоланишингиз Аллоҳнинг сизга ғамхўрлигидир. Лекин шу билан бирга, сизга юборилган ҳар қандай кўргулик (кутилмаган фожиаларга учраш, қизингизнинг айланиши, ўғлингизнинг бемехрлиги, ишингиздаги омадсизликлар, фарзандларингиз чекаётган азиятлар, хулласи, тинчингизнинг йўқлиги) бу бари гуноҳларингизни тасдиқловчи бир ҳужжатдир! Ўша гуноҳларни қилмаганингизда, жонингизни овритиб турган бу жазоларга йўликмас эдингиз!

«Бошингизга нима келса, қўлингиздан кетган амаллар туфайлидир», дейилади Ҳадиси шарифда. Буни Яратганнинг ҳукми деб ҳам қабул қилиш керак. Ким қайси мақомда, қандай кунда яшаётган бўлса, кимга ёкиб, кимга ёқмаётган бўлса, унга фарзандларию жигарлари қандай муносабатда бўлаётган бўлса, сабабчиси унинг ўзидир. Демак, тақдирингиз ўз қўлингизда. Бу дегани, сиз ўзингизни етаклашни билинг. Яъни, ўзингизни яхши ишлар сари уйғота билинг, фаолиятга созланг. Ёмон ишлардан тийилинг, ўзингизни суд қила билинг, ёмон феълларингизни тинимсиз қайтариб боринг. Агар шундай қила олмасангиз, минг афсуслар бўлсинки, сизнинг аклингиз, дилингиз қулфлангандир. Унда икки дунёда ҳам сизга шафкат йўқ...

Бола қачон одамга айланади?

Савол:

Опажон, болам билан келиша олмаяпман, нима қилай?

Жавоб:

Бу қилмиш-қидирмиш ҳам бўлиши мумкин. Яъни, ёшлигингда онангга беписанд бўлиб, уни ич оғриғига мубтало қилганинг эвазига худо сени шундай жазолаётган бўлиши мумкин. Ёки бўлмаса, сенинг оналик билиминг йўк!

Ҳомиланг баданингда тўққиз ой ривожланар экан, жойидан жилмаган суягинг, ўзгармаган хужайранг қолмайди. Янги инсоннинг дунёга келиши муносабати билан худо сенинг вужудингда ана шундай инқилобий жараён ясайди. Боланг туғилиб, ёнингда худди ўзинг ёки отасининг такрори пайдо бўлади-ю, унга аталган мутлако янги муомаланг, алоҳида изҳоринг бўлмайдами? У, ахир, сенинг бола шаклидаги жонинг-ку! Энг ширин, энг авайланган муносабат унга бўлиши керак эди. Кўриниб турибдики, сен эҳтиётсизлик қилгансан, ақл билан эмас, кайфиятингдан келиб чиқиб муомала қилиб келгансан!

Кеча бир фильм кўрдим. Онасининг ягона ўғли рухий касал бўлиб қолади. Аммо у касалхонадан қочиб чиқиб, кетма-кет қотилликлар содир этади. У хар сафар аёлларни ўлжага олади. Уларни урмайди, сўкмайди, ҳақорат қилмайди, аммо отиб ўлдиришдан аввал уларни: «Сени яхши кўраман де», «сенинг борлигингдан хурсандман де», «ёнимдалигинг қандай яхши де», «мен сени ҳаммадан ортиқ кўраман де», «бу гапларни кулиб туриб, юрагингдан чиқариб айт», деган гапларни айтишга мажбур қилади. Бу дедиришларнинг сабаби кейинроқ маълум бўлади. Фильмнинг бир жойида она билан бола юзма-юз кўрсатиляпти. Ранги совуқ, нигохлари муздай, гезарган она айтяпти:



«Бутун умримни сенга бағишладим, емай едирдим, киймай кийдирдим. Мендан кейин кийналмагин деб молу дунё йиғиб қўйдим!» Унга жавобан ўғли вужуди титраб-қақшаб бақира кетди: «Ха, ха, бокдингиз, қарадингиз! Аммо бир соат ҳам ўз холимга қўймадингиз! Изимдан қолмадингиз, айтганингизни қилдирдингиз, ўзинг ҳам бир нарсани хоҳлайсанми демадингиз! Ҳамиша сизнинг гапингиз тўғри эди, азоблансам ҳам бажаришим шарт эди! Бирор марта бошимни силадингизми? Бағрингизга олиб қучдингизми? Сени яхши кўраман болам, дедингизми? Сен билан суҳбатлашгим келяпти, дедингизми? Менинг онам йўқ! Мен ҳамиша ёлғиз бўлдим, меҳрга зор бўлдим! Умр бўйи ўзим билан ўзим гаплашдим!»...

Кўрдингми, азизим. Она меҳри бола учун илоҳий эҳтиёж! Она ердаги Қуёш, бола унинг нурига белансагина, ундан исинсагина одамга айланади. Айниқса, ўғил бола учун она меҳри сув, ҳаво. Боласини севмаган она йўқ. Аммо ўша нарсани сен керагича изҳор қилолмаган кўринасан. Боланг сенда ўзи излаган нарсани тополмай турибди-ёв! Меҳрингни юрагингга қамаб ўтишдан не наф?

Оналик нима ўзи? У қандай фаолият? Бу, биринчи навбатда, болангни кўрганингдаги қалбан эриб кетишлар, яйрашлар, илинишлар, шириндан-ширин истакларни кўзинг билан, сўзинг билан, юзинг билан, овозларинг, қўлларинг билан изҳор қилишдир. Оналик муҳаббатини аёлнинг дилига Аллоҳ солади. Демак, у болангга аталган илоҳий-маънавий ризқ! Уни фарзандингга етказишинг фарз амал! Кинодаги аёл ўша вазифани бажармаган, яъни феъли сўппайган, ё бола эркалатиш, у билан

эринмай муомала қилишни бачканалик деб билган, ё бола тарбиясини доим қўлда қамчи билан туриш деб тушунган. Натижани кўрдингми, меҳрга зор бўлган бола оқибатда ваҳшийга айланди.

«Болам билан келишолмаяпман» дейишингдан, менинг айтганларимга у хўп демаяпти, деган маъно чикяпти. Хўш, айтганларинг бари тўғримикин? Болангининг ҳам хоҳиши, диди борлигини ҳисобга олдингми? Энг эҳтиёт бўлиб гаплашиладиган мавжудот – бу бола. Ҳар бир гапининг сингадиган, сиғадиган жойини топиб гапирмасанг, ё юзингга арслондай сапчийди, ё гапинг инобатсиз қолади. Қолаверса, боланинг кўз ўнгида хатолар содир этаётган бўлсанг, одамгарчилик ўлчовларидан чиқаётган бўлсанг ҳам болангдан яхшилик кутма! Ота-онасининг гуноҳларига гувоҳ бўлган бола ҳеч қачон унинг насиҳатларини олмайди. Мен уни тукқанман-ку, нега гапимга кирмайди деб даъво қилолмайсан, чунки илмсизлик билан муомала қилиб, энди экканингни оляпсан. Яратган сени боланг орқали жазолаётган бўлиши ҳам мумкин... Шундай азизим, тавба қилишдан ва гуноҳ ишларни тўхтатишдан бошқа йўл йўқ.

Мунглиларнинг дуосини олинг!

Савол:

Аёлим бандачилик қилган. Боламини қайнонам бермаяпти. Уни мен билан яшашини хоҳлайман. Маслаҳат беринг.

Жавоб:

Элда: «Отасиз етим – гул етим, онасиз етим – шум етим», деган гап бор. Ва бу бекорга айтил-



маган. Отаси ўтиб онаси билан қолган болаларнинг аҳволоти сизнинг болангизникидан яхшироқ. Она зурриётини бағридан бино қилгани учун, уни кўксига босиб яшайди. Ҳар бағрига босганда жони ўзига қайтгандай бўлаверади. Бу илохий боғлиқлик. Шунинг учун, етук ёки хомлигидан қатъи назар, аёл зоти борки, боласини тишида тишлаб катта килади (Ора-орада учрайдиган курмакларни ҳисобга олмаймиз!) Ҳатто тунлари ҳам бир неча бор уйғониб, уни пайпаслаб топиб, нафасига қулоқ тутадн, ўрайди, чирмайди. Жуфти қазо қилган аёлларда бу ҳолат янада кучаяди, отаси йўқлигини билдирмаслигим керак, деган масъулият уни бир зум, бир умр тарк этмайди. Агар эътибор берсангиз, онасиз ўсганларга солиштирганда отасиз катта бўлган болалардан яхши одамлар кўпроқ чиқади. «Ота етим — гул етим» деганлари шу.

Аммо онадан етим қолиш ҳақиқий шум тақдирдир. Онанинг ўрнини ҳеч ким боса олмайди. Бу дегани, боланинг томирига уланган ҳаётбахш томир узилди, унинг нафасига қулоқ тутадигани, юрак уришини санайдигани энди йўқ! Қалбининг тилмочи, хоҳишларини кўзидан укиб турадиган жонсарак маҳрами кетди энди! Энг меҳрибон, энг яхши ота ҳам боласига бундай узлуксиз зийраклик кўрсатолмайди. Эркакларга табиатан бундай қодирлик берилмаган.

Аёлингизнинг онаси борлиги сизнинг ютуғингиз. Болага харидор бўлиб тургани аслида сизга силаи раҳм кўрсатганидир. Бундан миннатдор бўлинг. Қолаверса, болангиз бувиси билан ёйилиброк, яйраброк яшайди, чунки унда онасининг туси, она-



сининг ҳиди бор. Янги аёлингиз чандон меҳрибон бўлса ҳам, болага катта онасидан ўтадиган кондош тафтининг, нурнинг ўрнини босолмайди. Қолаверса, қайнонангизнинг юраги қонаб турибди. Набирасини ҳар бағрига босганда, балки жони ором олар. Сиз бошқа рўзгор билан овуниб кетасиз. Унинг эса юраги ўртасидан бўлинган ва энди қайта бутун бўлолмайди. Майли, бу кичик бола унинг катта ярасига малҳам бўлсин. Кўлидан келар экан, кучи етган жойгача болангизнинг суягини қотириб, улғайтириб берсин. Ота-бола муносабатлари эса хоҳлаган пайтингиз, истаган шаклингизда давом этаверади.

Ўғлоним, Аллоҳ розилиги учун ёдингизда бўлсин, аёлингиз онасининг қанотидан чиқиб кетиб, сизнинг қарамоғингизда қазо қилди. У аёлнинг дунёсини тўлдириб турган боласи сизнинг остонангизда йўқликка кетди. Бу пешонага битилган қисмат. Аммо она учун жуда-жуда катта қайғу! Унинг хувиллаган бағрини энди сиз тўлдириб туринг, яъни вақти-вақти билан ўғил бўлиб эшигидан кириб, йўқлаб туринг. Бошқаси билан болачақали бўлиб кетсангиз ҳам, ҳайит-арафаларда излагувчиси бўлинг, сиз билан бирга қизи ҳам кириб боргандай бўлади. Кексайиб, дунёни тарк этадиган бўлса, мотам кунлари ўғил бўлиб эшигининг тагида туринг. Бу ўтган аёлингиз учун ҳам беназир йўқлаш бўлади. Сиз ҳозир тирик болангизнинг дийдорини кўпроқ кўриш учун унинг сиз билан бўлишини сўраб турибсиз. Қайнонангиз эса кизини борса келмасга кузатди. Шундай ҳолатда турган онадан гина қилгандай оҳангда гапиряпсиз. Дарров фикрингиздан қайтинг ва «онажон, сиз

нима билан хурсанд бўлсангиз розиман, боламининг тарбиясини сизга тутдим» денг. «Боламлаб» турган мунгли онанинг дуосини олинг, йўлингиз очилади.

Ҳақиқий онанг қайнонандир!

Савол:

Опажон, эрим мендан беркитиб онасига пул беради, сиз бунга қандай қарайсиз?

Жавоб:

Қизим, сенинг важоҳатингни шундоққина кўриб турибман. Кўзингдаги нафратни ҳам ва хоҳлаган қарғишингни айтишга тайёр турганингни ҳам ҳис қилиб турибман. Ва беихтиёр сен менинг қизим бўлиб қолсанг, мен нима қилардим, деб ўйлаб қолдим. Келиним бўлсанг-чи, қандай йўл тутардим? Ҳар икки ҳолатда ҳам мен нақ балога йўлиққан бўлардим! Ҳар икки ҳолатда ҳам худо мени уриб қўйган бўларди! Чунки гуноҳларга қўмилиб кетган аёлдангина сендай қиз туғилиши мумкин, Аллоҳни норози қилган қайнонагина сендай келинга йўлиқади. Сенга тезроқ инсоф ва хушёрлик берсин, шайтондан тезроқ халос бўлгин, болажон!

Тиззангда ўтирган ёки бағрингга босиб эмизётган болангга қара ва бир зум тасаввур қил: шу болангнинг орқасидан келадиган бўлажак келининг сен айтаётган гапни айтди! Хўш, ҳолатингни кўз олдингга келтирдингми? Ўроқда йўқ, машоқда йўқ келин хирмонда ҳозир бўлса-ю, сен умрингни, жонингни, молингни сарфлаб катта қилиб қўйган боланг сенга нимадир илинса, «Ҳой, нега мендан сўрамай онангга ҳиммат қиляпсан?!» дея қўлини

бигиз қилса, ўзинг нима қилардинг? Пичокни аввал ўзингга уриб кўр, оғримасагина бировга ўқтал!

Сен унинг ўғлидан умр йўлдош сифатида фойдаланяпсанми? Бу эркак умрингнинг бу ёғига ҳам кези келса қул, кези келса мардикор, кези келганда паноҳ ва халоскоринг бўлиб хизматингни қиладими? Болаларинг ота сифатида ундан олари-ни оляптими? Қўй-чи, бу одам бошида эркаги бор аёл бўлиб бежавотир яшашинг учун керакми? Ва бу эркакни сенга қайнонанг тутқаздими? Тамом! Сен бу аёлдан киёматли қарзсан! Марҳамат қилиб, уни уз! Бу юмуш эса умрингнинг охиригача давом этади. Қайнонангнинг орқасидан ҳам ису чирок қилишлар, васиятларини амалга оширишлар сенинг зиммангда бўлади. Чунки ўғлига бу масъулиятни эслатиб турувчи сен бўласан. Қайнонангнинг тиригию ўлиги сендан рози бўлсагина, Аллоҳ сендан рози бўлади. Яъни, турмушингда халоват бўлади: болаларинг яхши фарзанд, эркагинг кўнгилдагидай эр бўлади!

«Эримнинг онаси» деб ниқтаяпсан-а! Нега уни «онам» демаяпсан?! Аслида, ҳақиқий онанг мана шу қайнонанг! Онанг сенга уй-жой қилиб беролдими? Хўп, сенга жон берди, мол берди, аммо бир тирик инсонни «мана шу эркак умрбод сенга» деб, қўлингга тутқаза олдими? Болаларингнинг шовқин-суронларини ҳам кўзига қўйиб ўтадиган, чидайдиган ҳам шу қайнонангми? Нега уни «она» демайсан, номард?! Эрингнинг топган пулига аслида сендан ҳам, болангдан ҳам аввал онаси, отаси ҳақдор! Нега ўз боласидан олаётган ҳадяни кўрқиб-писиб, яширинча олиши керак? Беркитиб берса, сенга бериши мумкинدير, аммо у ота-онаси-

га ошкора бериши, уларни ошкора кийинтириши, ошкора едириши керак. Аслида, улардан ошганини сен ейишинг керак.

Фарзанд борки, онасига унинг тириклигида илинадиганини илиниб колсин. Онаси кутмаган химматлар кўрсатиб қувонтириб улгурсин. У дуолар фақат сенинг фойданга ишлайди, номард келин! Болаларинг шу дуолар билангина кўкаради!

Дуо қилайлик келинларимизни, ўғилларимизни, ғофилликдан худо асрасин. Болаларимиз бизнинг ризолигимиз билан камолга етсинлар.

Тузлукка туфурма!

Савол:

Мен 27 ёшдаман, умр йўлдошим 60 ёшда. Биринчи рўзгорим қазо қилгач, бир ёшли болам билан унга турмушга чиққанман. Ҳозир ўғлим биринчи синфда ўқийди. Бу одам бизни яхши едирди, кийдирди, яхши бир ватан қилиб берди. Унга иккинчи турмушман деб ўйлагандим, аммо унинг яна учта аёли бор экан. Улардан биттаси келиб тинмай жанжал қилади, холи-жонимга қўймапти. Чидолмасдан ажрашишга қарор қилдим. Эрим: «Бировнинг боласи барибир бировники экан-да, шунча қилган эътиборим ҳисобга ўтмабди-да», деб юборди. Бу гапи билан у боламга қилганларини миннат қилди. Мен бунга чидолмаяпман. У билан яшайбман-у, юзим кулади, ичим йиғлайди. Шунча болаларининг қаторида менинг битта етимимнинг ҳам бошини силаса, силабди-да!

Жавоб:

Аёлпараст эрингинг таъзирини беришга ўрин ҳам қолмабди. Хотинни кўпайтириб, ғалвага кў-

милиб, бўлари бўлти! Бу бошқа масала, бу хусусда гапирмаймиз.

Сенга келсак, биринчидан, эрга бева қолишинг — бу қисмат. Индамайгина қабул қилишинг, кўнишинг керак бўлган нарса. Бу Яратганнинг ҳисоб-китоби билан бўлган иш. У бу кўргуликни бериб, сени кайсидир гуноҳларингдан фориғ қилди ёки бу сенга катта мукофотлар бериш олдидаги синовидир. Бу ҳолатингни қаҳрамонлик деб кўрсатиш ёки бошқаларни шафқат қилишга мажбурлаш, ёки атрофдагиларнинг раҳмини келтириб дийдиё қилиш заифлигинг, аклингни ишлатмаётганингдан далолатдир.

Сен бу одамнинг олтмиш ёшини пеш қилма. Эрингни у ўлдирмаган ёки «ўлиб қолсин» деб ният ҳам қилмаган. Унга сени мажбур қилиб узатишмаган, тўғрими? Сен ўзинг хохлаб турмушга чиқдингми, демак, ўзингни унга тенг кўрдинг, деган гап. Қайтиб буни тарозуга солмаслик, писанда қилмасликка ичингда қасам ичиб, сўнгра унинг остонасига бориш керак эди! У эркак битта виждонли, ҳамиятли инсоннинг ишини қилиб бўлибди, яъни сендан ёши анча катталигини ювиб кетадиган ишларни, юрагингни яшнатадиган яхшиликларни қойиллатиб қўйибди, бойлардай кийиниб, бойлардай еб, ясаб берган ватанида яйраб ўтирибсан экан. Бу ишларни сендан кўрққанидан қилибдими? Ё сенинг хусну жамолинг ҳар куни унинг саватини пулга тўлдириб берадими? Турган-битганинг зиён бўлиб турибсан-ку унга! Боланг унинг паноҳида отаси борлардан ҳам яхши юрибди экан-ку! Бунинг учун унга кунда ич-ичингдан ошкор ва пинҳон таъзим қилишинг керак! Атрофингга бир кара, бо-



лалари билан эрини ҳам кўшиб боқаётганлар бор. Ёш, чиройли эрлари ичиб ё кунда дўппослаб, ёки кимор ўйнаб, бир этак боласи билан қаёққа бориши, нима қилишини билмай ўтирганлар қанча! «Юзим кулади, ичим йиғлайди» эмиш! Тузлукқа туфуриш бу! Қалбан кўрлик бу! У одам миннат қилмабди, чорасиз қолгач, ҳақиқатни эслашиб, сени инсофга чакирибди. «Бировнинг боласи бўлса ҳам, уни боламдай санайман, ундан мени ажратма», дебди. Ё балки, «Болангга бўлган муносабатларимдан бегоналик топдингми, уни олиб кетмоқчи эканлигинг у сенинг боланг эмас деганингми?» деган маънода ҳам гапирган бўлиши мумкин. Қолаверса, бир тасаввур қилиб кўр-чи, битта боланг билан сени уйланмаган ёки қарсиллаган йигит олармиди? Ёши ўттизда бўлса ҳам, икки-та ё, учта еtimi борларгина харидор бўлиши ва уларга она бўлиш учун, ўзингнинг болангни уларнинг қаторига сингдириш учун жигарларинг кабоб бўлиши керак эди. Шу одамнинг паноҳида қатор афзалликларга эришдинг, бу – ҳужжат, энди бунинг эвазига ўшанчалик азиятга кўнишга мажбурсан. Бориға шукр қилишинг, у сенга ростдан миннат қилган тақдирда ҳам, оғриғига чидашинг керак бўлади! Бу одамнинг сенга узатиб турган кўли нажот кўлидир. У сенинг халоскоринг, уни бездирма! Унга у кутгандан кўра ҳам ортиқроқ меҳр-мурувват кўрсат. Алқисса, тешик тоғора билан қолган балиқчи чолнинг кампиридай ҳолга тушасан, эсингни йиғ, болам.

БУГУНГИ ЭРКАКЛАР

МУҚАДДИМА

Инсон – шариф зот. Эркак учун аёл, аёл учун эркак Тангри қўшган муқаддас йўлдош. Улар дунёнинг устунларидир. Ва ҳар бир тоифа бебаҳо, ҳар бири бетакрордир. Яратган Эгам инсонга атаган буюк неъматларини тенг бўлиб уларга тақсимлаб қўйган, бирининг имкониятлари иккинчисида йўқ, унисидаги фазлу фасохат эса бунисида йўқ. Бу ҳам Яратганнинг чеварлиги! Шунинг учун ҳам бу икки тоифа бир-бирларидан асло зерикмай умргузаронлик қиладилар. Ва ҳар бир жуфтлик «Оила илми» деган ўз мактабини яратиб яшаб боради. Қарабсизки, бу «мактаблар»дан турфа андозали одамлар дунёга тинмай таркалиб туради.

Дунёнинг сифати эса шу мактабларнинг сифатига боғлиқдир. Ҳамиша, аввало НИЯТ дунёга келади, сўнгра АМАЛ. Атрофимизда мавжуд бўлган бари неъматларни Аллоҳ маълум ниятларни кўзлаб яратиб қўйган. Ҳар бир неъматга юклатилган вазифага қараб, уларнинг яшаш тартиблари ҳам белгилаб қўйилган. Ҳар қайси мавжудлик ўз йўлидан юриши, ўзи учун белгиланган қонунларга бўйсуниси керак. Таажжубланарлиси шуки, инсондан ташқари ҳаракатдаги ҳамма нарса

шу қоидага бўйсунди, гилос гилос бўлиб яшайди, чумоли чумоли бўлиб, фил фил бўлиб. Фақат инсонгина турланаверади, тусланаверади! У гоҳда шариф зот тарзида намоён бўлса, гоҳида эса итлик қилиб қўяди. Бу мувозанатдан чиқишдир. Бу Аллоҳга бўйсунмасликдир. Бунинг оти – ГУНОХ! «Бандаси тадбир қилади, Аллоҳ тақдир қилади», деган гап бор. «Бошингга нима келса, қўлингдан кетган амаллар туфайлидир», деган гап ҳам бор. Энг ёмони шуки, гуноҳ жазосиз қолмайди.

Инсоннинг етмиш икки томирига жойлашиб, унинг хар борадаги нафсини қўзғатиб, гуноҳларга етаклаб турадиган лаънати шайтондир. Шайтондан қутулишнинг эса иложи йўқ. У қиёматгача ўлмайди. Инсончилик нуксончилик – шайтон бизни ғафлатда қолдираверади, қандай қилиб унга эргашганимизни билмай қуйиб юраверамиз. Аммо Тангри ундан муҳофазаланиш, уни зарарсизлантириш учун инсонга етарлича ақлу заковат ва ирода қувватини бериб қўйган. Маърифатчи ва маънавиятчилар халққа худди шу ўринда керак бўладилар. Одамларни тинмай уйғотиб, уларни шайтондан огоҳ бўлишга чорлаб турадилар.

Ахлоқ тарбияси деган нарсa ҳамма замонларда бўлган. Шу кунгача эзгулик ва гўзаллик қай даражада сақланиб келаётган бўлса, Аллоҳ бу муборак юмушга олимлар ва доно тарбиячиларни сабабчи қилиб қўйганлигидир. Гўзаллик ва хунукликнинг фаркига етганки одам гўзалликни ҳимоя қилишга масъулдир. Чунки Тангри унинг фикратини бежиз ўстириб қўймади, у худо берган бу қобилияти билан дунёнинг бир четини

бежаб, тежаб ўтиши шарт! Бу тирикликнинг шукронаси ўрнида ҳам қабул қилинади. Одамларни қусурлардан қутқаришга уриниш ҳам ибодатдир.

Юқорида айтганимиздай, ҳар бир неъмат ўз аслиятини сақлаши шарт, сақлашга мажбур! Йўқса, у умумҳаёт мувозанатини бузади. Рисоламизни «Бугунги эркаклар» деб номладик. Шу кунгача «эркаклар» деган сўзга ниқтаброк урғу қўйишга ҳам истиҳола қилиб турамиз. Қолаверса, эркакни эъзозлашда шарқ аëлидан ўтадигани йўқ! Бизда ҳамиша уйнинг тўриси деганда эркак, пойгаги деганда аёл кўз ўнгимизга келади. Биз, аёллар, бу мақомга минг бора розимиз! Аммо эркагу аёл бир тану бир жон ҳисобланар экан, бало ора-лаб, ўша ярмингга микроб тушиб турса, индамай туролмайсан-ку?! Жонингнинг ярми оғриб турса, илжайиб яшаб бўладими?!

Мана бир неча йилдирки, Андижон телеви-дениесида «Оила илми» номли узлуксиз жонли мулоқот орқали томошабин билан тўқсон дақиқа давомида савол-жавоб олиб борамиз. Кузатиш-ларимиздан шундай хулосага келдимки, бугунги кунда ўғил бола тарбияси долзарб масала бўлиб турибди. Аёллардаги асабийлик, ёш туриб турли касалликларга учраш, феълларидаги эркакшодалик унсурлари, болаларнинг тапга кирмай қўйишлари, оилавий ажримларнинг кўпайиши рўзғорларда эркаклик илмининг етишмаслиги туфайлидир. Йигитлардаги эрлик ориятининг сустлиги, тайинли бир ҳунарининг йўқлиги, пул топишнинг осон йўлларини қидириш, бу йўлда ҳалолу ҳаромдан парҳез қилмаслик бу зотни беобрў қилмоқда. Эр-

какнинг обрўси кетар экан, бу хонадонда файз ва роҳат, бутунлик бўлмайди, бу оиладан чиққан болалар жамиятнинг зараркунандаларига айланади.

Менга тушган шикоятларни бир эшитиб кўринг:

Аёлим онамни ҳурмат қилмайди, нима қилай? (Онасини аёлига талатиб қўйиб, томоша қилиб ўтирган виждонсиз ўғил.)

Аёлим тинмай менга гап қайтаради (Хотинининг қошида ҳурматини батамом йўқотган беобрў эр.)

Хотиним мендан сўрамай Россияга ишлагани кетиб қолди. (Боши аёлининг товони остида турадиган, оиласида мисқолча ҳам овозга эга бўлмаган пачокланган эркак.)

Онам хотиним билан иккимизни тинч яшашга қўймапти. (Аёлсиз қолмаслик учун онасидан воз кечишга тайёр хотинпараст ўғил.)

Мен аёлимни бошқара олмай қолдим. (Аёли бошига чиққунча қўйиб берган ақлсиз ёки қўлидан ҳеч иш келмайдиган ношуд, нотаваб одам.)

Эрим бошқасига уйланиб олди, учта боламни қандай боқай? (Уч болага ота эканлигини унутиб, ўз нафсини боқиб юрган итфеъл кас.)

Эрим бошқасига кетиб қолди, иккита боламни қандай боқай? (Ёш аёлини икки боласи билан тўрт томондан уриб турган елвизакка қўйиб, ўзи бировнинг иссиқ бурчагига яширинган махлук.)

Эрим Россияда бошқаси билан яшаяпти, ё ёрдам бермаяпти, ё жавобимни, нима қилай? (Ўзининг йигитлик бурчи, лафзини, Россияга нима учун борганлигини унутган, болаларининг ризкини, куч-қувватини харом харидорларга таркатиб юрган галварс).

Эрим пул топади, аммо доимий ичади, болаларим катта бўлиб қолди, улар отасини ёмон кўриб қоляпти, нима қилай? (Билиб туриб, соғ кўринишини жинниликка алмаштираётган, кексаликда хор бўлиш учун астойдил замин ясаётган ақлсиз.)

Эрим ичади, болаларим ярим оч, каму кўст ошиб-тошиб ётибди, нима қилай? (Ўлса болалари куймайдиган, тирик туриб фарзандларини етим ҳолатга туширган кераксиз ота.)

Хотиним билан онам тинмай жанжал қиладилар, қаёққа қочай? (Онасини эритолмаган, хотинини тиёлмаган, демак, вазиятни юмшатишга бирор ақлли ҳаракат қилолмаган нотавон, эпсиз, ношуд одам.)

... ва хоказо!

Мана шу каслар нафақат йигитликка, балки инсонликка номуносибдирлар. Уларда на эрлик, на фарзандлик, на оталик илми йўқ! Эркакдан бутун дунёнинг, ватаннинг, миллатнинг юкини кўтариш сўралади. Бутун дунё аёллари эркакни суянч деб билади! Эри йўқ аёллар ярим, эри борлар бутун саналади! Аммо бугунлик кунда болаларига кўшиб эрларини ҳам боқаётган аёллар қанча! Эрлари коринларини қашлаб ётиб, уйдаги жами эркакча юмушларни ўзлари бажараётган шўрликлар қанча! Шохма-шоҳ сакраб, отини «шаръий никоҳ» қўйиб, тирик етимларни кўпайтираётган эрлар қанча! Дуо қиламизки, илоҳим гулни гулга, шерни шерга, йигитни эрга ўхшатсин!

Азиз китобхон, беайб парвардигор, ҳамма адашиши мумкин. Фақатгина кўзимиз тушган хатонинг олдидан индамай ўтиб кетмайлик. Салоҳиятимиз

етганча адашганни етаклашга уринайлик. Зора ёр-
дамимиз тегса! Жуфти бор аёл жуфти бордай тиниб
яшаса, аёли бор эркак уйига талпиниб турса, бола-
лар оталари, оналари билан ғурурлансалар, ўғил
уйлаб, қиз чиқарганлар туққанлари, боққанлари
учун рози бўлсалар, қайнона-келинлар коворғадай
киришиб, ковушиб яшасалар қандай бахт! Бир-
бировимизни гуноҳлардан асраб, эвазига ўзимиз
саодатманд бўлиб юрайлик.

* * *

Савол:

Қизларнинг кийинишлари, тирноқларини узун-
узун ўстириб юришларини кўрсам, ғашим келади.
Нега уларга кам насиҳат қилинмоқда?!

Жавоб:

«Тарбия» деган тушунчанинг тўксон фоизи-
ни қиз болаларга тегишли деб келамиз. Шундок
бўлиб келган. «Қизларни маҳкам ушлаш керак,
қизлар албатта ҳунарли бўлиши керак, қизларни
келинликка тайёрлаш керак, оналар мактаби,
қайноналар мактаби ...» деган гапларнинг сийқаси
чиқиб кетди. «Тўйлардаги ортиқча харажатлар-
га аёллар сабабчи, мен аёлимни бошқаролмай
қолдим, нима учун енгилтак аёллар кўпайиб кет-
ди» деган надоматли луқмаларни айтмайсизми?
Ва бу гаплар айнан эркаклардан чиқаётгани менга
жуда таъсир қилади. Бир йигит ўз аёлини атайин
жаҳлини чиқариб туриб, унинг оғзидан боди ки-
риб, шоди чиқишларини дискка ёзиб, «Турсуной
опа, шуни бир телевизорда кўрсатиб, хотинимни
шарманда қилиб беринг» деб жўнатибди. Мана

сиз ҳам қизларнинг таъзирини бериб қўйишимни сўраб турибсиз!

Тарбия бобида биз қизларни шунақанги сиқувга ола бошладикки, хатто ҳаддимиздан ошиб кетдик, уларнинг чумолича жонидан фил бўлишни талаб қилишга тушдик: «Ҳамма нарсa сенга боғлиқ, сен уйда вазирсан, йўқдан бор қилиш сенинг зиммангда, эринг ичса ҳам, қўчама-қўча дайдиса ҳам, қўли уронғич бўлса ҳам, тили сўконғич бўлса ҳам чида, иродали бўл, овозингни чиқарма ...» деявериб, уларни салкам «темир хотин»га айлантириб қўйдик. Қарабсизки, айрим аёллар хаттоки эрларини боқишга тушдилар, ҳафта-ўн кунлаб йўл юриб савдогарчилик қилишга ўтдилар, бозорлар аёллар билан тўлди. Аммо айтинг-чи, аёлларни очиқ танқид қилишгача бораётган, улардан кўнгли тўлмаётган эркакнинг бирортаси: «Аёллар биздан ҳам кўпроқ меҳнат қиляпти, улар жисмонан бундай зўриқишни кўтара олармикан, сал ўзларини аяса бўлармиди?» ёки «Эркакнинг ҳам оласи бўлади, аёллардаги феъл ўзгаришларига биз сабабчи бўлмаяпмизми?» деган гапни айтдими, айта олдими?

Оиладаги, инсоннинг хатти-ҳаракатидаги вазият бир маромдан чиқса, мувозанат бузилди, деб айтamиз. Хўш, қачон мувозанат бузилади? Қачонки мавжуд томонлар ўз елкаларидаги мажбурият ва масъулиятларини тортолмай қолса ёки эру аёл ўз фаолиятида зарур-нозарурни фарқлолмай қолса мувозанат бузилади. Яъни бошлар оёқ, оёқлар бош бўлади. Қуръони карим кўрсатмаларида ҳам, жамиятнинг қонунларида ҳам эркак киши оила-



га бош рахбар деб белгиланган. Агар шу мақом кимнинг оиласида бузилса, ўша ерда маънавий инқироз юзага келади. Ана ўшандай рўзгорларда парда ичидаги ўз аёлини ўртага солиб, «бир шарманда қилиб беринглар» дейдиган эрлар бино бўлади, эрига шапалоқ туширишгача борадиган аёллар пайдо бўлади.

Савол берган ўғлоним, биз ҳозир нақ ўша мувозанат бузилган жараёнларни бошимиздан кечириб турибмиз. Ўша – тирноқлари бургутникидай ўсиб кетган қизлар, юбкалари тобора калталашаётган ёки ўзича ҳижоб кийган бўлиб, ўзини диндор атаб, аммо узун қўйлаклари баданларига чип ёпишган, лаблари қип-қизил бўялган қизлар ёки жамоат орасида шанғиллаб гапирадиган, хахолаб куладиган, ёки бўлмаса, концертларда ҳамманинг кўз ўнгида хонанда йигитларга бўй баравар осилиб оладиган қизлар, айтинг-чи, қанақа индан чиқади? Отаси борми уларнинг? Отаси лапашанг бўлса акаси, ўғил укаси борми? Уларни ҳам худо уриб қўйган бўлса, амакилари, тоғалари ёки ҳамиятли поччалари йўқми?! Агар қизлари, аёллари ана ўшандай юриш-туришда бўлса, «тирикликда ўликдир» деб шу эркакларни айтилмайдими?! Рисоладаги оилаларда оталик тергови, акалик, амакилик, тоғалик назорати қиз бола ўн ёшга кирмасданоқ бошланади. Эркак кишининг шарпаси келган захоти миллий одобимизга кўра аёллар дархол сочлари, ёқаларини ростлаб, ўзларини пардага оладилар. Бу уларнинг оталарига, акаларига бўлган ҳурматларидир. Уйидан хаё кўтарилгунча томошабин бўлиб ўтирган эркак йигит саналади-

ми? Аёлларга қўлингизни бигиз қилишдан аввал сафингиздаги ана ўшандай суст, уйида ўрни йўқ, эркаклик орияти оёғости бўлиб яшаётган эркаклар учун андак хижолат чекиб қўйинг, ўғлоним! Бундайларга эркакларнинг ҳам айтадиган ўз сўзлари бўлсин, ахир!

Хулоса шуки, бугун киз бола эмас, ўғил бола тарбияси биринчи ўринда турибди. Тарбияланмаган эркак қандай қилиб оилада бош раҳбар бўлиши мумкин? Шариатда ҳам, жамиятимизнинг одоб қоидаларида ҳам оти эркак борки, уни бошингга кўтаравер, деган жойи йўқ! Биз қизларга қадимдан аёллик илмини қулоғига қўйиб келамиз, аммо «эркаклик илми» деб аталадиган илм ҳам бор. Уни бонг уриб ёшларга етказиш керак! Уни эгалламаган йигит оиласининг, зотининг шаънини ҳимоя қилолмайди. Ақлли фарзандлар тарбиялолмайди. Йигит бўлиб йигитдай иш юритишни билмаган эркакнинг уйида миллий қадриятларимиз тамом бўлади.

Сиз кўчада кўраётган ва энсангизни қотираётган аёллар яхши зотдан бўлмаган она ва илмсиз оталардан дунёга келганлардир. Улар бизнинг насиҳатимиз билан бирдан яхши бўлиб қолмайдилар. Шунинг учун ҳам ҳар биримиз Тангридан юрагимизнинг кўзини очиқ қилишини сўрайлик. Илоҳим бизни ўзимиздан қоникмайдиган қилиб қўйсин. Болачақамизнинг роҳатини кўрмоқчи бўлсак, ўзимиз ҳамиша изланишда, яхшиланишда бўлайлик.

Она айтолмайдиган гаплар

Савол:

Мен онамнинг дилидагиларни билишни хоҳлайман. Онанинг боласига айтолмайдиган гаплари ҳам бўлиши мумкинми?

Жавоб:

Ох болажоним-а, оналар ўз болаларига атаган тўқсон фоиз гапларини ичларига ютиб, ўзлари билан олиб кетадилар! Аёлнинг ичидагини худо билади, унинг таърифи ва баҳосини ҳам болаларидан сўраманг. Уни бегоналар яхшироқ биладилар. Фарзанд ҳеч қачон ўз онасини шахс сифатида тугал билолмайди, боласи қошида аёл фақат «она»! Боласи бор жойда у ўзининг бошқа жами кирраларини унутиб, оналиккагина берилиб туради. Фарзанд ҳам ёши нечалигидан қатъи назар, онасида фақат онанигина кўради. Уларнинг бу дунёсига оналик ва болаликдан бошқа ҳеч нарса сиғмайди.

Бу олам шунақа қизик: болалар кўпинча кимнинг боласи эканликларини билмай ўтадилар. Баъзан ўйлаб қоламан, масалан, Ҳалима Худойбердиеванинг болалари онасининг ёзганларини ўкиб, унинг мухлислари тушган ҳаяжонга туша олармикинлар? Муножот Йўлчиева авж пардага етганда унинг фарзанди онасининг мухлисидай ўзини унутиб, симобдай эрий олармикан? Менинг ҳам «китобингизни ёстиғимнинг остига қўйиб ётаман», «фалон гапингизни ёдлаб олганман» каби лутфларни эшитганимда ичимдан бир оғрик ўтади. «Болаларим мени мана шулардай берилиб ўқирмиканлар», дейман. Дунёга келиб, инсон си-



фатида бола боқишдан ташқари ҳам мақсадларим бўлганлигини, шу мақсад йўлида одам ва олам таниганим, курашларим, эришишларим бўлганини, одамлар қаторида ўрним бўлдим, буни болаларим сездим, йўқми – билгим келади. Менинг она сифатида болаларимга айтолмайдиган гапларимнинг биттаси шу.

Сизнинг онангиз ҳам ўзи бир мамлакат-ку, болажоним. Бағрида туриб унинг сарҳадларини сиз очмасангиз, хазиналарини сиз топмасангиз армон эмасми? Сиз онангизни албатта ихтиро қиласиз, унинг дилидагиларни албатта англаб етасиз, фақат, фақат жуда кеч, яъни ундан айро тушгандагина! Ана оху, мана оҳ!!

Оналарнинг ботини доим айтиб бўлмайдиган бир нималарга тўлиб туради. Ўзингдан бола ясаб тупроққа кўндирганингдан бошлаб, ташқарига эмас, ичингда айтадиган гапларинг чунон кўпаяди: болам бехатар катта бўлармикин? Нима қилсам у бахтли бўларкин? Унга қайси гапни айтиш мумкин, қайсинисини ютиш керак? Отасининг фалон хатосини, ўзимнинг фалон камчилигимни қайтариб қўймасмикин? Мен билмай, у хато ниятлар қилиб қўймайптими, кўчада ўзини қандай тутяпти? Болам ўксимай катта бўляптими? Куёвим ким бўлади-ю келиним ким бўлади? Ва хоказо ...

Ўғлим уйланган куни этим билан тирноғим ажради ҳисоб! Яна ўша ҳеч кимга айтилмайдиган гаплар юрагимни ўяди: келин ўғлимни мендай авайлаяптими? Ўғлим жуфтлик илми, мурса илмини била оляптими? Эр-хотин бир-биридан совуб қолмасин-да! Баъзан бағримга муз югуради: болам хотинига берилиб мендан нари кетмаяптими? Нега



кейинги пайтлар камрок ҳол сўраяпти?...Хозир келипида иккитагина иссиқ нонни кўйнига солиб келсайди! Болам бой бўлиб кетса, тугунлар қилиб берса, фалончиларни бир йўқлаб келсайдим! Боламнинг дасту корига берса, елкаларимдан тутиб хажларга олиб борсайди! Боламнинг кўзларидан: «Онажон, сиз менга жуда кераксиз, дунёдаги энг қимматлигимсиз», деган илтижони ҳар куни укиб турсайдим! Ва ҳоказо...

Яна онанинг ҳеч кимга айтмайдиган, қабрида ҳам янграб турадиган нолалари бор! Усиз она она эмас, қанийди болаларнинг қалб кўзлари очик бўлса! Қанийди у гаплар айтилмаса ҳам, Тангри фарзандларни зийрак сайлаб қўйса! Қанийди у нолаларимиз зурриётларимизнинг калбида қўнғирок бўлиб турса! Ки, у гап шу: мендан кейин нима бўлади? Бирлаштириб турган мен эдим, кетсам, тўрт болам тўрт томонга сочилиб кетмайдими? Ҳаммаси ўз ини, ўз қозонига ташиб, бир-бирини унутиб қўйса-чи? Истайсанми, истамайсанми, ўғил бола аёли таъсирида бўлади! Истайсанми, истамайсанми, келин минг ақлли, ҳалол бўлса ҳам қони бегона, жигарликни аввал ўзиникиларга қилади, кейингина сеникиларга! Анови қизим мунгли – ўғилларим унга безътибор бўлиб қолса-чи! Мана буниси жўжабирдай жон, ўз ёғига ўзи қовурилиб қолса-чи?

Катталари бор пайтда файзхона, фариштахона бўлган, ҳамма келиб яйраб, ёзилиб, умрлари узайиб кетадиган не-не ҳовлиларни улуғлари ўтгач, жанжалхонага айланиб, бўлакларга бўлиниб, хомталаш бўлганларини кўриб, юрагим вайрон бўлади. Ҳатто ўйлашга кўрқаман: «Меникилар



ундай эмас!» деган фарёд отилади бўғзимдан! «Сенинг болаларинг ҳам одам, — дейди шайтон қарама-қарши ўлароқ, — одам қилган хатони улар ҳам такрорлаб қўйиши мумкин!» дея юрагимга ваҳм солади! Тўпланиб ўтирган фарзандларимга сўзсиз мўлтирайман, «Сиз ундай қилмайсиз, иншооллоҳ, мерос муаммолари бўлмайди сизда. Молу гина-кудурат ўртага тушиб бир-бирингиздан йироклашадиган бўлсангиз, бир-бирингизни тапилаб қўйсангиз, ўлганимдан кейин ҳам кунда бир ўлишим аниқ», — дейман юракларим сизиб, пичирлаб... Бу ҳам онанинг овоз чиқариб айта олмайдиган гаплари...

Савол берувчи болам, «онамнинг дилидагини билгим келади» деб жуда чиройли гапирибсиз. Раҳмат, сизга! Қанийди фарзандлар дилимиздагини, яъни биз айтолмаётган гапларни ўлмасимиздан туриб англасалар, кўзимизнинг тириклигида солих амаллар қилиб бизни хотиржам этсалар! Қанийди, охирги йўлга тинч кетсак ва маконимизда ҳам тинч ёта билсак!...

Агар ҳукм бузилса ...

Савол:

Оилада эркак бош раҳбар бўлиши шарт деяпсиз, нима учун? Аёлнинг қўлидан раҳбарлик келмайдими?

Жавоб:

Қўйиб берсанг, аёл подшоликни бошқариши, ўрни келса, дунё муаммоларини ҳал қилишда иштирок этиши мумкин. Тарихда бунга мисоллар тўлиб-тошиб ётибди. Аллоҳ эркагу аёлни бирдай



шариф яратган. Ҳаргиз уларнинг биридан иккинчисини устун қўйиб бўлмайди. Фақат дунёдаги ҳар бир мавжудот ўз ранг-туси, мазаси, яшаш тарзига эга бўлгани каби, эркак билан аёлнинг ҳам бандаси ўзгартиролмайдиган ўзига хос иқлими, ўзининг бўйсунishi шарт бўлган илоҳий қоидалари бор. Эру аёл бир-бирига қачон мутаносиб бўлади ва пайваста умр кечиради? Қачонки эрлик, аёлликнинг ўша илоҳий қоидаларига амал қилса! Бу амал ўз хоҳишларингни қайириб туриб, жуфтингни ҳурмат қилиш, яъни уни тушуниш ва унга силаи раҳм кўрсатишдир. Худо насиб этган мутаносиблик шу! Ана ўшандагина бу рўзғорда равнақ бўлади, ана ўшандагина бу оилада орзулар ушалади.

Эркакнинг бош раҳбарлиги нима ўзи? Эркакнинг бош раҳбарлиги аёлининг ва болаларининг муҳофазасидан иборатдир. Яъни уларни едириш, кийдириш, соғлигини ва шаънини эҳтиётлашдир. Бола-ку кўчат! Боғбонсиз униб-ўсолмайди. Қап-катта аёл-чи, у ўзини муҳофаза қилолмайдами? Ҳа, у ўзини муҳофаза қилолмайди! Эркакни яратиб қўйгани ва аёл ҳимояси эркакка юклатилгани учун, аёлдан ўз-ўзини муҳофаза қилиш олиб қўйилган. Шундоқ ҳам унинг юки оғир. У оиласидаги ўн киши учун паноҳ бўлиши, болаларини тишида тишлаб катта қилиши, мардикор эридан бек ясаши мумкин ва ҳоказо.

Аёл зоти елкасига худо қўйган масъулиятни бажара олди — ҳатто хулқи билан назардан қолган аёл ҳам боласини боқади, меҳр беради. Аммо бурчга масъуллик бобида эркаклар улкан заифлик кўрсатдилар, яъни эркаклик вазифасини



англамаган ёки англашни хоҳламаган талай эрлар борлиги нақадар уятли ва фожиали! Эрларини боқаётган аёллар қанча, тирик етим болаларини катта қилаётганлар, эрлари ёнбошлаб ётиб, ё гузарда соатлаб қарта ўйнаб, нос чекиб ўтириб, аёллари молхона тозалаётган, кетмон чопаетган, ё шахарма-шахар қоп кўтариб юрганлар сонмингта бўлиб кетди-ку! Аёл бу юмушларни кучи оширтошиб кетганидан қиялпими? Ахир, аёлнинг аёллик вазифаларини ҳеч ким қўлидан ололмади-ку! Эркак киши минг уринса ҳам бунинг уддасидан ўтолмади-ку! Аёл биринчи навбатда аёллик вазифасини ўтагандагина ҳаётдан қоникади, руҳи яйрайди. Аллоҳ уни фақат аёллик ишлари билангина яйрайдиган қилиб қўйган. У эркакнинг вазифасини ҳам уддалай олади, яъни оилада раҳбар бўла олади, фақат зўриқиш ҳисобига! Таранглашиш ва емирилиш ҳисобига!

Аёл умрининг бошидан-охиригача лаҳча чўғ холатида бўлади, у ўт ичида умргузаронлик қилади! Унинг иши оғир, у рўзғорингизнинг уриб турган юраги! У сизни ёмон кўрса ҳам хавотирингизни олади, у сизни ва болангизни қафтларида кўтариб, ўзи тиканларга товларини қадаб одимлаб боради! Шунинг учун, жаноби эркаклар, аёлларга кўрғон бўлиб туришингиз шарт! Сизни асраб, сиздан тарқалган болаларингизни авайлаб, ўз жонини унутгани учун ҳам, уни елпинг, унга сув тутинг, жисмига қувват бўладиган донлар илининг, бир нафас бўлса-да унга ором берадиган тадбирлар тузинг. Аллоҳ дунёнинг халоскори аёлга эркакни халоскор этиб сайлади, уни сизга ишониб топширди. Жаноби эркак, Аллоҳдан кўрқинг,

сиз ҳам ўз вазифангизга яроқли бўлинг, илоҳий бурчингизни бажаринг!

Аллоҳ ҳукм қилган вазифани бажармаган эркак жазосиз қолмайди! Яъники, оилалардан фаришта кўтарилиши, дуоларнинг ижобат бўлмаслиги, пулда, ризқда баракот йўқлиги, ўғил-қизлардан ҳаё кетиши, касалликларнинг болалаши, аёллардаги эркакшодалик кўринишлари, оилада ота-оналик мақомининг пасайиши ... бари, бари «оилада эркак бош раҳбар бўлиши керак», деган ҳукмнинг бажарилмаётгани натижасидир.

Аёлига силаи раҳм кўрсатаётган эркак доно инсондир, рўзғор тутиш илмини билган оила раҳбаридир. Ва бунинг эвазига у Яратгандан ҳали кўп мукофотлар олгусидир.

Қизингиз тиниб-тинчисинми?

Қиз бола тарбиялаш борасида сиз оқилона йўл тутдингиз: икки кўзингиз қизингизда бўлди. Мактабдаги ўзлаштиришлари, кўчадаги юриб-туришларини жиддий назорат қилдингиз, ҳаракатларингиз иш берди – қизингиз хавас қилгудай улғайди. Бир яхши оила орзуманда бўлиб уни келин қилди. Ҳаммаёқ ширин муносабатларга тўлиқ, куёвингиз суксурдай йигит, уй-жойлари шоҳона, қизингиз маликалардай яшаяпти. Бир куни уни кўргани бордингиз, қиш кирган пайти эди, назарингизда ошхонаси совуқроқ туйилди. Ана шу баҳона бўлдию қовун тушириб қўйдингиз. Яъники, қудаларингизга калтарок ўйлаш қусурингиз борлигини кўрсатдингиз: сиз билан бирга борган жуфтингиз билан, ҳеч йўқ қизингиз билан



маслахатлашмай, чарсиллаган тарзда: «Куда, мен кизимни бирор хафтага уйга олиб кетаман, бу ша-роитда шамоллаб қолиши мумкин», деб юбордин-гиз! Эрингиз ўнғайсизланди. Эркак куда ҳайрон. Аёл қудангиз нима деб жавоб қилишни билмайди. Қизингиз жавдираган. Хўш, мана шу вазият ёқдими ўзингизга? Айтинг, бу ҳолат ким учун ёқимли бўлди? Нима қилиб кўйганингизни биласизми ўзи? Орадаги недир биллур косадай синди! Сиз қудаларингизни бефаҳмлиқда айблаяпсиз, ахир! Наҳотки, болангизни умрбод фарзандликка олган, бағрига босиб турган одамларни «ақлини киритиб қўйиш»га журъат қилдингиз! Бу амри фармонин-гиз куёвингизга қандай уриларкин? Бахтингизга қудангиз оғир карвон экан, «хотиржам бўлинг, куда, кизимизни кўз қорачиғимиздай сақлаймиз» дебгина қўйди. Ўзингизга ўхшаган тезоб бўлса, «Биз ақлсизу сиз ақлли бўлиб қолдингизми, ана, кизингизни олиб кетинг-да, пишириб енг!» деб юборса нима қилардингиз? Яхшиямки, ўша куни келинчак қайнонасини ёлғиз топиб, «Ойижон, онам билмай гапириб юбордилар, мен сизни яхши кўраман, хафа бўлишингизни асло истамайман», дейишни билибди, унинг гапи билан қайнона ҳовуридан тунгандай бўлибди.

Қизингиз соғ турган бўлса, сизга шикоят қилмаган бўлса! Унинг устига бу оилага энди-гина учиб келди, ҳали астойдил ўрнашиб улгур-гани йўқ. Бундай пайтда қизнинг онаси маълум муддатга кўру кар бўлиб туриши керак. Бунақа «меҳрибончилик»дан яна икки-уч марта қилсангиз, болангиз бу хонадонга илдиз отолмай қолади. «Ёмон жойга тушиб қолибман шекилли», деган ўй

келади унга. Юрагини уйидан совутиб кўясиз. Энг ёмони, куёв тарафнинг қизингизу ўзингизга бўлган муносабатларини ёмонлаштирасиз. Қизингиз эса, бу одамлар билан бутун умр бирга яшаши керак!

Бир куни яна шайтоннинг гапига кириб қудангизга қўнғироқ қилдингиз. Маҳаллангиздаги яхши бир аёлни уй хизматчиси қилиб олишларини сўрадингиз. Бу ишингиз яна малолли бўлди. Бу оилада куёв-келиндан ташқари қайнона, қайнота, биргина қайнсингил бор, холос. Қайнсингилнинг ўзидан унча-мунча иш ортмайди. Бу хонадоннинг сигир-бузоғи бўлмаса, полизи бўлмаса, тўшакда ётган бемори ёки майда болалари бўлмаса! Қизингизни қайси хизмат эзмокда?! Келин бўлиб чой дамлаб, бир коса овқатни ҳам олдиларига қўймасинми? Куёвини ўзи оқ ювиб, ўзи оқ тарамасинми? Ўз ховлисига ўзи яйраб сув сепмасинми? Аёл аёл бўлиб дунёга келиб, вужудидаги яшнаб, жўшиб турган кучини ўз рўзгорини бежаб-тежашга ишлатмаса, армонда ўтмайдими? Сизнингча, қизингиз барок мушукдай диванга мук тушиб мудраб ётаверсинми? Қизингизни эрга бердингизми ё унга умрбодлик курорт ясаб берилиши керакмиди? Бу феълингиздан ўзингиз бир пайтлар қандай тантиқ келин бўлганингиз кўриниб турибди, илоҳим қизингизнинг инсофини берсин!

Уй хизматчиси олишни қудангиз ният қилганда ҳам, сиз карши чиқишингиз, «Ўғлингиз битта бўлса, келин олиб роҳатини кўринг-да, қизим хизматингизни ёлчителиб қилсин, дуоларингизни олсин, ўшанда униб-ўсади, қудажон», дейишингиз лозим эди. Ўшанда қудангиз қизингизни янада аяшга тушарди. Қизингиз сизникига келса ҳам, «меҳнатдан

кочма, уйингдагиларнинг дуосини ол» дейишдан бошқа гапга ўтмаслик керак. Узатилган қизни тинмай куёвнинг уйига иситиш, улар ҳақида чиройли гапириш, доим куёв томонга тавозеда туриш шарт. Бу сиз ўйлагандай ўзингизни пастга уриш эмас. Бу қизингиз учун қулай об-ҳаво яратишдир.

Ҳар қандай инсон яхши гапга эҳтиёжманд. Айниқса, қизингиз тушган жойга ҳамиша такаллуфда туринг. Камчилиги йўқ инсон йўқ, доимий бирга яшаш жараёнида албатта айблар юзага чиқиб кетади. Келин бу ҳолатларга ўзини тайёрлаши, фақат меҳр кўрсатиш ва кечиримли бўлиш билангина қийинчиликларни енгиб ўтиши мумкин. Рўзгор тутишни астойдил ният қилган қиз уйига ёмон нарсаларни ташимайди. Гап ташиган тақдирда ҳам она бўлгич ҳолатни зийраклик билан таҳлил қилиб, сиз ҳам, кабоб ҳам қуймайдиган маслаҳатларни бериши, қизини имкони етганича куёвнинг уйига итаравериши керак. Ҳатто илонни ҳам зарарсизлантириш мумкин, оиладагиларнинг бари инсон-ку, ахир! Инсонга таъсир қилишнинг йўли эса сон-саноксиздир, онаси насиҳат беролмаса, келиннинг ўзи тил топиши, йўл топиши шарт. Ахир, эрга тегиш фақат ували-жували бўлиш эмас, асосан, тинчини, оромини топишдир. Уйидагиларга ёқиб яшашга эришиш, уларнинг ишончлари, ардоқларида яшашдир.

Қизингизнинг тинчини хоҳлайсизми, тўғрироғи, ўзингиз тинч яшагингиз келяптими, қизингизнинг ҳаётига суқилманг, қудангизнинг уйига ҳам подшолик қиламан деб чиранманг, нохуш нарсаларни кўриб кўрмасликка олинг, ошинганингизни беринг, уни тинмай дуолар қилинг, меҳмон бўлиб келса,



иложини килиб, бир кун ҳам тунаттирмай уйига жўнатынг. Ўша уйига шундай ўрганиб қолсинки, уни бошқа ҳеч бир ерга алмашмайдиган бўлсин.

Ким қайнона бўлмоқчи?

Савол:

Опажон, қайнона бўлиш арафасида турганларга маслаҳатларингиз.

Жавоб:

Минг бир азият билан ўғил ўстирдингиз. Киймадингиз, тежадингиз, емадингиз, йиғдингиз. Энди хаяжондасиз, ойдан тушгандай бир малак қизингизман деб кириб келадию бу ёғи роҳат дея ўйлаяпсиз. Ва нотўғри ўйлаяпсиз, ойим! Заҳматнинг каттаси энди бошланади! Шу кунгача бу уй сизга оромхона эди: хоҳлаган вақтингизда, хоҳлаган жойингизда оёғингизни чўзиб, ағанаб-сағанаб, бемалол дам олар эдингиз. Энди ундай эмас, ёстиғингизни кўтариб, хунук кўринмайдиган жойни излайсиз, қолаверса, келиннинг олдида ҳадеб чўзилаверишдан ийманасиз. Хоҳлаган киймингизни киёлмайсиз, хоҳлаган гапингизни гапиролмайсиз. Чунки келин ҳам сизга қараб, ўзига қарамай қўйиши, оғзига келганини гапираверадиган бўлиб қолиши мумкин. Авваллари бирор кун гўштсиз овқат қилсангиз ҳам бўлаверар эди, энди қандоқ бўларкин деб қоласиз. Ора-орада арзон чой ҳам ичаверардингиз, энди уятли. Жуфтингиз бозор қилса, чўнтагига қараб харид қиларди, энди эса имлаб-симлаб юриб сарарок нарсa танлашни тайинлайсиз. Оилангизда суҳбатлар олдинлари очиқ, жаранглатиб олиб борилар эди. Энди эса

гаплар хушёр, кўп нарсa пичир-пичир, имo-ишoра-га ўтади. Чунки! Бағрингизга бир ширин душман келди!

Ширинлиги шуки, унга орзулаб етишдингиз. Унинг сўзи ҳам, ўзи ҳам ширин. Қўлингиздан ишингизни олиши, нима десангиз кўниши ширин. У ясаб берган «набира» деган мавжудотнинг мазасини-ку асти қўйинг! Биз учун жаннатнинг бир таъми ўшалар!

Хўш, унинг «ёғий»лиги каерда? Эшитинг, у кела солиб қолипингизга тушолмайди, сизни дарҳол тушунавермайди. То у янги уй, янги оиласига созланиб олгунича пасту баланд ишлар содир бўлиши аниқ. Беркитиб қўйган нарсангиз, яширган ишингизни кўриб қоладиган у, уйда бошқа, кўчада бошқа гапиришингизни билиб оладиган ҳам у! Келин дегани кўрганлари ва туйганлари асосида сизга баҳо қўйишга уринади, гўрлик қилиб қозоннинг қопқоғини очиб юбориши, пахтапилтангизни ташқарига чуваб тапилаши ҳам мумкин, энди хато қилишга сизга йўл йўқ! Келиндан талаб қилгингиз келаётган яхши ишларни аввал ўзингиз қилиб кўрсатасиз. Ҳар томонлама пухта ипланган ижобий қаҳрамон ролини ўйнашга, ҳа, роль ўйнашга мажбурсиз, айланай! Лекин бу ишни уддалолмай қолсангиз-чи? Дейлик, ҳамир овкатларни унча котиrolмасдингиз, аллақайси борадаги ишларингиз ҳам ўхшамай турарди. Бу феълингизни қайнонангиз ютиб кетди, онангиз дашномдан қутулиб кетди. Аммо уни келиндан беркитиб бўлмайди. Бундай ҳолатда шундай усуллар қўллаб кўрасиз: ё «онам кизим, мен чучвара қилишни яхши билмайман, армонимни сиз



тўлдилинг-да, шу ишни яхши ўрганиб олинг», дейсиз, ё самимий дил ёриб, «рўзгор тутишда менинг фалон камчиликларимни тўлдирсангиз, онам қайтиб келгандай бўларди», дейсиз. Каттазанглик, «ичимдан топ»лик кибрдир! Самимийлик, камтарлик рўпарангиздаги одамнинг кулфи дилини очади. Вазият ширинлашади.

Бир ҳисобда келин келганидан кейинги бу таранглик сизга фойда. Сабаби, ҳар бир ишни ўйлаб қиладиган бўласиз. Ўзингизни йиғиштирасиз, бўшашиб кетишга қўймайсиз. Масъулият, хижолатчиликнинг ичида қандай қилиб кучингизга куч қўшилганини билмай қоласиз. Ниятингиз яхшилиги учун бу кувватни сизга худо беради. Кўриб турибсиз, бу хайрли ҳолат.

Сиз маслаҳат сўрадингиз, мен кўнглимга келган эслатмаларни айтиб ўтяпман:

Энг муҳими, ўғлингизни келиндан қизғанаётганингизни сездириб қўйманг. Шу имтиҳондан ўтган аёл тамизли.

Келин томондан моддиян умидвор бўлманг! Аксинча, қўлингиздан келса, вақти-вақти билан сиз йўқлаб тулинг. Чунки уларнинг жонидан бўлган боласини сиз хизматга солиб турибсиз.

Овқатнинг сараси ёки иссиғини қизингизга эмас, келинга илининг. У кечасию кундузи сизнинг қўрикчингиз, у шунга лойиқ.

Келиннинг олдида асло ўғлингизни тартибга чакирманг.

Келинни бир қўлингиз билан бағрингизга босиб, иккинчи қўлингизни қамчиндай тутинг. Қайноначиликда сиёсат ҳам керак. У сизни ҳам яхши кўриб, ҳам чўчиб турсин.



Унинг яхши ишидан кўнглингиз тўлганини сездинг, аммо хадеганда мақтайверманг. Келин ўзидан қоникмай тургани маъқул, бўлмаса ўз устида ишламай қўяди.

Оилада келинчакнинг ҳимоячиси қуёв бўлиши жуда хунук. Бош ҳомий ва қуюмлиги сиз бўлинг. Айниқса, келиннинг юклик ва эмизикли пайтларида! Бу бизга Аллоҳ буюрган юмуш!

Сиздан кейин ҳам бола-чақангизнинг ҳаёти яхши бўлишини истасангиз, то тирик экансиз, келинингизга ниманидир ўргагиб, тарбия қилишда давом этинг.

Гоҳ шундай бўлиши мумкинки, сиз қайнона бўлишни уддалай олмасангиз, яхши қиз ҳам ёмон келинга айланиб қолиши ҳеч гап эмас. Орада кўнгил деган нозик нарса борлиги ҳамиша ёдингизда турсин. Янги келин ҳали бола! Ундан аста-секин яроқли дастёр тайёрлайсиз. Илоҳо, зоти тозаларга илашган бўлинг. Аввало, инсофни сизга берсин, сўнгра келинингизга. Ҳаммамизга келинларнинг тўрисида яйраб ўтириш ва уларни узок йиллар дуо қилиб юриш насиб этсин.

Қайнонамга қандай ёқай?

Савол:

Янги келинман (8 ой бўлди). Қайнонам бошида яхши эдилар. Муомалалари ҳам, ғамхўрликлари ҳам жойида эди. Негадир кейинги пайтда бироз ғалати бўлиб қолдилар. Мен бошида қандай ширинсўз, саришта, пазанда бўлган бўлсам ҳозир ҳам буни уддалаяпман. Ўзимдан айб ўтаяптими деб, камчиликларимни тузатишга, у кишига ёқмай-



диган ишларни қилмасликка ҳаракат қилдим. Жеркийдилар, «бунча кўп гапирасиз, нима бало кийиб олдингиз, ҳа, кун қаердан чикди, бугун ҳовли супурилибдими (ҳар кун супураман), бечора ўғлим, оч кетди (аслида, нонушта қилиб кетадилар)...» деган пичинг гаплар айтадиган бўлиб қолдилар. Бунга сабаб бўлса майлийди, аммо ҳеч қандай сабаб йўқ. Оиламизнинг бошқа аъзолари – қайнотам, овсиним, хўжайним ҳам ҳайрон. Нима қилишни билмаяпман. Онамга айтай десам, «уйга гап ташима» деганлар. Хали тушганимга озгина бўлди, норози бўлиб гапириш яхшимас.

Янги келинлар нолиса ҳайрон бўлардим. Янги оилага мослашиб кетиш, қайнонанинг кўнглини топиш қийин экан. Маслахат беринг, қайнона-аяжонимнинг кўнгилларига қандай йўл топай?

Нодира, Хоразм

Жавоб:

Қайнонангдаги ўзгаришнинг сабаби бор, албатта. Биринчидан, мабодо ўзинг ўзингга ортиқча баҳо бериб юбормаяпсанми, тортинмай «ширинсўз, саришта, пазанда»ман дейиш камтар одамнинг иши эмас. Аслида, бу гапларни бошқалардан эшитсанггина фазилатларинг тасдиқланади. Яна гапнинг орасида, «фалон ишни мен қилдим», «пистон иш мен учун ҳеч нарса эмас», дея ниқтаб қўяётган бўлмагин! Қайнонанг ҳам, овсининг ҳам аёл киши, айрим ишларни улардан дурустрок эплайётган бўлсанг, озгина ғашликлари келиши табиий. Шунинг учун ўрни келганда уларнинг дуруст ишлари, ўхшатаётган таомларини мақтаб туришинг, улардан кўп нарса ўрганаётганингни писанда қилиб



боришинг лозим, бундай эътибор вазиятни юмшатади. Худди ўша нарсани унутганинг учун ҳам, сенга қарши иқлим пайдо бўлган. Бу ҳолатнинг муаллифи овсининг бўлиши ҳам мумкин. Чунки сен, табиийки, ундан зўр чиқишга, у килолмаган ишларни қойиллатиб қўйиб, қайнона-қайнотангга кўпроқ ёқишга урингансан. Улар ҳам, ўз навбатида, сенга алоҳида эътибор қаратган бўлишлари мумкин. Инсон борки, шайтони бор, пайт пойлаб худбинликка етаклайди, овсининг ҳам инсон, қайнонангни сенга нисбатан чархлаб қўйган бўлиши мумкин. Маслахатим шуки, қандай қилиб бўлса ҳам аввал овсинингга ёқиб ол. Бу деганим: силаи раҳимда бўл, айбини яшир, яхшисини ошир. Қўлидан ишени ол, камини тўлдир. Хар борада у билан маслахатлаш, оила аъзоларингга уни орқаворатдан тез-тез мактаб тур.

Овсинларнинг ноиноқлиги катта фалокатлар келтиради, ки уларнинг дастидан ака-укалар бири-биридан ажраб кетиши, оила дарз кетиши, ёшлари улғайганда ота-оналарнинг диллари вайрон бўлиши мумкин. Бунга сабаб бўлган келин эса умрининг охиригача фақат зиён, зиён ва яна зиён кўради! Чунки бузғунчилик оғир гуноҳдир.

Қолаверса, айрим қайноналар ўғиллари келинлари билан ўта иноқлашиб кетса ҳам, келинларини ёқтирмай қоладилар. Чунки ўғил онанинг жонида эди, сен уни умрбодга тортиб олдинг, бу ғоят оғриқли, ҳали буни ўзинг ўғил уйлаганингда жуда биласан. Шунинг учун вақт ўтиб, сен қайнонангга ёқиб, оилага киришиб олгунингча қайнонангнинг кўз ўнгида куёвингга эътибор бераверма! У ҳам сенга қараб илжаяверма-

син! Онасига кўрсатиб туриб сенга меҳрибонлик кўрсатавермасин! Қайнонангнинг сени ёқтирмай қолишига шу ҳам сабаб бўлиши мумкин.

Баъзи инсонлар жуда эътибор талаб бўлади, қайнонанг шундайлардан бўлса иложинг қанча, энди унинг шу бадфеъли билан чиқилишинингга тўғри келади: балки онанг қуда сифатида унга етарли мулозамат қилолмаётгандир. Шунинг учун унинг энсаси қотаётгандир. Онангга айт, бир йил ўтгунча ҳеч йўқ телефонда лутф кўрсатиб, ондасонда унинг кўнглини оладиган тухфалар қилиб турсин. Ўзинг ҳам зийрак тур, кези-кези билан қайнонангга ота-онангнинг у ҳақдаги яхши гапларини етказиб бор...

Қизим, сен ҳозир мослашининг даврини бошингдан кечиряпсан. Бу ҳолат ҳаммада оғир кечади. Аммо мослашининг шарт. Куёвинг сенга ёқадими? Тамом, сен шу ерни ватан тутиб қолишинг керак! Фақат зийрак ва тадбиркор бўл. Биринчи ишинг шу оиладагиларнинг барчасига ёқиб олиш!

Тенг тенги билан

Савол:

Мен олий маълумотли ўқитувчиман. Умр йўлдошим вафотидан кейин ўзимнинг қайнимга турмушга чиқдим. У мендан 5 ёш кичик. Қайним акамнинг болаларига ўзим оталик қиламан деб, ота-онамни ҳолу жонига қўймади. Тўй қилиб, мени никоҳига олди. 6 нафар фарзандимиз бор. Бошим қотгани: у бугунги кунда қизи тенги қизга илакишиб қолган. Ундан битта фарзанди ҳам бор. Шу чокқача тинч-тотув яшаб келаётганимиз учун

ундан кўнглимни уза олмаяпман. Уни қандай қилиб уйга қайтарай?

Жавоб:

Жуфтинг уйга ўзи қайтади. Хаётинг изига тушиб кетади, иншооллох. Фақат ҳозирча Аллох буюрган жазони ўтаб турибсан. Сен ҳозирги кўраётган кунингга лойиқсан. «Бошингизга нима келса, кўлингиздан кетган амаллар туфайлидир», дейилади Ҳадиси шарифда. Киши олий маълумотли бўлса ҳам калласи ҳамиша ишлайвермаслиги сенинг мисолингда кўриниб турибди.

Ақлни тўхтатиб қўядиган, кўзни кўр, қулоқни қар қиладиган бу ХИССИЁТдир! Бу кўнгил кўчасидаги пайтоний васвасадир. Сен ўша ҳиссиётга йўлиққансан ва тақдирингни азобли йўлга ўзинг бургансан, болам! Қайнинг сени минг ёктирганда ҳам, унга мойиллик билдирмаганингда қатъият билан харидорлик қилмасди. Сен у билан хуфёна кўришмагансан, сўз билан дилингни очмагансан, аммо унинг хаёлини ўғирлайдиган кўз қарашлар ёки гап оҳангларингда унинг туйғуларини уйғотадиган ишоралар қилгансан, буни ўзинг биласану худо билади, шундайми?! У – вояга етган бўй йигит, бундай пайтда уни ақл эмас, аксари ҳолатда шайтон бошқаради, домингга тушган қўйган! Унинг сенга бўлган кизикишларини ошиқлик деб баҳолагансан, завқлангансан. Ҳатто «уйланмаган йигит мени танлаяпти» деб ғурурлангансан! Кино қаҳрамонларидай сезгансан ўзингни. Унга ота-снанинг турмушга чиқмасди-ку, «нима деяписизлар, мен унга тегмайман» десанг, сени зўрлаб беришармиди?! Хўш, кўзимга қараб айт-чи, нега «йўқ» деб туриб олмадинг? Ҳозир айбни осонгина

қайнинггаю ота-онангга тўнкаб қўйяпсан. Аслида, қайнингнинг харидорлигини ташкил қилган ўзинг эканлигингни ўзинг ҳам билмай турибсан. Сен катта хато қилгансан, хато учун куйиш эса пешонада бор гап!

Қани бир таҳлил қилайлик-чи, ўша пайтда ўзинг писанда қилаётган бу «олий маълумотли» бошинг билан: «Шу йигитнинг ўрнига ўғлимни, онаси ўрнига ўзимни қўйиб кўрай-чи, уйланмаган ўғлим бир неча боласи бор аёлга уйланса кўнармидим ёки ўзидан беш ёш каттани танласа караб турармидим?» деб ўйлаб кўрмадингми? Кўзига қон тўлиб турган бу йигитнинг ваъдаларини мухаббат деб уқдинг! Эрта-индин унинг тенглари карнай-сурнайлар билан бокира қизларга уйланганда юраги тирналмасмикин демадингми? Бир эркакни армон билан яшашга мажбур қиламанми, деб ўйламадингми? Одатда, елкаларида оналик захматлари борлиги учун аёллар зоҳиран тезроқ нурайдилар, эркакларда эса авжи ўттиз, эллик ёшлар орасида кўркамлашининг даври бўлади. Шунинг учун ҳам аёлнинг ўз жуфтидан бир неча ёш кичикроқ бўлиши кўнгил тўқлигидир. Қолаверса, оила раҳбари бўлган эркак аёлига караганда бир неча қўйлакни ортиқроқ эскиртгани, тажрибалироқ бўлгани ярашимли эмасми? Шайтон фақат пайгамбарларгагина таъсир қилолмайди, эркак киши кўчанинг одами, унинг устига, бу зот ташқи таъсирга тез берилади, у йўлда-чўлда шайтонга йўлиқмайди деб ким кафолат беради?! Айрим эркакларнинг (зоти паст эркакларнинг!) «мардона» ваъдаларига ишониб, иккинчи, учинчи хотин бўлишга кўниб, бунинг отини «шаръий никоҳ» деб

номлаб, бир йил, икки йил ўтмай «пуф сассик»ка чиқиб қуйиб юрганлар қанча! Бошини қай деворга уришни билмай, отасиз тирик етимларни кўпайтириб, моддий ва маънавий тарангликларга сабаб бўлаётган лақма аёллар қанча!...

«Тенг тенги билан» деган гапни халқ бекорга айтмайди. Нафақат ёши нуктаи назаридан, рўзғор қуришда ҳар тарафлама ҳисоб-китоб қилиш зарур. Зоти, оилаларнинг моддий аҳволи, хусну чиройи, зиёилик даражаси бир-бирига тенг бўлиши керак. Йўқса, буни турмуш деб қўйибдилар, унинг устига, шайтон ҳамиша ёнингизда, орадан гап қочди дегунча, «аслида менинг тенгим эмасдинг...» дея гап бошланадиган бўлиб қолади. Умрнинг узунлигини ва бу ҳолатнинг йиллаб давом этаверишини бир тасаввур қилиб кўринг! Ҳаётим татисин деган одам кўрпасига қараб оёқ узатгани маъкул ...

Энди гап бундай, бўлар иш бўлибди. Боланг бир этак экан. Жуфтинг сенга жуда керак. Маслаҳатнинг муҳими, ҳозир унинг гашига тегма! Орқасидан тушма, жанжал ясама. Инсон мушукмижоздир, қаер тинч бўлса, ўша ерга яширинади. Сен уни ўзига қўйиб бер ва ишон – топган одамидан эрта-кеч у албатта зерикади. Ҳеч йўқ ўзининг болаларини жони кўмсайди, қолаверса, сен турган жой унинг ўрганиб қолган, кадрдон ватани. Унга бемалол қайтишга имкон бер. Агар ковоқ-димок қилсанг, айбини айтиб чакираверсанг, кириб келса, ўзингни жабрланувчи атаб, қасдмақасд ҳаракат қилсанг, ҳалиги айтганим бўлади, яъни унинг бошини силайдиганлар пинжига осонгина қайтиб кетаверади. Ўз молингни ўғрига бериб ўтирма! Юрагинг музлаб турса ҳам, алдаб-сулдаб

бўлса-да, болаларингнинг отасини қайтариб ол!
Бу борада фаросат билан иш қил: ўз қадрингни
ерга уриб ҳам юборма, яъни ялинма, оёғини ўпма!
Аммо иссиқ-совуғини (киймак, емагини) жойига
қўй. Чиройли кийин, уйлариңг ораста бўлсин.
«Қаёққа кетяпсиз? Қаёқдан келяпсиз?» дема!
Умуман, бирор гапни сўраса босиқлик ва одоб
билан жавоб бер, ўзинг эса, асло савол берма,
биринчи бўлиб гап бошлама. Ўзингни унга зор
эмасдай тут, бу ҳам эркакни уйга қайтаришининг
бир усули, бу ҳам бир илм! Аммо айтиб қўяй, у
қайтишга қайтади, лекин кези-кези билан унинг
тенги эмаслигининг писанда қилиб туриши мум-
кин, бунга ўзингни созлаб, чидаб яшайсан энди...

Қайтариб айтаман, бу кунларнинг бошинга
тупишига фақат ўзинг сабабсан, ҳозирги изтироб-
ларинг билан гуноҳларинг ювиляпти, агар сен
чиройли сабр қилсанг, мен айтган гапларга риоя
қилсанг, Аллоҳ сенга ёруғ кунлар беражакдир,
иншооллоҳ!

Жаннат оналар оёғи остидадир

Савол:

Келин қайнонанинг юзига қараб ўдағайлаяпти,
ўғил эса бу ҳолатни индамайгина четдан кузатиб
ўтирибди, бунга нима дейсиз, опажон?

Жавоб:

У ўғил шу ўтиришида инсон эмас, одам шак-
лидаги БЎШЛИҚ! У – МАНҚУРТ! Ва талай
кўргуликларни ўзига чакириб турибди. Аммо унга
«ажаб бўлибди, нима бўлсанг бўл» дея олмаймиз!
Чунки у ўзидаги жами юқумли иллатлари билан



жамиятимизнинг ичида ўтирибди: ундан тўрт тарафга қора нур тараляпти, бу ҳол ҳаётимиздаги файзни кўтаради, рухиятлар заҳаланади, яъники кайфиятлар тушиб, фаолият сусаяди. Шу атрофда болалар бўлса, бундай хунук муомалани кузатиб, бетлари қотади, феъллари дағаллашади. Эртага кўчага чиқиб олиб, хоҳлаган одамларини хоҳлаган сўзлари билан ота бошлайдилар! Олтмиш ёшли онасини ўроқда йўқ, машоқда йўқ, хирмонда ҳозир бўлиб қолган йигирма беш ёшли зумрашага тала-тиб қараб ўтирган, оти «ўғил бола» бўлган анови фарзанд ҳам ёшлигида носовлом муҳитда яшаб, бугунги кунда аччиқ мева бериб турган зотдир! Сиз савол бериб, биз жавобга интилиб, мазкур мавзуга одамларнинг эътиборини тортаверишимиз, нима қилсак ҳам, бу ҳолатларнинг камайишига хизмат қилишимиз зарур!

Инсон яшар экан, атроф билан ҳисоблапиши шарт! Киши ҳеч қачон хоҳлаган пайтида хоҳлаган ишини қилишга ҳаққи йўқ! Чунки биз доимо атрофдаги мавжудликларга тегиниб, бир-биримизга яхши-ёмон нурлар узатиб турамиз. Теграмиздаги нарсалар ҳамиша ҳаракатда бўлади. Бизнинг ҳаракатларимиз ҳам уларга мутаносиб бўлиши, ҳеч кимга туртиниб кетмаслигимиз, ҳеч кимга малол келмаслигимиз, ҳеч ким бизга чидашга мажбур бўлмаслиги керак! Акс ҳолда, биз бор жойда чириш бошланади, жамиятнинг ўша жойининг касалланишига сабабчи бўламиз. Бунинг жавоби ва жазоси жуда оғир келади.

Гапнинг сирасини айтганда, тилга олинганларнинг учови ҳам салбий инсонлардир: бу она бундай ҳолатга ўз-ўзидан тушиб қолгани йўқ, у



айни пайтда ўттиз, қирк йил аввал қайнонаси ё онасига қилган муносабати, ёки эрига кўрсатган хурматсизликларининг жавобини келинидан олиб турибди. Бу сўтак ўғил эса отасининг, онасининг гуноҳларидан бино бўлган гуноҳкор. Агар у хозиргидай ўз бурчини унутиб ўтираверса, болалари ҳам унинг касофатига қолажақдир! Қайнонасига даф қилаётган анови келин «зурриёт» деб ўз қовурғаларининг остида илон-чаёнларни кўтариб юрибди. Ҳақиқат шуки, у бир куни ўз фарзандларининг захридан бўғилиб ўлади...

Бу худобеҳабар ўғил «жаннат оналар оёғи остидадир» деган ҳадисни эшитмаган чиқади. Эшитса ҳам, «жаннат», «дўзах», «гуноҳ» ва «савоб» деган нарсаларни эртаси деб ўйлайди. У «ҳақиқат» деб нафсни тушунади. Нафсни тўйдиришни эса бахт деб билади. У хотинлик тўқис бўлиш учун аёлининг ҳамма қилиқларига чидашга рози! Ҳатто, мана кўриб турибсиз, хотини онасини ҳақоратласа ҳам, тишини тишига қўя олади, муҳими, у хотинсиз қолмаса бўлди!

Ораминдан ҳеч ким жаннатга бориб келмаган, унинг суратини биров кўрмаган. Муқаддас китоблардаги таърифларнигина ёдлаб юрамин: эмишки, жаннатда жонингни яшнатадиган, бахрингни очадиган, сен сўраган ва сўрамаган неъматлар муҳайё экан. Истаганингча тановул қилиб, истаганингча яйрар экансан. Ариқлардан сув эмас, сут, асал оқар экан. Асло ғаминг бўлмас, жонинг толмас экан... Қўйинг-чи, жаннатни орзуламаган мўмин йўқ, уни яқинларига илинмаган жон йўқ. Ҳамма уни кўргиси, унга етгиси келади. Ҳадис эса «Жаннат оналар оёғи остидадир», дея йўл кўрсатадир!

Демак, эй одам, яхшилаб кара, онангининг оёғи турган жой жаннатдир!

Хақиқатан ҳам, кимки жаннатни кўрмоқчи экан, юрак кўзи билан онасига яхшилаб боқсин! Кимники онаси бор – демак, у жаннатнинг бир гўшасида яшаяпти. Энг тинч уйқу онаси борларники! Оналар тушларида ҳам болаларини кўриқлаб чиқадилар. Сўрамаган нарсаларининг муҳайё қиладиган ҳам фақат онанг эмасми?! Боласининг хурсандчилиги учун дастурхонга жонини-да қўйишга тайёр турадиган ҳам она! Қобирғалари орасида бола ундириш аёл зоти учун қисмат бўлди. У бажонидил ўз жонидан бола ясашга кўнди ва унга юрагидан тилиб юрак, жигаридан шилиб жигар, суякларидан синдириб устухон берди. Бола ерга тушган заҳоти тамшаниб сув сўради, она унга оддий сув бергиси келмади ва дарҳол ўз қонини оппоқ сутга айлантириб боласининг оғзига тутди! Арикларидан сув ўрнига сут оққан жаннат шу эмасми, ахир?! Ҳар сафар онангга тўкилиб енгиллаганинг, онангининг сўзи билан тирилиб кетишларинг, жонингдagi жами зирапчаларни фақат онанг суғура олиши ёлғонми, ахир?!

Жаннатда қайтим сўраш йўқ, жаннатда миннат йўқ. Бу дунёда ҳам худди шундай қиладиган, минг марта розилик билан сенга борини бериб қайтимини сўрамайдиган фақат онанг! Сени жони билан боқиб, қони билан чанқоғининг босиб, сен ҳам мени боқкин демайдиган фақат онанг!

Онани яратишга яратиб қўйиб, Ҳақнинг ўзи ҳам ҳайратда бўлиши керак. Фарзанди бориб турган чаток бўлса ҳам, аллақачон ҳамманинг назаридан қолиб, қора курсига муносиб бўлиб ўтирган

бўлса ҳам, уни фақат онаси «ёмон» демайди! «Болам яхши, фақат уни ёмонлар йўлдан урган», дейди! Хой ўғлон, на боланг, на аёлинг бундай оқловчи бўлолмайди сенга! Икки дунёда ҳам бундай ҳимоячини бошқа топа билмассан!

Нега хадис: «Жаннат оналар оёғи остидадир» демокда? Яратган бу билан: «Онанг яхшими, ёмонми, сенга ёқадими, ёқмайдими, бундан қатъи назар, унинг оёғига бош қўйсанг, миннатларини кўзингга суртсанг, хурматларини жойига қўйсанг, сенга жаннат ваъда қиламан», деяётгандир балки?!

Савол бергувчи болам, бу йигитнинг на гўзал ва ўткир аёли, на еб кетувчи, юлиб кетувчи болалари унга ҳақиқий халоскор бўлолмайди. Унинг ҳақиқий фидойиси мағзини унга қолдириб, ўзи пўчокка айланаётган онаизоридир.

Балодан ҳазар

Савол:

Мен билан бирга ишлайдиган шеригим тўсатдан вафот этди. Учта майда болали оила паноҳсиз қолди. Қўл остимдаги ишчиларим билан ҳар ойлигимиздан озгинадан йиғиш қилиб бир йилдан ортиқ хабар олиб турдик. Гарчи, ҳар сафар икки киши бўлиб бориб, дарвоза оғзидан қайтсак-да, буни айрим кишилар нотўғри тушунишди. Дўстимиз аёлининг шаънини ўйлаб ёрдамни тўхтатдик, тўғри қилдикми?

Жавоб:

Эҳтиётсизликка йўл қўйиб, бошига иш тушиб турган аёлни хурсанд қиламан деб, аксинча дилини оғритиб қўйибсиз. Бировга меҳр-мурувват инъом



килаётганда киши айникса хушёр бўлиши керак. Инсон ҳаётида кайфият деган нарсанинг таъсири жуда кучли бўлгич. Кайфият яратувчилар эса одамлардир. Сиз минг тўғри бўлган тақдирингизда ҳам, атрофдаги одамларга ўзингизни тушунтира билмасангиз, ҳақиқат қарор топгунча кимнингдир бели, яъни ҳаёти синиб қолиши мумкин. «Аввал уловингни боғла, сўнг Аллоҳга таваккал қил», деган Ҳадиси шариф бор. У аввал эҳтиёт чораларингни кўриб қўй, дея ишора қиляпти. Жаноби Расулуллоҳ с.а.в. идда сақлаб бир ойдан бери масжидда ибодат билан банд эканлар. Бир куни аёллари Умму Салама у кишига овқат келтирибди. Пайғамбаримиз завжалари билан суҳбатлашиб турсалар, ёнларидан ўтаётган икки одам буларга эътибор билан қараб қўйибдилар. Жаноби Расулуллоҳ уларни тўхтатиб, «Биродарлар, бу никоҳимдаги аёлим Умму Салама бўлади» дебдилар. Хўш, у киши нега бундай қилдилар? Улар ўзларию аёлларининг тинчини ўйлаб шундай қилдилар. Аёл кишининг шаъни жуда нозик. Шайтон алайҳиллана доим гумон уруғини сочиб туради. Чунки гумон инсонларни ажратувчидир, шайтонга эса шу керак!

Сизга келсак: ўша ёрдамнингизни аёл ходимлар орқали етказсангиз бўлмасмиди? Эри ўлган аёлнинг оstonасига ҳар ўн беш кунда икки эркак келиб тураверса, албатта гумонсираш бўлади-да!

Ундан ташқари, ўғлоним, шайтонга таслим бўлиб қолиш деган гап ҳам бор, бундан доим кўрқиб туриш керак: яъни икки ҳафтада бир ҳол сўраб сиз бораверсангиз, у аёл ҳам сизга кўнглини бўшатаверса, сиз ёш бўлсангиз, унинг боши очик бўлса, унинг устига орада шайтон турса! Ва кун-



лардан бир кун у устун келиб, кўнгилларда «жиз» этган нарсa пайдо бўлиб қолса, нима бўлади?!

Силаи раҳмли бўлинг, аммо балодан ҳазар, ўзингизнинг, оилангизнинг ва сиз мулоқот қилаётган томоннинг шаънини асраш энг олий яхшиликдир.

Яна бир мактубда бир қайнбўйин йигитча «мен келинойимни жуда-жуда яхши кўраман», деб ёзпти. Унинг туйғулари покиза эканлиги шундоққина кўриниб турибди. Аммо бу болача ўн ёшли бўлса майли. Агар мўйлаблари сабза уриб қолган ўспирин бўлса, унинг ўзини ўзидан муҳофаза қилиш лозим. Шайтон ҳамиша инсониятни ўз мақсадига етаклашга тайёр туради. Шайтонга берилиб, ўзи хоҳламаган кўчаларга кириб қолган ёшлар сонмингта. Шунинг учун ҳам бизнинг миллий одобимизда келин эрнинг эркак жигарларига мурувват илинса, турмуш ўртоғи ёки қайнонаси, ёки қайн опалари орқали илинади. Келин ҳеч қачон кувнинг оға-иниси, ҳатто қайнота билан бир дастурхонда ёлғиз ўтирмайди. Улар ёлғиз ўтирган уйларга келин кирмайди. Хонадондаги эркаклар маънан пок, ибратли инсонлар бўлиши мумкин, қайнбўйин келинойисини укаларча самимий суяётган бўлиши мумкин. Шундай бўлган тақдирда ҳам, келин хушёрлик билан масофа сақлаши, ўзини совуққон тутиши, мураббийлик қиёфасида иш юритиши керак. «Балодан ҳазар» деб шунга айтилади.

Ўзингизни енгиш шайтонни енгишдир

Савол:

Мен кўп гуноҳ қилганман. Нима маслаҳат берасиз?

Жавоб:

Мана шу саволни беришингизнинг ўзи яхшиликдан дарак. Дилингизда хавотир, қўрқиш бошланибдими, демак, Аллоҳни таний бошлабсиз. Сиз энди тўғри йўлга тушиб оласиз, иншооллох. Аммо бу аста-секинлик билан бўлади. Ўз-ўзини енгиш одатда қийин кечади. Лекин ҳар доим ишонинг: «Мен ўзимни енгаман, агар ўзимгаки кучим етмаса, оиламни, хотин-бола-чақамни қандай бошқараман», денг ва хато деб ҳисобланган ишлардан тийилишга ўзингизни мажбурланг. Бу тавбага келиш ва покланишга тутинишдир.

Агар таҳлил қилиб кўрсангиз, гуноҳ содир этиш жуда осон, чунки бу йўлда сизга шайтон ёрдам беради, қўлингиз, оёғингиз, хаттоки дилингизни ҳам боғлаб етакловчи у! «Қилавер, деявер, бу дунёга бир марта келасан, бу ишни ҳамма қилиб келган, сен ҳам қилсанг нима бўлибди?!» деб юракларга қутқу солувчи ўша! Шайтон чиқариб қўйган ва нарвони олиб қўйилган бундай томлардан тушиш жуда қийин, сиз ўшандай пайтларда Аллоҳга ишонинг ва суянинг: «Мени йўқдан бор қилдинг-ку, мени яхшилар қаторига ҳам ўзинг қўш» денг, фақат Ўзидан ёрдам сўранг ва ўзингизни яхши ишлар қилишга ундайверинг. Хўш, у қандай ишлар? Лукмони ҳаким айтганидай, ёмон ишларнинг тескарисини қиласиз, вассалом!

Масалан, сиз авваллари кўнглингиз истаган ишни қилишга охиқар эдингиз. Бир нарсага тирчиллаб интиляпсизми, билиб қўйингки, бу — нафс! Нафс эса шайтоний туйғудир. «Бир нарсага ортиқча берилма, у сени кўру кар қилади», дейди ҳадис. Демак, у сизни қокилтиради, ҳатто йикитади, демак, сиз фалокат сари кетяпсиз! Масалан, кимнидир кўришга охиқяпсиз: шундай пайтда ўзингизни енгингиздан тортиб тўхтатинг! Шу ишни қилсам қандоқ бўларкин, денг. Агар одамларга ботадиған, ўзингизга зиён келтирадиған иш бўлса, «бугунча ўзимни босай», денг. Эртасига «яна бир кун қолдирай», денг. Ўзингизни икки кун тўхтатиб, сабр қилганингиз учун, индинига худо ўзи сизни совутиб қўяди. Бир гуноҳдан асраласиз.

Биров билан уришмоқчи, таъзирини бермоқчи бўлсангиз ҳам худди шундай қилинг. Уч кун ўзингизни тўхтатсангиз, тўртинчи куни Аллоҳ сизга шунақа тиниқ таҳлил қуввати берадики, ҳатто жанжаллашмоқчи бўлганингиздан уялиб кетасиз.

Сиз авваллари кишилар ҳузурида тўғри юриб, тўғри туриб, одамлар йўқ жойда ким кўриб ўтирибди қабилда гуноҳ ишларга қўл урардингиз: масалан, ғийбат қилиб, ким биландир кўз уриштириб, тушиб қолган бегона ҳамённи чўнтагингизга солиб олиб ёки мумкин эмас жойга ахлат тўкиб, ёки бўлмаса, қўшнингизнинг товуғи сизнинг ҳовлингизга тухум қўйса, индамай олиб қўйиб ва ҳоказо! Ҳадис эса, «Аллоҳ кўргувчидир, эшитгувчи ва кўнглингиздагини ҳам сезгувчидир», дейди. Шу ҳадисни дилингизга жойлаб олинг ва ҳар бир ҳаракатингизда сизни Аллоҳ кузатиб тур-



ганини ҳис қилинг ва чўчинг! Қарабсизки, бориб-бориб қўлингиз нотўғри ишларни қилмай қўяди, иншооллоҳ!

Муқаддас китобларимизда қайта-қайта таъкидланади: Аллоҳ кечиргувчидир! Гуноҳ деб билган ишлардан тийилган заҳотингиз, Яратган сиздан рози бўла бошлайди ва марҳаматларини йўлингизга чиқариб қўяверади. Чунки сиз шайтонни енгдингиз, хатоларингизни тузатишга, покланишга тушдингиз.

Ғапни мухтасар қилиб айтганда, энг катта гуноҳ — одамларга малол келиш! Эсимизда турсинки, пешонамизга ёзиладиган ризқу рўзимизнинг даражоти, омад ва омадсизлик, бахту бахтсизлигимиз одамларга бўлган муносабатларимизга қараб белгиланади. Одамларни аяйлик, азизим!

Қувилган она

Хурматли ўқувчим, менга келган бир хат хусусида сиз билан суҳбатлашмоқчиман.

Кўнглим ғашланди. Одамзоднинг бир-бирига бўлган айрим муносабатларини кўриб ҳар гал менга ҳаво етмаётгандай бўлаверади. Мактабда таҳсил кўргани, уйида маълум мақомда тарбиялангани, жамиятнинг, одамларнинг орасида яшаётгани, телевизор, китоб кўраётганини кўйинг. Бу таъсирлардан у четлаб ўтган дейлик! Аммо бизни ўраб турган дунё яхши-ёмон, хунук-чиройли, ёқимли-ёқимсиз нарсалардан иборат. Инсон борки, ёқимли, чиройли нарсани севиб, унга интилиб яшайди. Ёмонидан озорланади, ундан кутулиш чораларини излайди, шундайми? Бу нарсаларни туйиш учун катта илм



эгаллаш шарт эмас, бу оқ-қорани ажратиб турган-ки инсонга берилган илоҳий сезги. Биров йиқилиб тушса, турғазгани югурамиз, ёмон тушмадими, дея хавотир оламиз. Кинодаги қахрамоннинг бошига тушган қайғу учун кўшилишиб йиғлаймиз. Итимиз ёмғирнинг тагида қолмасин деб, панага киритиб кўямиз ва ҳоказо. Буларнинг оти – одамгарчилик. Одамгарчилиги бўлсагина одам дейилади, шундай-ми? Аммо бир нарсани тушунолмайд бошим ёрилай дейди: одам боласи рўпарасидаги яна бир одам боласига қандай қилиб ўзига ёкмаган нарсани раво кўради?! Қандай қилиб ўз жонингни оғритган нарсани бировга йўналтирасан?! Сен йиқилиб тушган бегонани турғазиб кўйяпсан, аммо нега ўз онангни, ўз болангни, жигарингни, ҳатто жуфтингни инсульт, инфаркт, саратон, ҳатто жинни бўлиш даражасига олиб боряпсан?! Бу ишларнинг ёмонлигини чандон биласан, демак, сен одамсан! Билиб туриб шу ишларни қилишнинг оти нима? Хатоми, камчиликми, адашишми? Йўқ! Ахир, сен ёмонликни онгли равишда ижро қияпсан! Демак, сен каби бандалар бот-бот инсонликдан чиқиб, махлуққа айланиб турадилар. Аммо менинг бошим ёрилай дегани шунгаки, ақли йўқ ҳайвон ҳам ўз онасига дафъ қилмайди, жуфтининг жонига жабр этмайди! Бундан чиқди, инсон боласи кези келганда ҳайвондан ҳам тубан кетиши мумкин эканда?! Менинг бу гапларим ҳақоратдай эшитилса ҳам, кечирим сўрамоқчи эмасман, чунки бундайлар шундай аталишга лойиқдирлар. Бу нақадар оғрикли, нақадар афсусли! ...

Мактубни бир она ёзпти. Тўрт ўғил, икки қизи бор экан. Ҳамма боласи рўзғорли, ўзининг



ёши етмиш бешда, 25 сотихлик ҳовлининг бир четида, чоли билан ўттиз беш йиллик умрини ўтказган бир хонали уйида яшар экан. Ўғил болалар ҳовлини аллақачон бўлиб-бўлиб олишган, энди уй қуриш навбати ўғилларнинг ўғилларига келибди. Гапнинг қисқаси, бир ўғли онанинг уйи ўрнига янги уй солмоқчи ва унга ҳовлининг бошқа еридан алоҳида уй қуриб бермоқчи бўлибди, кампир унга ишониб ўлимлигига йиққан икки миллион пулини қурилишга деб берибди. Аммо уй битгач, ўғил бу ерга онани эмас, яна бир ўғлини жойлашини айтибди. Хулласи, ўғиллар очикдан-очик «тўрт томонингиз қибла, қаерга кетсангиз кетинг, бу ерда сизга жой йўқ», деган гапни айтибдилар. «Айтибдилар»гина эмас, шу маънода жанжал устига жанжал ясабдилар. Набира ўғиллар кампирнинг ёқасидан олишгача борибди. Эмишки, ҳозирги кунда она бировларнинг хонадонида ғариб ва қаровсиз ҳолатда кун кечиряпти экан. Бу хатни икки қизнинг биттаси онаси помидан ёзиб юборяпти.

Онанинг қандай инсонлиги, нима учун тўрт ўғилнинг ҳаммаси уни барабар ёмон кўриб колгани, нима учун икки қизиникига ҳам сизмай бегоналарнинг уйида уриниб-суриниб юрганини қўйиб турайлик. Ўғиллар ҳақида гаплашайлик.

Ўғилларнинг тўрталаси ҳам бир тирикчиликни эплаб, рўзғор қуриб, бола-чақа бокиб келаётган одамлар, демак, улар ақлсиз эмас! Агар эътибор билан қарасангиз, бу дунёда ҳамма битта иш билан, яъни экканини ўриш билан овора. Бу фарзандлар нахотки нима экаётганини кўрмаса, нахотки «қайтар дунё» деган нарсани эшитмаган



бўлса?! Тўрталасининг оти «эркак» бўлсаю кекса онаси уйидан қувилиб, ёт остоналардан паноҳ излаб юрса?!

Бу ўғиллар аёлларининг кўлида тугмачаси эзилса ишлайверадиған машинага айланиб қолған. Улар ўз ақлларини тўхтатиб қўйиб, ўз исмларини унутиб қўйиб, аёлининг боши билан яшаб бораётган бечоралардир! Ўғилболачиликни хор қилган бу ўғилларга қойил қолиб турибман! Онани суриб юбориб, онани қувиб юбориб, ўрнига боласини уйлаб, жойлаётган ота уни бахтли бўлади, униб-ўсади, деб ўйлаяптими? У фарзандини рухларнинг норозилигию онасининг кўз ёшларидан қорилган динамитнинг устига қўндириб қўйди-ку!

«Бу аёл болаларининг жонига теккан, бўлар-бўлмас қиликлари билан кўнгил қолдирган», демокчи бўларсиз! Бу иддаога харгиз ўрин йўқ! Агар она занжирбанд қилиш даражасидаги рухий касал бўлса ҳам, унга паноҳ бўладигани фақат фарзанди! Она энг ёқимсиз феълли бўлиб, болаларнинг обрўсини ер билан битта қилувчи бўлса ҳам, фарзанд сукут билан чидаши, ўзига Аллоҳдан сабр сўраши, онасининг умри поёнига етгунча силаи раҳм кўрсатиши зарур! Бу аёл атрофдагиларни хафа қиляптими, нотўғри тутум тутяптими, билингки, у бемор! Кўрмаяпсизми, у хаммани безор қилаётган бўлса, ўзининг зиёнига ишлаяпти, унга ачиниш керак. Унга биринчи бўлиб боласи ачинмаса, ким ачинади?!

Қолаверса, рўпарангиздаги аёлингизга, сизни кузатиб турган ўғил-қизларингизга фарзанд қандай бўлиши кераклигини, айникса, ўғил фарзанднинг бурчи нимада эканлигини уқтириб қўйиш учун

ҳам, ёмон онангизни ташлаб юборолмайсиз, онангиз бунинг кадрига етмаса ҳам, оила аъзоларингиз сизнинг бу ишларингизни тупунмаса ҳам, АЛЛОХ РОЗИЛИГИ УЧУН шундай киласиз, азизим!

Келинларнинг ичида ҳам бирорта худодан кўркадигани йўқлигини қаранг! Битта ҳовлида бўлгандан кейин қайнонанинг хизматини тўрталаси талашиб юриб қилиши керак. (Ҳеч йўқ эл кўзи учун, «ёмон келин» номини олмаслик учун, жилла бўлмаса, эрнинг онасини ҳурмат қилиш керак, деган қадим одатларимизни сақлаш учун!) Аслида, келин келди дегани – сенинг эганг келди дегани! Ўғил бокқан аёлнинг устуворлиги шундаки, у то умрининг охирига қадар келиннинг бағрида бўлади. Келин деганлари қайнонанинг ҳам онаси, ҳам боласи ўрнида қолган дармондоридир, чунки унинг онаси йўқликка учиб кетган, қизлари кўчиб кетган. Унинг феъл-атвори қандай бўлишидан қатъи назар, тўртала ўғилни тукқунча, бокқунча неча ўлиб, неча тирилган жон у! Қарангки, келинларнинг ичидан: «Қаёққа кетяпсиз она, мени ёмон кўрсангиз ҳам майли, сизни ҳеч қаёққа қўйиб юбормайман», дейдиган битта марди чикмабди. Бундан кўриниб турибдики, эрларини онасига ҳезлаб қўйган мана шу ойимлар! Бу келинлар этакларидагини ҳозир бола деб ўйлаяптилар. Аслида, боши пойгаги билан алмашиб кетган бу бе-хосият хонадоннинг таназзули, бошларига келади-ган балолар шу болаларнинг қўли билан келади. Уларга Аллоҳнинг раҳми келсин!

Энди қувилган она ҳақида гаплашсак. Бу кишим ҳам пешоналаридан кўрсинлар. Чунки нима эккан бўлсалар ўшани ўряптилар! Биз, ота-она-



лар, умр бўйи болаларнинг ичу тошини шайтондан муҳофаза қилиш билан машғул бўлишимиз шарт. Тўртта ўғил ўстираётган она келажакда уйига тўртта бегона келин келишини билади, улар қандай одамларнинг боласи эканлигини худо билади. Шундай экан, болаларнинг кичиклигидан бошлаб одиллик, холислик, бир-бирига силаи раҳм руҳида тарбиялаб бориш зарур. Тирикчилик ўз йўлига, аммо кўзимиз доим болаларда бўлиши, қайси бирида қандай ёввойи шох ўса бошлаганини дархол сезишимиз, суяги қотмасдан аввал худбинлик, хасислик иллатларидан асрашимиз керак экан. «Катта бўлсанг, укангга ана ундок уйлар солиб берасан», «укангга мана бундок совғалар қиласан», «сени йўқлаган фалончига раҳмат айтиб кел», «фалончининг яхшилигидан хурсанд бўлдингми, дилингга унга бундан ҳам каттарок қувонч бахш этишни ният қилиб қўй»... каби гаплар билан уларни ўзаро меҳр кўрсатишга созлаб бориш лозим экан. Бунинг учун ота-она болаларга кўрсатиб туриб атрофга ана шундай муносабатларни ўзи қилиб кўрсатиши шарт! Биз хикоя қилаётган онада эса бундай тадориқлар бўлмагани кўриниб турибди.

Биринчидан, болаларни бир-бири билан оналарининг ширин тили бирлаштиради. Болани онасига тортадиган ҳам онасининг тилидир. Бу аёлнинг эса атрофдагиларни бездирувчи бир нарсаси бор. Фарзанд онанинг рўпарасига келиб беадаб гапларни тап тортмай айтяптими, тик қараб ҳақоратлаяптими, билингки, уларнинг ўртасида бир дунё совуқ ишлар бўлиб ўтган бўлиши керак. Билиб турибман, бу аёл фарзандларининг кўнглини

аяшни билмаган. Раҳм кўрмаган, аламзада болаларгина шундай бетгачопар, бераҳм бўладилар.

Иккинчидан, 25 сотих ерни иноклик бўлса, тўрт эмас, олти, етти кишига ҳам тақсимласа бўлади. Она эса бизнинг удумларимизга кўра энг аъло, энг чиройли хонада яшаши, онадан ортган жойгагина келинлар жойлашиши лозим. Бу хонадонда ўғилларнинг ёппа ғазабга минишига қараганда, она бир ўринсиз маслаҳатни бошлаган: ё кўпдан бери ўғилларининг кўнглини қолдириб келган, ё ердан ўзининг ҳақини ажратиб бошқа бировга сотмоқчи, ёки бермоқчи бўлган. Албатта, бу боласи кўпайиб, парча ерга зор бўлиб турган ўғилларни жунбишга келтиради.

Учинчидан, «ўлимлигимга йиққан пулимдан икки миллионини уй қурилишига бердим» деб ёзпти. Нафсиламрини айтганда, олти боласи бор онанинг (кўпол қилиб айтганда) ўлиги кўчада қолармиди? Миллионлаб пул йиғиши шартмиди? Тўрт ўғилнинг турфа муаммолари бўлиши аниқ, она деган зот болалари мустар бўлиб турганда қандай қилиб пулларини тугунда сақлаб тура олади! Қайси боласи хижолатчиликда бўлса, ўшанисининг ёнига ёнтирак бўлмайдами?

Қолаверса, нима учун ёлғиз она учун тўрт ўғил пулга уй қуриб бериши керак? Нима учун она менга уй қуриб беринглар, деб ўз фарзандларига пул санаб бериши керак? Она-болали фарзлари кани, ахир?! Нима учун ўғил онаси пул узагса, «қўяверинг она, бир амаллаб сизга ўзимиз уй қуриб берамиз» демади? Нима учун онасининг пулини ўғил алдов йўли билан олди? Нима учун она пулни бераётганда, «ўғлингга соладиган

уйингга мана бу пулни ҳам кўшиб ишлат, мендан эсдалик бўлсин» демади?

Бу зот аёл бўлди, аммо она бўлолмади. Болаларини дунёга келтирди. Лекин уларни инсон қила олмади. Чунки инсончилик унинг ўзида етарли эмас эди. Бу кун бу аёл учун қисматдир.

Энг тотли байрам

Дастурхон атрофида ўтириш одоби ҳақида савол тушибди. Бу менга малол келгандай бўлди, минг айтилган мавзунини яна қайтаравериш яхшими, дея ғудраниб қўйдим. Аммо негадир бу гап юрагимга бот-бот урилаверди, тўхталиб тингласам, фикратимда бир нарсалар ялт-юлт этипти, қарабсизки, яна ёзишга тутиндим...

Ушбу мавзу ҳақида ўйлаганда болалигимиздан бери овқатга ким биринчи қўл уриши керагу чойни овоз чиқармай ичишу, таомни қандай чайнашу қошиқни тақиллатмаслик ва дастурхон атрофида беҳуда гапиравермаслик кабиларни тушуниб келганмиз. Аммо бундай ўйлаб қаралса, дастурхон ёзилишининг ўзи ва унинг атрофида бутун оила аъзоларининг жамулжам бўлиши энг, энг тотли байрам экан!

Буни исботлашга уриниб кўрайлик. Аввало, ўз уйинг, ёзадиган ўз дастурхонинг борлиги учун шукр қил. Ёлғизмаслигинг, бир дастурхондан бирга овқат ейдиган одамнинг борлиги улкан бахт! Бу — минг қувонса арзийдиган сазоворлик! Қаторда ўтириб таом еяётганинг, томоғингдан овқат ўтиб турганининг баҳоси қанча эканини биласанми, азижим?! Шаклинг одам бўлса ҳам, аммо умр бўйи



чумолининг ишини қиласан: уринганинг-уринган, эрталаб чиқиб кетиб, кечқурунгача уйингга неларнидир ташиганинг-ташиган! Мадоринг қуригунча олиб бораётган бу ҳаракатларинг шу дастурхонни тўлдириш учун эмасми? Болаларингни тизиб қўйиб, топганингни пишириб-қўйдириб олдиларига қўйишинг оталик, оналик ҳисоботинг эмасми? Тўғрироғи, ота бўлиш, она бўлишни уддалашинг эмасми? Бу даражот байрам қилишга арзимабдими? Ўзингдан тарқалганларни бир хонтахта атрофига тўплаб, туп қўйиб палак ёзаётганингни томоша қилишнинг гаштига нима етсин! Сенинг шу мақомга етишинг учун ота-буваларинг бу дунёни ташлаб кетгунларича дуо қилиб ўтдилар. Дуоларнинг ушалиши байрам эмасми!

Ота-онангни дастурхон тўрисиغا ўтқазиб қўйиб, илинганингни олдиларига қўйиб, ўзинг чой қўйиб узатиб, сендан яйрашларини кўришнинг баҳоси канча туради? Бу ҳолатнинг роҳати қайси тантанадан кам? Сен олиб келиб ўртага қўйган неъматларни кўргач, болаларингнинг кўзида чакнаган юлдузлардан юракларингга ёғду ёғилади, яшашнинг энг тотли бир гашти шу-да! (Факат Ойдай, Кундай равшан бир ҳақиқатни асло унутма: оиланга олиб келганинг халол бўлсин! Шубҳали даромадларингни уйга олиб кирма, болаларингга едирма, уларнинг умрига, бахтига зомин бўласан!..)

Ипсончиликнинг нуқсончилиги шу – йўғини санайверади, аммо ўзидаги бор имкониятларини ҳадеганда кўравермайди. Бу дегани, у ўзининг талай бахтини танимай яшаб боради, канча роҳатдан қолиб кетади, канча гашту сафодан бе-насиб бўлади. Юқорида мен санаб ўтган имкони-



ятлар ҳаммамизнинг хонадонимизда мавжуд. Уйлик бўлиш, бир рўзғорга эгалик қилиш, болаларнинг борлиги, емак-ичмак, киймакнинг борлиги, овқат есанг ҳазм бўлиб тургани... улкан бойлик, чўнг хирмон кўтаришдир! Нега бу тортиқларни кунда бир-бир муҳаббат билан санаб ўтмаймиз, кўзимизга суртмаймиз?! Ахир, уларнинг бири бўлиб, бири бўлмай қолиши ҳам мумкин эди-ку! Кунда мингта хато қилиб турсак-да, минг жазога лойиқ бўлсак-да, худо бераридан қисмаётгани учун нега кунда Ўзига шукроналар айтмаймиз?! Пайғамбаримизнинг бир ҳадисларида: «Ҳақ таоло дейдики, майли, менга шукр айтма, аммо берган неъматларимнинг номини атасанг ҳам шукрона ўрнида қабул қиламан», деган марҳаматлари бор. Бундан шу маъно чиқадики, азизим, қўлингиздаги бор нарсадан лаззатланиш ҳам ибодат! Демак, нозу неъматлар сизга насиб этиб, унга етишганингизга шукроналар айтиб тановул қилишга тутунмоқ ҳам ибодат!

Бундан шундай ишора чиқяптики, бу қутлуг жараёнга ибодатга тайёрлангандай атоий тайёрланиб, муносиб муносабат кўрсатмоқ лозим. Дастурхон атрофида ўтиришнинг коидаси, одоб алоҳида бўлиши керак. Яъники, таомланишга ўтирилганда ғуборлардан покланиб, покиза кийимларда, тартибли кўринишда бўлиш лозим. Уй йиғиштирилган, тўшалган кўрпачалар тоза бўлиши, дастурхон, сочиклар яраклаб туриши керак. Хонтахта атрофига йиғилиш – оилавий байрам, ҳамма бир-бирига очик юз билан қараши, такаллуфлар қилиши одобдан. Қандай таом қўйилишидан қатъи

назар, уни эътибор ва миннатдорлик билан тано-
вул этиш жоиз.

Эркакларнинг нафакат дастурхон атрофида, балки аёллари, ўғил-қизлари олдида майкада, соч-соколлари ўсган ҳолатда бўлишлари хунуклик-дир. Аёлларнинг сочлари тартибсиз, кўйлаклари кир-чир тарзда ўтиришлари, овқатланиб ўтириб болаларига дашном беришлари, овқат устида ал-лакимлардан нолишлари одобсизликдир. Қизлар ва келинларнинг ота-акаларининг олдида ўрамли кийимларда (рўмол ва пойжамаларда) ўтириши ҳаёндир.

Оила аъзолари емак баҳонасидагина юзма-юз ва ҳаёлларини бир нуқтага жамлаб ўтирадилар. Бир-биримиздан огоҳ бўлиш учун бундан бошқа ўнғай имконият йўқ. Болалар ота-оналарига, ота-оналар болаларига синчковлик билан қарасинлар, ҳол сўрасинлар. «Сиз учун нима қилай, нима этай» қабилда меҳрибонлик кўрсатсинлар. Оила раҳбарлари бир кунлик иш тақсимотини қилсин, бу куннинг баракотини сўраб дуолар беришсин. Нонушта пайтида олинган яхши кайфият инсонга то кечгача канот беради. Юрагини кенгайтиради, кун давомида у яйраб, завқланиб ҳаракат қилади.

Кечкурунги йиғилишнинг файзи яна ўзгача бўлади. Оила аъзолари бир-бирларининг ҳолига айланадилар, куннинг якунига қараб, катталар кичикларни юпатадилар, раъбат берадилар. Бир-бирларига мадад бўладиган нарсаларни эслайдилар. Кўчадан илашган ғазаблар тарқайди, асаблар юмшайди, ўзаро суҳбатдан юраклари сув ичгандай бўлади. Оила жаннатнинг бир парчаси эканлиги шу. Етмиш икки томирингга дам берадиган, оро-

мижон кайфият берадиган нарсa дастурхон атро-
фидаги шу кадрдон давранг.

Демак, дастурхон атрофи:

- Аллоҳнинг неъматларига етишиш байрами;
- Яқинларинг билан дийдорлашиш имконияти;
- Тарбия бериш ва тарбияланиш нуқтаси;
- Ва дуолар қилинадиган муқаддас жойдир.

Уни бизга берганга чексиз шукрлар бўлсин.

Иссиқ шева

Савол:

Хўжайинимдан пул сўрасам бергиси келмайди. Аслида рўзғор учун сўрайман-ку, бундан каттиқ хафаман.

Жавоб:

Демак, жуфтинг пул топади-ю, аммо каму кўстларни кўнгилдагидай қилолмайди. Билгил, муҳими – уйинг бор, рўзғоринг, жуфтинг бор, хар қалай у сенга, сен унга ёқиб турибсан, боланг бор ва унинг ширин ташвишлари ичидасан. Янада муҳими – умр йўлдошинг пул топиб турибди! Сендаги бу имкониятни бошқалар бахт деб биладилар! Қолган вазият билан эса чиқишасан, чиқишишинг шарт! Бунинг учун сенга Яратган тил берган, ақл берган, уларни ишлатмайдиган бўлсанг, отинг «гўл» бўлади, «кўр» бўлади! Борни ҳам йўқ қилиб ўтираверасан.

Эркак одамга уйдаги камчиликларни санайвериш, буюртма беравериш асло ёқмайди. Харгиз бу йўлдан борма. У уйда нима бор, нима йўқлигини сўраган такдирда ҳам, «борлигингизга шукр» деб гап бошла. «Ёғнинг, гуручнинг... захирасини мўл



қилиб қўйгансиз. Анови нарса, манови нарсалар ҳали анчага етади. Фақат фалон нарса икки кунга етадиган қолди, холос. Шунинг гашвишини тортсангиз бўлди», дегин. Унинг кайфияти яхши бўлиб, кўнглига гап сиғиб тургандагина катта чиқимлардан сўз оч. Ўшанда ҳам: «Дадаси, мен уйимизда фалон нарса бўлишини орзу қилардим. Уни жуда қиммат туради деб айтишга хижолат бўларканман. Аммо бир жойда кўрдим, арзонлари ҳам бўлар экан. Хозирча шарт эмас, мабодо қўлингизга пул тушиб қолса, бир ўйлаб кўрарсиз», қабилида гап кил. Уни аяб гапирганингни ҳис этсин. Ишонавер, шундай йўл тутсанг, ўша нарсанинг энг қимматини олиб келишига мен кафил! Жуфтнингнинг келтирган арзимаган нарсасини ҳам мактайвер, ўзингни жуда қувонган кўрсат! Бу унга рағбат беради. Бировни қойил қолдириш, хурсанд қилишдан ортиқ роҳат борми дунёда! Айникса, эркак киши учун!

Жуфтлик бир ёкадан бош чиқаришдир. Бир-бирини тўлдириш, ўзаро керак ва тирак бўлишдир. Агар жон қуйдирмасанг, тиришиб-тирмашмасанг, ёнингдаги одам кераксиз матога айланади қолади! Эрга аёл, аёлга эр бир-бирови учун кўчмас мулк! Ундан фойдалана билган одамгина уй тута билади, рўзғорини гуллата олади. Эътибор берсанг, Қуёш деганлари ҳам бутун дунё билан иссиқ шевада гаплашади. Нур қабул қилганки нарсанинг ўсиб-униб, гуллаб-очилиб кетиши шундан! Ёнингдаги сен истаганча фойдаланишинг мумкин бўлган, текиндан-текин бир одамни Тангри сенга қулчиликка бериб қўйган бўлсаю сен ундан айб тониб, кесатиб, чимирилиб ўзингдан безди-

риб турсанг! «Лўли аразласа, хуржунига зиён» дейди халқ, инсоннинг бутун фаолиятини унинг кўнгли, кайфияти бошқариб туради: жуфтингнинг кўнглини ол, кайфияти билан ҳисоблаш ва жойини топиб гапингни ўтказ. Қандай гапни назарда тутяпмиз? Айтаётган гапинг, билдираётган хоҳишинг бутун рўзгор учун аҳамиятли бўлсин, оилангнинг равнақи учун хизмат қилсин!

Борди-ю, жуфтинг билан бир тану бир жон бўлиб оила деган жаннатий бир макон қуриш ўрнига либосларгаю тиллоларга ружу қўйиб, эрингни шу сарфларга ундаётган бўлсанг, сен яхши аёл эмассан, сен туққан болаларнинг ҳам дунёси тор бўлади. Мақтанишга, шон-шухратга ружу қўйилган жойда фаришта бўлмайди, у ерни шайтон макон тутади. Ҳимоясиз қоласан, атрофингни фалокат ўрайди. Бир кора қозонга, эшикдан кириб келадиган ўртамиёна бир жуфтга, биттагина тирноққа зор одамлар қанча! Худо берган имтиёзлар ичра яшаб қол, ҳар куни борингга шукр қил, кечагидан кўра бугунингни чиройли қилишга урин, болажон!

Яшил чирок

Савол:

Мен ота-онам ва бошқа оила аъзоларим билан чиқиша олмайман. Уларга меҳрим йўқ, уйдан чиқиб кетгим келаверади. Шу ҳолатимга ёрдам беришингизни сўрайман.

Жавоб:

Мен ёрдамга қўл чўзишга чўзаман, ўғлим, аммо юрагингнинг қулфи очилармикин! Мени ақлинг билан эшитишга ҳаракат қил.



Бу ҳолатинг ўтиб кетади, болажон. Бунга сабаб, сен ҳозир вояга етиш жараёнидасан. Тажрибанг йўқ, аклингнинг таҳлил қуввати ҳали етарли эмас. Мана шунақа пайтда шайтонинг фаоллашади. Истакларингга истак қўшиб, қилдай жонингга филдай режалар юклай бошлайди. Сен уларнинг барини амалга ошишини хоҳлайсан. Шароитинг эса буни кўтармайди. Аммо шайтонинг: «Сен ҳар қандай олий мақомларга лойиксан, фақат фалончинг сен ҳақингда жон куйдирмаяпти, пистончинг халакит беряпти», деган қутқулар билан юрагингни бетоқат қияпти. Ахир, оила, рўзғор деганлари – гуруллаб ишлаётган ҳаёт машинаси, уни тўхтатиб қўйиб фақат сенинг хоҳишларинг билан шуғулланишнинг асло иложи йўқ, болам! Натижада сен сиқилишга тушасан, шайтонга эса шу керак! Одамлар бир-бирларини қанча ёмон кўрса, у шунча хурсанд. Сен энди уйингдагиларга қарши исён кўтара бошладинг. Ҳатто энг даҳшатли гапни айтишга ҳам улгурдинг: «Мен ота-онамни ёмон кўраман», дединг! Шайтон биладики, мана шу гапни айтган одамни Тангри ҳеч қачон бахтли қилмайди. Шайтоннинг асосий мақсади инсонларни у дунё-бу дунё бахтсиз қилиш! Демак, сен тиш-тирноғинг билан шайтоннинг ишини битириш, яъни ўзингни бахтсиз қилиш сари кетмоқдасан!

Орзуларинг қачон ушалади, биласанми? Отанонинг рози қилсанггина! «Ўзи нотўғри иш қиладиган бўлса ҳам-а, ичиб юрса ҳам-а, бир-бирлари билан қир-пичок уришиб талашса ҳам-а» дерсан. Ҳа, худди шундай! Чунки улардан қарзинг ниҳоятда катта. Сабаби, сен шу туришингда улардан ўйиб олинган мавжудотсан. Уларнинг



ўпирилиши ҳисобига сен тўқис бўлдинг! Ота-онангнинг бу ўпирилиши уларнинг тажанглашиши, соғлигининг орқага кетиши тарзида намоён бўлади. Уларнинг ҳамма камчиликлари билан бағрингга босишинг шарт! Балки боланинг ғами, боланинг доғи бўлмаганда улар ҳозирги ҳолатларидан юз марта яхшироқ яшардилар. Ота-онангнинг бугунги барча каму кўстларига айнан ўзингни сабабчи деб билишинг йигитчиликдан, ўғлим!

«Бандасига ёмонини айтмасанг, яхшисини қилмайди», дейди халқ. Дейлик, мана шу ота-онанг ва яқинларинг бир кунда йўқ бўлиб қолишса, сен енгил тортасанми? Ховлида, Абдулла Қаххор раҳматли айтгани каби «қуйган уйнинг мўрисидай битта ўзинг қолсанг» яшай оламан дейсанми? Ташқаридан ким сенинг камчилигингни айтиб, келажагинг учун ким қайғуряпти? Ота-онангдан бошқа сени терган кимга зарур келибди? Сен хоҳласанг ҳам, хоҳламасанг ҳам орқангдан тушиб, хавотирингни оладиган бундай фидойи жонни дунё кезиб бошқа топа оласанми?

Нега ҳеч ким билан чиқиша олмай қолдинг? Сен нимани қотириб ясаб, ким учун нимани муҳайё қилиб, оилангнинг қайси юкини елкангда кўтариб қўйибсанки, бу иддаоларни қилсанг? Нега уйдан чиқиб кетгинг келяпти, айтайми? Малолли ишларинг кўнайиб кетган. Уйингдагилар талабларингни кўтаравериб тинкалари қуриган. Уларнинг ҳар бирини ўзига яраша муаммолари бор, нега ҳамма сенга чидани керак? Сабр ҳам пиёладай гап, тўлса тошади. Шунинг учун улар битта-битта портлай бошлаган. Бу иқлимни ўзинг яратиб қўйиб, энди ўзинг яшагинг келмай қолдимми?



Бахтли яшашни хоҳлайсанми? Бу жуда осон!
Бу фақат ўзинг билан битадиган нарса! Ишни
атрофдагиларга ёқиндан бошла! Бунинг учун
уларга ёкадиган нималардир қилиш керак. Мас-
алан, чиройли саломлашиш, астойдил ҳол-аҳвол
сўраш, айтилмаса ҳам ўтин ёриб қўйиш, сўралмаса
ҳам ховлининг у ер-бу ерини текислаш, кимгадир
ниманидир илиниш! Кўряпсанми, бунга от билан
туя сарфланаётгани йўқ! Бор-йўғи юзингга табас-
сум қўйиб, овозингни майинлаштириб, бир чимдим
меҳр улашдинг, холос! Эвазига атрофингдигилар-
нинг сенга юрак дарвозалари очилиб кетади. Сен
тезлик билан атрофга ёқишни бошла! Йўлларинг
яшил чироққа тўлиб кетади!

Илоҳий занжир

Савол:

Биз беш ўғилмиз. Катта акам ўғил боқиб ол-
ган. Аммо ўзига тинч. Отамиздан қолган уйни
шу болага қолдирмоқчи. Онамизга ҳам бефарқ.
Орамизда норозиликлар юзага келмоқда. Бизга
насиҳат қилинг.

Жавоб:

Орага келинлар тушгандан кейин, энг оғир иш
ўғилларни бир тўхтамга келтиришдир. Онангиз
шунинг учун ҳам бир чеккада ночор мўлтираб
ўтирибди экан. Маслаҳатгўй онангиз тирик, аммо
хар бирингиз аёлингизнинг дўмбирасига ўйинга
тушиш билан оворасиз. Орага манфаат масаласи
тушибди, лекин бу борада жигар билан бегонанинг
фарқи бўлиши керак-ку! Масалан, шундай ҳолат
бўлди дейлик: битта нон бор, бешов ака-ука очсиз.



Сиз ҳеч қачон бу нонни бегоналарга олиб чиқиб бермайсиз, бир ўзингиз ҳаммасини еб юбормайсиз ҳам, албатта жигарларингизга тақсимлаб берасиз, шундайми? Авваламбор, бу – ота мерос. Орада отангизнинг безовта руҳи турибди! У бу жойни бола-чақасига атаб бунёд қилган пайтда ярмингиз хали йўқ, ярмингиз эса шалварингизни ҳўллаб юрардингиз! Ҳовлини кимга қолдириш масаласида, биринчидан, конун бор, унинг ҳукми – ҳукм! Аммо ундан ҳам зўр чиқиб кимдир бу жойга эга чиқишни уддаласа, эшитиб қўйсин, Тангри унга буюрсагина эгалик қилади! Тирикларнинг ҳам, руҳларнинг ҳам розилиги бир хил қимматга эга. Бу жойнинг бош эгаси отангиз эди, ҳозир унинг номидан гапирувчи онангиз бор. Унинг гапи гап! Аммо онангиз ҳал қилувчи гапни айтаётганда минг ўйлаб бир кесиши, Аллоҳ рози бўладиган йўл тутиши керак. Йўкса, у кишини бир ёқдан Тангри, иккинчи ёқдан руҳларнинг норозилиги уриб қўяди.

Агар ота-онангизнинг зоти яхшилардан бўлса, агар оилангизда яхши тарбия кўрган бўлсангиз, бошқача айтганда, дилингизда худодан кўркиш бўлса, ҳеч қайсингиз «ховли менга бўлсин» деган гапни биринчи бўлиб айтмаслигингиз керак. Уйга эгалик қайсинингизга тўхтам бўлса, дарров кўнмаслигингиз, сиздан ночорроқ жигарингизга илинмоғингиз одобдандир ва ўзингиз учун хайрлидир.

Бешов ўғлон, эшитиб қўйинг, Аллоҳ болаларингизнинг келажагини белгилашдан аввал шу ховли масаласини атойти сиз учун имтиҳон қилиб қўйибди. Эсингизда бўлсин, нафсни ўртага қўйиб

бир-бирингизни норизо қиладиган бўлсангиз, бу ҳовли болангизнинг фақат ёмон кунига хизмат қилади. Бу бир!

Иккинчидан, акангиз ҳар қанча баттоллик қилса ҳам, унинг бола боқиб олгани, яъни фарзандсиз эканлигини писанда қилиш унга нисбатан зулдир. Бу дил оғритишдир. Дилозор эса Яратгандан яхшилик кутмасин! «Дема, дедирма» деган гап бор. Акангиз қаттиқ ранжигани учун ҳам тўнани тескари кийиб олган.

Энди ака бўлгичга келсак, у кўз қорачиғида сақлаётган ўша боласини умр бўйи таъна-дашномсиз яшашини хоҳласа, бу ҳовлида қолдирмаслиги керак. Сабаби, беш оғанини оғзингизни очмасангиз ҳам, сизлардан тарқалганлардан кимдир ҳеч йўқ сиздан кейин бу гапни кавлаштириши мумкин, чунки уларнинг оналари бегона. Ахир бу ерда ким яшаса ҳам, яшагани татиши керак-да!

Учинчидан, одил суд бу ҳовлини бешга бўлишга ҳукм қилганда ҳам, уни ҳаргиз бўлмаслик ва сотмаслик керак. Бу макон бешовингиз учун ота-онангизнинг, гўдаклигингизнинг хиди келади-ган биринчи Ватандир. Манфаат учун кўз очиб кўрган бу кичик Каъбангизни ўз қўлингиз билан пулга алмаштириб юборасизми? Ҳовли биттангизда қолсин. Ана ўшанда онангиз ёққан чирок ўчмайди, отангиз қурган дарвоза ҳеч қачон ёпилмайди. Ўтганларингизнинг рухлари сарсон бўлмайди. Аммо ҳовлида қолган одам одил бўлсин, яъни ҳовлини холис баҳолатиб, қолган жигарларининг ҳақини пул биланми, мол биланми тўлаб рози қилсин. (Жигарлари сўрамаган тақдирда ҳам!) Токи бу маскан ҳаммангиз учун



тўпланадиган, дил ёзадиган, умумий дийдорхона бўлсин. Ўтганларингиз учун эҳсонлар қиладиган дуохонангиз бўлиб қолсин.

Ўғлонларим, яхши фарзанд, айниқса ўғил фарзанд ҳеч қачон ота ҳовлини сотмайди, имони сусайган бандагина ота-онасининг изини йўқ қилиб юборади.

Айтиб қўяй, Тангри ҳаммани жуфт яратган. Аёлингиз энг керагингиз, тирагингиз, юрагингиздир. Аммо уларнинг бегоналиги ёдингизда турсин. Сизнинг оға-иниларингизга нисбатан келинларда қондош ришта йўқ, яъни табиий тортилиш кучи йўқ. Келинлар эрнинг жигарлари учун ҳадеганда ён боса олмайди. Сизнинг вужудингизда эса бешовингизни боғлаб турадиган зот занжири бор. Киши бу занжирни ўз хоҳиши билан уза олмайди, у боғлиқлик вақти-вақти билан ўзи ишга тушади. Бугун акангдан итарилиб турган бўлсанг, сен кутмаган пайтда у занжир юрагингдан ушлаб тортиб қолиши мумкин. Жигаринг яқин келса кўнглинг эрий бошлайди, роса излаган нарсангни топгандай ором оласан... Бу бизга илоҳий тортик, бу роҳатни илоҳим фақат бир туққанларимиз орқалигина беради. Ана ўшанда хижолатли аҳволга тушмаслик учун, йўлда қўшилганларнинг гапига зийраклик билан туриш, ака-укаларингизни ҳеч кимга ёмонлатмаслик, кимнингдир таъсирида нотўғри иш қилаётган жигарингизни ҳам ёмон кўрмаслик лозим. Болангиз учун қандай жонсарак турсангиз, бир қориндан тушганларингиз учун ҳам шундай безовта туринг, камчиликлардан қутулишига ёрдам қилинг, имконингиз бўлса, доимий мурувватлар қилинг. Эҳтиёт бўлингки, биров фақат олувчи,



биров фақат тарқатувчи бўлиб қолмасин. Фалончим ўзига тўқ, менинг қўлимга қараб қолган эмас деманг! Инсон борки, йўқланишни хоҳлайди.

Сиз бировдан бир нарсани тортиб олишни режа қилгандан кўра, виждон буюрган тўғри ишларни қилинг, сизни худонинг ўзи беминнат мукофотлайди.

Сиз болангизга кимсиз?

Савол:

Қўшним ўн олти ёшли қизини узатяпти. Нотўғри иш қилаётганини уқтирмакчи бўлсак, хафа бўлди, сиз бунга нима дейсиз?

Жавоб:

Қўшнингизнинг бу иши замирида нохушликлар бор. Улар ё қизларининг ахлоқини йиғиштиролмай шошилиш чора кўрмоқдалар, ё фарзандларининг бир айби борки, қизғин харидор чикканда иш битириб қолмоқчилар. Ёки бу ота-онада ақл етишмайди.

Менингча, тўғрироғи, шу охиргиси. Уларнинг биринчи куда тутиниши бўлса керак. Остоналарига бировнинг ялиниб, юкиниб келиши уларни хаяжонлантирган. Шундоқ одамлар биздан қиз сўраб келибди, деб ғурур ва хузур оғушига тушиб қолганлар. Қудачилик гаштини сургилари келган. Ха, хали улар бу муносабатларнинг захар-закқумини татиб кўришмаган, хали ўғил-қизнинг орқасидан «ким эдимۇ ким бўлдим» дейишга тутинишганича йўқ!

Қиз тарафнинг бу шошилиши ўзлари учун албатта зиёнли, аммо фойдали ҳамдир. Зиёни

шуки, улар ўз фарзандларини кулфат сари етак-
ламокдалар. Фойдаси шуки, бу иш уларни «мул-
ла» қилади! Бандаси миясини ишлатавермаса,
Аллоҳ жазо билан унинг ақлини киритиб қўяди!

Улар қизларининг дуркун қоматига қараб, уй
супуриш, таом тайёрлашига қараб вояга етди,
деб ўйлаяптилар. Қолган ишларни аста-секин
ўрганиб кетар, дея бир-бирларини юпатыптилар.
Аммо рўзғор учун, оила деган буюк корхона
учун инсон, аввало, руҳан ва маънан етилган
бўлиши керак! Йўкса, қиз шўрлик келинликни,
аёлликни уддалолмай ё чакилиб, синиб кетади,
ё у туфайли бутун бошли бир оиланинг ҳаёти
издан чиқади.

Ўғил уйлаётган энг ёш оила ҳам йигирма беш
йилдан бери рўзғор тортиб келаётган, ташвишлари
чўққига чикқан, сабр косалари гоҳ тўлиб, гоҳ то-
шиб турган ҳолатда бўлади. Ўн олти ёш қизингиз
борволиб, ҳали унга, ҳали бунга лабини буриб,
иддао қилаверса, унга бола бокчалик қилишга
кимнинг тоқати бор?! Бизнинг кўникмаларимиз
шундайки, келган келинга жуда катта умидворлик
билан қараймиз: гўё у халоскор, гўё у ҳаммадан
чечан, у келгач, ҳамма чала ишлар битиб кета-
ди, ҳамма тинчийди, ҳамма маза қилади. Хеч
ким: «У ҳали ёш-ку, ҳамма ишни биз билмаймизу
у қаердан билсин?» демайди! Келинми, билиши
шарт, деган тўхтамда туриб олади. Хўш, бу ўн
олти ёш ишни-ку чопиб юриб қилар, аммо ои-
ладаги, дейлик, олти хил феълли одамга олти
хил муомала топа биладими? Овсинларга қандай
ёқишни, қайнэгачиларнинг кўнглини қандай ов-
лашни уддалайдими? Жуфт тутиш ва уни хайр-



ли йўлларга етаклаш илмини ўргатганмисиз? Бошқоронғуликни қандай енгилни, соғлом бола туғилиши учун ўзини қандай парвариш қилишни эплайдими? Қайнонадан дуо олиш, савоб-гуноҳ, қилмиш-қидирмиш деган гаплар борлигини биладими? Айтинг-чи, бу айтганларимни эшитиб туриб юрагингиз увишмаяптими? Шунча талаб, шунча назорат, шунча масъулият ичида болангизнинг довдираши, минг бир бўлакка бўлиниб кетишини ўйлаб кўрмаяпсизми?

Қизингизнинг ёш умрини синдираётган шайтон ёки бегона душман эмас, сиз ўзингиз бўляпсиз! Сиз унга кимсиз ўзи? Ота-она фарзанди учун обихаёт эмасмиди?! Кимки қизини жуда ёш турмушга бераётган бўлса, у ўз боласининг соғлигини, оромини, бахтини ўз қўли билан бўғаётган қотил киёфасида турибди! Қизи чақилиб қолса, дардини ота-онанинг ўзи тортади-ку! Энг ёмони, оиласидаги муаммоларни ечишгаю кўтаришга ақли, кучи етмаётган аёлдан ўзи каби асабий ва маънан майиб болалар туғилишга тушади.

Қизларини эрта эрга беришдан ютган, фойда кўрган одамлар бўлса, марҳамат, айтсинлар, ишларининг тўғрилигига далиллар билан бизни ишонтирсинлар! Болаларимизнинг қийналишига ўзимиз сабабчи бўлишдай хунук нарсаси борми ахир?! Яна «болалар учун яшайбмиз-да» деб кўямиз. Бу улар биз билан бутун бўлиб юрсинлар, дегани эмасми? Уларнинг роҳатларини кўрайлик, дегани эмасми? Биз эса вояга етмаган қизимизни эрга бериб, сузишни билмаган ёш болани денгизга итариб юбориб, ўлмай қолиш учун унинг қандай типирчилашларини томоша қилиб турган бағритошга

айланиб турибмиз. Тангрим, бизни фарзандлик қилганингга яраша, ўзимизни ҳам ота-оналикка муносиб сайлагин!

Кўчада ким гап сотади?

Савол:

Кўчага чиқволиб, соатлаб гаплашиб ўтирадиган аёлларга нима дейсиз?

Жавоб:

Дарвоза нимаю девор нима? Дарвозалар копқоқ, деворлар пардалардир. Ҳар қандай усти очик нарсага микроб кўнади. Ҳар қандай усти очик нарсанинг нами, оҳори тез кўтарилади. Ҳаётда инсоннинг назари тушса тўхтаб қоладиган жараёнлар бор. То маромига етгунча биров кўрмай туриши лозим бўлган ишлар бор. Шунинг учун деворлар керак, шунинг учун ҳар бир хонадон дарвозалидир. Шунинг учун ҳам ҳар кимнинг ўз хонадони ўзи учун мисоли бир шифохона. Чунки ҳеч ким ўз уйига ёмонлик сўрамайди: ҳар куни дуолар қилиб, яхши ниятларни ёд этиб, болалари ва бир-бирлари учун яхшиликлар қилиб, савобли амаллари билан уйлариининг тўрт бурчини зиён-заҳматдан тозалаб, зарарсизлантириб турадилар. Дарвоза ва деворларимиз биз учун муҳофаза ўрнидадир. Биз шарқликларда ҳатто овоз ҳам пардали бўлиши керак, деган фалсафамиз бор. Бу ҳолат бизнинг яшаш тарзимиз, ўзимизга ҳослигимизга айланиб кетган, уни бузишнинг эса оти одобсизликдир.

Хонадон эркаги оилада тартибни маҳкам ушлайдиган, каттикқўл бўлса ҳам, бу уйдаги аёллар



одоб-ахлоқда танҳо саналса ҳам, аммо серкатнов кўча бўйида яшаса, ҳовлиси деворсиз бўлса, бўйига етган кизу оғироёк аёли ўтган-кетганга кўриниб турса, бу хонадон эркаги биздан эмас! У ҳали ҳамият, орият илмини, тўғрироғи, йигитлик илмини ўрганмабди!

Кўча нима ўзи? Соғ-носоғ, яхши-ёмон, кўпол қилиб айтганда, касофатли ва шарофатли одамлар оқими аралашига ўтиб турадиган энг нотинч, энг зиёнли биомайдон! Агар эътибор берсангиз, кўчага чиқиб сиз оғир юмуш қилмаган бўлсангиз ҳам, ҳатто байрамда иштирок этиб, боғларни айланиб келсангиз ҳам, «маза қилдим» дейсизу, аслида, жуда вазмин тортиб келасиз, елкангизни эзиб турган чарчоқ эмас, турли-туман назарлар юки, одамлардан ўтган турфа тоқларнинг таъсиридир.

Воизлик ва касбу корим туфайли кезмаган вилоятим, бормаган туманим қолмаган, десам бўлаверади. Ҳалиги сиз айтган эшигининг тағига чиқиб турадиган аёллар ҳар қайда бор.

Хўш, қайси аёл кўчада соатлаб гаплашиб тура олади? Аввало, имони суғ аёл шу ишни қилади. Вақтнинг уволи ҳақида, ғийбатнинг гуноҳлиги ҳақида ўйламаяптими, гуноҳи болаларини уриб қўйиши мумкин эканлигини билмаяптими, демак, унинг юрагида худоси йўқ!

Отаси тенги оқсоқоллар ўтиб турса, эрининг улфатлари қараб турса ҳам бети кизармаяптими, демак, унинг ҳаёси йўқ! (Онамни эслайман: ногаҳонда дарвозадан бош чиқариб ўтиб кетаётган қўшни билан икки оғиз гаплашиб қолса, узокдан маҳалланинг бир эркаги кела бошласа, иккалалари дархол бизнинг йўлагимизга кириб олишар, то у



одам ўтиб кетгунича дарвозани ёпиб, овозларини пасайтириб туришар эди.)

Оиласида эру хотинлик мувозанати бузилган, оёқлар бош, бошлар оёқ бўлган, эркаги тирикликда ўлик бўлган хонадон аёли кўчада гаплашиб туради.

Рисоладагидай аёл учун бир умр вақт етишмайди, режаси тўла иш бўлади. Иши битган сари кайфияти яхшиланади. Уйи фақат ахлатдан иборат, қайси ишни қандай эплашни билмаган аёлгина уйидан қочиб чиқиб кўчада лакиллаши мумкин.

Очигини айтсам, остонасида симёғочдай гўдайиб турадиган бу аёллар ичида бирорта ҳам фаришталисини кўрмаганман. Уларнинг юзидами, кўзидами, сўзидами ажиб бир бепардаликни туясиз. Кўнглим ғашланади, уларнинг оиладагилари билан муносабатлари ҳам шундай пардасизмикин?

Болалигимни эслайман: онамнинг оналари Тухфахон энам бизникига келсалар, дадам дарвозадан киришларига кулоқлари оркасига кистириб олган дурралари учини дарҳол тушириб, лаблари билан қимтиб олар, дадам билан юзларининг ярми кўринган ҳолатда сўзлашар эдилар. Бугунлик кунда эса ёши улуг аёлларнинг ҳам эшик тагига чикволиб машина санаб, одам санаб ўтиришларини кўрасиз. Бу ёшда киши у дунёлигини сўраб, гуноҳлари учун ичкарида астойдил истиғфор айтиб ўтирса ярашмабдими? Қуда-андаси, куёв-келини бор кекса аёл кўчада ўтириш уят эканлигини нахотки бир умр билмай ўтган бўлса?! Ундан тарқалганларнинг шарму ҳаёси қанчалик бўлади энди?..

Хулласи калом, дарвоза тагида музей экспонатидай назарларга ем бўлиб туриш учун аёл кишининг ё тарбиясида, ё ақлида сакталиги бўлиши керак. Маънили аёл ўзини ҳеч қачон бундай кўйга солмайди.

РАШК

Оилага кушанда бўладиган хавфларнинг бири – рашкдир. Рашк – асли муҳаббатдан туғиладиган ширин бир туйғу. У харгиз тилга кўчмайдиган, ҳатто юзу кўзда ҳам балқимай, юракнинг тубида зинғиллаб турадиган инсоннинг гўзал рухий ҳолатидир. Кимнинг маънавий дунёси бой бўлса, рашки шунча пинҳона. Кимларнингдир эса жами қусурлари рашк туфайли фош бўлади.

Қиз бола ота-онанинг бағридан, ёруғ дунёни таниган остонасидан воз кечиб, ҳамма яхши ниятларини куёвнинг хонадонига атаб, таъзим ила, бир умр сизларники бўлдим, деб кириб келади. Куёв ҳам уни бир умрга кутиб олаётгани, уйнинг тўринию қалбининг кўрини факат унга атаётганини, карнай-сурнайлар билан тўрт тарафга овоза қилади. Нурлар ёғилган бир куни улар бир-бирларига оталик ва оналик мартабасини инъом этадилар. Хонадонларини бахт кўнғироқлари тўлдириб юборади...

Айт-чи, биродар, шу қадар қиммат кишини, ёнингдаги бир умрли ҳамдамингни, яхши-ёмон кунларингда тиргак бўладиган, беғубор кунларда топган покиза жуфтингни рашк даъвоси остида, аллақандай поку нопокларга хаёлан рўпара қилишга ҳамиятинг қандай чидайди? Ёниб-куйиб,



рашк равъосини кўтармасдан аввал эътибор бер: бордию жуфтинг сенга бефарк бўлиб қолган бўлса, дарров эсла, унга қай вақтлар кўпроқ ёқардинг, у қай фазилатингни кадрларди: қай вақт, қай хислатингдан завқланарди? Ўша ишларнинг қайси бири сенда қанда бўлибди, нимани унутибсан, дарҳол тикла! Ойнакка қара-чи, ҳамма нарсанг ярашимли турибдими? Қай кўйга тушсанг туш, унинг ихлосини қозон! Бунинг орият қиладиган жойи йўқ, ҳамма-ҳамма муҳим юмушлардан аввал мана шу бир умр керагингизнинг кўнглини олинг. Қам-кўсти кўп дейсизми? Ҳаргиз ундай деманг, тақдир сизларни бир-бирингизга қамида ярим асрга топширган. Одам бир йил тутадиган буюмини ҳам неча бор созлайди. Инсон эса тинмай ўзгариб турувчи мавжудот. Сизга бахтли ҳаёт керак бўлса, сабр билан жуфтингизни ўзингизбоп қилиб тарбиялаб оласиз. Бу – сизнинг бурчингиз, бу – қарзингиздир.

Гоҳо эркакларни уйдан ўзимиз бездирамиз. Уч тоифа аёллар борки, мен уларни садоқат қотиллари деб биламан – тили ёмонни, тутуми нопокизани, енгилоекни. Биринчиси, нақ кўнгилни ўлдиради, ҳатто унга душманнынг ҳам кераги йўқ – ўз бахтини ўзи қуйдиради. Иккинчиси, дидни, баракани, завқу шавқни вайрон айлайди. Учинчиси эса... ўз бежо қадамлари билан йўл-йўлакай жамики покликни яқсон қилиб бораверади.

Борди-ю, эркак суюкоёқ чиқса, нима қилиш керак? Аввало, уни уйга тортадиган жами яхши тутумларни қўллаб кўринг. Зеро, самимият билан кечириш ҳам бахтнинг гаровидир, яъни бир бора кечиринг, икки бора ҳам. Шунда ҳам ўзгармаса,

азизам, бир тутуруксиз эркак учун бўладиган можарони ўзингизга эп билманг! Ҳаргиз уни қайта чорламанг. Атрофидагилардан мадад сўраб ёлворманг, боласига атаганини берса берсин, бўлмаса суднинг ҳукми билан илинар. Кўксингизга тош босинг-да, унинг бахридан ўтинг. Сиз баланд хамиятингизни ул майда эркакнинг қошида букманг, бола бевафо ота қўлидан нон егандан кўра, мағрур онанинг қўлида тош тишлаб ориятли бўлиб улғайгани маъқул!

Рашкчилар қулоғига бир гап айтай: аввало, жуфтингизнинг кўнглини эҳтиёт қилинг. Агар у сингудай бўлса, сиз ҳам бутун бўлмайсиз. Яна шуни сўзлайки, кимнинг ўзида ўғрилиқка мойиллик бўлса, бошқалардан ҳам гумонсираб, ҳадик олиб юради. Ўзи бузукка дунёда тўғри одам йўққа ўхшаб кўринади. Хушёр бўлинг, ўринсиз тергашларингиз билан шахсий қусурларингизни фош этиб қўйманг тағин!

Назардан кўрк

Савол:

Мен замонавий кийинишни яхши кўраман. Бугун идораларда ишлаётган хотин-қизларнинг меъёрий кийинишлари ҳақида тўхталиб ўтсангиз. Чунки ҳар бир аёл ўзи учун қулай ва енгил бўлган кийимни кийишни истайди.

Жавоб:

Ишляяпсиз экан. Демак, вояга етгансиз. Ўз тақдирингиз учун курашадиган, ўз шаънингизни ҳимоя қиладиган даражадасиз. Болажон, дунёда «асл нусха» деган нарса бор. Ва у юқори



баҳоланади. Аллох яратган жами дову дарахтлар, паррандаю даррандалар, курту кумурскалар... ҳаммаси, ҳаммаси ўзининг асл нусхасини асраб яшаб келади. Инсоннинг хунар ўрганиши, пул топиши, бола-чақали бўлиши, турли мартабаларга эришишидан танқари, Яратганнинг олдида аслини сақлаш деган мажбурияти ҳам бор. Тангрининг яратган ҳар бир мавжудлиги бетакрор, ранги турфа, таъми турфа, шунинг учун ҳам дунё чиройли ва унга ҳеч ким тўймайди. Кишининг ҳамма тараққиёти ўша аслини сақлаш асосида бўлиши керак. Аслиятини сақлаган ҳолда тараққий эта билган одамни «замонавий инсон» деймиз. Ва улар миллатнинг энг олди одамлари ҳисобланади.

Ҳамма миллатга ўзига хос яшаш тарзи берилган. Бу жуда мураккаб жараён, болам. Инсондаги хоҳиш ҳам, сиёсат ҳам унга аралашолмайди. Заминнинг ҳамма бурчида одам анатомияси бир хил бўлгани билан танларидаги мижозлари турфадир. Мамлакатларни бир четга қўйиб, Тошкент билан Андижоннинг ўзини олайлик: Андижонда қази, мош, кора чой кам тановул қилинади, бозорларидан от гўштини тополмайсиз ҳам! Тошкент эса қази-қартангсиз туropolмайди. Агар андижонликлар тошкентликларга қўшилиб икки кун кетма-кет қази есалар кон босимлари ошиб кетади...

Инсон авлоду аждоди яшаб келган заминда (Уни «Ватан» дейдилар!) умр кечирса, осонрок яшайди. Чунки унинг жони шу ерлик. Унинг касали ҳам бу ерда тез тузалади. Инсоннинг томирлари ўз ерининг суви, тупроғи, хавосию дову дарахтларига уланган бўлади. Шунинг учун ҳам «Ватан» деганда одамзоднинг оғзидан ўпкаси

кўринади. Биз шу ватаннинг бағридан униб чиққан оналарнинг болаларимиз. Биз ҳеч қачон она одат, ота феълларимиздан чиқиб кетолмаймиз. Агар уни тарк этгудай бўлсак, ўша заҳоти биз аслимизни, яъни ўзлигимизни, ўзагимизни йўқотамиз. Бу дегани, мувозанатимизни йўқотамиз!

Гапни мунча айлантормасангиз, демоқчидирсиз. Агар майдалаб уктирмасам, халқнинг боласига ўхшамайроқ гапиряпсиз. Замонавийлик деганда елкаси боғичлик кофта, тиззадан бир қарич тепада турадиган юбкаю баданга ёпишиб суюқ-салангнинг эътиборини тортадиган футболкани айтмаяпсизми?! «Енгил ва кулай кийим кийишни яхши кўраман», деб тирсиллаб ёрилгудай шим кийишларни назарда тутмаяпсизми? Бу кийимларни Европага бориб кийсангиз, балки зарари йўқдир. Аммо бизнинг қишлоқ-қримларимиз, кичик шаҳарларимизда бу ҳол одамларнинг кўзига ботади. Бунинг оти назардан қолиш! Бу эса ишларингизга зиён келтиради...

Болажон, диққатингизни бир мисолга қаратай: бугунги ҳинд киносаноати ишлаган фильмларнинг қизиғи кетди. Чунки улар ўзликларидан чиқдилар. Иликларигача иффатга ўралган, ўша туришлари билан, турфа сариларининг жозибаси билан жаҳонни мафтун қилган у ҳинд аёллари қани?! Экрanni қидириб мазмун топмайсиз: бир қарич майка, бир қарич шортик, ҳаракатлар шайтоний, фильм фильм эмас, қўпол айтганда, бадан бозори! Миллий қадриятларини унутган эл барака топмай кўяди. Бу катта зиёндир.

Яна бир мисол: Зиёда исмли ёқимтойгина эстрада қўшиқчимиз бор. Бу кизни хунук кийинганининг гувоҳи бўлмаганман. Аммо турли-туман

пардоз ва турфа кийимларда кўрганман. Лекин у яқинда бир байрамдами ё кўрикдами қатнашди. Оёғига пошнаси баланд замонавий туфли кийибди. Бошида окпар ироқи дўппи, эғнида намозшом атласдан кўкракбурма кўйлак, сочлари чиройли турмакланган. Шу қадар очилиб кетибдики! Зиёда эмас, бамисоли Ўзбекистон солланиб келаётгандай эди. Атрофдагиларнинг олқишларини кўрсангиз! Ярим қарсак унинг шахсига, ярим қарсак унинг миллий кийинишига эканлиги кўриниб турарди. Биласизми, агар кишида ўзининг миллатига ихлос ва фахр туйғуси бўлса, яъни у ўз аслини хурмат қилса, Аллоҳ унинг чиройига-чирой кўшиши аниқ! Ҳамма миллат ўз кийимида чирой очишининг боиси шу.

Хулласи, болажон, замонавий инсон бўлишни хоҳласанг, халқимиз суймаган туриш-турмушлардан парҳез қил. Кийинишингдан ҳам, муомалангдан ҳам, хулқу одобингдан ҳам ватаннинг хиди келиб турсин. Она тилингда чиройли гапир, она халқингнинг афзалликларини намойиш эт. Одамлар – назарлар оқими дегани ва ишон, одамларнинг назарига тушсанг, бахт сеники, назардан қолсанг, омадингнинг кетгани шу!

Эркак қачон хиёнат қилади?

Савол:

Турмуш ўртоғим хиёнат қилди, энди нима қиламан?

Жавоб:

Сен яхшисан, аммо турмуш ўртоғинг хиёнат қилди, шундайми? Эри хиёнат қила бошлаганки



аёл дод солишдан аввал дарҳол ўзини текшириши, қаерда хато кетдим деб ўйлаши керак. Эрингни тилинг билан чақиб кўймаяпсанми мабодо, кўчага ёкасини оқартириб, туфлисини ялтиратиб чиқаряпсанми, сочик-дастурхонинг, кўрпатўшагинг таъб тортгудайми? Кунда икки-уч бор ойнакка карайсанми, ўсма-сурмани биласанми? Айт-чи, неча хил овқат тайёрлай оласан? Ҳеч йўк бир ойда битта ундан-бундан ниманидир пиширишни ўрганиб борасанми? Ҳар куни кир ювасанми ёки эрингнинг кўйлаги, болангнинг иштони, дастурхон, чойшабинг ҳаммаси кирхонада аралаш-куралаш турибдими?

Оила, хонадон одамларнинг етмиш икки томири ёзилиши учун, ором олиш, бола-чақанинг дийдори билан роҳатланиш учун берилган Яратганнинг тухфаси. Яйрашнинг ўрнига уйга келса, тилинг копиб турса, ҳаммаёқ кўпиб турса, бундан кўра унга кўча тинчроқ-да! Эркак уйда тополмаганини кўчадан қидиради.

Ойим, «менинг фалонча болам бор», «хиёнат қилишга нима ҳаққи бор?» ёки «оттириб юбораман, осдириб юбораман» деган гапни ақлли аёл айтмайди. Ўшандай даъволар қилсанг, сендан нарироқ кетса-кетадик, бери келмайди. У тирик жон! У инсон! Инсонни, асосан, кўнгли бошқаради. Ўша кўнглига ёқиб олмагунингча ҳаётинг яхшиланмайди. «Ўзимнинг ҳам унча кўнглим йўқ, нега ёқишга ҳаракат қиларканман?» дея олмайсан. Чунки эр деганларини сотиб юбориш ё алмаштириш мумкин эмас! Воз кечиб ҳам бўлмайди, болаларинг тирик етим бўлади. Қолаверса, халқ айтгандай: «Бақироқ бўлса ҳам туянинг бори яхши!» Рўзвор

тутиш, бир эркани ушлаб туриш, оилани бутун сақлаш ҳам ТАДБИРКОРЛИК талаб қилади.

Ойим, сен зиммангдаги аёллик вазифаларини тўлик бажаришга эринганинг ёки уқувсизлик қилганинг учун эрингинг хиёнати билан худо сени жазолаб турибди. Ўз камчилигингни ўзинг обдан биласан. Иродангни, сабрингни ишлатиб тездан хупук ишларингни чиройли қил, тилингни ёғла, атрофингдагиларни яхши гаплар билан бошини сила, эрит ва даврингни сур!

Яна бир гап ёдингда бўлсин: ҳеч қачон эркак биринчи бўлиб айнимайди. Айниган тарзда ҳам агар аёл киши изн бермаса, мақсадига етолмайди. Харгиз «бегонани мендан афзал билдинг!» деб таъна қилма, ёқасидан олма. Эринг шунчаки тузоққа тушган! Тузоққа тушган эркак, билиб қўй, хиёнат қилар экан, ҳеч қачон хотинини қўйиб шунга умрбодга уйланаман, деб ният қилмайди! Хотинидан ажрашни хаёлига ҳам келтирмайди! Бундай харом топишувларга худо ҳеч қачон ҳақиқий муҳаббат бермайди. Кимки ўтлаб чиқиб кетган бўлса, яна бўзлаб юриб, ўз уйини афзал билиб қайтиб келаверади. Йўлда қўшилган ҳамиша йўлда қолаверади.

Экканингни оласан

Савол:

Опа, сиз негадир савол берган одамнинг ўзини уришасиз?

Жавоб:

Сўзингиз кимлигингизни кўрсатиб турадиган ҳужжатдир. Сўзингиз туфайли сизга ихлос



кўядилар, сўз боис сиздан ҳафсалалари пир бўлиши ҳам мумкин. Андижон телевидениесида «Таракқиёт» таҳририяти бор. Унинг кўрсатувларини бутун Фарғона водийси кўради. Ўн беш кунда бир «Оналар сўзи – хикматнинг ўзи» номли жонли мулоқот олиб борамиз. Муаллиф мен. Мавзу, асосан, «Оила илми». Саволлар экранга келиб тушаверади, жавоби ҳам ўша заҳоти кетаверади. Савол берганларнинг кўпчилиги кимдандир шикоят қилади. Ўзини жабрланувчи санайди.

Ростини айтсам, болам, яхши одам бировни осонгина ёмонламайди. Айниқса, ўз-ўзининг оила аъзоларини! Болаликдан бизга хушмуомала бўл деб тайинлаб келишган, бундан икки мақсад кўзда тутилган: биринчиси, малол келадиган гап қилиб бировнинг кайфиятини бузиб қўйма! Иккинчиси, ўзингга қаттиқ жавоб қайтиб қолмасин! Халқда: «Дема, дедирма» деган гап бор. Ҳар бир натижанинг сабаби бор. Бировга айбнома тақашдан аввал «Бунинг жаҳлини чиқарадиган қандай иш қилдим?» дея холис таҳлил қилиши, ўзидан ўтган бўлса, вазиятни юмшатишга ҳаракат қилмоғи лозим. Бировга қўпол гапиришга чоғланаётган одам шу гапни ўзимга айтишса кўтара олармидим, деб бир карра ўйлаб қўйиши ва тилини тийишга ҳаракат қилиши керак. Бировнинг юзига ҳеч қийналмай оғир гапларни айтиб ташлаётган одам худбин одам, яъни ақлсиз одам! У одам қиёфасидаги факат ўзини ўйлайдиган махлук! Унда кўнгил йўк, шунинг учун атрофдагиларнинг кўнгли билан ҳисоблашмайди. Ҳар инсоннинг ичида бир шайтони бор. Тангрига илтижо қилганда ҳам «билиб-билмай қилган гуноҳларимни кечир», деймиз-ку.



Инсон борки, хато қилади. Биз бир-биримизнинг хатоларимизни кечиришга ва тузатишга масъулмиз. Буни текинга қилмаймиз: бировни кечирган заҳотимиз бир мушқулимиз осон бўлади. Бировни хатодан тўхтатган заҳотимиз, Аллоҳ бизнинг талай гуноҳларимиздан кечиб юборади...

Менга келган саволларнинг айримларини сиз ҳам эшитиб кўринг: «Опажон, аслимга ҳеч гапимни ўтказа олмаяпман, нима қилай?» Бу ярани газак олдириб, оиласини бефайз қилиб бўлган эркакнинг гапи. У аёли унинг аввал тиззасига, сўнгра елкасига ва ҳатто бошига оёқ қўйгунича қўйиб бериб, эрлик ҳурмати тупроққа беланиб бўлгандан кейин минғирлаётган зот. Аёлига гапи ўтиши учун эрнинг ўзида тайин ва тамиз бўлиши керак. Эркакча юмушларни расталаб қўйиб, уйида тартиб ўрнатиши, бу тартибга аввало ўзи риоя қилиши шарт. Ўзида камчилик тўлиб-тошиб ётиб, «хотин кишимисан, демак, эрнинг айтганини қилишинг шарт» деганнинг ўзи эрликка нолойиқдир. Шариятда ҳам хотиннинг вазифалари ёзиб қўйилган жойда эрнинг вазифалари ҳам кўрсатиб қўйилган. Эр эрлик масъулиятини бажаролмаган жойда аёлидан ҳузур кўра олмайди.

Савол: «Опа, ароқ ичганларни уришяпсиз, ахир улар бекорга ичмайди-ку!»

Жавоб:

Сўз эгасини шарманда қилишини кўряпсизми! Қани, айт-чи, ишдан бўшатишгани учун ичаётгандирсан, ё хотиннинг кетиб қолгандир, ё пулинг қолмагандир, ё боланг нобуд бўлгандир! Булар ҳаммаси оғир ишлар. Аммо биз тош келса кемирадиган, сув келса симирадиган эркак зоти деб



бахолаймиз. Биз эркакларни дунёнинг устуни дей-
миз. Атрофдагиларга кўрғон бўлишнинг ўрнига
ичиб олиб, одамлик қиёфасидан чиқиб, оила аъ-
золарини азоблаш йигитчиликданми? Эр аёли-
га тоғдай суянч бўлмайдами? Болаларига ибрат
бўлмайдами? Шу туришида бу эркак рўзгор тор-
тадими! Шу туришида ўғил-қиз тарбиялайдими?!
Болаларига кўшиб эрларини ҳам боқаётган аёллар
шундай илимилиқ касларга учраган бечоралардир.

Яна бир нотавон эркак шундай деб ёзпти:
«Аёлимнинг тили ёмон, уни дискка ёзиб сизга
юборяман. Телевизорда қўйиб бериб бир шарман-
да килинг». Бу эркакни сўкмай, бу гўрсўхта одам-
га қурбонлиққа тортилган бечора аёлни сўкайми?!
Жохилликни қаранг! Имоннинг суст кетишини
қаранг! Ичкаридаги аёлингни, айна пайтда, бир-
га-бирга яшаётган парда остидаги аёлингни ойнаи
жаҳонда, миллион-миллион номаҳрамнинг олдида
сазойи қилсалар, сен ким деган одам бўласан?
Болаларингнинг онаси-ку у! Аёлингнинг тили бир
метр бўлгунча қўйиб берган ўзинг-ку! Хотининг-
нинг шарманда бўлиши ўзингнинг фош бўлишинг-
ку!

Хулоса: бизни ким хафа қилса, аввал биз-
дан нимадир ўтган бўлади. Алини хафа қилмаган
бўлсак ҳам, Валига қилган ноҳақлигимиз учун ху-
дойим жавобни Алидан қайтариб қўяди. Қолаверса,
бировдан шикоят қилаётганки одам, билгинки,
ўзининг ҳам илигида иллати бор одамдир.

Энди майдалашма

Савол:

Эрим узок шахарга ишлагани кетди. Бошида оз-оз пул жўнатиб турди. Кейин эса унинг бошқа миллат вакилига уйланиб олганини эшитдим. У ёрдамини тўхтатди, қийналаётганимизни айтиб хатлар ёздим, телефон қўнғироқларига жавоб бермасди. Болаларим жуда кичик бўлгани учун бирор жойда ишлолмасдим. Ота-онам, укаларим баҳоли қудрат ёрдам бериб туришди. Сўнгра тикувчилик қилиб бироз ўзимга келиб олдим. Тўрт йилдан кейин эрим ногирон бўлиб қайтиб келди. Уни роса дўшослашган, ярим танаси абгор ҳолатда эди. Уни уйдан ҳайдай олмасдим, чунки бу уйда қайнонам ҳам бор. Эримдан бутунлай қўнглим қолган. Бир ховлида, лекин алоҳида яшаймиз. Хатто у билан гаплашгим ҳам келмайди. Майда болаларим билан хор қилиб ташлаб қўйган эрни кечириб бўладими?

Жавоб:

Онажон, бошингдан нима ўтган бўлса, пешонангнинг ёзиғи деб бил. Илоҳий ёзиғ эса ҳамиша хосиятли бўлади. Ё синовдан ўтяпсан, ё ўзинг билмаган қайсидир гуноҳларинг ювиляпти. Эринг чўнг жазони олиб бўлибди. Аллоҳнинг ўзи адолатли кози, ҳамма борада Аллоҳнинг ўзига солиб қўй! Гаплашмасанг гаплашма! Вақт ўтаверсин, нима қилишни вазиятнинг ўзи кўрсатади. Аммо сен ўзингни йирик ушлашда давом эт! Эрсиз қолиб айниб кетмадинг, тиланчилик қилмадинг, унинг онасини ҳам қўшиб бокдинг, қайтганда ҳайдаб солмадинг — булар бош харфли МАРД-



ЛИК! Энди бу ёнига ҳам майдалашма, қовонингни очма, аммо уни даволат. Шифо бўладиган доридармонларни ўз кўлинг билан тайёрла! Шундай қилки, сен туфайли оёққа туриб кетсин. Масала бундай, онажон, Аллоҳ сени севгани учун сени хафа қилгани қаттиқ жазолади. Инсончиликда худо урганни Худоберди ҳам кўшилиб уриши йўк! Тангри яратганки бандасини севади, у эрингни севиб турса-да жазолади, Аллоҳ розилиги учун ҳам, бошқача айтганда, Аллоҳнинг яхшилигига жавобан ҳам сен жуфтингга мурувват кўрсатавер! Унинг устига, шу одам туфайли топган болаларинг сенинг келажагингдир. Қасд қилиш, гина сақлаш худобехабарликдир. Жазолаш ҳам, мукофотлаш ҳам Яратганнинг измидадир.

Эҳтиёт чораси

Савол:

Турсуной опа, никоҳ шартномаси деган гап чикди, шу оилалар учун шартми?

Жавоб:

«Шароитга қараб қонун» деган гап бор. Хар бир даврнинг ўз микроблари, ўз муаммолари бўлади. Юрт раҳбарининг 2012 йилни «Мустаҳкам оила йили» деб эълон қилишида катта ҳикмат мужасам. Чунки оилавий ажримлар кўпайиб кетяпти, уларнинг орасида ўзига тинчлар ва зиёлиларнинг кўпчиликини ташкил этиши ташвишли ҳолдир. Талокдан кўркмаслик, худодан кўркмасликдир. Шаръий никоҳларнинг авж олганини айтмайсизми?! Бу никоҳга талабгорлар ўзларини гўё художўй қилиб кўрсатадилар. Эмишки, боши очик

аёллар кўпайиб кетибди, силаи раҳм юзасидан имкони бор эркаклар уларни шаръий никоҳларига олсалар савоб бўлар эмиш. Қарабсизки, қанчадан-қанча лақма ёш аёлларимиз бу «художўйлар»га ишониб мураккаб ҳолатларга тушиб қолмоқдалар. У «силаи раҳмчи» катта ваъдалар билан харидор бўлади, бир болали бўлгунча яшаб туради. Аммо икки рўзгорнинг жисмоний югур-етими кўпайган захоти, ёки биринчи аёли жанжални кучайтириб юборса, ёки солиштириб караса, кейингисининг биринчи аёлидан ортиқ-кам жойи йўқ экан, шунинг учун унинг боридан-йўғи яхшироқ туйилади, ёки топаётган пули икки хотинга етмай қолади-да, қўл силтаб кўя қолади! «Аллоҳ розилиги учун, Аллоҳ розилиги учун!» деб иш бошлайди, нафси зерикса, терс ўгирилиб кетаверади! Оркамда бажарилмаган ваъдам, битта ёки иккита етимчам қолиб кетяпти-ку, демайди! Йигитчилик нима бўлади, деб ҳаргиз ўйламайди. Орада бирор хужжат йўқ: яна бир эрга тегиб чиққан номи билан онаси, «отаси номаълум, кўчадан топилган» аталганларнинг рўйхатида боласи қолади! Бошини қайси деворга уришни билмайди, ҳасратини эшитадиган қулоқ йўқ!

Синглим, сиз радиода ишлар экансиз, овозингиз борица ташвиқот қилинг, қандай оиладан чиққан бўлишидан қатъи назар, тўйдан олдин албатта никоҳ шартномасини тузсинлар! Бигта ўзлари шундай таклиф билан чиксалар, эҳтимол уят бўларди, аммо ҳозир шундай қоида жорий қилинибдими, дарҳол бўйсунсинлар. Бу айниқса, қиз тараф учун мухофазадир. Қолаверса, бу шартнома оила бузилишларининг олдини ҳам олиши

мумкин, айрим одамлар учун мол аччиғи жон аччиғидир, келажагини ўйлаб ҳам ғазабларидан қайтиб қолишлари мумкин.

Ажрим пайтида ким яхши кайфият билан туради дейсиз! Баъзан яхши одам ҳам алам устида ёмон одамнинг ишини қилиб қўйиши мумкин, орада шайтон бор-ку, ахир! Буни ҳаёт, буни инсончилик деб қўйибдилар, оила аъзолари ҳаммаси инсофли бўлиб, биттаси ёмон таъсирга тушиб, кейинчалик айниб қолиши ва ёшларнинг рўзгорини бузиб юбориши мумкин (аввало, бундай ҳолатдан Аллоҳ асрасин!). Ўшандай пайтда ҳам молга, ҳам жонга қуйиб қолмаслик учун, мазкур шартнома эҳтиёт чораси ўрнида бўлади.

Дуоси ўтмайдиган ота

Савол:

Дастурхон атрофида фарзандлари, куёвлари билан ичиб, чекиб ўтирадиган эркакларга муносабатингиз?

Жавоб:

Динда ароқ ва кишини кайф ҳолатига соладиган нарсалар ҳаром саналади. Инсонга зарар келтиргани учун ҳам у нарсалардан фойдаланиш тақиқланади. Куёвлик бўлиб, ўғиллари ароқ ичадиган ёшга етган одам камида эллик ёшда бўлади. Бу ёшда у албатта ароқнинг ҳаром эканлигини эшитган. Эшитиб, билиб туриб шу ишни қияптими, демак, динни ҳурмат қилмайди, бу дегани худони танимайди! Худони танимаган одам худодан қўркмайди, бундай одамдан эса ҳамма ёмон ишни кутса бўлаверади. У «кайфчиликда



билмабман» деб, бировнинг дилини оғритади, хотинини, болаларини зир югуртиради, хатто кайф ичида ота-онасини дўппослайдиганлар бор. Қўшнинг аёлига даф қиладиган, ўзининг келинига харом гаплар айтишгача борадиган лаънати эркаклар бор.

Бундайларни хар сафар «ширакайфлигида билмай килиб қўйибди», деб хаспўшлашга уринилади. Майли, унинг бундай ҳолатда ақли ўлиб қолган эди дейлик. Демак, унинг ароқни оғзига олиб боргунча бўлган ҳолатини лаънатлаш керак! У ароқни оғзига қуйгунча ўзининг мақомини, тарбиячи эканлигини, унинг хар бир қадами ўзидан тарқалганлар учун ибрат эканлигини унутган бўлса, демак, унинг ақли аслида паст! У гуноҳни килиб ичкиликка тўнкайверади.

Ўғилнинг ота олдида ароқ ичиши отасининг бетига туфлаш билан тенг, харом нарсани тановул қилиш уят иш, ота қошида тортинмай уятли иш қиляптими, отанинг ер бўлгани шу! Ўғил олдида ароқ ичиб, пойинтар-сойинтар гапириб ўтирган ота: «Мен аллақачон оталикдан чиққанман, сен кимдан ўрнак олсанг олавер, сен қандай одам бўлсанг, менга барибир», деяётган ҳамиятсиз эркакдир! У ўзининг «эркак» деган унвонини нафсга алмаштирган бир махлуқдир!

Бу оиланинг ўғиллари-ку анови тарбиясизнинг болалари. Аммо куёв ҳам қайнота билан индамай бирга-бирга ичишиб ўтирса, билингки, у ҳам бетайин отанинг боласи! Шарқона тарбияланган йигит бўлса, қайнотаси зўрласа ҳам, бир баҳона топиб бу даврадан туриб кетиши, қайнота билан ўзи орасидаги одоб пардасини асраши керак эди.

Аммо иродасизроқ йигит бўлса, қайнотанинг беодблиги унга яшил чироқ бўлади: энди у хоҳлаган пайтда ичавериши мумкин. Хотини гинг деёлмайди. Чунки унинг тили кисик, аввал отасини эплаб олсин!

Мен эса айни дамда ичмай ҳар бало бўлгур анови оила бошлиғи бўлмиш эркакнинг аёлини ўйлаяпман! Бу бечора аёл ўзининг армонларини ўйласинми, отаси ароқ ичишга ўргатаётган ўғлига куйсинми, куёвининг ўзининг хонадонидан «ўқланиб» чиқиб қизига қандай ҳужум қилишини ўйлаб сиқилсинми?!

Анови келин қайнотаси маст қилган эридан азият чекса, қандай қилиб бу қайнотага ҳурмат билан қарай олади?

Умуман, шукрона билан ёзилиб, дуолар билан йиғиладиган дастурхон атрофида бу эркаклар ароқ орқали ўз ақлларини ўлдириш билан машғуллар. Булар шу ўтиришларида жамиятнинг чирик бир парчасидирлар. Файз қани бу оилада, фаришта қани?! Дастурхон атрофида пок ювиниб, пок тараниб, бола-чаканинг дуосини ота қилмай ким қилади, ахир?! Маст бўлиб уйлариининг хавосини бузиб ётган эркаклар болаларини севмайдиларми? Умрларини сарфлаб, тиришиб-тирмашиб юриб те-риб келаётган донлари болалари учун-ку, ахир! Қандай қилсам, болаларимни бахтли қиламан деб ўйласалар керак-ку!

Балки улар «дуо» нима эканлигини, унинг кучини, жами униб-ўсишлар дуолар туфайли эканлигини билмасалар керак. Агар билганларида ҳаром бор жойда дуолар ижобат бўлмаслигини ҳам билардилар. Бармоклари ароқ ичида турган ота ўз

боласини дуо қилишга яроксиз эканлигини ҳам билган бўларди. Фарзандлар ота дуосини олсам деб умидвор бўладилар, аммо оталари бўлсаю дуолари ижобат бўлмаса, бу қандай кўргулик?!...

Синглим Зумрадхон

Савол:

Сизнинг опа-сингилларингиз ҳам бўлганми, илтимос, билишни жуда истардик

Жавоб:

Онамжоним ҳар сафар, «фарзанд доғидан менинг фақат кулим қолган», деб бўзлардилар. Мен туғилгунча Қобилжон, Неъматжон, Мухиддин исмли акаларим бўлган ва улар уч-тўрт ёшларида кетма-кет, арзимаган касалликлар билан қазо қилишган экан. Мендан кейин Зумрадхон ва Тўхтахон исмли сингилларим дунёга келишди, уларни ҳам Аллоҳ қайтариб олди. Акаларим ҳам, сингилларим ҳам бир-бирлари билан юз кўришмаганлар. Онам шўрликнинг бағридаги боласи ерга тушгунча олдидаги югуриб юргани ўлиб қолаверар экан. Шунинг учун ҳам отимни Турсуной қўйишган. Яшаш жойини ўзгартирсак, балки боламиз туриб қолар деган ирим билан, мен туфайли, бир ярим яшар пайтимда Тошкентга кўчиб келишган экан.

Онамжоним бир умр мени яйраб эркалатолмай, бағрига босиб, кучоқлолмай ўтди. Ортиқча суюб юборса, менга зиён етадигандай, ўзини совуққон тутишга уринар, биров мени мактаб қўйса ҳам, рангларида безовталиқ пайдо бўларди. Онам кирк бешга, отам олтмишга яқинлашганда ука-

ларим Охунжон ва Олимжонлар дунёга келишди. Минг шукрки, улар ували-жували бўлиб умр кечирмоқдалар. Илоҳим ўтган жигарларимнинг умрини уларга қўшиб берган бўлсин.

Синглим Зумрадхон тўрт ёшида қазо қилган, мен ўшанда етти ярим ёшда эканман. У қош-киприклари қуюқ, кўзлари йирик-йирик, истарали қизча эди. Ювошгина эди, шовқини ҳам йўқ эди. Елкасига кафтим билан уриб ухлатаётганимни, узун киприкларини ёпиб ётишларини эслайман. Агар у ўлмаганида умрларимни узайтирадиган жигарим бўлар эди. Чунки у жуда самимий бўлган экан. Дадам айтиб берадилар: қазо қилмасидан бир йил бурун дадам менга пўстин пальто олиб келибдилар. Ўша пайт кўчада эканман, уйда Зумрадхон бор экан. Маблағ танқислиги учун, фақат менга олган эканлар. Дадам тугунни очишга хижолат эмишлар. Зумрадхон эса нима олиб келганларига жуда қизиқиб қолибди. Дадам: «Бу опангизга эди, пул топсам, кўриб келдим, кейинги сафар албатта сизга ҳам олиб келаман», дебдилар. Зумрадхон кўзларини чарақлатиб: «Бу опамгами, дадажон, мен ҳозир чақириб келаман, опа, опажон, сизга пальто олиб келибдилар», дея подон кийкирганича кўчага югурибди. Дадам дунёдан ўтгулларича: «Зумрад қизим ўшанда ҳаргиз хомуш тортмади, менга қани демади, опаси учун чунон қувондики, унга ҳам олиб келолмаганимдан бағрим эзилиб кетди», деб йиғлаб ўтдилар.

Шу синглимнинг ўлими билан боғлиқ сиру синоатлар эсимга тушса, вужудим жунжикади. Ўшанда кишки таътил эди. Онамнинг оналари тирик, шунинг учун ҳам тинмай Алдижонга талпинар



эдилар. Дадам онам, мен ва Зумрадхонни вокзалга олиб чиқиб кетяптилар. Андижонга бориш ҳамиша биз учун қувонч бўлган. Аммо ўша кунни ўйласам ҳанузгача юрагимга тош ботади. Шу десангиз, чиқиб кетиш олдидан менга шунақанги йиғи кел-яптики, ҳеч ўзимни тўхтатолмайман! Йиғи оддий йиғи эмас, ич-ичимдан ўкирик келарди. Ҳеч ким юпатолмайдиган йиғи! Зумрадхоннинг ўша кунги атрофимдаги пириллашларини кўрсангиз! Хали у ўйинчоқни олиб келади, хали бу қўғирчоқни олиб келади, «опажон, буни олиб кетайликми, мана буни тугунга солиб олайликми?» деб тинмай юпатишга уринади. Дарвозахонадан чиқиб кетяпмиз ҳамки ўзимни тўхтатолмайман. Шу орада бўғилиб кетган онам юзимга тарсаки тортиб юбордилар. Энди эса баралла «Андижонга кетмайлик!» деб йиғлай бошладим... Лекин жўнаб кетдик.

Энди бу ёғини сўрасангиз. Андижонга етиб бордик. Қий-чув килиб кўришган, сўрашган бўлдик. Қўл-пўлларни ювиб дастурхон атрофига тизилган бўлдик. Қарасак, қаторда Зумрадхон йўқ. Ховлининг ичкари, ташқарисини қарадик, йўқ. Кўчада йўқ. Икки ён қўшнидан суриштирдик, йўқ. Бир ён қўшни яқин қариндошимиз эди. Ховлиларининг орқасига эса қабристон жойлашган. Уларнинг ўша қабристонга очиладиган дарчаси бор эди. Ҳар эҳтимолга қарши ўша ёққа ҳам кўз ташлайлик-чи, деб қарабдилар. Нимани кўрибдилар денг?! Зумрадхон ўша ерда эмиш! Менинг икки акам шу қабристонга ёнма-ён кўмилган экан, Зумрадхон ўша икки қабрининг ўртасида ўйнаб ўтирибди эмиш! Қиш бўлса, ер қор, совуқ. Қандай килиб тўрт яшар бола йўл

топиб қўшиникига чикди, қандай қилиб дарчани топди, айнан анови икки қабрнинг олдига қандай қилиб бориб қолди?! Азиз ўқувчим, бу дунёнинг биз билмаган синоатлари кўп! Аллохнинг мўъжизалари сонсиз, саноксиз!...

Андижонга борганимиздан уч кун ўтар-ўтмас Зумрадхон оғриб қолди. Икки кун қаттиқ иситма-лаб, мутлақо овози чиқмай қолди. Унга дам солдиришди, кимларгадир ўқиттиришди, аммо докторга олиб боришмади. Бизнинг қариндошлар анчагина жоҳил эдилар, уларнинг: «Нима, дўхтиринг худо-миди?» деган акидалари бор эди. Бешинчи кунга бориб Зумрадхон узилиб қолди. Кейинчалик билсак, у бўғма, яъни дифтерея касаллигига учраган экан. Лоши эса у келган кунимизок ўзи белгилаб келган жойга, икки акасининг ўртасига қўйилди...

Бу ўлим олдиндан маълуммиди? Бу касаллик аввалдан пешонага битилганмиди? Тошкентдан чиқаётганда мен нега дод солдим? Юрагим қандай қилиб унинг ўлишини олдиндан билиб олди? Қабристонга Зумрадхонни ким чақирди? У норасида гўдак чиқиш йўллари қандай беҳато топди? Бу бари синоат...

Бир маҳал азадаги аёллар йиғидан тўхтаб, менга кулоқ солишар эмиш. Муштдаккина бўлиб олиб айтиб-айтиб, бўзлаб йиғлар эмишман, сўзларни тизиб-тизиб, кофиялар билан сўзлаб йиғлар эмишман. Бу гўдакларча фарёд Турсунхон деган кизалокнинг Зумрад исмли чиройли синглисига бағишлаган биринчи шеъри эди. Ўша куни бир жуфт юлдуз кўз самоларга учиб кетди ва ўша куни заминда қор бағрини ёриб чиққан бойчечак каби бир шоир юрак йиғлаб уйғонди ...

Сенинг иккинчи муаллифинг

Савол:

Қайнонам яхши аёл, аммо борган сари инжиқ бўлиб боряпти. Бу ҳам етмагандай, айтмаган гапларимни айтдинг деб туриб оляпти, мен нима қилай?

Жавоб:

Болажоним, халқда: «Мен ҳам эдим санингдек, сен ҳам бўлурсан манингдек» деган гап бор. Кўриб турибсан, қайнонанг эскиб боряпти. Эскириш эса ҳамманинг бошида бор нарса. Бир кун келиб ўзидаги қаричилик қандай намоён бўлишини ҳеч ким олдиндан билмайди. Зотига қараб, олган тарбияси, яшаб ўтган йўлига қараб ҳар ким ҳар хил улғаяди. Кимдир тораяди, кимдир дарё феълли бўлиб қолади. Болаларнинг елкасига фарзандчилик юки, фарзандчилик азияти мана шундай пайтда тушади. Илоҳим вақти келиб эскириб, ёкимсиз бўлиб қолганимизда болаларимизни бизга харидор қилсин!

Шу бугунги кунингни сенга бераётган Аллоҳ. Демак, бу – сенинг улушинг, вазифанг индамай кўнишдир. Чунки унинг тагида илоҳий – режали, хосиятли мақсад бор. Бу муросан мадора билан ё савоб ишлайсан, ё гуноҳларинг ювилади. Ёки сенинг ҳам шундай инжиқ қариш эҳтимолинг борлиги учун, қариганингда ёкимсиз бўлиб қолмаслигинг учун Тангри қайнонанг орқали сенга илм бераётир. Тишингни тишинга қўйиб, қайнонангнинг кўнглига қара, бир куни сенга ҳам кимдир шундай балогардон бўлади, болажон!

Йўқ гапларни сенга тўнкашига қараганда, у аёлниң саломатлиги сусайганга ўхшаяпти. Миядаги қон айланиш издан чиқса ҳам одам фаромуш ҳолатга тушиши мумкин. Уни бир сидра шифокор кўригидан ўтказиб, парваришини қил. Балки енгил дори-дармон билан яна аслига қайтиб қолиши мумкин.

Колаверса, сен унинг ўрнига онангни қўйиб кўр: агар шу аёл ўз онанг бўлганида, гапини кўчага олиб чиқармидинг? Дардинг ичингни ўйса ҳам яширардинг, кечирардинг, тўғрими? Ўроқда йўқ, машоқда йўқ, хирмонда ҳозир бўлдинг, уйини эгалладинг, ўғлини эгалладинг, набираларига она бўлиб олдинг! Шундайми? Шулар ҳақи унинг эскирган, ғариб ҳолатига кўниб, чидаб яшай қолсанг нима қилибди? Болажон, сен аввал ҳаддинг қаергача сиғишини бил! Келин бўлиш, рўзғор тутиш ҳаётингда инқилобий бурилиш бўлди, тўғрими? Бу инқилобий бурилишга ўғил туккан шу аёл сабабчи, шундай эмасми? Билиб қўй, бу аёл онангдан кейин ҳаётингнинг иккинчи муаллифидир. Доим шунинг ҳисоб-китобини қилиб юр. Бировдан нолимоқчи бўлаётган одам ўзидан кўнгли тўқ бўлиши керак. Тўғрироғи, ўзини назорат қиладиган, ишларини пухта қиладиган одам одамлардан нолимайди, балки уларга эҳтиёт чоралари билан ёндашади, тилини, дилини топиб иш битиради. Шундай қиладики, сихни ҳам, кабобни ҳам куйдирмайди. Сен ҳам шундай қилишга уриниб кўр.

Рўзгор — бу муроа

Савол:

Уч нафар фарзандим бор. Турмуш ўртоғимнинг уйдагилар мени ёктиришмайди. Айб ўзимда. Турмуш ўртоғимнинг мен деб қийналишини истамайман, қандай йўл тутай?

Жавоб:

Қизим, айб ўзингдалигини била туриб, тўғрироғи, қилаётган ишинг нотўғрилигини била туриб, нега яна хато қилишда давом этипсан? Бу кожлик-ку! Қайсарлик-ку! Бу атрофдагиларга ҳурматсизлик, ҳатто зулм-ку! Бу шайтоннинг иши, қолаверса, бу, биринчи навбатда, эрни жазолаш-ку! Уйига кирволиб, қозон-товоғига шерик бўлиб олиб, уларнинг кайфиятини бузишга нима ҳақнинг бор?! Келиннинг биргина айби учун дархол бутун оила ёмон кўриб қолмайди. Сен қандай хоҳласанг, шундай иш тутяпсан, уларнинг сенга чидашларини талаб қиляпсан! Сен кимсан, бу уйдагиларни туғиб қўйдингми, боқиб қўйдингми, иморатини тикладингми, қизини чиқариб, ўғлини уйладингми? Аксинча, болаларинг шу ердан ватан топиши керак, ўзингнинг ҳам асл бошпананг шу ерда. Ҳаётингнинг бутунлиги, фарзандларингнинг етим бўлмаслиги ҳам шу ер, шу эр билан боғлиқ!

«Турмуш ўртоғимнинг мен деб қийналишини истамайман» эмиш! Бу гапинг билан ўзингча унга гўё муҳаббат изҳор қиляпсан. Жуфтини яхши кўрган одам биринчи навбатда унинг кўнглини олмайдими?! Озгина камтарлик, озгина кечириш, ёлғондан бўлса ҳам, «хўп бўлади» деб туриш учун сендан пул кетмайди-ку? Ҳеч йўқ эринг-

ни хижолатдан чиқариш учун унинг оиласига ёқишга ҳаракат қилсанг, бирор жойинг ўпирилиб қоладими? Уч болали бўлгунингча ўзингни шундай тутган бўлсанг, қайнона, қайноталаринг инсофли одамлар экан. Эринг ҳам қудук экан!

Бу туришингда ўзингча бир карвон болангни етаклаб эрингдан ажрашиб ҳам кўрмоқчисан. Гўё шунда ҳамма сенга дод деб осилиб олади, гўё жуфтинг тиз чўкиб ялинади, қайнона-қайноталаринг тавба қилиб, сенинг оғзингдан чиққанини бажарадиган бўлишади! Шундайми? Агар сен олтиндан ясалган бўлиб, сени мисқоллаб сотса пулга айланадиган бўлсанг, эҳтимол сени йўқотишдан кўркар эдилар. Аммо яхшилаб ўйлаб кўрдингми, ҳозирги вазиятда кўпроқ кимга зиён? Сенга, сенга ва фақат сенга!

Уч боланг билан борсанг онангнинг уйига сифасанми?

Сифсанг, неча кунга, неча ойга сифасан?

Уч боланг билан сени ким ҳам оламан деб турибди?

Уч болангни олиб қолиб, сени эрга берадиган онанг яна неча йил яшайди?

Ёки эринг сенга махлуқдай эргашиб, ота-онасидан кечиб чиқиб кетадиган бўлса, ўсиб-унади деб ўйлайсанми?

Агар ажрашадиган бўлсанг, эринг албатта янгисига уйланади, бундан фойда кўрасанми?

Алиментга уч болани бокиб бўладими?

Ё болаларингни етимхонага топшириб юборасанми?

Юқоридаги саволларга терс жавоб бериб, «нима бўлсам, пешонамдан кўрдим» дейдиган бўлсанг,



сен соғ эмассан, болам, сени рухшуносга кўрсатиш керак. Ақли бор аёл боласини, эрини, уйини, ўзини ўйлаб яшаш дастури, муомала дастурини тузади. Одамларга ёқишга нима халақит бераётган бўлса, дарҳол йўқотади: тилини юмшатади, феълини юмшатади. Уришқоқ одамнинг олдида жим туради, инжиқ оила аъзосига зийрак туради, бир қилган хатосини бошқа такрорламайди. Ана ўшандагина уйда кислород кўпаяди, қулоғи тинчийди. Эсингда қолсин, болажон, одамлар манфаатдор бўлсаларгина жавобига сенга яхшилик қилишга тутинадилар. Бу дегани, доим уларга нимадир узатиб туришинг керак, дегани эмас. Мухими, агрофингдагиларнинг ҳолига айлан, керагида хизматини қилиб қўй, руҳини кўтар, еб турганингдан илин, билмай гапириб, билмай хато қилиб қўйса, биринчи бўлиб кечир! Ўшандагина сенга талпинадилар, сенга эрийдилар.

Уйланадигану турмушга чиқадиганлар эшитиб қўйсин, оила қуриш бу, аввало, ўзини, ўзлигини қайта қуриш деганидир. Кеча бир фильмда «Эрхотинчилик нима?» деган саволга бир кекса одам: «Ёнидагилардан улар нима иташини сўрашдир», деб жавоб берди. Ва бу оқилона гапдир! Рўзгор – муросадир, оила, уй истакларинг ижро бўладиган роҳатмакондир! Болаларингга бахтли болалик, жуфтингга саодатмандлик керак десанг, бирга яшайдиганларингни рози қил. Ана ўшандагина ўзингни бахтли ҳис этасан.

Ўз уйим — ўлан тўшагим

Савол:

Синглимнинг иккита боласи бор. Қайнонасига гап қайтаргани учун эри талок кўйди, аммо бизнинг ажратиш ниятимиз йўқ. Синглимга нима деган бўлардингиз?

Жавоб:

Биринчи маслаҳатим шуки, аҳдингизда маҳкам тулинг ва уларни ажраштирманг. Синглингиз учун қуда тарафга сиз бош эгиб боринг, унинг учун сиз узр сўранг. Аслида, хомликда эру аёлнинг биридан қоладиган жойи йўқ экан. Куёв болангиз талокнинг ёмон гап эканлигини билади, аммо бу сўзнинг илоҳий маъносини ва бу сўздан кейин орқага қайтиш мумкин эмаслигини билмаган. Аёлдан кўнгли қолмаган бўлса, онасининг олдида оилавий сиёсат учун пўписа қилган бўлса, айти пайтда ич-этини еб юргани аниқ. Иккита боланинг тақдири уни безовта қилаётгани аниқ. Илмсизлик билан қилинган хатони, иншооллох, Аллоҳ кечиргувчидир. Шариат қоидаларини, бандалик бурчларини бирда бажариб, кайфияти кўтармаса бажармай қўявериш мумкин эмас. Кўнглига келганки ишни ўйламай қилаверадиган одам Аллоҳнинг борлигига бирда ишониб, бирда ишонмайдиган одамдир! Бундайларнинг иккала дунёси ҳам оғир келади. Унинг дастидан атрофидагилар жабр кўради. Ота бўлган одам ўзини эмас, биринчи навбатда, ўз юки билан болаларини эзиб қўймасликни ўйлаши керак.

Иккинчидан, синглингиз тезроқ тил тийишни ўрганмаса, эрсиз қолишдан ташқари, кўп ўтмай



хамманинг назаридан қолади. Бу дегани, ўз-ўзидан четга сурилади. Чунки мўътадил яшаш учун ҳаммага кайфият керак, кайфият бузадиган одам кимга ҳам ёқади дейсиз! Ўттиз ёш катта кайнонага гап қайтарган одам ўз онасининг, укасининг, боласининг оғзидан олиб ёқасига ёпиштириши аниқ. Ва уни шу туришида ўзиникилар ҳам яхши кўраверади дейсизми? Кайнонаси итфеъл бўлган тақдирда ҳам, келин албатта унга ёқиш йўллари излаши керак, «керак»кина эмас, излаши шарт! Чунки у ўзи ҳали ёш, асаблари жойида. Чунки бу дунёдан ўтиб бораётган – кайнона, у эса ҳаётга энди кириб келяпти! Устига-устак, камчиликлари борлиги аниқ, хато қилгани учун кайнонаси портлаган! Унинг устига, ундан порози бўлаётган бу аёл унинг эргинасини дунёга келтирган! Қолаверса, бу хонадонда келиндан ташқари ҳамма бир-бирига қондош, онасини бировга талатиб қараб ўтирмайди. Яна қолаверса, ёнидаги икки боласининг илдизи шу ерда, шу ердан бошка жойда улар яйраб ўсолмайди.

Энг асосий гап: турмушдан қайтган қиз онасининг уйига сифмайди, ўзи сифса ҳам, юраги доимий қисилиб яшайди. «Ўз уйим – ўлан тўшагим» деб келин бўлиб тушган жойни айтадилар. Ва, қизларжон, қулоғингизда бўлсинки, отангнинг ўнта қасри жуфтингнинг тўкилиб тушган ҳовлисичалик кўнглингни тўлдиролмайди. Гап тамом!

Боланг кўриб турсин

Савол:

Болаларимни ота-онасига меҳрибон қилиб тарбиялашда нималарга эътибор беришим керак?

Жавоб:

Қайсики оилада фарзандлар онапарвар, отапарвар бўлсалар, билиб қўйингки, ўша хонадоннинг катталари яхши инсонлардир. Яъники, уларнинг оқилона ишлари эвазига Аллоҳ мана шундай вафодор фарзандлар бериб қўйган. Хар бир кунимизнинг сифати, ишларимизнинг юришиш-юришмаслиги, атрофимиздаги одамларнинг бизга муносабати — бари-бари қайтим! Биз шу қайтимга яраша ишларни содир этиб бўлганмиз. Ва ҳаммамиз ҳозирги ҳолатимизга жуда муносибмиз. Жирилламасдан, сакрамасдан, астойдил ўйлаб кўрсак, бизга нега бундай кун бериб қўйганининг сабабини топиб оламиз.

Болажон, хар бир гапингни ўйлаб гапиришга, хар бир ишингни тарозуга солиб қилишга мажбурсан! Ўз фароғатингни ўйласанг, ўзингни тартибга солишдан бошқа иложинг йўқ. Хонни қизимисан, битта ўғилмисан, ўзингни ўзинг тиймас экансан, ҳолингга вой! Отанг банкир бўлса ҳам, онанг лочиндай уддабурон бўлса ҳам пешонангдаги шўрни куритолмайди, сенга нажот беролмайди!

Аллоҳ қарздорлик бурчларини танийдиган, силаи раҳмли инсонларни сийлайди. Сен ўз ота-онанг, жигарларинг, умуман, сенга яхшилиги сингиган кишиларни ҳеч қачон эътибордан қочирмасанг, болаларингни ҳам сенга шундай қилиб қўяди. Пулинг ёки уларни йўқлашга жисмоний имкониятинг

бўлмаса, уларни дилингда ёд этиб туришинг, хижолат чекишинг, интиклик билан ёрдам беришга уринишинг ҳам ҳисобга ўтаверади. Болаларингни ҳам сенга нисбатан шундай безовта сайлаб қўяди. Энг муҳими – ният! Яхши ният албатта амалга ошади. Уни Тангрининг ўзи амаллатади. Сен фақат хоҳла, ният қил!

Болани яхши муаллимга бериш, унга яхши китоблар ўқиттириш, яхши насиҳатлар қилиш ҳам яхши нарса. Аммо унинг фойдаси ҳаминкадар. Асосан, қуш инида кўрганини қилади. Ҳеч қачон бўрининг уясидан одам чиқмайди! Ота-онанг тирик бўлса, болангга кўрсатиб туриб уларни хурсанд қилишга кириш. Иддаоларини кўтар, инжиқ сўровларини бажар, уларнинг кўнгли учун дастурларингни ўзгартир. Улар кутмаган совғалар қилишга урин, сайру саёҳатларга олиб бор. Буларни боланг кузатиб турсин. Баъзан бошқа шаҳар, узок вилоятлардан келиб, «онам сизни яхши кўрадилар, сизни олиб борай ёки хузурингизга олиб келай» деб юкиниб қолсалар, оналари учун китобларга дастхатлар ёздириб, телефонларда «опажон, онам овозингизни эшитишга муштоклар, икки оғиз гапириб қўйинг», деб оналарининг кўнгли учун минг қўйга тушсалар, хавасларим келади, беихтиёр уларни дуо қиламан.

Агар ота-онанг ўтиб кетган бўлса ё эсинг энди кирган бўлса, кеч эмас, азизим, ўтказиб юборган вақтинг, имкониятларинг учун астойдил ачин ва тавба қил! Ва тезлик билан яхши амаллар қилишга тутин! Сўзингга, пулингга ҳамда жисмоний ёрдамингга мухтож одамлар атрофингга тўлиб ётибди. Уларни топ, тикла, кўнглини ўстир, ду-

осини ол ва Аллоҳга мурожаат қил: «Менинг болаларимни ҳам силаи раҳмли қил», деб сўра. Тангри эшитгувчидир.

Илоҳий огоҳлантириш

Савол:

Опажон, бир танишим маслаҳат сўраб қолди. Бу оилада 3 фарзанд бўлиб, кенжа жиянчаси 5 ёшда экан. Ота-онаси давлат ишида. Топиш-тутишлари яхши. Эргалаб кетади, яъни қачон келиши номаълум. Шунинг учун ота-она ишга кетишда: «Мана бу костюм чўнтагида пул бор, агар биз ишда ушланиб қолсак, керакли нарсани олинглар», деб тайинларкан. Икки катта фарзанд бу пулдан худди шу тарзда фойдаланиб туришаркан. Кичкинтойнинг ҳам шундай қилгиси келган. Пулдан кўчага олиб чиққан, боғчасига олиб борган. Ундаги пулни кўриб тенгқурларининг ҳам муносабати ўзгарган. Бола пул таркатадиган, болалар эса бирга-бирга сарфлашадиган, нуқул унинг атрофида ўралашадиган бўлиб қолишган. Бу орада ота-она пул керагидан ортиқ сарфланаётганини сезишган ва иккита катта боласини сўроқ-саволга тутишган. Улар пулни ўрнида ишлагганларини таъкидлаганлар. Кичкинтойдан ҳеч ким гумонсирамаган. Ота-она пул қўйиладиган жойни ўзгартирганлар. Аммо пул ғойиб бўлаверган. Синчиклаб аниқлашса, «бош қахрамон» кичкинтой экан. Пўписа қилишнинг ҳамма турларини қўллаб кўришибди, аммо барибир чўнтаклардан пул йўқолиши давом этяпти экан. Улар ваҳимадалар ва нима қилишни билмай гаранглар.

Жавоб:

Савол берган танишингизга айтиб қўйинг: ваҳима қиладиган нарса болада эмас, уларнинг ўзларида! Аввал ота-она ўзини яхшилаб таҳлил қилсин.

Улар муҳимдан номуҳимни ажратолмай қолибдилар. Инсоният бола-чақасининг равнақи, бутунлиги учун ўқийди, ишлайди. Улар эса пулга ружу қўйиб, фарзандлар тарбиясини бир четга сурибдилар. Бу – нафс! Нафсга ружу шайтондан ва уларнинг гуноҳига бола қолиб турибди.

Ҳаром лукма бор жойда дуолар ижобат бўлмайди ва ана шундай ҳолатлар содир бўлиб туради. Тумлари покланмагунча болалари ўнгланибди.

Агар менинг тахминим нотўғри бўлиб, (Илоҳо, нотўғри бўлсин!) ҳалол ишлаётган бўлсалар, зотларида қўли эгри одам бўлмаса, бу вазият албатта ўтиб кетади. У бори-йўғи бир боғча бола-ку!

Аллоҳ уларни огоҳлантиряпти. Агар тезда ишларидаги ва хонадонларидаги хато кетишларни тўхтатмасалар, шоир айтганидай, кичик ноқобил катта ноқобилга айланиб кетиши мумкин.

Бирламчи, боланинг боғчасини ўзгартиришсин, ҳозир у билиб-билмай боғчадошларига ҳам зиён етказяпти. Ё онаси камида бир ой бола билан кундузлари ҳам бирга бўлсин; қизиқишлари билан қизиксин, бирга ўйнаб, бирга шуғуллансин. Ёмонлик ва яхшилик ҳақидаги ҳикоялар, эртақларга аста, усталик билан эътиборини қаратишсин, китоблар ўқиб беришсин. Жойини топиб туриб, ёмонлик, масалан, ўғрилик, ёлғончилик, бировни хафа қилиш, албатта, жазоланишини мисоллар билан сингдириб боришсин.

Болани уриб, бақириб танбеҳ бермасинлар. Бировларнинг олдида уялтирмасинлар. Бола ҳозир бемор, пул ишқибозлиги билан оғрияпти. Унинг руҳи микробланган, муолажани аста-секин олиб борилади.

Ҳеч нарса бўлмагандай, болажонни боғларга, томошаларга олиб боришсин. Таассуротларини у билан баҳам кўришсин.

Бола ота-онаси ундан қаттиқ хафа эканлигини ҳам, аммо уни ҳурмат қилиб туришганини ҳам албатта сезиб турсин.

Ширинлик Фарходга жавоб

Сирдарёнинг Ширин деган шаҳарчасидан Фарход деган йигит ёзаяпти. Ёзуви саводли, хушхат. Гаплари жуда тамизли. Бизнинг «Бекажон»имизни доимий ўқиб бораркан. Бу йигит қошидаги қарздорлигимиз шундаки, у бизга жуда ихлосманд экан, раҳмат!

Фарходжон Ўринбоев бир неча саволлар йўллабди, жавобига уриниб кўрамиз.

Саволлар:

Мен ўта руҳан тушувчиман, тезда синиб қоламан, қандай чора кўрсам бўларкин?

Имонни қандай кучайтирса бўлади? Қандай қилиб қалб кўзи каттароқ очилиши мумкин?

Кўнглим ўта бўш. Биров бир нарса сўраса йўқ дея олмайман. Ва бундан доим панд еб юраман.

Ҳаётнинг, инсонларнинг ва яхшиликларнинг кадрига тобора етиб боряпман. Аммо уларга муносиб жавоб қайтара олмаяпман-да!

Жавоб:

Рухан тушиш «энди нима қиламан» деб тоб ташлаш, ўзини халта кўчага кириб қолгандай хис қилишдир. Шундай пайтда киши дархол ўзидаги бор имкониятларни санай бошлаши керак. Ўзини бошқаларга солиштириши, унингдай аҳволга тушганларнинг тутумларини зимдан таҳлил қилиши лозим. Аввало, зарурдан нозарурни ажратиши, яъни бугунги кунда унинг учун қайси масала муҳимлигини унутмаслиги, муҳим нарсани қўлдан қўйиб юбормай, қолганларини вақти-соати билан ўзини босган ҳолда ҳал қилиши керак.

Аввало, ҳар қандай ҳолатга тушиш Аллоҳдан. Дархол сиз Ундан хижолат бўлинг: қайси ҳа-тоингиз учун шундай ёмон сўз, ёмон зарба ва ёқимсиз ҳолатга тушдингиз?! Буни синов деб би-линг. Нотўғри ишларингизни ўйланг, ўзингизни харгиз оқлашга ҳаракат қилманг, аксинча, тавба қилинг, афсусланинг. Ҳеч кимни қарғамай, ния-тингизни ростланг ва Яратганнинг ўзидан ёрдам сўранг! Сиз шу ишни астойдил қилинг, юрагингиз-да чирок ёнади, фикрингиз тиниқлашиб, ҳолатдан чиқишнинг учини топиб оласиз.

Атрофимизни ўраб турган ҳамма нарсага разм солинг: қиплигини ғамлаётган чумолилар, ўзи ту-хумдан чикқан инини адашмай топиб келаётган қалдирғоч, қуртнинг жонидан кечиб ипакка ай-ланиши, қор остидан ёриб чиқаётган бойчечак... Булар қандай содир бўляпти? Уларни ҳаракатга келтираётган ким? Уларнинг ҳар бири ўз яшаш қонунини қандай ёдлаб олди? Нега улар адашиб кетмайди, нега аралашиб кетмайди? Мана шу са-волларнинг уйғонишининг ўзи қалб кўзингизнинг



очилишидир. Бу дунёнинг сиру синоатларига эътибор қаратиш, ҳайратланиш, уни ўрганишга киришиш ва аста-аста билиш босқичларидан ўтиш инсончиликдаги энг олий бахтдир. Дунё неъматларини таниш – бу неъматларнинг Яратувчисига қараб пешвоз юришдир. Атрофдаги мўъжизаларга йўлиққан саринг, ҳар бир воқеликнинг фалсафасини уккан саринг Аллоҳга қойил қолиб, уни севиб борасан! Қуёш ўз ўқи атрофида айланиши каби сен ҳам ўша Буюк Зот атрофида айланиб қоласан. Ҳамма нарсанинг аввалию охири унинг қўлида эканлигига тан берасан... Иймон мустаҳкамланиши мана шу бўлса керак.

Кўнглингизнинг ўта бўшлиғи сизни худо ярлақашидир. Бу муслимликнинг белгисидир. Бировларнинг кўнглини овлаш учун сиз вақтдан, мол ва пулдан ютқазяпсиз, шундайми? «Ҳой, ношуд, бу билан сен панд еяпсан» дейётган ичингиздаги шайтон! Чунки сиз бу ҳаракатингиз билан саодат сари кетяпсиз, шайтон эса буни ҳаргиз истамайди! Сиз одамларга қилган мурувватингиз билан уйингиздаги фалокатларни ҳайдаяпсиз, шайтон учун бу омадсизлик! Сиз кўлингиздаги, борингиздаги борингизни одамларга бераётган пайтингизда сизнинг ва болаларингизнинг келажагига буюк юксалишлар кириб келаётганини шайтон кўриб туради, бу унинг учун даҳшат! Шундай яшашда давом этинг, азизим.

Демак, ўзингиздан кўнглингиз тўлмаяпти. Бу шахс тараққиётининг юқорилаш босқичидир. Бу кибрдан, яъни елкадаги зил юкдан қутулишдир. Кимки кибр ва ҳасаддан қутулса, Аллоҳ унга бу дунёнинг ҳамма пардаларини кўтаради, яъни-

ки унинг кўзлари равшанлашади, нафақат кўзи, унинг қалби ҳам кўра бошлайди, ҳамма нарса унга бор чиройини очади, завқу шавқи зиёда бўлади, шу-да саодатмандлик!

Хаётнинг, яхшиликларнинг кадрига етаётганингиз бу сизнинг шукронангиздир. Ва бу ҳам бир ибодатдир. Бизнинг Яратгандан қарздорлигимиз чексиз, биз ундан имтиёзлар, имкониятлар олишда тинмай давом этяпмиз. Олаётган биргина нафасимизнинг бахоси ўзи канча туради?! Шундай экан, У берган кўл, ақлу фаросат билан, юрак билан, қуввату қаноат билан савоб, савоб ва яна савоб ишлар килишга улгуриб қолайлик! Токи ҳазрати Бобур айтганидай, оптимизда «қолди фалондин яхшилик» деган дуолар қолсин!

Аллоҳ кечиргувчидир

Савол:

Мен отамни қаттиқ хафа қилиб қўйдим. Лекин кечирим сўрашга улгурмадим, вафот этиб қолдилар. Ўзимни кечира олмаяпман, нима қилай?

Жавоб:

Луқмони Ҳакимдан: «Сиз қандай қилиб донолар доноси бўла олдингиз?» – деб сўраганларида, «ёмон ишларнинг тескарисини қилиб», дея жавоб берган экан. Рухлар тирик, рухлар ўлмайди, сизнинг изтиробларингизни отангиз кўриб турибди, тавбаларингизни, минг бор кечирим сўрашга тайёрлигингизни аллақачон билиб турибди. Аммо бу надоматлар, кўздаги шашкатор ёшнинг ўзигина сизга таскин беролмайди, гуноҳингиздан халос ҳам қилолмайди. Қолаверса, отангиз тирик

бўлганларида ҳам, фақатгина кечирим сўраш билан мурод ҳосил бўлмас эди. Сиз феълингизни тубдан ўзгартиришингиз лозим, яхши амаллар қилишга кўпроқ киришмасангиз бўлмайди.

Аввало, ўз хатоингизни ва афсусларингизни пайтини топиб болаларингиз, укаларингиз ва шоғирдларингизга айтиб боришингиз керак. Бу улар учун илм. Чунки Аллоҳ ҳисоб-китобда одил, сиз қилган ишни болангиз ҳам ортиғи билан такрорлаб қўйиш эҳтимоли бор. Ота-онани эҳтиёт қилмаслик бир умр азоб беришини англаб етсалар ва ўзлари эҳтиёткорроқ бўлсалар зора. Бошқаларни хато қилмасликка чорлашнинг ўзи ҳам гуноҳингизни енгиллаштиради, иншооллоҳ!

Ки отангизни хафа қилишгача журъатингиз етган экан, бир хатар борки, сиз бошқаларни ҳам шошилиб кетиб дилини оғритиб қўйишингиз мумкин. Энди сиз шу масалада жуда-жуда хушёр бўлинг, энди ҳеч кимни синдириб қўймасликка ҳаракат қилинг. У қудангизми, қўшнингизми, йўлдамисиз, чўлдамисиз, ҳаттоки у болангиз бўлса ҳам, сиздан ўринсиз озор емасин. Барчани баравар аяшга ўтишингиз ҳам отангиз қошидаги гуноҳингизни ювиши аниқ.

Астойдил афсус чекаётганингиз учун раҳмат. Кеч бўлса-да, тавбага келиш ҳам фазилат. Бир қилинган хато қайта такрорланмаса, ўшанинг оти «тавба» бўлади.

Аллоҳ кечиргувчидир, фақат шарти шуки, жами амалларингиз Лукмони ҳаким айтганидай, ёмон ишларнинг тескариси бўлсин.

Мухаббат касерда яшайди?

Савол:

Турсуной опа, ёшим ўн тўққизда, турмушга чиққанимга икки йил бўлди. Битта қизим бор. Эримда кўнглим йўқ. Бир уйланмаган йигит билан гаплашаман, уни севаман.

Жавоб:

Бу савол ўзи аслида гуноҳлардан дунёга келган, қалбининг кўзи кўр, яъни нафсдан бошқа ҳеч нарсани кўролмаётган, ақли тўхтаб қолган, келажагига фақат бахтсизлик битилган одамнинг саволи. Ёки кимдир шундай аёлни кузатиб туриб, унинг номидан ёзаётгандир. Нима бўлганда ҳам, жавоб ёзишга жазм қилдик, чунки орамизда бундай нусхалар йўқ эмас.

Биринчидан, бу лаънати қизни (бу саволни ўқиганки одам бу қизни лаънатлаши турган гап) ҳеч ким оёқ-қўлини боғлаб эрга берганмас, ўзининг розилиги билан, элга ош тортиб, карнай-сурнайлар билан чимилдиққа кузатишган. Агар розичилиги бўлмаганда, никоҳли бўла туриб шунча шармадагарчиликка журъат қилган бу «жасоратли» қиз тўйдан олдин «мени мажбуран узатишяпти» деб томга чикиб ноғора чалган бўларди. Бир кўзини сузган эди, қарасаки, қармоғига янгиси илиниб турибди. Гап оҳангига эътибор берсангиз, уни битта боласи билан ҳам уйланмаган йигит «севиб» қолганидан фахр туйғуси билан гапиряпти. Ва ўзини Лайли, Мажнунларга ўхшатгиси бор.

Хўш, ҳурматли китобхон, тўйлар қилиб, эл олдида қизини дуо билан кузатган ота-она энди неча пуллик бўлди? Қизининг «ўтлаб» кетганини



қўни-қўшни, қариндош-уруғи билиб қолса, ота-она қаерга яширинсин? Айниб кетган эрсиз аёллардан одамлар канчалик сесканадилар, ёнида жуфти туриб, жуфтивинг уйида яшаб, шу уйнинг ош-нонини еб туриб, «бошқа билан гаплашаман, бошқани севаман» деяётган аёл батамом беҳаё, батамом бераҳм ва жами хунук жинойтларни килишга қодир қасдир, энди уни одамлар ким деб атайдилар? Қизи катта бўлса, онаси ким эди деган саволлар бўладими, ахир?! Эри билан яшаб туриб бошқасини севиб қолган бу қиз ўлгурнинг дастидан ота-онаси бундан буёғига қай аҳволга тушади? «Бағридаги аёли хиёнат қилибди», деса эрининг нақ юрак томири узилиб кетса-чи? Эрининг оила аъзолари-чи, улар ўғилларини нима деб юпатадилар? Қиз боққан ота-чи, ота?! Бу уят вазият қошида у тирик тура оладими?

Иккинчидан, анови уйланмаган гўрсўхтанинг уйидагилар бу шарманда қизни ҳали хонадонларига яқинлаштирадиларми, йўқми? Бу келиннинг аниқ бахтсизлиги шундаки, у «севаман» деган йигитнинг ақли расо эмас! Агар у соғ бўлганида, ўз қавмидан бўлган бир эркакнинг эрлик ориятини ер билан битта қилиб, бировнинг аёлига илакишармиди? Агар у соғ бўлганида, муқаддас никоҳига, ота-онасига хиёнат қилаётган, ҳеч кимдан уялмаётган аёлга таъби тортиб кўнгил қўярмиди? Агар у соғ бўлганида, бу беҳаё аёл эрта туриб индинга уни ҳам ундан-да яхшироғига алмаштириб юбормаслигига қафолат йўқлигини англаб етарди.

Қолаверса, бу аёлга оналик унвони насиб этиб турибди. Аёл зотининг ички тарозусида ташқарига эълон қилинмайдиган бир ўлчам бор: у мингта

тахт, мингта аъло эр, кўйинг-чи, дунёнинг нархидан ҳам боласининг баҳосини юқори кўяди! Нафақат боласининг, ҳатто унинг биргина хохиши учун жонини балоғардон қилади. Дунёдаги юзлаб, минглаб аёллар болаларини ўз отасидан жудо қилмаслик, уларнинг тирик етим бўлмаслиги учун, яъники болалари учун ўзларини кўндириб, қаноат билан ўзларига унча ёқавермаган эрлари билан яшаб ўтадилар. Шу жихатдан қараганда биз тилга олаётган аёлнинг ўзи ҳам ақлан соғ эмас. Унинг гап оҳангида «қизим ҳалақит бериб турибди-да», деган афсусланиш ҳам йўқ эмас.

Аммо бу «севишганлар»нинг иккаласи ҳам муҳаббат даъвосини қилмасинлар! Нафс ҳукмрон жойда муҳаббат ўлади. Муҳаббат бундай кир феълли, кир лошлиларда ватан қурмайди. У покловчи, у инсонни ўстирувчи, унга ривож берувчи неъматдир. У тоза дилларда, ҳеч кимга ҳалақит бермай, ўзини эълон қилмай, жимгина чўкиб яшайверади...

Ўғри кимдан тувилади?

Савол:

Битта ўғлим бор, эрим қамалиб қолди. Қайнонам буни мендан кўряпти. Йўлга сололмаган эмишман ёки менинг оёғим ёқмай ўғлилари ўғри бўлиб кетган эмиш. Ота-она бўла туриб нега ўалари йўлга сола олмадилар?

Жавоб:

Кишининг имони сусайса, Яратгандан кўркмай қўйса, унинг ақли ҳам, дили ҳам қулфланиб қолади. Унда ИСТАК, НАФС қолади, холос. Хоҳлаган пайтида хоҳлаган ишини қилаверади.

Эринг худди шундай одамлардан туғилган инсон. Унинг камоқда ўтиришига, асосан, ота-онаси сабаб! Шахвоний суюқлик ва ўғрилиқ зот касаллигидир. Отаси, онаси тўғри бўлса, бобосида ўша иллат бўлган. Бобоси яхши бўлса, момосининг момосида ўша гуноҳ бўлган чиқади. Бу бир.

Назардан қолганларнинг болаларидан ҳам ўғри, каззоб чиқиши кузатилган. Қочиб кетиб эрга тегиш, бировнинг аёлига уйланиб олиш, ота-онасини норози қилиб эр танлаш, хотин танлаш, нафснинг ортидан пул, мол, уй талашиш йўлидан кетганларнинг фарзандларини бир кузатинг, сўзимиз ростлигига ўзингиз гувоҳ бўласиз.

Кимки, касбу корига ҳаром аралаштирса, яъни касб қоидаларини бузса, тамагирлик қилса, пул дардида бировнинг зиёнига, ҳатто унинг бахтсизлиги учун ишласа, боласи зарарқунанда бўлади.

Кимки, ўғилли, қизли, келинли, эрли, отали, онали, аёллик вазифаларини бажармаса ёки чала бажарса, табиийки, қарғиш олади. Қарғалаётган одамга ҳеч нарса қилмаслиги мумкин, аммо боласи унинг учун жазо, офат бўлади. Бир момонинг фарёдини эшитган эдим: (Набираси товламачи, ўғри бўлиб, оиласининг хонумонини совуриб ташлади. Ўғрилиқнинг кетига ўғрилиқ улайверди, элу юртга шармисор бўлди.) Набираси туфайли куйган ўғлига ачинган она: «Келинимдан қаттиқ азият чеккан эдим. Келин бўлиб лоақал бир марта менга атаб тахта-ўқлов ушлаб таом тайёрлаган эмас, бирор марта киримни ювган эмас. Ўта дилим оғриганда болангдан қайтсин, деган жойим бор эди. Энди афсус қиялман, набирамнинг азобини келиним билан бирга ўғлим ҳам тортиши-

ни ўйламабман», деган эди надомат билан. Она ўз қарғишини минг бора қайтиб олгани билан Аллоҳ адолатли – бандасини ким йиғлатса, жазосиз қўймайди.

Зуваласи гуноҳлардан яралган инсоннинг дили кулф бўлади дедик ва унинг ҳамроҳи шайтондир. Унда таҳлил йўқ, виждон тарозуси йўқ. Ўзи шайтон қай йўлга бошласа юравергани учун, бошқаларни ҳам ўзига ўхшатади, бошига нима тушса, атрофдан кўраверади. Бировнинг бахт излаб келган фарзандини ўғри боласига тўғри қилгани учун келиндан кечирим сўрашнинг ўрнига уни айбдор қилишларини кўрмайсизми? Бир шoirнинг: «Имон деймизми, виждон деймизми, ҳар кимнинг кўксида худоси бўлсин», деган мисрасини ўқиган эдим. Келин қизим, қайнонанг эса кўксида худоси йўқлардандир. Унинг боласи ўғри бўлмай кимнинг боласи ўғри бўлсин?

Ҳақиқий бахт

Савол:

Андижонда тўй ўтгач, қирк кун давомида кўёвникига йўқлов жўнатиш расм бўлган. Дастлабки ҳафталарда ҳатто бир кунда уч маҳал овқат қилиб жўнатадиганлар ҳам бор. Бу айрим назари паст одамларга шу қадар маъқул келиб қолдики, минг танқид қилингани билан бу хунук ҳолатни йўқотишнинг иложи бўлмаяпти. Опажон, сизнинг фикрингиз?

Жавоб:

Узатилган кизнинг орқасидан йўқлаш авлодларимиздан қолган одат. Қирк кун давомида пай-



шанба кунлари ош, якшанбада эса патир, сомса ёпиб жўнатилган. Бу сиртдан караганда йўқлов, аммо унинг замирида маълум бир мақсад бўлган. Масалан, шундай тахминларни айтиш мумкин: келинчакнинг амма-холалари тўйдан кейинок бир-бир келиб янги рўзгор билан табриклаб кетишлари лозим, шунинг учун қудаларни кўп уринтирмаслик учун қўлларида дастурхон билан келадилар. Ёки бу қизимиз янги уйнинг таомилига кўниккунича онасининг ошину патирини соғиниб қолиб ҳам инжиқлик қилмасин, деб қилинган эҳтиёткорликдир. Ёки тўғрироғи, йўқлов баҳонасида ҳафтада икки марта хабар олиб, қизларининг юриш-туришини текшириб қўйиш, сездирмайгина керакли маслаҳатларни бериб келиш, шу тарзда келинчакни янги уйга тезроқ киришиб олишига ёрдамлашишдир. Ва бу жуда чиройли тадбиркорликдир.

Шайтон ҳар доим бизни чалғитишга тайёр туради ва ҳамма ишимизга аралашади. Шухратпарастликка мойиллиги борлар дарҳол унинг қармоғига тушадилар. Қизлари баланд охурдан ем еганлигини кўрсатмокчи бўлибми ёки мени бой деб ўйласинлар дебми, куёв томонни қойил қолдирмокчи бўладилар. Кофедан тортиб суюқ таомгача сувини чилпиллатиб, қанча масофа босиб қуданикига ташийдилар. Хўп, қиз томон шундай тутум тутди, балки буни ўйинбузуқилик қилмайлик деб, ноилож қилгандир. Аммо куёв томонни қандай рафлат босди? Ахир, қиз томон машина-машина мол билан келса, борини қоқиштириб элга ош берган бўлса, тўй ўтгунча жисмонан чарчаб етакасига етган бўлса, яна қирқ кун ошхона билан бозорда куймаланиши керакми? Ахир, бу

зулм-ку? Унинг устига, маликалардай бир қизни уларга абадий фарзанд қилиб уйига олиб келиб берса, ўғлингизга бир умрли маҳрам, ўзингизга дастёру жонингиз бўлади деб турса, бу муруват учун уларга қуллуқ қилиб, вақти-вақти билан миннатдорчилик билдириб туриш ўрнига, яна қирк кун қизинг билан қўшиб оиламни ҳам боқасан, деб дарвозага термилиб туриш инсончиликданми? Яна кунига уч маҳал-а?! Ўша тугунларни қабул қилаётган куёв томонларнинг акли ўлиб фақат нафси қолдими? Орияти ерга қўмилдими уларнинг?! Қайнота қариб андишасини унутган бўлса, «куёв» аталган йигит бозор халтасини козикка осиб қўйиб, қирк кун қайнонасининг қаймоғига нон ботириб еб ётишга қандай уялмайди?!

Бир эмас, икки-уч воқеани эшитдим: қайноналар «орқангдан дурустрок йўқлашмади» деб, бир ойлик, икки ойлик келинларни ажраштириб юбордилар. Шу фикрга қўшилиб турган уйдаги эркакларнинг маънавиятини қаранг! Уларнинг хамиятини қаранг! Улар шу туришларида қуда томон бизнинг қорнимизни яхши бокмади, дейишмоқчими? Бутун бошли рўзғорни бошқариб келаётган одамлар ўзларига: «Куним қуданинг тугунига қараб қолдими?» деган саволни бериб кўрмайдиларми? Шайтоннинг ёмонлигини кўряпсизми, туппа-тузук одамларни фақат нафсга айлантириб қўйибди. Агар унинг инсони шарифлиги эсида турганда, йўқловнинг биринчи кунидек, ҳатто тўйдан олдиноқ киз томонга жиддий тайинлаб, бу уятли ҳаракатларни тўхтатган бўларди. Кимки нафсга ружу қўйибди, худони унутибди. Кимки худони унутибди, ҳамма иши орқага кетибди!



Кеча биров хикоя қияпти. Қизнинг онаси йўқловга ош жўнатибди. Бир маҳал куёвнинг онаси: «Ошингизнинг салати қани?» деб қўнғирок қияпти эмиш! Тугун олиб борувчи дастёр яна битта тугунчани унутиб қолдирган экан. Куда худди уни гуноҳ устида қўлга туширгандай зарда билан гапирармиш! Гўё ўғли бор шоҳу, қиз тукқан қул! Ёки қайнона ойим бу хонадоннинг ҳеч ким олмай қўчага ташлаб юборган қизини топиб олиб, ювиб-тараб қаторга қўшгандай!..

Хулоса: бизникилар шарқ эркакларидир! Уларнинг ориятлари бўйларидан баландрок туради! Бизнинг йигитлар учун аёлининг ота-онасидан моддий умидвор бўлиш дунёдаги энг ноилож, оғир ҳолатдир. Ичкуёв бўлишни ҳам улар шунинг учун ёмон кўрадилар. Ва қуда тараф қошида хамиша бошлари баланд бўлишини Яратгандан тилаб юрадилар.

Агар қайсики йигит кимнидир пули, мансаби, қоладиган катта мероси учун унинг қизига харидор бўлаётган бўлса, манфаатдор бўлишнинг нархини ориятдан юкори қўйса, у биздан эмас! Тани-жони соғ туриб, фақат дангасалиги билан хотин кишининг қўлига қараб кун кўришни ўзига муносиб деб билса, у биздан эмас!

Илоҳо, фарзандларимизни отаси учун уялмай-диган қилгин! Болаларимиз оталари билан фахрланиб юрсинлар, «ота-ўғил» деган унвонни олиш учун умр бўйи ҳаракат қилсинлар. Илоҳо, эрларимизга ақл бер, илму ҳунар бер, ғайрат бер, номус бер, ор бер! Зеро, оила учун, аёл киши учун, ўғил-қиз учун битмас-туганмас **БАХТ** шудир!

ОЧИҚ СУҲБАТ

Деди:

Оила нима?

Дедим:

Бу илоҳий бирлик, қизу йигит бири тордан, бири боғдан келади-да, илдизларини бир жойга қўяди. Шу захоти улар қўш чирокқа айланадилар, атрофнинг, ҳатто кўнгилларининг қат-қатигача ёришмаган жойи қолмайди. Рухлари яшнайти, яшилланади, вужудлари ғунчазорга дўнади. Бу бирликнинг илоҳийлиги чин, Яратган уларга осмоний кайфиятлар бериб, ҳар бир кунини оҳанраболи сайлаб, юракларини бир-бирига занжирбанд айлаб, сездирмайгина, астагина РЎЗБОР деган хилқатга олиб киради. Улар бу хилқатнинг ярми роҳат бўлса, ярми заҳмат эканлигини, бир куни ёруғ бўлса, бир куни зулматлигини билмайгина умргузаронликни бошлайдилар. Умрларининг охиригача ўзаро тиргак ва керак бўлмоққа буюриладилар. Бир-бирларига халоскор сайланадилар. Шундай ҳадис бор: «Агар эр ва аёл бир-бирига дўстлик – муҳаббат назари билан қараса, агар эр аёлининг қўлидан тутса, гуноҳлари бармоқлари орасидан тўкилиб кетур». Ишоранинг нозиклигига эътибор бердингизми, қимқи кўнглига ўтирмайгина турган жуфтига ҳам гўёки суйгандай муносабатда бўлса, унга жаннат ваъда қилинаётир. Айтилмоқдаки, оиланинг шарти шуки, унинг остонасига бир тугун ишқ-муҳаббатни бошга қўйиб, розидил айтиб эмас, бир-бирларининг қўлларидан тутган ҳолда кириб келадилар. Қолган ишларни Яратганнинг ўзи текислайди...

Деди:

Оиланинг инсончиликдаги ўрни қандай?

Дедим:

Хар бир жуфтлик ўз аслияти, салоҳиятига қараб ўз оила мактабини яратиб боради. Бунинг баҳонасида ўзи ҳам тобланиб, илм йиғиб, тараққий этади. Инсоният занжирлари узилиб қолмаслиги учун ўз халқаларини кўшади, сулоланинг давомийлигини таъминлайди. Лекин шу билан бирга, **оила** синовхона ҳамдир. Бу макон – ҳар бир банданинг савоб ва гуноҳ ишлари қайд этилиб, тўлдириб бориладиган Одам Атодан қолган азалий дафтар.

Деди:

Оиланинг қисматга таъсири?

Дедим:

ОИЛА аслида биз – ота-она, буви-буваларнинг ниятимиз ва фаолиятимиз эвазига фарзандларимизга бериладиган тақдир насибаси, улушидир. Яъники, рўзгорларнинг сифатига, асосан, эру аёлнинг зоти, тарбиячилари, у нафас олган мухит, маҳалла-кўйи ва у яшаган жамият жавобгардир. Хар бир инсон ўзи бино бўлган замон ва маконнинг ҳиди, таъми ва рангини бериб туради. Ва у жамиятдаги фаолиятини шу алфозда ижро этади. Яъни куш инида кўрганини қилади. Демак, барча инсоний интилишларда, катта-кичик ва яхши-ёмон воқеаларнинг содир этилишида, рўбарў келаётган бахт ва бəхтсизликларда хамиша **ОИЛАНИНГ ҚЎЛИ, ДАСТХАТИ КЎРИНИБ ТУРАДИ!** Бунинг отини халқ шарофат ёки касофат, деб атайди.

Ҳар ким ҳам икки дунё саодатини орзу қилади. Ҳар бир жамият тараққиёт ҳаракатида бўлади. Аммо оилалардаги дуога кўтарилган кўллар тоза бўлмагунча, хонадон эгаларининг диллари покланмагунча ниятлари ушалмайди, муродлари ҳосил бўлмайди. Жамиятга янги-янги инсонларни етказиб берувчи оила экан, оила бахт ёки бахтсизликларнинг асосий муаллифи саналар экан, демакки, емак-ичмакдан ҳам, дунё билимларини эгаллашдан ҳам аввал **одамларга оила илмини бериш зарур!** Оила илми яшаш илмидир: жамиятни соғломлаштириш, ўзини ҳам, атрофдагиларни ҳам бахтиёр қилиш илмидир.

Иддао билан деди:

Рўзгорларнинг бузилишига кўпроқ қайноналар сабабчи!

Дедим:

Қолганларда хато йўқми? Қолганларнинг ҳаммаси сифат белгисига эга, тўппа-тўғри ишлайдиган машиналарми? Одатда бир касбу корни ўрганиш учун йиллаб ўқиймиз, ўрганамиз. Ўрганолмасак, ишга яроқсиз саналамиз ва четлатиламиз. Ёқа ушлаб, тонг қоладиган нарса шуки, қўл чўзиб бу ёғи етти қават осмон, бу ёғи етти қават ернинг тубигача ўрганаман деб чиранаётган инсон ўз ҳаётига нақадар бефарқ, нақадар бепарво! Масалан, биргина тўй сабаб «Оила» деган янги уюшма тузилди. Бу – катта мамлакатнинг кичик бир модели деган гап. Бу уюшмага кирган одамларнинг ҳаёти ҳам, касбу корлари ҳам бирданига ўзгаради. Она қайнонага, ўғил куёвга ва рўзгор бошига, жавдираган, ўйинқароқ қиз келинга, хонимга айланди, устига-устак, жонини майдалаб,



устухонларини қайта ишлаб она мақомига сайланди. Бу инкилобий бурилиш! Бу қаттиқ силкиниш ва ҳар кадамда талафот бериши мумкин бўлган ҳолат. Аммо одамлар бунга лоқайд қарайдилар. Бу ҳолатга ўзимни созлашим керак, деб асло ўйламайдилар! Масалан, энг кичик қийинчиликни олайлик: оилада беш киши бўлса, беш хил феълли бўлгич: бири тор, бири кенг! Бирови гапиронғич, бирови писмик. Хўш, кириб келаётган келин улар билан беш хил йўсинда гаплаша оладими? Беш хил дидга мослаб таом пишира биладими? Онаси уни қай даражада турмушга тайёрлаган? Агар у хом бўлса, бу уйда ким уни холис етаклайди? Дарвоқе, куёвнинг уйидагилар ҳам янги одамни қабул қилишга қандай тайёргарлик кўрди? Келин деганлари ройиш бўлса, етовга юрса майли-я, хом бўлса пишириб оласан, аммо у хадеганда ўнгланавермаса, унга чидаш ва йўлга тушгунча қаноат қилиш режалари кўзда тутилганми? Боласи янги жойга илдиз отиб олгунча қизнинг ота-онаси ҳам руҳан озуқа бўлишни билишяптими ё йўқ?!

Мана шу мулоҳазаларни ҳаёлдан ўтказар экансиз, дилингиз хуфтон бўлади. Қудалардан тортиб ёшларгача янги оила остонасига кўзлари боғланган ҳолда довдираб, эсанкираб кириб келаётганлари маълум бўлади-қолади. Ким билиб, ким билмай, ким ўйлаб, ким ўйламай ҳаракат қилади. Бу таваккал юришда кимдир йиқилган, кимдир ана, ана йиқилмоқчи! Кичик каттани туртиб юборган, катта ўзидан кичикларга мазах бўлган ва ҳоказо!

Айланай яхшилар, оила дегани ҳамманинг ҳолатига, имкониятига қараб муомала қилиш, халқона айтганда, ранг кўриб ҳол сўрашдир. Яна

бошқача айтганда, оила — муроса билан яшаш, деганидир. Бировни тушуниш ҳам илм. Айнан оила илми деганлари мана шу. Ва у илм оила аъзоларининг барчасига баробар зарурдир.

Дедим:

Келинг, шу тушунишни сиз иддао билан тилга олаётган қайнонадан бошлайлик.

Яна дедим:

У ким ўзи, биласизми? Қайноналик мақомига етгунча қай йўллардан юриб келди, қай кўйларга тушди? Феълидаги чакинлару гулдуракларни кўриб, дарҳол уни қора курсида кўришни хоҳлаяпсизми? Бу чакинлар зохирига чикқунча унинг ичларини куйдириб бўлган бўлса-чи? Бу гулдураклар дастлаб унинг юрагида портлаган бўлса-чи?

Дейлик, аёл ўз устухонидан синдириб, этидан узиб, қовурғаларининг остида бола ясади. Жонини жойидан суғурди-да, шу бир парча гўштгинага жойлади ва уни ёруғ дунёга қўндирди. Онанинг ёнидаги бола эмас, унинг бола шаклидаги жонидир! Бу бола бино бўлган захоти, она ўзини унутиб бўлган, йўқ, тўғрироғи, унинг ўзида ўзи йўқ, у боласига ўтиб бўлган. Боласи нима хоҳласа, у ўшанга айланиб яшади. Унга бўй бўлди, эн бўлди, тумшуғида сув, кафтида дон бериб улғайтирди. Дунёнинг хамма рангини боласига кўчирди, ўзи ясаб, ўзи маҳлиё бўлди. Боласи кулса гуллади, касал бўлса, хазондай тўкилди...

Бир кун бундай караса, ўғли йигитмисан-йигит бўлибди! Унга назари тушганнинг яна бир карагиси келадиган хушсурат эмиш. Она янада эътибор билан кузатаркан, ўғлида шу кунгача ҳеч бўлмаган



ажиб ҳолатни илғабди: болайи жони гулга қараб ўй сурадиган, булбул сайраса хомуш тортадиган бўлиб қолибди. «Вах!» деди она, «Ўғлимга жуфт керак-ку!» Ва юрагида офтоб балқиб кетди, «Менинг болам ойларга муносиб, болам учун осмонларга совчи бўлиб бораман!» деди ... Ва тасаввур қилди: бир туп райхондай келинчак гуркираб турибди, ёнида эса унга димоқларини босмокка чоғланаётган ўғли! Вужудига сурур югурди... Аммо кетидан юрагининг бир чети шув-в этгандай бўлди! Ва «патир-путур» овоз-ла кўнглига пойма-пой гаплар кела бошлади: «Ўғлим анови кизга жуда ҳам эгиляптими? Ё тавба, у менга мутлако қарамаяпти-я? Нима деяпман ўзи, жуфти бўлгандан кейин қарайди-да, эгилади-да! Ҳо-о, мен-чи, мен?! Наҳотки ортида қолиб кетаверсам? Ахир у бир кунда ўн марта хидлаб юрадиган жоним болам-ку!»... Мана шундай мушт кетди ўйлардан онанинг юрагига ғалаён тушади.

Халқнинг гапига ишонаверинг, она билан бола – эт билан тирноқ. Жонингнинг бир четини биров узиб олса ўрни оғримайдими? Хатто жуфтини қизғанмайдиган аёл ҳам (аслида, бундай аёлнинг ўзи бўлмаса керак!) ўғлини бирозгина бўлса-да келинидан қизғанади. Ўғли бор аёл борки, бу туйғуларни бошдан кечириши табиий. Йигитларжон, сиз буни малол олманг, келинлар-ку вақти келганда ўзлари англаб оладилар.

Биз бандалар инсончиликнинг ҳамма бурчларига кўнишимиз шарт. Маънили аёллар бу оғриқли ҳолатдан мохирлик билан чиқиб кетадилар. Аммо шайтонга қўл берган, туйғуларини эркин қўйган

аёллар эса ўзларини шарманда қилиб ўйнайдилар.
Хар кимни шу кўйга тушишдан асрасин!

Дедим:

Хўш, қани айтинг-чи, она қайнонага айлангач,
нима ютадию нима ютқазади? Сиз индамадингиз.

Дедим:

Ютгани мисқолча, ютқазгани бисёрдир. Келинг,
унинг ютқазилларини эринмай санаб берайин:

– Қайнона келинли бўлди. Эвазига умрини
сарфлади, хуснини сарфлади. Игна кириб, игна
чикди – тер тўқди. Яхши емади, яхши киймади,
тўйга тайёрланди.

– Чиройли уйларни келинга бўшатиб, ўзи минг
розилик билан пойгаҳдаги эски уйга сурилди.

– Авваллари ўз уйи ўлан тўшаги эди, овозини
хоҳлаган пардага кўйиб гапирарди, энди орага
истихола тушди, сўзини секингина, у ёқ-бу ёққа
караб айтадиган бўлди.

– Олдин бирор кун гўштсиз овқат қилса ҳам
бўлаверар эди, энди уят бўлади, орада бегона бор,
қозон сифатли қайнаши керак.

– Келин йўғида ёзилиб хасратлар айтилар,
ёзилиб режалар тузиларди. Энди эса тилини ютиб
ўтириши керак. Сири ёйилиб кетиши, айби очилиб
кетиши мумкин.

– Авваллари уйида подшодай ёйилиб яшарди,
истаган ерида ястаниб ётаверар эди. Энди эса «ке-
линнинг олдида афти-ангорим айб қилмагудайми,
устимдаги кўйлак жуда эскирмаганми, шу рўмолни
ўрасам бўлаверармикин», деган андиша етмаган-
дай, ётишим хунук кўринмаяптими, деб чўзилгани
пана жой кидирадиган бўлган.



– «Болаларим катта бўлди, энди тоғора бозор, касал бозордан кутулдим» деганида келини туғиб яна келинга айлангани-чи? Ўзиникиларда бақувват эди, энди бели бешга бўлинганда эмаклаб юриб набира боқишларга нима дейсиз?

– Фожиаларнинг фожиаси боласининг ундан узоқлашиб бориши!

– Ундан ҳам баттари жонидан бўлган ўғлининг унга айтадиган гапларининг тугаб бораётгани ва ҳоказо...

Айтинг, ўғлоним, қайнона шу туришида яйраб кўриняптими? Яна ҳамма гина қайнонаданми? Мана ҳозир сизнинг гўшакдаги сўзларингизни эслаяпман: «Ахир, опажон, ёшлар ҳам яйрашсин, қайноналар уларнинг яхши яшашига ҳалакит бермасин-да», дедингиз. Болажоним, айтинг-чи, ким кўпроқ янаш имтиёзига эга? Қайноналарми, ёшларми? Ахир қайнона бу дунёдан чиқиб кетишга ҳозирданок тайёрланаётган одам-ку! Кетиб бораётган, ўтиб бораётган одамга иддао қиласизми?

Мен жами уйланган фарзандларга мурожаат қилай: ўғлонлар, қайнона аталган аёл умр бўйи йиққанини, умр бўйи ясагани, яратганини, топган савоблари, дуоларини сизга атаб, сизга қолдириб кетяпти. Юрагим увишиб айтаманки, ҳатто у бир кишилик ўрнини ҳам сизга бўшатиб кетишга тараддудланяпти! У сиз деб ўпирилди, сиз деб қуриди. Кимнинг ўлгиси келади бу дунёда? Унинг ҳам ҳеч ўлгиси йўқ, аслида! Аммо, «Қувватим кетиб ёрдамим тугаганда, боламнинг харажатлари кўпайганда, унинг топганини еб ётавераманми?» деб ҳам кетишга чоғланиб қоларкан у.



Унга яхшилаб қаранг, озгина иш қилса, хансираб қоляпти, кетиб бораётганининг ишораси шу. Пешонасидаги ажинлар ажин эмас, уни етаклаб кетаётган йўллардир! Унинг кам гапириб, кам еганидан хавотир олинг, бу унинг, «бу дунёлик сўзларни айтиб бўлдим, ейдиганимни ҳам еб бўлдим» деб, хаёт дастурхонидан қўл артиб туришларидир. Кўришганда ҳам, хайрлашганда ҳам йиғлайдиган бўлиб қолди, бу унинг видоларининг бошланишидир! Ўтиб кетган отасини гапиравериши, онасини соғинаверишидан хушёр бўлинг, уларнинг ёнига талицияпти у!...

Деди:

Юрагим увишди, опажон!

Дедим:

Эх ўғлонлар, ўғлонлар! Хунукми, чиройлими, иссиқми, совукми, тиллими, жимми, ҳар кимнинг онаси тирик бўлсин! Бундай оташин харидорни бошқа тополмайсиз! Онани хурсанд қилишга улгурмасликдай катта бахтсизлик йўқ жаҳонда!

Қайсики қайнона қовоғи солиқдир, билаверинг, ўғли унга эътиборсиз, келини эса бефарқдир! «Она, қанисиз?» деб туринг! «Она, сиз менинг тоғимсиз!» деб туринг, музлари эримаса мен кафил!

Қайсики қайнона келинини ёмонласа, у келинидан мақтов эшитмаган, келинининг муомаласи муз! Бир тўғри ишини ўн бора айтиш, бир кичик ҳадясини доим бағрингизга босиш, ёлғондан йўталса, ростдан ҳол сўраш, арзимаган егуликни «атаб олиб келдим, сақлаб илиндим», дейиш шунчалар қийинми? Ахир, бу эскириб, ғичирлаб, толиб қолган қайнонани ёғлаш, мойлаш-ку! Нахот шугинага ақлингиз етмаса!

Қайсики қайнона ўғлини ошкора қизғанса, билинги, ўғли хотиннараст, келинида эса келинлик илми йўқ! Аслида, бизнинг миллат бу борада ғоят билимдон бўлган, эшитинг, ўғлоним! Аёлингизнинг ҳам қулоғига кўрғошиндай қуйиб қўйинг! Оналарининг умрларини узайтириш учун, уларнинг розиликлари ичра яшаш учун бизникилар қуйидаги қадриятларга амал қилганлар:

– Куёв-келин ота-оналари олдида бир-бирларининг исмларини атаб чақирмаганлар. (Бу қизғанишларнинг кучайишини олдини олган.)

– Куёв ҳеч қачон оила аъзолари давраида келинчакка гап қотмаган (бу «мана мен аёлимга алоҳида эътибор бераётганим йўқ», қўполроқ айтганда, «мен унинг учун ўлиб турганим йўқ» деган ишорани берган). Келин ҳам шу пардада турган. Бу ҳар ҳолда оналарнинг руҳиятига хотиржамлик берган.

– Ўғлонлар фарзандли бўлсалар, ота-оналарининг олдида болаларини қўлларига олмаганлар, эркалаб суймаганлар (Токи ота-оналари, «мана боламизнинг овунчиғи келиб қолди, уни биздан ортиқроқ яхши кўряпти», демасинлар, юраклари зил кетмасин деб).

Оила мустаҳкамлигини сақлаш мана бундай бўлади, болажоним!

Деди:

Оила мувозанатини сақлашда уйдаги эркакнинг ўрни қандай?

Дедим:

Оила мавзусига аралашганимга қирқ беш йиллар бўлибди. Ва оилавий можароларнинг қирқ

беш минг хил рангини кўрганлигим рост. Аммо рўзғордаги муаммоларни ҳал қилишда, оила мустаҳкамлигини сақлашда эркак зотини ўта сушт кўрдим, хатто бефарқ кўрдим. Аксари эрлар эркаклик бурчи деб бола-чақани боқишу дарвозадан гурсиллаб кириб, гурсиллаб чикиб туришни тушунадилар. Бола тарбияси, қайнона-келинлик, овсинчилик, қуда-андачилик муаммоларини аёлларнинг иши, деб қарайдилар. Тўқсон фоиз эркак оилада бош раҳбар ўзлари эканлигини унутиб қўядилар ва аёллари чизиб қўйган чизиқдан чиқмай кетиб борадилар. Ўз бурчларини ўрнида адо этмасликларини қўйинг, шундай эрлар борки, бурчларини билмайдилар ҳам. **Ва беихтиёр эркакшода аёллар нима учун кўпайиб бораётганини тушунгандай бўламан!** Андижондан намоёиш этиладиган «Оналар сўзи – хикматнинг ўзи» номли жонли телемулоқотимиз бор. Кўрсатув жараёнида эркаклар томонидан берилаётган саволларни бир эшитиб қўйинг:

- Опа, аёлим гапимга кирмаяпти, нима қилай?
- Аёлим онамни беҳурмат қилади, шу яхшими?
- Аёлимнинг тили ёмон, эпполмаяпман.
- Аёлим мендан сўрамай чет элга ишга кетиб қолди, бунга нима дейсиз?
- Аёлларнинг айби билан тўйлар серчиким бўляпти.

Қизларни оилага тайёрлаш борасида минг бир хил тадбирлар ўтказиш билан оворамиз. Қандай натижа бераётганидан қатъи назар, оилага эътибор қаратилганидан хурсандмиз, бу яхши ният – фойдаси бўлиши аниқ. Аммо ўғил болалар-чи? Улар-



нинг сифатига ким жавоб беради? Юқоридаги нотавон саволларни бераётганлар ўғилли, қизли эркаклардир. Уларни эшитаётган аёлларнинг хамияти йиғлаб юборай дейди. Аммо савол бераётганларнинг ўзлари айтаётган сўзларидан уялмаяптилар.

«Аёлим гапимга кирмаяпти» эмиш! Аёли эрининг бошига чиқиб кетган, яъни тўриси пойгак, пойгаги тўр бўлиб кетган оиладан қобил фарзанд чиқади, уйда фариншта, пулида баракот бўлади, деб ўйлайсизми?

Ўғилнинг гувоҳлигида келин қайнонасининг таъзирини бериб турса, у ўғилни тирик деб бўладими? Бу ўғил, аслида, онасининг жони эвазига яшаб турибди. Она довдир бўлган тақдирда ҳам, у то дунёдан ўтгунча унга мулозаматда бўлиш, уни ҳар озордан химоя қилиш, фақат ва фақат ўғилнинг вазифаси эканлигини бу эркак билолмай турибди.

Оила аъзоларининг олдида аёл эрини ҳамма келишикка солиб чақириб турса, эр гап қайтаришга чўчиб, бўйнини қисиб ўтирибдими, демак, бу ерда бир гап бор! Оиланинг қорнини ҳам ўзи бокиб, муаммоларга ҳам ўзи балоғардон бўлиб, ҳам уй, ҳам кўчанинг ишларини ўзи қилиб, эри ичиб, тентираб, на рўзғор, на бола тарбияси, на оиласининг саломатлиги билан иши йўқ бўлса-да, болаларининг отаси бўлгани учун ноилож бир томининг тагида яшаётган аёл мана шундай вазоҳатда бўлади. Кечирингу, йигитларжон, бугунги кунда болаларига кўшиб эрини ҳам боқаётган аёллар сон-мингта! Қурбақани ҳам боссанг «вақ» этади-да, ахир! Аслида, тили ёмон аёл жами оила аъзоларини бахтсиз қилади, бундай аёл тилсиз қолса

яхшироқ эди! Аммо юқоридагидай ҳамма балога ўзи рўбарў бўла-бўла ичи зардобга тўлиб кетган аёл портламай ким портласин?!

Лекин ўзи топишли, тутишли бўлса-да, аёлининг тилидан, жанжалидан кўрқадиган, баландроқ келса, хотини кетиб қолиб, хотинсиз қолишдан хавотир оладиган, бу ўтқир хотинга ўзини ҳам, онасини ҳам, жигарларини ҳам талатиб ўтирадиган эркакка нима дейсиз? Ундан ўғил, кизи нима ўрганади? Девдай қомати билан эркак пусиб ўтирса-да, аёлининг овози ҳовлини тутиб турса, ҳаётми шу?!

Айрим аёлларнинг ким ўзарга феълларининг борлигини билиб туриб, тўйлар мақтаниш майдони эмас, эҳсон эканлигини англаб туриб, энг мухими, эркак сифатида ўзингиз бор туриб, нима учун тўйларнинг жиловини аёлларингизга топшириб қўясиз?! Нега оила раҳбари – жуфти туриб, тўйни аёл бошқариши керак? Нотўғри ишлар қилаётганини кўриб, нега ўз аёлингизни тийиш қўлингиздан келмайди?

Чумчук – чумчук бўлиб яшайди, мусича эса мусича! Дунёга йигит бўлиб келиб, йигитдай яшай олмаса, аслини сақлашда бир кушчалик журъати, қатъияти бўлмаса, бу эркакнинг турган-битгани жамиятнинг сифатига зиён-ку, ахир! Оти «эркак» бўлсагина эмас, Аллоҳ унинг олдига қўйган эркаклик бурчларини бажарсагина эркак саналади.

Эркакларга ёқадими, йўқми, бу илоҳий ҳукм: **ЭРКАКЛАР ОИЛАДА БОШ РАХБАР БЎЛИШЛАРИ ШАРТ!** Яъники, оила аъзоларини едириб-кийдиришлари, саломатлигига кўрғон бўлишлари, ҳамма оила аъзоларининг ишлари-



ни назорат қилишлари, қийналганига ёрдам ташкил этишлари, уйдаги муҳитни яхшилаш учун ҳаммани иноқ яшашга мажбур қилишлари, яхши ишларни тақдирлаб, тартиб бузганни жазолаб туришлари шарт! Бунинг учун ўзлари энг тўғри гапни айтишлари, тўғри тутум тутишлари, холис, барчага баробар бўлишлари, энг муҳими, **ДОИМО МЕҲНАТДА, ФАОЛИЯТДА БЎЛИШЛАРИ КЕРАК!** Йигитчилик шу! Шу ишларга ярамаса, йигитчиликдан чиқди деган гап! Ўғил бола борки, ўн-ўн икки ёшидан бошлаб оила раҳбари бўлишга тайёрланиб бориши лозим. Бундан бошқа йўл йўқ. Ўғил бола ҳар куни бир нарсани, ҳеч йўқ, кетмонни бугун кечагидан бошқачароқ ушлашни ўрганиб олиши керак. «Бир йигитга қирқ ҳунар оз» деган нақл унинг бошида иши кўплигига ишора бўлса керак.

Муқаддас китобларимизда: «Она билан болани яхшилик билан едириб, қийдириш эркакнинг зиммасидадир», деган гап келади. Бу фалсафани ич-ичига назар солсангиз, саодатга элтувчи йўлни топгандай бўласиз. Болангизни бахтиёр бўлишини истасангиз, сиз уни ҳалол луқма билан боқиб, ҳалол топганингизни қийдиришингиз керак, бу бир. **Энг муҳими, боланинг акли, имони бақувват бўлиши, комиллик сари юриши уни ОТАНИНГ ҚЎЛИ билан боқилишига боғлиқдир!** Йигитларжон, бу нозик гап. «Болани онаси, бойваччароқ амаки-тоғаси ҳам боқса бўлаверади», дейилмаяпти, асосий урғу ОТАСИга бериляпти. Болангиз сизнинг пешона терингиз билан топилган луқмани еб катта бўлсин экан. Ўз болангизни ўзингиз боқишга, оёққа турғазишга ўзингиз қодир бўлинг.

Ўзингиздан яроқли ота ясапга жон-жаҳднингиз билан ҳаракат қилинг. Мана шунинг ўзи ҳам ибодатдир.

Эсимизда бўлсин, бола – биздан кейинги биз. У турли мамлакатларда турфа илмларни ўрганиши, энг кучли устозлар қўлида улғайиши мумкин. Бу унинг назарий бақувватлиги. Аммо у инсончиликда, амалиётда бизни такрорлайди. Бола ота-онасининг айтганини эмас, қилганини қилади.

Кўриб турибсизки, зурриёдлик бўлгандан сўнг ниятимиз, қўлимиз, тилимиз ва яшаш тарзимизни поклаш, яхшилашдан бошқа илож йўқ. Ахир сиз болангиз учун жонингизни беришга тайёрсиз-ку, унинг учун, унинг бахти учун яхши инсонга айланиш ҳам қўлингиздан келади, иншооллоҳ!

УМР БИТТАДИР

Умр биттадир. У сизга бу эшикдан кириб, наригисидан чикиб кетгунча бериладиган вақт ва нақдингиз. Унга фақат ўзингиз хон, ўзингиз бек. Қанақасига ишлатиш сизнинг қўлингизда. У ихтиёрингиздаги бутун нон — бир четидан узиб тинмай тановул қилиб борасиз. Сизга одимлаш учун берилган қадамлар ҳам чексиз эмас, ҳисоблоғлиқ! Босиб бўлган изингизни қайтаришнинг иложи йўқ! Инсон ҳам бир яралма, ҳамма мавжудлик каби аста-аста эскиб боради, бу дегани, бугунги имкониятингиз эртага бўлмайди. Аммо туғилганимиз заҳоти елкамизга қўйилган бандалик дастурини бажаришимиз шарт! Вазифамиз икки дунёмизни чиройли қилишдир.

Чиройли қисматга эга бўлиш учун эса бизга берилган ақл, қувват, моддий ва маънавий неъматларни фақат яхшиликка ва яна яхшиликка сарфлаш лозимдир. Бир мартагина берилган умр куйиб кетмасин десак, бундан бошқа йўл йўқ!

Яхшилик дегани НАФСнинг ҳамма туридан ҳазар қилмоқдир. Емак-киймак нафси, шаҳвоний нафс, бойлик ва шуҳратпарастлик нафсидан озгина илашса ҳам бутун ҳаётимизни мувозанатдан чиқаради. Чунки бу балога учраганларга кибр, ёлғон, ўғрилиқ, ҳасад, кин, қасдланиш каби беморликлар осон ёпишади. Бу эса умримизга, ризқимизга, боламизнинг бахту тахтига, ҳатто замона тинчлигига таҳдиддир. Бировга биздан

озор, зиён ета бошлаган захоти икки дунёлик қисматимизга қора саҳифалар битила бошлайди.

Наҳотки, бир мартагина яшаладиган бу ёруғ дунёга бахтсиз бўлгани келган бўлсак? Яратган Эгам бизнинг ақлимизни, руҳимизни, атрофимизни неъматларга тўлдириб қўйган бўлса-ю, наҳотки, уларни бировларнинг зиёнига ишлатсак? Нега бунча хотиржаммиз ва бепарвомиз?! Ким абадий яшаб қолибди? Ким худодан ва унинг жазоларидан қочиб қутулибди? Атрофингизга кўзингизни каттароқ очиб қаранг: ким нимадан куяётган бўлса хатолари учун жавоб берапти! Сиз ҳам навбатда турганингизни қачон хис қиласиз, биродар?! У дунёлигимиз, бобокалонларимизнинг руҳи биздан савоб сўраб турибди, бу дунёлигимизда болаларимиз ва яқинларимиз, касофатимиз уларга урмаслигини тилаб, мўлтираб жавдирайди!

Жондан ширин нарса борми дунёда? Боладан ва рўзғордан азиз нарса борми? Ўз жонимизни икки дунё ўтига ирғитмайлик, боламизни бахтсиз, рўзғоримизни хароб қилмайлик!

Азиз ўқувчи, сиз билан бўлган мулоқотларда келган хулосалар ва тилакларимизни жамлаб ушбу рисола битдик. Озгина дардингизни олсак, бахтиёр бўлгаймиз...

Энг улуг аҳсон

Савол:

Оилавий шароитим тўкин-сочин эмас. Қозонимни зўрға амаллаб қайнатиб турибман. Ота-онамнинг руҳларига атаб хайри-худойи қилишларга қурбим етавермайди. Нима қилсам уларга савоби тегиши мумкин?

Жавоб:

Ўғлоним, мен саволингизни текислаброқ келтиряпман. Аслида, изҳорингизда озгина иддао сездим. Сиз эҳсон қилолмаётганингизга эмас, қўлингиз калталигига кўпроқ сиқияпсиз. Мана шуниси ёмон. Ҳар бир жараён, ҳар бир кун Аллохдандир ва уни розилик билан қабул қилмоқ керак. Бу дегани, қаттиқчиликка кўниб, ҳеч кимдан ғазабланмай, шикоят қилмай, рўмолча олиб йиғламай, таҳлил қувватингизни, удда-эпингизни ишлатиб ҳолатдан чиқишга астойдил уриниб кўринг. Аҳволингиз яхшиланавермаса, демак, ҳозирча сизга йўл йўқ, бўлмаганини бўлдираман деб, бошингизни тошга ураверманг. Йўлингизнинг тўсилиб туриши ҳам ҳосиятли. Ҳар бир қийин куннинг кетидан мукофот келиши аниқ, фақат чиройли сабр қилинг.

Яратган нега сизга мурувватини тезлаштирмапти? Чунки сиз камбағаллигингиз учун уф гортаверасиз ёки дангасаликни болиш қилиб олиб, осмондан чалпак ёғилишини кутиб ётаверасиз, ёки бошқаларга ҳасад қиласиз, ёки қўлингиздаги бор имкониятлар учун шукронангиз йўқ, яъни фақат эришолмаган нарсаларингизни бир-бир санайверасиз! Айтиб қўяй: бу туришингизда ҳали-вери бирингиз икки бўлмайди. Қўйиб берса, Тангрига, «нега мени бой қилмадинг, сени деб отаонамга эҳсон қилолмаяпман», деб юборадигандай турибсиз. Ваҳоланки, эҳсон бой-камбағалликка қарамайди, унинг катта-кичиги бўлмайди. Эҳсон қилиш истаги борлигининг ўзи сизни савобга дахлдор қилаверади.

Қолаверса, эҳсоннинг минг бир тури мавжуд. Уларнинг ичида энг улуғи атрофдан дуо олишдир. «Киши қазо қилса, унинг номаи аъмоли ёпилади. Аммо орқасида солих фарзанд колган инсоннинг эса номаи аъмоли ёпилмайди», дейилган Ҳадиси шариф бор. **Агар сиз пулингиз бўлмаса тилингиз билан, қўлингиз билан одамларни хурсанд қилаётган бўлсангиз, яхши ниятли дил, ҳаромдан холи йўл билан яшаб келаётган бўлсангиз, ота-онангизга тинмай савоб ёзилиб турар экан. Сиздан аёлингиз, болангиз рози бўлсин. Жигарларингиз, қўшнингиз, жамоангиз рози бўлсин, уларнинг розиликлари ўтганларингиз учун саноқсиз эҳсонлар ўрнидадир, болажон!**

Фойдали таназзул

Савол:

Бошимга оғир савдо тушди, яъни пул савдоси – катта маблағга банкрот бўлдим. Нима қилсам тушкунликдан қутуламан?

Жавоб:

Сизга буюрмаганки мол: уни ўғирлашдими, банкрот бўлдингизми ё ўтда ёниб, ёхуд сувга чўкиб кетдими, билингки, сиз учун халоскордир! Бу Аллоҳнинг юборган муруввати, ишонаверинг! Бу йўқотиш бошингизга келаётган жуда катта фалокатга, икки дунёингизни куйдириши мумкин бўлган кўргуликка, ҳаттоки ўлимга балогардон бўлиши мумкин. Гуноҳлардан халос этиши мумкин. Шу дунёнинг ўзида гуноҳлардан қутулиш бахтига не етсин!

Хўш, сизнинг гуноҳларингиз нимада эди? Нега банкрот бўлдингиз экан?

Билиб турибман, ҳозир айбдорларни санаб ташлайсиз. Ҳеч ерда қоида бузмаганлигингизни исботлашга тушасиз. Биродар, касбу корингизда тўғри йўл тутган бўлишингиз мумкин. Сиз тўппа-тўғриси, ёлғон қўшмай айтяпсиз. Аммо Отабек атрофдан олган норозиликлари туфайли бегуноҳ Кумушбибини қурбон бергани каби, оталар ва оналарнинг касофати болани уриб кетгани каби қаердадир содир этган гуноҳингиз учун тўғри ишингиз банкротга юз тутиб турибди! Ёмон феъл фазилатларингизни бесамар қилади, яъни гуноҳларингиз савобларингизни ювиб ташлайди. Қайсидир китобимда айтган эдим – кир шахсиятда бахт тўхтамайди!

Сиз дарҳол ўзингизни тафтиш қилинг. Қайси ишингиз нотўғри бўлди? Фийсабийилло тан олинг! Хўш? Ўзингизни оқлагингиз келяптими? «Наҳотки менинг зўрлигимга ишонмаяпсиз!» дегингиз келяптими? Шайтонга қул бўлганингиз шу! Сизнинг кўзингиз юмук, шайтон қай томонга етакласа, шу томонга кетяпсиз. Билиб қўйинг, Сиз бундан кейин ҳам ютқазишда давом этасиз!

Аслида, сизнинг ташҳисингиз бундай: ё сиз хайру садақани эсдан чиқаргансиз, ё ота-онанингизни эътиборсиз ташлаб қўйгансиз (ўтиб кетган бўлсалар, уларнинг руҳлари қакшайдиган тутум тутгансиз!), ё зинога қўл ургансиз, ё жигарларингизга мурувватингиз йўқ, ё одамлар билан олдибердида кўпроқ манфаатни ўйлаб, адолатни, инсофни унутиб қўясиз, ё бой бўлган киши бўлиб, бошқаларга кибр билан, менсимай қараяпсиз, ё дилозорсиз! Эй биродар, Аллоҳ бундай одамни банкрот қилмай кимни банкрот қилсин! Огоҳ



бўлингки, ернинг усти, остида бўлсангиз ҳам, минг парда, минг девор ортида бўлсангиз ҳам, Яратгандан қочиб қутулолмайсиз: У кўргувчидир – ҳамма ишингизни кўриб туради; У эшитгувчидир – ҳар сўзингизга кулоқ тутди; У сезгувчидир – дилингиздаги барча яхши-ёмон ниятларингизни ўқиб туради ва амалларингизга қараб тақдирингизга бахт ё бахтсизлик тамғаларини уриб туради.

Дарҳол тавбага ўтинг! Бу дегани – бировга озор берадиган ҳамма ишларингизни тўхтатинг. Ўзингизнинг фойдангиз учун бир иш қилсангиз, икки ишни ўзгаларни хурсанд қилиш учун қилинг! «Ўзингга нимани раво кўрсанг, бошқаларга ҳам шуни илин», деб қўйилибди муборак ҳадисларда. Яшашда ширингиз шу бўлсин.

Биродар, сиз савол бердингиз, биз жавоб бердик. Гапларимизни ҳазм қилиб, ўзингизни қайта қуришга тутинсангиз, йўлларингиз очилаётганини ҳар қадамда ҳис этиб борасиз. Эсангиз қотгудай бўлса, ўзингизнинг айтганингиздан қолмасангиз, яъни худодан кўрқишни унутсангиз, тайёр туринг, умрингизнинг ҳар бир бекатида фалокатлар сизга пешвоз чиқаверади, пул-мол, мартаба, доврўқ топаверасиз, аммо кетма-кет йўқотаверасиз, яйраш, роҳат қилиш нималигини билмай ўтаверасиз.

Биродар, у дунёлигингизнинг банкрот бўлишидан сақласин. Бугунги ютқазингиз фақат фойдангизгадир, бунга ишонинг! «Гуноҳларим учун тўловим шу бўлсин» деи! Ва у гуноҳларни тақорламасликка дил-дилдан қасам ичинг, тавба қилинг! Ана ўшандан кейин сизга келадиган бойликларнинг саноғи бўлмайди, иншооллоҳ.

Отангни бозорга солма!

Савол:

Беш йил аввал онамиз кирк тўрт ёшларида вафот этдилар. Орадан икки йил ўтгач отам бир бева аёлга уйландилар. Аммо янги онамиз оиламизга киришиб кетолмаяптилар. Биз эса ёшмиз, авжи маънавий тарбияга мухтож пайтимиз. Бир ёқда отамиз ҳам уйдаги муносабатлардан қийналяптилар. Бизга маслаҳат беринг.

Жавоб:

Икки йил муддат ўтказиб уйланган бўлсалар, отангиз андишали одам эканлар. Ваҳоланки, уйни, болаларни аёлсиз бошқариш ғоят оғир иш! Она қазо қилган оилада бир муаммо бирламчи туради: бу, нима қилиб бўлса ҳам шу етимларни ҳам маънан, ҳам жисмонан соғлом қилиб каторга қўйиш! Қолган барча масалалар шунга мослашади. Пешонага ёзилган нарса илоҳий дастурдир, бандасининг унга кўнишдан бошқа йўли йўқ. Энди отангиз фақат ўзи учун аёл танлолмайди ёки бошқача айтганда, фақат эрини хурсанд қилиб, болаларни нари сурадиган аёл бу хонадонда яшолмайди. Етимларнинг қошига келадиган аёл боласираб, бағрини очиб, мана шугиналардан ҳақиқий ўғилқизимни ясаб оламан, деб келиши керак. Аслида, она деган мавжудлик бола учун қурбонликка тортилган жондир. Мен ўшандай она бўламан, уларнинг ҳамма оғирликлари кўзимга сурма деб келсин у! Буларнинг то ҳақиқий онасига айлангунча қозоннинг қолқорини маҳкам ёпиб, тош тишлаб яшайман деб келсин. Эркак ҳам унинг олдига мана шу шартларни қўйиб туриб уйланиши керак.



Аёл факат эр дардида, уй дардида келган бўлса, у билан ҳисоб-китобни отангизнинг ўзи тўғрилаши лозим.

Энди, болалар, сиз ҳам қулоғингизга қуйиб олинг: аввало, сиз атрофга каму кўсти йўғдай, чиройли кўринишга ҳаракат қилинг. Отангизга далда бўлинг, одамзод темирмас, пўлатмас, онангизни бой бердингиз, энди уни эҳтиёт қилинг. Ҳаргиз мўлтираманг, кўз ёш тўкманг, бировларнинг раҳмини келтирадиган шикоятлар қилманг. Бу иродасиз, ношукр кимсаларнинг иши. Бундай қилишга ҳаққингиз ҳам йўқ! Биринчидан, онангиз ўлган бўлса, Аллоҳ отангизни сақлаб турибди. Иккинчидан, сиз онадан ёлғиз қолмадингиз, ака-укаларингиз ҳам бор, бу бутунлик дегани, эртага суянчиғингиз бўладиган тоғларингиз ўсяпти дегани, қаддингизни дадил тутинг.

Колаверса, ўнта ўғил бир бўлиб отангиз учун, рўзғор учун битта аёлчалик асқата олмайсиз. Аёлидан кейин эркак неча ёшда бўлишидан қатъи назар, уйланиши керак. Сабаби, бу зот табиатан ёлғизликни кўтара олмайди. Болалар тугул битта ўзининг ҳам уддасидан ўтишга кийналади. Ҳеч йўқ отангизга қилинадиган хизматларни қўлингиздан олгани учун ҳам ўгай онадан миннатдор туришингиз лозим.

Билиб қўйинг, сизга она бўлишни бўйнига олиб, ўз оёғи билан кириб келган аёлга «ўгай» деб қараш, ҳар бир ҳаракатидан кир қидириш, кетиб бўлган онангиз учун у аёлга сездириб туриб ҳадеганда мотам тутиш ақлсизликдан бошқа нарса эмас! Хўш, қани айтинг-чи, ўз онангиз ҳеч танбех бермасмиди? Ўрни келганда тарсаки еганларин-



гиз ҳам эсингизда, шундайми? Нега ўгай онанинг ҳамма гапи малол келяпти, нега у хамиша илжайиб туриши ва сизларни фақат эркалатиб яшаши керак?! Болаларни тарбиялашда оналикнинг ҳамма усулларидан фойдаланишга унинг ҳаққи йўқ деб ким айтди?

Ақлингизни йиғинг, сиз катта талафот кўрдингиз — онангиздан айрилдингиз, энсангиз қотиб гапирётган бу аёл эса халоскор бўлиб кириб келди. Унинг ҳам юрагини бир оғриқ кемириб турибди: «Булар мени қандай қабул қиларкин, бу эрга тегиб тўғри қилдимми ёки йўқ», деган ҳадиғи бор. Сиз унинг ҳар бир яхши ишини сезганингизни сездингиз. Онангизга қилолмаган иззатларни кўрсатинг, иккита ёнғоқ бўлса-да, илиниб олиб келинг. Жойини топиб иссиқ чой тутинг, у ҳам инсон, оғриб қолса, юмшоқ ўринлар тўшаб бериб, бошида гиргиттон бўлинг. «Онамсиз-да», деб сиз айтинг, «жоним болам бўлдинг, болам» деб у айтсин! Ана ўшанда онангиз қабрида хотиржам ётади, ана ўшанда отангиз тинчини топади.

Болажон, бировнинг меҳрига сазовор бўлиш учун, аввало, ўзинг эгилиб туриб унга меҳр беришинг керак. Менга берган саволингнинг замирида бу аёл бўлмади, дадам янгисини олсалармикин, деган маъни ҳам турибди. Отангни бозорга солиб, аёл танлатиб, обрўларингни тўкиш ўрнига ақлингни, тилингни ишлатиб, рўпарангдаги аёлдан кўнгилдагидай она ясаб олинглар. Ана ўша Аллоҳ рози бўладиган иш, ана ўшанда бахтинглар ҳам очилади.

Одам ўғрисининг тақдири

Савол:

Ёшим 22 да, турмушга чиққанман, бир ярим ёшли қизим бор. Севишиб турмуш қургандик. Аммо ҳозир оиламиз дарз кетган, қайнонам тинч яшашимизга қўймаяпти. Чунки умр йўлдошим у кишим айтган қизни олмай мени танлаганлар. Аммо бугунга келиб эримнинг муносабати ҳам ўзгарган. У фарзандимиз сал катта бўлгунча яшаб, сўнг мен билан ажрашмоқчи. Севганингга ҳам ишониб бўлмас экан. Аммо мен оиламни йўқотмоқчи эмасман, нима қилай?

Жавоб:

Болажоним, сен севишиб эмас, ўзбошимчалик билан турмушга чиққансан. Бу дегани – муштдай бошинг билан ҳар иккала оиланинг овзига уриб, менинг айтганим бўлади деб иш тутгансан. Баднафс одамнинг кўнгил кўзи кўр бўлади. У еса бўлди, тўйса бўлди. еяётган нарсаси ҳаромми, ҳалолми, ўғрилиқ молми, бировнинг ҳақими, бу ёғи билан иши йўк! Ундайларнинг етиб келган жойи эса сенинг кунинг бўлади! Бундайларнинг кўтарадиган хирмони фақат ғам бўлади, андух бўлади. Сен шипшак сотиб олаётган бўлсанг, бошқа гап эди. Оқ сут берган оналар, ёруғ дунё ҳадя этган оталарнинг юзига оёқ қўйиб, шу рўзғорни қурдинг! Банданинг энг кўп қарзи ота-онасидан. Уларнинг маслаҳатисиз ва ризолигисиз эр танлаб, хотин танлаб бўладими, ғофил?! Мана ўзинг кўриб турибсан, бир онанинг ранжиши хонумонингни қуйдираман деб турибди!



«Эрим унинг айтганини эмас, мени танлаганлар» дейишингдаги оҳангни кара! Қайнонангга бамисоли кундошлик эълон қиялсан-а, номард?! Сен кўзингни сузсанг эргашиб кетаверган ўша лакма эрингни ўз эти, устухони, оқ сути ва йигирма йиллик умридан ясаб, сенга ёқадиган қилиб қўйган шу аёл-ку! Қисқа қилиб айтганда, эрингнинг кулоли шу аёл, сен эгасидан сўрамай молини ўғирладинг! Ўғрилик мол кимга буюрибди? У албатта тешиб чикади, чунки у ҳаром! Бандасига тўнкама, сенинг жазоингни Аллоҳ беряпти: сени қайнонангга хунук кўрсатган ҳам, эрингни совутган ҳам У! Агар тезда инсофга келмасанг, ўн беш йилдан кейин қизингдан бир бало ясаб, икки дунёингни ўтга ташлаб қўйиши ҳам ҳеч гап эмас! Қолаверса, хой қиз, «мен зўр эдим», «менинг тинчим», «менинг бахтим» дейишларга сенинг ҳаққинг йўқ! Кимсан ўзи? Сен бор-йўғи бировнинг термулиб турган боласини йўлдан урган ўғрисан! Бу гуноҳ бутун умрингни эзиб туришга етади. Аммо «оиламни сақлашим керак», деган гапни юракдан айтяпсан. Бу худо рози бўладиган гап! Бунинг учун эса қуйидаги амалларни сидкидилдан бажаришинг шарт!

1. Аввало, ҳаммадан ўзингни паст тут. Нотўғри ишларингни ҳамиша эсла ва уялиб юр.

2. Қайнонангнинг розилигига эриш, ўтидан кириб, кулидан чиқ. Қизи қилмаган хизматларини қил. Онасидай меҳр кўрсат, сенсиз куни ўтмай қолсин.

3. Кибринг йўқолса, тилинг юмшаса, дилингдан гина, қасд кетса, Аллоҳ атрофингдагиларни сенга ўзи иситиб беради, жумладан, умр йўлдошингни ҳам!

Юкоридаги амалларни қилсанг, ажаб эмаски, уларни Яратган тавба ўрнида қабул қилса! Ажаб эмаски, гуноҳларинг ювилса! Одамларга ёқиб, ҳеч кимга малюлинг келмай, ҳаммага керак бўлиб яшай бошласанг, бахтнинг ўзи сени кидириб келади, азизам!

Овсинчилик

Савол:

Турсуной опа, овсинлар оила иқлимига катта таъсир кўрсатадилар. Ўшаларга аталган гапларингиз ҳам бўлиши керак. Илтимос, биз билан баҳамлашсангиз.

Жавоб:

Бу жуда жиддий савол. Овсинларнинг билиб-билмай йўл қўйган хатолари туфайли оилалар катта талафотларга учрайди. Овсин бўлгичларга мурожаат қилишдан аввал, биз, яъни қайноналар ва қиз узатган ёки узатмоқчи бўлиб турган оналар бир хусусда астойдил гаплашиб олишимиз зарур.

Аёл кишининг зийраклиги, жонсараклиги, йўқдан бор қилиши... ва ҳоказо фазилатлари бу ёруғ дунёга дoston бўлиб бўлган. Аммо шундай доною аълолиги билан ўрни келганда, айниқса, овсинчиликда бу зот шунақанги қовунлар тушириб қўядики, сўнг бир умр ўзининг хатосида ўзи қовурилиб ўтади. Хатога йўл қўйилиши сабабларидан бири, шайтоннинг борлиги бўлса, яна бири, эркак зотининг туғма соддалиги, аёлининг ташвиқотига осон берилишидир. Қизларни оилага тайёрлашда уларни шундан огоҳлантириш керак. Токи шайтон ҳар дақиқада йўлдан уриши мум-

кинлиги, эркакка эса бир гапни ўн ўлчаб айтиш кераклиги ҳамиша аёл кишининг ёдида турсин.

Узатадиган қизимиз хунарли, одобли, меҳнаткаш бўлсин деяверамиз, оёқ-қўли енгил, пазанда бўлса, энг яхши келин меники деб мамнуният билдирамиз. Аммо куёв оиласининг бирлиги, бутунлигини асраш, у ердаги жигарчилик ришталарини узилишига йўл қўймаслик келиннинг биринчи ва асосий вазифаси эканлигини кизларимизга қойиллатиб уқтиряпмизми? Ўғил уйлаган қайноналар-чи? Овсинларнинг бир-бирига ёвлашиши кўпинча уларнинг қўли билан, яъни қайноналарнинг келин тутишдаги нозийраклиги, адолатсизлиги туфайли содир бўлмаётими? Тили билан, қўли билан, гоҳо пули билан хурсанд қиладиган келинни баланд кўрсатиб, нўнокроғини ошкора ниқтайвериш асорат қолдирмайди, «мағлуб» келинни ҳезлантирмайди дейсизми? Рағбатни яхши кўрмайдиган одам борми дунёда? Ва камситилишдан ранжимайдиган инсон борми?

Қани, қайнона ойим, бир айтинг-чи, ўзингиз келинлигингизда оилада биров сизни камситса, сиқилиб қолсангиз, дардингизни дарҳол эрингизга тўқармидингиз? Худди шундай! Яна эсланг, сиз унга овсинингиздан шикоят қилгансиз, эрингиз эса эртасигаёқ: «Сенинг хотининг менинг хотинимни ранжитибди ёки онамга яхшироқ кўринмоқчи бўлибди», маъносида биринчи ўқрайишни укасига қилган эди. Шундай а?! Бу сизга жуда ёқиб тушгани ҳам ёдингизда. Шу тарзда... лақма жуфтингиз сизни эшитаверди, сиз эса унинг оға-иниларидан узоқлашаётганини сезиб турсангиз ҳам, дийдиёни давом эттиравердингиз. Қарабсизки, ҳаммага кулиб

карайдиган ака-укалар бир умр бир-бировларини кўрганда бўзраядиган бўлиб қолдилар. Сиз эса бу ҳолатга ўзингиз сабабчи бўлганингизни асло тан олмайсиз. Аксинча, «эрим ким яхши, ким ёмонлигини тушунди, буни унга мен англатдим», деб яшаб ўтасиз.

Ойим, фарзандларингиз тиркираб кетишини хоҳламасангиз, дарҳол ҳушёр тортинг. То тирик экансиз, келинларингиз орасидаги мувозанатни сақлаб беринг. Мендан кейин хонадоним дўзахга айланмасин десангиз, тинмай уларни бир-бирига боғлаб боринг, ораларини иситинг, кечиримли бўлишларини қаттиққўллик билан талаб қилинг. Бу сиёсатни ушлаб туриш сизга анча қийин бўлади, чунки келинлар ҳозир ёш, авжи чарсиллаб турган пайти, аммо кейинчалик эслари етилганда сизни чандон дуо қилишади!

Овсинлик мақомидаги ойимлар, энди сиз билан суҳбатлашайлик. Юқоридаги гапларни эшитиб турибсиз, сизнинг хато қилиб қўйишингиздан «оила» деб аталган тахтингизу болаларингизнинг бахтигача зириллаб турибди. Кўзингизни очинг. Отанангиз ташқарида қолди, қайнона-қайнотангиз ҳам меҳмон: турмуш курганингиздан бошлаб келажакнингиз учун ўзингиз ништ тера бошлайсиз. Бешта шерга бас келадиган эркак ҳам бир масалада заиф. у ўз аёлининг таъсирига тез берилади. Аллоҳ уларни бизнинг фойдамизга шундай самимий яратиб қўйган. Буни эса суиистеъмол қилишга ҳаққимиз йўқ! Қиз бола куёвнинг уйига сандик тўла сеп эмас, юрак тўла яхши ният билан келиши керак, Яратганининг ўзи: «Ҳамма нарса ниятга боғлиқдир», деб уқтириб турибди. Оғох бўлинг,



бу жуда нозик шарт! Инсон бир умр ўзини оилага бағишлаб яшайди, у деб минг ўлиб, минг тирилади. Икки дунё саодати, яъни бу дунёда яйраб, қониқиб яшашингиз ҳам, у дунёда мукофотга эришишингиз ҳам ёки тескарисси – ҳар икки дунёингизни кўргуликларга тўлиб кетиши ҳам оила тутишдаги феълу атворингизга боғлиқдир. Демак, аёл бахтли яшамоқчи бўлса, тушган жойидаги одамларни бир-бирига яқинлаштиради, уришганларни яраштиради, оға-иниларни узилмайдиган занжирга айлантиради!

Овсин ойим, болангизни яхши кўрсангиз (бола учун инсон нималар қилмайди!), кексалингиз хор бўлмай ўтсин десангиз, у дунёда азобим кам бўлсин десангиз, албатта, шундай қиласиз! Чунки Аллоҳ кечириси кийин бўлган гуноҳлардан бири кишилар орасига нифоқ солишдир. Бир кориндан тушган ака-укаларни ажратиб юбориш эса дўзахийликнинг ўзи! Жуфтингиз билан гаплашганда тилингизга ҳамиша пойлоқчи бўлинг, оғзингиздан қайноға-қайнукаларнинг зиёнига битта ҳам гап чиқиб кетмасин. Гапни кўйинг, уларнинг исмини айтаётганда ҳатто бир қош чимириб қўйсангиз бўлди, эрингизнинг иқлими ўзгаради. Бир китобимда айтган эдим: «Агар оға-инилар ноиттифоқ бўлса, мерос таллашиб руҳистон аталган ота ховлини жанжалхонага айлантирса, жигарини ёмонлаб қозихоналарда юрса, руҳларнинг қўли келинларнинг ёқасидадир».

Жуфтининг савоб ишларига ҳам аёл киши туртки бўлади. Қайси эркак жигарларига меҳрибондир, қайси оилада туғишганлар ўзаро кидирувчи, изловчидир, билингки, уларнинг хотинлари яхши.

Қайси аёл эрининг уруғларига муҳаббатли бўлса, келажакда Аллоҳ унинг болаларига яхши одамларни тўғрилайди. Сиз бугун овсинингизга иккита нон илининг, кун ичида келиб қизингизнинг овсини унга саватлаб нон тортиқ қилади.

Сиз онасиз, болангизга жонингизни ҳам беришга тайёрсиз, шундайми? Эртага, сиз қазо қилмай туриб, ўғлонларингиз гап талашиб, мол талашиб, бир-бирининг кўзини ўймасин десангиз, касал бўлсангиз ҳам, ичингиз тор, феълингиз заҳар бўлса ҳам ўзингизни тийинг. Овсинингизга ўзингизни синдириб, букиб юриб бўлса ҳам дўст сайланг. Овсинлар иноқ бўлмагунча жигарлар бирлашмайдилар. Ўзиникиларга беоқибат бўлган кимса бегонага муҳаббатли бўлади дейсизми? Қарабсизки, бундан жамиятнинг сифати ҳам суст кетади. Эрларингизни бундай имонсизликдан асранг, ойимлар!

Лафз ҳам имондандир

Савол:

– Институтда ўқиётган қизимизни турмушга бердик. Кудалар ўқишининг поёнига етказишга ваъда бердилар. Энди ваъдаларидан қайтиб турибдилар. Сабабки, куёв боламиз хоҳламаётган эмиш. Биз томошабин бўлиб тураверайликми?

Жавоб:

– Сиз совчиларнинг оғзидан чиққанки гапига ишондингиз, ўзлари ҳақидаги сўзларини ҳужжат ўрнида қабул қилдингиз, раҳмат сизга, демак, сиз тайинли одамсиз. Демак, сизнинг тилингиз билан амалингиз бир! Ўзгаларни ҳам худди ўзингиздай деб ўйлайсиз. Айниқса, фарзандлар тақдири ўртага



тушиб турган бир пайтда ёлгон аралашиши сизнинг хаёлингизга ҳам келмаган. Уларнинг остонангизда пайдо бўлишини осмоний тақдир, бахт қушининг кўниши деб қабул қилгансиз. Йўқса, еру кўкка, ўрни келганда онангизга ҳам ишонмаган болангизни уларга кўшқўллаб тутқазармидингиз?! Бу самиятингиз учун Аллоҳ сизни хор қилиб қўймайди, иншооллоҳ.

Аммо болаларнинг тақдири масаласида ҳаммамиз ҳам хушёр қайнашимиз, «Уловингни аввал боғла, сўнг Аллоҳга таваккал қил», деган ҳадиснинг маъзини обдан чакиб, куда бўлгичларнинг баланду пастини микроскопда чандон ўрганиб, сўнг бир қарорга келишимиз керак экан. Кейинги пушаймондан оғриқлироқ дард йўк! Бир кўшиқда шундай жойи бор эди: «Қарға булбул бўла билмас, гулнинг қадрини на билсин?» Минг афсуски, инсончиликда ғофиллик билан гулни зояга қўшиб қўйишлар, ота-онанинг қўли билан болаларнинг бахтини қурбон беришлар бор.

Келиннинг ўқишига куёв бола қарши эмиш! Хўш, хурматли кудалар, айтинг-чи, ўғлингиз шу туришида ким бўлиб қолибди?! Шу сонияларгача сизнинг етовингизда келаётган, кафтингиздан дон еб турган бўталоқ-ку! У ўзи мустақил тўй қилибдими, ўлим кузатибдими, ҳеч йўқ беш-ўн йил рўзғор тебратибдими, пул топиб уй солибдимки, умр савдоларини ҳал қилишни унга ташлаб қўйсангиз?! Қолаверса, ўғлингизнинг олдидаги ўрнингиз, ота-оналик сўзингиз қани? Ўғлингизнинг хоҳишини дарҳол ижро қиляпсиз, майли, келинни ўз болангиздай кўрманг, аммо сиздаги инсоний силаи раҳм қани? Кўполроқ айтганда инсоф қани?



Бу киз туғилганидан бошлаб ота-онаси режа туз-дилар: боғчанинг, тарбиячининг, ўқитувчиларнинг яхшисини танлашга уриндилар. Катта бўлса тайинли инсон бўлсин деб, турли тўғаракларга аъзо қилдилар. Ўқишга кира олсин деб, кучли муаллимларда қайта ўқитдилар. Бунга қанча пуллари, қанчадан-қанча орзули кунлари, тунлари сарф бўлди. Бу киз бечора асабларини қакшатиб қанча китоб ёдлади, ёшлик сурурларини ҳам тотмай, келажаким мустаҳкам бўлсин деб олий ўқув юртига кирди. Орадан сиз чиқдингиз! Кейинги камолини менга қўйиб беринг дедингиз. Сизга ишондилар. «Ўзлари ҳам ота-она-ку, фарзанд қадрига етади», дея кўнгилларини тўқладилар... Қуда ойим, сиз эса тухумдан янги чиққан хом болангизнинг битта гапи билан шунча инсоннинг хурматини ерга уриб турибсиз! Элликка етган, ўғил уйлаш мартабасига эришган кишининг одобими бу?!

Куёв ўғлоним, энди сен эшит: шу туришингда зийрак фарзанд эмаслигинг ва келажакда шудсиз рўзғорбоши бўлишинг шундоққина кўриниб турибди. Биринчидан, уйланган захотинг эрлик мақомига эришган бўлиб, ота-онангдан олдинлаб, келинчагинг хусусида амру фармонлар беришга андиша қилиш керак эди. Бордию рашк қилиб унинг кўчага чиқишини хохламаётган бўлсанг, Ер шарининг тепасига чиқиб кара: Мағрибдан Машриккача кўча тўла аёл! Кўчага чиққанки аёл айниб кетаверса, аёлларига ишлашга изн берган ҳамма эркак аҳмоқ экан-да, а?!

Ё келиннинг ўқиши шартнома асосида эканми? У ҳолда, лафз кетиб кўйдинг, болам, қуда томон билан қайта маслаҳат қилиб, иккала тараф бир-

лашган ҳолда ўқишнинг пулини тиклаш керак. Озгина қарз аралашса ҳам майли. Аёлинг сен туфайли ҳунарли бўлиб қолса, кейинчалик унинг пули рўзгорингга аралашса, беҳижолат қабул қиласан.

Хўш, нега аёлим ўқимасин деяпсан? Балки ҳозирги оилавий шароитинг яхшидир, балки қўлингга пул тушиб тургандир. Балки битта рўзгорни эплаб боқолмайманми, деган тантилик билан айтаётгандирсан бу гапни?! Эй хом бола, буни ҳаёт деб қўйибдилар, бошингга нелар келиб, нелар кетишини фақат Аллоҳ билади. Умрингнинг ёзу, кузу кишларига аввалдан тайёрғарлигинг бўлмаса, бола-чақанг олдида мулзам тортиб қоласан. Бугунингни бир марта ўйласанг, эртанги кунингни ўн бир марта ўйла, «хар эҳтимолга қарши» деб номланган чора-тадбирларинг захирангда турсин! Аёлингни ўқитиб қўй. Унча-мунча ишлаб ҳунарининг зеру забарини ўрганиб қўйсин. Хоҳламаса ишламасин. Унинг дипломи — рўзгорингдаги кўчмас мулк. Бугун касбинг қўлингга гуллаб турса, эртага сенинг даромадинг ўлиб, келиннинг ҳунари қадр топиши мумкин. Оилангда эса сенга қараб қўлини чўзиб, оғзини очиб турадиганлар кўпайгандан-кўпаяверади. Дўппинг тор келганда бегоналарга ялинмай, чоранг уйингдан топилиб, аёлинг жонингга ора кирса ёмонми? Эру хотин қўш хўкиз деб шуни айтадилар-да, ўғлим! Букилмай, синмай япаш учун биттадан касбнинг ўзи камлик қилади, қалланг ишлаб, қувватинг етиб турганда аёлинг ҳам, ўзинг ҳам яна нималарнидир ўрганиб, ўқиб, уқиб қўйинглар. Бугун асқотмаса, эртангга яраб қолади. Узокни кўрадиган инсон, оилада тадбиркор эркак шундай йўл тутати, болажон.

Онасини малол олган ўғил

Савол:

– Севишиб турмуш қурганмиз. Онам нукул ҳаётимизга аралашаверадилар. У ҳам етмагандай, «ўзинг пиширган ош» деяверганлари ортиқча. Нима қилай, рўзғоримни бошқа қилиб чиқиб кетайми?

Жавоб:

– Хатни ўқиб этим жимиради... Палаги айниган зотдангина бундай ўғил туғилади! Беихтиёр «туғуруқхона» аталган, аёллар ҳаёт-мамот учун ғазотга кирадиган қонли жанггоҳ кўз ўнгимга келди. Бу даргоҳга тушганки аёлни Тангри олий инсонга айлантиради, улар бирданига қаҳрамонлик мақомига кўтариладилар. Яхши аёлми, ёмон аёлми, илмлими, илмсизми, ҳаммаси бир феълда, бир тилда сўзлай бошлайди: суякларини синдираётган оғриқ ичида ҳам «доктор, нима қилиб бўлса ҳам боламни эсон-омон олиб беринг», дея бўзлайдилар. «Этимни кесасизми, томиримни узасизми, боламни тирик қолдирсангиз бўлди», дея мўлтирайдилар! Бир китобимда: «Кўзи ёриган аёл боласини доянинг қўлидан эмас, ўлимнинг қўлидан олади», деб ёзганимда нақадар ҳақ эканман...

Сиз бола эмизаётган аёлнинг юзига қаранг, боласига худди кўз қорақичларига кўчириб, жойлаб олгудай жониқиб қарайди! У гўдагини матога эмас, жонига йўргаклаб олган, ишонаверинг! Фарзандли бўлган заҳоти онанинг битта жонида мингта хавотир антенналари ишлай бошлайди. Ва шу кундан иборат, оналар ўзлари учун яшамай кўядилар...



Сен, нотавон бола, номард бола, онангдаги мана шу бахшидалик учун кунда бир оёғини ўпмайсанми! Сенинг умрингга у биттагина жонини пойдевор қилиб қўйибди, ҳар қанча эркалигини «қулингиз бўлай» деб қабул қилмайсанми! Вужудида ўзининг эмас, сенинг жонингни, сенинг кайғунгни кўтариб юрган онангдан зерикдингми? Топганингга энди икки йил, нари борса беш йил бўлган жуфтингнинг гапи билан онангни малол оляпсанми? Билиб қўй, бу дунёда ота-онага нисбатан «малол» сўзи ишлатилмайди. Ишлатилишига Аллоҳ рухсат бермайди! Чунки сен уларнинг бир бўлагисан. Сен ўзингни малол олиб, ўзингдан кечган кунинггина улардан мосуво бўласан! Улар тирик бўлсалару сен уларни норози қилиб тарк этгудай бўлсанг, эшит: сен яшайверасан, аммо худо сени кунда бир ўлдираверади! Сенинг жон илдизларинг отангда, онангда. Қанча узоқ кетсанг, айниқса аразлаб, иддао қилиб кетсанг, уларнинг жони шунча кўпроқ оғрийди. Яратган эса бунга қараб турмайди. Сени ҳар боб билан уради. Майдаланиб кетгунингча ураверади!

«Севишиб турмуш қурганмиз» эмиш. Шу кунгача қорин тўйғазишингда, сенга йигирма йиллаб кийим-бош қилишда, уйланишинг учун уй қуришда, ишга, ўқишга жойлашишингда ота-онангнинг аралашуви керак бўлдию хотин танлашга қолганда бирданига мустақил бўлиб қолдингми? Онанг сендан шунинг учун хафа. Сен қўй-мол ёки идиш-товоқ олганинг йўқ, уйингга мутлақ эгалик қиладиган, сен билан олтмиш-етмиш йил бирга яшайдиган одамни олиб қиряпсан. Шу қадарли катта режада ота-онангни бурчакка суриб

қўйдингми, уларни бу маслаҳатга яроксиз деб билдингми?! Сен шу ғўра туришингда «умр савдоси» деган зилдай муаммони ўзим ҳал қилиб ташлайман, дейишга қандай журъат этдинг? Ахир, улар бошингни иккита қилиш учун, сени чимилдиқда кўриш, келин деган мўъжизанинг қўлидан чой ичиш учун йигирма йилдан ортиқ тайёрландилар, шунча йил миялари фақат шуни ўйлади, юраклари фақат шунга эзилди! Балки сенга сандиқ-сандиқ сеп йиғолмагандирлар, аммо шунча йил кавушлари йиртилгунча сенга муносиб қиз излаб топишни орзулаб яшадилар! Сен эса уларнинг бошларидан муздай сув қуйиб юбординг! Жон томирларига тиғ урдинг! «Қандай хотин олишни мана мен биламан!» деддинг. Тушунтирмоқчи бўлсалар, суягини қизванаётган итдай ириллаб ёнингга якинлаштирмадинг! Ҳозир ҳам кўзинг кўр, қулоғинг қар, имонинг ухлаб қолган! Аёлингнинг, «рўзғоримизни бошқа қилсак, онангизнинг дашномларидан қутуламиз», деган гапига етовдаги жонивордай эргашмоқчи бўлиб турибсан. Худо сени ёмон кўрмай қимни ёмон кўрсин? Сени туққанларни, бокқанларни норози қилганинг учун аёлингни онангга, онангни аёлингга хунук кўрсатиб турибди. Мана кўрасан, ҳали кўп ўтмай хотинингдан ўзинг ҳам совий бошлайсан. Бандани норози қилиб банда ҳеч қачон ютган эмас. Томошанинг қолганини эса эрта туриб индинга боланг кўрсатади!

Шошил, тавбага улгуриб қол! Рўзғорингни алоҳида қилишни хотининг маслаҳат бераётган бўлса, ёмон аёлга учраганинг шу! Шайтонга қўшилганинг шу! Агар бу маслаҳат сендан

чиқаётган бўлса, аёлинг шу ўринда синовдан ўтади. У Яратганнинг қаҳрига учрамай деса, гуноҳларидан пок бўлишни хоҳласа, қайнонасининг этагини қўйиб юбормайди. Атрофидан минг айла-ниб, минг ўргилиб унга ёқиб олади. Она-болани бир-бирига иситади. У бу иши билан сенинг ҳам гуноҳларингни енгиллаштиради. Карабсанки, иншооллоҳ, Яратган сенинг касофатингни болаларингнинг елкасидан олади, йўлларини очади.

Билиб қўй: Ватан билан Онанинг хунук-чиройлиги, яхши-ёмони йўқдир. Бу иккала неъматни танламайдир, айбини кидирмайдилар, қусурларини кўз устига қўядилар, қўлларидан келганча камини тўлдирадилар, ёмонини яширадилар. Уларнинг розилиги Аллоҳнинг розилигидир.

Рақибингни дуо қил!

Савол:

– Турсуной опа, қасд олма деяпсиз. Кимса сизга озор берса ҳам қараб туравериш адолатданми?

Жавоб:

– Хаётимизда содир бўлаётган ҳамма катта-кичик воқеликлар тасодифий эмас: ҳаттоки оёғингнинг тойиб кетишию бошингга бир нарса тушиб кетишигача. Дунё САБАБ ва НАТИЖАдан иборат. Ёмонлик қилгувчи одам нима учун тўппатўғри келиб сени эмас, уни эмас, мени топди? Демак, бу озорланиш фақат менинг қисматимга битилган. Билиб-билмай қилган қайсидир хатоимнинг жавоби бу. Аммо Аллоҳнинг ҳамма иши яхшиликка! Жазони ўташ дегани, гуноҳдан фориг бўлишдир. Бундай кунлардан сабр ва босиқлик



билан чиройли чиқиб кетсак, нафақат гуноҳимиз енгиллашади, балки ҳеч жилмаётган ишларимиз юришиб кетиши аниқ экан. Эътибор билан ҳаётингни бир тафтиш қилиб кўр: Яратган бир нарсангни олса, ўрнига албатта икки ёки ундан ортиғини қўйиб қўяркан. Бу эришаётган яхши кунларинг ўша рақибинг туфайли эканлиги асло эсингдан чикмасин! Ҳатто отанг-онанг ололмаган гуноҳларингни рақибинг ювиб юради. Аллоҳ сени поклагани, сенинг оғирингни ўз елкасига олгани шундай одамни юборсаю сен ундан қасд олишга киришсанг ёки уни қарғашга тушсанг! Бунақада ўз гуноҳинг устига рақибни-да гуноҳларини чорлаб олар экансан. Сен, аксинча, ўша ёмонингни дуо қил: токи ёмонликлари тийилсин, токи унинг касофатига болалари қолиб кетмасин, номаи аъмолига сен туфайли ёмон гаплар ёзилмасин! Душманинг – сенга душман, Яратганга эса – севимли банда, шу боис, уни ҳар дуо қилганингда Ҳақ рози бўлиб, йўлингни очаверар экан.

Эҳсон нима?

Садака балони қайтаради, деган гап бор. Бало кўргулик, ҳатто ўлим демакдир. Бир ҳадисда: «Инсон яшаб борар экан, у билан 99 хил ажал ҳам ёнма-ён боради, бандаси улуг ёшгача ета олдими, демак, Яратган уни ўшанча хатардан ҳимоялаб борди», дейилади. Ҳеч кимнинг ўлгиси келмайди. Эҳсон эса асрагувчи, сақлагувчидир. Демак, у яшашнинг асосий омили.

Аммо эҳсоннинг қатор шартлари бор ва унга кўнмоғимиз шарт! Яъники, эҳсон бутун маъзи-моҳияти билан эҳсон бўлиши керак: у, бирин-

чи навбатда, сир тугилиши лозим! Қолаверса, ўзингиздан ортганидан, ғамлаб қўйган молингиздан эмас, кийиб турган, еб турган нарсангиздан бериш ҳақиқий эҳсондир. Бировга узатаётган нарсангизни холис ва яйраб беришингиз, берганингизни дарҳол унутишингиз, асло қайтимини кутмаслигингиз керак.

Хўш, эҳсон фақат қўй сўйиш, мол сўйиш, одам йиғиб меҳмон қилиш ёки пул-мол тарқатишдан иборатми? Йўқ, фақат шугина эмас.

1. Бировга сўрамаган нарсасини хадя қилиш эҳсондир, буни сахийлик ҳам дейилади.

2. Кимсанинг мушкул ҳолатини англаб, холига айланиш, ёруғликка чиқиш йўллариини сўз билан кўрсатиш, юпатиш ҳам эҳсондир.

3. Қўшни ошидан тортиб, боғингнинг мевалари, ҳатто бир сиқим ўсмани бировга илиниш ҳам эҳсон.

4. Ховлингдаги ариқдан қўшнининг фойдаланиши, қизингнинг қўшни дарвозаси олдини супуриб-тозалаб қўйиши ҳам эҳсон.

5. Қишлоқларимизда бировникига меҳмон келганини билган қўшнилар ҳали меҳмон оёқ ёзиб жойлашмай туриб, бирови янги дамланган чой, бирови пишиб турган овқатидан, бирови янги узилган нонидан меҳмонга илинадилар ва албатта, навбати билан уйларига таклиф ҳам қиладилар. Бу ҳам гўзал эҳсондир!

6. Ўлим маросимини кузатаётган хонадонга қўшни бўлгичлар икки-уч кун давомида қуюқ-суюқ овкатлар билан таъзияга келганларни сийлаб, азадорларни ўчоққа йўлатмайдилар. Бу ғоят ўрнини топган эҳсондир.

7. Камхарж оилаларга, беморларга, ҳимоясиз қолганларга, қобилиятли, аммо эҳтиёжманд бўлган ёшларнинг ҳунар ва билим олишларига кўмаклашиш ҳам катта эҳсон.

8. Болалиги, ота-онасининг болалиги ўтган кўчалар, гузарлар, мактабларнинг ободончилиги учун қўлдан келганча ёрдамлашиш, ҳеч йўқ икки туп терак экиб қўйиш ҳам эҳсондир.

9. Миллатнинг маънавий софлиги, жисмонан соғломлиги, эртанги тараққиёти йўлида ақлу кучини сарфлаш, ихтиролар қилиш, китоблар битиш, узлуксиз ҳаракат ва тинмай дуода бўлиш ҳам, қиска қилиб айтганда, ватанпарвар ва инсонпарвар бўлиш энг буюк эҳсондир. Бундайларни Яратганинг ўзи ҳимоя қилади!

Аммо тўрт танга эҳсон қилиб тўрт маҳаллага мактаниб юрганлар, бошликларига ёкиш учун ёки улардан хайикканлари учун, ёки бўлмаса, элга овоза бўлиш умидида қай етимхона, қай ночорга қилган ҳадяларини газетаю телевизор, радионинг тепасига чикволиб писанда қилаётганлар худога хуш келмаётган кишилардир. Чунки уларнинг бу ишлари – миннат, шуҳратпарастликдир! Шу туришларида улар ўзларига мақтов, қарсак сўраяптилар. Уларга савоб эмас, шу керак! Пайғамбаримизнинг бир ҳадисларида Ҳак таолонинг: «Агар кимки бандаларини хурсанд қиламан деб, мени норози қилса, мен уни бандаларнинг қўлига топшираман», деган каломи келтирилади. Бу гар бандалар сени хомталаш қилса, Тангри сенга ёрдамга келмайди деган гап! Азизим, бу энг оғир жазо! Шу бугун, шу соатга кимки етиб келган бўлса, уни Яратган асраб келди. У димоғинг, томоғингни



очиb қўйсагина нафас ола биласан, таом ея ола-сан ва ўлмай қоласан. Бу мурувватни бергувчи фақат Аллоҳдир, буни унутмайлик! Ва уни ҳаргиз норози қилмайлик. Ҳақиқий эҳсон ҳўжа кўрсинга эмас, Аллоҳ розилиги учун қилинади.

Камбағаллик қисматми?

Бошга тушган ҳар бир кун қисмат. Ҳар бир банда ўзига ажратилган ризкни еб, ўзига аталган ходисотларни бошидан кечиради. Аммо сиз кимдир аслида яхши кунлар, бахту толега муносиб одаму, лекин қисматиға ёзилгани учун камбағалликка рўбарў бўладими демокчисиз, шундайми?

Аслида, инсон дунёға келганда унда комилликнинг ҳамма захиралари мавжуд бўлар экан. Бу дунё имтиҳонли дунё – бир синовдан яхши ўтасиз, бирида шайтонга қулоқ солиб қўясиз, яъни ниятингиз бузилади, нафсга ружу қўясиз, кимсаға озор берасиз, қарабсизки, қисматингизга ўзгартишлар киритила боради. Агар аввал бошда битилган қисмат ўзгармай тураверганда, илм ва тарбия бериш юмушлари, не-не алломаларнинг фаолиятлари бекор бўлган, инсониятни камолга етказишни кўзлаган бебаҳо китоблар битилмаган бўларди. Қуръони каримда: «Биз афв этгувчимиз, Аллоҳ кечиргувчидир», деган калом қайта-қайта келтирилади. Демак, ўзингни ўзгартирсанг, қисматинг ҳам ўзгаражакдир дегани бу.

«Бошингизга неки тушса, қўлингиздан кетган амаллар туфайлидир», дейилади яна бир ҳадисда. Хирмонни ўзингиз уюб қўйиб, айбни қисматга тўнкайверманг.

Инсон қачон камбағалликдан чиқмайди? Ёки ўзини камбағал ҳисоблайди:

– ўзидаги неъмат ва имкониятларни кўра билмаса; (Ваҳоланки, руҳингда, томирингда, аклингда захира қувватинг тўлиб-тошиб ётибди, қолаверса, кўзинг қувонадиган, кимлардадир йўқ, аммо сенда бор қанча неъмат атрофингни ўраб, қўлингдан тутиб турибди! Сен эса кўрмайсан, йўғини қидираверасан!)

– ким шукр қилишни билмаса; (Бундайлар олтин ўранинг ичида ҳам ўзини камбағал санайверади.)

– кимнинг тайинли ҳунари бўлмаса;

– ҳунари бўлсаю дангаса, ғафлатий бўлса ёки учраганки одамнинг маслаҳатига эргашиб кетаверадиган лакма бўлса;

– касбу ҳунарида фирромлик қилса;

– қўлидаги неъматларини исроф, увол қилса;

– фақат сўровчи бўлса, садака, эҳсони бўлмаса;

– инсонларга ёмонлик тиласа;

– ота-онасини норози қилган бўлса.

Ишонаверинг, бундай инсоннинг бири икки бўлмайди. Вақти-вақти билан бойиши мумкин, аммо Аллоҳ унга татитмайди, топгани бошига тушаётган минг бир кўнгилсизликни даф қилишга кетаверади.

Зотни яхшилаш мумкинми?

Савол:

– Зоти паст дейилганда кимлар кўзда тугилади?

Жавоб:

– Зот масаласи жуда нозик. Авлоддан-авлодга ўтиб келаётган фазилат ва қусурлар миллатнинг

сифатини белгилайди. Миллатнинг инкирозию таракқиёти унинг ана ўша сифатига боғлиқдир. Қуш уясида кўрганини қилади деймиз, ундан ташқари қондан-қонга ўтиб турадиган нарсалар ҳам бор. Оталаридан олган ибрат ва чиройли феъл-атворни фарзандларига ҳам сингдириб ўтаётганлар зоти яхшилардир, улар ўз сулоласининг шаъни ва сифатини сақлаб келаётган солиҳ фарзандлардир.

Шайтон ҳаминша бор ва ҳар биттамызга тинмай ружуда. Ичингдаги шайтонни енгиш, офатни бартараф қилиш демакдир. Инсон жанг майдонида, рақиб билан олишувда чарчамайди, у ўзи билан ўзи курашиб толиқади. Зоти яхшилар ўшандай таранг ҳолда чарчаб яшасалар-да, вужудларига ин солиб олган шайтонларини тизгинда ушлаган кишилардир.

Харомдан парҳез қилмаслик, ахлоқан енгил-таклик, қўли эгрилик, бойлик ва шуҳратга баднафс бўлиш ... хуллас, уятли ишларга сурункали тутунмоқ зоти пастлик аломатларидир.

*Кучук бирла хўтикни қанча қилсанг тарбият,
Ит бўлур, эшак бўлур, бўлмасдир асло одамий –*

дегандилар ҳазрати Навоий. Аммо бандаси ихлос билан таябага юзланса, Яратган унга бағир очаверар экан. Унинг аҳволоти дарҳол ўнгланишга тушиши мумкин экан. Шайтондан шайтон тарқайди, унга қўл берган кимсалардан эса шайтончалиш насл яралиши мумкин, аммо ўз вужудидан инсоний унсурларни қидириб қолганки зот, Аллоҳ берган, аммо ичига чўкиб қолган фазллар куртагини ундириб-ўстиришни хоҳлаганки банда ўз



зотини яхшилашга киришган кишидир. Ўзига аён хатоларини яна такрорлашдан тийила билса, ўзига нисбатан талабчанлик, зийракликни доимий бошқариб турса, иншооллоҳ, унинг боласида ҳам бу ирода куввати бино бўлади. Шунингдек, боланинг томирида мерос қусурлар ҳам уйғонади, аммо унга қондан ўтаётган янги фазл – отасидаги наслини тозалаш иштиёқи ҳам бош кўтаради ва қарабсизки, шайтонга қарши курашда у отасичалик қийналмайди.

Ота-онасида биров билиб, биров билмаган ахлоқан енгилтаклик ва қўли эгрилик ҳамда иродаси бўшлиқ, яъни лақмалик бўлган кишилар айниқса хушёр қайнашлари керак. Чунки бу қусурлар қусур эмас, наслий касалликдир. Улар ғоят зот сурадиган ва яшновчан бўлади. Солиҳ фарзандларгина бу нуксондан ўзларини қутқара оладилар. Ва болаларидан бошлаб уларнинг зотлари тозаланишга тушади. Аммо бундай хонадонлардаги тарбия, яъни маънавий муолажа ишлари бошқаларникидан фарқ қиладиган – алоҳида, изчил ва давомли бўлиши керак.

Насл мўъжизалари

Савол:

– Аслимиздай яшаш нима?

Жавоб:

– Тайинли одамлардай яшаш, яъни ўзига ўхшаб яшашдир. Ер қуррасининг қаерида умргузаронлик қилишимиз, яъни сув, ҳаво, ой ва куннинг, атрофимиздаги ҳайвонот ва ўсимлик дунёсининг, тупроқ таркибининг бизга таъсирига қараб,



заминимизда йил фаслларининг қандай кечишига қараб, миждозимизни ва яшаш тарзимизни уларга мослаб олганмиз. Наслу насабимиз ҳаётларини қандай курган бўлсалар, биз ҳам шу андозадан чиқолмаймиз. Бу миллатпарастлик, генпарастлик эмас, бу тўлақонли яшаш чораларини излаш, ўзни асраш, ҳимоя қилиш учун кураш усулидир.

«Қазисан-картасан, барибир аслингга тортасан», деган гап бор. Бунинг маъниси шуки, йигирмамизда, ўттизимизда, қирқимизда ўзимизни шайтон бошлаган турли томонларга тапилаб кўрамиз. Бунинг отини гоҳ «етуклик», гоҳ «замонавийлик», гоҳ «хоҳиш, истак» деб атаймиз. Атрофдагиларга бу ўзгаришлар ичра ўзимизни мамнун, орзуларимизга етишгандай кўрсатамиз, бу даражагача «ўсолмаганлар»ни қоқоқликда айблаб ҳам кўямиз. Аммо бир ҳолатни ҳеч тушунмаймиз: кўнглимизнинг ич-ичи ҳеч тўлмаётганга ўхшайди, бот-бот ўзимиз етган бу «юксалиш»дан зерикаётгандай бўламиз. Элликка етганимизда эса бошқалардан нусха кўчириб, тиришиб-тирмашиб ясаб олган «культуралный» ҳаётимизда бизга ҳаво етмай қолади, димиқа бошлаймиз. Отамиз, онамиз тутган тутумларга юрагимиз орзиқаётганини пайқаймиз. **Бу томиримиздаги насл чақириқларидир! Бу аслини соғинишдир, азизим!**

Бизнинг ҳар бир баҳоримиз қалдирғочнинг «валфажри»си, найнинг наволари билан бирга кириб келади. «Ушшоқ»у «Ажам»ларда юрагимизнинг таржимасини ўқиймиз. Тиззаларимизни онамиздан қолган кўрпачаларга босиб ўтириб, отамиз суянган ёстикларга суяниб олиб ичган чойимиз томир-томиримизни доволайди. Болалигимиздаги

вассажуфтли, баланд шифтли, мебеллари йўк, кенг уйларни эслаганда ҳам баданимизга роҳат киради!

Бир илмий изланиш орқасидан Москвада Ленин номидаги кутубхонада ўн-ўн беш кун мутолаа қилишга тўғри келди. Умр йўлдошим билан бир кекса рус аёлининг уйида яшаб турдик. Хар куни ўзимизнинг овқатлардан тайёрлайман. Настя хола бу таомларни мактаб ейди-ю, аммо биргина овқат пишириш учун икки соат вақт кетишини ҳеч ҳазм қилолмайди. Унинг овқатлари эса узоғи билан ярим соатда тайёр бўлади: макаронни сувда қайнатиб, сарёғ аралаштиради, колбасани товада у ёғ-бу ёғини жаз-жиз эттиради, тамом! Бизникилар эса бу таомни овқат ўрнида кўрмайдилар! У яна бизнинг чойхўрлигимизни кузатган бўлса керак, бир куни кўзларини катта-катта очиб, гўё бир катта хатардан огоҳлантиргандай: «Сиз менинг уйимда яшаяпсиз. Сизга бир гап бўлса, мен жавоб бераман. Бир ўтиришда икки чойнак-икки чойнак чой ичиб юборяпсиз, одам бунакада ўлиб қолади-ку!» деди астойдил. Ўзи эса бир кунда бир стакандан уч маҳал суюқлик ичади, холос. У бизга, биз унга ҳайрон эдик! Шарқнинг фақат осмонида эмас, одамларининг устухонида ҳам офтоб яшашини у қаердан билсин! Ота-буваларимизнинг хонадонларида қумғонлари доимий қайнаб тургани, гузарларимизда азал-азалдан пешонасига «Чойхона» деб ёзилган роҳат маконлари муттасил ишлашини у тасаввур ҳам қилолмайди. Ўйлаб карасам, чойхўрлик бизнинг шарқона ҳузурларимиздан бири экан.

Энг европалашган эркак ҳам жуда ҳурмат қилган одамига бсихтиёр қўлини кўксига қўйиб



мулозамат килаётганини билмай қолади. Бу унга конидан ўтиб келаётган одоб тарзидир. Ёшлиги дискотекаларда ўтаётган, сўзлашидаю юриш-туришида миллийликдан асар қолмаган йигит ҳам иш уйланишга келганда, бировга тик қарамайдиган, кийинишлари ҳаёли қизни қидиради. Бу унга авлодидан мерос қолган дид, рухий эҳтиёждир.

Хулласи, инсон аслига ўхшаб яшагандагина чиройли бўлади, ўзининг ҳам кўнгли тўлади. Миллий кийимдаги раққосаларимизни бир кузатинг: дўппининг ярашгани, орқа-ўнгини тўлдириб турган узун сочларнинг файзи, кўйлагу камзилларнинг тикилишлари кўзимизнигина эмас, юрагимизни ҳам банди қилади! Уларнинг концертдан кейинги кўринишини эса кўрмай кўя қолинг. Юзининг ярмини тўсиб турган ҳурпайган соч, тангу тор футболка-ю тирсиллаган шим етмиш фоиз ҳуснни еб ташлайди! Улар ўзларича яна-да гўзаллашдим деб ўйлайдилар, аслида эса, бунинг акси!

Узумда узумнинг, олмада олманинг таъмию шакли бўлсагина қадрли. Ҳар бир неъмат аслини сақлагандагина неъмат аталади!

Аросат нима?

Бу бетайинлик, «осмон узок, ер қаттиқ» дейиш ҳолатига тушиб қолишдир. Бола оч қолса, онасини эмиб, чанкаган одам сув ичиб, нилуфар гул сувга илдиз отиб ўзини тиклайди, яшайди. Инсон ҳам авлоддан-авлодга ўтиб келаётган миллий қадриятлар, наслий кўникмалардан нур, кислород олади. Унинг ўпка-жигари шунга мослашган. У ўзининг аслига суяниб турсагина тикка туради.

Учрашувларнинг бирида бир ўсмир: «Барча дин Аллоҳнинг бирлигини тан олиб тургандан кейин мен ўзбек бўла туриб христиан динини қабул қилсам нима бўлибди, барибир худо йўлидаману?!» деб қолди. Ўшанда жавобим қуйидагича бўлган эди:

Мақсад Яратганга ёкишми? Демак, имкон қадар савоб ишларни қўпайтириш, бунинг учун эса яшаш илмини обдан билиш керак. Муҳаммад пайғамбаримиздан бери ўн тўрт асрга яқин вақт ўтди. Бу — мусулмончилик бобида бизнинг ўшанча йилги кўрган-кечирган тажриба, билимимиз бор дегани. Бу илм бизнинг феъл-атворимизга, руҳимизга сингиб, ахлоқ меъёримизга айланиб кетган. Ҳар бир одам ўзининг касалини ва унга қайси дори тез таъсир қилишини билади. Шундай экан, мақсадга эришишнинг ўзингга қадрдон, яқин ва осон йўли турганда, манзилга атайин узоқдан айланиб келишнинг нима кераги бор? Ўзга диннинг алифбосини нолдан бошлаб ўзлаштириб, қўлинг бир ишга келгунча неча қовун пишиғи ўтиши керак. Мақсадинг, Аллоҳ розилигини олиш экан, қонингдаги мусулмончилик билан тоғдай савоб уюб улгуришнинг мумкин. Нега сен ота қадрдон, она қадрдон динингга бундай беписанд қараяпсан? Ўз динини ҳурмат қилмаган ўзга диннинг хизматини қойиллатармиди? Яна унинг устига, бу гўр бошинг билан! Қолаверса, ўз динини ҳурмат қилмагани ўзга диндагилар ҳурмат қилармиди?

Гилос кўчатиға олхўрими, яна алламбалоларни улагандан кейин олинган мевасини кўрганмисиз? Йириклиги ва ранги билан кўзингизни олади, еб кўрсангиз, тайин таъм йўқ — на гилосмас, на

олхўри! Ўзлигини йўқотиш шу. Аросат деб шуни айтадилар!

Икки дунё саодати нима?

Яратганнинг «суйган бандаларимга икки дунё саодатини бераман», деган ваъдаси бор. У етишиш жуда қийин ва жуда осон бўлган сазоворликдир. Унга эришишнинг қийинлиги шуки, «нафсни тийиш» деган ғоят оғир амалнинг уддасидан ўтиш керак. Бу дегани, пулу бойлик, ахлоқий нафс, шухратпарастликка ружу қўйишдан тийилишдир. Бунинг мутлако уддасидан чиқиш мумкин, киши ўзини бошқара билса бўлди, бу унинг ўзи билангина битадиган иш!

Дунё саодатига эришишнинг осонлиги шуки, бандаси унга етишни орзу қилишдан аввал ўзида аллақачон мавжуд бўлган Яратганнинг инъомларини кўра билса бўлди: яшаш учун заруратлар — сув, нур, хаво, емак, киймакнинг борлигига суюнишни билса, жисми-жони, ақл-ирода қуввати яратиш, бунёд қилиш имкониятига эга эканлигига шукр қилолса, ота-оналик, фарзандлик, оила завқи, кўлидан келаётган касбу кор завқини ҳис қила олсагина, киши ўзини беихтиёр саодатманд сезади. Бундан ортиқ бахт борми, дея юпана олади. Агар ҳар бир инсон ўз феълини шундай ясай билса, унинг тўрт томонидан Аллоҳ қандай мукофотлар ёндиришини ўшанда кўрасиз!

Содда қилиб айтганда, икки дунё саодатига **нияти яхши, иши яхши** инсонлар сазовор бўладилар. Бундай карасанг, бу дунёда ҳамма фимирлаб юради. Бири хунарнинг, бири ниятнинг

оркасидан тинмай ҳаракатда. Баъзан «умринг кет-
япти, жонинг сарфланяпти, ҳой, гўл банда, шунча
ҳаракатингни яхши ишларга, яъни савоб йиғиб
қолишга сарфламайсанми, нега ўз зиёнинга иш-
лайсан?!» деган гапни ҳайқириб айтгинг келади.
Ўз зиёнига ишлаш хато юмушларга қўл уриш,
демакдир. Хато қилмаслик, гуноҳ содир этмаслик
учун катта илмнинг кераги йўқ. Фақат ёш бола
билмай адашиши мумкин. **Катта одамлар эса ха-
тони билиб туриб қиладилар.** Ақллари оқ-қорани
ажратиб, устозлари йўл кўрсатиб, китоблар маёқ
бўлиб туришига қарамай, ақлнинг эмас, жаҳлнинг,
инсофнинг эмас, нафснинг изидан кетадилар, шу
тарзда гуноҳлар содир бўлади.

Ҳой қадрдон, айт-чи, бу дунёда ҳам, у дунё-
да ҳам роҳатланишни хоҳлайсанми? Унда ўзинг-
ни тўхтат! Ўзингни тўхтатиш учун мардикор
ёлламайсан-ку? Ахир бу ўз қўлингдаги иш-ку?!
Одамларга ёқмаётган, одамларни хафа қиладиган
ишни одамлар олдида ҳам, улар йўқ жойда ҳам
қилма! Дуо оладиган ишларга тутун! Сени кўрганда
яйраб кетсинлар! Сени излаб, сенга ишлари ту-
шиб турсин! Бармоқларинг Оловиддиннинг сеҳрли
таёқчасига айланиб қолсин: нимага қўл теккиз-
санг, гуллаб кетсин! Юрагингдаги офтобинг билан
ҳамманинг микробини ўлдириб, жонларини иситиб
юр! Сен бу дунёдан ўтиб кетганингда ҳам, қилган
яхшиликларинг етти сулолангнинг йўлларини
очиб, умрларини узайтириб, ризқларини ошириб-
тошириб юрсин!

**Икки дунё саодатини ҳаммани севмоқ ва
ҳаммага севилмоқдан топажаксан, иншооллоҳ!**

Ўзимизга юриш қилайлик

Савол:

– Турсуной опа, ота-оналар болаларига насиҳат қилмай қўйишдими ё фарзандлар насиҳатга юрмай қўйдими?

Жавоб:

– Вужудимизда шайтон яшар экан, тарбия иши киёматгача адоғига етмайди. Далил учун Эркин Воҳидовнинг «Бу кўҳна ҳасрат» номли куйидаги шеърини келтирай:

*«Ёраб, қандоқ кунга қолдик, бу нечук савдо?
Одамларда на шафқат бор, на меҳру вафо.
Йигитларда одоб йўқдир, қизлар ҳаёсиз,
Хотин зоти кун ўтказмас бир можаросиз.
Қўйиб берса, эл бир-бирин ўяр кўзини,
Овбошилар эса фақат ўйлар ўзини...
Дунё охир, биродарлар, йўқ энди ҳаёт,
Куни кеча тамом бўлди охирги мамонт...»
Қадим аждод ўкинч билан чўкиб сояга,
Бу сўзларни чўкич билан ёзди қояга.*

Мазкур шеърда қаламга олинган – фақат ўзини ўйлайдиган худбинларга, бир-бирини кўзини ўяётган баттолларга, жағига тиргович қўйиладиган аёлу одобсиз йигит ва ҳаёси кўтарилган қизларга ота-онаси насиҳат қилмабдими дейсиз?! Улар уйдан чиқиб кетиб, махсус жойда ёмонликка ўқимаган-ку, ахир! Улар ота-оналарининг ҳузуридан шу алфозда чиқиб келмоқдалар. Нега уларга насиҳат юкмаяпти?

Тарбия ҳам – бир ибодат. Ҳажга борганки одамнинг ҳамма гуноҳдан фориг бўлиши, жойна-

мозда ўтирганки кишининг ҳамма ибодати кабул қилиниши номаълум бўлганидай, ҳамма ота-онанинг насиҳати ҳам боласига ўтмаслиги мумкин. **Тарбия ишининг шартлари, қарзу фарзлари мавжуд.** Насиҳат қилишнинг ҳам жисмоний ва рухий таҳоратлари бор! Масалан, ўзи ота-онасининг гапига кирмай, улар норози бўладиган ишлар қилиб келган киши минг гўзал насиҳатлар қилгани билан фарзандидан солиҳлик кутмасин. Порахўрлик ва судхўрликдан топганини боласига едириб келаётган одамнинг насиҳати ҳам тошга сув сепгандай зое кетаверади. Боласида ёмон шохлар ўсаверади. Суюқоёқ эр ва аёлнинг боласига ҳам тарбия юкмайди!

Инсон учун бу дунёда энг катта қувонч – унинг боласи! Одамзод бола учун ўз кўзинику устухонини суғуриб беришга тайёр! У қозон қайнатиб, оғзини очиб турган гўдакларини боқиш ҳаракатида кўчага чиқади. Инсон аввало, ўз фарзанди учун нафақат ўз оstonаси, балки бутун дунёнинг тинчлигини кўриқлайди, жонини гаровга қўяди. Аммо, минг афсуски, у доим оддий фалсафани, бу дунёнинг оддий ҳақиқатини эсидан чиқараверади: одам тили, дили, қўли билан атрофга ва атрофдаги инсониятга зарар етказмасагина боласининг кулфи дили ва йўли очилади. Унга илм, насиҳат сингади, бахтга элтадиган йўлга тушади.

Битта бола учун битта жонини мингга парчалаб, минг марта ўлиб, минг марта тирилаётган замондошим, йўл битта – ўзимиз тозаланмагунча боламизга гапимиз ўтмайди! Ўзимизга юриш қилайлик, азизим!

Муҳаббатга ким лойиқ?

Савол:

– Бир яқин ошнам эллик ёшда. Доим «биринчи муҳаббатим учун курашмаганман» деб армон билан юрарди. У ўша аёлни учратиб қолибди, ҳалиям ёлғиз экан. Нима қилсам экан, деб боши қотган, маслаҳат беринг.

Жавоб:

– Сиз бундай деб турибсиз. Кеча телевизорда ҳам бир кап-катта одам чиқиб, «инсон ўз муҳаббатига эришиш учун курашиши керак, мен шундайларни ёқтираман», деди. Нохуш бўлдим. Яхши кўрган кишингга етишиш шарт дейдиганлар яна қанча экан-а, деган қадок пайдо бўлди кўксимда.

«Бировни ёқтириб қолдингми, ота-онангдан ҳам кечиб юборавер, гап-сўз бўлсанг нима бўлибди, севганинг билан қочиб кетавер! Ёинки, уйланган бўлсанг нима қилибди?! Боланг бўлса нима, яхши кўрганингга етишиб қол, мана шунинг оти «севги учун кураш», умр бир марта берилади, ахир!» деган гаплар бировга муҳаббат қўйган ёки севилишга муносиб бўлган одамнинг гапи эмас! Бу одамнинг имони ухлаб қолган, бу унинг номидан гапираётган шайтоннинг овози, нафснинг овози! Қўй семиз-ориғлигига қараб, гул чиройи, хидига қараб, шахс эса инсончилигига қараб баҳоланади. Инсоннинг қош-кўзига эмас, феълидаги фазллари-га қараб муҳаббат қўядилар. Ташқи кўриниш юрагингизни жиз эткизгани билан ҳали у муҳаббат эмас. Бир совуқ ҳаракатини сезган заҳотингиз



хафсалангиз пир бўлади. Одатда, инсоннинг гаплари, ишларининг мағзига қараб кўнгил қўясиз.

Дейлик, сиз ҳам ҳозир ўшандай ибратли мақомга эришгансиз. Аммо шу нуктага етгунча нима еб, нима ичдингиз? Ниманинг ва кимнинг кўмагида камолга етдингиз? Жавобни ўзим бера қолай: онангизнинг оқ сути, ҳусну чиройи, куч-қуввати, умрини еб-ютиш эвазига, отангизнинг топганини қуритиш эвазига суягингиз пишди, бўйингиз ўсди. Оға-инингиз йўлади, маҳалла-кўйингиз дуо қилди, устозингиз ҳунар берди, илм берди, ҳулласи, ўнлаб кулолнинг шарофати билан битта кўзага айландингиз. Ана ўшалардан қарздорлигингиз эсингизда бўлса, ана ўшалардан уялиб турсангиз, уларни норио қилмасангиз мағизли одам саналасиз. Бундай одамни севса бўлади, бундай одамнинг муҳаббати ҳам покиза бўлади. Бундайлар инсонни, унинг юрагини қадрлайдилар. Ночор ҳолатдаги ҳар бир кишининг ўрнига ўзларини қўйиб кўрадилар ва ҳеч кимга ёмонлик илинмайдилар.

Ҳали ҳам ёлғиз яшаётган ўша аёлга келсак, у йўлда ётган бир ўлжа эмас, ўртоғингиз ҳам эгасиз қолган ўлжани судраб кетаверадиган маҳлук эмас. Ҳар иккиси ҳам Аллоҳ шариф санаган инсонлардир. Инсончилиги бор, севилишга арзийдиган аёл бўлса, ҳеч қачон фарзандлик, эрлик, оталик, қўйинг-чи, йигитчилик қарзларига ботиб турган эркакни ўзига чорламайди, икки дунёси қуйиб кетишидан кўрқади. Бундай инсоф факат чин муҳаббатли инсонлардагина бўлади.

Хўш, биринчи муҳаббатига етишмоқни хоҳлаб турган ўша қадрдонингиз-чи? Уни туғиб-ўстириб, уйлик-жойлик қилган ота-онасининг ризочили-

гини ўйлаб кўрдими? Аёлининг олдидаги эрлик қарзи, муқаддас никоҳда ваъда қилган рўзғордаги раҳбарлик қарзи ҳақида-чи? Агар шу ишга қўл урса, фарзандларининг ризки, юраги, бахтининг яримта бўлиши ҳақида-чи? Киши сиртдан ўқиши мумкин, аммо сиртдан оталик қилиш болаларни тирик етим қилиш эканлигини ўйладими у?

Ё у кишим икки рўзғорлик бойвачча бўлишга журъат қилмоқчимилар? Илоҳий китобларимизда: «Қўш никоҳлик бўлишингиз мумкин, қачонки **адолат** қила олсангиз!» деб кўйилибди. Бу ғоят қалтис шарт! Хўш, биринчи муҳаббатига етгиси келиб турган кадрдон, қани айтинг-чи, сиз ҳар бир тийинингиз, ҳар бир дақиқангиз, ҳар бир сўз, ҳар бир табассумингиз, меҳрингизни иккала рўзғорга тенг тақсим қила оласизми? Ва бу адолатни ушлаб туриш учун вақтингизни, пулу молингизни, асабларингизни неча йилга етказа оласиз? Ўн йилгами? Йигирма йилгами? Бу мўйсафид дунё «Ана ўшанга биз кодирмиз!» деб кўкрак керган «зўр»ларнинг талайини кўрди ва кўриб бормокда. Ўз даврида ойни бенарвон урган у эркаклар умрларининг ниҳоясида аёлларнинг оёғида хор, фарзандлари қошида беобрў бўладилар. Қўшхотинчилик, кўпхотинчиликка ўралашганки кишининг боши маломатдан чиқмай, ўзидан ўтганини ўзи билиб ўтиб кетади. Қолаверса, ҳаёт ҳақиқатларини кўриб турибсиз, агар аёли билан бирга қўш ҳўкизга айланмаса, икки рўзғорни кўя тулинг, бир эркак биттагина оиланинг юкини ҳам тортолмай қолиши мумкин.

Укажон, бу рангин дунёда кимларнинг ишки нималарга тушмайди дейсиз. Бу кўнгил деганла-



ри нималарни тусамайди дейсиз! Инсон борки, булбул сайраса, куй янграса, шеър ўқиса, эсласа, ўйласа ... юрагининг бир чети хамиша йиғлайди! Чап қовурғасининг ичига жойлашиб олган бир тиг жонига тинимсиз санчилиб туради! Бу дунёда юрагининг яраси тузалган одамни асло топмайсиз. Муҳаббатни ўша оғриклари учун кадрлайдилар. Ўша оғриқлар билан яшаш жуда гаштли! Ўша оғриқлар тугаб қолишидан кўрқиб ҳам кишининг ўлгиси келмайди! Муҳаббат менинг назаримда яхшилиқ уруғи – юрагининг коқ ўртасида илдиз отади, ою кун ўтаверади, у вужудингда туп қўйиб палак ёзаверади ва сени ич-ичингдан тозалаб боради. Ҳақиқий муҳаббатга йўлиққанки одам – безарар! У ҳеч кимга ёмонлик қилмайди. Ундан покиза нур таралади, атрофи яшнаб туради, Яратган уни яхши кунлар, яхши қисматларга етаклайди. Чунки у туйғуларини нафсга, хирсга айлантормади. Муҳаббатдан тама қилмади – «ошиқ» ёки «маъшуқа» аталмиш Аллоҳнинг неъматини фақатгина холис севди, ихлос қўйди. Олислардан туриб унинг борлигига шукрлар айтиб яшади. Бу унга куч берди, завқ берди, тўғрироғи, ишқни моддиюнга аралаштирмагани, ундан фақат рухий озуқа олгани учун Яратган эгам муҳаббатни унинг фойдасига хизмат қилдирди!

Пешонангизга ёзилганига кўнинг, кўнишингиз керак, шу кўнишингиз орқали худо сизни ёруғ кунларга олиб чиқиб кетади. Йўқ, айтганимни қиламан десангиз, натижасини кўраверасиз: ориқиб эришган нарсангиздан Аллоҳ кўп ўтмай кўнглингизни қолдиради, ёнида тургингиз келмай қолади. Орқага қайтай десангиз, эшикни қаттиқ



ёпиб чиққансиз, юзингиз шувут! Қарабсизки, аросатдасиз. Сизни бу кунга Тангри солади, атрофдан қарғиш олганнинг, одамларни норози қилганнинг қисмати, бу кўхна дунёнинг исботланган азалий ҳақиқати шу, айланай.

Гина қурбонлик сўрайди

Савол:

– Уч йил бурун опам билан уришиб қолгандик. Хануз гаплашмаймиз. Ўзимни айбдор санаб бир неча бор кечирим сўрадим. Опам барибир тескари қараяпти. Қандай қилсам кўнглига йўл топаман?

Жавоб:

– Опангиз қирк ёшда экан, унинг устига у – опа. Опа эса она ўрнидадир. Сизни бошқалар кечирмаса ҳам, у кечириши керак. Кечирим сўраб, Аллоҳга ёқадиган иш қилибсиз. Аммо дил оғритиш дунёдаги энг оғир гуноҳ, бундан кейин ўзингизни бошқара билинг. Олтин қавуш кийдириб, олтин товоқда овқат беринг, кўйни-қўнжини тиллога тўлдилинг – бари бекор! Дили оғриганга бу нарсаларнинг қиммати йўқ. Сиз уни қаттиқ хафа қилган кўринасиз. Лекин опангиз шуни уқиб олсинки, синган юракни тез даволайдиган нарсаси гина сақламаслик, сени хафа қилганни кечиришдир. Яна унинг устига рўпарангиздаги одам қилмишидан уялиб, узр сўраб турса! Юрагида гинаси бор юрак ғазаби, нафрати бор юракдир. Нафрат бор жойда эзгулик, яхшилик яшай олмайди. Фаришта қочади. Бировни қарғаётган банданинг дуолари ижобат бўлмайди, чунки бу одамдан Тангри юз ўгиради, бу дегани у беҳимоя қолади.



Энди бу опанинг ишлари ўз-ўзидан оркага кетиб, атрофини кўргуликлар ўрай бошлайди. Сиз эса ўғлоним, опангизга яхшилик қилишда давом этаверинг — бу сизнинг Швейцария банкига қўйган пулингиз бўлади.

Жуфтсизлик — ғариблик

Савол:

— Турмуш ўртоғим оламдан ўтган. Икки фарзандим бор. Совчилар келишяпти. Аммо яқинларим фарзандларингга ўгай ота керак эмас, дейишяпти. Нима қилай?

Жавоб:

— Шу шароитингда ҳам харидоринг борлиги яхши инсон эканлигиндан далолат. Аммо билгил, икки бола билан турмушга чиқиш, бировнинг хонадонига лашкар тортиб боришдай гап. Демокчиманки, сен шу туришингда учта оғиз, учта феъл, учта тил билан яна уч кишилик жойни эгаллаб кириб борасан. Чиқаётган совчиларинг астойдилми ва тайинли одамми? Сенинг иссиқ-совуғингни кўтара оладиганми? Келажакда болаларинг нари-бери бўлиб қолмасин, деб ҳам яқинларинг ўйланиб турган бўлишлари керак!

Тақдири азал шу: эру аёл бақамти бўлсагина «бутун» деган тушунча ҳосил бўлади. Эрнинг ёки аёлнинг ўнта ўғли, подшонинг хазинасича бойлиги бўлса-да, жуфти бўлмаса, ўзини танҳо ва ғариб сезаверади. Жуфтлик бўлиш илинжини кишининг кўксига худо солади. Бу — бандаликнинг иқлими. Ҳаётда боши очик эркакни жуда кам учратасиз. Аммо дунёнинг бир қавати бева ва тул аёллардир.



Биргина боласи билан ҳам орият қилиб ёлғиз ўтиб кетганлар бор. Буни жуда нотўғри деб ўйлайман. Бу ҳолатга томошабин бўлиб турган уларнинг яқинларини ҳам бегуноҳ деб бўлмайти. Худди аёлларда бўлгани каби эркакларнинг ҳам жуда кўпчилиги кўнгилдагидай эмас. Яъни эрга текканки, уйланганки одам роҳатда бўлмаслиги аниқ. Аммо эркак-аёли бут оиланинг сиз ва биз таъриф беролмайдиган илоҳий салобати, ажиб кўнгил тўқлиги бор. Бундай хонадонга Аллоҳ алоҳида нур тушириб туради, бунинг мағзини бандаси ечиши қийин.

Шунинг учун, ой кизим, турмушга чиқсанг, кўп хайрли иш бўлади. Демокчиманки, охири бахайр бўлади. Аммо сув келса симириб, тош келса кемиришга ваъда берасан. Сенинг отинг Сабр, Ирода бўлади. Ва ўшанда албатта бахтли бўласан, болажон.

Уялиш ҳам ибодатдир

Савол:

— Ёшим кексайиб қолди, лекин шу пайтгача намоз ўқимадим. Қандай қилиб бу оғир қарзларни узишим мумкин?

Жавоб:

Азизим, мана шу хижолатчиликнинг ўзи ҳам ибодатдир. Яратгандан қарз эканлигингизни туя бошладингизми, имонингизга қувват кираётгани шу. Имом Аъзам дўконда чит тахлаётган шогирдининг оғзидан: «Бу дунёнинг гуллари шундай чиройли бўлса, жаннатнинг гуллари қандок экан-а, э Аллоҳ, жаннатингни бизга ҳам насиб айлагин!»

деган хитобни эшитиб, безовта вазиятга тушибдилар. Ранглари оқаргандай бўлиб, «ёпинг дўконни, иш тамом» дебдилару уйга равона бўлибдилар. Хавотир олган шогирд кечки пайт хабар олгани келса, у киши жойнамоз устига тўкилиб ўтирибди эмиш. Ибодатдан сўнг хазрат у шогирдга нима дебдилар денг! «Сиз бугун номақбул иш қилдингиз, биз нимага намоз ўқиймиз, биласизми? Қилган гуноҳларимиз учун тавба қилгани, кечирим сўрагани! Сиз эса журъат билан жаннат сўрадингиз-а?!» деб қойинган эканлар. Бу гапда сизу биз учун қўрқинчли ҳақиқат ётибди, азизим. Яратганнинг «сўра, бераман!» деган ваъдаси бор. Аммо бизга саховатпешалик ва муҳаббат билан турган Тангрининг бу марҳаматига биз лойиқмизми, йўқми? Сўраганки одамга сўраганки нарсасини бераверса, «савоб», «гуноҳ», «жаннат», «дўзах» деган нарсалар қаерда қолади? Ғофил бўлмайлик, ҳамма нарса ҳисоб-китобли. Ҳақнинг тарозусидай одил ўлчагич йўқ!

Демак, хали сизнинг жойнамозга етгунча ўйлайдиган ўйларингиз бор: яъни, айтинг-чи, фарзандларингиз сиздан розими, оға-иниларингиз-чи? Ҳеч кимнинг дилини оғритмай юрибсизми? Хайру садақа эсингиздами? Молпарастлик қилиб қўймайасизми? Ҳеч кимдан гинангиз йўқми? Агар шу томонлардан кўнглингиз тўқ бўлиб, яхши амаллар билан яшаб келаётган бўлсангиз, намоздан умид!

Акс ҳолда, жойнамозни кир қилманг, азизим, аввал ўзингизни покланг! Ҳар гал хатоингизга нукта қўйиб, яхши амалларга қўл уришингиз минг ибодатга тенг, иншооллох! Аввал дилингиз-

ни, тилингизни, қўлингизни ёмон ишлардан фориғ қилиб, сўнггина намозга юзланинг!

Энг буюк ибодат Аллохдан сўраш эмас, Ундан уялишдир.

Насихат нима?

Насихат бу илм, тўғри яшаш илмидир. Инсон ўқийди, хунар ўрганади, соғлом бўлишни, пули кўпайишини, каму кўстсиз яшашни истайди ва бунинг учун тинимсиз ҳаракат қилади. Аммо орада нафс, хирс деган нарсалар бор. Бу – шайтоннинг инсонга солиб турадиган доимий қутқулари. Одамиятни бахтсиз қиладиган нарса ҳам ўша шайтоний туйғулардир. Бирор инсон йўқки, бундан холи бўлса. «Мусулмонлар бир-бирларини суяб турган иморатлардир», дейилади бир ҳадисда. Бу ерда фақат моддий тиргаклик эмас, одамларнинг бирига маънавий раҳнамолиги ҳақида ҳам ишора турибди. Илми бор илми мундоқроқки, тажрибали тажрибасизни, катта кичикни етаклайди, ўргатади, тўғри йўлни кўрсатади. Насихат шу. Инсончиликнинг қарзи, яшаш тарзи шу. Шу жараён ёрув дунёни тик тутиб туради. Шундагина юксалиш, тараққиёт бўлади.

Аммо насихат қилишда ҳам гап бор. Яъни унинг ўзига хос шартлари, усуллари, чегара чизиқлари мавжуд. Аввало, насихат қилгувчининг маънавий ҳуқуқи бўлиши, бу дегани, бировга айтётган нарсаларга ўзи амал қилиши, ҳеч қандай манфаат кутмай холис гапираётган бўлиши шарт.

Қолаверса, насихат камчилиги бор, хато қилиб турган одамга берилади. Демак, у айни вақтда

хом инсон – кибрли бўлиши, камчилигини айтсангиз, сиздан хафа бўлиб сакраб, ҳатто тиккасига ташланиши ҳам мумкин. Энг ёмони, гапингизни сингдира олмасангиз у ўнганмаслиги, яъни гуноҳкорлар каторида қолиб кетавериши мумкин. Бундан кўриниб турибдики, кимсага насиҳат едиринида санъат, қобилият ҳам керак бўлади.

Яна бир гап: насиҳат билан эзмаликнинг фарқи бор. Ёшингизнинг катталигини пеш қилиб, рўпарангиздаги одамнинг кўзини очирмай, битта танбеҳни минг марта қайтаравериш, атрофдагиларни ўзингиздан бездирадиган даражада майда гап-пикир қилавериш насиҳат эмас! Бу – зулм! Бу – дилозорлик! Сизнинг насиҳатингиз билан кимса ўзгармаяптими, унинг тарбиясида ижобий натижа йўқми, дархол тўхтанг, демак, сиз насиҳат қилишни эпсолмаяпсиз. Ўзингизни ҳам, бировни ҳам қийнаманг! Бу ишни гапи сингадиганлар қилсин.

Қадрдон, насиҳатни ёқтирмайдиган одамдан кўрқинг! Демак, у кибрли! Демак, у – жохил! Тарихда буюк инсонлар узундан-узун йўл босиб, яхшиларнинг оstonасига юқиниб, насиҳат тинглагани борганлар. Улар насиҳатнинг чироқ эканлигини билганлар, шунинг учун ҳам йўл ёритгувчиларни ўзлари излаганлар.

Уйини севмаган аёл

Савол:

– Бир аёл турмушли, уч фарзанди бор. Аммо турмуш ўртоғи раҳматчи экан. Бир жойга фақат эрининг руҳсати билан ва у белгиланган одам би-



лан, эри айтган вақтдагина бора олар экан. Бир умр камокда яшагандай ўтишим керакми, нима қилай, ажрашайми ё бошқа йўли борми, дея боши қотяпти.

Жавоб:

– Мен бу ўринда насиҳатим қор қилмаслигидан қўрқиб турибман. Кўриб турибсиз, бу ойим ўзини ўзи фош қилиб ёзяпти.

Сен эрли аёл бўлсанг, рўзгоринг, уч бирдай давлату дилбандинг бор экан. Мактубингда оч-яланғоч қолдим демаяпсан, урди-сўкди деган даъвойинг ҳам йўқ. Билиб қўй, аклли, уйим-жойим деган, оила тинчлигини энг олий бахт деб уққан аёл хоҳлаган пайтида истаган жойига кетавермайди! Бундай хоҳиш унда бўлмайди ҳам. Нахотки у ёқ-бу ёқларда сайр қилиб, кўча айланиб, пасту баланд танишларинг билан лақиллаб, гап сотиб юриш сенга шу қадар ёкса?! Сени-ку уч боланг бор экан, битта боласи бор одамга-да йигирма тўрт соат етмай туради. Кўчада ишлайдиган аёллардан сўра, уйига етолмай, бекалик юмушларини ёлчителиб қилолмай, дам олиш кунларини интизорлик билан кутади. Ўз қўли билан уй тузашни, боласига бир нима тикишни, чиройли таомлар тайёрлаб оила аъзолари билан маза қилишни орзулаб юради. Уч болани тарбиялашдай гўзал машғулот борми аслида! Шу болаларнинг баҳонасида уйда ўтириб ўзингга тин беришдай қулайлик борми! Кўчага чикадиган, ошиб-тошган вақтинг бўлса, беш варақ бўлса-да китоб кўр, яхши-ёмонни тани! Сиқилсанг, ана, телефон, телевизор деган нарсаларни худо нима учун яратиб қўйибди? Аслида, аёллик илмини яхши биладиган аёлнинг телефону

телевизорга ҳам токати бўлмайди! Бу ерда бошқа гап бор! Мана сенга қўяётган ташҳисимни эшит:

– Уч болали уйда юмуш дегани тўлиб-тошиб ётади. Сен уни кўрмаяпсанми, демак, дангасасан, жонингни қийнаб иш қилгинг келмайди. Уйингдаги хунук манзарадан қочгинг келиб туради. Сенда ўйлаб топиш, атрофингга безак бериш, йўқдан бор қилиб яйраш, ҳар куни ниманидир ўрганиб, ўзингни ҳам, бошқаларни ҳам хурсанд қилиш истаги йўқ. Сенингча, боланг ҳам бўлмасаю сартарошхона, томошахонаю тўйхоналарда товусдай товланиб тенг-тўшларинг билан яйраб юраверсанг.

– Ё сен ўзинг танлаб, ўзинг хоҳлаб теккан кўринасан. Қўлга қандай осон илинишингни эринг билади, мендан бошқасига ҳам лаққа тушармикин, деб хавотир олаётган бўлиши мумкин.

– Ёки эрингнинг ўзи енгилтабиат, ёки олдин шундай ўтган! Ўғри ҳаммани ўзидай ўғри санайди. Агар шундай бўлса, ҳолатинг анча мураккаб. Бундай одамнинг қарашлари ўлгунича қинғир бўлгич. Унинг шунчалик қуйилиб қолганига, озми-кўпми фазилатлари борлигига шукр қил ва уч боланг ҳаққи унга кўникишдан, мослашишдан бошқа иложинг йўқ. Қолаверса, бир жойда бир хато кетган жойинг борки, пешонангга шу жуфт битилган.

– Ё яна бир тахмин: сен ўзингни ҳалол феълли эканлигингни уктиришни билмагансан, шубҳали ҳаракатлар қилиб қўйгансан ёки ёлғон аралаштирган бўлишинг мумкин. Ахир, ким эканлигинг пешонангга ёзиб қўйилмаган-ку, тутуминг, гапинг, ишоранг билан ўзингни ўзинг тушунтирасан-да!

Савол бергувчи ойим, гапнинг сўнги шуки, ҳалта кўтариб бозорма-бозор юрмаганингга, эринг-



нинг топганини куйдириб-пишириб ўтирганингга шукр қил. Аёлини ташқи юмушларга солмасдан пардали рўзғор тутган эркакдан, аввало, миннатдор бўлиш керак. Уйда аёл аялади, аялган аёлдан эса соғлом фарзандлар дунёга келади. Қолаверса, эркак ўзининг тўрт фасли билан ёнгинангда яшайди, унга энг яқин, иссиқ-совуғидан хабардори сен. Эркакнинг об-ҳавосини истаганча ўзгартира биладиган унинг аёлидир. Фақат зийрак ва ақлли бўлсанг бўлди.

Ичувчи ким?

Савол:

— Куёвимиз сурункали ичади. Бу ҳам етмагандай қизимизни хадеганда уради. Уни турмушидан ажратмокчи бўламиз, аммо қизимиз болаларим отасиз ўсмасин деб кўнмаяпти. Маслаҳат беринг.

Жавоб:

— Жавобимизни аввало шу кунгача ароқ ичиб келганлар ва буни йигитчиликнинг бир эркалиги деб баҳоладиганлар, қойиллатиб ичиш фақат ҳақиқий эркакнинг қўлидан келади, деб фалсафа юритадиганлар, хатто ароқ қўйилмаган дастурхондан иддао билан туриб кетишгача борадиган бодапарастлар ва қўлимга пул тушса ичиб бир маза қилсам, деган орзумандлар ўқишини хоҳлайман ёки ўшандай инсонларга ўқитишингизни истар эдим.

Спиртли ичимлик ҳам Аллоҳнинг неъматларидан тайёрланган нарса. Агар муолажа учун ишлатилса хайрли. Аммо у инсоннинг зиёнига ишлай бошласа, яъни ичиб олган одам ақлини

йўқотса, кимни ураётгани, кимни сўкаётганини билмаса, йўлиққан жойга думаласа, ўзидан ҳам ахлатнинг хиди келиб турса, болаларининг кўзи косасидан чикқудай бўлиб беркиниб юрса, аёли уйидан чаён чикқандай безовта яшаса, дунёга келиб, қулоғига қўшиқ, кўнглига пардоз сигмай ўтиб бораётган бўлса, ота-онаси шўрлик ўз фарзанди қиёфасида бир махлуқни кўриб, унлари ичига тушиб, ўлимларига рози бўлиб кун кўраётган бўлса, нафақат арок, шу туришида ичган одамнинг ўзи ҳам харомдир!! Атрофга касофати юқадиган нарсани харом дейдилар. Хавфли юқумли касаллик қандай кирғинбарот келтирса, сурункали ичувчи арокхўр ҳам атрофи учун шундай хатарлидир! Аммо на иложки, кимдир уни туғиб қўйган – жонидан бўлган боласини чиқиндига қўшиб юборолмайди! Кимдир унга никоҳланган – бетига туфуриб кетишга худодан кўрқади, бандалардан уялади! Кимдир ундан туғилиб қолган – харом бўлса ҳам ўзининг отаси, Ер қуррасида унга ундан бошқа ота йўқ, тишлари мажокланиб кетса ҳам, жағларини бир-бирига босишга, чидашга мажбур! Бундан ортиқ зулм бўладими?! Эй, ичаётган кас! Қўлингдаги шиша билан яқинларингнинг бошидан ёппасига олов қуйясан, улар учун дўзах ўтининг бир кўриниши шу! Сен дунёга шу баттоллик учун келган бўлсанг, ана кўр, қувон, уларнинг қовурилиб қуйишларини томоша қил!...

Хўш, ичкиликка қачон ружу қўядилар?

– Қўлида маблағи қолмай, иши юришмай қолса;

– Ўзича кимнидир севиб, унга етолмаса;

– Отаси ёки онаси ва бошқалар билан ирқи келишмаса;

– Аёлидан кўнгли тўлмаса;

– Ахлоқи бузуқ бўлса;

– Боши тўла ақлсизлик бўлса, яъни бир муддат ҳушсизланиб, ўзини унутгиси келса ёки ароқни кўрганда нафсини тия олмаса!

Охирги икки хил тоифа: ахлоқи бузуқ ва туғма ақлсизлардан гина йўқ. Чунки уларнинг зоти чаток, бу улардаги сурункали беморлик, улар ё ўлиб тинчийдилар ёки қаттиқ зарба, жазога учраб, кўрқув остида ўзларини тартибга соладилар.

Халқда: «Банда минг хил савдоларга рўбарў бўлади, ҳаёт тасодифларга тўла», деган гаплар кўп айтилади. Бу дегани кўргуликларнинг бари-ни худога тўнкаб, ўзини оппоқ санаб, кўзини мўлтиратиб туриш эмас. Ҳеч нарса тасодифан рўй бермайди, илоҳий режа билан сизга йўналтирилган бўлади. Аллоҳ ҳеч қачон бировнинг қисматини бировга кўчириб қўймайди.

Аввало, сизни бу дунёдаги юмушларнинг бари-га яроқли қилиб, жисми жонингизни мукаммал яратиб қўйди. Қўлингизга Қуръон, ҳадис ва жамиятнинг қонун-қоидаларини дастуриламал қилиб тутқазди. Атрофингизга яшашингиз ва фаолият кўрсатишингиз учун ҳамма имконияту неъматларни уюб қўйди. Ўзингиз учун тадбир тузмокка тафаккур билан таъминлади. Сиз эса булардан фойдаланиб, ҳаракатга тушишингиз керак эди. Яратган ҳар бир амалингизни кузатади ва қайтимини бериб туради. Бошингизга келган ҳар бир кунни чақириб олувчи ўзингизсиз! Демак, сиз ўз қисматингизни ўзингиз яратасиз!



Агар сиз Қуръон чақириқларига кулоқ тутиб, ҳадислар маънисини чаққанингизда, устозу мураббийларингиздан сабоқ юқтирганингизда қалбингизнинг кўзи очиларди, аввало, инсонга чиройли ният кераклигини, ният кишига асо, қанот эканлигини уққан бўлардингиз. Бари кучингизни ниятингиз етакларди, ана ўшанда бирин-кетин тилакларингизга етишар эдингиз. Шукр қилиш ҳам илм, агар шу илм сизда бўлганда, «фалон нарсага етолмадим, фалон нарса менга ёкмайди», дейишдан аввал сизга бериб қўйилган, кунда жонингизга ора кираётган, агар шу нарсалар бўлмаса, ўлиб қолишингиз мумкин бўлган неъматларни кўра олардингиз, Яратганга раҳматлар айтиб, уларни авайлашга тушардингиз. Хотин киши жони билан аёлингиз болаларини қанотига олиб, сув келса симириб, тош келса кемиради. Сиз эса ичиб олиб, «пулим қолмади, ишим чаппа кетди», деб йиғламоқдасиз! Аллоҳ сизни шер келбатида яратиб эди, Сиз ўз жинсингизга хиёнат қилдингиз, бу – энг хунуги! Хаётингизни қуриш ўрнига, «энди нима қиламан?» деб қуёндай журъатсиз ўтирибсиз! Бир аёл кишичалик иродангиз йўкми?! Сиз ўз имконларини кўрмаётган кўрсиз! Сиз худосизсиз! Сиз инсонликдан НАФСга айланган зараркунандасиз! Сизга доим тўрт тарафдан ниманидир бериб туришлари керак. Ваҳоланки, олмоқ деганлари бермоқдан бошланади, аввал уруғ экмас экансиз, дон қандай битсин?!

Бу мақоламининг ичадиганлар ўқисинлар. Дейлик, пиёлангиз, ҳатто кийимингизнинг бир чети ҳаром бўлишидан қанча сесканасиз киши! Ахир ўз вужудингиз, қалбингиз руҳингиз, ҳатто ниятингиз-

ни ҳам ўз қўлингиз билан ҳаром қилгани қандай журъат қияпсиз? Ароқ ҳаромдир! Аёлингизни дўппослаб, онангизни сўкишгача олиб боряптими, у – шайтон сизга узатаётган энг ҳаром нарса!

Биз юкоридагиларни узлуксиз ичадиганларга ёки узлуксиз ичгиси келиб турадиганларга айтдик. Аммо орамизда ароққа ружу қўймаган, фақат тўю йиғинлардагина татиб қўядиган, ичиб бировга зарар келтирмайдиган кишилар жуда кўп. Аммо ўшаларнинг ҳам бир жиҳатига эътиборингизни тортай: зиёли, ҳатто нуфузли одамга тўйда сўз бердилар. У тилакларини айтиб бўлиб, «қани азизлар, худо шу икки ёшнинг бахтини бериши учун ичайлик», дея ёнидагилар билан қадах уриштира кетди! У жуда илмсизлик қилди! Шу ароқ ичилса, ёшлар бахтга эришармиш! Шариатда ароқни ҳаром дейилишини у билади, устига-устак қадахга «Худо» сўзини аралаштирганини айтмайсизми!

Никоҳ ва суннат тўйлари бу эҳсон йиғинларидир. Бу одамларни тўплаб, уларни сийлаб, дуолари олинадиган эзгу маъракалардир. Ароқ ичиб туриб қилинган дуо ижобат бўлади дейсизми? Тўй эгаси, азизим, сен хузурингга одамларни соғ олиб келиб (дарвоқе, юк машиналарида ароқ тушириб тўй қиладиган одамлар бор), маст қилиб, хушидан айириб чиқариб юборасану Яратгanning қаҳри келмайдими? Покиза никоҳ ўқиладиган, осмондан раҳматлар ёғиладиган бу табаррук кунда болангга бахт сўрайман дсб, бахтсизлигига ишлаб қўяяпсан-ку?!

Шайтон ёмон, қадрдон! Эҳтиёт бўлиб турмасанг, ҳар бир ишингни назорат тарозусида тортиб турмасанг, у ўзингнинг гўштингни ўзингга еди-



ради, ишонавер! У ақлингни батамом ишлатмай қўйиши мумкин. Бир танишимиз ўғил уйлайдиган бўлибди ва кудасига бу позик кунда одамлар чиройли келиб чиройли қайтсинлар, тўйни ароқсиз қиламиз, деган таклифни айтибди. У кўнмасмиш. «Тўй ҳам ароқсиз бўладими?» дермиш нукул! Бу куда гапида туриб олгач, «ха, майли, факат менинг оғайниларим олдига чойнакка қуйиб киритарсиз», дермиш. Ақлдан айрилиш, шайтонга ем бўлиш шу-да!

Энди саволга қайтсак. Кадрдон, бизнинг генимизда наслдан узатиладиган ароқхўрлик йўқ. У миллатимизга йўлда-чўлда илашган ғубор. Бу хол узок давом этмайди, иншооллоҳ. Сиз куёвингизни тинмай дуо қилинг, шу фалокати арисин. Қизингиз ҳам уни уйдан бездирадиган таъна-дашномларни қилмай турсин. «Тентакни тентак десанг, терак бўйи сакрайди», деган гаплар бор. Илиқ муносабатини давом эттираверсин. Қизингизнинг сабр қилаётгани сизнинг яхши тарбиячи эканингиздан далолат. Аллоҳ буни кўриб турибди ва албатта, сизларга ёруғ йўлни ўзи кўрсатади.

Сўз сўнггида шуни оғриқ билан айтай: биз азиз сайлаган эркакжонлар, ғам-қайғулар бари ўткинчи, астойдил сўрасанг, Яратган ҳаминша қутқарувчи! Биз кайвони оналар атрофдагиларни шундай деб умидлантирамиз. Аммо дунёда энг бахтсиз аёл — эри ичувчи аёл! Бу ёп-ёруғ оламда куёшни кўрмай ўтаётган жон — ичувчининг онасидир! Болалиги синган, гулга кирмай туриб юрагини хазон босган зурриёт — ичувчининг боласидир. Бу гапларим юрагингизнинг ўртасида қолишини истайман. Бор бўлинг.

Тилингни пойла!

Савол:

– Тилнинг касри, жафоси хақида гапирсангиз. Кўшни эр-хотиннинг тили шалоқлигидан бизни-кидан файз кўтарилиб боряпти. Кўчиб кетишнинг иложи бўлмаса!

Жавоб:

– Буюк Тангри инсонга йўқдан бор қилиш салоҳиятини берди. Одамзод етти қават ер остидан тортиб, коинот сирларигача ўрганиш, кашф этиш билан овора. Инсонлар бир-бирларини халокатдан қутқарадилар, бир-бирларини бахтли қиладилар. Шу ишлари билан ўзлари ҳам кадр топиб, севилиб, юксалиб борадилар. Бунинг учун улар талай билим ўрганадилар, умр сарфлайдилар. Аммо... шунча йўл юриб, шунча йил юриб, диллари, пуллари куйиб топган эришувларини санокли сонияларда бой беришлари мумкин, тўғрироғи, бой бериб келадилар! Бунга уларнинг тиллари сабабчи! Оғиздан чиқиб кетган биргина сўз кишининг хонумони – йиққан жами моддий ва маънавий бойлигини кунпаякун қилади. Бундай пайтда бандасининг ақли ухлаб қолади, унинг номидан гапираётган эса шайтон бўлади. Ичимизга кириб олган, биздан бир дақиқа ҳам айро тушмайдиган энг даҳшатли душманимиз удир! Биз шу қадар гўлмизки, шайтон бизни ўз қўлимиз, ўз тилимиз билан барбод қилгунича қараб турамиз. Тўкису тўкис бўлмаган кўрғонимизни кўриқлаб ит боқамиз, мустаҳкам дарвозалар курамиз, занжирга ҳам ишонмай кулф-калитлар ўрнатамиз. Аммо жами обрў-эътиборимиздан айираётган



оғзимизни ёполмаймиз! Ўзимизда турган тилга ўзимиз пойлоқчи бўлолмаймиз! Азизим, дунёни қайта қуришга қодирлигимиз қаерга бордию бу анқовлигимиз қанчага тушди?! Демак, бундан чиқадики, илму бойлик тўплаш билан бирга киши ўзини қўлга олишни, яъни ўзига буйруқ беришни, керак пайтда тилу дил, қўл, оёқ, кўз ҳаракатларини бошқара олишни ўрганиши, бу билимни мажбурий ўзлаштириши шарт! Кўриб турибсиз-ку, сизнинг билим дурдоналари йиғилган вужудингизни шайтон эзиб, янчиб, дилингизга, тилингизга нафс, кибр, нафрат туйғуларини кўчирмоқчи бўлади. Шунинг билан сизнинг кимлигингиз ақлнинг овози билан эҳтироснинг, яъни шайтоннинг овозини фарқлай билишингизда кўринади.

Илм — бу юксалиш дегани. Фазл йиғиб бу чўққига кўтарилгунча қанча азият чекдингиз. Шайтоннинг бир туртиши билан ўшанча жойдан ағанаб, ер билан бир бўлиш нахотки сизга алам қилмаса?! Тилингизни пойланг, тилингизни тизгинда ушланг, биродари азиз!

Ўзингизни ва ҳаётингизни қурбонликқа топширган ҳолатларингизни кўз олдингизга бир келтирай: сўз айтаётганингизда атрофдагиларнинг, айниқса, болаларнинг кўзига қаранг. Ҳар гапингизни эшитганда нигоҳидан ҳар хил учқун сачрайди. Инсоннинг дилини ва ақлини уйғотадиган сўздир. Инсонлар ўзаро сўз билан боғланиб, сўз сабабли нари бўладилар.

Сиз боланинг олдида онасига бақириб, танбех бердингиз, она мулзам бўлди. Бола деганлари хуркак — бошқаларга овоз кўтарсангиз ҳам сесканиб, сакраб тушаверади. Онаси эса унинг учун



панох, яйрайдиган боғи. Ўзига ёққан нарсани қизғаниш, химоялаш ҳисси инсонда туғма сифатдир. Сиз бақирдингиз, онаси хомуш тортди, бола дарҳол кўкси билан онасини тўсади ва сизга ёмон кўриб қарайди ёки бирдан йиғлаб исён кўтаради. Қарабсизки, боланинг юрагида у билан сизни боғлаб турган риштанинг биттаси узилади! Маълум бир муддат ёнингизга келмай, ёзилмай юради. Агар бу ҳолат такрорланаверса, боланинг кўнгли музлашга тушади. У сизни «ота» деб чақираверади, айтганингизни қилаверади, улғайса, ўлик-тиригингизнинг ташвишини тортаверади, аммо сиз билан яйролмай, сиз тирик бўлсангиз ҳам юраги яшнолмай ўтади. Дунёга ота бўлиб келиб, тирик туриб ўз фарзандингизни бахтиёр қилолмасангиз, яшашдан мақсадингиз нима ўзи?

Шайтонингиз бир куни, болани маҳкам ушлаш керак, оталигингни бир кўрсатиб қўй, деди, сиз қўшни эшитяпти демай, укалари, кенжойлари олдида, боланинг кайфияти билан ҳисоблашмай, уни хоҳлаган келишигингизда турлаб сўкавердингиз, буни одат қилиб олдингиз ҳам дейлик. Сабр деганлари косага ўхшайди, тўлиб кетса тошади. Керагидан ортиқ ҳақоратланган бола яраланади ва унинг ҳам шайтони ишга тушади: қараб тураверасанми, отанг бўлса нима, бир боплаб қўй, дейди. Болангиз бетишгизга сапчийди! Сиз ҳам ўз навбатингизда шайтон айтган гапни айтасиз... уйингиз эса дўзах! Озгинагина яшаладиган дунёда шундай рўзгор тутасизми, қадрдон!

Эру хотин бир-бирига ёки болаларига қилган меҳнатлари, едирган-ичирганларини санаб, шанғиллаб саннай кетадилар. Бунинг оти — миннат!



Эр бўла туриб хотин кишининг кўлига қараб колдимми, деб эрнинг юраги йиғлайди, аёлидан совийди. Шу эр бўлмаса мен оч қолармидим, дея аёлнинг қалбига тош ботади, юрагини армон ўяди. Шу ҳолатнинг ўзида эрнинг ҳам, аёлнинг ҳам ҳамма савоблари куяди ва миннат қилгувчилар қаторида жазога тортиладилар. Кейин минг кечирим сўранг, аёлингиз ёки эрингиз минг марта «кечирдим» десин, ўк отилиб, бағир синиб бўлгач, Аллоҳнинг олдида албатта тўлов тўланади.

Қайнона келинга ёки келин қайнонага, қайнопа, қайинсингиллар янгага, қуда қудага, кўшни кўшница, жамоадошлар бир-бирига ўзаро кесатиқ, пичинг гаплар қилса, бир-бирининг пахта-пилтасини ағдариб ўйнаса, хулласи, сўз кимнидир синдирса, кунини қаро қилса, ишонинг, кузатинг ва кўринг: боласидан омад, ўзидан соғлиқ, уйидан тинчлик кетади! Кексалиги хор бўлади! Қапи бир айтинг, захар, аччиқ сўз одамни яйраб-яшнатганини, очилиб-сочилиб юрганини ким кўрибди?! Атрофи тўла одам, аммо у ўлмай туриб овози ўчиб, бир бурчакка сурилиб, ўзининг захаридан ўзи чириб, адо бўлади!

Оилада ёки кўшнида кимнингдир оғзи бепوشна дейлик. Хўш, унинг зиёни қанча?! Биринчидан, бу хунук овоз етган жойлардан фаришта қочади. Бу ҳимоя кетди, мазкур оилаларда микроб бемалол болалайди дегани! Бизнинг миллат одобида қиз ё ўғилни тартибга чақириш учун бир томоқ кириш, бир маъноли қараш ёки бармоқларнинг юмшоқ ишораси кифоя! Ановилар – ёмон тил ҳамма савобни ювиб кетишини билмаган худобехабарлар бизнинг ўша нафис феълимизга зиён келтиради-



лар. Бундай муҳитда сўзнинг кадри кетади. Энг ёмони, болаларимизнинг кулоклари ёмон сўздан оғримай, юзлари қизармай қолади. Сўкинишлар, атаб чакиришлардан сесканмай қўядилар. Бу дега-ни, уларнинг этлари хунуклик билан котиб, уятла-ри ўляпти! Дунёлари кирланяпти. Энди уларнинг бу дунёсига нафис сўзлар, дилбар куйлар, гўзал хаёллар сингармикин, сингмай қолса-чи, яраш-май қолса-чи?! Ҳозир-ку катталарнинг бу одоб-сиз шовқинини ёшлар ёмон кўриб турибди, аммо кунлардан бир кун асабий ҳолатда бу хунукликни улар ҳам такрорлаб қўйса-чи? Такрорлайди ҳам! Чунки у овозлар кулоқларининг токчасида ёзиғлик турибди! Бу жамиятга зарар, билипсизми, азизим?

Одобли сўзлаш ҳам ибодатдир. Тил, оғиз ин-сон вужудидаги энг мўъжиза аъзодир. Оғзингизга келганини айтмоқчи бўлаётган пайтингизда бир зум эсланг! шу тил билан «бисмиллоҳ» сўзини, «Аллоҳ!» деган мурожаатни, «она», «нон», «муҳаб-бат» деган муқаддас атамаларни изҳор қиласиз. Шундай сўзлар айтадиган оғизни, тилни ифлос қилиш мумкинми, ахир?! Агар у сўзларни кир-лантириб айтадиган бўлсангиз, жавоби йўқ деб ўйлайсизми?! Жавоби фақат ўзимни уради, деб ўйлайсизми?! Атрофингизда сизга қиммат нарсала-рингиз, кимсаларингиз бўлса, уларнинг сиз деб за-рар кўришини хоҳламасангиз, тилингиз таҳоратли бўлсин. Дарвозангизни эмас, тилингизни пойланг, азизим, тилингизни!

Кимлигингни айтайми?

Савол:

— Акамнинг оиласи бор. Бир бева аёл билан ҳам яшаб, унга ёрдам бермоқчи. Биринчи оиласига билдирмаган холда никоҳ ўқитиб яшаса бўладими?

Жавоб:

— Болажоним, сени овора қилмай, акангнинг ўзига гапириб қўя қолай.

Ўғлоним, мени хушингни йиғиб, юрагингдаги хаяжонларингни босиб, тиниб эшит. Аввало, қандай ҳолатга тушиб қолганингни ўзингга кўрсатай, иншооллох, хулосани ўзинг чиқариб оласан.

Айни пайтда сен имон эмас, шайтоннинг гапига кулоқ солиб турибсан. Аслида, рўзворли, уйли-жойли, бола-чакали бўлиш бир йигитнинг ниятлари ушалишидир. Шайтоннинг эса бандаларнинг бундай хотиржамлигини кўришга кўзи йўқ! Унинг жами қасди Одам наслида. У инсониятни гуноҳга етаклаш учунгина яшайди. Сен эса худди ўша тузокка илиниш олдида турибсан!

Онангнинг дуоси ижобат бўлганми ё отангнинг савоб ишлари эвазигами, Тангри сенинг ҳаётингни яхшилабди. Қўлингга пул тушибди. Бунақада дарҳол ёнингга шайтон келади. У юрагингга кириб олиб, ҳали у-ҳали бу нафсингни кўзғатади. Сен у аёлга ёрдам бермоқчи эмассан, шу шиор остида нафсингни қондирмоқчисан. Ундай аёллар сен каби хотамтойларни учратганда дарҳол ёрдamtалаб кўриниб, ўзларини ғарибликка соладилар. Эркаклар ақл билан пул топадилар, аммо аёлларнинг таъсирида лақмаликка йўл қўядилар!



Сен рўзғорбошисан, кўлингга тушган пул эса оилангнинг ризқи, Аллоҳ сенга раҳм қилиб, қийналмагин деб, улар учун сени таъминлаб турибди. Йўқ, мен у пулларни не-не машаққат билан ўзим топганман, энди хоҳлаганимча сарфлайман, деб муттаҳамчилик қилма! Тангри сени меҳнат қилишга қодир қилмаса, ё каллангни, ё оёғингни ишлатмай қўйса, пул кайда эди сенга?! Қани, айт, ўзингни ва пулингни ўғирлаш учун сенга тузоқ қўйган бир йўлтўсарга жонингдан бўлган болангнинг ризқини тутқазасанми? Чумчуқдан тортиб чумолигача топганини инига ташиб турса, шунча саводинг билан ўшаларчалик фалсафа юргизолмайсанми? Сенинг инингга сендан бошқа жавобгар эркак йўқ, ахир!

Мактубингда оилангдан ошиниб бошқа бировни боқишга ишора қиялсан. Ва сен бекор айтибсан. Рўзғорни ғор деб қўйибдилар. Хонадонингда қанча камчилигинг борлиги ўзинггаю худога аён. Банданинг ҳеч қачон уйидан ошириб кўчага олиб чиқадиган имконияти бўлмайди: кўлингга қараб турганларнинг қорнини тўйдирсанг, кийимида камлик чиқади. Усти бутун бўлса, соғлиги харажатталаб бўлади. Ҳовлингнинг бу ёғини ямасанг, нариги ёғи тўкилиб туради. Хулласи, битта яхши эркак битта рўзғорни тортишга зўрға ярайди. Қўшхотиндиларнинг аксарияти эски рўзғорларини қурбонликка тартадилар: эътиборларини тўқсон фоизини янги «ёр»ларига буриб, ортдаги эрлик, оталик бурчларини, йигитлик орияти, шаънини унутадилар! Рўзғорлариаро адолат кила билмади-ми, тамом, бундай одам гуноҳи азимни бўйнига олди дегани! Унга энди ёруғ кун йўқ!

Яна хуфёна никоҳни орзулаяпсан! Никоҳ эр-хотин бўлганликни маълум қилиш маросимидир. Демак, ошкор этилиши шарт бўлган амалдир. У розичиликлар билан тузиладиган илохий уюшма. Гар хуфёна экан, демак, у саёқ юриш билан тенг! Саёқ юриш эса, ҳаромдир! Бу энди атрофингдагилар сенинг касофатингга қолади дегани!

Сен ўзингча бу аёлга ўз аёлингдан яхшилиги учун ёндашяпсан, шундайми? Эй, хом бола, агар у яҳиши аёл бўлса, бировнинг бахтсизлигига ўз бахтини қуармиди? Хотинингнинг, болангнинг ризқини олиб келсанг, хотиржам ҳазм қилармиди? Бундай андишасизликни ўзига раво кўрган бети қаттиқ аёл эрта туриб индинга сени сендан зўрроғига алмаштиролмайди дейсанми? Ё хотиним менинг баҳоимни билмади, бу аёл мени ҳар томонлама зўр эркак бўлганим учун танлади ҳам дерсан хали! Бунинг отини муҳаббат ҳам кўярсан! Ҳа, содда болам-а! Кимлигингни айтайми энди? Эшит: сен унинг учун бор-йўғи ўлжа — мақтаб-мақтаб ейилаётган ўлимтиксан, холос!

Ўғлоним, мен сени танайман, сен холис сўрадинг, мен ҳам холис жавоб бердим. Ва сени жар ёқасида кўриб турибман. Тездан тавбага кел ва худо пешонангга ёзган рўзғорингни бағрингга бос, рўзғорбошилик қарзларингни бажаришга туш. Аллоҳ кечиргувчидир.

Бахтсизликдан қутулса бўладими?

Савол:

25 ёшдаман. Эрим билан севишиб турмуш қурганмиз. Икки фарзандимиз бор. Ҳозир у Рос-

сияда, аммо у ерда аёллар билан юра бошлаган. Мен нима қилай?

Жавоб:

Ёшингни никтаб айтишингга кўра, «ҳали ёшман, авжи даврон сурадиган даврим, умрим шундай ўтиб кетанерсинми», демоқчисан. Истаган томонингга эркин учиб кетай десанг, икки фарзандинг икки қанотингни қайириб турганига ҳам писанда қияпсан. Ва, ойим, шу туришда сен нолаю афрон билан эрингни гуноҳкор сайлаяпсан.

Биласанми, аслида, сен шу кунгача ёмон одамнинг ишини қилиб келгансан ва ҳозир ҳам ёмон алфоздасан. Агар шу кетишда кетсанг, бахтсизларнинг бахтсизи бўласан ва болаларингни ҳам қаро қисматга тортиб кетасан. Ҳозирги кунингга эса, фақат ўзинг айбдорсан. Мана эшит: саволингдан маълум бўлиб турибдики, сен доим биринчи ўринга ақлингни эмас, хоҳишларингни қўйиб келгансан. Хоҳиш бу нафсдир, уни жилонламасанг, шайтон етаклаб кетади. «Севиб турмуш қурганмиз» дейишнинг остида неча вайрон дил турганини биласанми?! «Мен ўзимга эр танладим», деганингда ота-онанг дўпписини осмонга отмагандир? «Истайсизми, истамайсизми шу қизни оламан», деганда йигитнинг ҳам уйида байрам бўлмагандир? У дил оғриқларнинг жавоби йўқ деб ўйлайсанми, Яратган индамай қараб туради дейсанми? Россияда сенинг эринг айнамай кимнинг эри айнисин! Қиз бола изн бермаса, ўғил бола ҳеч қандай битимга келолмайди, сен йўл очгансанки, «севишиб турмуш қуриш» режаси тузилган. Ҳар иккаланг ота-оналарингни ўртага олиб чиқиб, эл олдида ҳурматини, шаънини ер билан яксон қилишда бош

кахрамон бўлгансан, мана энди жавобини беряпсан! Сенинг ёмон одамлигинг шундаки, ҳозир ҳам кўзингга ҳатто боланг кўринмаяпти. Икки бола орттирганинг малол келгандай ҳам бўлиб турибди. Нега мени эмас, бошқаларни севиши керак деган қасос ёняпти сенда! Эрга тегишингда ҳам шундай бўлган, кўзингга шу йигитдан бошқа нарсаси кўринмай қолган. Сендаги у севги эмас, нафс эди. Шунинг учун ҳам Тангри айнан ўша одамнинг орқали жазо юборяпти. Агар сен айбини тан олмай сакрашда, бировларни айблашда давом этаверсанг, болаларингдан ҳам айрилиб қоласан! Ота-онангга қандай қаромат кўрсатган бўлсанг, икки ҳисса ортиғи билан фарзандларинг орқали ўзингга қайтади! Эрингинг куйдириши бунинг олдида ҳолва бўлиб қолади.

Хўш, бу бахтсизликлардан кутулишнинг иложи борми? Бор! Ёруғ кунлар келишига ишонсиз бўладими? Бўлади, иншооллоҳ! Шартини шуки, ўзингнинг енгилб насиҳатга қулоқ тутасан. Таклиф қилинган амалларни бажарасан, фақат ихлос билан, юрагингдан чиқариб бажарасан:

— Хатоларингнинг тан оласан. Кимни ҳафс қилган бўлсанг, кўнглини олишга тушасан. Бу сенинг тавбанг ўрнидадир. Бандалар ақлсизлик қилиб бир-бирларини кечиролмай юрадилар, аммо Аллоҳ кечиргувчидир.

— Эрингнинг қарғамайсан. Тафтиш қилмайсан, қасос йўлига ўтмайсан. У орқали келаётган жазонинг розилик билан қабул қиласан. Бу сабр ва сукут кўринишида бўлади. Бунинг эвазига Аллоҳ гуноҳларингнинг елкангдан ола бошлайди. Ўзингда енгиллик сеза бошлайсан.



– Жуфтингга ва ўзингга қариндош бўлганларга эътиборли бўласан ва уларнинг розиликлари-ни олишга ҳаракат қиласан. Бу дуо олишдир. Дуо сенинг кўрикчингдир. Шу дуолар жуфтингни хузурингга қайтаради. Қайтганда гина қилмайсан, юзига солмайсан, чунки у сенинг гуноҳларинг эва-зига айниган!

– Қайси феълинг чаток бўлса, болаларингнинг ўша томонига хушёр турасан, тарбияни кучайтира-сан, керак бўлса, ўзинг қайси хатоинг учун қандай жазо олганингни уларга самимий уқтирасан, бу-нинг айби йўқ! Буни астойдил хоҳласанг, Аллоҳ ёрдамга келади.

– Бу оғир кунларга енгилтак ўтганинг учун йўлиқдинг. Энди ўша нафсингни тиясан! Бу жуда кийин кечади. Аммо сен онасан, касофатинг бо-лангга ўтиши, сен қилмаган пасткашликларни ҳам қилиб қўйиши ва сеникидан оғирроқ жазоларга йўлиқиши мумкин, ўзингни тий, болам!

– Ҳеч кимдан гина қилмайсан. Ҳеч кимни хафа қилмайсан. Болаларингни ҳалол едириб, ҳалол кийдирасан. Савоб ишларни, яъни одамлар-га яхшиликларни кўпайтирасан. Ана ўшандагина фарзандларинг сен ва отаси қилган хатоларни қилмайдилар, сулоланг тозаришга тушади.

– Яхши она бўлиб, эрингнинг умрини, инсофи-ни астойдил тилаб, сабр билан кут. Мана кўрасан: у аввалгидан ҳам сенга муҳаббатли бўлиб, тавба-тазаррулар билан қайтиб келади. Хаётларингнинг давоми жуда чиройли бўлади. У кунларни сенинг покланган феълинг етаклаб келади, ишон, бола-жон!

Замонавий аёл ким?

Ўзи яшаб турган замон ва маконнинг афзалликлари ва камчиликларини илғай олган, ўзига ва фарзандларига унинг хайрли ўзгаришларини тездан юктириб, қусурларидан сақлай билган аёл замонавийдир.

Инсонда ген (ирсият) деган нарсa бор. У ҳар бир миллатга Аллоҳдан берилган яшаш тарзидир. У бизнинг ички қўрғонимиздир, ташқи таъсир бостириб келаверади, тинмай сизга урилаверади. Аммо у фақат бир-икки қават этингизни забт эта олади, холос, ундан ичкари киролмайди. Ҳалиги ген деганимиз, вужудингизда доимий ҳимоячи бўлиб яшайди. Яратганнинг Ўзи инсонга жуда керак бўлган, юриш-туришини мувозанатга солиб турадиган бундай неъматларнинг йўқолиб кетишига асло йўл қўймайди, бандаси унга қарши минг уринсин, «султон суягидан тонмас»лиги исбот бўлаверади. Масалан, шўролар давридаги ҳолатимизни эсланг. Руслар билан бирга юртимизга оврўпоча тутум, оврўпоча юриш-туришлар кириб келди. Ўзлигидан тонмаган ҳолда янги тил ўрганиб, маърифатини янада оширмоқчи бўлганлар яшасин! Аммо янгиликларга бошқачасига асир бўладиганлар ҳам бўлади ва улар ҳамма замонларда учрагандай, бизда ҳам топилди – бундайларга ўзбекча гапириш, ўзбекча кийинишлар ҳам қоқоқлик белгисидай туйила бошлади. Озчилик бўлса ҳам, ҳатто ота-оналарини ўрисча чақириб, она тилларини унутиш даражасига борганлар бўлди! Аммо геннинг яшовчанлигини қарангки, обдан ҳаракат қилинган ҳолатда ҳам ўзбекдан ҳақиқий рус ясаб бўлмади!

Ўз қавмига ўхшашдан воз кечган бундай инсонлар ҳаётда жуда кўп қийинчиликларга учраши аниқ.

Кишининг ёшига ёш қўшилган сари, чикиб олган ҳамма чўққингдан тушиб, аслингга қайтгинг, яъни ота-бобонгнинг тутумини тутгинг, кенг уйларда, миллий кўйлақларда юргинг, қадимий куй-қўшиқларни эриб-эриб эшитгинг келиб қолар экан. Бу ўша – конингдаги уйғоқ ген чақириқларидир!

Хулоса шуки, фарзандларининг ўзига ўзлигини таниттира олган, уларни асрлардан бери ўлмай келаётган, демак, йўқ бўлиб кетиши мумкин бўлган миллий кўникма, урфу одат ва қадриятларга садоқат руҳида тарбиялаган аёл ҳам энг замонавий аёлдир!

Ёлғон — ёмоннинг иши

Савол:

Қайнонам билан яхши яшар эдик. Аммо бир оғиз ёлғон гапим ҳамма нарсани бузди. Кечирим сўрасам ҳам кечирмаяптилар. Нима қилай?

Жавоб:

Ойим қизим, бу хатони ақлинг етмай қилганингда эди, гуноҳинг енгилроқ бўларди. Лекин сен эсликкинага ўхшаяпсан. Кел, ҳолатингни бир таҳлил қилайлик.

Биринчидан, ёлғоннинг ҳам хили кўп: агар урушгани яраштириш, бемор ётгани юпатиш, телбани фалокатдан асраш учун ёлғон ишлатилган бўлса, хайрлидир. Дили кир, жоҳил одамга ҳақиқатни тушунтиришнинг иложини тополмай, ҳолатдан вақтинча чиқиш учун ёлғон гапирилган бўлса ҳам, балки узрлидир. Сенинг ёлғонинг

шуларнинг ичига кирса-ю, кечирим сўрасанг ҳам гунохингдан ўтмаётган бўлса, қайнонангда кибр бор! Бу унинг гуноҳи!

Аммо бирор манфаат дардида ё айбни яшириш, ёки ўз гуноҳини бировга тўнкаш, ё бировни бировга ёмон кўрсатиш, уриштириш ниятида ёлғон сўзланса, бунинг оти риё бўлади, хиёнат бўлади! Агар сен шу ниятларнинг бирига мойил бўлиб ёлғон ишлатган бўлсанг, жуда хунук иш қилибсан, қизойим!

Анваламбор, бу аёл сени бир умрли фарзанд деб қабул қилди, уйини, ризкини бўлиб берди, жонидан ясаган ўғлини бош-оёқ сенга топширди. Бу дегани, у оналикдан ортиқроқ иш тутди. Айт-чи, шу туришида у алданишга лойиқмиди? Қолаверса, улар билан бир томнинг таги, бир козоннинг теграсида яшаяпсан. Бир оила битта жисм дегани, кетган жойигача бир кемада кетади дегани! Улар сени қўйниларига солдилар, сен эса ичларига кирволиб туриб чақдинг! Яна ўн йилдан кейин-а! Бу дегани, сен ўн йилдан бери «мен бегонаман, сизларга фарзанд бўлолмайман», деб яшабсан-да! Болаларинг туғилиб, уларга қонинг қўшилиб кетган бўлса-да, ҳали ўзинг қўшилмабсан-да! Мана шунинг оти – хиёнат!

Айт-чи, сен ўз онангга ёлғон ишлатармидинг? Албатта, йўқ! Демак, сен қайнонангни она ўрнида кўрмагансан! Унинг устига, бу аёл маҳрами жонинг, жуфти ҳалолингнинг онаси бўлса! Эрнинг ҳурмати қани? Шунинг ўзи ҳам катта гуноҳ!

«Кечирмаяптилар» деганингдаги иддаони қара! Ахир, сен унинг уйида яшасанг, қўлидан дон еб турсанг, боласидан ҳам кичик бўлсангу ўзингдан

ўттиз ёш катта инсонни ёлғон билан алдасанг, хафа бўлмасинми, юраги синмасинми?! Яна йигирма йил ўтсин, сен қилган ишни келининг албатта қайтаради, бу оғриқнинг мазасини ўшанда туйиб кўрасан!

«Бир марта ёлғон гапирдим, холос», деб ўзингни оқлаяпсан-а! Қотиллар сафига ўтиш учун бир марта одам ўлдириш кифоя! Бир мартани кўй, ўша ёлғон ҳали айтилмай туриб, юрагингда туғилгандаёқ гуноҳкор бўлгансан!

Болажон, масаланинг бошқа томони ҳам бор: сен агар қайнонангга ёқиб олганингда эди, унча-мунча хатоингга узоқ араз ушламасди. Ё ёлғоннинг ёмонини гапиргансан, ё қайнонангнинг сендан кўнгли тўлмай юради. Тарихда ўқиган эдик. Бир денгизчининг овқатидан пашша чиқиши баҳона бўлиб, катта қўзғолон бошланиб кетган экан. Ёлғонинг балки бир сабабдир, аслида қайнонанг тўпланиб қолган ғазабини изҳор қиляпти-ёв!

Сенга маслаҳатим, ўзинг учун, боланг учун яхши кун, гўзал қисмат керакми, дарҳол ўзингни тузат! Қайнонангга ниманг ёқмаслигини яхши биласан. Ўша нарсани йўқот. Сен сўппайволиб кечирим сўрайверма, индамай юраверу унга ёқадиган ишларни кўпроқ қилавер. Қандай қилиб бўлса-да, уйингдагиларга ёқиб олишга эриш, чунки у ерда ҳали узоқ яшашинг керак, яшаш учун эса тинчлик керак, кайфият керак!

Кулоғингда бўлсин, зинҳор дангасаликка ўрин берма, харгиз кибрланма, тилинг билан бировга малол келма. Албатта шу йўлни тут, хўпми, болажон!?

Меъёрни билмаслик нодонликдир

Савол:

Тошкентга бошқа вилоятдан кўчиб келганмиз. Уч хонали уйда тўрт жон яшаймиз. Кўнглимиз очик, уйимиздан меҳмон аримайди. Биз бағир очиб кутиб олишимизни қўймаймиз, улар келишини! Баъзида ишдан қайтсак, ейишга нарса қолмаган бўлади, гоҳида эса ётишга жой йўқ, эр-хотин ошхонада тонг оттирган вақтларимиз бўлган. Нахотки, бундан кейин ҳам шундай бўлаверса?

Жавоб:

Сиз минглаб одамларнинг кўнглидагини ёзиб-сиз! Бизнинг халқ хотамтойлик руҳида тарбияланган саҳий халқ, ўзгалар учун фидойи жон халқ. Сизда ва сиз кабиларда асло қизғаниш ёки ичи торлик йўқ! Аммо бу масала бугун муаммога айлангани рост.

«Меҳмон – атойи Худо, уни хурматланг», деб қулоғимизга қуйиб келганлар ва бу мерос ақидани ўз навбатида биз ҳам болаларимизга уқтирмоқдамиз. Бу – бизнинг ўлмайдиган миллий қадриятимиз.

Ота-буваларимиз меҳмонлар учун атайлаб ташқи ховлилар қурганлар. Улар бир томондан, келганлар тортинмасин, яйраб дам олишсин, уларга ҳеч ким халақит бермасин, деган мақсадда шундай қилганлар. Лекин аслида оилаларининг тинчлигини кўзлаганлар. Ҳаммамизга аёнки, ҳозирги ховлиларимизга меҳмон келса, ҳамма барабар тараф тортади, болалар мажбуран бир уйга қамалади. Бемор бўлса, бировнинг кўзи тушмайдиган бурчакка жилдирилади. Юкли келинлар ташқарида

юролмай гаранг! Бўйига етган қизлар қимтиниб гаранг! Аёл меҳмонга шунча қовурилиш! Агар эркак келса-чи? Яна унинг бир оти «номахрам»! Шарқ эркаклари учун уларнинг жуфтлари, қизу келинлари парда ортидаги орийтлари, тил остига беркитган гавҳарларидир. Аҳли аёлини яхши-ёмон назарлардан асраш эркак учун шаън масаласидир. Ташқи ҳовлилар, алохида меҳмонхоналар, асосан, худди шунинг учун, яъни оила аъзоларининг қимтинмай, тортинмай яшашлари, безовта бўлмасликлари учун атаб солинган. Бу бизнинг яна бир гўзал қадриятимиздир.

Дунё неъматларининг ичида инсон энг буюк яралма. Диний ва дунёвий илмларнинг барчаси унга ва унинг юксалишига хизмат қилади. Меҳмон шунинг учун улуғ ҳисобланар экан, хўш, мезбончи, мезбон ҳам инсон-ку! Ота Шарқнинг: «Ўзингга раво кўрганни бировга ҳам илин, ўзингга раво кўрмаган нарсангни ўзгага ҳам раво кўрма», деган доно фалсафаси бор. «Ўзини таниган Парвардигорни танийди», деган Ҳадиси шарифимиз бор. Ўзини таниган одам ўзлигини исроф қилмайди, аяйди, асрайди. Бошқа инсонларга ҳам Аллоҳнинг неъматини деб қарайди, уларга малол келмасликка ҳаракат қилади. Ана ўша «ўзини таниш» деган нарса бугун бизда суст кетди, айниқса, кўп қаватли уйларда!

Синглим, мен сизни тушундим, сизнинг руҳингиз йиғлаётир, сиз мерос қадриятларимиз унутилаётганидан қийналяпсиз! Агар меҳмон аканг, опанг ёки уларнинг ўғил-қизлари бўлса, ёки соғиниб юрган дўстинг бўлса бошқа гап, тор уйинг ҳам кенгайиб, байрамхонага айланиб кетади. Чунки улар бору



йўғингни билади, қандай ўтирган бўлсанг, шундай ёйилиб ўтираверасан, улардан хижолат бўлмайсан. Аммо бирор марта олди-берди қилмаган, ҳатто исмини ҳам билмайдиган кўз танишларинг уйингни қарвонсарой ўрнида кидириб келаверса-чи?

Кўп қаватли уйда яшардик. Келин-куёв кўш-ниларимиз бўларди. Хоналари иккитагина. Ўзлари қишлоқлик, лекин шаҳарда ишлашарди. Хадеганда уларникига тонг саҳарда ҳам, ярим кечада ҳам тўп-тўп эркак-хотин келаверар эди. Эртасига учратиб, ҳол сўрайман. «Қайнонамнинг кўшнилари бозорга келишибди», «Қайнотамнинг жияни ўртоқлари билан поезддан тушишибди», дея хомушгина жавоб қиларди. Бир куни: «Опажон, эримга қишлоққа қайтиб кетайлик, деяпман. Икки кундан бери бир ўзим гунгурсдай олти эркакка хизмат қиламан, тўйиб кетдим», деб йиғлаб юборди.

Бир танишимнинг идорасига кириб қолдим. Ёши улғайган бу аёл тақдир тақозоси билан бир ўзи ижарада турарди. Қарасам, бўғилибгина ўтирибди. Айтишича, Фарғонадан узоқ таниш бир эркак саксонга кирган қайнотасини Тошкентни айлантирган олиб келган экан. Ва бу хонимдан бир-икки кун туришга қўноқ сўрабди. У минг хижолатлик билан уйининг хонаси битта эканлигини айтиб узр сўрабди. Эркаккинага бу гап малол келибди ва «кўнгил кенг бўлса, сиғиб кетаверардик» дея, иддао билан чиқиб кетибди... Ўшани эшитганда ҳам кўп забун бўлган эдим.

Қадриятларимиз ичида «меъёр» деган олтин ўлчов бор! «Андиша» номли бебаҳо тизгин бор! Наҳотки, элликдан ошган, саксонга борган икки



эркак инсончиликнинг энг оддий қоидаларини ҳам билмаса? Ёлғиз аёлнинг уйидан қўноқ сўраш ту-гул, дарвозасини дадил тақиллатишнинг ўзи му-сулмончиликдан эмас! Эрлик аёлнинг андишасидан ҳам, ёлғиз аёлнинг андишасини каттиқрок сақлаш жоиз, чунки у доим шубҳа остида яшайди, унинг шаъни энг қиммат! Унинг устига, «ижарадаман» деб турибди, «уйим бир хона» деб турибди!

Андижонда Абдухалил Абдулҳакимов деган ҳо-физ акамиз бўлар эди, Аллоҳ раҳмат қилсин, дилкаш, адабиётпараст инсон эди. Янги қўшиқ ўрганса ё бирон яхши шеър топиб олса, дарҳол бизникига йўл оларди. У одам билан ижодий суҳбатда бўладиган, асосан, мен эдим. Аммо ҳар сафар кўча эшикда туриб, умр йўлдошимнинг отини айтиб чақирар, пешвоз чиқсак, остонадан ўтмай туриб болаларимнинг отасини сўрарди. Агар у киши уйда йўқ бўлса, ҳаргиз кирмас, дотор, танбурини кўтариб кўчадан нари қайтиб кетарди. Оила аъзоларимиз астойдил такаллуф қилишса ҳам, барибир кирмасди. Жуфтликнинг файзи-ни, рўзгорнинг охорини сақлаш, авайлаш шудир! Миллий одобимиз биздан шуни сўрайди. Бу эр-какнинг ички маданиятини қаранг-у, ёш бекаси бор қариндошининг тор уйига келиб, ағанаб ётган тўп эркакни қаранг!

Кўп қаватли уйларнинг шароити ҳаммага маъ-лум, беш хоналиги ҳам бир хонадай гап: ўтирган жойингда ҳамма гапни эшитиб, ҳамма ҳаракатни кўриб турасан, ўрнингдан турсанг, албатта, кимга-дир туртинасан! Бу тору танг жойда аёллар қандай эркин ҳаракат қилсин ёки меҳмонлар аёллар бўлса, бу уйнинг эркаги қайси тешикка беркинсин?!

Бундай уйларга тўсатдан кириб келиш ҳам мумкин эмас, нега десангиз, бошқа жойдан кўчиб келиб Тошкентда турганларнинг аксарияти ёш оилалардир. Майда болали бўлиши, аёли юкли ё боласи касал бўлиши мумкин. Ёш рўзгорнинг мусофирчиликда дархол тикланиб кетиши қийин, топган-тутганлари ўзларига зўрға етиб турган бўлса-чи! Ва ҳоказо...

Дунёнинг ўзини, катта-кичик мавжудликнинг ҳаммасини меъёр бутун ушлаб туради. У йўқ жойда мувозанат йўқ, оғиш бошланади. Бундан ҳаммамизни асрасин, меъёрни унутмайлик, қадрдонлар!

Ориятинг аёлингдан қимматдир, ўғлим!

Савол:

Баъзи келишмовчиликлар сабабли, аёлим билан ажрашдик, бир йил бўлди. У ҳам, мен ҳам қайта турмуш қурмадик. Орада гап-сўзлар кўплигидан қатъи назар, мен унга ишонаман ва ярашсам дейман. Ота-онам эса норози, мен нима қилай?

Жавоб:

— Ўғлоним, ҳеч кимни кўз очиб кўрганидан қўймасин, бу фалсафани ота-онангиз ҳам яхши биладилар. Турмушда бўладиган ўнлаб, юзлаб хатоларни кечирса бўлади. Лекин бир-иккита гуноҳ борки... Бу ҳолатда таҳлил ҳам, хулоса ҳам заргарона ва ғоят холис бўлиши керак. «Ўзи руҳсат берган нарсалар ичида Аллохнинг энг ёмон кўргани талокдир», дейилади муқаддас китобимизда. Оила Ҳақ тузган уюшмадир, ҳар бир никоҳда унинг Ўзи гувоҳликка ўтади! Ҳар гал

талок янграганда эса Арии аъло ларзага келар экан. Яратганнинг норозилигидан кўркмоқ даркор. Талок ҳамма йўллар беркилиб, ноиложликдан бошқа нарса қолмагандагина ўртага тушиши мумкин. Агар бир ажрим билан икки яхши айро тушаётган бўлса, йўлини топиб, ярим тақдирларни бир бутун қилмоқ савоброқдир. Бундай пайтда оилада нечта калла бўлса, ҳаммаси барабар ишлаши ва Аллоҳ розилиги учун, бир ақлли тўхтамга келиши лозим.

Ўғлоним, сизнинг баҳонангизда, сизнинг ҳолатингизда бўлган ёш-ялангларга айрим мулоҳазаларимни билдириб ўтай:

Агар аёлингизга шубҳа билдирилаётган бўлса, қилмишларини кўрган тўртта гувоҳ ҳужжатликка ўтмагунча, уни ёмонотлиқ қилиш мумкин эмас. Бадгумонлик – энг оғир гуноҳ!

Борди-ю, хунук ҳолатга ўзингиз гувоҳ бўлиб қолганда ҳам, хулосага шошилманг: аёлингизга бу қасддан, ҳасаддан ҳужум бўлмасин тағин! Бунинг отини фалокат дейилади, ундан ҳамроҳни қутқарадилар, бетига тупуриб кетмайдилар.

Агар аёлингизнинг сизга кўнгли йўқлигини билиб қолсангиз, аввало астойдил унга ёқиб олишга, меҳрини қозонишга ҳаракат қилинг! Чунки у ёшлиқ қилиб, афсонавий хаёлотдан ҳадеганда чиқа олмаётган, яхши-ёмоннинг фарқига ҳозирча борулмаётган бўлиши мумкин.

Агар қалбида бошқа бировга иштиёқи борлигини сезгудай бўлсангиз ҳам, сабр қилинг. Вақт ҳамма нарсага даво!

Аммо! У ўша хоҳиш томонга қадам қўйса, бу – ёмон! Сиз буни билган бўлсангиз ва билганингиз-



ни билиб ҳам у хижолат чекмаса, очиқчасига ўша тарафга учишга пай турса, бу иш — ёмонларнинг ёмони! Бу холда сулҳни узиш керак! Бундай енгилтак аёл ва шу каби эркакдан насл кўпаймагани жамият учун ҳам маъкул!

«Кўнгил экан-да, гуноҳларини билиб турсам ҳам, кечиб кетолмаяпман», дейиш мухаббат эмас, мардлик ҳам эмас! Шаън булганган жойда мухаббат йўқ! Нафс бор, хирс бор! Сени хор қилганнинг оёғига бош қўйишнинг оти нима? Бу — лакмалик, бу ақлнинг ишламай қолишидир! Шуни билингки, **Инсонлар бир-бирларини фазилатлари учун севадилар.**

Бир куни бир сўтак йигитнинг гапини тинглаяпман: «Опажон, у мени яхши кўради, бошқасини сенга ўхшатолмадим, ўйлаб кўрсам, сени севар эканман, шунинг учун қайтдим, деди. У мени севибдими, демак, бу менинг ютуғим, шунинг учун бирга яшаяпман!»

Аслида, бу йигитнинг имони суст, аслида, зинокаш аёл унга жазо ўрнида юборилган! Икки оғиз ширин гап айтилса, ўзига қилинган даҳшатли хиёнатни унутган эркак йигит саналадими? Сиз футбол тўпимисизки, хоҳлаган тарафга тепаверсалар?! Кучукмисизки, хоҳласалар бошингизни силаб, ёмон кўрсалар кесак отиб қувиб солгани!

Ўғлоним, йигит кишининг энг қиммат моли **ОРИЯТ**дир! Эркак учун у хотиндан ҳам, болачакадан ҳам, ҳатто жондан ҳам юкори туради! Шу эсингизда бўлсин! Дунё ориятли эркакларга суяниб яшайди! Сиз ўшаларнинг қаторида бўлинг!

Ортимизда ким қоляпти?

Савол:

Фарзандлик бурчи хусусида кўп ёзамиз. Оталик, оналик бурчининг адо этилмай қолаётган кирралари ҳақида гаплашсак...

Жавоб:

Ота-оналаримиз мағизларини бизга бериб, ўзлари пўчокка айландилар. Уларнинг сочларини корга айлантирган – биз! Дилларига озор тўлдирган – биз! Улар кета-кетгунча бизга термуддилар, биз эса боламизга! Бизни бир кўриб қайтиб кўрмайдиган бегоналарга, ёлғончи дунё тўқиган афсоналарга, бири келинники, бири куёвники бўлиб кетадиган бевафо болаларга йилларимизни, адоғи йўқ йўлларимизни сарфладик. Ота-онамизнинг ёнида ўтиргани ҳеч йўқ икки кунда бир соатгина вақт тополмаган номард – биз! Ётлар билан соатлаб дардлашиб, ота-онамиз билан шошилиб саломлашиб, шошилиб хайрлашиб, қандай қилиб уларнинг борса келмасга кетиб қолганини билмай қолган ғафлатийлар – биз!

Фарзандлик карзини ортмоқлаб, то умр тугагунча кўкка нола қилиб, рухлардан узр сўраб ўтиш бизга қисмат бўлди. Аммо исботланган бир ҳақиқат борки, ота-онани рози қилмай туриб, улар олдидаги қарздан узилмай туриб харгиз бой бўлмагайсан, бўлсанг-да, ўзингга буюрмагай! Боғларинг мева бермагай, берса-да, Яратган сенга мазасини татиттирмагай! Аммо Ҳақ меҳрибондир, бизга ота-онамизга қилолмаган яхшиликларни фарзандга ўтказиб савоб топиш имконини берди, бу қарзлардан енгиллашиш, демакдир! Аммо фарзанд

деб яшамок, фарзанд деб қакшамок осон иш эмас. Бу кенг юрак, кетмас сабр сўрайдиган азият! Ота-онамизни кўнгилдагидай хурсанд қилолмадикми, энди ўша сабрни бизга берсину болалар биздан оладиганларини олиб қолсинлар. Бундан рухлар шод бўлсин, Яратган биздан рози бўлсин!

Азизим, гапни шунга олиб келяпманки, бир нарсага эҳтиёт бўлайлик, фарзанд тарбиясида болаларимиз қай кўйга тушиб, қандай хато қилган бўлса ҳам, «нега бундай қилдинг» дейлик, лекин харгиз «сенга қилган фалон яхши-лигимни билмадинг, сени деб у бўлдим, сени деб бу бўлдим», деб юбормайлик. **Бу — миннат! Феълимиздаги энг ёмон қусур шу!**

Нафсиламрини айтганда, Ота-оналарнинг тили нега хадеганда миннатга кетаверади? Чунки улар бола боққан киши бўлиб, жон томирлари куригунча уринадилар, куйинадилар. Ризқ топиш йўлида ўзларини ўтдан чўкка урадилар. Асабларини, соғликларини эговлаб ташлайдилар. Нон исроф бўлса гуноҳ, сув, кўмир, ўтин исроф бўлса гуноҳ-у, бутун бошли инсон яроксиз бўлиш даражасигача ўзини исроф қилса, гуноҳ эмасми? Бунга Аллоҳнинг қаҳри келмайди дейсизми? Ота-оналигининг энг асосий бурчи **ўзимизни асраш** эканлигини аллақачон унутиб қўйганмиз. Қусуримизнинг биттаси шу! Биз қанча узоқ яшасак, болаларга шунча яхши, адашмай, осойишта юрадилар. Қанча кам касал бўлсак, шунча қулай, уларга малолимиз тушмайди, ўзимиз ҳам беҳижолат яшаймиз, яйраб яшаймиз.

Яна бир бурч борки, қанийди уни ҳамма удаласа! Бу **харомдан ҳазардир!** «Ахир, болам



учун уриняпман, болам учун!» дея наъра торта-миз. Аммо эҳтиёт бўлайлик, агар фарзанд ҳалол едириб, ҳалол кийдирилмас экан, ота-она унинг бахтсизлигини ўз қўли билан яратган бўлади. Шу ғофилликдан ҳаммамизни асрасин! Атрофингизга қаранг, бунинг мингта исботини кўрасиз. Боланинг баданига бир луқма ҳам бировнинг ҳақи кирмаслиги керак, розилик билан берилмаган ўлжани бола учун сарфламаслик керак: йўқса, уларнинг умри ҳам, ризқи ҳам, вужудидаги жами инсоний фазилатлари ҳам куйиб кетади! Бунинг натижаси уч кунда, уч йилда, балки ўн йилда ҳам кўрина қолмайди! Умр авж пардага чикқанда таназзул бошланади. Бола эмас, шайтон боққан бўлиб қолаверади бандаси!

Ота-она берган бойлик боқий эмас. Ота-онанинг ўзини ҳам бойлаб қўйган эмас! Бугунги фарзанд боққанлар яна бир бурчларини унутмоқдалар. Бу **ҳар бир фарзандни ҳунарли қилиш** вазифасидир. Бойнинг боласими, ночорнинг боласими, то ўрта мактабни битиргунча камида икки-уч хил ҳунарни ўрганиши лозим. Ҳаёт жумбоқ, ҳаёт ошиқ отиш-дай гап, пешонасига ёзилган қисматни бандаси билмайди. Ота-она ўз кўзининг тириклигида боласининг луқмасини тайин қилиб кетиши, яъни ҳунарли қилиб қўйиши шарт! Ҳунар – захирадаги бойлик. Ҳунарлининг бола-чақаси ҳеч қачон оч қолмайди! Бой боласининг ҳунарга иши тушмаган тақдирда ҳам, меҳнат қилиш захмати, пул топиш қийинчиликларини билиб қўйиши, ўз баданида туйиб кўриши унинг фақат яхши инсон бўлишига хизмат қилади.



Отим ўчмасин, уйимнинг чироғи ёқик қолсин, деб бандаси фарзанд сўрайди. Шу тарзда авлодларнинг байроғи ерга тушмай туради. Яхшилардан мерос келаётган фазилатлар келажак наслларни ҳам тарбиялашда давом этади. Бугунги ота-оналарнинг яна бир камчилиги бор: айтинг-чи, миллатнинг ўтмиши десак, катта кетган бўламиз, ҳеч йўқ ота авлодимиз, она авлодимизнинг таржимаи ҳолини ихлос билан ўрганишимизми? Ота-онамиздан кейин уларни излаб, улар билан топишиб, сочилиб кетганларини қовуштириб қўяй, деган ниётлар қилдикми? Қайси қабристонда кимларимиз ётганини биламизми? Туғилган, ўсган қишлоғимиз, онамиз овқат қилиб, нонлар ёпган тандир, ўчоқлар қолган ота ҳовлимиз ҳақида болаларимизга йиғлай-йиғлай ҳикоя қиламизми? Етаклаб олиб бориб, кўрсатиб, бу жойлардан қандай улуғлар ўтгани, уларнинг ишлари, бобо-момоларимизнинг фазилатлари ҳақида қайта-қайта гапиряпмизми? Ахир **миллий гурур, ватанни танитиш тарбияси** шу-ку, кадрдон! Биз яхши яшаш, моддийон яратиш билан овора бўлиб, **авлодларга муносиб ворислик тарбияси**ни кўпда унутиб қўямиз. Оёғимиз таги тўла қабристон ва уларнинг қатлари тўла бизнинг ота-боболаримиздир. Рухлар эса ҳамиша барҳаёт ва бизни ўраб туради, тинглаб туради, кўриб туради! Мен агар уларни доим ёдламасам, яхши ишларини боламга юқтирмасам, фазилатларини ёйишда давом этмасам, неча пулли инсон бўламан?

Азизим, солиҳ фарзанд тарбиялашни, ортингиздан сизни изловчи, азиз тутувчи насл қолишини хоҳласангиз, болаларингизни олиб, отангиз, онангиз ўтган ерларни тез-тез зиёрат қилинг. Улар



ётган кабристонларга олиб боринг. Бирга-бирга покласинлар, йиғлаб тиловат қилганларингизни кўриб турсинлар. Улар билан бирга отангиз ўсган, онангиз келин бўлган ҳовлиларга бориб эҳсонлар қилинг, ёнингизда туришсин. Биргалашиб, ўзингиз катта бўлган кўча, гузарларга ҳеч йўк тўрт туп дарахт экиб қўйинг, қарздорлик туйғуси нима эканлигини англаб борсинлар. **Ўаликни, ватанни англатиш, унга муҳаббат қўйдириш** шундан бошланади, бу биз, ота-оналарнинг энг зарур бурчимиздир, азизим.

Қизинг ўзингга ўхшамасин

Савол:

Менинг севган кишим бор эди, ота-онамнинг ихтиёри билан унга эмас, бошқага турмушга чиқдим. Бепита фарзандли бўлдик. Бундай қараганда, ёмон яшамадик, аммо турмуш ўртоғимга кўнгил қўя олдим, деб айтолмайман. Қарабсизки, мана қизим ҳам вояга етди, энди отаси уни ўртоғининг ўғлига узатмоқчи. Нима қилай, қизим менинг тақдиримни такрорламай, севиб турмуш қургани яхши эмасми?

Жавоб:

Бир уйнинг чироғини ёқиб, қозонини қайнатиш, бола тарбиялаб, қаторга қўшиш, бир рўзғорнинг шаънини ҳимоя қилиб янаш асл маънодаги бахт! Бу яқинларингнинг ризочилиги билангина эришиладиган мартабадир. Билгинки, ё ота-онанг, ёки ўзингнинг савоб ишларинг эвазига Яратган сени шу бахт билан ярлақабди. Ишонавер, агар уйингдагиларнинг гапини қайириб, «яхши кўрганинг» билан етаклашиб кетганингда, бугунги тўқис рўзғоринг



бўлмасди! Ха, сен тўкиссан, ўфил-кизли, уйли, эрли, гап-сўз бўлмаган рисоладаги оилали экансан. Тўкислик шу-да, қизим! Шайтон юрагингга фулу солса-да, йўлдан адаштирабди. Бунинг эвазига эса бугун қизинг сенга кулоқ солиб турибди.

«Қизимнинг севишиб турмуш қургани яхши эмасми?» дебсан-а! Она ҳам шундай дейдими? Тасаввур қил, эндигина ўн саккизга ё йигирмага кирган қизинг сендан бемаслаҳат, сен мутлақо танимаган йигитни ўзи танлаб, «ойижон, кечирасиз, мен ўзимга-ўзим хўжайинман, мана шу йигитга тегмоқчиман» деса, қалай бўларди? Юрагинг оғримасмиди? Уни туғиб, йигирма йил тишингда тишлаб бокиб, у деб йигирма йиллик умрингни сарфлаб, етган ерим шу бўлди деб, ўт чангаллаб қолмасмидинг?!

Ишқнинг баҳосини айрилик орттиради. Агар яхши кўрганинг билан топишганингда, аллақачон муҳаббатингни қайтариб олардинг, ишонавер! Нега дейсанми? Биринчидан, инсонга яқин келган саринг кусурлари топила бошлайди, эртақдагидай қахрамонинг бирдан каму кўстлик оддий одамга айланиб қолса, ҳафсаланг пир бўлиши аниқ эди. Иккинчидан, ўзинг хоҳлаб текканинг учун баҳонинг доим паст бўлар ва бу писандадан умр бўйи қутулолмай ўтардинг. Учинчидан, ота-оналарнинг норизолиги сизларни тинмай таъқиб қилар, қувончларингизни татиттирмас эди!

Она қизим, ишқ осмонийдир! Ишқнинг оёғи ҳеч қачон ерга теккан эмас. У Ернинг хисоб-китобларига ҳеч қачон сиққан эмас! Ишқни ичингга жойла, уни рухингга боғла! У умрингнинг охиригача сени қалбан тозалаб, сошлаб туради,

юрагингга устун бўлади, кета-кетгунингча рухинг унга суяниб яшайди!

Қизинг масаласида маслаҳат билан иш тутинглар: аввало, ёшларнинг розилиги бўлсин, қолаверса, ота боласига ёмон жойни раво кўрмайди. Мабодо, жуфтинг шошқалоқроқ бўлса, йўлга сол. Тўғрироғи, рўдайиб туравермай, йўлга солишни ўрган, қаловини топсанг қор ҳам ёнади. Ўртача маънига эга аёл ҳам бу ишнинг уддасидан ўтади! Сен эса Замин одамисан. Инсончиликнинг йўли узун, кўчалари кўп. Фасллари турфа ва азиятлари мўл. Ота-онанг сени йўлнинг бошидан қўйиб юборадилар. У ёнига ўзинг кетасан. Ана ўшанда сенга рўзғор деган паноҳ ва ҳамма фаслларга чидаб берадиган заминий ҳамроҳ керак бўлади. Уни юрак билан эмас, заминий ҳисоб-китоб билан танланади. Ва унинг баҳоси муҳаббатдан ўн бора, йўқ, балки юз бора баланд туради! Бу буюк жуфтлик, буюк йўлдошлик ва бебаҳо елкадошликдир: отанг, онанг ярим йўлда қолади, жигарларинг атрофга сингиб кетади, болаларинг бегоналар билан топишиб, нари сурилади. Умрингнинг охиригача ёнингда собитлик билан борувчи фақат шу жуфтингдир! Сен унга беписанд бўлма, «кўнглим бўлмаса керак» деган ноинсоф сўзларни айтма! Бу гапинг ғоят малолли! Қолаверса, беш болали бўлганда, ёши қирққа етганда «мен жуфтимга кўнгил қўя олмаяпман» деган гапни ақлли аёл айтмайди! Бир этак болангга ота бўлиб, олди турмуш қурадиган бўлгунча сенинг шу туришингга, рўзғорингнинг ёмон-яхшисига чидаб келяпти экан, меҳр-муҳаббатинг унга бўлмай кимга бўлиши керак? Тавба қил ва унинг борлигига дарҳол шукр

келтир! Жуфтингга илтифотлар кўрсатиб, ихлос билан яшаб қол. Рўзгорни бахтхонага айлантириш унга меҳр қўйишдан бошланади, шуни унутма!

Ҳаром луқма еганининг қисмати

Савол:

Ўзим навоийликман. Ёлғиз ўғлимдан ҳеч нимани аямадим. Тошкентдаги олий ўқув юртига қийналмай кирди. Машина, уй сотиб олиб бердим. Лекин ўғлим юзимга оёқ қўйиб, икки болали хотин билан яшаб юрибди. Уни бу йўлдан қайтара олмаяпман. Эркак бошим билан ҳар куни йиғлайман...

Жавоб:

Сиз йиғлашда давом этинг, қадрдон! Фақат «энди нима қиламан?» деб эмас, истиффор айтиб, Аллоҳга тавбалар айтиб йиғланг, холис туриб, хатоларингизни эслаб, тан олиб, сизни кечиришини Ҳақдан астойдил сўраб йиғланг! Шундай қилишингиз зарур! Чунки сизнинг гуноҳларингиз эвазига болангиз чатоқ кетди. Болани сиз боткоққа ботирдингиз! Юрагини шайтонга сиз ин қилиб бердингиз!

Биринчидан, ўзингизнинг дунёингизга қурт тушган: ҳаёт гўзаллиги, роҳат, яхши яшаш асосан бойликда, пулда деган тўхтамдасиз! Сиз болангизни суд қилишдан аввал ўзингизни тафтиш қилинг! Ота-онангизга қай даражада фарзандлик қилгансиз? Гапларига қулоқ солармидингиз? Доимий излармидингиз, йўқлармидингиз? Қани айтинг-чи, неча марта кўзларини ёшлатгансиз? Фарзанд сифатида баҳоингиз нечалигини ҳеч ўйлаб кўрганмисиз?



Шу кунларда-чи? Болангизни ўқишли, уйли, машинали қилишдан аввал жигарбандларингизни, айниқса, камхарж оға-иниларингизни сал бўлса-да ўйлаб, хижолат чекдингизми? Албатта, йўк! Бу йигитчиликнинг асосий шарти, мақоми эканлигини билмайсиз ҳам. Аёлда аёллик илми, эркакда эркаклик илми бўлмас экан, улардан келадигани фақат зиёндир. Сиз дунёга келиб битта илмга – пул топиш илмига ихлос қўйдингиз, фақат шу илмни ўрғатдингиз. Сизда йигитлик илми йўк бўлгани сабабли, бахтсиз эркак бўлиб турибсиз.

Сиз ота бўлиб ўғлингизга, аввало, хунар ўрғатишингиз, қўлларини кадоқ қилиб меҳнатга қўнқитиришингиз, машина эмас, аввал унга от минишни билдиришингиз керак эди ва х.к... Кейинчалик синиб қолмаслиги учун таглари кадоқ бўлгунча китоб ўқишга даъват қилишингиз, ётоқхоналарда ҳамма қатори яшашга қўйиб беришингиз, ҳеч йўқ ярим пулини ўзи ишлаб топмагунча машина олиб бермаслигингиз керак эди! Болани оқбилакка айлантирдингиз, агар қийналиб ўқиганда, ота-она азиятларини, кадрини таниб, билиб борарди. Соғиниб совға олса, соғиниб бир нимага етишса, сиз айтган ноқобил ишларни қилмасди. Ҳозир унинг пули бор – хавф йўк! Эртага пули ёки сизнинг пулингиз тугаса, буни ҳаёт дейдилар: тақ этиб ўтириб қолсангиз, ана ўшанда кўринг фожиани! Анови йўлда илашганлар ҳам уни тарк этади, пулига тўпланиб, унинг ширасига қўнадиганлар ҳам учиб кетадилар. Унинг устига, сиз унга ирода, сабр, шукронани ўргатмагансиз, қарабсизки, аламига чидамай наша чекишлар, ароқ ичишлар бошланади! Ҳозирги кунингиз ҳам ҳолва бўлиб қолади.

Сизга аччиқ ўғитим шуки, агар сиз ўғлингизга сарф қилган пулларингизни ҳалол топганингизда бола айнимас эди. Тўғри, у маблағларни ўғирлаб ё кимор ўйнаб топмагансиз, аммо бировнинг норози бўлиб берганини, пешона терисиз топилган ўлжани ёки судхўрликнинг орқасидан келган даромадни болангизга едириб-кийдириб қўйгансиз. Агар ҳаромга парҳезингиз бўлса, унда сиз дил-озорсиз, сиз деб кимдир йиғлаб юрибди. Шундай, азизим, бекордан-бекорга бу аҳволга тушиб қолмагансиз, тавба қилинг, тавба қилинг, бу ҳам ибодатдир!

Болангизни эса ҳозирча ўз холига қўйиб беринг, айти вақтда унинг кўзи кўр, қулоғи қар, то пешонаси деворга тегмагунча, ўз бурнини ўзи қонатмагунча ҳеч гап таъсир қилмайди, бу ишларнинг барини Аллоҳдан деб билинг ва ўғлингизни тўғри йўлга тушишини сўраб, астойдил дуо қилинг! Ота дуоסי албатта ижобат бўлади, иншооллоҳ.

(Жавобим сизга вазминроқ келгандир. Дардингизга шифо керак бўлса, сўзларимни дори деб билинг ва аччиқ бўлса-да қабул қилинг!)

Торга тор дунё

Савол:

Турсуной опа, Сурхондарёдан бир мухлисимиз кўнғирок қилдилар. Турмуш ўртоғи кўп ичаркан ва оила аъзоларига кўп озор бераверар экан. Бундан ўн саккиз йил аввал биринчи марта, саккиз йил бурун иккинчи марта талоқ қўйган экан. Аммо бу аёлнинг борадиган жойи йўқлиги учун болалари ҳаққи яшаб юрибди. «Оилада ҳамиша

жанжал, тўполон. Қандай йўл тутай», дея кўз ёш тўкади муштарий.

Жавоб:

Бу аёл гўзал сабрда яшаяпти экан, хали бунинг ажрини албатта кўради! Агар ақлли аёл бўлса, жуфтини йўлга солишнинг ҳамма йўллари килиб кўргандир, агар шунда ҳам эр ўнгланмаётган бўлса, яна тишни тишга қўйиб туриш керак, яъни бу ҳол Тангридандир.

Болалари катта бўлиб қолишибди, бундан кейин онасини хор қилдиргани қўймайдилар. Талок масаласига келсак, агар бу эркакнинг ақли соғлом бўлса, рўзғорбошилиқнинг шунча иши туриб, йигирма йилдан бери сурункали ичмасди. Талок тиниқ ақл билан айтилсагина, яъни бу қарорга келган одам руҳан соғлом бўлсагина ҳисобга ўтажакдир. Маст одам эса тентак мақомидадир.

Яна бир гап: «бу аёлнинг борадиган жойи йўқ» дебсиз, аёл турмуш қурдими, орага бола тушдими, тамом, отилган тошдай ўша ерга жойланиб қолиши керак, унинг асл ватани шу, яъни эрнинг уйи! Ота-онаси, қўша-қўша жигарлари бўлса-да, боласини олдига солиб кетиш йўқ, болалари билан аразлаб келиш ҳам йўқ. Ҳамма муаммоси чорасини ўз инида қидиради ва ҳал қилади! Бир бетайин аъзо деб нега бутун оила тўзғиб юриши керак? Бургага аччик қилиб кўрпа куйдириш бу.

У аёл «шашкатор кўз ёш тўкармиш». Нега энди? Бу иродасизлик, мижғовлик, «берсанг ейман, бермасанг ўламан»лик белгиси! Уйи борлиги билан, болалари билан, ўзининг оёқ-қўли бутунлиги билан овунсин. У эркакни шу туришида яроқсиз бир мато ё касал деб билмок ва раҳм

назари билан қарамоқ керак. Оиладагиларнинг қолганлари соғ-ку, тўхтаб қолган кўлмакка терми-
либ, ундан шикоят қилиб, эзилиб ўтиравермасдан
болалар билан қовушиб, уюшиб яшашда давом
этавериш керак! Ахир, умр ғанимат, болаларнинг
болалиги ғанимат, онанинг очиқ чеҳраси ҳам фар-
занд учун тарбия, отасидан кўрмаганига яраша
улар чиройли муомалани ҳеч йўқ онасидан кўрсин!
Торлик қилманг, дунёдаги бошқа неъматларни ҳам
кўринг, овунинг, йиғи йиғини келтиради, азизим!

Бир шеъримни шундай тугатган эканман:

*Дўст тафтидан гуллайди кўксим,
Дўстга тўлдир манзилларимни.
Соғинишсин, чорлайверишсин,
Андижонча ҳазилларимни!*

*Айирмагин, тақдир феълимдан
Баҳорларнинг ифторларини.
Чертиб ўтай юрган йўлимда
Кўнгилларнинг дуторларини!*

Хотима ўрнида

Аёнки, жони оғриб, боши қотиб турган одамги-
на нажот излаб бировга мурожаат қилади. Бундай
пайтда у борини тўкиб солади. Одамларни тинг-
лаб, рухият катламларига кирар эканман, маъ-
навият, ҳазрати Навоийнинг тили билан айтган-
да, одамийлик тарбиясининг ғоят долзарблиги, бу
борада чала ишларимиз хали кўп эканлигининг
гувоҳи бўламан.

Дунёни билишдан олдин инсон инсончилик-
ни, яъни ўзини ўрганиши, нимага кодиру нима-

ни кўтара олмаслигини билиши, бахту бахтсизлик унинг қўллаган амалларига боғлиқ эканлигини укиб олиши шарт экан.

Инсонга яшаш учун берилган ҳамма неъматларни таниш ва ундан лаззатланиш ҳам илм эканлиги, неъматларнинг буюги инсон ва уни авайлаш, асраш билимларнинг онаси эканлигини ёшларга астойдил ўргатиш зарур экан. «Муроса илми» деган фан ҳам бўлиши керакка ўхшайди.

Одабийлик — хосиятли қолип. Инсонни нафс, кибр, худбинлик балосидан асраб туради. Одабийлик, яъни маънавият сабоқлари синфдан ташкарида эмас, ёки маълум синфлардагина эмас, ёки оммавий тадбир тарзидагина эмас, узлуксиз олиб борилиши ва у асосий фанлардан олдинда туриши керак.

Ушбу рисоламиз инсон руҳиятини ўрганиш йўлида, инсонни ўзини ўзига танитиш йўлида кичик бир хисса бўла олса деб умид қиламиз.

* * *

Умр биттадир! У сенинг қўлингда! Унинг ҳар бир кунини ихлос билан варақла. 365 кун давомида қуёш 365 хил жилваланади. Ой ҳам ўшанча турланади, тусланади. Ҳар куни жоникиб томоша қил! Кўзларингни яйрат, юракларингни ҳапқиртир. Кунда бир ишингни битказ, кунда бир кишини хурсанд қил, бу ҳузурлардан умрларинг узайиб кетсин! Вақт визиллаб ўтаверади, сен ундан ҳам чакконроқ бўл. Оёғинг билан судралиб эмас, қанот ёзиб учиб юр!

Умр биттадир! Уни чанг юктирмай асраб бор, ҳар бир саҳифасини яраклантиб арт. Ҳар бир

саҳифасини муҳаббат билан тўлғаз, ихлос билан дастхат қўй. Ортингда гулга айланган излар, сенинг отингни айтиб яшайдиган файзли бекатлар қолсин.

Умр биттадир! Лекин сен битта бўлма. Одамларни сев, одамларни ая, ўшанда уларнинг бағирларида бўласан, ўшанда улар сенга тўрт тарафдан қўрғон бўладилар! Эл розилиги бандаси учун икки дунё саодатидир, азизим!

САБАБ ВА НАТИЖА

Изҳори дил

(Турсунали полвонга мактуб)

Иним Турсунали! Балки дардингга шерик бўлмаган инингдан кўра руҳиятингга мададкор бўлган ватандошинг, хеш-ақрабоинг кимматлироқдир! Ҳозир буни мен жуда-жуда ҳис қилиб турибман. Бугун Сизни ким деб чақирсам кўнглим ёзилса, қайси мурожаат орамиздаги масофани яқинлаштирса, ўша сўз билан юзлангим келди: адашим, водийдошим, тупроқдошим, тилдошим, дил ва диддошим, салкам етмишимда кашф этган топилдигим – Турсунали! Сиз мен – ғафлатий опангизни кечириб қўйинг, аслида Фарғонада Сиздай инсон борлигини билиб олганимга ўттиз йиллардан зиёд бўлди-ёв! Бу дунёсини катта бир китоб десак, Сизни унинг зарварақларидан бири деб номлаб келдим. Сиз ҳақингизда гап кетганда, «Бу инсон Аллохнинг юртга юборган инъомларидан бири-да», деб қўярдим. Аммо сусткашлик қилибманми ё оначилик, аёлчилик юмушларига кўмилиб кетибманми, Сизни яқиндан кўрай, суҳбатлашай демабман-да! Асосий тўсиқ аёллик андишаси бўлган бўлиши керак, аслида эса, рўбарў келгани журъат тополмадим, шекилли. Нима учун журъатим етмаган, биласизми, мен ота маконим



Шаркни, Марказий Осиёни ва унинг кўксида жойлашган Ўзбекистонни буюк салобат, файзистон деб, яна уни сиру асрор, билимлар ва мўъжизалар ватани деб биламан. Ва ҳар доим шу ернинг фарзандиман деганимда ўзимнинг ғоят ушқоқлигимни билиб коламан, шу туришимда бу заминга ярашмаётгандай хижолат чекаман ва Яратганга «мени бутунлаштир, шу тупрокка муносиблаштир», дея илтижо қиламан. Сиз эса, укажон, ўша мен ардоқлаган Шаркнинг портретига ўхшайсиз, унга тик қараш эса жуда истиҳолали...

Ўн йиллар аввал Тошкентдаги «Зарафшон» ресторанининг атрофида гуруҳингиз билан томоша кўрсатаётган экансиз. Ўшанда Сизни экрандан ташқарида биринчи кўришим эди. Мен ҳам аста одамларнинг ортига бориб турдим. Дастурларингиз охирлаб қолган экан. Ўзимни энди четга оламан деб турсам, тикка менга қараб юриб қолдингиз. У ёғимга-бу ёғимга қарадим, йўқ, сиз нақ мени мўлжаллаб келардингиз. Қисқагина саломлашдингиз, соғлиқ-яхшилик тиладингиз, кўлимга икки-уч майда китобчалар тутқазиб, қўлингизни кўксингизга қўйиб, тавозе билан ортингизга қайтдингиз. Шундай одам мени танир экан деб, қай пайтгача бойвачча бўлиб юрдим. Тухфа қилинган рисоалар турли муаллифларнинг одоб-ахлоқ ҳақида ёзганлари экан. Ўзим ҳам шу соҳанинг дастёри бўлганим учун маънавият тарбиясига бўлган эътиборингиздан кўнглим ороёиш топган эди ўшанда...

Қудангиз Қосимжон ва Фарғонанинг баҳоси йўқ шоираси Зухра Алиева, худо хайрларини берсин, менинг ярим асрли хатоимни тўғриладилар: ўзимга



билдирмай, мен кутмаганда сизнинг муборак остонангизга рўбарў қилдилар. Дарвоза ташқарисида хонадоннинг офтобдай бекаси Гулчеҳрахоним атрофига раста кизу келинларини тизиб қўйиб бизни кутиб олдилар. Ичкарига кадам босиб кирдим учимда: «Эрам боғи шунақа бўлса керак-да», дедим ва «Бу кимнинг уйи?» дея сўрадим пичирлаб. «Полвон аканинг-да!» дейишди. «Қайси полвон?» дейман тушунмай. Аммо, гапнинг очиги, шу аснода кўнглимда полвонларнинг ичида ҳам мухлисим борлиги ва устига-устак, мени меҳмонга таклиф қилганидан ажабтовур ҳузур туйдим. Зухра шоира қулоғимга шипшиди: «Турсунали полвоннинг уйига келдик, опагон!» Довдираб қолдим. Шу аснода қаршимизда сиз пайдо бўлдингиз. Бу ҳол шундай тез юз бердики, мен учун асло қўл етмас жой, уфқларнинг ортида тасаввур қилганим инсон нахотки рўпарамда турибди, унинг нақ остонасига келиб қолишимни тушимда кўрсам ҳам ҳайратдан қотардим, ахир! Қандай саломлашганимни, нима деганимни, сизлар қандай сўрашганингизни, худо хаки, асло эслолмаяпман! Аммо қаттиқ ўнғайсизландим, шу эсимда. Миллатнинг шундоқ фарзанди остонасига нахотки ҳеч бир тадорик кўрмай, шўппайиб келаверсам? Ахир, қўйлар етаклаб келсам, саватларда сарполар кўтариб кирсам ярашмасмиди?! Саломлашганда, хол-аҳвол сўрашганда ўзингизга, аҳли аёлингизга айтадиган чиройли гаплар тўкиб келсам бўлмасмиди, дейман нукул!

Ишонаверинг, укагон, ўша кунги ҳаётим мен учун эртак ичра кечди. У сазоворликдан умрим бирмунча узайганини, ўзимнинг ҳам бойиганим, анчайин улғайганимни чандон сездим, Яратганга



шукрлар айтдим. Сиз ҳам унга ҳамду санолар айтинг, укажон! Сизни ўзи севган бандалари қаторига қўшгани учун, яъни покиза наслдан зувалангизни ясагани, кўксингизни олпоқ ниятларга тўлдиргани, ниятингизга яраша жуфт ва фарзандлар ато этгани, қалбингизнинг кўзини очиб қўйгани, табиатга, меҳнатга, яратишга, ижодга, йўқдан бор қилишга муҳаббатли қилиб қўйгани учун Ўзига шукрлар айтинг. Биргина бандага шунча саодатмандликнинг насиб этиши нақадар гўзал! Ҳовлингизнинг тўридан ўтаётган сутдай Шохимардонсой сувининг баҳосига ўзи ўлчов йўқ! Ундай ширин сувни ҳеч қаерда ичмаганман. Бобо-момоларимизга тегишли осори атиқаларни муҳаббат билан тизиб, авайлаб, улар билан ҳовлингизни безаб қўйганингиз ҳаммамизни яйратадиган иш бўлибди. Бу буюмларнинг ҳар биттасида не-не инсонларнинг бармоқ излари бор ва ҳар биттасини нечтадан рух кўтариб туради, ахир! Назаримда, Сиз бизнинг ота-боболаримизни ҳам хонадонингизга чорлаб олибсиз. Аввали Аллоҳ, аммо ўша руҳлар ҳам Сизни қўллаб, қўлтиқлаб тургани аниқ.

Сизнинг бу ипларингиз жуда катта кўрғазмали тарбия. Сиз бу тутумларингиз билан «мен ота ўғилман» деб турибсиз, султон суягидан тонмаслигига урғу беряпсиз. Укажон, ёшим улғайганда бир ҳақиқатни англаб етдим: жаҳонга татийдиган тараққиётга эришиш мумкин, аммо ҳар бир миллат ўз илдизига суянса, ўз илдизи орқали озиқалансагина мустаҳкам ўсар экан. Ўтиб кетгану тирикларининг дуолари, розиликлари, авлодидан мерос бўлиб келаётган дид ва асрий кўникмалари билан унинг камоли тезлашар экан...

Ўша куни биринчи марта суҳбатингизга кулок тутдим. Мен сизни фақат полвонлигингизни билар эканман. Сиз эса шундай гапиряписизки, нутқингизда Шарқнинг жами жилваларини кўриб турардим. Адабиётга, шеърятга бўлган муносабатингиздан хайратландим ва ҳадя қилган китобларингизни уйга келиб ўқиб кўргач, ўзбекнинг яна бир нозик қалам ёзувчисини топиб олдим. Полвон қадамларингиз билан сўз оламига хуш келибсиз, иним! Яна шоира Зухра айтдики: «Сиз унинг дор остидаги нутқларини эшитмабсиз! Машъаладай ёниб гапиради». Сўзни севиб айтганки, сўзга ўзини тутантириқ этганки одамни топсам, ғижимларим ёзилиб кетади, «Хайрият!» дея хайқириб юбораман ичимда! Сўзни уддалаб айтиш маромига етказиб танбур чертишдай гап! Тингловчидан ҳам кўра чалганнинг ўзи кўпроқ маза қилади, Яратганнинг бу тортиғи ҳам Сизга муборақ бўлсин!

Суҳбат орасида бундан ўттиз йиллар аввал «халқлар оғаси»нинг кичик бир вакили, «биз сизларга костюм-шим кийишни ва бўйинбоғ боғлашни ўргатдик», деб писанда қилгани ва Сиз ўша жойнинг ўзида костюм билан бўйинбоғни ерга улоқтириб чиқиб кетганингиз ҳамда ўшандан бери яктагу белбоғ, чопон, дўппию этикка ўтиб кетганингизни айтдингиз. Ўттиз йиллардан зиёдки, фақат миллий кийимда юрар экансиз. Қандай гўзал журъат бу! Водийча чапанилик, ўзбекча ғурур, йигитчасига қатъият мана шу! Ва ўйлаб кетдим, тасаввурларимда яйраб кетдим: кани эди ҳамма эркакларимиз дўппиларни дол қўйиб, оқ ятаклар устидан қўша-қўша шоҳи кийиклар боғлаб юрсалар. Қийикларнинг тўрт бурчига ўзбекистонлик



ойимларнинг дуолари, изхори диллари битилган бўлса! Белбоғ йигитни тик ушлаб турадиган орият рамзи хисобланарди. «Белинга белбоғинг борми?» деган хитоб «йигит бўлсанг, йигитнинг ишини қил», деган ўғитни берарди. Ҳозир эса жами эркак белбоғсиз. Илоҳо, белбоғларини бой берган бўлсалар ҳам йигитлик ориятлари омон бўлсин, биз аёлларнинг бахтига эркакларнинг эркаклик андишалари баркарор турсин!

Уйга қайтгач, китобларингизни ўқиб чиқдим. Аввалига у ер-бу еридан ўқиб кўрдим. Кейин бошидан бошлаб мутолаа қилдим. Кўзимдами, кўнглимдами бир нарса порлаб кетди! Ажабо, бу полвонлик деганлари ҳам ўзи бир дунё экан-ку! Уларнинг ҳаётидаги ёзилмаган қонунлари, ўтиб бўлмайдиган чегара чизиклари, ўзларига хос дунё-карашлари, бир-бирларига бўлган муносабатлари, уларнинг ирода қувватлари... ҳай-ҳай, мунча оҳанраболи бўлмаса! Ўқиб роҳатландим. Ўзбекистоннинг жами полвонларини эъзоз билан бирма-бир тилга олибсиз. Ва ана ўша полвонларча таҳлилларингиз, ўз нуқтаи назарингиз, ҳазилларингиз шу қадар халқчилки, ёзганларингиздан бутун Ўзбекистоннинг гуркираган нафаси келиб турибди. Сиз полвонлар ҳақида ҳикоя қила туриб, ўзингиз билмаган ҳолда халқимизнинг энг ички қатламларининг суратларини, содда, аммо улуғвор феълларини, унинг гўзал удумлари ва минг шайтон уринса ҳам айнита олмайдиган одамийликларини тасвирлаб бергансиз. Мана шунинг ўзи гўзал миллий тарбия! Мана шу-да миллий маънавият сабоқлари! Раҳмат Сизга, иним!

Турсунали, кейинги пайтларда юрагимни бир ташвиш босиб қолган, юрагимда бир алам йиғлайди: бир она, аёл сифатида, муаллима сифатида, шу жамиятнинг қалам тутган мўъжаз бир адибаси сифатида бир нарсадан кўнглим тўлмайди. Бу — ўғил бола тарбиясини кўнгилдагидай олиб боролмаётганимиз, йигитлик мақомининг сустлаб кетганидир. Бир шеъримда шундай дебман:

*Орланмайин бўлурми, аёл озор ичинда,
Ҳам кўчаю ҳам уй деб ишу бозор ичинда,
Аёл аёл бўлмай бўзлайдир ор ичинда,
Бу фоженинг эрларга келмай қолди малол,
Аён Аллоҳга ҳоли Андижоннинг аёли!*

*Ё раб, тулпор ўнатиб келар мардлар қайдадир,
От узра ҳиммати ҳам хўп баландлар қайдадир,
Нечун бугунгиларнинг феъли андак майдадир,
Тулпордин пастга тушгач, шундоқми йигит ҳоли?
Армон тўла саволи Андижоннинг аёли!*

*Юртимнинг мардларини бўзлаб юриб уйғотай,
Ўз шуҳратин ўзига сўзлаб юриб уйғотай,
Удир гоят керагим, «сиз»лаб юриб уйғотай,
Уйғонмаса, боглаб бел чавандозлар мисоли
Тулпорга ўзи мингай бу водийнинг аёли!*

Китобингизни ўқиб, ростини айтсам, қаддим бироз тикланди. Йигитлик қўлланмасидай нарса яратибсиз. Мен бу рисолада ҳақиқий Шарқ эрагининг овозини эшитдим. Саховатли, ўта камтар ва камсукум, ҳар борада бутун ва нозик тингловчи ва нозик сўзловчи, аммо жойи келганда шиддатдан от хуркийдиган водий йигитини кўрдим.

Шукрлар келтирдим, бу фазилатларни яна тири-
либ, жонланиб кетишига юрагимда умидворлик
уйғонди. Қаламларимиз ғоят маслакдош экан, ука-
жон, полвонлигингиз ва полвонларга тарбиячили-
гингиз зиёда бўлсин, аммо маънавий-маърифий
даъватларингизни тўхтатманг. Шу мавзуда ёзиш-
дан чарчаманг, ёзиш йўлларингиз жозибали экан.
Гапларимиз сингиётган пайтда гапириб қолайлик.
Бизнинг қўлимиздан келгани, элга, ватанга атага-
нимиз шу-да, укажон.

Дарвоқе, китобингиздаги ҳар бир воқеа, хо-
дисани тасвирлашда ҳам, ниятларингизни изҳор
қилишда ҳам «ВАТАН» деган сўзни, унинг ар-
доғини бошингизда, киприкларингиз устида ту-
тишингизни кўрдим. Бу гўзал ва юқумли ҳолат!
Бундай таъсир оқибатида заминда туриб заминни
соғиниб кетасан киши, раҳмат Сизга.

Юрагимнинг ишорасига кўра айтаманки, пол-
вон укам, мен сиз ҳақингизда яна ёзсам керак.
Яхши инсон Аллоҳнинг неъматини, неъматни элга
танитиш эса ибодатдир.

Ақлингни уйғот!

Савол:

Яқинда ўғил кўрдим. Фарзандимиз учта бўлди.
Опам эса бир неча йилдан бери бефарзанд. Кенжа-
тойимни опамга тортиқ қилдим. Бу иш қайнотамга
ёқмади. Шу ишни баҳона қилиб, мени уйдан ҳай-
даб, турмушимни бузмокчи бўляпти. Шу инсоф-
данми? Ахир мен яхшилик қилдим-ку!

Жавоб:

Дунёнинг ишлари кизик! Хусни бинойидай,
ақли ҳам расо бўлса-да, тенгини тополмай юрган-

лар канча! Сенга эса муносиб жуфтни осонгина ато этибди. Турмуши бору, аммо фарзандга зор оилалар канча! Сенга бир эмас уч болани бериб кўйибди. Аммо шунча имтиёзлар ичида аклингнинг ухлаб туришини қара! Сен нақд далли-девонанинг ишини қилибсан, болам.

Қайнотанг бу ўринда мутлако ҳақ! Тукқан боланг ким ахир? У кимнинг исми шарифи билан дунёга кириб келди? Ўша қайнотангнинг набираси-ку, «фалончизода» деб ўша одамнинг оти билан чақирилади-ку! Уларнинг жонидан бўлган мулкини индамай бериб юборишга нима ҳақкинг бор?! Сен шу туришингда энг хунук номлар билан чақирилишга лойиқсан. Биринчидан, инсоний вазифаларни ҳали танимабсан: уйингда ким бош, ким оёқ эканлигининг фаркига бормабсан, кичиклар катталарнинг раъйига қараши, жилла бўлмаса, бир ишни бажарарда шунчаки бўлса-да, уларнинг олдидан ўтиб кўйиши, уларнинг дуоларисиз бир юмуш бошламасликлари керак-ку! Рўзғор деганлари ёнингдагилар билан келишиб, уларнинг кўнглига қараб яшашдир. Турмушга чиқиш дегани фақат жуфт топиш эмас, жуфтингнинг оиласига қондош, қариндош бўлиш ҳам, демакдир. Энди шу оиланинг ҳар бир аъзосига дахлдорсан. Уларнинг руҳияти, саломатлиги, шаъни, орияти билан ҳисоблашасан. Шу уйнинг яхши қоидаларига бўйсунасан, ёмон ишларини бартараф қилишга фарзандларча жон куйдирасан. Бу хоҳласанг қилиб, хоҳламасанг қилмайдиган нарсас эмас, турмуш қуришнинг фарзлари шундай!

Эрингни гапингга кўндирган чиқасан, аммо қайнонанг-чи, унинг фикри керак эмасми? Ота-

онаси тирик турса-ю, уларнинг юзига оёк қўйиб туриб, бола тоған киши бўлиб, хотинининг гапи билан оиланинг тирик бир аъзосини бировга бериб юбораверса! Бу одабийликми? Ўзингнинг калта ақлинг билан эрингни қандай тубан вазиятга солиб қўйганингни билипсанми?

Ўша кайнотангнинг феъли қандай бўлишидан қатъи назар, сенга ёки ўғлига ёқиш, ёкмаслиги, кўлидан бир иш келиши ёки келмаслигидан қатъи назар, унинг олдидан ўтиш шарт! У уйда қўмондонликни сўрамаса ҳам, уни оиланинг боши ўрнида кўриш шарт! Агар сен келин бўлиб боргунингча қайнонанинг унга беписанд қараган бўлса, келганингдан сўнг сен иккалаларини бирдай иззат қилаверишинг шарт! Бу бурчинг, болажон!

Қолаверса, сенинг отанг, онанг, ўша опанг ҳам ёввойи ўрмондан чиқмагандир! Бировнинг боласини бола қилиб олишдан аввал минг бир маслаҳат қилмайдими, набиранинг эгаси – қудалар билан обдан келишмайдими? Бу иш ҳамманинг розичилиги билан бўладиган эзгу иш-ку!

Авваламбор, сенинг ўша чиққан ининг чаток! Сен ўзбошимча она, ўзбошимча отанинг кўлида катта бўлгансан, улар умр бўйи риоя, андиша билан эмас, истак-хохишларига қараб яшаб келганлар. Мана кўриб турибсан, сенинг мисолингда экканларини олиб турибдилар. Тезда тавба қил, қайнона, қайнотангдан узр сўра, лақиллатганинг учун эрингдан кечирим сўра, у галварс ҳам сенинг гапингга адашиб кириб уларни босиб ўтгани учун ота-онасидан узр сўрасин. Не қўйга тушсанг туш, турмушингни сақлаб қол, инингни тўзитма!

Оила кураш майдони эмас!

Савол:

Опажон, ёшим йнгирма бешда. Қайнонам билан келишолмаяпман, нима қилай?

Жавоб:

Тўғрироғи, сен ўзингни эпақага келтиролма-япсан. Яъни «мен»ингни эголмаяпсан, кибрингдан тушолмаяпсан. Оила қайнона ёки қайнагачи, қайнсингиллар билан курашиб, куч синашадиган майдон эмас, оила сенинг ҳеч кимга малол келмай кириб, жойлашиб олишинг керак бўлган, сенга келажак ваъда қилаётган бошлананг. Бу Аллохнинг тортиғи, бу аёл зоти учун бутун умрини бахшида этадиган жонмакондир! Бу остонага бурун жи-йириб, ёктириб, ёктирмай кириб бормайдилар. Бу маконга худди ибодатга киришаётгандай ихлос ва астойдиллик билан, имонга юкиниб, виждонга суя-ниб, ўзингни яхши томонга юз фоиз ўзгартириш учун Яратгандан сўраниб қадам қўядилар.

Ҳолбуки, ҳозир авжи гуллаган пайтингни яша-япсан. Бу ҳаёт сенга татиши, куч ва ҳусну ма-лоҳатга тўлиқ мазкур кунларинг яйраб-яшнаб ўтиши керак, шундайми, болам! Роҳат қиладиган сен, яшайдиган сен, аксинча, ютқазиб, қуйиб қоладиган ҳам ўзинг! Демак, ҳаётингни ўзингга ёкадиган тарзда ташкил қилишга ўзинг уринишинг керак. Бунинг учун фаҳму фаросатингни, куч-қувватингни астойдил ва зийраклик билан ўрни-ўрнида сарфлашинг лозим.

Биринчидан, ичингда (яъни ниятингда) асло худбинлик бўлмасин. Яъники, ўзингнинг фойданг учун уйингдагиларнинг ишончини, соддалигини



ёки феълининг бўшлигини сувиستهъмол қилма. Аввал атрофдагиларнинг манфаатини ўйлаб иш тут. Ўзингнинг хохишингни эса охирига қўй ва сўрасаларгина айт, ўшанда ҳам ғоят камтарлик ва андиша билан! Сен ҳамиша бировга зарар келтирмайдиган ният қилсанг ва оила аъзоларингни дилингдан авайлаб турсанг, ҳеч кимни ёмон кўрмасанг, мўъжиза юз беради: Аллоҳ бошқаларнинг ҳам сенга бўлган ниятларини тозалаб, ўзларини ўзингга иситиб қўяди.

Узоқ йиллар кузатишим давомида шуни англадимки, қайнонаси билан келишолмаётган келинларнинг аксарияти дангаса ёки ўйламай иш қиладиганлардир. Ишёқмас одамга баҳона кўп: қолиб кетган ишлар учун албатта сабаб топади. Яхши, яъни меҳнатсевар келинда баҳона бўлмайди. У бир ишни мақсад қилдими, тамом, уни амалга ошириш учун бир неча чораларни аввалдан мўлжаллаб қўяди, масалан: «Ток кетиб қолса, мана бундай йўл тутаман, меҳмон келиб қолса, мана бунисини қўллаيمان, фалон масаллиғ бўлмай қолса ўрнига ана бунисини ишлатаман»... дея режа тузади.

Келинларимнинг баридан розиман. Аммо кичик келиним Сайёрахоннинг олдида ўзимни ҳамиша қарздор ҳис қиламан. Кўпинча шароитга ва унинг ҳолатига қараб, айрим бир юмушларни тақиқлаб ёки кейинроқ қилишини тайинлайман. Аммо у менидан яшириб юриб бўлса-да, режалаб қўйган ишларини албатта қилади. Бирор марта ҳам «фалон ишни қилолмадим» деганини эшитмадим... Бир сафар «Тез ёрдам» чақириб уни туғуруқхонага кузатяпмиз, ўзи оғриқдан икки букилиб машинага



чиқяптию: «Ойижон, музлаткичга бир нарса тай-ёрлаб солиб қўйдим, икки-уч кунга етиб қолади», деб тайинлаяпти. Кейин қарасам, бир дунё чуч-вара тугиб музхонага қўйибди, қайлаларини ҳам қойилмақом қилиб алоҳида тайёрлаб кетибди. Кўзимдан ёш чиқиб кетди. Ой-куни етиб, кийин аҳволда турганида бизни хурсанд қиламан деб жонини қийнаганини ҳар сафар эсласам, ўзимни минг қарздор сезаман ва ҳамиша қўлимдан келганича бу боламнинг кадр-қимматини жойига қўйишга уринаман.

Ўйламай гапириб, ўйламай иш қиладиган келин билан ҳам, худди шундай қайнона билан ҳам яшаш оғир. Айниқса, аёл кишини калтабинликдан худо сақласин. Беихтиёр Исо пайғамбар қиссаси ёдимга тушади: «Мен нафасим билан ўликни тирилтирдим-у, аммо аҳмоқнинг олдида ноилож қолдим», дейди у. Калтабин одам билан баҳслашиб бўлмайди, у насиҳатни қабул қилмайди, уни юпатиб ёки бирор йўлдан қайтариб бўлмайди. Ундан гина қилмаслик, уни айланиб ўтиш ва сабр қилишдан бошқа йўл йўқ. Чунки у бандаи ночор, унга аксинча раҳм керак. Қарғага «бу – қарға» деб қараш керак. Сен минг ҳаракат қилганинг билан у булбул бўла олмайди-ку!

Қолаверса, сен жуфтинг билан келиша оляпсанми, тамом, уни тукқан онаси билан ҳам тил топишинг шарт! Жуфтингга кўрсатган ҳурматинг шу бўлади. Куёвларнинг эслари бўлса, тўйдан кейиноқ келинларнинг миясига шу гапни сингдириб қўйишлари керак! Ўғли билан Лайли, Мажнун бўласану онаси билан келишолмайсанми? Бу бориб турган худбинлик ва илмсизлик!



Қайнонанг захар бўлса, уни эритиб оламан деб қасд қил. Кўнглидаги ишни сўрамасидан аввал қилиб қўй. Гапларини маъқулла, кези келганида ўзинг билган ақлли йўлни тут. Аммо ёрлаб, ипакка ўраб иш юрит. «Мусулмон одам қўлини газанда бир чаққан тешикка иккинчи марта олиб бормаиди», деган ҳадис бор. Нима қилсанг қилу, қайнонангни юмшат! Бошқа йўл йўқ!

Агар у кайсар, кўпол қилиб айтганда, ақлан нўноқ бўлса, ёш болани қандай ўзингга қаратишга уринсанг, унга ҳам худди шундай мулозаматлар қил: тилингнинг учига асал сол, ширин овқатлар билан сийла, унга ёкадиган гаплар айт. Ва йўлингга сол.

Агар қайнонанг ўғлини қизғанадиган, келинига кундошдай қарайдиган, уни тинмай ёмонлайдиган, жанжал кўтаришга мойил салбий қаҳрамон бўлса, бу сен учун Аллохнинг имтихонидир. Қайсидир гуноҳларингни ювгани уни сабабчи қилиб қўйибди. Бу қисматдир, қизим. Тишингни тишингга қўясан, ёмон гапларини эшитмаганга соласан, бировларга у ҳақда факат яхши гаплар айтасан, касал бўлиб қолса, гирдикапалак бўлиб кетасан, келинлик бурчларингни ковоқ уймай, ҳалимлик билан бажараверасан. У йиғлаганинг билан, эзилганинг билан ёки етти қозига ошна қилганинг билан ўнгланиб қолмайди. Аксинча, қасдма-қасдига ҳаракат қилади. Сабр ва сабр қиласан. Эвазига Яратган сенга гўзал кунлар беради.

Юрагимнинг кўзлари

Қирк ёшга етдимۇ кўзим толиқди, кўзойнак олдим. Кўзойнак олдим-а, дедим ўйланиб. Вақти келибди-да, дедим ичим сизибгина. Сўнгра тақдим уни. Тақдимۇ мўъжиза рўй берди: ўзимнинг эмас, юрагимнинг кўзи очилиб кетгандай бўлди! Кўриш ҳам шу қадар равшан, дунё ҳам шунчалар чиройли бўладими?! Мен ҳамма нарсани жуда яқиндан кўра бошладим. Гуллар нақ кўксимда очилаётгандай. Уларнинг ифори аввал ҳам шундай ўткирмиди? Одамларга қаранг, одамларга! Улар мунча истарали бўлмаса! Кўзойнақдан айланай, ҳамма нарсани жуда яқиндан кўра бошладим. Кўряпману барчасини севиб боряпман. Уларни севибгина эмас, уларни соғиниб ҳам боряпман...

Кўзойнак тақдимۇ шу ҳолатни топдим. Мунча ҳам кеч уйғонмаса юрагимнинг кўзлари! ...

Ўзинг учун ўзинг ҳушёр бўл!

Савол:

Мен турмушдан ажраганман, олти йил бўлди. У мендан кейин уйланди, икки фарзанди бор. Ўзи Россияда ишляпти. Шу кунларда мен билан яна ярашмоқчи. Иккинчи аёли уйига кетиб қолибди. Эрим мени уйга қайтиб боришимни сўраяпти, нима қилай?!

Жавоб:

Онажоним, ўтган олти йил ичида олти минг изтиробни кечирган бўлишинг керак. Ёлғизлик ҳолатига ўзингни анча-мунча кўндириб ҳам улгурдинг. Индамаганингга қараганда фарзандинг йўқка



ўхшайди. Демак, сенинг кўнглинг жуда нозик, болам. Ўзингнинг эҳтиётингни ўзинг қилмасанг, ҳамма ўз жони билан овора. Атрофингдагилар сенга вақти-вақти билан куя оладилар, холос. Ўзинг учун ўзинг хушёр бўл.

Мулоҳазаларим шундай:

Иккинчи аёл нега кетиб қолди? Россияда бу эркак тўғри юрибдими? Ё хотинини шубҳалантириб, кам келяптими, ё тирикчиликка етадиган ёрдам қилмаяптими, ё эри йўғида уйдагилар бу келинга зуғум ўтказаяптиларми?

Иккита бола билан арзимаган нарса учун кетиб қолмайдилар, эртасини ўйлайдиган бўлса, икки бола икки вагон юк. Бир белга ип бойлаб шунча оғирликни жойидан жилдириб бўлмайди. Кетишга журъат қилибдими, демак, ҳозирги ҳолати жуда ёмон. Қолаверса, бу эркак учун ҳам болалардан кечиб кетиш осон эмас. Улар алимент сўрайди, жой сўрайди, мол сўрайди. Ана шу зарбаларнинг барига сен рўбарў бўлишинг керак бўлади.

Олти йил давомида жуфтинг ора-орада бўлса-да, сенга дил изхори қилиб турдими ёки бирданга ҳозир пайдо бўлдимми? Агар шунча вақтдан бери бу аёлни сенга ўхшатолмаган бўлса, унинг салбий томонлари кўп бўлиб, чидаб-чидаб энди портлаётган бўлсаю майли, унда ўйлаб кўриш керак. Ўшанда ҳам шошилмай, кейинги рўзғор билан орани очик қилиб, икки болани моддий таъминлаб, оталик режаларини пухта қилганини кўриб, ўзингга бўлган ихлосини қайта-қайта си-наб, сўнгра бирга яшаш мумкиндир.

Аммо у макр ишлатаётган бўлса-чи? Яъни: «Мен кетиб қолсам кундошим келиб ўтириб оларкан»

деб, аёлим яна изига қайтсин деган мақсадда сени ўртага солаётган бўлса-чи?! Бола-чақаси қайтгач, «кечирасан энди, мана бу болаларнинг юзидан ўтолмайман-да», деса неча пуллик бўласан?!

Обдан ўйла, ўзингни ўйинчок қилишларига йўл қўйма. Агар сенда ростдан кўнгли бўлган тақдирда ҳам, икки боланинг охи, кундошининг кўз ёши сенга ҳеч тинчлик бермайди: ўзингни ҳам кўндир-да, жуфтингга иккала рўзгорни тенг олиб боришни таклиф қил. Агар у шуни уддаласа, сиз ҳам, кабоб ҳам куймайди. Ҳаётинг яхшиланиб кетсин, болам.

Ўзим ясаган бахт

Савол:

Турмушимизга саккиз ой бўлди. Оиламиздагилар билан яхшиман. Ўзимнинг туғишган опам, «ота ҳовлимизга тез-тез келмаяпсан» деб, мени рўзгоримдан ажратиб юбормокчи бўляпти, нима қилай?

Жавоб:

Сендан гўрлик ўтибди. Кам келсанг ҳам, янги уйинг ҳақида ўзингникиларга ғийбат гапларни айтиб улгурибсан. Куёвникида яшаётган сен, яшаса бўладиган шароит борки, рўзгорингдан ажрагинг йўқ. Жигарларинг эса ҳаётингни гапларингга қараб тасаввур қилади, шайтон уларни васвасага солади: «Йиғлаб ўтирган бўлса-я, қорни тўймаётган бўлса-я, нега тез-тез жўнатишмайди, биздан айнириб юборса-я», деган ва ҳоказо ўйлар келади! Бундан кейин фақат яхши гап ташувчи бўл. Ўзгаларга ҳам қайнона-қайнотанг, янги



оиланг хақида чиройли сўзла, шундай сўзлаки, хаваслари келиб кетсин. Яхши гап ҳам, ёмон гап ҳам тез тарқайди ва айланиб келиб сен учун иқлим яратади. Ахир, сен у ерда узун умрингнинг охиригача яшашинг керак! Мана кўриб турибсан, шароитингни тушунтиришда нўноқлик қилган эдинг, опанг бахтли бўлишингга шубҳа қилиб турибди. Рўзгоринг хақида ёмон гап айтмаган бўлсанг ҳам, кўряпсанки хавотирга тушяптилар, дархол уларни хотиржам қиладиган мисолларни қалаштириб ташламайсанми! Шундай гапирки (унча-мунча яхши ёлғонларни кўшиб юборсанг ҳам майли), жигарларинг қайнона-қайнотанг билан кўришиб колсалар, уларга илжайиб қарашлари икки баравар ортиб кетсин.

Шу турмуш пешонангнинг ёзиғи, болам! Тутун қайтариб яшасанг ҳам, атрофингдан қувонч кидириб, уни топиб, юпаниб яшасанг ҳам, шу ҳаётни яшайсан. Ўзингни қанча тез кўндирсанг, шунча ютасан. Уйинг ҳам тинчийди, юрагинг ҳам, саломатлигинг ҳам қийналмайди.

Мен ҳам ёш бўлганман албатта. Бир марта суҳбатлашибгина турмуш қурганмиз. Ўзим шоир эмасманми, хаёлларимнинг оёғи ерга тегмасди, шайтон туйғуларимни қай кўйларга солмасди дейсан! Кўнглим тўлмаганга ўхшайверади, ич-ичимдан хўрсиниқ келаверади, қарасам, озиб-тўзиб кетаётганга ўхшадим. «Йўқ! Бундай бўлмайди», дедим ўзимга-ўзим. Ва атрофимни қайта ишлашга тушдим. Ақлим етган ҳамма йўриқни қўлладим. Ўзим кузатган яхши келинларга, китобларда ўқиган ёқимли инсонларга ўхшашга ҳаракат қилдим. Инсон ўзини, сўзини, тутумларини мутлақо янгидан

ясаса, бунёд қилса бўлар экан, янги тутумларим атрофга ҳам сезила бошлаганда ўзимнинг яйраганларимни айтмайсанми! Ҳаётимда ёруғлик бошланди.

Аммо бир нарсани ўзгартириб бўлмасди. Турмуш ўртоғим чиройли эмас эди (лекин хунук ҳам эмасди). Кўриниши содда, муомаласи йўққина, ҳаёти қийинчилик ва кўнгли яримликда ўтган, ярақлаб турмайдигангина йигит эди. У кўринишга шундай, аммо ички маданияти тиллога тортгулик, ўта китобхон, зиёли: мактабни ҳам, олий ўқув юртини ҳам имтиёзли битирган (гарчи у болалар уйида улғайган бўлса ҳам), иш жойида ҳам ҳамманинг ҳурмати қозонган инсон эди. Мени асосан «уф» торттирган нарса ёшлигимизда не-не харидорларнинг оғиз солганига гувоҳ бўлган тенг-тўш, таниш-билишларнинг: «Шундок совчиларни рад этиб шунга тегибди-да», деган ачинганнамо қарашлари эди. Тушуниб етдимки, эндиги вазифам — умр йўлдошимни мана-ман деган йигитлардан ҳам устун эканлигини исботлаш. Агар шундай қилсам, биринчи навбатда ўзим юпанар эканман. Шундан сўнг дўсту ёрон ва менинг қандай яшаётганим билан қизиққан хеш-акраболаримга ўрнини топиб, жуфтимнинг феъллари, тутумлари ҳақида сўзлаб бера бошладим. Ва бу тутган йўлимнинг ажойиб натижаларини кўрдим. Улар ҳар гапирганимда таъсирланишса, «Ростданми?», «Ана бу ишини кара!», «Зўр одам экан-ку!» дейишса кўнглим яйрар ва ботинимда ўзимни ўзим суд қилардим: «Бу одамнинг яхшилигини фақат мен билмаяпман экан. Шунча одам у ҳақда оғзидан бол томиб мактаб ётибди, армон



қилишга, ўксинишга қандай ҳаққим бор?!» дея ўзимни уриша кетардим. Кейинги сафар у ҳақда янада чиройли хикоя қилишга ҳаракат қилардим. Ва, энг муҳими, бу жараёнда ўзимнинг ҳам жуфтимга исиб бораётганимни ҳис қила бошладим. Бу уйимни уй қиладиган бебаҳо ютуқ-ку мен учун!

Шу десанг, бориб-бориб кадрдонларим: «Турди-али ака ҳақида гапириб бер», деб сўранадиган бўлишди. Мен ҳам борган сари санъат билан гапиришга, уларни ҳайратлантиришга уринардим. Баъзан ўйлаб қоламан: жўнгина боғимни гўзал кўрсатаман деган уринишлар ичида нотиқ ҳам бўлиб кетдим-ов! Бу томондан ҳам фойда кўрдим шекилли.

Таассуруглари мен туфайли бойиган яқинларим умр йўлдошимни кўрганларида табиийки, сўрашишлари қуюқлашади, «мана бу ишингиз зўр бўлибдиди, ана бу ишни ҳеч ким сиздай энлолмайди», каби чиройли гапларни айтишади. Бундай лукмалардан у ҳар гал ғоят рағбатланар, ҳаракатлари янада фаоллашар, фазллари бодрокдай очилиб бораётганини кўриб турардим. Ахир, бу жуфтим учун ҳам, рўзғорим учун ҳам тараққиёт эмасми?

Турмуш қурганимизга ўн йил бўлиб-бўлмай, умр йўлдошим уни кўрган ва у ҳақда эшитганлар ичида «энг яхши, энг гўзал инсон» номини олди. Менга йўлиққанларида ҳам дарҳол Турди-али акани сўрайдилар, меҳр изҳор қиладилар ва ихлос билан салом йўллайдилар. Мен ҳақимда гап кетганида ҳам «Турсунойнинг бахти бор экан — шундай одамга йўлиқди», дейишар экан. Ниятимнинг ушалгани, менинг ютганим шу. Бу эришувда Аллоҳнинг ўзи ёрдам бергани аниқ. Чунки У



бир-бири ҳақида яхши гаплар айтган бандаларини хуш кўрар ва қўллар экан.

Она кизим, сен ҳозир босиб ўтар йўлингнинг бошида турибсан. Қадамингни зийраклик билан бос. Сенга айрим тажрибаларимизни ибрат қилиб айтдик. Эргашиб, такрорлаб кўр. Инсон – Ҳақ яратган дурдона неъмат, аммо у ҳар хил жойда сочилиб ётади. Аллоҳнинг бу кашфини юзага чиқишида инсонлар бир-бирларига ёрдам берадилар. Улар, асосан, оиладошлардир. Улар бир-бирларини тупрокнинг, тиканнинг, лойнинг ичидан излаб топадилар, ғубордан тозалайдилар, меҳр билан ишлов берадилар. Ва бир кун уни кафтларига қўйиб кўтарсалар, шуъласидан атроф яраклаб кетади! Киши ёнидагиларнинг меҳру муҳаббати билангина «инсон» деган олтинга айланади!

Албатта бахтли бўласан!

Савол:

Бувим уч йил тўшакда ҳаракатсиз ётиб қолдилар. Мактабни битириб уларга қарадим. Қўлимда хунарим йўк. Совчилар келишини қўймапти. Онам эса турмушга бераман деяптилар.

Жавоб:

Она кизим, кўриниб турибди, сен яхши онадан туғилгансан. Иншооллоҳ, бахтиёр бўласан. Чунки уч йил давомида бу бахтнинг заминини яратиб бўлибсан. Агар бувижонингга ҳақиқатан ҳам дилинг тортиб, ҳеч малол олмай, уни тушуниб, кўнглини топишни астойдил ният қилиб қараган бўлсанг, бола-чақангга ҳам етадиган савобга етишиб қолибсан. Раҳмат, аввало ҳеч қачон ўзинг

дард кўрма ва ҳеч кимингни ҳеч кимга муҳтож қилмасин, болам.

Овозингдаги ташвиш менга кўп маъқул келди, ҳеч қандай ҳунар ўрганмай туриб рўзғор тутиб бўладими, деган хавотиринг қандай яхши! Бу эсингнинг кўплигидан далолат. Қанийди, ҳамма қизлар шундай ўйласа! Турмуш қуриш ҳусни бозорга қўйиш, жуфтлик бўлиб олиш, хинд киноларидаги каби боғма-боғ, тоғма-тоғ қўл ушлашиб, бир-бирига термилиб, ашула айтиб юриш эмас, рўзғор бу феълларнинг кенгу торлиги, ебишидаги бору йўқлик, турли ноиложликлар, кутилмаган воқеалар ичидан бутун чиқиб яшай билиш деганидир. Бундай ҳолатлардан муроса илмини биладиган, қўлидан йўқдан бор қилиш келадиган ҳунарманд одамларгина қийналмай чиқиб кетадилар. Аёлнинг энг хунуги «берсанг ейман, урсанг ўламан» деб ўтирадигани! Ит ҳам, мушук ҳам болалайди, ит ҳам, мушук ҳам боласини парвона бўлиб боқади. Аёлнинг вазифаси фақат оналикни жойига қўйишда эмас. Аёл — бамисоли асос, яъни оиланинг ЎЗАГИ. Ундан сув ичадилар, унга суяниб шохлайдилар, ўсадилар, мевалайдилар. Оила аъзоларини ўстирадиган, ундирадиган неъмат — аёлнинг тили, қўли, дили, феълдир. Шунинг учун оила қуришгача илм, ҳунар, маъни йиғиш қиз бола учун ҳам қарз, ҳам фарздир! Аммо юрагим сезиб турибди, сен шу туришингда турмуш қуриб кетсанг ҳам, ўз устингда ишламай қўймайсан! Сенга Тангри энг зарур феъл — ўзингдан қоникмасликни бериб қўйибди! Инсон камолотга фақат шу феъл билан етишмолади. Ўққизинчи синфлигимда маҳалламиздаги



клубда очилган олти ойлик чеварлик курсига борган эдим. Ўшанда биз билан аллақачон ўттиздан ошиб бўлган, тўрт болали аёллар ҳам ўкишар эди. Ҳозир уларни эслаб туриб ажабтовур яхши кўриб кетдим. Ихлосларини кара, кеч бўлса ҳам, ҳунар ўрганиб рўзгорларини безашни хоҳлаганлари уларнинг яхши аёл эканлигининг исботидир. Сени ҳам Аллоҳ ҳеч нарсадан кам қилмайди, иншооллоҳ. Чунки уч йил давомида бемор бувингнинг юраги неча марта урган бўлса, сени ўшанча марта дуо қилган. У дуолар сени икки дунё саодатига элтadиган қанотларинг бўлади ҳали. Кўп яша, болам.

Бошсиз одам

Савол:

Мен оилада ўртанча ўғилман. Бир қиз билан гаплашиб юраман. У қиз менга телефон қилса, онам уни ҳар хил гаплар билан уришиб берадилар. У қизда нима гуноҳ?

Жавоб:

Саволингни ўқиб, ростини айтсам, юрагим сиқилиб кетди. Бу бош, бу дунёқараш билан сен ҳали кўп адашишинг, азият чекишинг аниқ! Қайсидир калта ўй зотингга тортиб қолибсан. Энди худо сенга инсоф берсину насихатга қулоқ тут: хўш, «гаплашиб юраман» деганинг нима деганинг? Қиз билан йигит нима мақсадда гаплашади? Ҳозир сенинг айгишинг бўйича у билан жамоадош эмассан, яъни иш бўйича олди-бердинг йўқ. Синфдошлик, курсдошлик муносабатларинг йўқ. Шунчаки кўнглинг тусаяпти, туйғуларинг етовида гаплашиб юрибсан, шундайми? Агар билмоқчи



бўлсанг, бу энг кир маънодаги муносабатдир! Чунки сен отангдан ҳам, онангдан ҳам уялмаяпсан, атрофдан ҳам тортинмаяпсан, «гаплашиб юраман» деяётганингда юзинг қизармаяпти ҳам. Бу дегани, сенинг баданингда бетоқатлик ҳукмрон! Ўғлим, бу бетоқатлик ҳайвонлардаги биологик бетоқатлик билан бир хилдир. Бу ерда ҳеч қанақа муҳаббат йўқ! Бу эҳтирос, бу хирсий интилишдир. Онанг билиб хавотир оляпти. Қайси она кўксида гулдай ундирган боласининг ифлосланишини хоҳлайди?! Қайси она боласини вояга етгунича тил остида асраб, кўчага чиққанда лойга аралашиб кетишини истайди?!

Ҳой бола ва сенга ўхшаганлар, эшит: дунёда «қаймоғи олинмаган», «ҳали қўл урилмаган ош», «боғбонининг қўли тегмаган гул», «оҳори тушмаган либос», «қоғозга ўралган қантдай», «онаси ўпмаган қиз» деган гаплар бор! Наҳот, сен ва у киз ана шундай унвонларга ярашмайсиз?! Наҳот, муқаддас чимилдиққача шаънинг, оҳорингни асраб етказолмайсан?! Бу шох армон-ку, ахир! «Э опажон, ёшлигимда юриб олай, уйланишда худди сиз айтгандай қизга уйланаман» дерсан балки! Аммо ўзинг-чи, ўзинг! Ўзинг ҳам шу туришингда дарз кетган товоқ ёки бамисоли қўл артиб ташланган сочиксан, ахир! Чимилдиқ — оппоқ тахт ва старт нуқтаси: покиза вужуд, покиза дилларгагина гўзал ҳаётий дастур тутқазади. Худди Зумрад ва Қиммат эртагидаги каби ҳар ким ўзига ярашиқли улушини олиб чиқади у ердан. Ифлос ҳолатда масжидга кирган одамнинг дуоси ижобат бўлиши гумон бўлгани каби, рўзғорга оҳори

тўкилган ҳолда кириб келганларнинг ҳаёти оғир имтиҳонлар ичра кечгувсидир.

Яхши қизлар ўзларига харидор бўлганларнинг ҳатто кўчасидан ўтолмай қоладилар. Уларнинг қариндошларини кўриб қолсалар ҳам қочгани жой қидирадилар. Оғиз солган йигитнинг исмини овоз чиқариб харгиз айтолмайдилар. Келин бўлиб тушганларидан кейин ҳам қайнона бўлгичнинг кўзига қийналиб қарайдилар. Ҳатто қайнона-қайнотанинг олдида оғиз қимирлатиб овқат ея олмайдилар! Ўғлим, энди уларга анови қизни солиштира-чи? Унинг юраги ўйнамай, қўли қалтирамай нақ уйингга қўнғироқ қилишини қара! Онангнинг овозини эшитибок андишадан телефон гўшагини ташлаб юбормаганини қара! Бир марта онангнинг норозилигини эшитгач, яна қўнғироқ қилишга қандай журъат топди? Бундай жасоратни топиш учун унинг бети темирдан ясалиши, ҳаё деганлари ундан илдизи билан суғуриб ташланган бўлиши ва бу қиз бу ишни сендан бошқаларга ҳам бир неча ўн марталаб қилиб юрган бўлиши керак! Болажон, бундай махлуқотга уйланиб бўладими? Таъб тортиб у билан «гаплашиб» бўладими? Мана шундай қирликни ўзингга муносиб кўраётган бўлсанг, сен ўз омадсизлиги сари юраётган бошсиз одамсан, сени Аллоҳдан бошқаси тўғрилай олмайди.

Бола кўчада айнимайди

Савол:

Оилада ота фарзандларига тарбия бераётганида ёки насихат қилаётганида болаларнинг ёнини олиб ҳалақит берадиган оналарга муносабатингиз?

Жавоб:

Мен савол бераётган одамни дархол тасаввур қилдим. Дилим хираланди. Биласизми, ота-онанинг тажрибасизлиги, тарбия беришда укувсизлиги туфайли ҳам фарзандлар кеч пишишлари, қаторга кеч қўшилишлари мумкин. Лекин, минг афсус, одамлар турфа, чунки уларнинг зоти турфа. Пойдевори канака бўлса, биносининг сифати ҳам ўшандай бўлади. Бизга ўхшаган тарбиячилар астойдил ният қилиб ўргатаверамиз, Аллоҳ бизни сабабчи қилиб, дилларини очса очди, акс холда, болалар пешоналарининг ёзиғидан кўрадилар. Чунки:

Менинг энсамни котирган, аввало, савол бераётган шу эркакнинг ўзи. У очикдан-очик аёлидан кўра ўзини яхши тарбиячи деб атаяпти. «Болага тарбия бераётганимда» дейиш билан «уни ураётганимда» демоқчи. Яна онага: «Шундай пайтларда сен овозингни ўчириб тур», дея хурматсизлик кўрсатмоқда. Мана шу тутумнинг ўзида тарбиясизлик мавжуд. Аввало, бола тарбиясига, асосан, она масъулдир. Чунки она боласининг нозик, заиф жойларини яхши билади, чунки у унинг ўзидан бино бўлган. Шунинг учун ҳам боласи ўринсиз озор еса биринчи бўлиб онанинг жони оғрийди. Ҳар қандай она – педагог, она борки ўз боласининг рухшўносидир. Ота эса, тарбия ишига жойи келганда, ўшанда ҳам она билан бамаслаҳат аралашини лозим. Ота, аввало, ўз гап-сўзи, юриш-туриши билан тарбия беради. Бу одамнинг қандайлиги менга қоронғу, аммо аёлига бўлган бир оғиз беписанд гапи унинг маънан камбағаллигини кўрсатиб турибди.

Фарзандлар бизнинг кўлимиздаги резина тўп эмас. Уни хоҳлаган томонга отиб ўйнашга ҳақ-қимиз йўқ! У ҳақ-ҳуқуқли инсон, унинг эгаси Аллоҳ. Унга гап айтишдан олдин болада ҳам кўнгил борлигини, қўл кўтараётганда эса унинг биздан жисмонан заифлигини ҳисобга олиб туриш керак. Хотинини ёмон кўриб кетса ҳам, қиморда юткизса ҳам, пулини ўғирлатиб қўйса ҳам, бирортаси қаттиқ гап қилиб қўйса ҳам уйга келиб аламни боладан олиш: уни уриш, сўкиш зулмдир! Бу Аллоҳнинг неъматига тажовуздир!

Бир эркакнинг гапини қаранг: «Мен бекорга иккинчи хотинга уйланганим йўқ. Аёлимнинг тутуми ифлос, ошхонага кирсангиз бошингиз айланади. Муомаласи ҳам қўпол. Бу уйда менга яшагани ҳаво етишмайди. Аммо ўғлим, қизимдан кўнгил узолмайман, уларни ташлаб кетолмайман. Улар вояга етиб қолишди. Онасига ўхшаб қолмаслиги учун қизимни мажбуран ўтказиб ҳадисларни, сизнинг ва Фалончиларнинг китобларини ўқиттираман, ёдлайсан дейман», дейди. Нақадар хомлик! Қизи бўйига етиб қолган бўлса, айти пайтда отаси онасини ҳақоратлаб турган бўлса, устига-устак, бу «доно» ота онасининг устига хотин оливолган бўлса, унинг кулоғига насиҳат кирадими? Кўнглига китоб сиғадими? Худди шу отанинг ўзидан нафратланиб турган фарзанд унинг айтганини қиладими? Аслида, эр оилада раҳбарликни эплай олмаса, аёл издан чиқади. Йигирма йилдан бери хотинидан озодаликни талаб қилолмаган эркак эркакми? Ўзи хатолар балчиғига кўмилиб турибди, қандай қилиб у тарбиячиликка даъвогарлик қилади?

Шу нарсa ҳақиқатки, кўча болани камдан-кам айнитади. Боланинг пойдевори уйда! Уни яхши ёки ёмон қиладиган ота-онанинг нияти, тутган амаллари, бир-бирларига муносабати, томоғидан ўтаётган луқманинг ҳаром-ҳалоллигидир. Қолаверса, ҳаммамиз гинг демай шуни тан олишимиз керакки, фарзандлар босиб ўтган йўлимизга яраша Аллоҳ бизга қайтараётган қайтим: жазо ёки мукофотдирлар.

Ёмоннинг қизи

Савол:

Онаси ёмон бўлса, қизини келин қилмаслик нотўғри-ку, у яхши бўлса-чи? Унда нима гуноҳ?

Жавоб:

Кимдан туғилишидан катъи назар, янги дунёга келган инсоннинг ёмони бўлмайди. Тангрининг ишида чалалик ва хато йўқ. Унинг бир исми Мукамалликдир. Аммо шайтоннинг борлиги аниқ. Нафснинг борлиги аниқ. Инсоннинг истеъмолиги аниқ. Ҳар қандай одамда хоҳиш ва ишқ деган нарсa бор. Аллоҳ дунёни турфа неъмат билан тўлдирди ва бандасини бу неъматлардан завқ-шавқ оладиган қилиб қўйди. Унинг отини «ором, саодатмандлик» атади. Инсон ейиш, ичиш, ўрганиш ва атрофдан маъни йиғиш ҳисобига тараққий этиб боради. Аммо Аллоҳнинг «меъёр» деган ўлчов шарти бор, инсон борки, унга амал қилиши керак. Агар амал қилмаса, у мувозанатдан чиқади. Бир нарсага ортиқча берилишни мувозанатдан чиқиш деймиз. Унинг бошқача оти нафсга ружу қўйишдир. Шайтон худди шу ерда сизнинг ёнингизда туриб олади.

«Бир нарсага ортикча берилиш кишини кўру кар килади», деган хадис бор. Шайтон сизни манфатдан, эхтиросдан бошқасини кўрмайдиган қилиб қўяди. Қарабсизки, гуноҳлар содир эта бошлайсиз. Онасидан покдомон туғилган инсон ҳам шайтонга қўл бергач ёмонлаша боради. Агар у енгилтак аёлдан туғилган бўлса, айниши янада осон кечади. Яна бир ҳақиқат борки, ота-онанинг гуноҳлари аввал уларнинг болаларини уради: ё бахтларига, ё ақлларига, ё умрларига зиён етказади. Шунинг учун ҳам онаси гап-сўз бўлган қизни келин қилишга хадеганда журъат қилавермайдилар.

Хўш, энди енгилтак аёлдан туғилган қизнинг тақдири нима бўлади? Савол бергувчи қаттиқ хафаланиб, «қизи яхши бўлса-чи?» демоқда. Аввало, Аллоҳдан умид: агар У ўнглаб қўяман деса, ҳар қандай инсоннинг инсофга келиши ҳеч гап эмас. Аммо биз ҳамisha зийраклик билан туришимиз керакки, генетика, яъни аслият деган нарса бор. Онанинг томирида нима унса, болага ҳам бе-хато ўтади. Халқ ичида: «Онасини кўриб қизини ол», «Отаси чаток – биттаси чаток, онаси чаток – ҳаммаси чаток», деган гаплар юради, бу бежиз эмас. Ўзини тута билган аёлдан туғилган ўғил-қизга нисбатан енгилтак онадан туғилган бола ўзини енгишда жуда қийналади. Ўзининг истак-хоҳишларидан баланд келиш шайтонни енгиш деган гап. Бу эса покланиш сари юришдир. Буни эса ҳамма ҳам уддалайвермайди.

Онаси чаток қиз ҳам онасининг касридан қутулиши, бахтли бўлиши мумкинми? Албатта! Фақат шарти бор:



– Билиб-билмай шу гуноҳни содир этган она фарзандлик бўлгандан кейин астойдил тавба қилиши, яъни ҳаром ишларини батамом тўхтатиши керак.

– Нафақат ёмон ишларни тўхтатиши, балки савоб юмушларга тутиниши, одамлардан дуо олишга киришмоғи муҳимдир.

– Боласини билимли ва ҳунарли қилишга рисоладаги ота-оналардан ҳам фаолроқ бел боғламоғи, вақти келганда боласига ўзининг хатоларини айтиб, тўғри йўлга етакламоғи лозим.

– Ёмон феъл онадан ўтиб нафақат ўғилқиз, балки набира, чеваралар қонида ҳам қайта уйғониши бор. Шунинг учун бундай таржимаи ҳолли оилалар, яъни қонида эҳтироси, бир нарсага ортиқча берилиши кучли одамлар фарзандлар тарбиясини биринчи ўринга қўйишлари, болаларини ҳам, ўзларини ҳам ўнта кўз, ўнта кулоқ билан тинмай назорат қилиб яшашлари лозим.

Шу тарзда зот унсурлари тома-тома бўлса-да, тозаланиб боради. Шу тарзда сиз Яратганга ёкиб борасиз. Чунки сиз отангиз эллолмаган, онангизнинг қўлидан келмаган ишни қилган, авлодингиз елкасидаги лаънатни олиб ташлаган бўласиз. Ва солиҳ фарзанд деган унвон оласиз. Ва сизнинг болангизга ўтадиган ёмон касрингиз бўлмайди, сиздан покиза авлод дунёга кела бошлайди, иншооллоҳ.

Ҳожилар кимлар?

Имом Ғаззолий уммон ёнида туриб: «Менинг гуноҳларим шу уммон сувидан ҳам зиёдроқ, қазо етса, бу туришда Аллоҳнинг ёнига қандай бораман?» деб йиғлаган эканлар. Шундоқ одам-а? У кишим ҳақида: «Агар ваҳий тушганда Имом Ғаззолий пайғамбар бўлур эди», деган гаплар юрар экан. У зотнинг илму маърифати ўн асрдан буён зиё аҳлини лол қолдириб, тилларда дoston бўлиб келади. Аммо феълидаги ҳокисорликни, мунгни, Яратганнинг қошидаги қўрқув ва тўкилиб туришни қаранг! Агар савоб ва гуноҳ борасида у кишига ўзимизни солиштирадиган бўлсак, биз киммиз! Ўзлигимиздан уялиш даражамиз-чи? Ўзингдан уялиш ичингдаги Аллоҳдан уялишдир. Тутумларимизга бир назар солайлик: хўш, ўзимиздан уялишимиз тез-тез содир бўладими? Албатта йўқ! Бу дегани, биз Аллоҳни ҳам тез-тез унутиб турамыз. Фожиамиз шунда. Дунёдаги бошқа ҳеч бир махлуқот инсончалик ўз зарарига ишламайди. Алам қиладигани шуки, ақлу заковат билан фақат инсон таъминланган, аммо у ўзидаги шундай хазинани шайтонга бой бериб қараб ўтиради. Ва гуноҳларга нотаъонларча ўзини ўзи етаклайди.

Инсончилик нуқсонларидан бири унинг шукрини ҳар доим ҳам билавермаслиги, қўпол қилиб айтганда, нонқўрлигидир. Диний қадриятларимиз хор қилинган, дин пешволари қатағонга учраган, унларимиз ичимизга тушиб кетган даврларни нега тез-тез эсламаймиз, очик масжидлар, яшнаб турган зиёратгоҳлар га овоз чиқариб дуолар қиладиганимиз ва намоз, рўза, ҳаж каби йўллар

кенг очиб кўйилгани учун нега яйрамаймиз?! Шундай имкониятлар ичида туриб ҳам савоб ўрнига гуноҳлар содир этамиз?!

Масалан, Хаж маросими ҳақида гаплашайлик. Хаж – бу ибодатдир. Нима учун ибодат қиламиз ўзи? Истиффор айтиш учун, яъни Ҳақ таолодан гуноҳларимизни кечиришини сўраб намоз ўқиймиз, ҳажга борамиз. Мақсад фақат шу – битта! Гуноҳ эса, Имом Ғаззолий айтганларидай, ҳар биримизда тўлиб-тошиб ётибди! Беш юз йил яшаб, беш юз йил ибодат қилсак ҳам, билиб-билмай қилган хатоларимизни ювиш душвор! Агар ювмасак, бу жуда кўрқинчли: икки дунёмизга ўт кетади! Шу ўринда бандасининг ғофиллигига қойил қоласиз. Айрим нукталарга эътиборингизни тортмоқчиман: ибодат учун, аввало, таҳорат шарт, айниқса руҳий таҳорат ўта зарур! Яъни намозу ҳаж, рўза ва эҳсон ишларига киришишдан аввал тилингдаги, дилингдаги, қўлингдаги иллатлардан тозаланмоқ керак. Яъни ёлғондан, ҳаромдан, кибрдан, бировларга зарар келтиришдан тийилиш шарт! Ахир худди шундай гуноҳларимизни кечиришини сўраб ибодатга қўл уриб турибмиз-да! Киши ибодатда Яратган билан руҳан юзма-юз туради. Кир одам унга рўбарў келолмайди. Жойнамозда турса-да, ораси тўсиқ бўлади. Нима деб ўйлайсиз, ибодатда турганларнинг ҳаммаси ҳам покдомонми?

Бир куни етти марта ҳаж қилган аёл билан таништиришди. Етмиш ёшлар атрофидаги бу хоним шундай кибр билан турардики, бамисоли етти фронтда жанг қилиб, ҳамма душманни битта ўзи енгиб келгандай! «Худо мени бундай бахтга бежиз эга қилгани йўқ», дея гап бошлади у ва ибратли

ишларини санаб кетди. Уни қаерда кимлар қандай кутиб олаётганлари, нима деб мактаётганлари ҳақида сурур билан гапирарди... Унга ачиндим, афсусдан юрагим ачишиб кетди: бу аёлнинг юраги кулф, кўксида худоси бор одам бундай демайди, етти марта муқаддас сафарга бориб ҳам ҳаммомдан нопок чиққандай бўлиб турибди. Атрофга синчиклаб қарасангиз, бундайлар биттагина эмас!

Яна бир андиша: ҳажга отланганларнинг барида ҳам «истиғфор айтгани Аллоҳнинг уйига кетяпман, аммо у гуноҳларимни кечирармикин, кечирмасмикин, кечирмаса нима қиламан?» деган кўркув борми? Аллоҳдан кўркиш деганда мен фақат унинг жазоларини ўйлашни эмас, бутун борлиғим билан Унинг борлигини ҳис қилишни, Унга қойил қолишни ва Унинг мўъжизаларини кутиб, имтиҳонларидан ўта олишни орзулашни тушунаман.

Яна айтинг-чи, кетаётганларнинг бари сарфу харажатга ҳалол маблағни ишлатяптиларми? Бировнинг ҳақи, пора, ўғрилиқ моллари аралашмаганми? Нафсиламрини айтганда, агар ҳаром аралашган бўлса, ибодатлари қабул бўлмаслигини биладилар ҳам, бу ҳолда у ёққа боришга қандай журъат топяптилар? Ўзларини нима деб, қайси ҳужжатни пеш қилиб овутяптилар?

Бир ёши улуг эркак интервью беряпти: «Мен ҳожи бўлиб келганимдан бахтиёр турибман», дейди у. Ҳаж бу курорт ёки кўнгилочар томошамми? Муқаддас сафардан қайтган бу одам: «Мен ку ҳожиларнинг қаторида турибман, аммо номим «ҳожи» бўлсаю гуноҳларим аввалгидай қолган бўлса-чи?» деб ўйлаб ҳам қўймапти-я?

Қиркка борган-бормаган, диний илми бор йигит шу муқаддас сафарга борадиган бўлибди. У чандон тайёрланибди. Яъни: бўрдоки кўй олиб кўйибди. Қазноғини мою донга тўлдирибди. Аёлининг айтишича, сафардан олдин ҳар бозорга борганда фалон сўмлик (у миллионларнинг отини айтарди) совға-салом ғамлабди. Шу ерда тўхтаймиз! Эҳсонни-ку тушундим: Яратганга истиғфор айтиб, ўлмай, омон қайтгани учун элга дастурхон солар. Аммо анови йиққан совғаларини «ҳаждан олиб келдим, табаррук» деб тарқатадими? Ахир, бу риё-ку?! Уни зиёрат қилгани келганлар ҳам бу матоҳлар нақ Андижоннинг ёки Наманганнинг бозоридан олинганини била туриб кўзларига суртиб қабул қиладиларми?! Улар кимни алдашяпти, ахир?! Дарвоқе, «ҳожи»ларни зиёрат қилувчилар ҳақида: тўйда-ку қанча одам айтганингни биласан, сарфингни ўшанга қараб қиласан. Аммо ҳожиларнинг «зиёрати»га келадиганларнинг саноғи йўқ. Иккита-учта тўйнинг одами келади десам ишонаверинг! Уларнинг ҳар бирига нимадир бериш керак, олдига дастурхон тузаш керак. Уларнинг келиш соати ҳам белгиланмаган, бостириб келавердилар. Қани айтинг-чи, қайси китобда: «Ҳаждан қайтган одамга кўшкнамо жойлар тайёрлансин, оқ кўрпаю оқ болишлар ичида, маликалар каби оппоқ чимилдиқларда ўтириб меҳмон кутсин», деб кўйибди?! Одамлар Ҳажга боришдан кўра қайтиб келгач, кўпроқ пул сарфлаётганларига бефарқ қараб бўладими? Маҳалла раҳбарлари, диний мутасаддилар нега индамайдилар?! Бу энг табаррук ибодатни омилик билан нега бидъат ўйинига айлантирмоқдалар?

Айрим жойларда сафардан қайтган одам машинадан маҳалланинг бошида тушаркан. Маҳалла-кўй, кавму кариндоши дабдабаю асъаса билан унинг пойига йиглаб юриб турли-туман матолардан пояндоз соларкан, «ҳожи» бўлиб келган уни босиб ўтгач, ҳар ким ўз латтасини йиғиштириб сандиғига солиб қўяр экан, эмишки, бу табаррук пояндоз сандикда унинг ҳам «ҳожи» бўлишини тилаб ётар эмиш! «Ҳожилар» эса бу томошада «табарруклик» ролини ўйнаб беришар экан. Бу узундан-уzun пояндозлардан виқор билан ўтаётганларнинг ичида диний тушунчалари борлар ҳам учрайди. Ҳеч йўқ ўшалар худодан қўрқмайдиларми? «Мен сафарга Аллоҳга ишим тушиб, ошиб-тошиб кетган гуноҳларим учун истиғфор айтиб, қулчиликни бўйнимга олиб бориб келяпман, ибодатим қабул бўлди ми ё йўқ, мен қанақасига табаррук бўлай?» демайдими, ахир?!

Ҳаж – ибодатдир. Ибодатга поклик билан киришадилар. Шайтоний ҳою ҳавасларни унга араштириш – гуноҳи азим! Икки дунёميزни пайҳон қилмайлик, бир-биримизни тийиб, Аллоҳнинг ғазабидан бирга сақланайлик, азизим.

Менинг Мухтарама момом

Бугун момом қазо қилдилар. Хабардан юрагим совқотиб кетди. Бир нарса «жик» этдию бағримнинг ичи оғриди. «Кетди! Кетди? К-е-е-тди-и-и!» деган акс садодан бармоқларимнинг учигача зирқиллади... Отамнинг қирқ ёшини, онамнинг мен кўролмаган гуркираган йигирма бешини кўрган охирги гувоҳойим, ёдгоройим кетди. Энди «Онам ёшлигида қандай эди?» деб сўрайдиган одамим



қолмади! Онамнинг ҳиди келадиган охирги юпанчим, онамнинг ёпдоши, супрадоши, ўсмадошидан айрилдим! Хуржунига сулолам ҳақидаги хотира ганжларини юклаб, нафақат ота-онам, балки менгача келиб кетган мархум акаларим, дийдорларига тўйиб улгурмаганим — катта онам, амаки, амма, момоларимнинг суратларини қорачиқларига жойлаб, ота авлодим ҳақидаги мен эшитган-эшитмаган бари гўзал эртакларни ўзи билан йиғиштириб Мухтарам моможоним охирги аробада йўлга тушди. Дадамлар уч киз, уч ўғил эдилар. Улардан қолган оға-инилик мамлакатининг охирги устуниси шу момом эди. Юракларим увишиб пичирлайман: бу тирик хотиралар юкланган охирги ароба! Биз, қолганлар, уларнинг этакларидан тўкилган юкиелларимиз, холос! Катта қарвон кетиб бўлди. Алвидолар бўлсин энди...

Бизда амакининг аёлини «момо» дейдилар. У киши келин бўлиб келганида мен ўн олти кунлик чақалоқ эканман. Демак, бизнинг сулолага «Мухтарамхон» исмли иқлим кўшилганига олтмиш саккиз йил бўлибди. Яна икки одим қўйганларида тўқсонга етар эдилар. Онамлар уч овсин бўлишган. Момом кепжаси бўлган экан. Онамнинг айтишича, энг ибратли, энг ройиш, тилга тушган келин момом бўлган экан. Онам табиатан очиқ, ҳазилқаш, дали-ғули феълли эканлар. «Мухтарамхон келгач, ўзимдан уяладиган бўлиб қолганман. Катта овсиним ҳам бу келинчакни хайрат билан кузатарди. Қанча уринсак ҳам, ундай мулойим ва саранжом бўлолмасдик. Сабру қаноатда у бамисоли фил эди, кечиримлигини айтмайсизми?» дердилар онам.



Муҳаммаджон амаким навоийшунос олим эдилар ва яна умр бўйи давлат ишларида хизмат қилиб ўтдилар. Дадамнинг оналари Хадича энам ўз даврининг йирик дин пешвоси Иброҳим халфанинг қизи бўлган ва шариат илмини мукамал ўзлаштирган эканлар. Дадамнинг тоғалари Муҳаммад Сиддиқ Мавжий туркий ва форсийда бирдай ижод қилган етук сўфий шоир ва ислом фалсафаси бобида олим эдилар. У киши давр тақозоси билан Кошғарда умргузаронлик қилган. Амакимда ўша авлоднинг фазлу фасоҳатидан бор эди: яхшигина шеърлар ёзар, Навоий ва Бобур ижоди билан жуда кизиқардилар. Кенжа фарзанд бўлгани ва эрта отасиз қолгани учун бўлса керак, амаким эркин, мустақил фикрли, шу билан бирга, анчагина инжиқ эди. Ташқаридан қарасангиз, давраларнинг гули, аския, юморга устаси фаранг ва яхшигина нотик бўлган. Аммо болаларигаю момомга чехрасини хадеганда очавермас эди. Сўровлари, топшириқларида ҳам зарда сезилиб турар, кези келганда оиласидагиларни тақдирлагиси келиб турса-да, журъат қилмас, ўзига эп билмасди. Аммо уни оиласига нисбатан меҳрсиз ҳам деб бўлмасди. У аҳли аёлига берилиб кетишдан андиша қиладиган, атрофидагиларидан қаттиқ уяладиган ҳақиқий ўзбаки одам эди. Унинг бу феълини биринчи бўлиб тушуниб олган ҳам, унинг бу феълига кўниб ўтган ҳам момом бўлди. Энди ўйлаб қарасам, момом жуфтига жуда муҳаббатли экан. Амаким олтмиш беш ёшида қазо қилди. Ўшанда момом эллик бешларга бориб қолган эди. Лекин шу ёшида ҳам амакимнинг қошида янги тушган келиндай безовта ва зийрак турар, ҳамиша таъзим-



да ва тавозеда эди. Жуфтига ахборот бераётганда ҳам хаяжондан юзларига қизил югуриб, кўзларида ҳадик ва масъулият билан сўзлашларига кўзим тушган.

Момомни ҳеч қачон дарвоза олдида кўрмаганмиз. Бу аёл уйидан ташқарига чиқмай, дўкон кезмай, бозорни танимай ўтиб кетди. Йўриқларга борса ҳам энг тез кетадигани, ҳеч ётиб қолмайдигани у эди. Йўргакдаги болани она қандай авайласа, момом амакимни шундай эҳтиётлар эди. Уларнинг бош қизи Кароматхон ҳикоя қилади: «Бир куни келсам, онам дадамнинг оёқларини тоғорага солиб ювяпти. Ювганда ҳам ихлос билан, ҳар бир бармоғини меҳр билан ишқалаб ювяпти. Беихтиёр қотиб қузатяпман. У дадамнинг оёқларини қайта-қайта чайқаб, ўз тиззасига қўйиб туриб қордай оппоқ сочиқ билан авайлаб артиб ҳам қўйди. Дадам эса ёш боладай яйраб ўтирар эди».

Момом рўзғорнинг ҳамма камини айтаверсам кайфияти бузилади деб, тежамкорликни, эплаб-сеплашни олий мақомда олиб борар экан. Амаким бир пайтлар бир туманда ижроқўм раиси бўлиб ишларкан, момом эса амалдорнинг хотиниман демай, рўзғорга ёрдам деб чопон тикиб бозорга чиқараркан. Болаларнинг майда-чуйда камларини ўзи қопларкан. Амаким ҳаётлигида момомни оёғи олти, қўли етти ҳолатда кўрардик. Ҳамиша қўлида қалғир, чўмич, игна-ип. Оғзида эса: «Акангиз бундай вазифа бериб кетган, акангиз уни яхши кўради, акангиз буни ёмон кўради», деган гаплар бўларди. Яна у гапларни юзи тўла табассум, эъзоз билан айтарди. Момом етти фарзандни тарозунинг бир палласига, жуфтини эса иккинчи



палласига қўйиб тарбият қилди. У минг розилик билан эрка эрнинг ва етти болали рўзгорнинг жами оғирликларини ўз устухонлари устига қўйиб кўтариб ўтди. Мен момом мисолида бир мўъжизага йўликдим. Рўзгор деган хилкатнинг, эру аёллик муҳаббатининг қудратига қойил қолдим: амаким тириклигида илигидан ўт чиқиб юрган момом амаким қазо қилиши билан қарс этиб синди! Ишона-веринг, назаримда, момомнинг ичида таранг торти-либ, уни тикка қилиб турган бақувват бир тиргак узилди. Момом тикка бўлолмай қолди. Кўзи ҳам, кулоғи ҳам хиралашди. Уни амаким тиккалаб турган экан. Йўк, йўк, тўғрироғи, момомни суйган жуфтига қилаётган хизмати ушлаб турган экан. Хизмати тугади-ю, кузги дарахтдай моможоним дув тўкилди-қўйди...

Симобдай эриб, момомнинг етти боласининг даврасида ўтирибман. Уларни бир-бир кузатаман: еттовиди амакимнинг, момомнинг истарасини, су-якларимгача етаётган тафтини ҳис этаман. Шо-киржон исмли ўғли: «Турсуной опа, юрагимдан чиқариб айтаман, опаларимга минг раҳмат. Онам-ни жуда парваришлашди, тинмай келиб туришди, мен бундай опаларим билан фахрланаман», дейди. Момом эса, шу боласининг уйидан чикди, эру аёл онага бешикдаги болага қарагандай парва-риш қилишди. Одилжон деган ўғли: «Куёвларни айтмайсизми, бири қўйиб, бири келади, булар куёв эмас, асил ўғил бўлишди», дейди. «Онам-нинг тўрт ўғли онам учун тоза ҳаво эди, уларни кўрса, хар сафар дадилланиб коларди, яхшиям уларнинг борлиги», дея лутф қилишади момом-нинг Саодатхон ва Саломатхон деган қизлари.

«Дадамнинг, — дейди Тохиржон ўғли, — бирор марта ҳам онамга ҳақоратли гап айтганини, бирор марта қўл кўтарганини кўрмаганман. Дадам бизга кош чимириб туриб ҳам севиш мумкинлигини, тилни ишлатмай ҳам аҳли аёлинг ҳурматини жойига қўйиш мумкинлигини ўргатиб кетди». Мен эса бу жигарларимнинг бир-бирига айтаётган бу хуш сўзларида моможонимнинг катта тарбиясини, уларга мерос қолдирган муроса илмини, кўнгил олиш санъатини кўриб турардим.

Амаким казо қилганига йигирма беш йил бўлди. Шунинг учун кабрини очиб, момомни унинг ёнига қўйибдилар. Фарзандлари шуни хоҳлашибди. «Онам отамнинг олдига кира солиб биринчи менадан шикоят бошлаган бўлса керак, — дейди момомнинг катта ўғли Баҳодиржон кўзлари ёшлашиб, — чунки мана бу оёқ дардисар оғриб ҳузурига югуриб-югуриб келолмадим»... Менинг эса хаёлим қабрда ва бир нарсага юрак-юрагим билан ишониб турибман: моможоним қувват манбасини топди ва у аллақачон тик туриб жуфти ҳалолига таъзимда турган бўлса керак...

Энг қиммат мерос

Савол:

Оға-иничилик муносабатлари ҳақида гапирсангиз. (Мактуб эгаси сўзининг давомида ўз жигарларига ўта муҳаббатли бўлгани, аммо улардан кам эътибор кўргани ҳақида ички бир оғриқ билан ёзади.)

Жавоб:

Бу кўпчиликнинг юрагидаги гап. Аввало, фарзандларга умр тилаш билан бирга уларнинг бир-

бирларига оқибатли бўлишларини ҳам Аллохдан астойдил сўраш керак экан. Чунки жигардан бировга шикоят қилиб бўлмаса, буюртма билан улардан ўзингизга мухаббат, меҳр сўраб бўлмаса, етти ёт бегоналар сизга мурувватли бўлсаю жигарларингиз сизга бефарқ бўлсалар, бундан оғриқлироқ нарса йўқ!

«Бир қориндан тушган», «бир кўрнада катта бўлган», «битта нонни бўлиб еган» деган гапларимиз бор. Ота-она даврида ўғил-қизларнинг бир-бирларига ёпишиб-қапишиб яшашлари, ўғил болаларнинг опа-сингилларини тиш-тирноқлари билан ҳимоя қилишлари, уларга рўралар илиниб липпаларига кистириб олиб келишлари, опаларнинг оғзидагиларини узиб укаларига едиришлари, опаларини бир ҳафта кўрмаган укаларнинг ичикиб, ҳатто касал бўлиб қолишлари қайси оилада бўлмабди дейсиз! Улғайган иниларига минг машаққатлар билан ҳовли қилиб берган акалар, укаю сингилларини уйлаб, узатиб, сепсидирғасигача расталаб, илмли, ҳунарли қилган эгачилар борлигини биламиз. Оға-иниларидан ҳомийлик кўрган ёки кўраётган инсонлар эшитиб қўйсинлар: бола-чақаси борки одамнинг ҳеч қачон ортиқча пули бўлмайди, рўзвор деган хуржун ҳеч қачон тўлмаган, тўлмайди ҳам! Шундай вазият ичида туриб сизга ортинибдими, у – бебаҳо, у – қаҳрамон! Унинг устига, оға-инилар бир-бирига моддий ёрдам бериши шарт, деган жойи йўқ! Жигарига ёрдам қилмаганларни судга ҳам бермайдилар. Худо сизга улардан буюртириб қўйибдими, қадрига етмоқ ва уларни авайламоқ шарт!



Мурувват қабул қилувчиларни эса кўпинча хотиржам кўрдим. Ёқимли шабададан қандай хузурлансалар, қувват дори қабул қилганларидан кейин қандай дадиллансалар, ака-укаларининг инъомларидан кейин ҳам худди шундай бўлиши керакдай, ипдамай яшаб кетаверадилар. Шу ўринда ўзим ўзимга танбех бераман: Аллохданки чексиз мукофотларни олиб туриб шукр, раҳмат айтишни билмаган банда бандасига раҳмат айтармиди?! Бу ҳам етмагандай, «Эй Яратган, мени ҳам қодир қилу жигаримнинг менга қилганларини чиройли қилиб қайтарай!» деган нияти ҳам йўк. Аксинча, айримларининг ичида: «Жигар бўлгандан кейин қилади-да!» деган иддаоси ҳам бор. Бу энди имонсизлик белгиларидир. Уларга: «Хўш, кўйлакнинг яхшисини аёлингга кийдирдинг, овқатнинг яхшисини болангга едирдинг, ўткинчи одамларга зиёфатлар бериб, ювуқли-ювуқсиз танишларингга хадялар улашиб юрибсан, аммо ўзи авжи ейдиган пайтида емай сенга едириб, авжи киядиган пайтида киймай сенга кийдириб, сени қаторга қўшаман деб, сенинг дастингдан йигирма йил кечиқиб оёққа турган жигарингга нима мурувват қилдинг?» дейдиган одам йўк! «Ўша одамларинг ўтиб боряпти, улғайиб боряпти, ўлганда айюҳаннос тортишинг бефойда, юраги уриб турганида яйратиб улгур», дейдиган виждон йўк унда!

Қиморга берилиб ё ароққа ёпишиб олиб, ё шудсизлик, ишёқмаслик туфайли бири икки бўлмай, жигарининг этагига ёпишиб олган, «менга ёрдам қилмаяпти» деб акасини ё укасини етти қозига рўпара қиладиган, кўйиб берсангиз, бойиб кетган қондошининг мол-мулкини ўртасидан бўлиб ол-



гиси келиб турган юзсизларга нима дейсиз? Ту-
ғишганларига бахиллик қилиб юз кўрмас бўлиб
кетган, бир-бирининг пахта-пилтасини чувишга
тайёр турганларни бугунча ер кўтариб турибди,
аммо улар эртанги қисматларидан кўрқишлари ке-
рак!

Аёллари ёмонласа, оға-ини, эгачи-сингиллари-
дан воз кечиб юборадиган, аёлидан кўрқиб, уларни
йўқлаб боришга, бирор нарса ҳадя қилишга журъ-
ат қилолмайдиган эркакларни ким деб аташ мум-
кин?! Уларнинг ишлари тушсагина жигарларини
кидиришлари, опа-укани соғиниш деган нарсани
унутиб юборганлари юрагингизни оғритмайдими?

Азиз ўқувчим, оға-иниларнинг балки бир-
бирида ҳаққи йўқдир. Аммо бир ҳақиқат мавжуд:
оналар ўз вужудларини тақсимлаб бола ясайдилар.
Демак, ҳар биттамызда онамизнинг бир парчаси
бор. Биз жигаримизни соғинганимызда уларнинг
вужудидаги онамиз бизни чорласа керак. Эсланг,
ҳар сафар оға-инимизга яқинлашганимызда ота-
онамизнинг ҳидини туямиз. Жисми жонимизда ни-
мадир эрийди, юрагимизнинг ўртаси юмшагандай
бўлади. Демак, биз жигаримизни эмас, унинг ву-
жудидаги онамизни топамиз, жигаримизнинг жис-
мидаги онамизнинг розилигини олгани борамиз.
Ташрифимиздан жигаримиз эмас, аввало, руҳлар
шодланиб бизни қучса керакки, биз ажабтовур
ййраб, енгиллаб кетсак керак.

Йўлда қўшилган келинлар, куёвлар эши-
тиб қўйсинлар! Ота-онамиздан қолган энг қим-
мат мерос — бир кориндан тушганларимиз!
Агар рўзғорингизнинг қарғишга учрамаслигини
хоҳласангиз, жуфтингизни жигарларидан узоқлаш-

тирманг! Ораларига совуқлик солманг! Аксинча, вазиятни ямаб, андавалаб юриб йўқ муносабатларни бор қилинг!

Айниқса, умр йўлдошингизни узоқ яшашини истасангиз, жигарлари томон итаринг, у улардан онасини топади, отасига якин боради. Ота-она руҳи эса мададкор, розилиги муолажадир.

Турмуш фақат жуфтингдан иборат эмас!

Савол:

Яқинда турмушга чикдим. Турмуш ўртоғим билан муносабатим яхши. Аммо бу хонадонга ҳеч кўника олмаяпман, нима қилай?

Жавоб:

Сен турмушга тайёр бўлмай туриб оила кургансан. Бу жараён сен ўйлагандай роҳат, фароғатли эмас. «Турмушга чикдим» дегани, бировларнинг ҳаётига кириб бордим дегани. Ҳар бир оиланинг ўз рўзғор юритиш машинаси бор. Сенинг келишинг бир маромда ишлаб турган машинанинг ҳаракатига албатта ҳалақит берган. Яъни, билиб-билмай қай бир мурватини эзиб қўйишинг бор, кимнингдир йўлига тўғанок бўлиб қолишинг мумкин, бу умумий машинанинг мўътадил ишлаши учун қачон қанча ёғ қуйишларни билмайсан ва ҳоказо. Улар баҳорий кайфиятни севсалар, сен кузги гапларни айтиб қўясан... Бу дегани, битта ўзинг бутун оиланинг гашига тегаяпсан дегани. Ҳаёт қондаси бўйича озчилик кўпчиликка итоат этиши шарт. Кейинчалик ақли, шижоати билан уларга таъсир қилиши, бурилишлар ясаши мумкин. Аммо илдиэ

отиб олгунча сабр билан уларнинг ичига кириб олиши керак. Ичига кириб олиш учун эса албатта уларга ёкиб олиш керак. Қоматинг тўлишганию дипломли бўлганинг, беш-олти хил таом тайёрлашни билиб олганинг хали турмушга тайёрсан, дегани эмас. Эр учун ҳам, аёл учун ҳам энг муҳими МУРОСА илми! «Турмуш ўртоғим билан муносабатимиз яхши», деганинг жуда малолли гап. Қўпол қилиб айтганда, «ўғли яхши, аммо қолганлар ёмон», демокдасан. Ундан ҳам баттари: «Қанийди улар халакит бермасаю алоҳида яшасак» дегинг келиб турибди! Билиб қўй: имони бор келин бундай демайди, бу сенинг эмас, ичингдаги иблисининг гапи. Агар ҳозирги дақиқадан бошлаб, уйингдагиларга ёқишга ҳаракат бошламасанг, ҳаётинг издан чиқади, яъни Аллоҳ қадамига сени жазолай бошлайди: ҳали ўзинг касал бўласан, ҳали жуфтингнинг иши орқага кетади, ҳали фарзанд бобида муаммо туғилади, ҳали боланг касалванд ёки куйдирмажон бўлади ва хоказо...

Қай қўйга тушсанг туш, қўлингни меҳнатдан олиб қочма, тилингни эса яхши гапдан. Подшонинг қизи бўлсанг ҳам эгил, атрофиндагиларнинг ризолигини ол. Жуфтинг сени, сен жуфтингни мажнун бўлиб севсаларингу келин сифатида оилангдагиларга ёқолмасанг, эсингда қолсин: бу турмушдан сенга роҳат буюрмайди. Қўп ўтмай эрининг яхшилиги ҳам татимай қолади.

Бош нимага керак, болажон!

Савол:

Атрофим тўла одам, аммо хадеганда йиғлагим келаверади. Рухшуносга ҳам мурожаат этдим, фойдаси бўлмади.

Жавоб:

Сенинг ахволотинг бундан ҳам ёмон бўлиши мумкин. Чунки энг ширин нарса нима? – Умр. Энг ғанимат нарса нима? – Ёшлик. Сен эса уни кўз ёшига белаб исроф қияпсан. Бунинг учун эса жазо бордир. Билиб қўй, кўз кўриш учун берилган, тил сўзламок учун. Сенга Аллоҳ фикрлаш, таҳлил қилиш, керакни нокеракдан ажратиш, бахтга йўл қидириш каби юмушларни бажариш учун олтинга тенг бош бериб қўйибди. Нега уни ишлатмаяпсан? Нега?! Рухшунос касалсиз демабдими, демак, сен соғсан! Рухан соғ бўлсанг, қарсиллаган ёшингда, илигинг тўла қувватинг туриб, атрофинг тўла сени суяйдиган одамларнинг ичида ўзингни нега йиғлатиб ўтирибсан? Сен ақлингни ва у билан яратишинг мумкин бўлган қанча имкониятларни исроф қияпсан, бунинг учун хали албатта жавоб оласан!

Сен кабиларни иродасиз, мустакил фикри йўқ, арзимаган зарбага қулайверадиган, ўзини ўзи бошқара олмайдиган, ўзида нима бору нима йўқлигини билмайдиган ношукр дейдилар. Билиб турибман: балки оилавий шароитинг мактанадиган эмасдир, балки ўзинг унча чиройли эмасдирсан, ё кимнидир яхши кўрдинг, унинг эса сенда кўнгли йўқдир, ё унга етишмок учун йўллар тўсиқдир, ё бирор касалга чалингандирсан, ёки бўлмаса, ўқий



олмай қолгандирсан, ёки турмушинг бўлмагандир. Хўш, шундай бўлган тақдирда ҳам НИМА БЎ-ЛИБДИ?! Шу билан дунё тугаяптими? Энди очик гўр казиб кириб олиш керакми? Атрофдагиларнинг бари муаммосизми? Сендан бошқа ҳеч кимнинг ғами йўқми? Ёки кулиб юрганки одам ҳаммаси бахтлими?

Ҳаёт — бу ҳар кадамингда тўсиқ дегани! У томонидан, бу томонидан калла солиб кўраверасан, тадбир тузаверасан, бўлмаса, янгитдан яна режа ишлайсан, бошингни қаттиқ ишлатасан, ишламаган нуқтаси қолмасин. Яхшилардан маслаҳат оласан, атрофни таҳлил билан кузатасан: ким қайси йўлдан бориб, нимага эришди? Ақлли йўл тутганига эргашасан. Ҳар сафар бир нарсга эришганинга бўйинг бир газ ўсади. Бир ишни қийналиб бўлса-да уддалаш кишини ўзини ўзига ишонтиради, қанот чиқаргандай бўласан.

Аввало, ҳамма иш Аллоҳдан. Бошинга нима тушган бўлса, хосиятли: ё имтихондан ўтпаган, яъники ўзингни яхши тутсанг, сенга мукофот бермоқчи, ё ҳозирги кўргиликларинг билан аллақайси гуноҳларинг ювиляпти.

Қолаверса, бир ўйлаб кўр, ахволотинг бундан ҳам оғирроқ бўлиши мумкинмиди? Тўғрироғи, атрофга боқ-чи, сендан баттар кун кўраётганлар ҳам борми? Албатта-да! Хўш, нега шукр қилмайсан? Аллоҳ менга ўхшаб ривоят ўқиб ўтирмайди, кўзингни оч! У сенга берган имкониятларини битта-битталаб қайтариб олишга тушмасин яна!

Болажон, ёдингда бўлсин, ўзи қуёшли, ҳаракатли оламда яшаб туриб, тани, жони ҳаракатга яраб туриб, аммо тинмай ҳасрат қиладиган, «уф» тор-

тадиган, кўзидан ёш оқаверадиған, ўзини атрофга ғариб кўрсатаверадиған одамнинг ҳеч қачон косаси оқармайди! Чунки уни исроф бўлған ақлининг уволи тутади! Пайғамбаримиз ҳадисларида келтирилишича, Ҳақ таоло: «бошига нима келса мендан кўрган ва ҳар қандай ҳолатдан чиройли амаллар билан чиқиб кета олған бандамни яхши кўраман, яъни ниятига етказаман», деган экан. Ақлингни уйғотиб, чиройли амаллар ижро қил.

Кибр кимда бўлади?

Савол:

Кибрни йўқ қилиш учун нима қилиш керак?

Жавоб:

Ўзингизда кибрга нисбатан нафрат туйғуси пайдо бўлмагунча ундан қутулолмайсиз. Азизим, кибрдан ҳеч ким барака топған эмас. Ўътибор беринг, шундай феълли одам борки, муродига етған эмас. Оддий адашған одам тошга қоқилиб йиқилади, йиқилганини ёнидаги одам кўради, холос, аммо кибр ўз эгасини қоянинг энг тепасига олиб чиқиб туриб, ўша ердан ташлайди. Кибрли одам шиширилған шарга ҳам ўхшайди: ҳамманинг диққатини тортиб осмонга кўтарилғанда ёрилиб битади!

Ҳақиқий истеъдодли, илмли, ярагувчи, ота-боси кўрган-кечирған одамларда кибр бўлмайди. Оловда микроб бўлмаганидай, Аллоҳ берған истеъдод, илм уларнинг вужудларига тўлиб, жами хужайраларини поклаб қўяди. Улар соф бўладилар, доимо худо юктирган машғулотлари билан овора, ўта камтар, ёш болага ҳам аввал салом берадиған хокисор бўладилар.

Кибр эса, бунинг тескарисидир. У энг ёмон гуноҳлардан, шайтоний васвасалардан биридир. «Сен бойларга ўхшаб кўринишинг керак», «Фалончилар ўтирган раёсатда нега сен йўқсан? Бир чора ишлат, каторга кириб ол», «Қарз олиб бўлса-да, тўйингни пистончиникидан зўр қилиб ўтказ!», «Фалон олим нега сендан ўтиб кетар экан, нозик жойини топиб минбарга чикиб айт, ундан зўрлигингни исботлаган бўласан», «Орингни сотасанми, борингни сотасанми, макталадиганлар рўйхатига ёзилиб ол», каби беҳаловатлик кибрликнинг жонига чирмашиб ётади.

Кибр бўш жойда, яъни илм, салоҳият, маънавий бойлик етишмайдиган бандада, ғайрат, ихлос, фаолият йўқ баданда яшайди. Кибрли одам худо-беҳабардир. Кимки ўз «мен»ига урғу беряптими, ўзини ишга, фаолиятга яроқли қилган худони унутгани шу! «Фалончидан мен зўрман» деяптими, инсон деган зотни оёқ учида кўрсатяптими, Аллоҳнинг ижодини топтагани шу! У алалабад рўшшолик кўрмайди энди!

Ўзи бой бўлмаса-да, бойларга ўхшаб гапириб, бойларга ўхшаб ясанишга чираниб ҳаракат қиляптими, демак, ёлғон тутум тутяпти! Ёлғон бор жойда имон йўқ!

«Сиз ким бўлиб қолибсиз?» қабилида бировни камситдингизми, дилини вайрон қилдингизми, «дилозордан худо безор» дейдилар, ҳисобингизни Аллоҳнинг ўзи тўғрилаб қўяди.

«Фалончининг фалон гапини кечирмайман», деган ғўдайишингиз бор. Аммо худо ўша Фалончининг зарбини нега айнан сизга тўғрилади? Чунки бир оғир хатоингиз бўлган ва у бошингиз-

га катта фалокат соламан деб турганида, Аллох сизга Фалончининг енгилроқ зарбасини тўғрилаб, гуноҳингизни ювмоқчи бўлган! Сиз эса унга раҳмат айтиш ўрнига ўлгунигизгача қарғаб ўтмоқчисиз! Ўрни келганда айтиб қўяй, гина сақловчиларнинг бари КИБРЛИ одамлардир ва улар ҳамиша кўргиликлар сари юрадилар.

Ҳеч кимдан ўзингизни юқори тутманг, сиз назарингизга илмаётган анови хуш-беҳуш девона эртага шифо топиб буюк ихтиролар қиладиган олим мақомига етиши мумкин. Камбағаллиги учун меҳмондорчиликка чақиргани ор қилганингиз — мана бу йигит улғайиб шаҳар сўрайдиган амалдор бўлиб кетса не тонг?! Мана бу хунуккина кизнинг ёнидан ўтаётганда бурнингизни жийирган эдингиз, бугун унинг бошига бахт куши қўниб, сизга ўхшаган юзта кибрли чиройлилар унинг соясида қолиб кетди-ку! Шундай, азизим, кибрланишга арзийдиган молу дунёингиз, иқтидорингиз, ҳусну чиройингиз бўлса ҳам асло манмансираманг! Чунки у афзалликлар сизники эмас, уларни сизга Яратган бериб турибди. Унинг моли билан мактанолмайсиз. Айниқса, У берган имтиёзларни пен қилиб бошқа бандаларга озор етказадиган бўлсангиз, бир зумда сизни ҳору зор аҳволга тушириб қўядиган ҳам унинг Ўзидир!

Минг Хизрга тенг кишинг

Савол:

Йигирма беш ёшдаман. Биринчи маошимни ўзимга сарфладим, қўл телефони олдим. Онам бундан каттиқ хафа бўлдилар. Мен хафа бўладиган иш қилдимми?

Жавоб:

Кап-катта бўлсанг ҳам ҳали эсинг кирмабди, болажон. Энди бу ёнига эҳтиёт бўл: ҳар бир ҳаракатимиз ниманидир ўстиради, ниманидир эса туртиб, жароҳатлаб ўтади. Ва кейинчалик бу қилмишимиз учун ўз ёнимизни ўзимиз ўйиб ўтамиз! Ўғил боланинг бошқача номланишлари ҳам бор – «паноҳ», «мадад», «халоскор», «бокувчи», «кўмувчи» ва ҳоказо. (Мен хатингнинг мазмунига қараб сени ўғил бола деб тушунапман.) Ўғил болалар ўн икки-ўн уч ёшидан бошлаб рўзгорнинг кам-кўстига ярай бошлайдилар. Балки сен ҳам шундай бошлагандирсан, аммо биринчи маошни жуда кечикиб оляпсан экан. Онанг сенга сездирмагани билан бу кунни жуда орзиқиб кутгани рост! «Болам улғайиб қолди, менинг болам тирикчиликка яраб қолди, елкамиздаги обкашнинг бир томонини энди у кўтаради», деган ички қувонч биринчи иш кунингдан бошлаб онангнинг бағрини тўлдириб турибди. Қай сифатли бўлишидан қатъи назар, сен шу аёлгинанинг бағридан тушгансан-ку! Унинг кўксини ялаб улғайгансан-ку! «Қўлимдан келса, онамни бир хурсанд қилай», деган ниятинг бўлмаган экан-да?! Кўчадаги куюқ-суюк жўраларингни осонроқ топиб берадиган телефон энг керакли кўринибди-да! Онангнинг «Мен ўғил тукқан бойваччаман!» деб, исмингни осмонларга ёзиб, баҳоингни кўтаришларини қараю сенинг тўрт танга топган киши бўлиб шу қадар паст, арзон кетишингни қара! Сабр қилсанг, кейинги маошларингдан албатта телефоннинг ҳам ўрни чиқиб қолар эди. Биринчи маошнинг қувончи, завқи бошқа эди! Бир тийинини ҳам бузмай, «она-

жон, мана мен пул топиб келдим, хаммасини ният қилиб сизга олиб келдим, дуо килинг, бунга ўн хисса кўпроқ маошлар олай, сизни қувонтирай» демайсанми?!

Рўпарангдаги шу аёл сен дунёга келмай туриб гулдай эди. Сенга чирой бераман, сенга жон бераман деб емай-едириб, ўзи ўтинга айланиб турибди! Шу кунгача йикқан-терганини ҳам сенга атаб турибди. Унга бу дунёдан тегадигани бор-йўғи икки метргина жой, у ҳам бўлса ташқарида, сенга халақит бермайдиган ердан кавланади. Номард болам, нотавон болам, она деган қурбонлик, ўзининг емирилиши ҳисобига бола улғайтирган фидойи жон бир чимдим роҳатни ўз ичида ундирган боласидан кўрса нима қилибди? Онангининг юраги оғригунча ўша шайтоний телефонинг чилчил синса бўлмасмиди?!

Онанинг ёмони йўқ, онанинг хунуги йўқ, у ўз боласи учун ҳамиша тоза ҳаво! Фақат нўноқроғи, соддароғи бўлиши мумкин. Унинг қачон юраги юмшаши, ийиши мумкинлигини фақат боласи биледи, онангизни эритишни, онангизни иситишни билинг! Кўнглини топинг. Она довдир бўлса ҳам боласининг меҳрини хушёр англайди ва уни кутиб яшайди! Қаҳрли, жинойтчи онанинг ҳам соғ нуқтаси борки, доим боласини кўмсаб, боласини излаб туради! Онангизни сизни соғинган жойларини топиб жонингизни босинг, бир ончасига яйраб кўйсин, аёлчасига бир ором олсин!

Мен бу гапларимни онасининг устухонларидан дунёга келиб, аммо ўз нафсини устун кўйганларга айтяпман. Онасига терс ўгирилиб, аёлидан бошқани кўрмай қолганларга, онасини зориқтириб,



мўлтиратиб қўйиб болапараст бўлиб кетганларга айтяпман! Ҳушёр туринг, энг тез кетиб бораётган онангиздир, берадиганингизни бериб, едирадиганингизни едириб қолинг! Раҳматларингизни айтиб қолинг, розиликларини олиб қолинг, онангиз мисолида сиз учун минг Хизрга тенг кишингиз ўтиб бормоқда!

Қайта тикланиш фасли

Савол:

Мен эримга иккинчи турмушман. Ажрашган аёли яқинда боласини ҳам ўғирлаб олиб кетди. У шунга қаттиқ сиқилипти. Кези келса, кўнглига ҳеч нарса, ҳатто мен ҳам сиқмай қоляпман. Мен қандай йўл тутай?

Жавоб:

Ойим, сен бахтингни қайта тиклаш фаслига кирибсан. Бу жуда азиятли иш. Кейинги умринг ҳам осон кечмайди. Кўз очиб кўрган турмушингни тутиб қололмадингми, бу ёнига энди чидайсан. Бир нарсани йўқ қилишдан осон нарса йўқ! Бор қилиш эса, сув келса симириб, тош келса кемиришларга чидаш билан бино бўлади. Рўзгорининг қопқоғини кўтармай, овоз чиқармай яшаётганларнинг бари ўша оғирчиликларга дош берган кишилардир. Биринчи турмушингдаги хатоларни энди такрорламайсан, ҳеч қилмаган яхши тутумларни тутиб кўрасан. Сен албатта чиройли ҳаётга стасан, иншооллоҳ, фақат бу ақлу фаросатингни қандай ишлатишингга боғлиқ.

Аввало, жуфтинг ўғлини онасидан айириб олиб қолиб нотўғри иш қилган. Бу қонунга ҳам хилоф, одамгарчиликка ҳам! Бола вояга етгунга



қадар онанинг хиди, онанинг қўли, онанинг овози ўстирувчи, ундирувчидир. Юзта ота битта онанинг илоҳий тафтини беролмайди. Аллоҳ бу хосиятни аёл кишига сунган, эркакнинг маҳмаданагарчилиги бу ерда ўтмайди! Қолаверса, вояга етмаган болани юлқиб олиб қолиш онага ҳам зулм! Бу ҳолатда аёлнинг икки букилиб қолиши аниқ. Эркак ажрашган аёлини ёмон кўрса ҳам, у Аллоҳнинг бандаси эканлигини ёддан чиқармаслиги керак эди.

Жуфтингнинг ҳозирги изтироб чекиши табиий. Ҳеч кимнинг ини бузилмасин. Сен унинг ўти аланга олиб яна пасайгунча сабр қилиб турасан: у ҳозир бир ёқдан боласини соғиняпти, иккинчи томондан ўзини, қилган хатоларини таҳлил қиляпти. Ва билиб қўйки, у тинмай сени аввалги аёлига солиштиряпти ҳам! Сенинг «тош келса кемиришинг» шу вазиятларда ўзингни чиройли тутишингдир. Тўғри бўлдим, нотўғри бўлдим, нима бўлса бўлди, энди сен шу рўзғорни чин турмушга айлантиришинг шарт! Бунинг учун, қуйидаги айтганларимни қулоғингга оласан:

— Асло қовоқ-димоғ қилма, ўзингга эътибор сўрама.

— Кайфиятига мос келадиган меҳрибончиликлар қил, чиройли хабарлар айт.

— Оқ ювиб, оқ тара. Ҳар куни тоза рўмолча, тоза сочик тут, дастурхонинг ораста, таомларинг мазали бўлсин. Ҳар гал ҳар хил нарсани пиширишга урин.

— Ўзинг покиза юр, ярашимли кийин.

— Ҳеч қачон аввалги турмуши, унинг камчиликлари, у ҳақдаги ёқимсиз гапларни тилга олма. Лекин мактов гапларни ҳам айтма.

-
- Ишларининг юришиб кетишига раъбат бер.
- Хайит-байрамларда ўғлини йўқлашни эсла-тиб тур. Агар ўзи илинаётган бўлса асло монелик қилма...

Хулласи калом, сенинг ўзинг ҳам, сўзинг ҳам, уй тутумларинг ҳам унга яхши кайфият берсин. Сен аста билиб ол, олдинги аёлининг қайси феъ-лидан уларнинг кўнгли тўлмаган. Сен худди ўша ишларни такрорлама, уларнинг кўнгли тусаган ҳолатда кўринишга урин. Бу тиниб-тинчиб кетиш-нинг йўли, ҳамма аклли аёллар ўз бахтларини шундай ясаб ўтганлар, сен ҳам буни уддалайсан, болам.

Андиша деб ғафлатда қолма!

Савол:

Турмуш ўртоғим билан беш йилдан бери яшай-миз. Иккита қизимиз бор. Нимадандир сиқилиб қолса, менга ва, ҳатто, болаларга ҳам кўл кўтариб юборади. Бу доимий ҳолатга айланиб қолмоқда, саб-рим тугади. Ажрашай десам, болаларни ўйлайман.

Жавоб:

Алининг аламини Валидан олувчи, феъли ке-либ қолганда кимнидир уриб хумордан чиқувчи одам эл қатори ишлаётган, жамият қоидаларига амал қилиб яшаётган бўлса ҳам, барибир у рухий носоғломдир. Ва атрофидагилар учун хатарли-дир. Ундан хафа бўлишнинг ўрнига уни зарар-сиэлантиришнинг ҳаракатига тушишинг керак. Ўшандай асабий вазиятда боласини, аёлини нобуд қилиб қўйганлар, ҳатто ўз жонига қасд қилиб қўядиганлар ҳам учраб туради. Балодан хазар.

Жуфти бўлиб сен ёрдам бермасанг, ким унинг жонига куяди?!

Кўришиб турибдики, у биринчи босқичга кўнади, яъни йиғи-сиғинг, араз-даразинг фойда бермади. Ҳаракатинг самарали бўлиши учун, сен мутахассис врачдан маслаҳат ол. У албатта дастлабки йўриқларни кўрсатади. Балки унинг мулоҳазаларини эрингга жойини топиб, ётиғи билан айтиб кўрарсан, у ўзини текширтиришга кўниб қолса ажаб эмас. У ҳолда нур устига нур бўлади, арзимаган тинчлантирувчи дорилар билан ҳам асаблари жойига тушиши мумкин.

Аммо унинг руҳи соғлом бўлиб, тарбияси чатоқлиги, яъни «мен эркакманми, хоҳлаганимни қиламан, сенлар эса шу туришимга кўнишинг керак» кабилида иш тутаётган бўлса, у чўчийдиган йўлни қўллаш лозим. Масалан, оғир-босиклик билан аҳвол шу кетишда давом этса ундан ажралишга мажбур бўлишингни айтиш керак. Ёки болалар ногирон бўлиб қолгунча қараб ўтиролмаслигингни, агар яна қўл кўтарса, милицияга ҳамда суд тиббиёт экспертизасига мурожаат қилишингни билдир. Андиша билан ғафлатда қолишнинг фарқи бор. Эркак номи билан икки-уч ёшли норасидани кетмондай қўли билан уришга, райхондай нозик аёлини ер билан битта қилишга у андиша қилмаяпти-ку! Сен бор-йўғи жон ҳимоясига ўтсанг, андишасизлик қилган бўласанми?!

Сен унинг фойдасини ўйлаб ҳам бу бадфёлига нуқта қўйишинг керак. Чунки бундан буён ҳам у билан яшайдиган бўлсанг, унинг хизмати-га яраш учун, унинг турмуши фаровон бўлиши учун сен соғлом бўлишинг керак. Агар хозиргидай

ичингга солаверсанг, у сизларни дўппослайверса, эртагаёк яроксизга айланасан: ё кон босиминг ошиб инфаркт, фалаж бўласан, ё ичингдаги сиқилишларинг саратонга айланади! Эрингнинг ақлсизлиги ўзи катта ютқазिश! У ақлсизга сен ҳам ўзингни қурбонликқа тортишинг керакми?! Икки ойдай қизинг учун, уларга ҳали жуда кўп керак бўлишинг учун ҳам сен ўзингни аяшинг шарт! Дуо қилайлик, жуфтингга инсоф берсин.

* * *

Савол:

Ҳамма нарса тақдирдан дейдилар. Унда инсоннинг ҳаракати қаергача боради? У ўзини қандай бошқариши керак?

Жавоб:

Эътибор беринг, атрофдаги жами жараён **сабаб** ва **натижа**дан иборатдир. Ҳеч нарса ўз-ўзидан пайдо бўлмайди, изсиз йўқолмайди ҳам. Табиатдаги ҳамма нарса бир-бирини уйғотувчи, пайдо қилувчи ва тараккий эттирувчидир. Инсончиликда ҳам шундай, унинг тилидаги, қўлидаги ва дилидаги ҳар бир ҳаракат бир нарсани бошқасига айлантиради, бир таъмдан иккинчи таъмга, бир рангдан иккинчи рангга кўчиради. Яъни, қувончни қайғуга, бахтсизликни бахтга айлантиради. Яхши-ёмон натижаларни келтириб чиқарувчи омил инсоннинг яхши-ёмон ҳаракатларидир.

Ҳамма иш Аллохдан деймиз, бу «қисмат, тақдир» деймиз. Лекин Аллох бировга мукофотни ҳам, кўргиликни ҳам бесабаб тўғриламайди. «Тақдир» деган нарса унинг имзоси билан бери-

лади, аммо қозонга масаллиқни инсоннинг ўзи солади. Яратган одил қозилик ва холис тарози-бонлик қилади, холос. Ҳадиси шарифда ҳам айтиб қўйибди: «Бошингизга нима келса, қўлингиздан кетган амаллар туфайлидир». Халқнинг ичида: «Бандаси тадбир қилади, Аллоҳ тақдир қилади», деган гап ҳам бор. Демакки, бошингизга нима иш келса қўнишдан ташқари, қўраётган кунингизга лойиқ эканлигингизни индамай тан олиб қўйинг!

Дейлик, сиз яхши инсонсиз, аммо пешонангизга кўргилик битилиб турибди. Аслида, бу қисматга лойиқ эмассиз, аммо қўнишга мажбурсиз! Чунки айни пайтда, сиз ўтиб кетган, ҳатто сиз танимайдиган нечанчидир бувингиз ёки бобонгизнинг гуноҳи учун жавоб бераётгандирсиз. Сизнинг бунга индамай қўнишингиз аجدодларингизнинг гуноҳларини ювишингиз бўлса ажаб эмас. Қанийди, ҳаммамиз ҳам ота-боболаримизнинг билиб-билмай қилган гуноҳларини ювишга ярай олсак! Солиҳ зурриёт бўлишдай бахт борми дунёда!

Шунингдек, бугунлик кунда ҳам ҳар бир ишимизни ўйлаб қилмас эканмиз, ҳар бир хатоимиз этагимиздаги боламиз, ё туғилажак набирамиз, ёки ундан ҳам узоқроқда турган эвара-дуварамизнинг бахт йўлини боғлаб қўйиши аниқ. Сизнинг бугунги ҳеч ким кўрмаган гуноҳингиз эртага болачақангизни ҳаммага кўрсатиб шарманда қилиши ҳақиқат! Энг ёмони, бад ишларингизни болангиз ҳам такрорлаб қўйиши мумкин. Бу дегани, инсон ўзи ўлиб кетса ҳам, гуноҳлари тирик қолади дегани! Ўзи гўрда ётса ҳам, хатолари ернинг тепасида унга лаънатлар йиғиб юради дегани! Шунинг учун юрагингиз уриб турганда нафақат ўзингиз, бола-



чақангизнинг тақдири учун ҳам ишлаб қолинг: хатоларингизни тузатишга, тавбага улгуринг, ёмон ишларнинг тескарисини қилинг. Токи сиздан кейин келадиган авлодингизни юкингиз эзиб қўямасин. «Падарингга лаънат!» хитоби қаёқдаю «Отангга раҳмат!»нинг роҳати қаёқда! Келинг, бир қисматни сўраб дуо қилайлик: илоҳо, кун келиб тупроғимиз тепасига Аллоҳнинг раҳмати билан бирга бандаларнинг ҳам «раҳмат»лари ёғилиб турсин, омин!

Ҳайдалишга муносиб эр

Савол:

Укам оила боқиш илинжида хорижга кетди. Ҳар ойда аёли ва фарзандларига пул жўнатиб таъминлаб турди. Келинимиз саккиз йил мобайнида укам юбориб турган пулдан мўмайгина даромад қўриб, моддий аҳволини яхшилаб олди. Аммо уйига қайтиб келган эрини остонадан киритмади. Эшакнинг кучи ҳалол, ўзи ҳаром экан-да!

Жавоб:

Мактуб йўллаётган иним! Кўриниб турибдики, ҳамият борасида, халқнинг тили билан айтганда, сизни ҳам Худо уриб қўйибди. Рўзғорнинг бутунлиги, эру аёллик риштаси, оилавий бахт деганлари сизнингча фақат ошқозон тўлдиришдан иборатми? Аҳли аёли бор одам наҳотки саккиз йил гумдон бўлиб кетади? Эр киши оиланинг осмони, дарвозанинг занжиридир, отанинг ҳидидан болалар қалбан ўсадилар, шарпасидан аёли тинчланади. Эркакнинг овози келиб турган хонадондан хатар чекинади. Эркаги қўлидан тутса, аёл-



нинг дардлари тузалади, умрлари узаяди. Бу эр киши саккиз йил, деярли салкам ўн йил норасида болаларини, ёш аёлини хаётнинг ёзу кишлари, шамолу бўронларига ташлаб қандай хотиржам юрди? Уларсиз қандай яшади? Нахотки, пул баридан устун келса? Агар урушга кетса бошқа гап эди! Қаердадир майиб бўлиб ётса тушунарли эди. Аскарликни бошидан кечирган, қон кечиби, жони гаровда турган ҳар бир инсоннинг вужудини шундай бир истак ўртагани аниқ: «Қани эди, камбағалгина бўлса ҳам, ўз уйимнинг хидига яна бир тўйиб олсам! Қани эди болаларимни елкамга миндириб, осмонларга отиб бир яйрасам! Ноним битта бўлса ҳам улар билан бирга-бирга есам! Мўлтираб турган онамнинг, аёлимнинг дийдорига яна бир бора тўйсам эди!» дея, қаноти бўлса учиб кетишга тайёр тургани аниқ. Укангиз эса хотиржам яшайверган. Бу ўринда у ҳалол юриб, ҳалол турдими, деган гапни айтмаяпмиз, чунки гумондорлик мусулмончиликда энг оғир гуноҳ! Аммо ёт юртларда пул дардида бегона бурчакларни титкилаб юргани рост!

Кетганида бир ёшда бўлган боласи бугун тўқкизга кирибди, ўн яшарлиги ўн саккизга кириб вояга етибди. Отаси тирик, лекин бола унинг афтини эслолмаса! Отаси бор, аммо боласининг балоғатга қандай етганини умрбод тасаввур қилолмай ўтса! Тошбака жойида тухумига термилиб ўтаркан. Одамзод ўз зурриётини нон билан эмас, кўз нурлари билан сийпалаб, нафаслари билан дам солиб юриб ўстиради. Ўшандагина болалик меҳри, оталик ришталари бир-бирига боғланади. Ўшандагина қарздорлик деган масъулият ўртага



тушади. Укангизни келинингиз уйга киритмаганини қўя тулинг, хали у болаларининг меҳридан ҳам айрилиб қолиши тайин. Юборган пулларига нари борса, чиройли таҳоратхона қурдиргандир, ё бир-икки хонали уй бино бўлгандир, аммо бунинг эвазига болалар тирик етимликда қолдилар! Бу уйлардан доим айрилиқнинг хиди келиб турди. Қолаверса, саккиз йил давомида болалар неча бор оғридилар, тузалдилар. Бу жараёнлар ўтгунча аёл шўрлик неча марта ўлиб-тирилди. Отанинг қуруқ салобати ҳам болани маълум даражада тарбиялаб туради, тарбия борасидаги яккақўлликни айтмайсизми?! Балки шу азиятлар аёлнинг жонидан ўтиб кетгани учун ҳам эркагини ҳайдаб солгандир!

Яна қолаверса, эр-хотинчиликни «жуфтлик», «икки ёрти бир бутун» деб қўйибди. Бу илоҳий қўшилиш, бунинг ҳикмати, сиру синоатини фақат Аллоҳнинг ўзи билади. Қуръон ҳам эру аёлнинг уч-тўрт ойдан ортиқ айро яшашини қоралайди. Демак, укангиз шариат қонунини бузди ва айни пайтда, унинг жавобини олиб турибди! Бу аёлнинг авжи гуллаган даврлари увол кетди. Қайтиб келмас ёшлигининг саккиз йили завоқ топди. Қўнгли тилаб турган пайтда меҳрсиз, эътиборсиз қолди. Бу унинг учун армонларнинг армони эмасми?!

Разм солинг, чумоли ҳам, парранда, даррандалар ҳам ризқини ўз уяси атрофидан қидиради. Қоронғи тушди дегунча жами жонзот инини топиб келади. Атрофимиздаги ҳамма дову дарахт, тупрок ости, сув ости, тоғу тошлар қандайдир жониворларнинг инларидан иборат ва улар ўз тарихи давомида оила бўлиб, тўп-тўп тарзда тартиб билан яшаб келадилар. Йўқса, уларнинг ҳаёти синади.

Нега Аллоҳ яратган махлуқотлардан бўлган инсон бундан мустасно бўлиши керак? Оилани асраб турадиган нарсa НАФС ЭМАС! ЖОННИНГ ЯҚИНЛИГИ, инсонларда эса, асосан, МАЪНАН БИРЛИКдир! Буни ҳеч қайси аёл ва эркак унутмаслиги керак!

Бу қонидани бузса нима бўлиши уқангиз мисолида кўриниб турибди. Уни бу кўйга хотини эмас, Аллоҳ солди. Яратган уни кечирмагунча ҳаёти яхшиланмайди, тавба қилсин, тавба қилсин!

НОЗИК САВОЛ

— Умрингиз давомида қандай китоб ёзишни орзулаб келасиз?

— Инсон барҳаётлиги Куёш, Сув, Ҳаво ва Бошқок биландир. Бандаси яшаяпман дейди, улғайяпман дейди. Завқу шавқ билан ижоду ихтиро қилади. Аммо бирор марта уни тирик ушлаб турган нур, сув, ҳаво ва нон ҳақида гапирмайди, ёд этмайди! Адабиёт одамзод жисмига ана ўшандай сингиши керак. Бу балки мен учун қўл етмас тилақдир, аммо барибир китобхоннинг очикқан хужайрасини тўйдирадиган БУҒДОЙИ СЎЗ бўлгим келади. Роҳат қилиб эшитиладиган бир куй бўлсам бўлди!

Одамлар хадеганда «тилимизнинг учидагини айтасиз» деяверадилар. Буни эшитгач, хафсалам пир бўлаверади. Ҳамма биладиган гапни айтсам, ижодкорлигим қайга борди деб, ғашланиб юраман. Мухлислар эса сени қидиришини қўймайди. Кейинчалик англадимки, четдан бир тасдиқ бўлмагунча инсон ўзи келган тўхтама ишонмай тураверар экан. Сизнинг битта гапингиз билан тўхтаб турган арава жойидан жилиши, ҳаракатсизлик фаолиятга айланиб кетиши мумкин экан. Адабиётнинг муроду мақсади ҳам аслида шу эмасми! Қаламкашнинг вазифаси китобхонни ўз-ўзини таҳлил қилишга

ундаш, ўзига ўзини ишонтиришдир. Бунинг учун эса халқ билан унинг дилининг тилида гаплаша олиш керак. Мен ҳам ана шу илинжда куймаланиб яшаб боряпман.

Гоҳида «бугунги китобхонга ёқадиган китоб ёзиш унинг савияси билан тенглашишдир», деган лукмаларни эшитиб қоламан. Халқни оёғи билан кўрсатган бу одамнинг оти КИБРдир. «Аллоҳ бир-бирингизга молу жонингизни, обрўйингизни муқаддас қилди», дейилади Ҳадиси шарифда. Сиз «савияси кўтарилмаётган халқ» деб таърифлаган одамлар елкаси елкангизга тегиб турган замондошингиз-ку! Ҳақ қўлингизга қалам бериб, сизни уларга масъул сайлаб қўйибди-ку! Сиз эса димоғингизни кўкка қадаб, «менинг ақлли битикларимни келажак тушунади» дейсиз-а! Аввало, сизни сиз билан бир хаводан нафас олиб, бир хил нон еб, бир қозонда қайнаётганлар тушунмаяпти-ку, келажак тушунадими? Қолаверса, келажакдаги зурриётлар ақллироқ бўлишини хоҳласангиз, уларни дунёга келтирадиган бугунгиларни юксалтиришга кўмак беринг. Бу юмушга сиздан, мендан, ўзимиздан бошқа масъул одам йўқ!

Буюклик ҳамиша оддийликда намоён бўлади. Тоғларнинг буюк нуқтаси чўққидир. У шу туришида нақадар оддий, тушунарли ва ҳаммага бирдай кўринади. Ҳамманинг унга интилгиси келади. Ўша оддийликка етказсин ҳаммамизни!

ЎЗИМ ҲАҚИМДА

– Болалигингиз ҳақида гапириб берсангиз.

– Асли андижонликмиз. Болалигим Тошкент шахрининг Чорсу даҳаси, Кўкмачит маҳалласида кечган. 82-мактабда ўн йил таҳсил олганман... Оилада тўртинчи фарзандман. Менгача уч акам қазо қилган. Исмимнинг маъниси шундан. Ҳар гал болаларини рўйхатдан ўчириб келавериб адо бўлган ота-онам яшаб кетишимга ишонмаганим, туғилганлигим ҳақида гувоҳнома ҳам олмаган эканлар. Ўн беш ёшимда ҳукуматнинг хизматчилари эшикма-эшик юриб мени ҳужжатли қилганлар. Мендан кейинги икки синглим ҳам яшаб кетишмади, уйимдагиларнинг титраб турган жони мен эдим. Дадамжонимнинг хиргойиси эртаю кеч «Турсунбиби, Турсунбиби» дейиш эди. Онам эса менга тайинли бир иш буюрмас, гарчи ўзимиз танг яшасак-да, эрталабки нонуштам ҳаргиз «мукофот»сиз бўлмас, танतिकлигим ҳаддан ошса ҳам, биров мушугимни пишт демас эди. Дадам бозорга ҳам, тўйга ҳам, чойхонага ҳам менсиз бормасдилар. Ёшим ўн-ўн иккидан ошиб, бўйим кўриниб қолгачгина эргаштирмай қўйдилар. Ох, дадам-а, дейман энди. «Мана мен ҳам отаман, ёним курук эмас, зурриётим бор», деган маънода ёнбошларига тиркаб юрарканлар-да...

– Яна нималарни эслайсиз?

– Ҳовлимиз кутидайгина эди. Баҳор келганини бўғотдаги майсадан билардик. У пайтлар шифер,



тунука томлар деярли бўлмас, уйлар, асосан, лой билан ёпилар эди. Қиши билан томимизга баҳор келишини кутиб чиқардим. Ховлилар бир-бирига занжирдай уланиб кетган, томма-том юриб кўшни маҳаллагача ўтса бўларди. Бир-бирини етаклаган бу томлар баҳорда лолазорга айланар эди. Онам мени нукул томдан топиб тушардилар. Бошингда поёни йўқ фируза осмон, оёғинг остида ховлиларнинг бошига кийилиб қолган қизғалдоқзор! Болалигимнинг алвон рангли кенгликлари эди у...

Яна бир гўзалликни соғиниб яшайман: у пайтлар қиз бола оти борки, сочи узунми, калтами — ёппасига дўппи кияр эди. Энг чиройли ва энг гавжум бозор дўппи бозор бўларди. Ўзимиз ҳам етти-саккизтамиз бир ховлига тўпланиб олиб дўппи тикардик. Кизакларига ипак билан байтлар битардик...

Кизлар турмуш кургунга қадар, хатто кечикиб узатилсалар-да, асло рўмол ўрамасдилар. У кизларнинг хунуги бўлмасди. Турфа нусха дўппилар кийиб, сочларини майда ўрдириб олган кизлар бугунгилардан юз бора мафтункоррок эдилар! Сочи узун кизларнинг баҳоси баланд бўларди. Байрамларда биз, кичкиналар, атайи катта кизларнинг сочлари ва дўппиларини томоша қилгани чиқардик. Сочпопукларни сочимиз узун бўлишини тилаб тақардик-да!

— **Синфдошларингиз ҳақида гапирсангиз.**

— Уларни зор бўлиб эслайман! Мактабимизнинг биноси хашаматли бўлмаса ҳам, хамиша покиза ва тартибли эди. Кадрдон синф хоналарини, муаллимларимни ҳар эслаганда соғинчдан юрагим зиркирайди! У даврлар хотирамнинг энг порлок,



энг азиз варақларидир... Қошлари пиликдай, йирик кўзларининг қарашлари юрагимда муҳр бўлиб қолган синфдошим Азиза Қосимовани эслаяпман. Унинг туфлисидан то лентасигача яраклаб турар, кийимлари қанча кийса ҳам, ҳеч эскирмас эди. У жуда тамизли гапирар, энг шўх болалар ҳам дарҳол унинг сўзига кирар эдилар.

Юмшоққина феълли Бахтиёр Хидоятовни айтсам: у ўша пайтдаёқ «профессор» деб ном олган, доскага чиккудай бўлса, ўқитувчини ҳам шошириб қўярди. Ҳозир у донгдор шифокор бўлган.

Ўғилболача шиддатли Муҳаррам Раҳимовани айтмайсизми, ўқишни ҳам жойига қўярди, ғашига теккан ўғил болаларни ҳам жойида бопларди! У узок йиллар катта фабриканинг раҳбарларидан бири бўлиб ишлади.

Оғзидан боди кириб-шоди чиқадиган Аъзамимиз бор эди. Саломдан бошқа ҳамма сўзига сўкиш кистириб айтар, аммо унинг мардлиги ҳам, меҳрибончилиги ҳам бениҳоя эди ва уни бутун синф ёктирардик... Биз мактабли йигирма бир бола битирганмиз, агар қўйиб берсангиз, синфдошларим ҳақида йигирма бир соат гапиришим мумкин...

– **Биринчи ўқиган китобингизни эслайсизми?**

– Биринчи китобни эслолмайман, ҳойнаҳой эртак китоб бўлса керак. Аммо девоналарча китобпараст эдим! У пайтлар мактабларда кутубхоналар бўлмас эканми, китобларни қўлма-қўл ўқир эдик. Китобнинг катта-кичиклигидан қатъи назар, қўлга тушган куни ўқиб чиқиш шарт эди. Мени беркиниб олган бурчакларимдан топиб олаверишса, томга чикволиб ўқир эдим. «Бу ўқишида жинни



бўлиб қолади!» деб онам китобларимга хужум қилганлари-қилган эди! Бир куни уйдагилар ухлаб қолгунча пусиб ётиб, ярим кечада айвоннинг кирғоғига орқа қилганимча, китобни ой нурига солиб ўқиб чиққаним эсимда. Ўша китобнинг номи «Пахтаой ва Чигитвой» эди.

Ўлиб-тирилиб китобга пул йиғардим, оилада эса тангчилик эди. Чорсуга дастёрчиликка тушдим дегунча китоб дўконига кириб олиб, токчаларига термулганим-термулган эди. Бир куни «Олтин калит ёки Буратинонинг бошидан кечирганлари» китобини кўриб қолдим. Китобфуруш ҳам уни мактади. Ана кўринг томошани! Онам нима иш буюрса, «китобга пул берсангиз, қиламан» деявераман, унисига кўнмаса, «пул бермасангиз, овқат емайман» дейишга тушаман. Бу ҳам иш бермаса, эзилиб-эзилиб йиғлашга ўтаман. Онамжоним охири ўша пулни бериб қутуладилар. У китобни олгач, бағримга босганча уйга югуришимни кўрсангиз, бамисоли учиб бораман, орада уни хидлаб-хидлаб ҳам қўяман, бу китобнинг эмас, мен учун гўё бахтнинг хиди эди у! Болалигимни энг мафтун қилган ўша китоб бўлган, мен уни деярли ёд билардим.

– **«Икки» баҳо олганмисиз?**

– Олар эдим, жисмоний тарбиядан. Оиламизда бола турмай, ёлғиз менга термулиб қолганлари учун анчайин эркатой эдим, ўлмаса бўлди деб, менга қаттиқ тарбиявий талаблар қўймас эдилар. Қарабсизки, уйда жисмонан пишмаганим учун, мактабдаги жисмоний тарбия дарсида энг лапашанги мен бўлардим! Уялиб ўлай дердим, шу дарс бор куни дунё кўзимга қоронғи эди. Жовдат



Мангутов деган тилло ўқитувчимиз бўларди, уни бутун мактаб яхши кўрарди. Фақат менгина ундан кўрқардим. «Эх, Садыкова, мен сендан хафаман» деб койир, чоракларимга амаллаб «уч» чиқариб кўяр эди.

Шу дарсга боғлиқ бир хангомани айтиб берай: ўнинчи синфнинг битириш имтиҳонлари бўляпти, назаримда географиядан эди, шекилли. Мен жавоб бераётган эдим, шу пайт бир сураткаш кириб, расмга олиб кетди. Бир-икки кундан кейин шов-шув! «Сени Мангутов қидиряпти, Мангутов қидиряпти!» деб қолишди. Бир маҳал домланинг ўзи асабий кириб келди, кўлида «Ўзбекистон физкультурачиси» газетаси: «Эх, Садыкова, яна сен жоҳлимга (у крим-татар лаҳжасида гапирарди) тегдинг, ўки!» деди. Газетада оқ лента, оқ фартукларда имтиҳон топшираётган менинг суратим турарди ва тагига ёзиб кўйибди: «Мактабларда битириш имтиҳонлари давом этяпти... Турсуной Содикова 2-разрядли спортчи, мактабни битириб, физкультура институтига кирмоқчи». Мен домлага хангу манг қарайман! «Аълочилар бу ёқда қолиб, чемпион сен бўлдинг-ку!» деди у қошларини кериб, зардали оҳангда. Ва бирдан хандон отиб кулиб юборди, «Эх, Садыкова, Садыкова», деди елкамга қоқиб!.. Эҳтимол у пайтлар спорт институтига ўзбек кизлар кам кирса керак, ташвиқот қилинлар деса, хомроқ мухбир шу тарзда иш битириб кетибди...

— **Мактабда муҳаббат мавзусига қандай қарайсиз?**

— Болалик, ўсмирлик дунё рангларини танишдаги биринчи босқич, буюк танишиш босқичидир.

Нима учун «буюк»? Чунки умрингнинг бошқа бекатларида хайратинг, хаяжонинг асло болаликча бўлмайди! Болаликда ҳар янги нарсани таниганингда оловланасан, уни байрамдай қабул қиласан. Бу даврга нисбатан «муҳаббат» сўзини асл маъносида ишлатиш унчалик жониз эмас. Ўсмирликни ёктириш, суйиш фасли десак дуруст. Хали бир муаллиманинг узун сочларига бағишлаб шеърлар битсак, хали кийим ярашадиган бир ўқитувчимизни томоша қилгани зимдан эргашиб юрардик. Кинодаги бош қаҳрамонга ошиқ бўлиб қолиб, кечалари йиғлаб чиқишларни айтмайсизми!

Ўсмирлик вояга етиш йўлидаги зинапоядир. Ҳар янги зинага кўтарилганингда янги бир гўзаллик сени маҳлиё қилади, яна кўтариласан, бу ердаги оҳанрабо олдингисидан ҳам ўткир бўлиши мумкин. Ва шу тарзда бу жараён такрор-такрор содир бўлавериши мумкин... Мактабда бошланган муносабатлар, балки кейинчалик муҳаббатга айланиб кетар, аммо ўша қутлуғ кунгача сабр қилиш лозим, оҳорни тўкиб қўймаслик керак! Ўсмирлик юракни уйғотади, севиш туйғусини қўзғатиб беради, холос, бу ҳолатни шошиб-пишиб «муҳаббат» деб қўйсак, ютказамиз. Шошилтиргувчи ҳамиша шайтондир, аввал туйғуларни тиндириб, тафаккур билан сара-пучакка ажратиб, сўнггина бир тўхтамга келмоқ лозим.

– **Сизнинг назарингизда ҳозирги болалар билимга чанқоқми ёки сизнинг ёшлик даврингиздагиларми?**

– Кай юрт, қайси замонда бўлишидан қатъи назар, «бола» аталган мавжудлик билимга ўта чанқоқ бўлади. Унинг изҳор қиладиган сўзи – са-

вол, ўйлайдиган ўйлари – савол. У доим тимирскиланади, болаларча тажриба ўтказди, буюмларнинг ичини ёриб кўради, тақиқланган жойга бориб кўради, «мумкин эмас» деганини еб кўради! У ҳамма нарсани тезроқ, тезроқ билишни истайди! Ҳамма даврда ҳам шундай бўлган.

Бугунги ёшлар китобни кам ўқийдилар, деган гапларни эшитаман. Бу тўғри. Аммо уларнинг билимга чанқоқлиги камайган эмас. Фақат улар юзлаб китобларни телеэкранларда ўқишяпти. Бизнинг ёшлигимизга солиштирганда бугунгилар билимлироқдир, чунки телевидениедан истаганча ахборот оладилар. Аммо бизнинг авлодни ҳозиргилардан бир устуворлиги бор: биз китоб билан нафас олар эдик, ундаги қаҳрамонларга ўхшашни машқ қилардик, китоб ҳеч зараримизга ишламас, бизни яхшилик сари улғайтирар эди. У ишончли дўст эди. Аммо телевизор ҳамиша ҳам дўст эмас. Йигирмадан ортиқ каналлар, видеокассеталарнинг фойдасидан кўра зиёни кўпроқ. Уруш, ўлдириш, бепарда муносабатлар руҳиятни яралайди, саёз мавзулар дидингни ўлдиради. Болага уларнинг бири сингса, бири зўриқтиради. Бугунги ёшларнинг ютказаётган жойи шунда.

– Мен бир нарсани кузатаман ва ҳайратланаман: кўпинча мактабнинг энг олди бўлган, аълочи, чиройли қизларга нисбатан ўша пайтда бировнинг эътиборига тушмаган, ҳеч бир жиҳати билан ўзини кўрсатолмаган қизлар тиниб-тинчиб, бахтлироқ яшайдилар. Шу ҳақда фикрингизни билгим келди.

– Энг аввало, ёшлиқда ниятни бутун қилиш керак, инсонлар, асосан, ниятларига яраша яшай-

дилар. Ҳеч кимга зарари тегмайдиган орзулар қилгин, покиза режалар тузгин, ҳамма бахтли бўлсин, мен ҳам уларнинг қаторида бўлай деб тилагин.

Қолаверса, тенгдошларининг олди ҳисобланган қизларда маълум даражада ўзидан ғурурланиш туйғуси бўлади, бунинг оти – кибр! Бунинг устига, мақтов олиб ўрганган одам, яна макталгиси келаверади, бунинг оти – шухратпарастлик! Одамларни камситиш, нокамтарлик, дил оғритиб қўйиш каби гуноҳларни кўпроқ ўшалар содир этадилар ва табиийки, жазосиз қолмайдилар. Яъни, ҳадеганда ишлари юришмай туради.

Кўзга яқин бўлмаган қизлар эса мақтов қутмайдилар, табиатан синик бўладилар, бориға шукр қиладилар. Уларнинг юраклари андак армонли. Бундайларга Аллоҳ ёрдир. Уларнинг армонларини Ўзи олади ва камтарликлари, сабрлари эназига бахтларини бутун қилади, иншооллоҳ.

– **Воизлик хусусида гапирсангиз.**

– Воизлик илм ва санъатнинг минбардаги омихта кўринишидир. Қолаверса, воиз – даъватчи, даъватчиликнинг эса сиру синоатлари борлигига ишонаверинг! Синоатнинг бири шуки, воиз минбарга оёқ қўйгандагина жисмига куч киради, тингловчининг кўзига-кўзи тушгандагина қулфи дили очилади, керак гапни топади. У бир мавзунинг элликта даврада эллик хил усулда ёритиши мумкин. Унинг юраги булбулзор, бўғзида оҳанг қайнайди! Ибодатда ўтирган киши вужудини бир нуқтага тўплаб, кўзию юраклари намиқиб ихлос билан илтижо қилгани каби, воиз ҳам минбарда симобдай титраб туради. У воизгина эмас,



рухшунос ҳамдир, эшитувчининг қаери давоталаб эканини кўриб туради ва бор кучи билан ўша жойига малҳам бўлиб тушишга уринади. Воизнинг нутки юракларни эритувчи бир қўшиқдай: авжлари титроқли, сўзлари камалак рангли, овоз пардалари қочиримларга бой бўлиши керак. Яхши нутқ ирод этилаётган пайтда воиз қай томонга тебранса, тингловчилар ҳам ўша томонга тебраниш даражасига боради. Воиз дафтарга тўпланган хужжатлар, китоблардан кўчирилган иктибослар ёрдамида мавзу ёритиб берувчи нотик эмас, минбарда муолажа олиб бораётган табибдир.

— **Фарзандларимга кўнгилдагидай тарбия бердим, деб ўйлайсизми?**

— Йўқ-да! Аввало, кўнгилдагидай она бўлолмдим. Юмушим кўчада бўлди. Маромига етказиб меҳр беролмдим, яйраб, тўйиб суя олмдим. Кўзларидаги бахтиёрликни кўпайтиролмдим. Мен болаларимнинг олдида энг кўп қарздорман. Боланинг юмуқ хужайраларини, истеъдод куртакларини уйғотадиган онадан бошқа энг яқин, энг таъсирли яна ким бор, ахир? Биз юфиллик билан «она фақат бола учун» фарзини унутдик-да, «бир киши ҳамма учун» деган оломонга қўшилиб кетдик. Балки мендан бошқасида тарбият топганларида, фарзандларим бугунги кўринишларидан ҳам аълорок бўлармидилар...

— **Фарзандингизни қандай тинглаб, у билан қандай кенгашасиз?**

— Бу саволингиздан юрагим увишди. Ортга бетламайгина назар ташладим. Бу ёғини сўрасангиз, ҳозир мен учун нақд хирмон кўтарилаётган пайт экан. Аммо нима бўлса-бўлди энди, болалар ўз

йўлларига тушиб бўлишди! Бу ёғи эрканингни оладиган қисмат!

Хаёлан болаларим томон бўйлайман: кўпол хатолар содир этмадимми, уларга нисбатан ҳар доим ҳам адолатли бўла олдиммикин?.. Шукр, беҳисоб шукр, эл каториман! Ўғил-қизларим жами камимни тўлдириб ташлайдиган, топармон-тутармон бўлмадилар, аммо зиёли бўлсалар-да, ёғоч, лой, чок ишларидан парҳез қилмайдиган, хунарманд, ҳаромдан қаттиқ кўрқадиган, камсуқум болалар бўлишди. Илоҳим шу феълларини ҳамиша асраб берсин! Каттаси ўттиз еттига, кенжаси ўттизга бориб қолди, лекин ўйлаб кўрсам, бирортаси бирор марта отаси-ю менга гап қайтармабди, дилимизни оғритадиган бемаслаҳат иш қилмабдилар. Тўрталаси ахил, атиргул новдаларидай бир-бирларига чирмашиб юрадилар. Мен учун энг баланд доvon шу, Аллоҳдан бундан ортиқ мукофот кутган эмасман.

Болага зор оиланинг фарзанди бўлганим учунми, ё табиатан юрагим юмшоқми, ёят болажон бўлдим. Турмуш кургунимга қадар ҳам, ота-онамнинг улуғ ёшларида худо берган икки укам ҳаётимнинг мазмуни эди. Иккисини икки қорачиғимга жойлаб олгандим. Қаёққа қарасам, фақат уларнигина кўрардим. Дастлабки тарбиячилигим ўшалардан бошланган.

Болаларим туғилгач, бамисли иккичи ўқувчидай ўзимдан ҳафсалам пир бўла кетди. «Фарзанд», «оналик салтанати» деган мукофотга лойиқ бўлиш ҳаракати, изтироби бошланди. Ўқиб, эшитиб, кўриб... дегандай билмаганларимни ўрганишга тушдим. Болаларим келажакда ким бўларкин, деб

ўйлаш қаёкда, оналикни ўхшатыпманми, йўқми — шу ўй мен учун энг муҳими эди...

Мен ота-онамга, устозимга, қўйинг-чи, ёши ка-молотга етган инсонга қандай зийрак турсам, яъни бор ақлим ва фазлимни тўплаб муносабатда бўл-сам, боламга (олти ойликми, олти яшарми, ўн олти яшарми — бундан катъи назар!) шундай хушёр ту-рардим. Гапирса, астойдил эшитардим, боғчадагию мактабдаги ҳаётига юрак-юракдан қизиқаётгандай тутардим ўзимни. Берилиб эшитишимдан улар ҳар гал яйраб, очилиб-сочилиб кетишарди.

Болаларга қўл кўтаролмасдим, хатоларини кай-фиятига сиғадиган пайтдагина кўрсатардим. Бун-дай вазиятда ҳеч кимни гувоҳ қилмасдим. Қаттиқ ранжисам, бир кун-ярим кун гаплашмай қўярдим. Шунинг ўзи етарли бўларди.

Жавдираб, мўлтираб, гоҳо ҳаяжонланиб, яй-раб ёки бир нарсани бутун вужуди билан хоҳлаб, интилиб турган боланинг кайфиятини синдириш-дай ёмонлик йўқ дунёда! Боланинг юраги синса, шишадай синади, ўша жойини бир асрлик умр ҳам бутунлай олмайди. Яратган берсин, берсин, фаросат ва инсофни атрофдаги катталарга бер-син! Биз, ёши катталар, қанча донолик қилайлик, минг хил рангда товланайлик, аммо ҳақиқий ба-ҳоимизни болалар бериб туради, суратимизни энг тиниқ чизадиганлар, аммо ичига ютиб юрадиган-лар ҳам шулар. Эҳтиёт бўлайлик. Етук ёшимиз билан ноқобиллик қилиб, ўзимизга жазо чорлаб юришимизни-ку, қўя тулинг, аммо катталар туфай-ли, бу ёруғ дунёга эндигина кириб келаётган бо-ланинг одамлардан ҳафсаласи пир бўлиши, кўзига

бемахал ёш қалкиши фожиадир! У энди маълум даражада кемтик инсон бўлади, аламзада бўлади, қарабсизки, у ҳам атрофга малолли ишлар кила бошлайди! Ана шуниси кўрқинчли!

Болани: «Бола-да!» деб бўлмайди. Бир томчи шабнамда қуёш акс этгандай, бир парча болада Аллоҳнинг ҳамма мўъжизаси муҳайёдир! Чакалок туғилган захоти онасининг қорнига дум ётқизиб қўйилса, сирғана-сирғана, бурунчаси билан ҳидлай-ҳидлай, она кўкрагини ўзи топиб оларкан! Қойилмисиз?!.. Бола – покиза нигоҳ, кўрганини ўчмайдиган килиб ёзиб қолади! Унинг қошида ёмон сўзлар айтиш, хунук алфозларга тушишдан тийилиш керак, азизим!

Мен болаларим билан тенгдошдай гаплашардим. Ўрни келса, ёши кўтарадиган ташвишларимни айтиб, ўртоқлашардим ҳам, ҳозир ҳам шундай. Отаси билан рўзғорда нима тугади, маош чиқса, нимани нимага сарфлаймиз каби маслаҳатларни ҳам, энди ўйласам, болаларнинг даврасида гаплашарканмиз. Ва бу ишни тўғри қилар эканмиз, бола ва ота-она ўртасида бетон девор бўлмагани маъқул экан, фарзандинг ҳолингга айланадиган бўлиб ўсаркан. Бир мисол: кичкинтойим биринчи синфдайди шекилли, бир куни хижолат бўлибгина: «Ая, ойлик олдингизми?» деди. «Йўқ», дедим. Эртасига яна сўради, индинига яна. «Қани, нима олмоқчисиз, айтинг-чи, ўғлим», дедим. «Йўқ, майли, пулингиз чиққанда айтаман», деди қипқизариб. Қийин-қистовга олиб охири айттирдим. «Ўчирғич олмоқчи эдим», деса бўладими! Боламнинг андишаси учун, инсофи учун миннат-

дор бўлдим, аммо бизнинг ҳолимизга айланиб, шунча ўй-санога қолганига қай пайтгача юрагим ачишиб юрди... Умрингдан барака топкур болаларим эсини танибдики, «фалон нарса олиб беринг» ёки «фалон нарсани кийгим келяпти» дейишган эмас... Бугунлик кунда эса, улар мен учун отам, онам ўрнидалар. Энг тайинли, чиройли маслаҳату юпанчни шулардан оламан, минг шукр!

– **Хафачиликни, ғазабни қандай енгасиз?**

– Зарбга учрашнинг биринчи куни энг оғир кун. Кўзингга кон тўлиб, асабларинг симдай тараглашиб, юрагинг портлашга тайёр туради. Агар шу тобда тилингаю қўлингга эрк берсанг, албатта, портлаш юз беради! Шунинг учун, сени хафа қилганни бошлаб қўйишни ёки қаттиқ койинишни ҳар гал эртанги кунга қўй. Эртаси куни олов сал пасаяди, яна бир зўр бериб тилингни қулфлагинда, тўқнашувни яна бир кунга сур. Учинчи куни дилинг сал оғриб туради, аммо асаб тўлқинларинг тинган бўлади. Ва ўзинг «шу ишни бугунча ҳам ўйламай турай», деган фикрга келиб қоласан. Тўртинчи куни ажиб ҳолат юз беради: осойишта уйғонасан, юрагингдаги тегирмон тоши кўчган, кўнглингга дунё сиғиб қолган бўлади. Уч кун бурунги ҳолатингни ўйлаб уялиб кетасан, «яхшиям у деб юбормабман, яхшиям бу деб юбормабман» ёки бўлмаса, «шугинага ҳам сиқилибманми?» дейсан. Таҳлил қилиб кўрсанг, хафа бўлишга арзимайдиган нарсага шунча бўғилибсан. Сени ўртага тушириб, шарманда бўлишга ундаган нарса шайтон эди. Яна яхшироқ таҳлил қилсанг, бу ҳолатнинг юз беришида ўзингдан ҳам хато ўтган бўлади. Хижолат бўла-бўла тинчиб қоласан...

Биз-ку шундай фалсафа юритяпмиз. Аслида, сени тинчлантириб, кўксингдаги зиранчани олиб ташлаган Аллохдир. Чунки сен сабр қилдинг, тишингни тишингга қўйиб шайтонни енгдинг. Бу билан сен ўзингни ҳам, сенга тик келган кишини ҳам синишдан асрадинг. Ва бу Аллох рози бўладиган ишдир. Яратган сабрлиларни хамиша қўлловчидир.

Хулоса: дилингизни оғритган нарсага **уч кун сабр қилинг**, яъни муносабат билдирмай туринг. Уч кундан кейин ҳиссиётларингиз тишиб, довулчақинларингиз кетиб, оғир-босик аклингиз қолади ва у ҳар доим сизнинг фойдангизга етти ўлчаб, бир кесгувчидир...

– **Турсуной опа, бедорлик сизнингча нима?**

– Мен жисму жонимда икки тур бедорлик борлигини биламан. Худо берган қалам туфайли келадигани шундай кечади: кези-кези билан «жаз-з» этадию дилингизга бир нур тушади. Сезиб турасиз – у осмонийдир! У дилингизга кирадию сизни симобдай эрита боради. Хайратгами, иштиёкками айланасиз ва вужудингиз билан шу тафтга тирмашиб оласиз. Уни қоғозга кўчиргунча бетоқат бўлаверасиз, бедорликнинг бошланиши шу.

Дилингизга тинмай қуйилиб турган ёки миянгизга кетма-кет урилиб турган ўша сирли нарсага хали у-хали бу шакл тўнларини кийдириб кўрасиз, бўлмайди, бўлавермайди. Ўтирасиз, турасиз, ховлига чиқасиз, уйга кирасиз, ана бетоқатлигу мана бедорлик! Ўшандай пайтлар қулоғингиз эшитмайди, жами шовқин-тўполон сизга тегмай ўтиб кетаверади, кўзингиз очик туради,

аммо атрофни кўрмайди. Ниҳоят, мисраларга кўча бошлайсиз, кулфи дилингиз ечила боради, томирларингизга тиқилиб, ботиб турган кадоқлар сатрларда атиргулдай очила кетади, ифорида аввал ўзингиз маст бўласиз! Ёзаверасиз, ёзаверасиз, оладиганингизни олиб қолиш ғаниматлигини билиб турасиз. Сал ғофил қолсангиз, чарс-чурс этиб чатнаб турган бу ўт ўчади-қолади. Худди Эркин Воҳидов айтганидай, «Шеър ипи ногоҳ қаламнинг игнасида кочадур!» Ана шу мутлақо заминий бўлмаган оташин ҳолат **ижодий бедорликдир**.

Аёлликнингми, оналикнингми дастидан воқе бўладиган яна бир бедорлик бор. У муҳаббатнинг, меҳрнинг ҳосиласими ёки жонсаракликми, ҳеч билмадим.

Қўл-оёғингиз ҳаракатда, аклингиз банд, сўзингиз, кўзингиз банд, аммо дилингизда бир зирқираш баданингизга тинмай санчилиб, безовта қилаверади: болам кўчадан эсон-омон қайтсинда, ота-онам бугун сўлғинроқ кўриняптими, нега ҳеч нарсага улгурмаяпман, мунча хом бўлмасам, оналикни ўхшатыпманми, жуфтимга яхши эътибор беролмаяпман-да, укаларимнинг ҳамма иши яхши-микин, мендан ҳеч нарсани яширишмаяптимикин, фалончиларни йўқлаш керак эди-да, пистончидан қарзларим кўп-да ... каби ғужғон фикрлар юрагингизни тин олгани қўймайди. Ижод бедорлиги даврий, кези-кези билан содир бўлади. Аммо анови бедорлик! Тобора катталашиб, кучайиб, сизни забт этаётганини устухонларингиз билан туйиб борасиз.

Рўзгор фарзлари

— Қариндошимизнинг қизини севаман, аммо у менга совуқ муомалада бўлмоқда. Бу ҳол мени ўйлантиряпти, ортга қайтсам, ота-она ва қариндошларнинг юзига оёқ қўйган бўлмайманми?

— Ўғлоним, биринчидан, агар у қиз жуда яқин қариндош, яъни амакивачча, тоғавачча ёки холаваччангиз бўлса, дарҳол бу ишни йиғиштиринг, бу бирлик наслингизни фожиага олиб боради, болаларингизнинг бошида ота-онангиз эмас, бир куни сиз куйиб ўтирасиз. Иккинчидан, шуни ёдда тутмоқ керак: мусулмончиликда қиз билан йигит бир-бирига маъқул келсагина никоҳ буюрилади.

Қолаверса, аввал билинг, тақдирингиз ҳақидаги катталарнинг тўхтаидан қиз хабардорми? Агар у бу битимга қарши бўлса, нега норозилигини она-сига ёки сизга секингина шипшитиб қўймапти? Демак, сизда кўнгли йўқ эмас, лекин иккиланыпти. Эҳтимол, унга бир ишингиз ёқмаган ё сиз унга ялинишни, гирдикапалак бўлишни меъёрдан ошириб юборгансиз. Қиздир, йигитдир, юрагидаги борини дастурхон қилиб тўкаверса, ўз кадрини йўқотади!

— Мен ўқиган қизга уйланай дейман. Уйимдагилар бунга қарши. Менга қандай маслаҳат берасиз?

— Ўғлоним, ота-онангизга айтинг, ўқиган-ўқимаганига эмас, наслу насабига қарасинлар. Айниқса, қизнинг онасига ва она авлодига эътибор берсинлар. Аёл ўттиз-ўттиз беш ёшгача ташқаридан ўрганган билимларига амал қилади, ҳеч бўлмаса яхши инсонларга тақлид қилиб яшашга ҳаракат



қилади. Кейин эса томирларида аста-секин унинг зоти уйғонади. У иш жойида олим, ихтирочи, сардор, уйида эса инида кўрганини қилаверади. Бўтам, сиз ини покизасини қидиринг.

— Дунё микёсида қараганимизда кўпгина мамлакатларда ҳар бир оиланинг мустақил турмуш кечириши одат саналади. Бизнинг урфу одатларимиз бунга имкон бермайди. Келин қайнона-қайнотадан ташқари куёвнинг ака-сингилларига ҳам хизмат қилиши керак. Кўпгина ёшлар мустақил яшашни орзу қилиб, ҳатто ота-онаси билан зиддиятгача боришади. Шу хусусда сизнинг фикрингиз?

— Дунё микёсидаги мисолларни қўйиб турайликда, миллий феълимизнинг юрагига кулоқ тутайлик. Илоҳо, келиннинг қўлидан чой ичиб, набираларнинг ўровида қариб, ўғлининг уйи тўрида яйраб ўтириш ҳар бир ўғил боққанга насиб бўлсин!

Энди менга қаранг-чи, ойим синглим! Ўғил тилаган, ўғил боққан — мен билан отаси бу ёқда қолиб, ўғлимни олдингизга солиб, етим қозонингизни қўлтиклаб чиқиб кетсангиз, рўзворингизда барака бўлади деб ўйлайсизми? Қайнона-қайнотасиз уйга келин бўлган мен эдим: яхши-ёмон кунларда дуо бергучим йўқ, жуфтимдан дилим оғриси юпатгучим йўқ. Юкли бўлсам, буни енг, буни еманг, бундоқ кийиниб, бундоқ аялинг дейдиган йўқ. Биринчи фарзандимда орттирган оёқ оғриғимдан ҳануз қутулолмайман. Болам йиғласа, инжиқланса, емай-ичмай гирдикапалак бўлаверибман. Ўзингни тежамасанг, боланг оч қолади-ку, дейдиган йўқ! Айниқса, меҳмонлар келганда қайнонам бўлса, ҳеч

бўлмаса бешик тебратиб ўтирарди деб, ичим зил кетарди.

Аммо сизни ҳам тушуниб турибман. Ажримлар энг кўп ҳолатда қайнона-келин зиддиятлари боис содир бўлмоқда. Лекин уларни айблаб бўлмайди, бу замон камчилигидир. Биз ўқув масканларида оила илмини ўргатдикми, буюк Шарқнинг рўзғор тутумлари ҳақида таҳсил бердикми?! Синглим, Яратгандан сўрайлик, миллатимиз маънавияти аслига қайтсин. «Бу даргоҳдан ҳеч ким норизо кетмаслиги керак», дейдиган Юсуфбек хожилар биздан. «Марғилонда шундай келинимиз бор экану...» дейишни биладиган гўзал лутфлилар биздан. Қизини «болам» деб, келинини «жоним болам» деб чақирадиган назокатли аёллар биздан!

Дунёда ўғил тилаган қанча! Аллоҳ менга ўғил бердими, бу мукофот! Унинг кетидан «сизга чин фарзанд бўлай» деб гулдай келин кириб келди, бу олий мукофот! Бунга мен шукр қилмасам, улар мenden сув ичиб, шигил бокқа айланмаса, ким бўлдим мен?! Ўз боғимга ўзим зуғум қилсам, отим киргин бўлмайдами? Яратганнинг жазосига қоламан-ку, ахир!

Ота-оналикка, қайнона-қайноталикка, жигарбандликка, ўз навбатида фарзандликка ҳам муносиб бўлишни тинмай тиланайлик.

— **Хиёнатга хиёнат билан жавоб бермадим, сабрли бўлиб юрибман. Фарзандларим бахтли бўлиши учун яна нималар қилай?**

— Тутган йўлингиз тўғри. Аммо болаларингизнинг бахтли бўлиши дарғумон. Чунки, дилингизда

қахр тўлиб турибди. Сиз ёмон кўраётган эркак Аллоҳнинг суйган бандаси: уни ҳар қарлаганингизда ё нафрат билан сўзлаганингизда болангизнинг бир иши орқага кетади. Инсонларнинг бир-бирларидан гина қилишлари, аразлаб юришлари, қасд олишга шайланишлари **ЎЗ БАХТСИЗЛИКЛАРИ САРИ ЮРИШЛАРИ**дир!

Аввало, ҳамма нарса Аллоҳдан, қаердан биласиз, Худо жуфтингизни нари қилиб, сизни каттароқ кўргиликдан қутқаргандир балки.

Қолаверса, бизга ниятимиз ва феълимизга яраша улуш берилади, ҳар бир кўрган кунимизни ўзимиз сўраб оламиз. Яхши кунлар учун тинмай шукрона айтмоқ, азиятга йўлиққанда эса, билиб-билмай қилган хатоларимиз учун йиғлаб тавба келтирмоқ керакдир.

Дунёдаги ҳамма ёмонларга Яратгандан яхшилик сўранг, ана ўшанда болаларингизнинг йўли очилади.

– **Болалар нима учун ота-оналарини ҳурмат қилмай қўяптилар?**

– Бу ҳолатга юз фоиз ота-оналар жавобгардирлар. Болалар кўлимизда бамисоли хамир – хоҳласак ундан кулча ясаймиз, хоҳласак патир. Кимнингдир нони бўрсилдок чиқади, кимникидир тандирдаёқ оқиб кетади. Ҳар бир оила – устахона, фарзандлари – шу устахонанинг маҳсулоти. Ва ҳар ким кўлидаги моли учун ўзи жавобгар! Хўш, болалар қачон ота-онани ҳурмат қилмай қўядилар?

– Эру аёл ўртасида тинмай даҳанаки жанг бўлаверса;

– Бола ота-онадан ўринсиз танбех эшитаверса, тахқирланса;

– У керагидан ортиқ эркалатилса;

– Рағбат эшитмаса, меҳр кўрмаса;

– Унга ишончсизлик билдирилса, гумон қилинаверса;

– Ота-она боланинг кўз олдида илмига амал қилмаса, яъни бировларга ёлғон ишлатса, юлғичлик ё тамагирлик қилса, ахлоқан айниса;

– Ота сурункали ичса, аёли ва болаларининг бошини ҳам қилса;

– Онанинг тили ёмон бўлса, эру фарзанд унга ҳар куни нишон ўрнида бўлса.

Айтинг-чи, бундай ота-оналар «болам мени ҳурмат қилсин», деган даъвони уялмай айта оладиларми?

Мана шундай шароитда ўсган болалар аламзада болалардир. Уйидан безийдиганлар, икки оғиз ширин сўз айтилган томонга эргашиб кетаверадиганлар ана шулардан чиқади. Ҳозир-ку улар ота-оналаридан қоникмай, ўқиб турибдилар, бу ҳали ҳеч гап эмас! Энг ёмони, кун келиб, улар кўрганларини ўзлари ҳам такрорлаб кўйишидир! Олманинг тагига олма тушади-да, азизим!

– **Ота-она дунёқарашининг фарзандга таъсири хусусида гаплашсак.**

– Олманинг тагига олма тушади, дедик... Ҳамма балодан қочиб қутулиш мумкин, аммо насл таъсиридан асло қутулолмаймиз. Шунингдек, инсон энг ёмон одамларга қўшилиб, энг оғир шароитга тушиб қолса-да, қонидаги тоза насл чакириклари бир кунмас бир кун, кечиқиб бўлса-

да, уни яхши дунёларга олиб чиқади. Ноёб ихтирочи, истеъдодли ижодкор, уста хунарманд бўла туриб нафсга, ҳасадга, дангасаликка ёки бефарқлик, ё баджаҳллик, ё тушкунликка мойиллиги бўлса, билингки, буни унга зоти узатиб турибди. Ўзи елиб-югуриб илму хунарга етишади, олим ҳам бўла олади, аммо одамийлик мартабасига чиқолмаслиги мумкин.

Ҳақиқий халқпарварлик, миллатпарварлик ихлос билан зотнинг тозалигини асраш, насл нуқсонларини тўғрилашга ўзни астойдил бағишламакдир.

Боланинг туп қўйиб, палак ёзадиган замини — она. Бола жисман, маънан оладиганининг тўқсон фоизини онасидан олади. Демак, зотнинг сифат унсурларини, асосан, оналар ташийдилар. Биз, тарбиячиларнинг, энг зарур ишимиз ва ҳар кунги юмушимиз **қиз бола тарбиясидир**.

Дейлик, зотингиздан комил инсонлар кўп ўтган, ўшалардан қолган файзли феъл-атвор билан яшаб келаётган эдингиз, аммо ғофиллик билан қизингизни нобоп жойга бериб қўйдингиз, буни сиз кўргилик ҳисобламанг ва ортикча қайғурманг: эдингизда бўлсин, болаларига асосан қизингизнинг ички дунёси ўтади, қарабсизки, набираларингиз шарофати билан қизингиз борган жой тозара бошлайди! Сиз бари эҳтиёткорликни келин олишда ишлатинг! Келин ўз ота-онасидан олган дунёқараши билан зотингиз йўлини ўнглаю чапга буриб юбориши ҳеч гап эмас. Дадам раҳматлининг бир гапларини доим эслайман: отаси ёмон — биттаси ёмон, онаси ёмон — ҳаммаси ёмон!

Биз кизларимизга ёруғ дунёдан қандай фойдаланишни ўргатишдан аввал дунёнинг баҳосини, унинг қадрини, энг буюк неъмат инсон эканлигини, уни тушуниш ва унга ёқиш илмини ўргатишимиз фарз, ҳам қарзидир!

Сайру саёҳатларга қизларимизни энг кўп олиб борайлик, токи дунёлари кенгайсин. Санъат, айниқса, китоб, мусикага меҳрини туширайлик, токи юраклари латифлашсин. Аёл жами бунёдкорлигини сўзи орқали яратади – унга муомала маҳорати, сўз айтиш илмини берайлик: оғзаки нутқ машқларини мукаммаллаштирайлик, суҳбати ширин одамлар даврасида кўпроқ иштирок эттирайлик. Қизимиз қошида ота-оналикнинг энг ширин, ибратли муносабатларини кўрсатайлик! Токи ундан имонбой, нозиктаъб сулолалар тарқалсин.

– Эрим казо қилди. Ўзим ҳеч жойда ишламайман. Эримдан қолган жамғармани бир дугонам савдо масаласида шерикликка сўраяпти. Бу судхўрлик бўлиб қолмайдими?

– Саидахон, аввало, шаънингни эҳтиёт қил, «боши очиқ аёлнинг бошига жами гумон келиб қўнаверади», деган гап бор. Сен дарҳол муомала қиладиган одамларингни элакдан ўтказ. Феълида чатоғи, элга ҳазм бўлмайдиган қилиқлари борлар билан алоқани уз. Сенга теккан гап болаларингга ҳам соя солади. Сен энди ўзинг карвонбошисан, ҳар кимга эргашма.

Умр йўлдошингдан қолган нарса фарзандларнинг мулки ёки сенга берилган ризқ. Ўйлаб ишлат! Кўпроқ бўлса, боғ қил: эртага болаларингни



боқади. Ҳеч йўқ теракзор тикла, ёғоч бўлади. Ё қўй боқиб кўпайтир, баракаси тугамайди. Ёки хунар ўрган ва бу пулни дастмоя қил! Ёки фарзандларингга устоз ёллаб илму хунар ўргат. Ёки бўлмаса, отасидан ёдгор бўлади: кичкина бўлса ҳам бир бошпана олиб қўй, фақат бетайин со-
вурма! Ўртоғинг эса сени судхўрликка чорлаяпти, пулинг беш баравар кўпайиши мумкин, аммо гуноҳкорлар каторига ўтиб қоласан, рухларни чиркиратма!

— Бир эру хотин умр бўйи жанжаллашиб яша-
шади, меҳр-оқибат йўқолиб бўлган. Ўртада фар-
зандлари бор. Бу чидаб яшашга маҳкумлики?
Улар бахтсиз ҳаёт учун дунёга келишганми?

— Лукмони Ҳакимдан «қандай қилиб бу дара-
жотга эришдингиз?» деб сўрасалар, «Ёмон ишлар-
нинг тескарисини қилиб», дея жавоб берган экан.
Моҳираой, сен тилга олган жуфтлик ўзини қурбон
қилиб, атрофга сабоқ бермоқда. Ҳеч йўқ шунинг
учун Аллоҳ уларни кечирсин! Сен уларни кузат
ва таҳлил қил.

Бу эру хотин жанжални касб қилиб олиптилар.
Аммо уларнинг умри кунда бир кунга кискаряпти.
Хуснлари кунма-кун ўнгиб, қувватлари ҳам ка-
майиб боряпти. Не-не ғанимат тонглар отиб, не
гўзалликлар йўқликка кетиб бормоқда. У эру аёл
эса бу неъматларни кўрмаяпти, маза қилмаяпти
ахир! Улар ғофиллардир, уларнинг дилини Аллоҳ
қулфлаб қўйган. Агар ҳар жанжалдан уларга пул
унса эди, ё бўйлари ўсса эди, манфаат йўлида шун-
дай қиялти десанг! Ахир, ҳар бақиришганда бир
асаб томири узилиб, юраги қон бўлиб, бу томоша-



лар ичида болаларнинг тарбияси ҳам, саломатлиги ҳам бўлганича бўлиб боряпти-ку! Уларнинг ақли носоғ, соғ бўлсалар бундай қилмасдилар.

Ха, Моҳира, улар шундай яшашга махкум! Улар шундай ҳаётга лойиқ! Улар жуфтлик буюк саодатмандлик эканини билмайдилар, «бахт»ни танимайдилар. Танисалар, унга томон интилардилар. Уни яратишга, унга лойиқ бўлишга ури-нардилар. Улар энди орага ўлим тушгандагина умр йўлдошликнинг қадрига етадилар. Энг керак, энг азиз кишиси билан бир умр уришиб ўтганлари учун чандон куядилар. Ҳаётини исбот шуки, тотув яшаган эр-хотиндан кўра, жанжал-тўполон билан яшаганларнинг бири казо қилса, иккинчисининг ҳам эргашиб кетиши нисбатан кўпроқ учрар экан.

— Эр-хотин қайнонамнинг кўнглига қараб яшаймиз. Шу кунгача орадан ўт чиқармай, гап-сўзсиз, тинч келямиз. Аммо онамизнинг бир вазирати одатлари бор, биз қаерга борсак, бирга борадилар. Ахир, умр йўлдошларнинг тоҳида холи айлангиси ҳам келади-ку!

— Ҳар кимни ёшига, шахсига номуносиб ҳаракатлар қилишдан асрасин! Ўғлини келиндан қизганиш, келиннинг чиройига ҳасад қилиш, кунларини араз, димоғ, жанжал қидириш билан ўтказиш имонсизлик белгисидир. Бундай одамни тузатиш, тарбиялаш мумкин эмас, уни Аллоҳ кечирсин! Бундайларга раҳм қилиш даркор, чунки у бу дунёю у дунёда бахтсиз одам.

Қизойим, сенинг қайнонанг ундай эмасу фақат озгина калтабинлик қияпти экан, майли, эргашса

эргашаверсин. Бунн малол олма. Шу билан хурсанд бўлса, бўла колсин, вақти келиб, томошаларга боришга эриниб ҳам қолади. Сен сабр қил, бунинг эртанги кунингга кўп фойдаси бор: аввало, қачон эсласанг, юзинг ёруғ – қайнонангнинг кўнглига қараб ўтгансан, қолаверса, кун келиб, келинларинг ўзингдан кўра ўн бора меҳрибон ва мурувватли бўладилар ё Яратган йўлингга шундай одамларни чиқариб қўяди.

– **Ҳамма билан бир хилда тил топишиб яшаш учун ҳам инсон маълум тажрибага эга бўлиши керакми? Муомала ва муносабат ҳам санъаткорликни талаб қиладими?**

– Бу ёруғ дунёни кўзингга тор кўрсатадиган ҳам, кенг кўрсатадиган ҳам одамлар. Ишинг факат шуларга тушади. Улар билан ҳисоблашиб муомала қилсанг, йўлинг очилади, бўлмаса йўқ! Муомала санъатгина эмас, балки илм ҳамдир. Уни эгаллаш учун сендан катта тадориқ сўралмайди: муҳими доим зийрак тур, бировга ботадиган иш тутма, яъни танлаётган сўзинг, овозингни қайси пардага қўйиб гапиришинг, кийинишинг, ҳаракатинг, ҳаттоки юз ишораларингни-да назорат қил, бировга малол келмайдиган бўлсин. Кишининг ҳолига айланиш, яхшилик илиниш, кечириш ҳам бировга ёкиш йўлидир. **Ҳеч қачон ҳеч кимни ўзингга чидашга мажбур этма!** Бировнинг ғазаби, норозилиги ичра яшаш заволга учрайдир, азийим.

Пайғамбарлардан бири, «биз, пайғамбарлар, ҳалойиқ ақлига яраша гапирмоққа буюрилдик», деган экан. Пайғамбарларки ўзларини шундок тутган бўлса, биз ўзимизни билайлик экан.

— Отам онамдан ажрашиб, фарзандли бир аёлга уйланиб кетган. Дунё бир айланиб, бир қиз билан севишиб қолдим. Кейин маълум бўлдики, у ўша, ўғай онамнинг бошқа турмушидан бўлган қизи экан. Мен унга уйланмоқчиман, аммо ҳамма қарши чиқяпти. Нима қилай, муҳаббатимдан воз кечмоқчи эмасман.

— Ўғлоним, бу муҳаббат хосиятсиз кўринадир. Сизнинг ичингиз битсаю бошқаларга ўнғайсизлик туғдирадиган бўлсангиз, кимнингдир дили оғриса, кимдир норози бўлса, сиз бахтли бўлолмайсиз, ўғлим. Сизга эса бахт керак.

Иккала она уйингизга яйраб кириб келолмаса, кудалар кудалардай бир дастурхон атрофида йиғилолмаса ва ҳоказо... Бир умр давом этадиган бундай хижолатчилик ичра муҳаббатингизга етганингиз ҳам татимай қолади. Бу сиз ҳеч қачон яйрамайсиз дегани! Рўзғор фақат келишув билангина рўзғор бўлади, буни унутманг, ўғлим. Уйингиздагилар билан бамаслаҳат уйланинг.

— Турмуш қурганимизга тўққиз йил бўлди. Олти фарзанд кўрдик, уч кунлик бўлиб ўлиб қолаверади. Одамларнинг айтишича, оиламизга қарғиш текканмиш. Қарғишдан ҳам шундай бўлиши мумкинми? Менинг эса аёлимдан ҳеч ажрагим йўқ.

— «Аввал уловингни боғла, сўнг Аллоҳга таваккал қил», деган ҳадис бор. То олти бола қурбон бўлгунча фол очиб ўтиравердингизми? Шуми аёлингизни яхши кўришингиз?! Тезда врачга мурожаат қилинг. Бугунги табобатда бунинг аллақачон ечими топилган. Сизлар ё яқин қариндошсизлар,

ё мижозингиз тўғри келмаяпти. Врачларнинг маслаҳатига қулоқ тутинг.

— Маълумки, бир жойга эрнинг рухсати билангина бориш мумкин. Аммо бунга доимий амал қиламан десанг, элдан, қариндош-уруғдан ажраб қолиш ҳеч гап эмас. Баъзан рухсат олмай ҳам боришга тўғри келади, аммо бу гуноҳ-ку?!

— Балли, «бу гуноҳ-ку» деб турганинг яхши! Бу имонинг борлигидан далолатдир. Аммо ёлғоннинг энг кичиги ҳам ёлғон. Унинг албатта зиёни бўлади. Жуфтингнинг фёъли ўзингга маълум, шунинг учун ўрнини топиб, жами қариндошинг, таниш-билишинг ҳақида яхши таассуротлар уйғотадиган гапларни қулоғига қуйиб бор. Вақти келганда, «ха, Фалончими, бораверинг, у яхши одам», дейдиган ҳолатга келсин.

Мусулмончиликда «эрнинг рухсати бўлиши шарт», дейилиши бежиз эмас. Бу кўнгил кўтаришидир. Ислон динининг энг инсонпарвар жиҳати ҳам шу. Эрдан ҳар бор изн сўралганда у мамнун бўлади, ҳурматлангани учун юраги эрийди ва аёлига мурувват туйғулари уйғонади. Рўзғорбошининг ҳар бир хурсанд бўлиши, рўзғордаги битта камнинг битиши деган гап! Қолаверса, эр уйнинг кўрғони, кўриқчиси этиб сайланган. Аёли у билан бамаслаҳат иш тутяптими, демак, оилада тартиб сақланияпти, демак, эркак раҳбарликни уддалаяпти! У бундан яна рағбатланади, рўзғорига янада ихлоси ортади. Ота-буваларимиз шу тарада оила мустаҳкамлигини сақлаб келганлар.

Эру аёл бир тану бир жондир, уларнинг ни-ятлари, тиллари, диллари ҳам бир бўлиши керак.

Ана ўшандагина рўзгор овунч, қувонч беради. Яширинча қилган бир ҳаракатинг ошқор бўлса, сенга бўлган ишончга раҳна тушади. Жуфтинг зоҳиран ўзини аввалгидай тутса-да, қалбан сенга суянмай қўяди. Ҳамиша эҳтиёткорлик билан, синчиклаб кузатадиган бўлади, ҳар дақиқада алданиб қолиши мумкинлигини кутиб яшайди. Сезяпсанми, у фазилатингнимас, қусурингни қидира бошлайди. Бу у сени ёмон кўра бошлади деган гап! Ақлли эркак бўлса-ю, ўзини тутайди. Аммо жохилроқ, яъни калтаўйроқ бўлса, қасд билан у ҳам ёлғон иплата бошлайди. Қарабсанки, уйингга дўзах кириб келади. Ёлғон бора-бора бор рўзгорни йўққа чиқариши мумкин. Бу оғир гуноҳ.

Аёллик салтанати

— Қизлар ҳаётда ўз ўринларини топиши учун олий маълумот олишлари шартми? Асосий эътиборни нималарга қаратиш лозим?

— Мен мактабда аълочи эдим, кўп китоб ўқир эдим. Аммо ўқишга киролмадим. Зўрға «уч»га ўқиган ҳам кетмончи, мен ҳам оддий кетмончи бўлиб турибман. Бу жуда оврикли ...

— Феруза қизим, хомгинам, гўрагинам, сен олий ўқув юртларида ўқиганлар баланд, ўқимаганлар паст деб ўйлайсанми? Кетмон чопиш уят иш, деб ким айтди сенга! Ахир, сенинг ҳам, менинг ҳам авлоду аждодимиз кетмонга суяниб келган-ку, она Ўзбекистоннинг ўзи бободехқон-ку! Атрофингга бир кара-чи, сен етолмай турган

дипломга етганларнинг бари бахтли яшайпти-ми? Уларнинг орасида армонлилар йўқми, хато килувчилар-чи?

Ферузахон, Иродаой, одамлар тамизли рўзгор тузиш, яхши фарзанд ўстириш умидида касбу кор танлайдилар, ўзликларини тарбиялайдилар. Бахтли яшаш учун бой бўлиш ёки фақатгина зиёли бўлиш шарт эмас, кишининг **тайинли бир хунари, бажараётган ишига ихлоси, харакати, соғлиги ва шукронаси бўлсин, муҳими шу!** Яна бир муҳими — зотинг! У сенинг пойдеворинг. Зотинг яхши бўлса, дипломингу амалингни катта-кичиклигидан қатъи назар, оиланг, ишларинг метиндай маҳкам бўлаверади! Ер юзидаги жами алломаларни уйда ўтирган, аммо зоти мағизли аёллар дунёга келтирганлар. Сен ҳам мағизли бўлишни истайсанми? Унда кулок тут: ўзингга ўзингдан бошқа ҳақиқий назоратчи, табиб ва хабиб йўқ. Ишларингдан ҳеч қачон қоникма, қўлингдан келмаётган юмушлар учун ҳамиша уял! Ҳеч нарса ўрганмай ўтган ҳар бир кунингни лаънатла! Қўшнинг гулчи бўлса, гулчиликни ўрган. Ким чиройли гапирса, лаҳжасини ўғирла, ўрган, муомалани билганга ҳамма дилнинг кулфи очик! Чевар қўшнинг бўлса, унинг боласини боқиб, кирини ювиб юриб бўлса-да, хунарини эгалла. Сават тўқишдан тортиб, дазмол тузатишгача билсанг ёмонми? Сени кўрганда супургию капгирлар чапак чалсинлар! Қадамларингни оstonалар энтикиб кутсин, сен ҳаммага керак бўл, ўшанда отинг Роҳат бўлади! Китобни сев, уни фақат ўқишга кириш учун эмас, бир умр ақл ўрганиш учун ўқийдилар, сен қаерда

бўлсанг, китоб хақида гап кетсин, шунда исминг
Қуёш бўлади!

Қиз бола эришини керак бўлган энг катта
бахт **тўқис Аёлликдир!** Бу бахт дунёга атиргул-
дай болалар бериш, уларни покиза сут, покиза
алла ва покиза бармоқлар билан улғайтиришдир!
Фарзандларга дунё неъматларини танитиш, улар-
ни борликни асрашга, ҳаммага яхшилик қилишга,
ҳаммани аяшга ўргатиш, ўргата олиш улуғ бахт!
Билимдонлик шу, болажон! Дунёдаги жами гўзал
ишлар яхши оналарнинг яхши болалари қўли би-
лан бунёд бўлгандир. Дипломинг бўлса бўла кол-
син, аммо эгаллаган касби-коринг ҳаргиз тўқис
аёл бўлишингга, болаларингни ихлос билан тар-
биялашингга ҳалақит бермасин, хақиқий илм шу,
ўшандагина фарзандларинг ҳам сендай онаси бор-
лиги учун ўзларини бахтиёр санайдилар.

— Бировларнинг эрини эгаллаб, роҳатда яша-
ётган аёлларга нима дейсиз?

— Ундайларни роҳатда яшаяпти деб
ўйлайсизми? Эшиги қаттиқроқ тақилласа юраги
ўйнаса, телефон гўшагини дадил кўтаролмаса,
«мана шу менинг эрим бўлади» деб тўрт ки-
шилиқ йиғинга етаклашиб боролмаса, бу омон-
нат эрни қачон келиши, қачон келмай қўйишини
билмаса, юрагини бирдай гумон кемириб турса,
шуми топган роҳати?! Унинг устига, атрофнинг
назаридан қолиб турса, бошидан тинмай биров-
ларнинг норозилиги ёғилиб турса, қарғишлар
изидан қидириб юрса, унинг касофати болала-
рининг бахтини тўсиб турса, нимаси роҳат бу-
нинг?! Бу жазо-ку! Уни шу туришида худо уриб

турибди-ку! Сиз уни харгиз қарғаманг, аксинча, Яратгандан унга инсоф, раҳм сўранг!

Сизнинг ҳолатингиз унга дисбатан юз қарра сиғилроқдир. Ва нафсиламрини айтганда, Аллоҳ бу азиятни сизга бекорга тўғрилагани йўк! Ё ношукрсиз, ё феълингиз тор, ё ақлингизни ўрнида ишлатмайсиз! Ҳамма нарса Яратгандан, жуфтингизни етаклаб кетгани маломат қилишдан аввал, ўзингиздан ўтган хатоларни сарҳисоб қилинг, тан ола билинг! Эр ҳам мулк, ўз мулкингизни асрай билинг!

— Аёл киши ёшлигини, ўйнаб-куладиган дамларини ўқишга, изланишга сарфлади. Ақлий меҳнатлари маҳсулига эришди, яъни жамиятда ўз ўрнини топти. Бир кун келиб турмуш ўртоғи «ё ишингни танла, ё оилани» деган шарт қўйди. Бу каби эркакларга айтар гапингиз.

— Ёшлигингизни ўйин-кулги эмас ўқишга сарфлаганингиз ўзингизнинг фойдангизга бўлган, бир илму ҳунарнинг эгаси бўлибсиз. Бу дегани умр бўйи оч қолмайсиз, ризкингиз тайин. Бунга шукр келтиринг.

Илму ҳунар яна нимага ўрганилади, биласизми? Билимингиз, маънавиятингиз ўсиши ҳисобига рўзгорингизга раванк бериш, фарзандларни мукамалроқ тарбиялаш учун! Сиз жамиятда ўз ўрнини топиш деганда, бир курсининг муносиб эгаси бўлиш ёки бир касбда мақтов олиб ишлайдиган даражага етишни тушуняпсиз, шекилли. Шуни билингки, сиз биринчи ўринда оналик, аёллик мартабасидасиз — яхши оила яратсангиз, яхши

фарзанд ўстириб қаторга қўшсангизгина жамиятда ўз ўрингизни топган бўласиз!

Ойим қизим, кўчадаги пиёдаю аравада, осмондаю денгизда ҳаракат қилаётганларнинг ҳаммаси уйим, оилам деб, югуриб юрибди. Оиласида тинчи, роҳати бор одамгина жамиятнинг ишига яроқли бўлади. Сизда худди ўша нарсаяўққа ўхшаб турибди. Жуфтингиз нима учун ундай деди? Тўғрироғи, эркак қачон шундай хитоб қилади? Қачонки, ишга берилиб кетиб, уйга қарамай қўйсангиз. Уйда кам бўлишингиз туйфайли, болаларнинг тарбияси бузила бошласа! Эр сиздан меҳру мурувват кўрмай қўйса! Орага ўринли-ўринсиз рашк тушса! Ёки сизнинг топган пулингизга уйингизда эҳтиёж бўлмаса!

Марямжон, ўз уйинг — ўлан тўшагинг-ку! Аёл учун ўз рўзгорини ўз қўли билан безаш, тузаш, кам-қўсти атрофида гирдиқапалак бўлиш кулчилик эмас, роҳат-ку! Жуфтинг келиб, боланг келиб, ором оладиган, жон топадиган жойни яхши кўрмаслик мумкинми, ахир! Уй фақат аёлнинг қўли билан салтанатга айланади. Сиз аввал шу салтанатни яратиб қўйиб, сўнг хоҳлаганингизча ишлайверинг.

Ҳеч қайси тарбиячи, ҳеч қайси боғча опа болага она ҳиди, она тарбиясини бера олмайди. Онани кўриб туриб ўсмаган бола, тўйиб сув ичмаётган ниҳолдир! Бола онасига ҳар суркалганда юраги ўсади, онаси ҳар эркалатганда руҳияти осмонларни кучади. Онаси сув берса ҳам бол ичгандай бўлади. Боланинг мактабгача она қўлида тарбияланишига нима етсин! Бу — ниҳол ўзини тутиб



олгунча боғбоннинг кўрғон бўлиб туришидай гап. Сиз илдизи жонингизда бўлган бу кўчатиңизни мактаб ёшига етказиб беринг-да, кейин истаганча ишлайверинг.

Нафсиламрини айтганда, уйингизда фақат сиз билан битадиган шунча иш турса (агар оилавий шароитингиз танг бўлиб, рўзғор «қўш ҳўкизлик»ни талаб қилаётган бўлса, ноилож, ишлашингиз шарт!), эрингизнинг топгани рўзғорга етаётган бўлса, жон қийнашининг нима кераги бор? Жон ҳам Яратганининг омонати, уни эговлашга ҳаққимиз йўқ! Сиз ҳали болаларингизга йигирма, ўттиз, қирқ, ҳатто элликка кирганларида ҳам керак бўласиз.

Уй бекаси бўлиш занжирбандлик эмас, аксинча, уйда бўлсангиз, ўғил-қизингизни сайру саёҳатларга, маданий томошаларга олиб боришга, китоб билан шуғуллантиришга, ўзингиз ҳам яйраб дам олишга кўпроқ вақт топасиз. Сиз ўзингизнинг кислород ўрнида эканлигингизни, уйда йўқ пайтингизда ҳаммага барабар ҳаво етишмаслигини биласизми? Шу қадар керак бўлишнинг ўзи буюк бахт-ку, ойим! Олти ойлик кизчага ўйинчоқлар кўрсатсангиз, ичидан қўғирчоқни танлаб олади. Кўряпсиэми, қиз боланинг ҳар бир ҳужайраси туғилишданок ОНА БЎЛИШга эҳтиёжманд бўлади! Билимингиз, дипломингиз ўзингиз билан, хоҳлаган вақтингизда кунингизга ярайверади. Аммо сиз ўша оналик чанқоғингизни аввал кондиринг. Болангизни рози қилинг, эрингиз билан мурасага келинг. Оилангиз нафас оладиган уйни ораста қилиб қўйинг. Ана ўшандан кейин ишласангиз ярашади.

— Ота-онам ўқишимга қарши, менинг эса жуда ўқигим келади. Ота-онамнинг ризолиги учун ўз орзуларимни қурбон қилайми?

— Елкангдаги қарз ҳамма йўлингни боғлаб турадиган тўсиқдир. Сен аввал шу ҳақда ўйла. Буюк қарзинг ота-онангдан. Агар улар бемор ёки дастёрсиз бўлса, ё иктисодий ахволлари танг бўлса, уларга терс бурилиб, ўқишга бораман, деб туриб олиш яхши фарзанднинг иши эмас. Вақти-соатини кут.

Уйингдагилар киз болалигингга писанда қилиб, қасргача борардинг, ўқимай кўяқол дейишаётган бўлса, гап бундай: агар фақат «беш»га ўзлаштирган бўлсанг, каттарок ўқишни ният қил, чунки ўта ақлли одам хадеганда дунёга келавермайди. Бундай инсонларнинг нафи кўпга тегади, уларнинг йўлларини тўсиш гуноҳ! Аммо «тўрт»га ва «ўрта»га ўқиган бўлсанг, баланд дорларга осилиб ўзингни қийнама. Ҳунар ўрган. Қанийди, бир неча ҳунарни ўргансанг! Атрофга эътибор бер, дипломлилардан кўра ҳунарымандлар яхшироқ яшаяптилар. Ойликчи ойда бир марта пул кўради. Ҳунарыманд эса ҳар куни пул санайди!

Аммо, қизойим, қайси ўқишда ўқисанг ҳам, қайси касбнинг этагини тутсанг ҳам, бир жиддий шартга риоя қил: эгаллаган касби-коринг аёллик, оналик ишларингга ҳалакит бермасин! Эркакиюда аёлдан ҳунуги йўқ! Болаларига вақт ошинолмайди-ган онадан ёмони йўқ! Эрталабдан кечгача кўчада юрадиган аёлнинг рўзғоридай ғариб, бефайз уй оламда йўқ! Эсингда бўлсин, аёл киши асосий завқ-шавқ ва роҳатни болаларидан ва рўзғоридан туяди!

— Аёл бахти нимада?

— Бола эмизиб ўтирган аёл дунёда энг бахтли аёлдир. Дарвозадан кириб келаётган эркак аёлнинг жуфти эмас, мисли йўқ толеидир! Берилиб қўйлакча тикаётган, куймаланиб кулча ёпаётган аёлнинг наздида ўзидан саодатмандроқ киши йўқ. Аёл атрофидагилардан катта харажат, улкан фидойиликни сўрамайди: унга меҳр билан тикилиб қўйсангиз ва «борлигинг кандай яхши-я», деган лутфни астойдил деб қўйсангиз бўлди.

Аёл чор тарафга меҳрини, меҳнатини, хуснини, жонини аямай сочиб боради, аммо ҳаргиз таъна қилмайди, қайтим сўрамайди. У бутун дунё унга мукофот тутиб турса қарамаслиги, унинг шаънига олтин хайкаллар ўрнатсалар севинмаслиги мумкин, аммо у юракларининг ўртаси билан фақат жуфтидангина совға кутади, битта тароқчалик бўлса-да, эътибор кутади. Эркагининг қўлидан совға олаётган аёл, хайитлик олаётган боладан-да бахтиёрдир! Аёлига битта дурра ёинки арзон кавуш бўлса-да совға қилган эркак унга жахон банкини берган каби ризолик олади.

Унинг исми ва мижози аёл, унинг бахти ўша иқлимни асрай билишида. Дунёга аёл бўлиб келиб, аёлдай яшаб ўтишида! Тани-жони соғ бўлса, олов ёқадиган ўз ўчоғи, бошидан чакка ўтмагудай ўз бошпанаси, бир кафт бўлса-да унга ненидир илиниб, унга интилиб эшикдан кириб келадиган эркаги, киздир, ўғилдир, ёқасига чирмашиб турадиган бир жон парчаси бор бўлса, бўлди, аёлнинг вужудини тўлдириб, тиндириб турадиган бахти шу! Аллоҳ ҳар бир аёлга шундай яшаб ўтиш имконини берсин!

Аёл – аёл эмас, рўзғор деган ғор ичида, оила аталган довулли, чақинли фасл ичида ҳамиша тиграб тургувчи, шунда ҳам муаттар бўйларини сочавергувчи, тўрт томонга эгилиб, букилавергувчи, аммо негадир ҳеч синмагувчи бир гулдир! Харгиз «керак эмассан» дея кўрманг унга! «Ким бўлиб қолибсан?» деб юборманг! Кадди ниҳоли билан пойингизга чаман файзини тўшаб турибди, ногаҳонда товонингиз билан эзиб қўйманг уни! Сизнинг хатоларга тўла шу туришингиздан бахт куйини яратаман деб қошингизга келди, унинг янгроқ торларини узиб қўйманг яна! «Мен чиройлимасман, бегим» деса, ёлғондан бўлса-да, «ундор дема, ойимсан», денг! «Сизни рози қилолмаяман», деб укаланса, «йўк, аввал мен сен рози бўладиган ишлар қилай». дея фидойи кўрсатинг ўзингизни! Унинг дунёга сирмас бахти шу! Унинг сиздан сўраб тургани шугина, холос! Шундай, азизим, АЁЛ ўзининг асил баҳосини билмай ўтаётган БУ-ЮКЛИКдир...

– Ҳам ўқиб, ҳам ишлаб, рисоладагидай келин бўлиш мумкинми?

– Оиламиз маънили ва қозонимиз ризқнасибали бўлиши учун илму ҳунар ўрганамиз. Оилани мукамал ва мунаввар қилиш учун, тонгда кетиб, тунда қайтиб, қаро терга ботиб ишлаймиз. Ўғилни ўз оиласини ва катта оила аталмиш ватанни ҳимоя қилишга тайёрлаймиз. Бир оилага муносиб бека бўлсин, деб қизларни пиштамиз. Шошилиб ва соғиниб келадиган жойимиз – шу уй! Жон томиримиз қачон узилади? Оиладан айро тушганда!..

Кўряпсизми, инсоннинг дунёга келиб топган энг мукаддас нарсаси оиладир! Биринчи навбатда, мана шу нуқта обод бўлиши керак. Ҳам ўқиб, ҳам ишлаб, ҳам келин бўладиган ойимнинг учала соҳаси ҳам ғариб бўлади! Сабабки, Арастучалик калланг, филдай кучинг бўлса ҳам, бу юмушларни бир йўла тортишинг оғир. Аввало, ихлос билан ўқиб, бир соҳанинг пухта мутахассиси бўлишга ярасанг, ўқи! Чала илм, биринчидан, жамиятга зарар, қолаверса, жамиятга зарар келтириб топган пулингни болангга едирсанг, уни бахтсиз қиласан! Қизларни эрта турмушга бераётганлар ва келинликнинг касридан чала мулла бўлаётганлар ўзини ҳам, ўзидан тарқаётганларни ҳам яримта қилади! Қизларни ўқишлари битгачгина узатиш керак. Бу жиддий масала, боласига ҳақиқий меҳрибон ота-она шу йўлни тутadi!

Аммо аёлнинг билимли бўлиши шарт, онанинг дунёқараши боланинг дунёқарашидир! Илмнинг катта-кичиги йўқ, катта ўқиш бўлмаса, кичигида ўқисин. Агар ўқий олмаса, мустақил бўлса-да ўқисин! Қиз бола, албатта, бу дунёнинг тош-тарозусидан бохабар бўлиб, сўнггина оила курсин. Минг бора айтган гапимни яна айтаман: жамиятнинг равнақи оналарнинг сифатига боғлиқ.

Энди ишлаш масаласи. Агар сенинг топганинга тушган жойинг эҳтиёжманд бўлса, ишла. Аммо жуфтингнинг топгани етарли бўлса, минг борча, минг энага тарбиясидан кўра билимли онанинг тарбияси сингишимлидир. Боланг ақалли мактабга боргунча ўз бағринг ва кўз қорачиғингда бўлса, қандай яхши! Ҳеч ким болангга сенча-

лик муҳаббат ва ихлос билан тарбия беролмайди. Улар ўзини ўзи эплаб қолгач, хотиржам бўлиб, ижтимоий ҳаётда яна жавлон ураверасан. Жамиятга ҳам ўшандагина унум берасан. Оиласига эътибор, айниқса, боласига қўл, пакт топмаган аёлнинг уйида мувозанат бузилади. Оила жамиятнинг пойдеворидир, бу пойдеворни мустаҳкам қиладиган эса асосан аёлнинг қўлидир.

— **Аёллар ҳақида кўп ёзасиз, аёл бўлганингиз учун шундайми?**

— Ўзим шу тоифадан бўлсам-да, аёл иқлимини хайрат билан кузатаман. Аллоҳнинг бетакрор мўъжизаси у! Бир жойда айтибман: аёл сирли бир китоб — варақлаган саринг қизиғи чиқаверади. Йил фасллари фақат тўртта, аёлнинг эса минг битта фасли бор. Уни буткул тушуниб етган одам йўқ бу дунёда! Уни томоша қилиб зериккан инсон йўқ ер юзида! Унга иши тушмаган киши йўқ! Уни суймаган, у деб куймаган, ва... бўлганича бўлмаган эркак зоти йўқ. Уни ёзмай кимни ёзай, кимни таърифлай? Аёлни тушуниш ўзи бир илм. Бу илмга етишганлар қанча кўпайса, бахтли аёллар сони шунча кўпаяжакдир.

Йигитлик шаъни

— **Отам ичкиликка ружу қўйган, фарзанд бўла туриб отамни бу масалада тергашга ҳаққим борми?**

— Отангизнинг сиздан бошқа яқин меҳрибони йўқ! Агар онангизни яхши кўрсангиз, ўзингиз чин фарзанд бўлсангиз, уни шу йўлдан қайтаришга



астойдил бел боғланг! Арокқа берилган одам ярим жинни демакдир, тергаш, сазойи қилиш, танбех бериш, уялтириш уни баттар ёмонлаштиради. Сиз уни эритинг, меҳрибонлик кўрсатинг, минг хил рангга киринг, яхши бўлиб кетиши учун майли, минг хил ёлғонни ҳам тўкинг, факат кўнглига ёқиб олинг! Иложи бўлавермаса, докторга кўрсатинг. У сизнинг қўлингиздан нажот топса, бахтли оталикка сайланади. Ўзингиз ҳам икки дунё саодатига эга бўласиз, иншооллоҳ!

— Боласини тан олмаган отани қандай таърифлаган бўлардингиз?

— Бадгумонлик энг оғир гуноҳлардан бири. Тўрт одам кўзи билан кўриб, қўли билан тутиб, гувоҳликка ўтмагунча бировдан гумон қилиш мусулмончиликдан эмас деб, қайта-қайта айтялмиз. Бундай гумондорлик айнан ота-онани норози қилиб, эл назаридан қолиб, яъни севишиб топишган инсонларда кўпроқ учрайди. Чунки улар жуфтларининг заиф жиҳатларини яхши биладилар ва шу боис бир-бирларини пойлаганлари пойлаган. Бу қисмат уларга жазо ўрнида-ёв, аслида!..

Аммо аёли покиза бўлиб, покиза никоҳ билан топишган бўлсаю боласини тан олмай турган бўлса, билингки, бу эркак, шоир айтганидай, ўзи ҳам миш-мишлардан дунёга келган зотдир!

Яна борди-ю, ойим, ўзинг покиза бўлиб, лекин шубҳа туғдирадиган ҳаракатлар содир этсанг, гумонда қолишинг аниқ! Теракнинг учини атайлаб кимирлатиш ҳам ақлсизлик аломати, бу ёғини энди ўзингдан кўр. Эҳтиёткорлик инсончиликнинг фарз амалларидан биридир.

— Фарзандига фойдаси тегмаган отанинг ҳам ризолиги муҳимми?

— Она минг ёмон феъллик, ота минг ёмонотлик бўлсин, ҳамма улардан юз ўгириб кетсин, аммо фарзанднинг бундай қилишга ҳаққи йўқ! Наинки, унинг манглайида отаси Фалончи, онаси Писмадончи деган ёзув бор! Уни Аллоҳ битган. Ота бир қанот, она яна бир қанот бўлмаса, фарзанд отлик қушча қайдан келарди?!

Болажон, яхшию ёмон, сендан узоғу яқин бўлган отангдан яшаб бораётган ҳар бир кунинг учун қарздорсан. Сендан воз кечиб кетган бўлса-да, ҳеч йўқ кафтида бир марта дон узатмаган номард бўлса-да, аммо унинг бир марта астойдил: «шу фарзандим қаерда бўлса ҳам омон юрсин», деб Аллоҳдан сўраб қўйган жойи бўлса, сен ундан қарздорсан. Балки унинг шу дуоси билан бор бўлиб юргандирсан. Ота-онанинг яхши-ёмонлигидан қатъи назар, фарзандлари учун қилган дуоларини Ҳақ ҳисобга олажакдир, иншооллоҳ!

Бир одамнинг бошига каттиқ мусибат тушибди. Унга иш жойиу биродарлари моддий ёрдам берадиган бўлишибди. Аммо у бу таклифни рад этибди. «Мен отамнинг дуосини, розилигини олганман, иншооллоҳ, худо юкимни ерда қолдирмайди», дебди у. Худди шундай бўлибди, тез орада у яна тикланиб кетибди. Бу одамнинг отаси йигирма йиллар шол ва гунг бўлиб ётган экан. Ўғли амалдорлик курсисида бўлса ҳам, шу йигирма йил давомида отасини ҳар куни ўз қўли билан парвариш қилар, ўзи ювинтириб, ўзи кийинтириб, кечқурунлари кун-кунора орқасига опичлаб олиб,

кўчаларда айлантирар, кўнглидаги гаплар билан овунтирар, хурсанд килар экан...

Ўғлоним, ота-онанинг хатою гуноҳини баҳоловчи Аллоҳдир, сен ўз қисматингни яхшилаб десанг, дурусту нодуруст ота-онангни кафтингда тут. Сени ташлаб кетган бўлса-да, кидириб топ, ризолигини ол. Ҳар гал сабринг косаси тўлиб кетганда, уларга инсоф сўра, дилинг йиғласин, аммо тилингни уларнинг гийбатига ишлатма, роҳати болаларингдан қайтади.

– **Фарб файласуфи Ортега-Гассетнинг: «Фарзандлар оталарни тепкилаб майдонга чиқадилар. йўқса тараққиётга эришиб бўлмайди», деган фикрига қандай қарайсиз?**

– Бу олим, балки фарзандларнинг ўсишида оталар елка тутиб турадилар, демокчи бўлгандир? Агар ган ҳақиқий тепкилаб ўтиш маъносида бўлса, унинг бу фалсафаси ўзидан келиб, ўзига кетаверсин! Шоир Абдулла Орипов ватанни «отажоним Шарк» деб атайди. Шундай, азизим, оталарнинг изини-да сизлаб юриб «Буюк Шарк» аталиб келганмиз. Бизда агар болалар оталардан ўтиб кетиб, улар ололмаган марраларни қўлга киритса, «отасининг камини тўлдирибди», дея алқайдилар. Ҳар кунги дуоимиз ҳам шу: фарзандларнинг ўзимиздан кучли бўлишини сўрашдир. Ишонаверинг, у файласуф ўзи тавсия қилган йўл билан бирорта инсон тараққиётга эришганини кўролмагани аниқ! Ота-онанинг ризолиги, дуоси-ку қисматингни ясайди, кимлигидан қатъи назар, бировга зулм қилиб эришилган нарса факат зиён келтиргусидир. Агар фаолият асосида яхши ният ётмас экан, «ана,

коммунизмнинг томи кўринди», деганда нарвондан тушиб кетишдай натижа юз бераверади.

Саноксиз марта исботланган ҳақиқат шу: отасини хор қилган боласига хор бўлади. Бу тараққиётга эмас, таназзулга қараб юришдир.

Имон уйғоқ бўлсин!

– Мен беш вақт намоз ўқийман. Аммо шим кияман. Бу гуноҳми?

– Агар сенинг шим кийишинг ташқи таъсирдан иликларингни ёпиш маъносида бўлса, бошқа гап. Аммо чиройли қаддингни кўрсатиш учун кияётган бўлсанг, бу уятли! Бундай тутум билан ўқиётган намозинг қабул бўлармикин? Чунки сен хали ўзингни топмабсан.

Одамларнинг эътиборини тортадиган иш қилманг, дейилади мусулмончиликда. Яна келтирилади: аёлларнинг эркакча, эркакларнинг аёлсифат кийинишлари гуноҳдир.

Қиз бола Аллох яратган бебаҳо дур. Шунинг учун унинг харидори кўп, бедори кўп! Дурнинг қобиг ичида, парда остида етилишининг ўзи бизга ибрат. Хусну малоҳатингни қанчалик яширсанг, қанча сирли, пардали бўлсанг, кадринг, баҳоинг шунча баландлашади, харидоринг шунча кўпаяди, бунга ишон, қизойим.

– Мен тақдирдан тухфалар кутиб яшайманми ёки тақдир деганлари ўз қўлимдами?

– Ҳаёт «Экканингни оласан» шиори остида яшашдир. Ниятинг яхши бўлса, ўзгаларга малол келадиган ишлар қилмасанг, вақтдан, кучингдан,

сенга берилган имконлардан тиришиб-тирмашиб юриб унумли фойдалансанг, бахтинг болалайверади. Сен ўтирволиб осмондан чалпак кутма. Бировларга мўлтираб кўлингни узатма, ота-онангга суяниб оёгингни чалиштириб ётма! Ўз мушкулингга, аввало, ўзинг яра! Ҳаракатинг ҳалол ва узлуксиз бўлса, Аллох йўлингни очаверади, ёрдамчиларни рўпарангдан чиқариб кўяверади.

— **Инсоннинг энг катта камчилиги нима?**

— Унинг энг катта камчилиги умрнинг ва атрофдаги ҳамма нарсанинг ғаниматлигини унутишида!

Инсон юзлаб, минглаб соатларини бекор ўтказди. Бу — умр ўшанчага қискарди, демак. Хотираси оҳанрабодай ишлаб турган пайтда қанча китоблар ўқилмай қолади, қанча ҳунарлар ўрганилмай қолади. Белида қувват, билагида куч барқ урганда, зарури қолиб, нозарур эрмаклар билан кунларини бой беради. Отасининг меҳрида салқинлаб, гапларини соатлаб тинглаб, овозини жон катларига ёзиб қолмайди, онасининг жаннатий бўйларига тўёлмай қолади! Улар ҳеч ўлмайди деб ўйлайди! Йўқласа савоб бўладиган дийдорлар қолиб, гуноҳларга етакловчилар даврасида ўралашади!

Бандаси «иш билан бандман-да» бахонаси остида болаларини оналик, оталик меҳрига зор қилади! Гўдаклик, ёшлик бирпасда ўтиб кетишини, ота-она уларга худди шу пайтда, яъни уларнинг шаклланиш пайтида жуда керак эканлигини унутди. Ҳозирги ота-оналар болаларини етаклаб бокка олиб бориш, тоғларга олиб чиқиш, кутубхоналар, санъат масканлари билан ўзи бош бўлиб таништириш бурчи, қарзи эканлигини унутиб бўлган!



Уларнинг болалари катта бўлсалар, «онам фалон эртаси айтиб берардилар, отам билан фалон саёҳатларда бўлгандим» ёки «отам боболарим ҳақида ё ёшликлари ҳақида у хикояни, бу хикояни гапириб берардилар» ё бўлмаса, «мени от миндиришга ё фалон хунар ўрганишга отамнинг ўзлари етаклаб борганлар», дея олмайди. Уларнинг хотирасида ота-оналари шошилиб ишга кетаётган, ишдан хориб қайтаётган ё хонтахта атрофида овқатланаётган тарздагина намоён бўлади, холос.

Умримизнинг ҳар даврининг ўз вазифаси, масъулияти бор. Агар улар ўз вақтида бажарилмаса, зиёни келаверади. Бир даврнинг иши иккинчисига сиғмайди, кечикиб бўлса-да улгурмоқчи бўласан, аммо зўриқасан, синишларинг, куйинишларинг шундай бошланади.

Умрни тўхтатиб бўлмайди, шу боис, ўтаётган ҳар бир кунингни бир яхшилик билан банд қил, кунда бир ишинг битсин. Ишки, оти одамларга Яхшилик бўлсин! Сенинг икки дунё банкига қўйган бойлигинг ўша!

– Нима учун имон тўғрисида кўп гапириладию инсоф, виждон четда қолиб кетаверади?

– Имон тўғрисида кўп гапириб, одамларни уйғотиб туриш ибодат билан тенгдир, азизим. Инсоф, виждон ва бошқа фазилатлар Имоннинг меваларидир. Киши олдин имонни танисин! У нима ўзи? Имон – Аллоҳнинг борлигига ва бирлигига ишониш, Муҳаммад алайҳиссаломнинг пайғамбар эканлигига ва у зотга юборилган китоб – Қуръони каримнинг ҳақ китоб эканлигига иқрор бўлиш, демакдир. Навоий ҳазрат ёзадилар:

*Каъбаки ўлмиш оламнинг қибласи,
Қадри йўқ андоғким кўнгил каъбасин!*

Каъба Аллоҳнинг уйидир ва мусулмонлар учун қибла вазифасини ўтайди. Инсонлар ўша муқаддас маконни зиёрат қилишни, яъни Хаж сафарини орзулайдилар. У ерда билиб-билмай қилган гуноҳларидан, инсончиликнинг ғубор ва микробларидан холи бўлишни сўраб, илтижо қиладилар. Шоир айтадиларки, ёлғон гапирмаган, кибрланмаган, бировнинг ҳақини емаган, бировнинг дилини оғритмаган, гина сақламаган, қасд олмайдиган, шукрли, сабрли ва ҳалол бўлган инсоннинг имони бутундир, яъни дилида худоси бор. Демак, унинг кўнгли Каъба! Бундай одамларни зиёрат қил, покланасан!

Бандаси бугун инсофли, виждонли тутум тутиб, эртага дўпписи тор келиб қолса, ёлғонни ҳам, харомни ҳам ишлатаверса, демак, унинг имони суст, кўксида Аллоҳи йўқ. Ундайларнинг қисмати нопоклар қаторидадир.

— Эркинлик, демократиянинг шарофатли жиҳатлари кўп. Лекин бу ўзбекона «Бир болага етти маҳалла ота-она» қабилидаги миллий қарашларимизга салбийроқ таъсир этмаяптими? Дейлик, қўшнингнинг ўғли беодоблик қилди. Буни кўрган ён қўшни унга танбех берган бўлди. Бола отасига айтди. Ота норизо бўлди: «Бизнинг ишга аралашманг, боланинг ҳуқуқини поймол қилманг...» деган гаплар бўлди.

— Аввало, демократия ҳақида: унинг мақсади шахс эркинлиги ва манфаатларини ҳимоя қилиш,



яшаш тарзини яхшилаш ва бу билан жамиятни таракқиётга етаклашдир. Байроғи адолат. Аммо демократияни Шарқу Ғарбга бир хил тарзда қўлаб бўлмайди. Биз ўзимизни изҳор этаётганда ва бизга билдирилаётган муносабатларни қабул қилишда минг-минг йиллар давомида шаклланган ва руҳимиз, шууримизга айланган ботиний олаимизга суянамиз. Бу бизнинг ўзимизга хос ички маданиятимиз, биздан кейин ҳам яшаб қолаверадиган, бобомерос қадрият – миллий феълимиздир. Демократиянинг самарали бўлишини хоҳласак, ўша феълимизнинг эҳтиётини қилиш, яъни у билан ҳисоблашини керак, йўқса, у ҳосил бермайди. Юздан пардани сидириб ташлаб, қўлни паҳса қилиб ўртага тушадиган демократиянинг бизга сингиши оғир. У шарқона бўлиши лозим.

Нима учун қилич қинда туради? Нега тил тиш қўрғонига камалган? Ярагандан ишора бўлиб турибди – инсонни аяш керак! Неъматларнинг ичида энг азиз ва муқаррами Инсондир! Нафақат миллий, балки умуминсоний қадриятларда ҳам кўнгилни аяш, инсонни синдириб қўймаслик, тарбиянинг озорсиз бўлиши таъкидланади, хатто буюрилади.

Энди кўшнининг ўғли ҳақида. Бир куни ёлғиз ўтирган Жаноби Расулуллоҳнинг ғазабли оҳангда «Аллоҳнинг қаҳрига учрасин!» деган хитобини эшитиб қолибдилар ва сабабчи ким эканлигини сўрабдилар. «Кўшнисиникида фалокат бўлса, бефарқ қараб турган бандага айтяпман», дебди у зот. «Кўшнинг тинч – сен тинч» деган гаплар бор. «Аввал кўни-кўшнингга, сўнг ўзингга хо-



тиржамлик сўра» каби мерос ўғитларимиз бор. Болаларимиз то ақллари киргунча, эшитганини ва кўрганини ўзлаштиради. Бу жуда қалтис давр, хали сара-пучакни ажратиб берадиган тафаккури шаклланмаган, атрофдан эса унинг дунёсига яхши таъсирдан ташқари тинмай ёмон микроблар ҳам кириб турибди! Илоҳим, ҳар бир гўдакнинг кўз очиб кўрган муҳити, яъни уйи, маҳалласи, эшиги эшигига энг яқин қўшнилари инсофли, тавфиқли бўлсин!

Аллоҳ чевардир, ота-онанинг илми етарли бўлмаса, қўшниларни тамизли қилиб қўяди. Тарбия иши ҳаммага буюрилади. Чунки бирники мингга тарқалиши, битта «нима бўлса бўлар» дейдиганнинг дастидан ҳамма куйиб қолиши мумкин.

Боланинг тили чиққач, биринчи саломни қўшнига беради ва меҳрли жавоб – аликни ҳам биринчи бор қўшни амаки ёки қўшни момодан эшитади. Шундай қилиб, улар ўртасида бир умрли тиллашув бошланади. Болаларимиз қариндош-уруғлар эмас, асосан, қўшниларнинг кўз олдида, уларнинг назоратида вояга етади. Аввало, қўшни одам ҳамсоясининг боласини кўрди дегунча унга ёқимли гаплар, ёқимли лутфлар узатади. Болажоннинг ёқасини тўғрилаб, йиғласа юпатиб, хато гапирса, тузата боради. Бола ҳам шу амакини кўрди дегунча ўзини ўнглашга, ортиқча шўхликлардан тийилишга тушади ва ҳоказо. Қўшни болага куйинган инсонга худо хайр берсин, аммо унга кулоқ солаётган боланинг ота-онасига ҳам раҳмат. Ҳамма гап ўшаларда! Яхши ота-онанинг боласигагина гапингиз синггиди. Биргина танбехга боласининг

хукуқини пеш килаётган, сиз мисол келтираётган отанинг феълида газак кўринадир. Ўзини етук санаб, бошқаларга беписанд қараётган, боласига берилаётган танбехга жазиллаб сакраётган одам жоҳилдир! Унинг кўлида ўсаётган бола ҳам бахтсиз. Бу ота, эҳтимол, моддий имконларига суяниб туриб, элдан юқориман деб ўйлайди. У – шўрлик, шўрликлиги шуки, инсонни баландлатиб, наслатадиган нарса элнинг назари эканлигини, бойлик фақат назардан қолмаган, одамларга малол келмайдиган, инсончиликнинг одобу қоидаларига бўйсунган кишигагина буюришини билмайди! Йўл қўйган хатоларининг жавоби боласидан жазо бўлиб қайтишини минг уқтиринг, истехзо билан минғирлайди, чунки унинг «пул билан ҳамма нарсани ўнгласа бўлади», деган шайтоний фалсафаси бор! Бойлар ҳам йиғлашини, тиллонинг кучи билан бахт яратиб бўлмаслигини бошига келгандагина билади бу хом банда!

Сиз болангизни олий мақомда тарбияладингиз дейлик, аммо уни барибир аралаш-қуралаш оқим – кўчага чиқарасиз. Ҳаво бир, йўл бир, жамоа бир: кўпчиликнинг таъсири уради, албатта! Гоҳо четки таъсир зотингизга путур етказишгача боради. Гоҳида эса сиз беролмаган айрим тарбиявий билимларни маҳалла-кўй, жамоа беради. Бу бир томондан қарздорлик ҳамдир. (Шу қарздан узилиш мақсадида ҳам маҳаллага дастурхон ёзиб, эҳсон тарқатиб, маҳалладошларнинг ҳолига айланиб туришни фарз деб биламиз.) Демак, кўпчиликнинг ғамини ейиш, кўшнининг боласига балогардон бўлиб туриш элу Аллоҳ рози бўладиган ишдир.

— Сизнингча, юртни обод қилиш нимадан бошланади?

— Яхши ниятдан бошланади. Оёқ тагидаги заминни шунчаки тунроқ эмас, минг бир қават авлодлар хоки эканлигини туйиб туришдан ва бу ерда ётганларнинг тирик зурриёти сифатида ҳар қадамда уларга эгилмоқдан бошланади. Бу замин гардини киприк билан олиб, киприк билан ниҳол экмoқнинг, кўз ёшлари билан суғормoқнинг фарз эканлигини англашдан бошланади! Авлоду аждодингни қобирғалари орасида асраб ётувчи, сенинг товоиларингни юрагига қадаб яшовчи, сени боқувчи, ўзингдан ошиб, орқангдан келувчиларни ҳам елкасида кўтариб турувчи онаи мутлак, отаи собитинг шу ватандир, шу ватан! Шу ватан ичра яшаш бахт эканлигини англашдан бошланади юрт ободлиги! Фақат уйинг, фақат қишлоғинг ва ўзинг туғилган шаҳар эмас, Ўзбекистоннинг жами саҳни сендан умидвор. Қайси авлодимиз қайси асрда унинг қай бурчига кўмилганини қайдан биламиз, азизим?!

Қолаверса, яна, юртни обод қилиш ўз феълимизни обод қилишдан бошланади. Феъл ободлиги эса ўзинг яхши кўрган неъматларни ҳаммага илиниш, ҳалоллик ва самимийликдир, аввало ўзингни, сўнг яқинларингни ва Аллоҳнинг ҳамма бандаларининг жони, дилини аяб яшашингдир! Бахил одамдан, кибрли ва қасд қилувчи, баднафс ва дилозор одамдан атрофга ёмон электронлар тарқайди. Унинг эккан боғлари узоқ яшамайди, яшаса-да мевалари татимсиз бўлади, иморатлари тез нурайди ё фалокатда вайрон бўлади! Шундай, азизим, юрт ободлиги аввало ниятга боғлиқдир.

Ки сен ҳам ҳур туғилғонсен!

Файласуф Ҳафизахон НАСРУЛЛАЕВА
билан суҳбат

(Қаторимиздан бевақт кетган,
ҳур фикрли, қалбан юксак, зукко бу олимани
Аллоҳ раҳматиға олган бўлсин).

– Турсуной опа, ушбу суҳбатимизни аёл эрки ва ҳурлигига бағишласак. Эрк инсон учун энг олий неъмат, энг олий мақом, шунингдек, энг улуг бахт, муқаддас эҳтиёждир. Инсон яшай бошлабдики, у энг аввал эрка интилиб яшайди. У дунёдаги жамики зўравонлик ва зулмлар, изтироблар ва аламлар замирида кўкариб чиқади, барқ уриб гуллайди ва тинимсиз ўзига чорлайди, мафтун этади, орзу-истак ва нажотга айланиб боради. Инсон эрки, ватан эрки, миллат эрки, шунингдек, аёл эрки! Улар бир-бири билан уйғунликдадир, уларнинг ришталари бир, моҳияти бир.

Аёл эрки миллат билан боғлиқдир. Чунки у миллат тарбиячисидир. У ўз қони, сути, меҳр-муҳаббати, ақл-фаросати билан бағрида миллат вакилини вояга етказади, ўзидаги яхши-ёмон хислатларнинг барчасини унга мерос қилиб қолдиради. Эркнинг эса ўзига тарбиядир. Эрк туйғуси тарбия билан вояга етади, тарбия билангина энг улуг орзу-истакка, муқаддас эҳтиёжга айланади. Унинг йўлчи юлдузи аёлдир. Қул аёл қулларни дунёга келтиради ва қул тарбиялайди.



Бундай фарзандлар ватанидан ҳам, миллатидан ҳам, қолаверса, инсонлик қиёфасидан ҳам секин-аста узоқлашиб бориб, жоҳил ва манқуртларга айланадилар. Бу эса миллатнинг фожиаси, инсоннинг фожиаси, демакки, ер юзидаги тирикликнинг фожиасидир. Демак, ватанимиз озод, миллатимиз улуг, юртимиз қудратли, келажагимиз буюк бўлиши учун аввало аёлларимиз эркин ва ҳур бўлоқлари лозим!

– Миллатнинг сифат белгисини аёл кўяди. У миллатга кўп нарса беради. Бермоқнинг олмоғи ҳам бор – аёл ўзидан тинмай сарф бўлаётган аклу шуур, жисму жон ўрнини узлуксиз тўлғазиб туриши керак. Ватаннинг, миллатнинг эрка эришуви бошқа масала, миллат эркаги учун асл маънодаги озодлик балки шудир. Аммо аёлга бу ҳали кифоя эмас. Оила аёл учун ватан ичра ватандир. Ҳаётининг маъзи, ўзагидир. Ўша ерда тинчи бўлсин аёлнинг, ўша ерда эрки бўлсин унинг. Эрка нафакат зулм, сиқувдан озод бўлиш, балки орзуларнинг рўёбга чиқиши учун қулайлик, ўз бурчинини адо этиш учун имкон, демакдир. Булбул сайраб, созанда куй чалиб, шахматчи шахмат тахтаси узра жисми қовурилиб хумордан чиқади. Аёл эса боласини яйраб боқиш, яйраб тарбиялаш, уйига ўзи хоҳлагандай оро бериш, жуфтига эътибор бериш ва бирор касбу корни уддалаб, гуллашиб яшашни орзу қилади. Ўша сазоворликни ҳақиқий роҳат деб билади. Аёлнинг ҳур нафас олиши, эркинланиши шу! Лўнда қилиб айтганда, она, бека ва рафика сифатида яйраб яшаш аёл учун ҳақиқий ҳурриятдир. Эркин яшамоқ учун аёлда,



биринчи навбатда, соғлик бўлиши керак, жамият унинг қошида экологик тозалик учун қарздор, оналигини ҳимоя қилиш борасида бурчдор, аёлни илмли қилиш учун жавобгардир. Бола тарбияси учун аёлда бутун асаб, мўл вақт бўлиши керак. Бунинг учун эрда аёлини асраш илми бўлиши, оилада моддий етарлилик, уйнинг бошқа аъзоларида эса албатта оила илми бўлмоғи керак.

Аёлнинг яралишидан бир ёмон томони бор: юмушларнинг зарурини танлаб, қолганига «бор-ей» деб кетолмайди. Улгуришга қасд қилади. Кучи эса ҳар доим ставермайди, вақти ундан баттар, эрлар ҳам ҳамиша меҳрибон эмас, қарабсизки, аёл зўриқади, унда сўлиш ва синиш бошланади. Бундоқ аёлдан эса ўша ўзингиз билган фарзандлар туғилади, зиён кўрадиган эса, асосан миллатдир!

— Лекин бизнинг қон-қонимизга сингиб кетган қарашларимиз бор. Улар айни кунда ҳам барҳаёт. Яъни эрига сўзсиз итоат этувчи, эр-қакка тобе бўлган аёлни аксарият жамоатчилик ҳам, жамият ҳам қўллаб-қувватлайди. Оилада қизлар жуда ёшлигиданоқ итоатга, тобеликка ўргатилади. Аёл учун бу фазилят ҳисобланади. Бундай тобелик, итоаткорлик билан қўлликнинг, мутеликнинг ораси бир қадам. Шу вазиятда аёл эрки, аёл ҳурлиги ҳақида нима дейиш мумкин?

— Аёлларимизнинг бу феъли шарқона назокат, шарқона одобнинг ўзига хос кўринишидир. Уларнинг бош эгиб туриши, овозининг шикасталиги, кўзга тик қарамаслиги, мунозараларда тезгина ён беришлари асло-асло тобелик ёки қўлчилик эмас, уларнинг наслу насабидан мерос бўлиб келаётган

илмдир! Синиклик билан турган аёлга энг жоҳил одам ҳам қўл кўтармайди, қаттиқ гапирмайди. Чунки бундай ҳалим кўриниш ҳар қандай кишида шафқат, меҳр уйғотади. Унга ғазаб билан юзланган кимса ҳам беихтиёр ҳовуридан тушади, хижолат чекади. Аёлнинг бу мўмин кўриниши бирламчи ўзининг, оила тинчлигининг муҳофазаси бўлса, атроф учун тарбия эканлиги ундан ҳам аҳамиятлидир.

Бир китобимда: «Ўзингизни жуфтингиздан паст тутиб, баланд ишларингизни битириб олинг», деган эканман.

– *Эрк мавжуд бўлган жойда итоатсизлик мавжуддир. У зарурат бўлса, жанговорлик, исёнкорлик даражасига кўтарилади. Эрксизлик эса итоат, яъни мўмин-қобилликдир. Шунинг учун ҳам кучлилар кучсизларга эрк бергани қўрқадилар. Эркаклар ҳам аёллар эркини хушламайдилар. Улар умр йўлдошларининг «гаҳ деса қўлга қўнадиган», қўлтабиат бўлишини истайдилар. Ёки уларни ўзларига итоат этишини талаб қилиб, уларга зулм ўтказадилар. Натижада аёллар исён кўтарадилар. Оқибат эса...*

– «Эркаклар аёллар эркини хушламайди», деганингизни қандай тушунай?! Аёл эрки сизнингча нима? Эрга индамай уйдан чиқиб кетавериш, пулларни сўрамай сарфлаб ташлаш ё эрга иш буюриш, ёки эр билан ёқалашишми? «Менинг гапим тўғри» деб оёқ тираб оладиган, тили пулемётдай узлуксиз ўқ отаверадиган аёллар ҳам анча-мунча учрайди. Хўш, бу ҳам «аёл эрки»ми? Бундай аёлга норозилик кўрсатган эркак ҳақдир.

Бу эрк эмас, беодоблик, ақлсизликдир! Эру аёл бир эпикдан кириб, бир қозондан овқат егандан кейин, албатта КЕЛИШИБ яшайди-да! Келиш-масликнинг иложи йўқ, чунки улар камида ярим аср бирга яшайдилар. Хохлаган пайтида хохлаган ишини қилаверса, кунда жанжал бўлаверса, ик-кисининг ҳам жони эрта кунда тугаб битади-ку!

Тўғри ва ёқимли тутум тутадиган аёлдан зуғум билан итоат талаб этиш на даркор! Ақли соғ эркак ҳеч қачон бундай қилмайди. Аммо гоҳо маст, гоҳо хушёр ҳолатда хотин уради-ган, хотин уриб маза қиладиган, кимгадир зулм ўтказса қўнгли тўладиган баттол эркаклар ҳам йўқ эмас! Улар носоғломдир! Ва улар жуда озчиликни ташкил қилади. Агар мен билмай қолиб бундайлар қўпайиб кетган бўлса, аёлнинг тутқунлиги шу! **Миллат ўғлонини тайёрлаш, эр-какка эрлик илмини бериш долзарб масаладир.** Қуръони каримнинг «Нисо» сурасида: «Эркаклар аёллар устидан раҳбардир», дейилган. Бу – аёл-га хохлаган зулмини ишлатиш мумкин дегани эмас. Раҳбарлик қўл остидагиларнинг омонлиги, соғлигига қўрғон бўлиш, ишлаш ва яшашига ша-роит яратиб бериш, уларга рағбат бериш, илм бериш, қўйинг-чи, улар учун жами масъулликни бўйнига олиш, демакдир.

– *Ўзбек халқининг, айниқса, ўзбек аёллари-нинг Ислом динига ихлоси кучли. Исломнинг душ-манлари ислом ҳақида гапирганларида энг аввал у аёллар эркини бўғади, уларни қул, муте қилади, деган сўзларни рўкач қиладилар. Сиз китобла-рингизда ҳадислардан кўп намуналар келтирасиз.*

Бу сизнинг дин манбаларидан яхшигина хабардор эканлигингиздан дарак беради. Шулардан келиб чиққан ҳолатда айтинг-чи, ислом дини ҳақиқатан ҳам аёллар эркини бўғувчими? Ёки ...

– Қуръони каримда: «Барча ишлар ниятга боғлиқдир», деган жумла тез-тез такрорланади. Кишининг боққа киргандаги нияти муҳим: агар яхшилиқни ўйласа, терган гули билан бировни хушнуд этади. Нияти чатоқ бўлса, гул новдасидан хивич ясаб чиқади. 1400 йил муқаддам аёллар ҳақ-ҳукуки масаласини биринчи бўлиб кўтарган манба Қуръондир. Европадаю Арабистонда исломга қадар аёллар одам ўрнида кўрилмаган. Ислом энг инсонпарвар диндир. Қуръон инсонларни бир-бирларига, дунё неъматларига иситувчи мўъжиза китобдир. Дин аёллар эркини бўғади, муте қилади деганнинг ўзи худобехабардир. Кимсанинг эркини бўғиш, муте қилиш бу жабр, зулм, зўравонлик дегани. Бу амаллар исломда қаттиқ қораланади. Қуръондаги САБР, ҚАНОАТ, ШУКРОНА хусусидаги жойларга келсак, бу ҳам мутеликка эмас, тафаккурга етаклайди, ўзингни текширишга, таҳлил қилишга тушасан. Нима сабабли нимага рўбарў бўлганингни тушуниб етасан.

– *Файласуфлардан бири: «оилада эрнинг ҳукмрон бўлиши унинг иқтисодий жиҳатдан ҳукмрон бўлганлигининг натижасидир, эрнинг иқтисодий ҳукмронлиги йўқолиши билан унинг оиладаги ҳукмронлиги ҳам ўз-ўзидан йўқолади...» дегани бугунги кунда ўзининг ҳақлигини исботламаяптими? Ижтимоий ҳаётимизда бозор муносабатларининг таркиб топиши эркакларни ўз оиласи-*

нинг моддий эҳтиёжларини қондириш учун жуда кўп ҳаракат қилишини талаб этмоқда. Айрим оилаларда моддий таъминлаш иши аёлнинг зиммасига тушмоқда. Статистика маълумотларига кўра, айни кунда ер юзидда оилаларнинг 30 фоиз иқтисодий таъминоти аёллар зиммасида экан. Бу кўрсаткич кейинги 10 йил ичида 80 фоизга кўтарилиш хавфи бор бўлиб, бундай оилаларда қўйди-чиқди жуда юқори бўлар экан. Бу жараён биз ўзбекларда қандай кечаркин?

— «Хукмронлик» сўзининг бизнинг миллат хонадонига алоқаси йўқ. Бу сўзни рўзғорни назарига илмаган, рўзғордан ташқарида ўйин боласи бўлиб юрган, тутуми нопок эру аёл ишлатиши мумкин, аммо рисоладаги эр-хотин «нима қилсак рўзғор ғилдираги олдинга жилар экан», деб режа тузиш билан, куймаланиш билан овора бўлади. Бир мақоламда: «Бугунги аёлнинг аҳволи ёмон, чунки у эридан бир қадам илгарилаб кетди. Эрдан илгарилаб кетиш эса бизнинг миллат аёлига ҳеч қачон роҳат бағишламаган. Биз доим отасининг бўйини кўрсатиб туриб бола тарбиялаб келганмиз», деб куюниб эдим. «Хукмронлик» деган атамани қонимизга қуйсангиз ҳам аралашмайди. Хукмронман деб жар солиш эрларимизнинг феълида ҳам йўқ. Хатто бўш-баёв эрларни ҳам оила сардори тарзида кўрсатишга уриниб келамиз. Чунки бу шарқона тарбия учун муҳим нарсас! Фалакнинг гардиши билан гарданига оила боқиш тушган аёл ҳам рўзғорни мен бошқаряпман, деб овоз кўтармайди. Иқтисодий қийинчиликлар эса мутлақ эмас...

Эркакларимиз хусусига келсак, бугунги кунда кадамига учраб турадиган ношуд, окбилак эркакни Шўро ясади. Аммо бу ҳам ўткинчидир. Мустақил Ўзбекистоннинг эгалари бўлган ўғлонларимизнинг қалбида ўзликлари тобора томир ёйиб, куртакламокда, улар албатта ОРИЯТИ БЎЙИДАН БАЛАНД МИЛЛАТ ФАРЗАНДИ ЭКАНЛИКЛАРИНИ ёдлаб, унга муносиб бўлиб яшайдилар. Уларнинг қонида меҳнаткашлик, ғайрат деган нарсаси тўлиб, кўпчиб турибди. Аёлнинг оила бокиши Шарқ эркаклари учун таназзулдир.

– *Турсуной опа, аёл эрки деганда биз кўпинча Европа аёлларини кўз олдимизга келтирамиз. Чунки улар ўз эркалари, озодликлари учун курашиб дунёга донг таратдилар. Бугун дунё жамоатчилиги Европа ва Америка минтақаларидаги тараққиёт негизида аёллар фаолияти муҳим аҳамият касб этганлигини тан олишмоқда. Мамлакатнинг иқтисодий тараққиёти нуқтаи назаридан қарайдиган бўлсак, бундай фаолият ағлодай кўринади, биз ҳам ўшалардай бўлишимиз керак, деган хулосага келамиз. Лекин уларнинг аёллик назокати, оилага, никоҳга, эрга муносабатига келсак... Менимча, шу ўринда Хиллари Клинтон хонимнинг «Бир болага етти маҳалла ота-она» китобида келтирилган фактни тилга олсак кифоя. «Кейинги пайтларда никоҳсиз тугилган болалар сони кескин кўпайиб кетди, – дейди у. – 1960 йили ҳар 20 боланинг бири никоҳсиз тугилган бўлса, бугун ҳар тўрт боланинг биттаси никоҳсиз тугилмоқда». Бу ҳужжат кишини қаттиқ ўйлантиради. Биз орзу қилаётган эрк-*

нинг шундай оқибатлари бизда ҳам кузатилиши мумкинми? Бунинг олдини олиш учун нималарга эътибор беришимиз лозим?

— Олманинг тагига олма тушади, Ҳафизахон. Эрк бошқа, тийиксизлик бошқа. Бандаси қонида нима шивирлаб турса, ўшанинг айтганини қилади. Буни насл дейдилар, зот дейдилар. Кўча тўла аёл, улар аралашмаган соҳа қолмади, аммо насли тозалар ўз қадр-қимматини асраб юрибди. Курмаклар эса ҳамма давр, ҳамма жойда учрайди. Асли чатоғи ишламаса ҳам, ўқимаса ҳам ўтлаб кетишга йўл топади.

Хиллари Клинтон хонимнинг ўзи куйиб, армон билан гапираётган Европа нима учун бизга андоза бўлиши керак? Бизни балолардан асрайдиган буюк ахлоқий кадриятларимиз бор. Шахвоний нафс билан эркнинг бошқа-бошқа нарсаси эканлиги, оила ва наслнинг қудратига эру аёлнинг поклиги асос эканлигини улар биздан кўрсинлар, садокатни биздан ўргансинлар.

Шарқ фалсафаси, шарқона кадриятлар фақатгина ислом дини ёки шахсларнинг ҳукми, хоҳиши билан пайдо бўлмаган. Бу дунёда бир-бирига боғланмаган, иккинчиси биринчисининг ҳосиласи бўлмаган воқелик йўқ. Ҳамма бир-бирига дахлдор. Яхшилик яхшилик занжирини, ёмонлик ёмонлик занжирини ҳосил этавергач, хатоларни тинмай тўғрилаш жараёнида пишиб етилган анъаналарга суяниб яшаймиз. Бу қутлуг анъаналаримиз бор экан, Европадаги ҳолатлар бизда бўлмайди. Анъана, миллий ахлоқий мезонлар шунақа кучли нарсаси бўларканки, ҳужайраларинг-

нинг тагига, сўнгакларингга сингволиб, фаолиятингни бошқарар экан. Никоҳсиз болали бўлиб олганлар, эри туриб, кўнгил кўчасига кирганлар бизда ҳам йўқ эмас. Аммо уларнинг саноғи кам ва гуркираб кўпая олмаслиги ҳам аниқ! Европада бундайларни уят қилмас эканлар. Шунинг учун ҳам ҳар тўрт боланинг биттаси никоҳсиз туғилипти экан. Бизда улар кўпая олмайди, дсйишимнинг сабаби, атрофимизда шу ишга журъат қилганлар борки, ўзларини четга олиб, тортиниб юрадилар. Ошкор бўлиш хавфидан ҳаминша чўчиб яшайдилар. Бу безовталиқни уларнинг устухонлари билан бирга дунёга келган отамсерос ахлоқий талаблар бермокда. Уят туйғуси унинг ичидан ўсиб чиқади ва руҳиятига тинмай санчилганисанчилган. Бу ички оғриқ уни бир куни тавбага етаклаб келиши аниқ.

Айрим Европа мамлакатларига назар солинг, бутун-бутун кишлоклари бўшаб қолган. Каерда тирикчилик осон бўлса, ўша ерда яшаб кетаверадилар. Уларнинг кадриятларида почта орқали учтўрт сўм жўнатиб турса бас, ота-онаси ёлғизликда ўлиб кетаверса ҳам айб ҳисобланмайди. Энди бизникиларни қаранг, тоғнинг тепасими, чўлнинг ўртасими, шароити яхшими, ёмонми ўсган-унган жойини тишида тишлаб, кўзига суртиб ўтади. Бу анъана бизда шу қадар қадимийки, ҳатто хорижда туғилиб кексайган ўзбек ҳам Ватанга келиб ўлишни орзу қилади.

Қариялар уйларига боринг, асосий қисми бошқа миллат вакиллари. Бизнинг миллий кадриятларимизда ота-она тугул маҳалладош ёлғиз

кексани ҳам кўплашиб боқадилар, ўлса, кўплашиб кўмадилар.

– Турсуной опа, мустақиллик туфайли хориж мамлакатлари билан чегаралар очилиб, турли-туман мафкуралар мамлакатимизга кириб кела бошлади. Бундан аёллар ҳам истисно эмаслар. Биламизки, Фарб мамлакатлари аёллари орасида ўтган асрнинг бошларида шаклланган феминистик мафкура гоҳ кучайиб, гоҳ сусайиб, айни кунда ҳам кўплаб аёлларни ҳаракатга келтирмоқда. Аёлнинг табиатан нозиклиги, жисман ожизлигини инкор этиб, ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳаларида, шунингдек, оилада ҳам аёлларнинг эркаклар билан тенглигини талаб қилувчи, жамиятда ва оилада эркакларнинг ҳукмронлигига чек қўйиш, аёлларни уларга итоат этмаслик, ҳатто уларга қарши курашиш руҳини сингдирувчи бундай оқим ўзбек аёллари орасида ёйилишининг реал имкониятлари мавжуддир. Бу ўзбек аёллари тақдирида иккинчи «Хужум»ни келтириб чиқариши мумкинми? Умуман, биз ўзбек аёллари бундай оқимлар, бундай ҳаракатларга қандай муносабатда бўлишимиз керак?

– Мустақилликнинг ўзи бизга мана шундай бўлар-бўлмас оқимлардан ҳимоячидир. Чунки биз тобора ўзлигимизни таниб боряпмиз. Ўзини таниган ўзига ўхшаб яшайди. Ва сиз айтгандай, «бундай оқим ўзбек аёллари орасида ёйилишига реал имкониятлар мавжуд», деган ташвишга ўрин йўқ. Назаримда, ўша феминист аёллар ё аламзада, ё таркидунё қилганлар, ё ўзларининг у ёки бу қусурлари билан оила тузишга маънавий ҳуқуқлари



йўқ аёллар бўлса керак. Ёки яхши рўзгор тутишни эпложмаган ношудлардир. Эътибор қилинг, бу курраи заминда кўчага чиқиб ёмирлаганки одам фақат уйига, яъни оиласига ризқ топиш илинжида юрар экан. Кўчадан шошилиб-шошилиб, югура-югура қайтиб, фақат уйига келгандагина тин олар, яйрар экан. Оила бамисли таянч ўқи, инсон унинг атрофида тинмай айланаверади. Эру аёл оиланинг икки қанот, икки палласи, икки жон томири, Аллох ўзи ясаган илоҳий иккилик! Нега энди уларни бир-бирига гиж-гижлаш керак? Эркаклар қўлларига хивич олиб, аёлларга таҳдид соляптимики ё оёқ-қўлини кишанлаб қўяяптимики, уларга қарши исён кўтарилса!

Аёлликни билиш ҳам илм. Аёл бўла туриб аёллик илмини билмаслик оилавий инқирозга олиб келади. Шарқ аёли эшикдан кирган жуфтига таъзим қилиб туриб, ҳимарилиб чой узатиб, эрини тўрга ўтқазиб, унинг фармонига ўзини мунтазирдай кўрсатиб туриб, арслон эркакни ҳам, илон эркакни ҳам зарарсизлантиради! Оқила аёлларнинг қўли билан не-не кож эркаклар рисолага тушадилар, савоб ишларга тутинадилар, улғаядилар. Бу ёғини сўрасангиз, дунё бошқараётган ҳамма эркакнинг парда ортида биттадан аёл маслаҳатчиси бор! Сиз аёлни муте деманг, кул деманг! Бу — илм, аёллик илми! Буни унга Аллох сунган.

Эрлик илмини билмаганлардан аёлсифат эркаклар пайдо бўлаётгани каби, аёллик илмини билмаганлардан балки ўша феминистлар пайдо бўлгандир. Бир рўзгорнинг эру аёллигига сайлашни ҳам мартаба, улуг сазоворликдир. Буни тан

олмаган аёлу эркакнинг оила муаммолари ҳақида гапиришга маънавий ҳукуки йўқдир.

ҲАЗРАТИ ЭРКАК ҲАҚИДА СУҲБАТ

Суҳбатдош шоира Шарифа САЛИМОВА

— Турсуной опа, аёл ва унинг руҳияти ҳақида бетўхтов ёзилади, матбуотда кенг таҳлил қилинади. Қизларни оилага тайёрлаш хусусида турли-туман тадориклар кўрамиз. Аммо эркаклар дунёси жумбоқлигича қолиб келади. Катта ижтимоий масалалар, оилага оид муаммоларда ҳам уларни четлаб ўтишга ҳаракат қиламиз. Ваҳоланки, оила деган тўғоннинг бошида эркак туради-ку!

— Биз, аёллар, бизни хароб қиладиган нарсалар болалар ташвишию, рўзғор заҳматлари, деб ўйлаймиз. Яна ҳеч нарсасига улгуролмаяпман деб, тинмай ўзимизни ёмон кўрамиз, ич-этимизни ёб юрамиз. Аммо аслида бундай эмас. Адолат билан айтганда, баджаҳл эрларни ювоштиришга, эпсиз эрларни қаторга қўшишга, ичувчи эрларга чидашга, енгилоек эрларнинг изтиробини тортишга кетган куч, шижоат, ирода ва сабрлар билан қатор-қатор шаҳарлар курса бўларди. Битта эрни йўлга солишдан ўнта болани боқиш осон. Аёл кишини бола, рўзғор эмас, эр адо қилади! Аммо у буни оддий ҳол деб билади, дардини изҳор қилмайди, изҳор қилиш керак, деб ўйламайди ҳам. Шунчаки чидайверади. Аҳволининг орқага кетишига жуфти сабабчи эканлиги ҳатто ўйига



келмайди! Аёллардан чиккан бир шоир менман: «Эрни фарзандларингизнинг энг эътибор талаби, инжиғи деб билинг, агар уни аёл сифатида кечиролмасангиз, онаси бўлиб кечиринг, отаси бўлиб кечириб қўйинг», деб юрган!..

— Биз ўтмишдаги ота-буваларимиз билан фахрланишга ўрганиб қолдик. «Улар ана бундай бўлишган, мана бундай бўлишган, ҳатто жангу жадалларда ҳам бир-бири билан шеър айтиб урушган» деб ... Ўтмиш билан ҳозирнинг эркаги орасидаги тафовутни нималарда кўрасиз?

— Моҳларойимдай малика ҳам жуфтининг ҳатто ширакайф ҳолатда айтган гапини икки қилолмаган. Шарқнинг эркаклари сўзида собит, оилапарвар, аҳли аёлларига метиндай муҳофаза ўрнида бўлганлар. Ўз бурчларини қойиллатиб бажарганлари учун оилада мавқелари баланд бўлган. Бугунгилар-чи? Дипломлари қўш-қўш, аммо ҳунарийўқ. Ўттиз кунда бир пул кўрадилар. Аёл кундузи кўчада ҳоригунча ишлайди, ишдан кейин уйда кул. Эркак кела солиб болишга ёнбошлайди, яна ҳадеганда «мен зўрман, валломат бўлганингда ҳам, сен хотин кишисан», деб кўкрагига уриб ҳам қўяди. Яна бир турлари бор: хотинлари бозор дайдиб, пул топиб, уни-буни ташиб келса, индамай тушираверади, егани ҳазм ҳам бўлаверади. Яна шундайлари бор: «Хотин, дўппи тор келиб қолди, фалон идорага учраб кел, сен гапга чечансан», деб, аёлини номахрамларнинг ҳузурига юмушга юборади.

Олдингилар билан бугунгиларнинг тафовути йиғитчилик ориятининг сусайиб кетганидадир.

Биз, аёлларнинг юрагимизни сим-сим оғритадиган нарсаси шу.

— Аёлниң оналиги унинг гўзаллиги, умри ва соғлигини сўриб олади. Унинг устига, эр ундан тинмай айб топиб турса, ора кунда калтакласа, яна фарзандларнинг ноқобиллиги учун ҳам у айбдор саналса! Қилдай аёлга филдай бешафқатлик эмасми бу?!

— Шўро кўзлаган мўлжалига адашмай урди: анча-мунча эркакларни Ҳақ йўлидан чалғитди, ичкиликка, фаҳшга мубтало қилди. Бу билан улар бешафқатликни аввало ўзларига қилдилар. Киҳар бир инсон Аллоҳнинг неъматини, улар неъмат ҳисобланган ўзликларини ҳаромга аралаштирдилар. Киши ароқни ҳеч қачон яхши ниятда ичмайдиган, камида, мастлик баҳона, ёмон кўриб турган кишисини чаппарақта қилиб сўкиб олиш мақсад бўлади...

Сурункали ичадиган ёки ичганда одам киёфасидан чиқиб кетадиган эркакнинг аёли олтин товоқда овқат еб, олтин кавуш кийиб юрса ҳам, бахтсизларнинг бахтсизидир! Бу эркак Она аталган неъматга озор бераётгани учун, онасини ураётганда отасига кўзи косасидан чиқай деб жавдираб турган гўдакларнинг жувонмарг болалиги олдида, оиладан кўтарилаётган файз, барака қошида у дунёбу дунё гуноҳқордир. Минг афсуслар бўлсинки, бундай оилада туғилган бола эртага зараркунандадир! Чунки у адолатсизлик, шафқатсизлик ичра ўсаяпти, энди у бировга меҳр кўрсатолмайди. У ҳақоратлар ичра улғайди, бировни осон сўкадиган, осон топтайдиган бўлади. У аламзада, ўзи чеккан

озорларнинг аламини кимдандир чиқариб олгиси келиб юради.

— Дейлик, бир оилада пул ҳам, амал ҳам, олий еб-ичиш, кийиниш ... ҳамма нарса мухайё. Аммо синчиклаб қарасангиз, бу уй бекасининг ранги заъфарон, табассуми ҳам табассумдай эмас! У гўё атрофидаги тўкинликни кўрмаётгандай — ғариб, мунғайган. Чунки эркаги миннатчи! «Мана мен едириб қўйдим, кийдириб қўйдим, сенинг топаннинг нима бўларди! Мен бўлмасам бу шароитлар ҳам бўлмасди!» қабилидаги ҳайқириқлар уйни мазористон қилиб туради. Шу бахтми, Турсуной опа?

— Дейлик, ўша эркак ўлди ёки оиласини ташлаб кетди. Хўш, унинг кетидан ҳаёт тўхтаб қоладими? Болалари очарчилик ичида қолади дейсизми? «Бандаси ўлмас, ризқи камаймас», хамманинг ёри Аллоҳ! Аслида никоҳли бўлиш, рўзғорли, фарзандли бўлиш, ўвил-қизни уйлаб-жойлашга яраш эркак эришган буюк бахтдир! Оталикка етказсин ҳар бир йигитни! У эркак бир остонанинг подшо-си, қўрғони бўлиб тургани учун меҳробларга бош уриб шукрона келтирсин!

Қолаверса, ота-она болани бокишга мажбур, бизни ҳам шундай боққанлар. Ота-оналар бизга ўтказган қарзларни боламизга тўлаб узяпмиз, холос! Бу мардлик эмас, бу оддий хисоб-китоб! Миннат энг ёмон гуноҳ. Худо қаҳрига олса, оқибати шундай бўладики, бундайларнинг фарзандлари улардан юз ўгирадилар, нақ умрларининг якунида тўрт томонларидан елвизак уриб, ёлғизликка маҳкум бўладилар!



— Бугун менинг тушунчамда икки хил қиёс: Шарқ ва Ғарб эркаги маданияти... улар биздан кўра кўпроқ аёлини аяйдигандай, севадигандай ва оилани ҳам бизникилардан кўра муқаддасроқ кўрадигандай туюлади. Хонимларини сўрашингиз билан кўкрак чўнтакларидан суратларини чиқариб, меҳр билан кўрсатадилар... Уларнинг бу ҳаракатларида ўз миллатига ғамхўрликни кўргандай бўламан. Аслида, Шарқ аёллари жуда катта муҳаббатга лойик эмасми?

— «Имон деймизми, виждон деймизми, ҳар кимнинг кўксига худоси бўлсин», дейди Эркин Воҳидов. Ички маданият чекинди биздан, сиз айтган Ғарбнинг эркакларида ўша ички маънавият мавжуд. Агар у эркаklar бизнинг аёллардаги шарму ҳаё, жуфтга содиқлик, орият ва меҳнаткашликни ўзларининг аёлларида учратсалар, юраклари ёрилиб кетиши ҳеч гап эмас!

Шунингдек, ўттизида ўтин бўлган, этак тўла бола, бир қўли кетмон, бир қўли косов, бир жонини қирқтага бўлиб яшаётган бизнинг аёлларни бу ҳолатга пинагини ҳам бузмай, корин қўйиб, юзи тирсиллаб, қайда соя бўлса, ёнбошлагиси келиб турадиган эркаklarимизни кўришса, Ғарб аёлларининг-да юраги ёмон бўлиб қолса керак!

Умрнинг етмиш-саксон фоизини рўзғор эгаллайди. Бу улкан сафарбарликдир. Нима учун унга астойдил тараддуд кўрмаймиз? Ёшларга биридан совимаслик сабоқларини бермаймиз? Оиладаги синиш кўнгилсизликдан бошланади. Бизни доим бир гофиллик банди қилади: турмуш курган заҳоти эр аёлини, аёли эрини энди ўзимники

бўлди деб хотиржам тортади. Аслида, шу кундан бошлаб хавотир боғланиши керак. Сабаби, киши кишига яқин бўлган сари камчиликлари кўрина бошлайди. Совиш содир бўлмаслиги учун эру аёл умр бўйи ўз каму кўстларини тўғрилаш, жуфтига ёқиб яшаш ҳаракатида бўлиши шарт! Йўқса, умри пароканда бўлади...

Эридан кўнгли тўлмаган аёл-ку, армонларини кўксига кўмиб, туғилиб қолган одамчалари ҳаққи, тошдай андишага тишини босиб, индамай яшайверади. Аммо хотинидан кўнгли қолган эрнинг аксарияти хатарли! Чаппа қадам ташлашга ҳамиша фурсат ва қулайлик кутиб яшайди. Кўриб турибсизки, эр тутиш ва аёл асраш ҳам санъатдир. Бахт қидирганки инсоннинг бу санъатни ўрганмасдан иложи йўқ!

– Рўзғори, болаларини бўзлатиб, ёш ва гўзал маҳбуба қидириб қолган эркакларга нима дейсиз?

– «Ёш ва гўзал маҳбуба» топган эркаклар хусусига келсак, асосий айбни мен эркакка эмас, ўша «маҳбубалар»га қўйган бўлардим. Эркак чандон суюқ бўлсин, агар аёл изи бермаса, у ниятига етолмайди. Ҳамма гап аёлда!

Бировларнинг эрини йўлдан ураётганларни қарғаш, қасд билан бошлаб қўйишнинг харгиз кераги йўқ. Улар Аллоҳни унутган бўлсалар-да, қилаётган ишларини гуноҳ эканлигини билиб турадилар. Ўзларининг номи ХИЁНАТ эканлигини ҳар дақиқада ёдлаб турадилар! Шу ахволда улар яйрайди дейсизми? Сиртдан ёлиб кўринишади, холос. Эр ижара, қувонч ижара! Ҳар дақиқада бу

эркаккинанинг бутунлай келмай қўйишини ваҳима билан кутади, унинг устига элнинг бармоқлари унга бигиз қилиб қадалган! Шўрликнинг на у дунёлиги бор, на бу дунёлиги!

Хўш, эркак нечун бегона бокка мўралаб қолди? Ғазаб отига минишдан аввал бу ҳолатнинг сабабини изла! Чиройли аёл бўлиш, меҳнаткаш ва пазанда бўлиш ҳали кифоя эмас. Эр-хотиннинг бир-бирига берадиган кайфияти, кўчадан топиб бўлмайдиган гапи, кўнгил топиши бўлиши керак.

Яна бир гапки, «берсанг ейман, урсанг ўламан» дейдиган ўта ройиш, керагидан ортиқ кечиримли аёл ва шу хилдаги эркак билан ҳам яшашнинг кизиғи йўқ. Ўрни келганда ориятни ҳимоя қилишни, **ХАФА БЎЛИШНИ ХАМ БИЛИШ КЕРАК!**

Кўчада, ишда, жамоада унча-мунча эҳтиётсизликка йўл қўйиш мумкиндир, аммо муомаланинг энг нозиги эру аёл ўртасида бўлиши керак. Миллатнинг келажаги, асосан, оилада шаклланади. Инсон ҳуқуқларини поймол қилиш ҳам, қадрини тиклаш ҳам дастлаб оилада содир бўлади. Шу боис, биринчи навбатда, миллат боласини **ОИЛАГА ТАЙЁРЛАШ КЕРАК!**

– «Эркакнинг юрагига борадиган йўл ошқозон орқали ўтади», деган гап бор. Эр деб, бола деб, турмуш деб зўриқиб, куймаланаётган аёлдан қай сифатли бола дунёга келаркин деб ўйга толаман, опагон.

– Сабр аёлдан, кечирिश аёлдан, фарзанд бериш аёлдан, тарбия аёлдан, миллатнинг келажаги аёлдан деб, унга иккала қўлини баробар чўзиб

турган эр, фарзанд, жамоа ва давр андак хижолат чекиши керак. Аёлдан олаётганини ўлчамоғи ва истиҳола билан ўзини ўзи суд қилмоғи керак, мен ўз онамга, синглимга, аёлимга, миллатнинг онасига нима бердим демоғи, тинмай еса тоғ ҳам тугайди, аёлнинг аёллик захираси, қуввати, мағзи уммон эмас-ку, деб ўйлаши керак ахир! Унинг пучайиб бораётган илигини ким тўлдиради, деб тапвишланиши керак! Паловнинг аълосини хохласак, масаллиғини муҳайё қиламиз-ку, инсониятнинг илдизи аёлда экан, нега уни етарли масаллиғ: смак-ичмак, илм, меҳр ва ором билан таъминлаб қўймаймиз? Аёли ориқ юртнинг миллати ориқ, аёли ўксик юртнинг миллати носоғдир.

Аёл сифатида куйиниб айтаманки, миллатдошим, сафдошим, ўғлоним, асрай олинг бизни! Сўрамасак ҳам сийланг, биз кутмаган яхшиликларни тортик қилинг. Асло бизни хурсанд қилиш учун эмас, ўзингиз бутун яшашингиз учун, қизларингиз соғлом, ўғлингиз ақлли бўлиши учун ҳам бизни асранг!

Ҳурматли эркак, аёлингиз сизнинг қулингиз бўлиб жимгина ўтиб бораётганидан, сиздан шикоят қилмаётганидан хотиржам тортманг, севинманг, аксинча ҚЎРКИНГ. Бу зот қалбан нураб, жисмонан тўкилиб бўлгунча ҳам ғимирлаб юраверади, кулиб тураверади, бир шоирамиз айтгандай, «аёл кулиб туриб ўлиши мумкин»!

— «Ота ўз фарзандларининг саъй-ҳаракатлари учун жавобгардир», деб ёзади улуғ олим Абу Наср ал-Форобий. Бизнинг даврга келиб, бола тарбиясига тўлалигича аёл жавобгар, деган фикр

хукми мутлаққа айланди. Синчиклаб қарасангиз, аслида, болалар отадан кўпроқ ҳайнқади, отага ички бир муҳаббат билан ёндашади. Онанинг пинжида ўз ютуқ ва қусурларига ҳимоя топади. Сианингча, тарбияда ким етакчи?

– Шарифаой, қайси давр бўлишидан қатъи назар, бола тарбиясига асосан она дахлдор. Бу – қисмат, бу Аллоҳнинг юктиришидир. Бола шаклида кўз очган мавжудот онанинг тани, қони, юраги, сўнгаги ва ақлу асабидан узиб ясалган неъматдир. Боланинг ҳар бир нуктаси онага ўз гани-жонидай аён ва ўзининг мижозини қандай бошқарса, боласини ҳам шундай англаб, билиб туради.

Она эгилувчан, ковушибгина кела олади. У майин – болага ботмайди. Оиланинг бутун салтанатини аёл тўлдириб туради ва бола ҳар кадамда унга тўқнаш келгани-келган. Боланинг қайси ҳужайрасига қандай киришни фақат онасигина биледи. Бу эркакнинг уддаси эмас. Биз тарбияда оталарни вақти-вақти билан керак қиламиз. Яъни: «Дадангга айтаман», «Даданг кўрса қувонади», «Дадангга нима деб жавоб берамиз?», «Даданг келгунча мана бу хатони тўғрилаб қўяйлик», каби муолажа ўрнида ўтадиган ишлар учун. Ота оилада хайъат раисига ўхшайди. Унга ҳисобот тайёрлаймиз, отанинг имтиҳонидан ўтиш шиори остида она боласига илинган тарбияни бериб олади.

– Турсуной она, ҳазрат Бобурда «Сен эй, гул, қўймадинг саркашлигингни сарвдек ҳаргиз. Оёғингга тушиб барги ҳазондек неча ёлбордим»... каби талай ифорли изҳорлар учрайди. Шундай

латиф, гўзал муҳаббат бизга, авлодларимизга, Одам Ато зурриёдларига яна қайтармикан?

— Аявало, Шарифабону, биз, аёллар, шоир айтган ўша «сарвдай саркашлигу ошиқларни хазондай» тўкилтирадиган виқор, сирлилик, хумори ўртайдиган феълу фазлни ўзимизда қайта тиклай олсак, шундай ёлборишлар яна содир бўлар, эҳтимол...

Қолаверса, буюк муҳаббат ҳамиша бўлиб келган. Мумкинки, бугунги эркаклар изҳорда ожиздирлар балки...

Ва яна қолаверса, гоҳ яшнаб, гоҳ тўкилиб турадиган бу дунёнинг армонларини ювиб тургш учун Аллоҳим шоир деган муборак зотларни яратмиш. Сиз ҳазрати Бобурдан қатра келтириб кўнгил ёздингиз. Мен эса улуғ Навоийнинг:

*Кўз бирла қошинг яхши, қабогинг яхши,
Юз бирла сўзунг яхши, дудогинг яхши,
Энг бирла менгинг яхши, сақогинг яхши,
Бир-бир не дейин, боштин-оёгинг яхши —*

сатрларини ҳар бор эслаганимда менинг тоифадошим мана шундай эрка мурожаатларга сазовор бўлган, дея юпанч топаман, томирларим яйрайди. Шу десангиз, то эркаклар тилга киргунча мана шу бисотларимиз билан овунамиз-да, бону!

«Тафаккур» журнали билан суҳбат

— Маълумки, Алишер Навоийнинг буюклиги исботталаб гап эмас. Лекин, фаразан, исботлаш талаб этилса, Сиз қандай далиллар келтирган бўлур эдингиз?

– Хеч ким айтмаган фикрни айтиш, кадам етмаган чўққини эгаллаш, фанда янгилик яратиш – бу ҳали буюклик эмас, бу – хайратли жараён, бу – ноёб воқелик, холос! Буюклик – ўша ихтиронинг яшаб қолиши! Фақатгина яшаб қолиши эмас, балки ўзининг ҳаётбахшлилигини даврлар давомида сақлаб қолишидир. Инсоният тарихида не-не «боши олтин»лар келиб кетди. Не-не теша тегмаган гаплар айтилди! Аммо буюк иш қилганларнинг ҳаммаси ҳам буюк бўлиб қололмади! Нега!?

Ҳазрати Навоий ўтганларидан бери неча ҳокон, неча султон ўтди. Уларнинг бири кенг бўлса, бири тор эди. Қай бири Навоийни суйса, бирови куярди, эҳтимол. Уларнинг қўлида ҳукм эди, уларнинг қўлида муҳр эди! Лекин хайрон қоладигани шуки, Навоий ҳамма асрда ва ҳамма шоҳлик фаслларида бирдай буюк саналиб келаверди! ...

1941 йил. Ўрис учун икки дунё бир тутам бўлиб турибди. Ленинград устига ёмғирнинг ўрнига бомба ёғилади. Аммо шу тумонат, шу аросат ичида Алишер Навоийнинг 500 йиллиги нишонланяпти! Бу балки самимиятдан ҳолидир, мазкур тадбир шўрога сиёсат учун керак бўлгандир. Аммо шунча миллат, шунча элат туриб, уларнинг хазинасида неча азишлар туриб, нега шўронинг эсига айнан шу зот тушди? Беихтиёр онам такрорлаб юрадиган бир нақлни эслайман: «Ҳақ азиш қилган кишини бандаси хор айламас!»

Навоийни Ҳақ азиш қилди! Аллоҳ қатор бандаларига истеъдод беради ва шу неъмат ичида уларни имтиҳон қилиб ҳам боради. Имтиҳондан эса бири ўтиб, минги тўкилиб қолаверади. Азишликка

эришмак учун истеъдоднинг ўзи кифоя эмас, катта истеъдодни кўтаришга қодир шахсият бўлиши керак. Истеъдод – илоҳий нур, шоир шахси эса шу муборақ нурни қабул қилиб олувчи макондир. Нур бирдай тушаверади, аммо гул ёки тикон униши маконга боғлиқдир. Макон шикаста бўлса, макон қусурли бўлса, истеъдод улғаймас! Улғайсада, Аллоҳ уни эл назарига туширмас! Боиси, у муборақ нур – истеъдодни ғуборли феъли билан нопок қилди. Яъни унда ҳасад, кибр бор ёки у ҳасис, дилозор, ёлғончи ёки ношукр ва бесабр. Бундай шахсият истеъдод учун малолдир ва истеъдод ҳам ўз навбатида ундан хун сўрайди. Ки шоир ғоят жарангдор сўзлар айтаверади, аммо Тангри тўсган деворга тегиб қайтаверади, қайтаверади, орага минг даллол тушса ҳам элга етмайди, етолмайди!

ТОЗА ШАХСИЯТ, яъни тил, дил, феъл поклиги билан **ИЛОҲИЙ НУР**, яъни истеъдод қовушган жойда **БУЮКЛИК** бунёд бўлади. Бу – илоҳий инъом. Бу комиллик нури билан илоҳий нурнинг пайвасталиги. Мана шу сазоворликнинг номи Ҳаққа етишмакдир! Алишер Навоий шу неъматга эришган зотдир. **БУЮКЛИК** нур манбаига ўхшайди – Навоийнинг номини зикр этганингиздаёқ сизга ҳарорат келган каби бўлур! **БУЮКЛИК** замон ва маконга дахлсиз, қуёш нури каби беминнат – «мен қуёшни севмайман» деганларга ҳам нур сочаверади, эҳтиёжманд ҳужайраларни ўзи топиб тирилтираверади.

– **Навоий ижоди жаҳон адабиётида юксак мақомга муносиб бўлгани ҳолда, ҳали шунга яра-**

ша тарғиб этилмаган, кадрланмаётгандек туюлади. Бу борада адолатни тиклаш — Навоийни бутун дунёга танитиш, асарлари, ғояларини кенг тарғиб қилиш учун нима ишлар қилиниши лозим?

— Биринчидан, Навоий шу миллатнинг дарди билан оғриб ўтган шоирдир. Миллатнинг ақли расоси борки, шоир ижоди мўъжизаларини жон-жонига сингдирмас экан, Навоийнинг руҳлари гирён ургай! Аввало, ўзиники ўзига буюрсин халқнинг! Бугун эса Навоий бамисоли баланд тоғ, кенг китобхоналар оммаси унга етолмай пойида мўлтираб турибди.

Иккинчидан, қўлида қалами бор, истеъдодли ёшлардан танлаб, дунёнинг етакчи тилларига ўқитиш керак, иложи бўлса, ўша мамлакатларнинг ўзида малака ошириб келсин. Улар қадим туркий тилни ҳам обдан ўргансинлар, ўзлари ҳам миллий рух, миллий кадриятлар бағрида ўсган бўлсинлар ва Навоийни тўғридан-тўғри жаҳон тилларига таржима қилсинлар. Қанийди, қанийди-я шундай бўлса!! Қани эди, шу ишга фидойи ўғил-қизлар ўртага тушса! Қани эди, уларга ҳимоя бўладиган хомийлар пайдо бўлса!!

Учинчидан, дунёдаги элчихоналаримиз қошида «Навоий уйи» номли жойлар очиш зарур. У ерда Навоийга бағишланган адабий кечалар ташкил этилса, Ўзбекистондан борган санъат ва адабиёт аҳли иштирокида бот-бот гўзал мажлислар тузилса, ниятлар олдинга жилса, ажаб эмас.

Тўртинчидан, Республика Президенти номидан тантанали саналар муносабати билан чет элларнинг юқори мартабали шахсларига топширилади-



ган Алишер Навоий номидаги совға-мукофот таъсис этилса.

— Навоий асарлари ва ул зотнинг шахсан намунаси руҳият ва маънавиятнинг ҳаётбахш чашмаси, таълиму тарбиянинг беқиёс манбаси бўла туриб ёш авлод, айниқса, талабаларимиз бу чашмадан деярли бебаҳра қолмоқда. Аҳволни ўнглашнинг чораси борми?

— Бир мухбирнинг саволига жавобан армонларимни бир-бир санай туриб, «энг катта армоним — кўзим очиқ туриб, отим ўзбек бўла туриб Навоийни луғат билан ўқиётганим», дея жавоб бергандим.

Навоий дostonлари, илмий, тарихий асарларини бугунги ўзбек тилига тездан ўгириш керак. У халққа аталган неъматлардир, бизнинг айбимиз билан эгасига тўқис етолмай турибди.

Навоий ғазаллари, рубойлари, қитъалари, фардлари ... нинг шарҳлари учун танловлар эълон килиш керак. Энг чиройли шарҳларни ярим, бир, икки тобоқ ҳажмли китобчалар тарзида чоп этилса, халққа тез тарқайди.

Бугунги кунда телевизорнинг тагидан чиқмай қўйган болани унча-мунча нарсa билан эътиборини тортиб бўлмайди. Аммо бола тарбияси жон қадар керак, мустакилликнинг илдизини маҳкамлай десанг, болангни тарбиялаб қол! Бир танишим ҳикоя қиляпти: касалхонада ўн ёшли қизини олиб ётган экан, улар билан бир рус аёли ҳам қизини даволат-япти экан. Танишларимизнинг муолажаси тугабди, аммо қизи «кетмайман» деб диққат қилармишда! Сабаби, ҳамхонасидан олган китобни ҳали



ўқиб тугатмабди. У «Библия»нинг болалар учун чиқарилган нусхаси экан. Шундан ҳисса чиқариб айтамизки, Навоий асарлари ислом динининг пок ахлоқ-одобга чорловчи даъватларининг синтези, гўзал тақдимиدير. Инсонийлик илмининг халқчил ифодаси бўлмиш бу хазинани чиройли мукова ва шаклларда, кўзни камаштирадиган қилиб болаларимизга тутқазайлик. Чиқими деймиз, бозор иқтисоди деймиз. Аммо мутолаа, бола тарбияси борасида баҳона кетмайди, ахир, инсон ўзи емаганини боласига едиради-ку! Гуноҳ бўйнимизда бўлур!

– Навоий сизнинг шахсий ҳаётингиз ёки ижодингизда қандай ўрин тутади?

– Ҳазрати Навоий қошида ҳамиша ўзимни шифо илинжида турган бир бемордай сезаман. Шоир ёзганларини уқишим керак, дея бетокат бўламан. Уққан сарим, албатта, тугунимга ечим бўлади, руҳимнинг очикқан жойлари кониқади, деб ишонаман. Ва юрагимга битиб юраман: Навоийни варақма-варақ ўқиб улгуролмасам, уқиб улгуролмасам – бу дунёдан кашшок кетишим шудир!

Гоҳида дарс ўтар эканман, шоирнинг битта шоҳ байтини тўксон дақиқа давомида шарҳласанг ҳам, ичида яна гавҳарлари қолиб кетаётгандай бўлади. Бу дарсларни кўпроқ тингловчилар учун эмас, ўзимнинг роҳатим учун ўтаётганимни сезиб қоламан – сўзлар катига кирганим сари қулфи дилим очилаётганини, руҳим қанот ёзаётганини туяман. Тингловчиларнинг ҳам кўзларида маънолар ўзгариб боради, Навоийнинг тафти уларга ўтаётганини кўриб тураман.

*Эй Навоий, дардлиг назмингни дард аҳли билур,
Дардсиз доғи бўлур они ўқугоч аҳли дард –*

дейди шоир. Ўқиган нарсангдан сенга «дард ини-
ши» кўзингнинг ўзингга тушишидир. Ўзингдаги
дил, жон жуда нозик ва ширин неъмат эканли-
гини бирдан билиб коласан! Юрагингга қамалган
булбулни топиб оласан! Ана энди унинг нолонлари
билан дардлашишми! Бу ўз-ўзини кашф этишдир!

*Навоий ўзни хуш тутким, кишига даҳр иши бордир,
Агар мушкул тутар – мушкул, ва гар осон
тутар – осон*

дейди яна. Бу байтни руҳимга бамисли асо қилиб
олганман. Неча суҳбатдошни ҳам шу мисралар-
нинг талқини билан қаддини тиклагандай бўламан.
Жами бечораликнинг чораси Яратганнинг қўлида.
Ўзига таваккал қил ва ихлос билан юкун! Ихлос
билан ҳаракат олиб бор, «ва гар осон тутар –
осон». Ўзига ишонсанг, мушқулингни ҳам осон
қилади. «Агар мушкул тутар – мушкул», бордию
финғиллайверсанг, бесабр ва ношукр бўлсанг, осон-
нингни ҳам мушкул қилиб юборади. Ёки бу –
«йиғи йиғини келтиради» дегани, ёинки «торга
тор, кенгга кенг дунё» дегани шудир!

*Фунчадек бўл қон ютиб кулмакка монанд,
эй кўнғил.*

Шугина қудратим бўлса, дунё юки менга
ўйинчокдир, дейман ўзим ўзимга. Қонга тўлган
бағир билан кулиб тура олишнинг номи ИРОДА,

САБОТ. Аммо иродали, саботли бўлиш харгиз хусн ёки фазл эмас, БУРЧдир. Боиси, Яратганининг ҳукми билан дилинг доғ бўлди. Забунлининг ўзи сенга бесабаб келмас, экканларингнинг меваси бу. Ишора борким, Аллоҳнинг жавобини очик чехра билан кутиб ол, балки унинг химмати ила енгилроқ жазо олаётгандирсан. Агар уни шукрона билан қарши олмасанг, бундан баттарроғи келиши мумкин!

Қуръони каримда: «Зарб тушган пайтда чиройли амаллар билан чиқиб кетган бандам – суйган бандамдир», деган жойи бор. «Ғунчадек бўл қон ютиб кулмакка монанд, эй кўнгил» мисраси юқорида келтирилган «чиройли амал»нинг гўзал суратидир...

Юраги булбулзор, сўзлари булоқ...

Сухбатдош адабиётшунос олим

Тўлқин ЙЎЛДОШЕВ

– Турсуной! Адабиёт оламига кириб келганингга ҳам қирқ йил бўлибди. Бу йиллар ичида қатор шеърӣ ва насрий тўпламлар чиқариб, миллий мағнавиятимизга салмоқли ҳисса қўшиб келаётирсан. Сен ҳозирги кунда адабиётимизнинг пурвиқор устунлари ҳисобланмиш Эркин Воҳидов ҳамда Абдулла Ориповлар билан орқама-орқа кириб келган авлодга мансубсан.

Ҳозиргидек эсимда – 1965 йили шоира Зулфиянинг 50 йиллиги муносабати билан факультетимизда (университетнинг бугунги Амир Тему

хиейбонидаги эски биносида) шоира билан учрашув бўлди. Она ёнларида Эркин Воҳидов, Абдулла Ориповларни ҳам бирга олиб келдилар. Сен ўшанда университет талабалари номидан сўзга чиқдинг. Бамисоли оташин шеърдай жаранглаган бу нутқингни эшитгач, Зулфия она сени бағрига қаттиқ босиб, йиглаб юборгин, анча вақтгача ич-ичидан гупириб келаётган ҳаяжонини босолмаган эди. Сенинг ўша кунги сўзлаган нутқинг адабиёт, шеърят шаънига айтилган қўшиқдай янграган эди...

Мана талай йиллар ўтди, сен ҳамон ўша минбарда, ўша адабиёт ичидасан, тинганинг йўқ, доимий меҳнатдасан. Кейинги 10–15 йил ичида ижодкор сифатида сенинг янги-янги қирраларинг намоён бўлмоқда. Ўз вақтида катта-катта олимлар шеърларинг, умуман, ижодий салоҳиятинг ҳақида жуда илиқ, мақтовли сўзларни айтишган бўлсалар-да, бироқ бутун ижодингни умумлаштирувчи яхлит тадқиқот сифатида жиддий илмий ишлар ҳалигача йўқ. Биз биламизки, сен телевизор экранида кўринасанми, радиода чиқиш қиласанми, учрашувларда сўзлайсанми, мухлисларинг жон қулоғи билан тинглайдилар, сўхбат тез тугаб қолмасайди, яна қачон чиқаркин, деб орзиқиб кутишади. Бу эса ижодкор одам учун катта омад ва туганмас илҳом манбаидир. Бу дегани ижодкорнинг қулоғи халқининг кўксига, унинг ҳар бир юрак уришини ҳис қилади, унинг кўнглидагини топиб гапиради дегани! Ана шу дилкаш муаллифи ҳақида китобхонлар, мухлислар кўпроқ билгиси, яқинроқдан танишгиси келади.

Шуларни ҳисобга олиб, бугунги суҳбатимизда ижод ҳақида, ижодкор шахси, ижод жараёнлари, ижод психологияси ҳақида гаплашсак. Суҳбатимизнинг аввалида ўзинг ҳақингда, авлодаждодинг, шажиранг ҳақида гапириб берсанг.

— Тўлқинбой, раҳмат дўстим, менга эътибор қаратганингдан мамнунман, ҳам хижолатдаман. Хижолатлигим шуки — сенинг бу астойдил ихлосингга лойикманми, йўқми, дея кичрайиб турибман. Ажабтовур, олқишлар, қарсаклар ва ризолик сўзлари мени ҳар сафар шундай азиятга солади. «Шугинага шунча раҳматми?» деган уялган овоз бўзлайди ичимда. Ўнғайсиз кўринишимни қайга яширишни билмай қоламан. Ўзинг биласан, ёшлигимдан муомала, давradoшлик борасида мендан ўтадиган кувнок ва махмадонаси йўқ эди. Аммо ижод, ёзиш ва уни элга кўрсатиш деган масалада вужудимда бошқа бир Турсуной ҳукмронлик қилади. Унинг яна бир оти **қаттиқ андиша!** У мени ҳеч қачон олдинга ўтказмайди, биринчи бўлиб қўл кўтартирмайди, шон-шуҳрат тарафга қараттирмайди, нукул панага тортаверади. Шу кунгача ҳеч қаерда ўзим дастлаб хоҳиш билдирмадим, факат навбат берсаларгина сўз айтдим. Бирор таҳририят остонасига ёзмиш кўтариб дадил кирган, киролган эмасман. Учрашувларга таклиф қилинсам ҳам ҳақиқий харидор эканлигига амин бўлмагунимча оёғим тортмай тураверади. Хўш, буни камтарлик демоқчимисан? Ё ўзимга ишонмаслик деб баҳолайсанми? Йўқ, бу назаримда одамларга бўлган мендаги туғма мухаббат, авайлаш туйғулари бўлса керак. «Шунча одамнинг диди, та-

факкури олдида мен ким бўлиб қолибман? Қарсак эшитибок қувониш яхши эмас, ҳали қарсак чалмай ўтирганлар қанча экан? Минбарга арзон гап билан чиқиб қўймаяпманми? Одамларнинг ҳафсаласини пир қилиб қўйсам-чи!» деган ички бир хитоб тизгинимни маҳкам тортиб туради. Аммо ёзмай қўя қолай, дея олмайман! Чунки юрагимда сандик тўла, ўзимга ҳам маълум бўлмаган бир нималар борлигини билиб тураман. Ёлғиз худогаю ўзимга аён бир кўнгил тўқлигим бор-ки, «мен ҳеч қачон не қиларимни билмай қолмайман, бўғзимни очсам, оҳангидан атрофга шифо ёғилади, мен одамларга ҳар қачон керак бўлишим тайин», деган дарвишона ўйларни кўтариб юраман! Ҳар сафар дилимга қўл солиб ниманидир олиб чиқар эканман, «бундан ҳам зўрроғи қолиб кетди-да, ўша яхшисини топиб олгунимча бунисини кўрсатмай турай», деган тараддуд мени ўртага туширмай туради.

Аммо шуни англаб етдимки, яхши айтаманми, яхшимас айтаманми, барибир, мен сўз айтиш қисматидан четлай олмайман. Чунки бу менга қондан ўтиб келаётган отамерос дард экан. Дадамнинг она авлодларида шоирлар, йирик тасаввуф олимлар ўтган. Катта оталари Иброҳим халфа файласуф, исломшунос олим ва сўз билан доловчи рухшунос бўлганлар. Тоғалари Мухаммад Сиддиқ эшон (Мавжий) ҳам туркий, ҳам форсийда бирдай ижод қилган гўзал шоир бўлган. (Аммо бу киши қатағон йиллари, авжи ижодининг гуркираган пайтида қувғинликда юриб, 1956 йилда Ватанга қайтган, тўрт йилгина яшаб, шу ерда қазо қилган. Жами қўлёзмаларини чегарада

олиб қолганлар.) Дадамнинг яна бир тоғаларининг Ҳабибулло исмли ажойиб ўғиллари бўлган, у қоғоз-калам тутмаган, оғзаки тўқиб, оғзаки айтувчи бахши шоир бўлган, кўринганки нарсани ва кимсани дархол ғазалга сола билган, қайга борса тўп одам оркасидан эргашиб юрадиган, худо юктирган инсон бўлган. Аммо у йигит ёшида Иккинчи жаҳон урушида қурбон бўлган экан. Мен ана шулардан қолган қисмат пиёласининг бир юқиман, холос, жўражон!

– Эллигинчи йилларнинг охири ва олтмишинчи йилларнинг бошидаги университет талабаларидан жуда кўп истеъдодлар етишиб чиққанлиги ҳаммага маълум. Улар ҳақида, шунингдек, ўзимизнинг курсдош дўстларимиз ва биздан бир-икки йил олдин ва кейин ўқиган факультетдошларимиз, бизга дарс берган устоз домлаларимиз ва уларнинг сенинг ижодингга муносабатлари ҳақида ҳозир нималар деган бўлардинг?

– Эркин ака Воҳидовлар университетни битириб кетгач, бир йилдан кейин биз ўқишни бошлаганмиз. Абдулла Ориповлар эса ўшанда ё уч, ё тўртинчи курсда ўқишарди. Раҳматли Шукур Холмирзаев ҳам ўқишнинг охирги боскичида бўлгани учун, у киши ҳақидаги хикоялар ҳали яп-янги эди. Шукур аканинг ҳаваскорлар театрида Гамлет ролини қойиллатиб ўйнаганини, унга таниқли санъаткорлар қатъга баҳо берганини сўзлаб юришарди.

Эркин Воҳидов замонанинг зайли билан бир хил ранг, бир хил ритмга тушиб қолган ўзбек шеъриятига хосиятли қадам билан, алоҳида файз

бўлиб, ҳаётбахш кўнғирокдай садо бериб кириб келди, у шеърятда кутли бурилиш ясади, хайратлар бир қалқиб олди, руҳиятларимизга ором таралди! Адашмасам, Абдулла Ориповнинг «Бургут», «Тилла балиқча» шеърлари эълон қилинганда 63-йил эди. Биз ўшанда раҳматли устозимиз Озод Шарафиддиновнинг бу шеърларга билдирган хаяжонли фикрларидан, самимият билан берган оқ фотиҳасидан ўзбек адабиётига яна бир забардаст қалам соҳиби кириб келаётганини фаҳм этганмиз.

Биздан бир курсгина юқорида Рауф Парфи, Ойдин Ҳожиева, Зоҳир Аълам, Абдухалил Қорабосв, Умрзоқ Ўлжабоевлар ўқирдилар. Қаранг, қандай инсонлар-а! Улар билан тенг, аммо кечки бўлимда бугунги машҳур ҳофиз Ҳасан Ражабий таҳсил олардилар. Бизнинг курсни айтмайсанми! Тўс-тўполон қилиб чуғурлашиб юрган ўша бир тўп шўх қушчалардан не-не сорлочинлар бино бўлдилар: академик Бахтиёр Назаров, фан докторлари — раҳматли Ақром Каттабеков, Нўмон Раҳимжонов, Назира Абдуазизова, Ҳамдам Содиков, раҳматли Саттор Маҳаматқулов, Эркин Жалолов, Абдуваҳоб Ҳожибоев; таниқли адабиётшунослар: Ортиқбой Абдуллаев, раҳматли Пўлат Тўраев, мана ўзинг, Муҳаммаджон Жуманов, Матлуба Азимова, Саида Зоҳидова, Азиза Муҳиддинова, Мавлуда Маҳмудовалар бизнинг ёруғ юзимиз бўлдилар. Раҳматли курсдошим Сафар Барно баланд шоир ва қимматли жўрам эди. Эсингдами, курсдошимиз, беназир овозли ҳофиз ва шоир Дадахон Ҳасанов билан пахта

хашарларида қандай ажойиб лирик кечалар ташкил этардик...

Баъзан шундай фикрга келаман: шогирдларни китоблардан ҳам кўра устозларнинг шахси кўпроқ тарбиялар экан. Ҳйласам, кўксимга ғурур тўлади: Аюб Ғуломов, Ғулом Каримов, Турсун Иброҳимов, Тоҳирий домла, Субутой Долимов, Алибек Рустамов, Шавкат Раҳматуллаев, Аҳмад Алиев, Озод Шарафиддинов, Лазиз Қажумов, Умарали Норматов, Ёқуб Ғуломов, Карим Назаров, Анвар Ҳожиаҳмедов, Ҳасанхўжа Муҳаммадхўжаев ... булар ақлу шууримизга чирок бўлган, феъл-атворлари билан бизга мактаб бўлган улуг инсонлардир. Биз ҳали-ҳануз ҳар бир ҳаракатимизни ўшаларнинг тарозусига солиб кўраимиз ва хануз уларга қалбан имтиҳон тоншириб яшаб бормоқдамиз.

Мендан ёзганларимни мажбурий сўраб олиб, ўзлари саралаб, «Шарқ юлдузи» журналида бир тўп шеъримни чоп эттириб, оқ йўл тилаган устози аввалим Озод Шарафиддинов эдилар. Кейинчалик диплом ишимга ва Эркин Воҳидов ижодига бағишланган илмий ишларимга раҳбарлик қилдилар. Аммо хануз «мен Озод домланинг шогирдиман», дейишга журъат қилмайман. Аввало, шундай дейишга муносиб бўлиш керак, деган оғриқ туради жонимда. Илоҳо, устоз биздан рози кетган бўлсинлар!

Тўлқинбой, эслайсанми, Фатҳиддин Насриддинов деган домламиз бўлардилар. Аллоҳ раҳмат қилсин. Шу инсоннинг бир кунтларига қойил қоламан. Менга бир неча марта эслатиб, бир куни дарсдан чиқишимни эринмай пойлаб, трамваю пиё-



далаб «Қизил Ўзбекистон» газетаси тахририятига — Жуманиёз Жабборовнинг хузурига олиб бордилар. У ерга ўша кунни домла Шайхзода ҳам келган эканлар. Домламиз уларга мени ошириб-тошириб таништирдилар. Ва «Шайх ака, мана сиздан ҳам оқ фотиҳа оладиган бўлдик», дедилар. Ўшандаги Жуманиёз аканинг одобу меҳрга тўла муносабатларидан бошим осмонга етгани, домла Шайхзода-нинг рўпарасида ўтиришдай бахтга эришганимнинг титроқлари шундоққина кўз ўнгимда турибди. Шу кунни устоз Шайхзода яхши тилаклар билдирдилар ва «Шеърларингизнинг охирига фамилиянгизни қўшмай «Турсун Ой» деб имзо чекинг, маъқулми?» дея тайинладилар. Мен эсам ўша учрашувнинг ўзини «Ойга йўлиққан куним» деб хотирлаб юраман. Ихлос билан қўлимиздан етаклаб, яхшиларга ёндаштирган устозимиз Фатхиддин Насриддиновнинг у дунёлари обод бўлсин!

Тўлқинбой, Шарқ маданияти тарихида ВОИЗ-ЛИК санъатининг муҳим роль ўйнагани бежиз эмас. Шарқ давлатчилигида бу соҳага алоҳида эътибор қаратилишининг ўзи воизликнинг сиёсий ва ижтимоий ҳаётда жиддий вазифалар бажара олишини тасдиқлаб турибди. Кейинги асрларда йўқола борган бу илмни жонлантириш бизнинг ҳам вазифамиздир. Мустақиллигимизни мустаҳкамлаш учун ҳам унинг шарофати кўп. Халқ билан юзма-юз мулоқот қилиш, унинг айни пайтдаги руҳиятини ўрганиш, маънавий даражоти ва тарбиявий эҳтиёжларини аниқлаш ва шунга кўра тезкор тарбия усуллари кўллаш муҳим ишдир. Чунки воизлар катта тарбиячилардир. Ас-



лида, воизлар махсус тайёрланса, воизлар мактаблари очилса хосиятли иш бўларди. Орамизда кўплаб шунга мойил инсонлар яшайдилар. Фақат уларни уйғотиш, кўзғатиш керак, холос. Мен агар элга озгина танилган бўлсам, шоир-ёзувчилик ўз йўлига, асосан, суҳбатлар туфайли танилдим, деб ўйлайман. Насрдаги ёзмашларимнинг барчасини дастлаб нутқ тарзида ижро этганман, тингловчиларнинг назоратида пишитиб, сўнги тина қоғозга туширганман.

Дўстим, ишонавер, агар ихлос қилсанг ва шу юмушни худо сенга юктирган бўлса, минбар илоҳий мўъжизалар содир бўладиган жойдир. Сенга қараб турган кўзларни китобдай ўқиб турасан, уларнинг кўнглини топганинг сайин кулфи дилинг очила боради, Ҳақ тилингга шунақа гапларни тўғрилаб қўядики, гоҳида ўзинг ҳам ҳайратланиб эшитасан! Мўлжалга олган кишининг кўз ўнгингда микроблари ўлиб, покланиб бораётганини сезиш қандай роҳат! Минбарга мени биринчи етаклаб чиққан ва шу йўлга туширган ҳурматли устозимиз Умарали Норматов эдилар. Зулфия, Уйғун сингари қатор йирик инсонларнинг тантанали кунларида катта театр ва маданият масканларининг минбаридан факультет, университет номидан сўзга чиқиш зиммамда эди. (Юрак ютиб чиқаверибман-а, ҳозир ўйласам аллансчук бўламан!) Аммо жон терига тушгунча тайёрланар эдим. Умарали ака водийча тавозе билан «шу ишни сизга ишонишимиз-да энди» дебгина қўяр, бошқа аралашмас, текшириб ҳам юрмас эдилар. Йиғин ўтгач, юзларига табассум

тўлдириб, қисқагина қилиб, «чиройли бўлди, баракалла», деб кўярдилар. Сўнг эса минбардаги йўлим ўқитувчиликка уланиб кетди. Бу воизлик машқини кунда олиб бориш дегани эди... Қарабсизки, сўз излаш, сўз ўйлаш, сўзга ранг-тус бериш, уни чиройли ижрода тақдим этиш, аудиторияни маҳв этиш учун ҳар бир ҳужайрамни ишга солиб жанг қилиш, бу дегани – сўзда ўлиб, сўзда тирилиш менинг ҳаёт тарзимга айланди.

Ҳар гал бирор ниятни удалаб минбардан тушар эканман, етмиш икки томирим ёзилган ҳолатда мени шу юмушга йўллаган Умарали домладан миннатдор бўлиб кўяман...

– Турсуной, сенинг 70-йилларда нашр этилган «Куй» деб аталган тўпламингдаги яп-янги шеърлар кўнчилик шеършунос олимлару шеърнараст мухлисларни қувонтириб, энтиктириб юборган эди. Китобинг ҳақида адабиётшунос олим Озод Шарафиддинов, Собир Мирвалиев ва шоиртаъб олим Иброҳим Ғафуров жуда илиқ гапларни айтгандилар, ижодий истиқболинг ҳақида умидли фикр билдиргандилар. Кейин «Гул фасли», «Иқбол», «Дил гавҳари», «Излай-излай топганим», «Гиря» номли китобларинг билан мухлисларни қувонтирдиг. Аммо нега кейинги йилларда насрий ижодга майлинг кучайиб кетди? Ёки кўнгилдаги тўлиб-тошган ҳис-туйғулару қиёмига етган ҳаётий ҳулосаларни бадиий-фалсафий усулда баён қилиш мароқлироқми? Сен бу соҳага шу қадар фавқулодда тез ва бутун салоҳиятингни ишга солиб киришиб кетдингки, бундай ҳескин бурилишининг сабаби бизга қизиқ туйилади. Бу

йўл ҳам сенга шеърятдагидай завқ-шавқ бера оляптими?

– Биласанми, шеърятнинг тўни торроқ, унга сигамадан деб ҳам анча нарса йўқотасан. Насрда эса эркинлик бор, зарур деб билган нуқтанга қайта-қайта урғу беришинг мумкин. Қолаверса, насрда китобхон сенга анча бери келади, бундан фойдаланиб муддаоингни унга тез етказиб оласан. Шеър ўта нафис куй ёки ўта нозик, тансиқ таомдай нарса, уни алоҳида созланиб ёзасан, шеърхон ҳам уни эшитишга, ҳазм қилишга тайёр ва муносиб ҳолатда бўлиши керак. Ёшинг улғайган сари романтик кайфиятларинг тийилиб, сабаб ва натижага ақлинг етиб коларкан. Тўхтамларингда собитлик туяргансан. Асосий вазифанг атрофдан қарзларингни узиш эканлигини, уни фақат одамларни яхшиликка етаклаш билангина адо этиш мумкинлигини тушуниб етаркансан. Шунча нақдинг тилингда, дилингда кўпчиб турсаю бўғин санаб, қофия танлаб ўтирасанми? Қулоч ёзиб сайраб юборгинг келаркан! Наср шеърга қараганда ишчанроқ, ҳаётнинг ғамини кўпроқ ейдиган бўлади. У элнинг шевасида гапиради, ёмғирдай пасту баланд ерга бирдай етиб боради. Қисқаси, одамларга тезроқ етиш учун ҳам шу йўлга ўтдим, шекилли. Дарвоқе, қачон ўтганимни ўзим билмай қолдим. Бу бир куйнинг пардадан пардага кўтарилишидай кечди. Назаримда, бу йўлга мени Ҳақнинг Ўзи туширди, умр давомида мени шунга етилтириб, тайёрлаб келди чоғи...

Аммо, Тўлқин, «наср, наср» деяпмиз. Мен қайси жанрда ёзаяпман ўзи, ҳануз билмайман.

Ўзганларим қисса эмас, хикоя эмас, очерк ҳам эмас! Биров эссе, биров бадиа, биров публицистика дейди. Ўзимга қолса, насрдаги шеърлар деган бўлардим. Ёки бадий педагогика, ёки бадий фалсафа, дермидим! Лекин шуни кўриб турибманки, насрий нарсаларим одамларга кўпроқ керак бўлаётганга ўхшайди...

– *Турсуной, сен шеърый ижодингда ҳам, кейинги бадий фалсафий асарларингда ҳам ота-оналарингни бот-бот эсга оласан, улар сенинг асосий қаҳрамонларингга ўхшаб кетади, сабаб нима?*

– Шу ўзимга ҳам сезилди. Сенинг гапингни кимдир айтишини кутиб юргандим ўзи. Ва шундан келиб чиқиб, «Ризолик излаб» китобимни ёзишдан олдин «шу сафар ота-онамни аралаштирмайман», деб аҳд қилдим. Аммо ёзиб бўлиб қарасам, яна ҳар икки варақнинг бирида уларни ёдлайверибман... Инсончиликнинг сиру синоати бу. Ота-онани қўмсаш ақлу ироданга бўйсунмайдиган, руҳиятининг қат-қатларига сингиб олган эҳтиёжларнинг эҳтиёжидир. Уларнинг ёди айтганки гапинг, ўйлаганки ўйинг, қилганки ишингга аралашиб, эргашиб сен билан яшайверар экан. Бундок қарасанг, фарзанд деган зот энг кўп озорни ота-онасига бераркан. Ота-онангни эслашинг билан ўша айбларинг кўзингга қадалиб олади, хатоларингни таҳлил қилишга тушасан, бу эса сени, албатта, **тавбага олиб келади**. Аслида, уларни ёдга олиш, гуноҳларингни ўйлаб армонга ботиш ҳам ИБОДАТдир!

Шунга қойилманки, ота-онанг бу дунёдан кетганидан кейин ҳам сени тарбиялашда, йўл

кўрсатишда давом этади. Кулоқсиз фарзандлар эса уларнинг панду насихатларига улар ўтиб кетгандан кейингина амал қиладилар! Ота-оналари ерга кўмилгачгина орзу қилинган ақлли инсонларга айланадилар! Водариғ, водариғ!

– Кейинги даврларда Шўро тузуми пайтида яратилган мумтоз асарларга беписандлик билан қараш тенденцияси кучайди. Бундай нигилистларча қарашларнинг асоссизлигини устоз олимимиз Озод Шарафиддинов ўзининг қатор мақолаларида, шунингдек, «Ижодни англаш бахти» китобида ёрқин мисоллар билан исботлаб бердилар. Шу жойда сенинг А. Қодирийнинг «Ўткан кунлар» асарига янгича муносабат билдирган фикрларинг эсимга тушди. Унда Отабек-Кумуш-Зайнаб фожиаларининг талқини бошқача бир нуқтаи назардан ёритилади. Билишимча, сен илгарилари ҳам бу асарга ўз тушунчанг ва эътиқодингдан келиб чиқиб муносабат билдирардинг, шунақамасми?

– Шунга аминманки, пешонасига яшаш мухри босилган асарларгина яшаб қолади. Орага минг даллол тушсин, агар Яратган назар қаратмаса, унинг умри қисқадир. «Ўткан кунлар»нинг муаллифи катагон қилинганда ҳам, ерларга кўмиб юриб бўлса-да халқ ўқийверди. Бу китоб эгаси ўтиб кетгандан кейин ҳам қўлма-қўл бўлиб юрибди. Демак, бу асарнинг илоҳий бир хосияти бор: яъни у инсониятнинг қайсидир касалига шифо бўлгани учун яшаб келяпти. Асарни таҳлил қилганда унинг ўша жон ипини топиб тушунтириш керак. Ақлимиз етилгунча, бу асарни гўзал муҳаббат эр-

таги дея ардокладик. Бугунги пишган кўзимиз билан назар солсак, буюк бир сабоққа кўзимиз тушади: «Экканингни оласан», «Қилмиш-қидирмиш» нақлининг ечилган маънисини кўрамиз. Отабекни олайлик! Айт-чи, биргина Кумушга етишмак учун у неча одамни норизо қилди? Бу нафс эмасми? Худбинлик эмасми? Нафс билан худбинлик бор жойда мухаббат на қилсин! Норизоликлар ичра эришилган бахт омонатлигини, бандани йиғлатиб бандаси хушнуд бўлолмаслигини, айниқса, ота-она норозилиги бутун умрингни синдиришини Отабек мисолида кўриб турибмиз. Қодирийдек ижодкор ҳаёт ҳақиқатини бузиб кўрсатолмасди – Отабек таназзулга кетди, ёзувчи суюкли қахрамонининг ёнини ололмади, чунки Отабек шу қисматга муносиб эди... «Ўткан кунлар» бахтсизликлардан огоҳлантирувчи асар бўлгани учун ҳам ўлмай яшайпти.

– *Турсуной, сен китобларингда одам боласи 50–60 ёшларда ақли пишиб, тафаккури теранлашиб, ҳаётий мулоҳазалари реал асосга эга бўлар экан, деб ёзгансан. Ана шулардан келиб чиқиб айт-чи, бани башар фарзанди учун тугал бахт борми ёки одам нималарга эришса, умрининг охирида ҳар ҳолда бахтсиз эмас эканман, деган хулосага келиши мумкинми?*

– Инсон – яралишидан бахт уруғлари сепилган макондир. Унга кўриш, сезиш имконияти, юриш-югуриш, орзу қилиш ва яратиш ҳамда ўзидаги бундай сазоворликни англаши учун ақл-тафаккур имкониятлари берилган. Ўзидаги неъматларни топса, баҳолай билса ва ундан унумли фойдаланса,

вужудидаги бахт уруғини илдиз оттирган бўлади. Ўз имкониятларига ихлос билан ёндашса, нафс, кибр ва бетокатликнинг бўйнини синдириб, ўзини меҳнат-фаолиятга мажбур қила билса, ҳаёти бахт боғига айланади. БУНИ ЎЗИДАН ЎЗИНИ ТО-ПИШ ДЕЙДИЛАР!

Аллоҳ бандани севгани учун берадиганини берди — уни бахт унадиган маконга дўндирди. Бу ёғи инсоннинг ўзига боғлиқ: шайтон билан қанча тиллашса, қисмати шунча кирлашиб бораверади. Ёлғон, ҳасад, ҳаром, хиёнат, нафс, дилозорлик ва илмсизлик бор маконда бахт яшолмайди.

Ёшинг бир жойга бориб, ортингга назар солганингда изингда кимдир сени деб изиллаб, бўзлаб, сени қарғаб, норизо қолмаган бўлса, шу бахт! Кучинг кетганда ёнингда тирговучинг бўлса, чанқасанг бир пиёла сув узатгучинг бўлса, шу бахт! Хеч кимдан гинанг бўлмаса, тўғрироғи, одамларга кек сақлай билмасанг, ҳамма ишни Яратгандан деб билсанг, бу буюк бахт! Инсон ҳар қандай қийинчилик ичида ҳам шукр қилса бўладиган имконлари борлигини кўра билиши керак. Ўзини юпата билиш ҳам Бахт! Шукрни, сабрни таниш ҳам Бахт!

Навоий ҳазрат айтадилар:

*Навоий, ўзни хуш тутким, кишига даҳр иши
бордир,*

*Агар осон тутар осон ва гар мушкул тутар
мушкул.*

Шундай, дўстим, бахт ва бахтсизликни ясайдиган макон ўзинг.

— Охирги саволим шуки, сен сутканинг қайси вақтида ишлайсан, ижод қиласан, илҳоминг ке-

лади, кўпроқ хурсандчилик пайтингдами ёки бирор нарсадан хафа бўлганингдами? Ёзганларингни қайта-қайта кўчирасанми ёки бир марта ёзганингдаёқ кўнглингдагидай чиқадими? Бу саволни шунинг учун беряпманки, китобларингни ўқиган кишида бир ўтиришда ёзиб қўйилгандай таассурот қолади. Баъзан жумлаларинг грамматик қонун қоидаларга тўғри келмагандай кўринса ҳам, бироқ фикрларинг тиниқ, мантиқи кучли, китобхоннинг онгига енгил сингади ва сенинг баён қилишдаги ўзингга хос услубингга қойил қолмай илож йўқ. Бунинг сири нимада?

– Куннинг иккинчи ярми ва тунда унумли ишлайман. Кайфиятим тарангрок турса, фикрларим тез ковушади.

Эсингдами, раҳматли Абдулла Қаххорнинг: «Агар менчалик уринса, маймун ҳам ёзувчи бўлиб кетарди», дегани? Ўша гапда жон бор экан. Қандай ишлашимни билгинг келса, айттай! Биринчи жумлани ёздим дейлик, кейин уни тўлдирдим, шиббаладим, пишди! Энди иккинчи жумла ҳам тушди, аммо ўкиб кўришни биринчи жумладан бошлайман, иккала жумла яна текисланади, учинчи жумла ёзилди, ўкишни яна биринчи катордан бошлайман ва ҳоказо! Агар икки бетли нарса ёзсам, у тахминан олтмишта гапдан иборат бўлса, қайта-қайта тўғрилаб, яна ўкиб чиқишлар ҳисобга олинса, ҳар бир жумлани юз мартача қайта ўқирканман! Ўқийвераман, ўқийвераман, то жумлаларнинг ҳамма ғадир-будир кетиб, атирсовундай силлиқ ва муаттар бўлмагунча кейинги сатрга ўтолмай гураман. Бутун бошли китоблар

ёд бўлиб кетади, муҳаррирлар «ва» нинг ўрнига «хам» қўйиб қўйса дарҳол биламан. Яхшиям бахтимга компьютер бор, жоннинг роҳати! Йўкса, шунча ўчириб, шунча қайта қўчиришга кўзим ҳам, ўзим ҳам ярамасдим.

– Ижодингга, ризқингга барака берсин, юрагинг булбулзор, сўзларинг булоқ бўлиб, элни рози қилиб, узоқ-узоқ яшаб юргин, сенга соғлик дуосидаман.

– Раҳмат, жўражон!

ХОТИМА

– Янги асрнинг бошида туриб ўз дилингиздан нималар кечмоқда?

– Яқинда Самарқандни қайта зиёрат қилдим. Ҳазрат Имом Бухорий, Амир Темур бобомиз, Улуғбек Султон, Хўжа Аҳрори Валий, Маҳдум Аъзамларнинг пойида сел бўлиб ўтирдим. Улуғбек расадхонасига қадам босганда бўғзимга фарёд тўлди! Ўзимни тутолмай қолдим. Бу ҳайрат йигиси, фахр йигиси эди! Бу бурч йигиси, қарздорлик йигиси эди! Бир томирдан шунча улуг унса-я! Қандай даражотли наслимиз бор-а, азишим! Шу занжирнинг бир ҳалқаси бўлганимиз учун Аллоҳга миллион шукр! Аммо бугунги шу туришим билан мен бу шажарага ярашяпманми ё йўқ? Улар босган заминга арзон изларимни солиб қўймадимми? Туққан болаларим қай баҳоли бўлди?.. каби изтироблар ичра қолдим. Ватан озод бўлди. Миллатнинг қўлидан, дилидан кишан тушди. Энди ухлоқ томирларимизни уйғотгин,

Эгам, дейман! Тафаккуримизни қўзгатгин, вужудларда ўзлик ҳужайраларини бодроқдай очилтириб юбор! Миллат боласининг бармогини авж пардага сур, ... деган илтижолар тўкилади дилимдан. Ва тилайманки, йигирма биринчи аср миллат аёлларини аслига қайтарувчи, аслидан-да ўздирувчи аср бўлсин!

Ўзбек ойим, мен ва мен кабилар уддаламаган ишни сиз қилинг: сиз биздан юксакроқ бўлинг, овозингиз адл бўлсин! Ўтинаман сиздан, ХХІ асрда ҳеч йўқ битта Улуғбек туғиб беринг! Ҳеч йўқ битта Беруний, битта Навоий, яна битта Тўмарис туғиб беринг! Бу тупроқнинг норизолиги уриб қўямасин бизни! Бу улуғларнинг руҳи суд қилмасин бизни! Ўзингизга айланинг энди, ўзбек ойимлар!

МУНДАРИЖА

Муаллифдан	3
Ки номим Андижонийдир!	5
Асосий тарбиячи ким?	8
Одам қиёфасидаги махлуқ	11
Тўнингни тескари кийиб ол!	12
Бош иллат эркакларда!	14
Бахтли бўлгинг келяптими?	16
Ихлос улғайишга етаклайди	17
Инсоннинг фожиаси нимада?	18
Барибир хатар бор!	18
Яхшиликни куйдирадиган бало	19
Ўзинг ўзингга халоскорсан	20
Онасининг онаси ким?	22
Куёв сотиб олинадими?	23
Юраги кулфланган ўғил	25
Ким ўғлини келинидан қизғонади?	27
Сен жуфтингни ёмон кўрмайсан!	30
Эркаксифат аёллар қачон тугайди?	36
Нега турмушга чиқдинг?	40
Икки дунёси куяётган ўғил	44
Ёлғизлик банда учун эмас	48
Аслинг муҳофазангдир!	49
Синовга яроқли бўлингиз!	51
Онамдан кейинги онам келинимдир!	52
Яраштирувчи бўл	55
Гўристонлар гапира олмайди!	57

Бахт каерда.....	58
Хола она ўрнидадир	61
Бахт ва армон	62
Ортиқча куйиш – хатарли!	63
Қиёмат қарз	64
Аслингни асра!	66
Биз ўзимиз киммиз?	68
Одам эмас, бўшлиқ!.....	71
Жазо	72
Янги йил остонасидаги дуолар.....	74
Болангиз биттами?	76
Пойгакни макон тутинг!.....	79
Кимга ишонса бўлади?.....	81
Мен бу дардга қачон йўлиқдим?.....	83
Ўзимдан кўнглим тўлмади.....	84
Ҳар кимни отаси боқсин!.....	86
Аёл бошқариш ҳам илм	88
Эркакнинг бахти нимада?	90
Фарзанд – ширин душман	94
Ўз «бахтини» ясаган эркак	96
Ўзингизни етаклай оласизми?.....	100
Бола қачон одамга айланади?	102
Мунглиларнинг дуосини олинг!	105
Ҳақиқий онанг қайнонангдир!.....	108
Тузлукка туфурма!.....	110
Бугунги эркаклар.....	113
Она айтолмайдиган гаплар	122
Агар ҳукм бузилса	125
Қизингиз тиниб-тинчисинми?	128
Ким қайнона бўлмоқчи?.....	132

Қайнонамга қандай ёқай?	135
Тенг тенги билан	138
Жаннат оналар оёғи остидадир	142
Балодан ҳазар	146
Ўзингизни енгиш шайтонни енгиндир	149
Қувилган она	151
Энг тотли байрам	158
Иссиқ шева	162
Яшил чирок	164
Илоҳий занжир	167
Сиз болангизга кимсиз?	171
Кўчада ким гап сотади?	174
Рашк	177
Назардан кўрк	179
Эркак қачон хиёнат қилади?	182
Экканингни оласан	184
Энди майдалашма	188
Эҳтиёт чораси	189
Дуоси ўтмайдиган ота	191
Синглим Зумрадхон	194
Сенинг иккинчи муаллифинг	198
Рўзғор – бу муроса	200
Ўз уйим – ўлан тўшагим	203
Боланг кўриб турсин	205
Илоҳий огоҳлантириш	207
Ширинлик Фарҳодга жавоб	209
Аллоҳ кечиргувчидир	212
Муҳаббат қаерда яшайди?	214
Ўғри кимдан туғилади?	216
Ҳақиқий бахт	218

Очиқ суҳбат	222
Умр биттадир	237
Энг улуғ эҳсон	238
Фойдали таназзул	240
Отангни бозорга солма!	243
Одам ўғрисининг тақдири	246
Овсинчилик	248
Лафз ҳам имондандир	252
Онасини малол олган ўғил	256
Рақибингни дуо қил!	259
Эҳсон нима?	260
Камбағаллик қисматми?	263
Зотни яхшилаш мумкинми?	264
Насл мўъжизалари	266
Аросат нима?	269
Икки дунё саодати нима?	271
Ўзимизга юриш қилайлик	273
Муҳаббатга ким лойиқ?	275
Гина қурбонлик сўрайди	279
Жуфтсизлик – ғариблик	280
Уялиш ҳам ибодатдир	281
Насихат нима?	283
Уйини севмаган аёл	284
Ичувчи ким?	287
Тилингни пойла!	293
Кимлигингни айтайми?	298
Бахтсизликдан қутулса бўладими?	300
Замонавий аёл ким?	304
Ёлғон – ёмоннинг иши	305
Меъёрни билмаслик нодонликдир	308

Ориятинг аёлингдан қимматдир, ўғлим!	312
Оптимизда ким қоляпти?	315
Қизинг ўзингга ўхшамасин	319
Ҳаром лукма еганининг қисмати	322
Торға тор дунё	324
Хотима ўрнида	326
Сабаб ва натижа	329
Изҳори дил	329
Ақлингни уйғот!	336
Оила кураш майдони эмас!	339
Юрагимнинг кўзлари	343
Ўзинг учун ўзинг ҳушёр бўл!	343
Ўзим ясаган бахт	345
Албатта бахтли бўласан!	349
Бошсиз одам	351
Бола кўчада айнамайди	353
Ёмоннинг қизи	356
Ҳожилар кимлар?	359
Менинг Муҳтарама момом	363
Энг қиммат мерос	368
Турмуш факат жуфтингдан иборат эмас!	372
Бош пимага керак, болажон!	374
Кибр кимда бўлади?	376
Минг Хизрга тенг кишинг	378
Қайта тикланиш фасли	381
Андиша деб ғафлатда қолма!	383
Ҳайдалишга муносиб эр	387
Нозик савол	391
Ўзим ҳакимда	393
Рўзгор фарзлари	408



Аёллик салтанати.....	420
Йигитлик шаъни.....	430
Имон уйғоқ бўлсин!.....	434
Ки сен ҳам хур туғилғонсен!.....	442
Ҳазрати эркак ҳақида суҳбат.....	454
«Тафаккур» журнали билан суҳбат.....	463
Юраги булбулзор, сўзлари булок ...	470
ХОТИМА	499



Адабий-бадгий нашр

ТУРСУНОЙ СОДИҚОВА

БАХТ ҚАЕРДА...

4-жилд

Мухаррирлар: *Г. Азизова, И. Аҳмедов*

Рассом *Б. Зуфаров*

Бадгий муҳаррир *К. Васихова*

Техник муҳаррир *Л. Хижова*

Кичик муҳаррир *Д. Холматова*

Мусаххих *Ш. Орипова*

Компьютерда тайёрловчи *Д. Габдрахманова*



Нашриёт лицензияси АИ № 158.14.08.09.

Босилга 2013 йил 24 декабрда рухсат этилди.
Бичими 80x100^{1/32}. Офсет қоғози. «Virtec Peterburg»
гарнитурасида офсет усулда босилди. Шартли босма
табоғи 22,94. Нашр табоғи 19,91. Адади 2000 нусха.
Буюртма №13-397.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг
«O'zbekiston» нашриёт-матбаа ижодий уйи.
100129. Тошкент, Навоий кўчаси, 30.

Телефон: (371) 244-87-55, 244-87-20
Факс: (371) 244-37-81, 244-38-10
e-mail: iptduzbekistan@iptd-uzbekistan.uz
www.iptd-uzbekistan.uz

Содиқова, Турсуной

С-75 Бахт қаерда... Жилд 4 / Т. Содиқова; масъул муҳаррир Х. Маҳмудова. – Тошкент: «O'zbekiston», 2013. – 496 б.

ISBN 978-9943-28-021-2

**УЎК: 821.512.133-1
КБК 87.7**